

ТИББИЁТ КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН  
ЎҚУВ АДАВИЁТИ

А. Б. ФАНИХЎЖАЕВА, Ҳ. А. НАЗАРОВА

# МИКРОБИОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тиббиёт коллежлари ва билим юртларининг ўқувчилари учун дарёлик сифатида тавсия этган

ТОШКЕНТ  
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
ТИББИЁТ НАШРИЁТИ  
2002

ТИББИЕТ КОЛЛЕЖЛАРИ ҮҚУВЧИЛАРИ УЧУН  
ҮҚУВ АДАБИЁТИ

А. Б. ФАНИХЎЖАЕВА, Х. А. НАЗАРОВА

# МИКРОБИОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тиббиёт колледжлари ва билим юртларининг үқувчилари учун дарёлик сифатида тавсия этган

ТОШКЕНТ  
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
ТИББИЕТ НАШРИЕТИ  
2002

Тақризчи: тиббиёт фанлари номзоди

Нсахұжасева.

**Ғанихұжасева А. Б., Назарова Ҳ. А.**

F 21 Микробиология; Тиббиёт колледжлари ва билим юртлагарининг ўқувчилари учун дарслык. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2002.—368 б.  
 Сарлавҳада: ғұрьев Олий ва ўрта махсус таълим вазирлігі.  
 1. Муаллифдом.

Ўзбекистон мустақилликка әршігандай сўнг Республика Соглиқини сақлаши тизимида чуқур ўзғарыштар, ислоҳоттар амалга оширылмоқда. Она ва бола саломатлігі, экология мұаммолари ва юқумли касаллікларга қарши қурашиш, ахоли ўртасыда профилактика ишларини олиб бориш мұхим вазифалардан биридей.

Ўшбу ўқув адабиетиниң тайёрлашдан мақсад тиббиёт колледжлари талабаларига микробиология фаны асослари, юқумли касаллікларни құзғатуവىي микроорганизмлар, уларнинг эпидемиологиясын ҳақыда түшүнчә берип, касаллікларнинг олдини олишда ўрта тиббиёт ҳодимининг вазифалари ва ўрнини ёриттишdir.

ББК 28. 4 я 722

F 1905000000-06  
 М 354(04) 2002

© Абу Али ибн Сино  
 номидаги тиббиёт нашриёти,  
 2002.

ISBN 5-638-00933-7

## **МИКРОБИОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

Микробиология — биологиянинг бир бўлиб, микроорганизмнинг ташқи муҳит билан боғлиқлигини ва унинг ривожланишини ўрганади.

Бу фан микроорганизмларнинг хоссаларини, шунингдек улар чақирадиган касалликларни ва ташқи муҳит объектларида микроорганизмлар келтириб чиқарадиган жараённи ўрганади. Микроорганизмларнинг фойдали хоссалари ҳам бўлиб, улардан халқ хўжалигида кенг фойдаланилади.

Микроорганизмлар табиатда кенг тарқалган, улар сувда, тупроқда, одам ва ҳайвон организмида учрайди. Айрим микроорганизмлар ёрдамида табиатда моддалар алмашинуви (органик чиқиндиларнинг микроорганизмлар таъсирида ноорганик моддаларга айланishi ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши) содир бўлса, бошқа микроорганизмлар эса одам ва ҳайвон организмида касалликларни келтириб чиқаради. Микробиология кенг қамровли бўлиб ўз навбатида бир қанча мустақил фанларга бўлинади. Умумий микробиология — микробларнинг тузилиши, ҳаёти, табиатда тарқалиши, ўзгарувчанлик ва ирсий белгиларининг берилишини ўрганади. Тиббиёт микробиологияси — организмда касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмларни ҳамда улар организмга кирганда юзага келтирадиган жараёнларни ўрганади. Тиббиёт микробиологиясининг вазифаси — юқумли касалликларни аниқлашнинг лаборатория-диагностика усулларини, иммунобиологик тиббиёт препаратларини ишлаб чиқиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш чоратадбирларини ишлаб чиқишдан иборатdir. Тиббиёт микробиологияси курсий умумий ва хусусий микробиология қисмларини ўз ичига олади.

Умумий тиббиёт микробиологияси микроорганизмларнинг хоссалари ва уларнинг хўжайин организми билан ўзаро таъсирини ўрганади, хусусий тиббиёт микробиологияси эса маълум бир касаллик қўзратувчисининг хоссаларини ва уларнинг лаборатория диагностикаси усулларини ўрганади.

Ҳозирги вақтда тиббиёт микробиологиясидан вирусология (вируслар ҳақидағи фан), протозоология (сада жониворларни

ўрганиш), микробиология (замбуруғларни ўрганади), иммунология (организмда содир бўладиган ҳимоя жараёнини ўрганиш).

Санитария микробиологияси (ташқи мұхитда ҳаёт кечиравучи микроорганизмларни ўрганади), космик микробиология (космик шароитларнинг микроорганизмга таъсири ва космосда одам микрофлораси ўзгаришини ўрганади).

Ветеринар микробиология ҳайвон организмидә касаллик қақиравучи микроорганизмларни ўрганади. Бу фан тиббиёт микробиологияси билан чамбарчас боғлиқ. Чунки күпгина микроорганизмлар одам ва ҳайвонлар организмидә касаллик қўзгатади.

Саноат микробиологияси озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатида қўлланиладиган озиқ-овқат ва бошқа моддаларни микроорганизмлар таъсиридан ҳимоя қилишда антибиотик ва бошқа доривор моддалардан фойдаланишини ўрганади.

Агромикробиология тупроқ тузилиши ва унинг ҳосилдорлигини оширишда микробларнинг роли ва аҳамияти ҳақидаги фан. Инсон микроорганизмлар очилишидан олдин улар билан тўқ наш келган. Ҳамир оширишда, сутни ивлишида, узум шарбатини ачтишда ачитқиласардан фойдаланганлар. Инсониятга азалдан маълумки, айрим касалликлар бутун шаҳар ва қишлоқ аҳолисини ўлнимига сабаб бўлган. Қадимий грециялик шифокор Гиппократ юқумли касалликлар ва алоҳида касаллик түғдирувчи буғлар ҳақида ёзib қолдирган ва уларни «миазмалар» деб номлаган. Шундай фикрлар италиялик шифокор Жироламо Фракасторо (XVI аср) томонидан ҳам билдирилган, у «тирик, майда ва бизнинг сезги аъзоларимизга мушкул бўлган зарражалар» одам организмига кириб касалликни келтириб чиқариши ҳақидаги назарияни яратди. Юқумли касалликнинг сабабчиси тирик организмлар эканлиги ҳақидаги фикрни XVII аср бошларида Афанасий Кирхер айтib ўтган. Бундай тахминларни голландиялик табиатшунос Антони ван Левенгук (1632—1723) тўлиқ исботлаб берди. У қабариқ линзалардан 160 марта катталаштириб кўрсатувчи микроскопни яратди. У микроскоп ёрдамида туриб қолган ёмғир сувларини, тиш қириндиларини ва бошқаларни кўриб, расмии чизади ва уларни тирик мавжудотлар деб номлайди. У ўз кузатувларининг расмларини Лондонга, қирол жамиятига жўнатади. Шундан бошлаб, микробиологиянинг морфология қисмига асос солинди ва микроорганизмлар шарсизмон, таёқчасизмон, бурамали шакллар сифатида ўрганилиб келинмоқда.

1771—1772 йиллари ҳарбий шифокор Даниил Самойлович Москвада тоун (чума) эпидемиясини алоҳида организм келтириб чиқаради деган хulosага келди. У биринчи бўлиб тоун билан касалланган беморнинг кийимларини дезинфекция қилди. Кучизлантирилган ўлат микроби билан соғлом одамни ва беморлар билан контактда бўлганларни эмлади. Эмлашнинг касалликнинг олдини олишда қўлланилиши одамлар ишончини

қозонди. Сунъий эмлашда касаллик енгил ўтади ёки одам умуман касалланмайды.

Чечак касаллиги күпчиликкіннің ёстиғінни құртады. 1723 йилда Парижда чечакдан 20000 киши, Неаполда 1768 йилда 16000 киши бир неча ҳафта ичінде ҳаётдан күз юмган.

Англиялық шифокор Эдуард Дженнер чечак билан касалланған беморлар билан күргина алоқада бұлғанида ҳам касалланмаётган одамларни аниқлады. Бу ҳол күшинча сут соғувчиларда кузатылды. Улар чечак билан касалланған ҳайвонларни соғанларда сигир чечаги билан билмаган ҳолда заرارланғанлар. Бұу текширишлар 10 йил давом этди. 1796 йылда Дженнер соғлом болани сигир чечагининг йириңгі ажралмаси билан эмлади. 1,5 ойдан сүнг шу болага чечак билан касалланған бемор материалдан юборди. Бола касалланмайды. Шундан бошлаб, чечакка қарши эмлаш бошланиб, милионнаб кишилар ўтимиңнің олди олинди.

Орадан бир неча йыллар үтгач, Левенгук организмларда ісқұмли касалникларни көлиб чиқишида тирик мавжудоттарыннің ҳеч қандай алоқаси йүқ деган фінкни илгари суралы. XIX асрга көлиб франциялық олим Луи Пастер (1822—1895) ісқұмли касалникларыннің көлиб чиқишида микроорганизмларыннің ахамиятini ва уларга қарши курашиш усуllibарини илмий асосынан берди.

Л. Пастернің соңаси кимёгар химик бўлиб, у микроорганизмнің яшаш мүхитинінга эмас, балки мүхитнің кимёвий тарқибини ҳам ўзғартириш хоссасынша эга эканынні ишботлаб берди. У бижғиши ва чириш жараёни микроорганизмлар таъсирида боришини ишботлаб берди.

Пастер томонидан кислороденін шароитда яшайдын микроорганизмлар (анаэроблар) аниқланған. Үннің мүхим хизматтаридан бири тирик организмларда мосланиш ўз-ўзидан содир бўлмаслигини ишботлаб бериши бўлди. Бу мұаммо анча йиллардан бери күргина олимларни бошини қотириб кетар эди. Пастер ўз тажрибасыда озиқ мүхитларига микроорганизмлар фақат ҳаво орқали тушишини күрсатади. Буннің учун S шаклидаги колбада қайнатылган озиқ мүхитни анча вақтгача очиқ қолдирған, натижада у тирик (стерил) қолған, чунки ҳаводан тушиған микроблар колбанинг бўғзинга ўқиб мүхитга тушмаган. Бундан ташқари, Пастер Франция иқтисодиётінде катта зарап кўрсатадын ипак құртларига ва улар келтириб чиқарадын касалникларга қарши кураш чораларини ҳам топди.

Фан тарихида бириңчи бўлиб Пастер микроорганизмларни юқори ҳарорат таъсирида йўқотиш усулини ишлаб чиқди, бу усульні стерилизация дейилади. Қайнатганды ўз хоссасини йўқотадиган озиқ-овқат маҳсулотларини стерилизация қилишдан «юмшоқ» усульда пастериллизация қилинши таклиф этади. Бу маҳсулотларга юқори бўлмаган ҳарорат бир неча марта таъсир этади. Пастер микроорганизмларыннің инсон ҳаётидаги ахамия-

тини, яъни юқумли касаллуклар улар таъсирида юзага келишини исботлаб беради. Унинг бу ихтироси биология фанининг ривожланишига ва янги тибиёт микробиологияси фани юзага келишига сабаб бўлди. Пастер фаолиятининг яна бир ютиғи вакцинани (лотинча  *vacca*—сигир) яратилишидир. Бу сўз орқали Пастер кучизлантирилган микроб культурасини тушуниради, бу микроорганизмлар организмига юборилганда касаллик келиб чиқмайди, балки одам ва ҳайвонлар уларга берилмайдиган бўлади.

У вабо қўзғатувчисини сақловчи культурадан кучизлантирилган вакцина тайёрлайди ва товуқларни шу вакцина билан эмлайди. Шундан сўнг товуқларни тирик кучли микроб культураси билан заарлайди. Товуқлар тирик ва соғ қолади. Худди шундай усулда куйдиргига қарши вакцина яратилди ва сигир, қўйлар шу вакциналар билан эмланиб, касалликнинг олди олинди.

1885 йили Пастер қутуришга қарши вакцинани таклиф қилиди, чунки қутуриш қўзғатувчисини микроскоп остида ҳам, сунъий озиқа муҳитида ҳам аниқлаб бўлмасди. Пастер вакцинани тайёрлаш учун қутирган ит миёсидан фойдаланди. Бу қўзғатувчини сақловчи культурани қуёндан-қуёнга юқтириш ва юқиш даврларини қисқартирган ҳолда қуённи қайта-қайта эмлаш йўли билан тайёрлайди. Шундай вакцинани итларга юборилганда яхши натижা берди. Пастер қутурган ит тишилаган болага шу вакцинани юборишига қарор қиласди ва уни ўлимдан сақлаб қолади. Қутурган бўри тишилаган рус дәҳқонининг Парижга келиши ва унинг эмланиши кейинги ютуқлардан ҳисобланади.

Пастер тажрибаларига суюнган ҳолда англиялик жарроҳ Д. Листер 1867 йили жароҳатни ва боғлов материалларини микроорганизмлар ўсмаслиги учун карбол кислотаси билан ювишнинг антисептик усулини таклиф этади.

Луи Пастернинг амалга оширган ишлари унинг биринчи лабораторияси хотира лавҳасида қисқача қилиб ёзиб қўйилган.

«Бу ерда Пастер лабораторияси бўлган»

1857 — бижриш

1860 — ўз-ўзидан заарланиш.

1865 — мусаллас ва пиво касаллуклари.

1868 — ипак қурти касаллуклари.

1881 — юқумли касаллик тарқатувчи микроорганизмлар ва вакциналар.

1885 — қутуршдан сақланиш.

Пастернинг олиб борган илмий изланишлари микроорганизмларнинг юқумли касаллукларни келиб чиқаришдаги аҳамиятини кўрсатиб берди. У сунъий озиқа муҳитларида микробларни ўстиришни ўрганди, лекин қўзғатувчиларни фарқлаш усулини била олмади. Немис олими Роберт Коҳ (1843—1910) микро-

организмларни ўстиришда алоҳида колония ва соф културанни ажратиб олишда зич озиқа муҳитни амалиётда қўллади.

Р. Кох биринчи бўлиб микроорганизмларни бўяшда анилини бўёқларни қўллашни, микроскопда кўраётганда ёритгичдан фойдаланиши, иммерсион системада кўришни, расмга олишини тақлиф қиласди.

У 1882 йилда сил қўзғатувчисини (Кох таёқчаларини) ва 1883 йилда вабо қўзғатувчисини аниқлади.

XIX аср охирида бўғма қўзғатувчиси (Э. Клебс ва Ф. Лёффлер), қорин тифи (К. Эберт ва Г. Гаффки), қоқшол (А. Николайер ва С. Китазато), дисентерия (А. В. Григорьев) ва бошқа қўзғатувчилар аниқланди, 1874 йил Қозон университети профессори Т. Н. Минх қайталама тиф билан касалланган бемор қонини ўзига юбориб тажриба ўтказди. У касаллик қон сўрувчи ҳашаротлар орқали тарқалади деган тахминни айтди. Икки йилдан сўнг О. О. Мочутковский Минх тажрибасини тақрорлади. Ўзига тошмали ва қайталама тиф билан касалланган беморнинг қонини юбориб Минх томонидан айтилган тахминни, яъни қўзғатувчини бемор қонида учрашини исботлаб берди.

Д. И. Ивановский (1864—1920) тамаки баргининг мозаик касаллигини ўрганади ва бу касалликни майда агентлар келтириб чиқаради деган фикрга келади. Ивановскийнинг бундай фикрга келишининг сабаби, у касалланган тамаки баргидан тайёрланган суюқликни майда фильтран ўтказиб, соғлом ўсимликка юборганда унинг заарланиши бўлди. Бу инфекцион касалликларни вирус табиатлигини исботловчи биринчи ишлардан эди.

Микробиология фанининг ривожланиш тарихини шартли равишда бир қанча даврларга бўлиш мумкин.

Морфологик давр бу даврларда микроорганизмларнинг морфологияси (А. Левенгук) ўрганилади.

Физиологик давр Л. Пастер, Р. Кох ишларни билан боғланган. Иммунологик-вирусологик даврда иммунитет ва вирусология назариясига асос солинди.

Рус олимни И. И. Мечников (1845—1916) микробиология фанининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. У иммунитет назариясини, яъни организмнинг юқумли касалликларга берилиб маслигида тўқималарнинг ҳимоя роли ҳақидаги назарияни яратди. У организмнинг айрим ҳужайралари (лейкоцитлар, талоқ ҳужайралари, суяқ қўмиги ва бошқалар) бегона моддалар, бактерияларни ушлаб олиш ва ҳазм қилиш хоссасига эга эканлигини тушунтириб берди.

Бундай ҳужайраларни фагоцитлар (phago — ютаман, сүтос — ҳужайра), бу жараённи эса, фагоцитоз деб атади. Яллиғланиши ўрганишда фагоцитоз асос бўлиб ҳисобланади. Мечников айтганидек, фагоцитоз касаллик чақирувчи микроблар организмга кирганида организмнинг фаол реакцияси бўлиб ҳисобланади. Мечниковнинг фаолияти кенг ва кўп қирралидир. У

организмнинг қариш сабабларини аниқлаган ва инсон ҳаётини узайтириш йўлларини қидирган. У ичакда яшовчи чиритувчи микроорганизмлар таъсирида ҳосил бўлган заҳарли моддалар организмни заҳарлайди деб тушунтиради. Бунинг олдини олиш учун чиритувчи микробларга антагонистик таъсир кўрсатувчи сут ачитқи бактерияларини ичакка юборишни тавсия этади. Ичак микрофлорасининг бундай ўзгариши натижасида чиритувчи заҳарлар олам организмига камроқ таъсир қиласди ва инсон ҳаёти узаяди: Ҳозирги вақтда исботланишига кўра ичакнинг доимий флорасини ўзgartириш мумкин эмас, лекин Мечниковнинг бир турдаги микробларнинг бошқа микроорганизмларга таъсирни ҳақидаги фикрлари юқумли касалликларни даволашда антибиотиклардан фойдаланиш имконини беради. Мечников вабо, қорин тифи ва сил қўзғатувчиларини ўрганди. У 1886 йилни Одессада биринчи бактериологик станцияни ташкил қилди ва микробиологлар мактабини очди. Мечниковнинг яқин ёрдамчиси ва шогирди А. М. Безредконинг (1868—1940) иммунитет муаммолари ва анафилаксия ҳақидаги ишлари амалиётда кенг қўлланилмоқда. Л. А. Тарасевич (1868—1927) ҳам Мечниковнинг шогирдларидан бири, у иммунитет ва анафилаксия механизми устида ишлар олиб борган. Эпидемияга қарши курашда яхши ташкилотчи бўлиб сил ва ичак инфекциясига қарши эмлаш ишларини олиб борган. У 1918 йилда зардоб ва вакциналарни назорат қилувчи институтни ташкил этди.

Мечниковнинг шогирдларидан яна бири П. В. Циклинская-нинг (1859—1923) асосий ишлари ичак флорасин ва унинг инсон саломатлигидаги аҳамиятига бағишлиланган.

Мечниковнинг Одесса бактериологик станциясидаги ёрдамчиси Н. Ф. Гамалея (1859—1979) биринчи бўлиб кимёвий вакцинани қўллаган. У қутириш, сил, вабо, қўзғатувчиларини ўрганди. 1898 йилда Гамалея бактерияларни эришини — бактериофагияни кузатган.

Г. Н. Габричевский (1860—1907) Москвадаги микробиология мактаби асосчиларидан бири бўлиб, у гемолитик стрептококклар скарлатина касаллигининг қўзғатувчиси эканлигини аниқлаган ва касалликка қарши вакцинани таклиф қилган, натижада бу касалликдан ўлиш бирмунча камайган. Габричевский бўғма касаллигини даволашда зардолардан фойдаланиб катта ютуқларни қўлга киритди.

Д. К. Заболотний (1866—1929) таниқли микробиолог ва эпидемиолог. Уни эпидемиология асосчиси деб ҳисоблаш ҳам мумкин. У тоун (чума), вабо, захмларга қарши кураш чораларини ўрганди. У ўлик вакцинани оғиз орқали юборганда вабо касаллигини олдини олиш мумкинлигини аниқлаш учун ўзини вабо вибрионини сақловчи аралашма билан заарлайди. Бундай тажрибани И. Т. Савченко ҳам олиб борган.

Умумий микробиологиянинг асосий қисмларидан бирини тупроқ микробиологияси эгаллайди, С. Н. Виноградский бу

фанга асос солтганлардан дир. (1856—1953). У тупроқда азот, углевод, фосфор, олтингугурт ва темирнинг ҳосил бўлишида микроорганизмларнинг аҳамиятини, тупроқдаги нитрификация жараёнида азотни фиксацияловчи бактерияларни ўрганган.

З. В. Ермольева (1898—1974) вабо ва унга қарши кураш чораларини олиб бориб, уруш йилларида биринчи бўлиб пенициллинин яратган ва минглаб кишиларнинг ҳайтини сақлаб қолган.

П. Ф. Здродовский (1890—1976) риккетсиоз ва бруцеллез касалликларини ўрганади. Шунингдек, у кўпгина касалликларни даволовчи ва олдини олувчи препаратларни яратади. Солда жониворлар келтириб чиқарадиган материя (безгак) ва ишак касалликларининг иммунологияси билан шуғулланади.

XIX асрнинг биринчи ярмида бир қанча юқумли касалликларни қўзғатувчи микроорганизмлар аниқланади ва микробиология соҳаси тез ривожлана бошлади. Бунинг натижасида юқумли касалликлар ҳақидаги маълумотлар ҳам анча кўшайди.

XX асрнинг бошларида Туркистонда юқумли касалликлар ва уларнинг қўзғатувчиларини ўрганиш шу ерда яшаган олимлар П. Ф. Боровский, А. Д. Греков Л. М. Исаевлар томонидан амалга оширилган.

Албатта бу ишда ўзимизнинг ўзбек олимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Бу соҳада илмий иш олиб борган ва кўпгина илмий ходимлар тайёрлаган олимлардан Т. Х. Нажмиддинов, В. М. Мажидов, И. К. Мусабоевларнинг номларини тилга олиш ўринлидир. Ўзбекистон фанлар Академияси академиги, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор И. К. Мусабоев раҳбарлиги остида ичбуруғ, вирусли гепатит, вабо, дифтерия каби касалликларининг патогенези ва даволаш усулларини такомиллаштириш ҳақида илмий ишлар ёзилган.

Ҳозирги кунда болаларда учрайдиган юқумли касалликларни ўрганишда олимлардан Ўзбекистон фанлар Академиясининг академиги, профессор Т. О. Даминов, профессор О. С. Маҳмудов, Ш. Н. Назаровлар кенг илмий изланишлар олиб боришяпти.

Шу жумладан Ўзбекистон фанлар Академияси ва Россия Тиббиёт фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. О. Обидовнинг микробиология ва иммунология соҳасидаги, профессор С. С. Махсумовнинг вирусологияга онд илмий ишлари катта аҳамиятга эга.

# УМУМИЙ МИКРОБИОЛОГИЯ

## 1-боб. МИКРОБИОЛОГИК ЛАБОРАТОРИЯ

Микробиологик лаборатория касалхоналар, поликлиникалар, санитария-эпидемиология станциялари, илмий текшириш институтлари қошида ташкил этилади.

Тиббиёт микробиологик лабораториясининг вазифаси юқумли касалликларга ташхис қўйишдан иборатdir. Бунинг учун микроорганизмлар ажратиб олинниб ва унинг хоссалари ўрганилади. Бундан ташқари патоген микроорганизмларнинг ташувчисини ҳам аниқланади. Махсус санитария бактериологик лабораторияларда ташқи муҳит ва турли хил объектларни микроблар билан ифлосланиш даражасини аниқлаш ишлари олиб борилади.

Микробиологик текшириш учун материал бўлиб кўпинча одам чиқиндиси (нажас, сийдик, қусуқ моддаси, балғам), шунингдек қон, ўт суюқлиги, ошқозон ювиндиси, мурдалардан олинган материал ва бошқалар ҳисобланади.

Микробиологик лабораторияларда юқумли материаллар билан ишлаш сабабли у алоҳида жойлашган бўлиши лозим. Юқумли материаллар билан ишлаш ва микробиологик текширишлар олиб бориш учун лаборатория бир қанча хоналардан иборат бўлиши лозим.

Лаборатория хонаси.

Бокс, бокс олди хонаси билан.

Озиқа муҳитни тайёрлаш хонаси.

Ювиш хонаси.

Стерилзация хонаси.

Препарат тайёрлаш хонаси.

Қабулхона.

Виварий хонаси.

Омборхона.

Қабулхонада лабораторияга келтирилган текшириш материаллари қабул қилиниб, маҳсус журнallарга ёзиб қўйилади ва текшириш натижалари шу хонадан берилади.

Лаборатория хонаси микробиологик текшириш учун мослаштирилган бўлади. У кенг, ёруғ, деворлари ёғли бўёқлар билан бўялган ёки кафел билан қопланган бўлини, иоли ленолсум билан қопланган, ҳар бир ишни учун алоҳида стол, тозалаш

ва дезинфекциялашга қулай бўлиши учун стол усти маҳсус пластинка ёки ойна билан қопланган бўлиши, буюм ойнача, штатив, бактериологик қовузулоқ, пахта, спиртовка, бўёқлар, ловиясимон жомча кўприкчаси билан, дезинфекцияловчи моддалар бўлиши лозим. Лабораторияда лаборант учун алоҳида стол, препарат тайёрлаш жойи, термостат, центрифуга, микроскоп, шкаф, иссиқ ва совуқ сув келувчи чиганоқ умумий канализацияга уланган бўлиб, газли ёки спиртли гарелка бўлиши шарт.

Микробиологик лабораторияда ишлаш қоидаси.

1. Иш тартиби ва қоидаси билан танишганларгагина лабораторияда ишлашга рухсат этилади.
2. Лабораторияда ишловчилар ичак инфекцияси ва бошқа инфекцияларга қарши эмланишлари лозим.
3. Лабораторияга маҳсус кийимда: халат, қалпоқ, шиппакда кириш лозим.
4. Ҳар бир лаборатория ходими шахсий гигиена қоидалари га риоя қилиши, иш столларини тоза тутиши лозим.
5. Келтирилган барча текшириш материали заарали деб қаралиши ва маҳсус патнусларга қўйилиши лозим.
6. Текшириш материали келтирилган идиш дезинфекцияловчи моддалар билан заарсизлантирилиши лозим.
7. Келтирилган текшириш материали маҳсус журналларга ёзилиши ва тартиб рақами қўйилиши лозим.
8. Заарали материални бир идишдан бошқасига қўйиш фақат дезинфекцияловчи модда устида бажарилиши лозим.
9. Заарали материал қўлга, стол ёки бошқа буюмларга тушса албатта дезинфекцияловчи моддалар билан заарсизлантирилиши лозим.
10. Иш тугагач аввал стол усти йиғиширилиб, заарсизлантирилади, сўнг эса қўл заарсизлантирилади.
11. Иш тугагач заарали материал заарсизлантирилади, иш тугамаган бўлса маҳсус шкафда қолдирилиши лозим.
12. Лабораторияда ичиш, чекиш, овқатланиш, озиқ-овқатларни сақлашга рухсат этилмайди.
13. Лаборатория ҳар куни дезинфекцияловчи моддалар билан нам шароитда тозаланиши ва ҳар ҳафта деворлар, идишлар совунили сув билан ювилиши лозим.

Лабораториянинг иш тартиби инсон учун юқиш хавфи даржасига қараб ташкил этилади.

Микроорганизмлар юқиш хавфига кўра 4 даражага бўлиниади.

1. Тоун (чума) қўзғатувчиси.
2. Эпидемиологик касалликларни келтириб чиқарувчи қўзғатувчилар (вабо, бруцеллёз, туляремия, куйдирги, манқа (сап), лептоспироз).
3. Бактериал эпидемиологик инфекция қўзғатувчилари (қорин тифи, паратиф А ва В, дизентерия), сил, бўғма,

күйүт, менингит, сүзак, патоген анаэроблар, спирохеталар (эпидемик қайталама тиф ва захм) ва бошқалар.

4. Сальмонеллалар, эшерихиялар, клебиселлалар, стафилококклар, стрептококклар, газли гангрена құзғатувчилари ва бошқалар.

1- ва 2-гурұқ құзғатувчиларини ўта хавфли касаллуклар лабораториясіда текширилади. 3-гурұқта кирудүк құзғатувчилар СЭС даги лабораторияларда, касалхоналарда ва бошқаларда текширилади, 4-гурұқта кирудүк құзғатувчилар барча микробиологик лабораторияларда текширилади.

Микробиологик текширишда асосан текшириш материаларини олиш техникаси ва лабораторияга олиб бориш катта өхамиятта эга. Ҳар қандай текшириш материалини олиш техникасига риоя қилинган ҳолда стерил идишга олинниши лозим. Нажас стерил ректал ковузлоқ ёрдамида түғри ичакка 8—15 см киритилиб олинади. Қовузлоқни пробиркадаги консерванта (глицерин аралашмаси, фосфат буфер аралашмаси ва бошқалар) солинади. Нажасни текширишга олишда стерил картон тарелка ёки дезинфекцияловчи моддаларда заарсизлантирилген ва иссиқ сувда яхшилаб чайилган тувақдан фойдаланиш мумкин.

Сийдикни стерил катетер ёрдамида стерил идишга ёки пробиркага олинади.

Балғамни стерил банкаларга олинади, венадан олинган қон эса маҳсус стерил озиқа мұхит солинган идишларга солинади. Жароҳатлардан йириңг, бурун ва ҳалқұмдан суртма пахта тампон ёрдамида олиніб стерил пробиркага солинади, қусуқ мөддаси оғзы кең стерил банкаларга түпланади.

Мурдалардан материални ўлғандан кейин бир неча соат ўтғац олинш лозим, чунки ичак микрофлорасы бутун организмга тез тарқалиб кетади. Юракдан қон стерил шириц ёрдамида, жигар, талоқ ва бошқа аъзолардан бүлакчалар стерил қайчишлар ёрдамида олинади. Текшириш материални олинған идишларга беморнинг фамилияси, исм-шарифи, ёши, олинған вақти, тахминий ташхиси, текшириш мақсади, шифокорнинг фамилияси, исм-шарифи ва бошқалар ёзіб жүнатылади.

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

1. Микроскопик усул—текшириш материалдан суртма препарат тайёрланиб, бүяб микроскоп остида текширилади. Бу усулда микроорганизмларнинг морфологиясын ўрганилади, шунда асосланиб касаллукларга ташхис қүйилади. Масалан, сүзак (гонореялар), бүйма, қайталама тиф, захм ва бошқалар.

2. Микробиологик усул — текшириш материалини озиқа мұхитта экиб, соғ культурасын ажратып олинади ва шу құзғатувчининг хоссалари ўрганилади.

3. Серологик усул (лотинча—serum—зардоб) бемор қоиі зардобидаги номаълум антиген ва антитело аниқланади.

4. Биологик усул — лаборатория ҳайвонларига текшириш материалы юборилиб, улар устида тажриба ўтказилади.

5. Аллергик усул — организмнинг аллергенга нисбатан юқори сезувчанлиги аниқланади — тулеремия, сил, бруцелләс ва бошқалар.

### **Назорат учун саволлар**

- ?
1. Микробиологик лабораториянинг аҳамияти қандай?
  2. Микробиологик лаборатория қандай хоналардан иборат?
  3. Микробиологик лабораторияда ишлашда қандай қоидаларга риоя қилиш лозим?
  4. Микробиологик текшириш учун текшириш материалари қандай түпланади ва жүнатылади?

### **МИКРОСКОП, ТУЗИЛИШИ ВА У БИЛАН ИШЛАШ**

Микроорганизмларни аниқлаш ва текширишда микроскоппаратдан фойдаланилади. Оддий ва мураккаб микроскоплар мавжуд. Микроскоп икки қисмдан иборат бўлади. Оптик ва механик қисмлар. Оптик қисмга окуляр (7x10x115), объектив (8x20x40x90), конденсор ва кўзгу киради. Механик қисмга тубус, микроскоп бошчаси, револьвер, штатив, оёқча, столча, макровинт, микровинт, конденсор учун винт, тубусни ҳаракатлантирувчи винт, столни ҳаракатлантирувчи винт, кўзгу вилкаси, клеммалар киради. Микроскоп қўлай қилиб қўйилади, сўнг кичик объектив ўрнатилади. Чап қўл стол устида бўлади, ўнг қўл ёрдамида кўзгу ҳаракатлантирилиб ёруғлик йиғилади. Тайёрланган препарат столга қўйилади, объектив ён томондан қаралиб охиригача туширилади. Окулярга қараган ҳолда макровинт ёрдамида штативни тасвир ҳосил бўлгунга қадар кўтарилади. Лабораторияда асосан объектив 90 дан фойдаланилади.

Бу обектив иммерсион обектив бўлиб, препарат устига 1 томчи ёғ томизилиши ва обектив ёғдан узилмаслиги лозим. Микроскоп ўз жойидан қимирилатилмайди, тубус бўшатилиб, ён атрофдагиларга кўрсатиш мумкин. Иш тугагач препарат дезинфекцияловчи моддага ташланади, обективдаги ёғ артилади, кичик обектив ўрнатилиб штатив охиригача туширилади. Тубус маҳкамланади кўзгу вертикал ҳолатга келтирилади. Ишлатиб бўлинган микроскоп филофига солиб қўйилади.

### **Назорат учун саволлар**

- ?
1. Микроскоп қандай қисмдан иборат?
  2. Ёруғлик қандай топилади?
  3. 90 обективда препаратлар қандай ўрганилади?
  4. Микроскоп ишсиз ҳолатга қандай келтирилади?

## **2-боб. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАСНИФИ ВА МОРФОЛОГИЯСИ**

Микроорганизмлар (лотинча (*micros*—кішік) оддий күз билан күриб бўлмайдиган организмлардир. Уларга содда жониворлар, спирохета, замбуруғлар, вируслар, риккетсия ва бактериялар киради. Микроорганизмларнинг катталиги микрометрларда (мкм) ўлчанади. Микроорганизмларнинг биринчи умумий биологик таснифи XVIII асрда швециялик олим К. Линней томонидан морфологик хоссаларига кўра таснифланган.

Макро- ва микроорганизмлар бўлим, синф, тартиб—авлод—турларга бўлинади. Тур деб морфологик, физиологик хоссаларига кўра бир-бирига ўхшаш микроорганизмларга айтилади. 1980 йилда Америкалик олим Бергн бу таснифи яратди. Масалан: ачитқи микроблар, сут кислота ташкил этган микроорганизмлар учун умумий, ҳалқаро тасниф қабул қилинган, унинг асосида система ётади. Микроорганизмнинг қайси турга тегишли эканлигини аниқлаш учун турли хил усуллар ёрдамида унинг ҳужайра шакли, спора ҳосил қилиши, ҳаракатчанлиги, ферментатив хоссалари ўрганилади, яъни фарқлаш ишлари ўтказилади.

Тур ичida варианtlар мавжуд: морфовариантлар морфологиясига кўра фарқланиши, биовариантлар биологик хоссасига кўра фарқланиши, хемовариантлар ферментатив хоссасига кўра фарқланиши, серовариантлар антигенлик хоссасига кўра фарқланиши, фаговариантлар фагга сезувчанлигига кўра фарқланишидир.

К. Линней микроорганизмларни белгилашда умумбиологик биноминал (иккита) номенклатурани киритган. Биринчиси авлодини кўрсатиб катта ҳарф билан ёзилади. Иккинчиси турини кўрсатади, кичик ҳарфлар билан ёзилади. Масалан: *Staphylococcus aureus* тилларанг стафилококк.

Табиатда қўйидаги микроорганизмлар тафовут этилади.

Патоген микроорганизмлар касаллик чақиравучи микроорганизмлардир. Масалан: вабо, сил, бўғма ва бошқа касалликларни қўзгатувчилар.

Сапрофит микроорганизмлар фойдали микроорганизмлардир. Масалан: ачитқи микроблар, сут кислота ҳосил қиладиган ва бошқа бактериялар. Улар саноатда кенг қўлланилади.

Шартли-патоген микроорганизмлар оралиқ микроорганизмлар бўлиб маълум шаронтлардагина касаллик келтириб чиқаради.

Масалан, ичак таёқчаси ва бошқалар. Патоген микроорганизмларга қўйидагилар киради:

Бактериялар.

Замбуруғлар.

Содда жониворлар.

Спирохеталар.

Риккетсиялар.

Вируслар.

## БАКТЕРИЯЛАР

Бактериялар — хлорофилдан маҳрум бир ҳужайралы организмлардир. Бактерия ҳужайрасининг ўртача катталиги 2—6 мкм бўлади. Бактерия унинг шакли, катта-кичиклиги турлича бўлиб, ташқи муҳит омиллари таъсирида ўзгариши мумкин. Унинг бу хоссаси полиморфизм дейилади.

Шаклига кўра барча бактериялар З гуруҳга бўлинади: шарсимон, таёқчасимон ва бурамалилар.

Шарсимон бактериялар ёки кокклар дейилади (лотинча *soccus* — маймунjon, юмшоқ мевалар), уларнинг диаметри 0,5—1 мкм бўлади. Улар шарсимон, ииштарсимон, шам алансига ўхшашиб, ловиясимон шаклда бўлади. Кокклар бўлингандан сўнг жойланишига кўра қўйидагиларга бўлинади: микрококклар (лотинча *micros*—кичкина) ҳужайралар турули хил текисликларда бўлинади ва алоҳида-алоҳида жойлашади, диплококк (лотинча *diploos* иккита) ҳужайра, бир текисликда бўлинниб иккитадан жойлашади, уларга иневмококк, гонококклар киради. Стрептококклар (лотинча *streptos* — занжир) ҳужайралар бир текисликда бўлинади ва ажралмасдан занжирини ҳосил қиласди. Страфилококк (лотинча *staphyle* — узум шингили) — ҳужайралар турли хил текисликда бўлинади ва бир ерда тўпланиб узум шингилини ҳосил қиласди. Тетракокк (лотинча *tetra* — тўртта) ҳужайралар иккита перпендикуляр текисликда бўлинади ва тўртадан жойлашади. Сарцина (лотинча *sarcio* — бириктираман) ҳужайралар учта перпендикуляр текисликда бўлинади ва тўп-тўп ёки пакетга ўхшаш 8 ёки 16 та ҳужайрандан жойлашади.

Кокклар табиатда қенг тарқалган, шунингдек одам ва ҳайвон организмида учрайди. Микрококк, тетракокк, сарциналар, сапрофит микроорганизмлардир. Диплококк, страфилококк, стрептококклар патоген микроорганизмлар ҳисобланади.

Таёқчасимон бактериялар бациллалар деб аталади улар цилиндр шаклида бўлиб, 1—6 мкм катталикда, 0,5 дан 2 мкм қенгликка эга.

Бактерияларнинг четлари чўрт кесилган (кўйдирги), юмалоқ (ичак таёқчаси), учили (тоун) ёки қенгайган (бўғма) бўлади. Бўлингандан сўнг қўйидагича жойлашади: иккитадан диплобактериялар (клебиселлалар), занжирсимон (кўйдирги қўзғатувчилар), бир-бирига бурчак остида ёки кесиб жойлашади (бўғма қўзғатувчиси). Кўпгина бактериялар тартибсиз жойлашади.

Таёқчасимон бактериялар орасида бироз букилган вибрионлар учрайди (вабо қўзғатувчи).

Бурамали бактерияларга спириллалар ва спирохеталар киради. Бу бактерияларнинг шакли бурамани эслатади. Кўпгина бурамали бактериялар касаллик келтириб чиқармайди. Учта тен тури мавжуд: Тгеропема—захм қўзғатувчиси Вогге-

lia — эндемик ва эпидемик қайталама тиф қўвғатузчиси, Лер-тоспира — лентосириоз (сув пентаси) қўзгатувчиси.

## БАКТЕРИЯ ҲУЖАЙРАСИННИГ ТУЗИЛИШИ

Бактериянинг ҳужайравий тузилиши ёруғлик, микроскоп, электрон микроскоп ва микрокимёвий усул ёрдамида ўрганилади.

Бактерия ҳужайраси қуйидаги қисмлардан иборат: 2 қаватли қобиқ, цитоплазма, киритмалар, ядро (нуклеоид), қўшимча спора, капсула, хинчин, пилилар. Ҳужайра қобиги шиллиқ қобиқ, ҳужайра қобиги, цитоплазматик мембранадан иборат.

Шиллиқ қобиқ ҳужайрани ташқи тарафдан ўраб туради ва ҳимоя функциясини бажаради. Ҳужайра девори ҳужайранинг асосий элементларидан ҳисобланади. У ҳужайрага шакл бераб, уни ташқи муҳитдан ҳимоялайди. Ҳужайра деворининг асосий хоссаларидан бири танлаб, ўтказувчанлигидир, яъни ҳужайрага керакли озиқ моддаларни (аминокислота, углевод ва бошқалар) етказиб бериши ва ҳужайрадан алмашиниш натижасида ҳосил бўлган моддаларни олиб чиқиб кетишидан иборат.

Ҳужайра девори ҳужайра ичида босимни сақлаб туради, деворининг мустаҳкамлигини полисахарид табиатли модда — муреен айрим бошқа моддалар ҳужайра деворини парчалайди. Масалан, лизоцим. Ҳужайра деворидан маҳрум бактерияларни протопластлар дейилади. Улар нафас олиш, бўлинниб кўпайиш, ферментларни синтезлаш хоссасига эга. Ташқи муҳит омиллаларига, механик таъсиrottга, осматик босимга, аэрация ва бошқаларга чидамлилигини сақлаб қолади. Протопластларни фақат изотоник эритмаларда сақлаш мумкин. Ҳужайра девори қисман парчаланган бактерияларни сферопластлар дейилади.

Цитоплазматик мембрана ҳужайра деворининг ички тарафига маҳкам ёпишган бўлади. Ў жуда юпқа (8—10 мм), оқсил ва фосфорлипиддан ташкил топган. Бу қобиқ орқали ҳужайра озиқланади. Мембранада пермеази ферменти бўлиб, моддаларни ва нафас олиш ферментларни фаол ташиш хоссасини бажаради. Цитоплазматик мембрана ҳужайра бўлнишида иштирок этадиган мезосомани ҳосил қиласи, ҳужайрани гипертоник эритмага солинганда мембранини ҳужайра деворидан ажратишни мумкин.

Цитоплазма бактерия ҳужайрасидаги коллоид модда, сув, оқсил, углевод, ёғ, минерал тузлардан ташкил топган. Унинг кимёвий таркиби ва консистенцияси ҳужайранинг ёшига ва ташқи муҳит шаролитига қараб ўзгариши мумкин. Цитоплазма ўзида ядро моддаси, рибосома ва турли хил киритмаларни сақлайди.

Нуклеоид, ҳужайранинг ядро моддаси, ирсий аппарати бўлиб ҳисобланади. Етилган ҳужайра нуклеоиди иккита узукка ўхшаш буралган ДНК ипчасидан иборат. ДНК молекуласи

Генетик маълумотлари кодланган ҳужайранинг ядро моддаси генетик терминга кўра генафор ёки ген деган номни олган.

Цитоплазмада — рибосома бўлиб у оқсилларни парчалаш функциясини бажаради. Унинг таркибига 60% РНК ва 40% оқсил киради. Ҳужайралар сони 10 000 тага етади. Рибосомалар бир-бирнга қўшилиб полисомаларни ҳосил қиласди.

Киритмалар ўзида турли хил заҳира озиқ моддалар: крахмал, гликоген, ёғ, ва лютеин доначасини сақловчи гранулалардир. Улар цитоплазмада жойлашган.

Бактерия ҳужайралари ҳаёт жараёнларида ҳимоя органеллаларини, капсула ва спорани ҳосил қиласди.

Капсула — ҳужайра деворининг ташқи тарафдан ёпишган шиллиқ қавати ҳисобланади. Айрим бактериялар, одам ёки ҳайвон организмига тушганда капсула ҳосил қиласди. Капсула микроорганизмларни одам организмининг антогонистик омилларидан ҳимоя қиласди (пневмоокк, куйдирги қўзғатувчилар). Айрим микроорганизмларнинг донмий капсуласи мавжуд (клебсиеллалар). Улар капсула ҳосил қилишига кўра қўйидагиларга бўлинади.

Микроорганизмлар организмга тушганда ва ташқи муҳитда капсула ҳосил қиласдиган (клебсиелла), капсула ҳосил қилмайдиган (сил, қоқшол), фақат организмда капсула ҳосил қиласдиган (пневмоокк, куйдирги) микроорганизмларга бўлинади. Спораларни фақат таёқчасимон бактерия ҳосил қиласди. Бактериялар нокуляй шароитга тушганда (юқори ҳарорат, қуритиш, водород ион кўрсаткичининг ўзгариши, озиқа моддалар камайиши ва бошқалар) ўз турини сақлаб қолиш учун спора ҳосил қиласди. Спора бактерия ичидаги жойлашади, яъни цитоплазма ва нуклеоид бир ерга тўпланиб мустаҳкам қобиқ билан ўралиб олади. Спора вегетатив ҳужайрадан, таркибида кам миқдорда сув, кўп миқдорида ёғ ва кальций тузи бўлиши билан фарқланади, бу спорани чидамли қиласди. Спора 18—20 соат ичидаги вегетатив шаклга айланади.

Бактерия ҳужайраси фақат битта спора ҳосил қиласди, шунингдек бўлинниб кўпаювчи аъзо бўлиб ҳисобланмайди, фақат ташқи муҳит омилларидан сақлайди.

Спора ҳосил қиласдиган аэроб бактерияларни бациллалар, анаэробларни эса клостридийлар дейилади. Споралар шаклига, катта-кичкликлигига, жойлашишига кўра фарқланади.

Жойлашишига кўра: марказий — ҳужайранинг ўртасида (куйдирги), субтерминал — ҳужайранинг учига яқин (ботулизм), терминал — ҳужайранинг учига жойлашади (қоқшол). Спорани заарсизлантириш учун автоклавда 1—1,5 атм босим остида 1 соат давомида стерилизация қилиш лозим.

Хивчинлар — ҳаракатланувчи аъзодир. Улар юпқа ипсимон фибриллалар, оқсил—флагеллиндан ташкил топган. Хивчин бактерияларга нисбатан узун бўлади. Хивчинлар цитоплазмадаги базал танаачаларидан бошланади ва ҳужайрадан ташқа-

риға чиқады. Үларнинг ҳаракатчанлигини микроскоп остида ёки ярим суюқ агарда аниқлаш мумкин. Хивчинларнинг тузилиши электрон микроскопда ўрганилади. Бактериялар хивчинларнинг жойланишига кўра гуруҳларга бўлнилади: монотрихлар — битта хивчинли бактериялар (вабо қўзғатувчиси), амфитрихлар бактериянинг икки учида бир нечта ёки тўп бўлиб жойлашади (спирillusлар), лофотрих бактериянинг бир учида бир тўп бўлиб жойлашади. (Ишқор ҳосил қилувчи нажасли бактериялар), перетрихлар — хивчин бактерия деворининг барча қисмида жойлашади (ичак таёқчаси). Пили ёки фибрillар бактерия ҳужайрасининг юза қисмида жойлашади. Улар хивчинларга нисбатан юпқа ва калта, бурамали бўлади. Пилилар пилин оқсилдан ташкил топган. Улар одам ва ҳайвон ҳужайрасига ёпишишда ва насл белгиларини узатишда иштирок этади.

### МИКОПЛАЗМАЛАР

Микоплазмалар — ҳужайра девори бўлмаган ҳужайралардир. Улар З қаватли ёғ, оқсил табнатли цитоплазматик мембрана билан ўралган бўлади. Ҳозирги вақтда уларга катта аҳамият бериляпти, чунки улар касаллик келтириб чиқаради, катталиги турлича, бир неча мкм дан 125—124 мкм гача бўлади. Майда микоплазмалар бактериал фильтрлардан ўтади ва уларни фильтрланувчи формалар деб аталади.

### СПИРОХЕТАЛАР

Спирохета — *spira* — бурама, *chaite* — соч деган маънени билдиради. У бир ҳужайрали организм бўлиб содда жониворлар билан бактериялар орасида жойлашади. Ҳаракатчанлиги содда жониворларга ўхшаш бўлиб, тузилишига кўра бошқа бактерияларга ўхшайди. Тузилиши: спирохета илсизмон асос ва унинг атрофида спиралсимон цитоплазма лентаси билан ўралган қобиғи, З қаватли ҳужайра девори ва З қаватли цитоплазматик мембранадан иборат. Хивчини, спора ва капсуласи бўлмайди. Жуда ҳаракатчан эгилиб, тўлқинсимон, бурама орқаолдинга судралиб ҳаракатланади. Спирохеталар табнатда 2 та шаклда учрайди. 1. Вегетатив фаол шакли. 2. Циста шакли.

Циста шакли — спирохеталар ноқулай шароитга тушганда пайдо бўлади. Улар ўз ўқи атрофида ўралиб муцинсимон қобиқ ҳосил қиласиди. Уларни кўпайтириш учун махсус озиқа муҳит қўлланилади. Спирохеталар Романовский—Гимза усулида бўялади. *Bogrelia* кўк-бинафша рангда, *Treponema* оч пушти рангда кўринади. Шунинг учун уларни оқиш спирохеталар дейилади. Катталиги 5—500 мкм гача узунликда, кенглиги 0,3—0,75 мкм бўлади.

Патоген спирохеталарга қўйидаги авлодлар киради:

1. Теропетма захм ва фрамбезия қўзғатувчиси.

2. *Borrelia* — эпидемик ва эндемик қайталама тиф, Венсан ангинасини қўзғатувчи.

3. *Leptospira* — лептоспироз касаллигини чақиради.

Спирохеталар чақирадиган касалликларни спирохетоз деб номланади.

### РИККЕТСИЯЛАР

Риккетсиялар полиморф бактериялар гуруҳига кириб ҳуҗайра ичидаги паразитлар ҳисобланади ва *Rickettsia* лар оиласига киради.

Улар бактерия билан вируслар орасида жойлашган бўлади. 1909 йили америкалик олим Риккетс Мексикада тошмали тиф билан оғриган бемордан касаллик қўзғатувчини ажратиб олган ва бу гуруҳ микробларни ўзида текшириб тажриба ўтказган. 1913 йили Чехиялик олим Провацек тошмали тиф билан оғриган беморнинг қонида риккетсияларга ўхшаш микроорганизмларни аниқлайди. Узи ҳам зарарланиб ўлади. 1916 йили португалиялик олим Роша-лима узоқ вақт олиб борган кузатишлари натижасида Мексика ва Европа тошмали тифларнинг ўхшашлигини аниқлайди ва уларни биринчи бўлиб аниқлаган олим шарафига Риккетс номи билан атайди.

Риккетсияларни ўрганишда А. А. Кронтовская, П. Ф. Здродовский, Е. С. Галиневич ва бошқалар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишган.

Риккетсияларнинг одам, ҳайвон ва бўғимоёқлилар учун патоген бўлган турлари учрайди. Улар чақирадиган касалликларни риккетсиозлар дейилади. Здродовский риккетсияларни шакли ва катталигига кўра 4 та гуруҳга бўлади:

1. Коксимон риккетсиялар ( $0,5$  мкм), улар жуфт-жуфт жойлашиши мумкин.
2. Майда таёқчасимон шаклдаги риккетсиялар ( $1-1,5$  мкм).
3. Иириқ таёқчасимон шаклдаги риккетсиялар ( $3-4$  мкм).
4. Ипсимон шаклдаги риккетсиялар ( $10-40$  мкм).

Здродовский риккетсияларни одам организмида касаллик келтириб чиқаришига кўра 5 та гуруҳга бўлади:

1. Тошмали тиф гуруҳи.
2. Канали—доғли иситма гуруҳи.
3. Цуцугамуши гуруҳи.
4. Ку—иситма гуруҳи.
5. Пароксизмал риккетсиоз гуруҳи.

**Морфологияси.** Риккетсиялар спора ва капсула ҳосил қилмайди, ҳаракатсиз. Грам манфий бўялади. Бундан ташқари, уларни бўяш учун Здродовский усули ҳам қўлланилади. Риккетсиялар бир неча йўл билан кўнайиши мумкин:

1. Оддий бўлининш йўли билан.
2. Мицеляр бўлининш йўли билан — ипсимон шакллари бир неча қисмга бўлинниб кетади.

3. Конъюгация йўли билан.
  4. Вирусларга ўхшаш репроодукция йўли билан.
- Риккетсиялар чин паразит бўлиб, фақат тирик ҳужайралар-нинг цитоплоазма, ядро ёки вакуоласида бўлинниб кўпаяди.  
Риккетсиялар қўйидаги усулларда ўстирилади:
- Бит личинкасини заарлаш.
  - Товуқ эмбрионининг сариқлик қопчасида.
  - Тўқима культураларида.
  - Оқ сичқонлар организмида.

## ВИРУСЛАР

Вирусларни 1892 йилда Д. И. Ивановский аниқлади. Ҳозирги вақтда З мингдан ортиқ вируслар аниқланган. Қасалликларнинг 80% ни вируслар келтириб чиқаради. Улар қўйидаги белгилари билан тавсифланади:

- Жуда майда, катталиги нанометрларда ўлчанади.
  - Ҳужайравий тузилишга эга эмас.
- Таркибида фақат битта нуклеин кислотаси, ДНК ёки РНК бор.
- Чин паразит, фақат тирик ҳужайраларда кўпаяди.

## ВИРУСЛАР ТАСНИФИ

Вируслар таркибида битта ипчали РНК ва иккита ипчали ДНК мавжуд. Вируслар таркибидаги нуклеин кислотасига қараб таснифланади. Бу тасниф 1971—1975 йилларда қабул қилинган. Улар қўйидагиларга бўлинади:

- ДНК-сақловчи вируслар.
  - РНК-сақловчи вируслар.
  - Таснифланмайдиган вируслар.
- Табиатда вируслар З хил шаклда учрайди:
- етилган вируслар — ҳужайрадан ажралиб чиқсан вируслар
  - вирион;
  - вегетатив вируслар — ҳужайра ичидаган вируслар;
  - провируслар — ҳужайранинг генетик аппаратига боғланниб яшайдиган вируслар.

Бир дона вирусга вирион дейилади. Вирионлар қўйидаги шаклларда учрайди:

- шарсимон вируслар — масалан: грипп вируси.
- таёқчасимон вируслар — масалан: қутуриш вируси
- ипсимон вируслар — масалан: грипп вируси.
- кубсимон вируслар — масалан: чечак вируси.
- итбалиқ шаклидаги вирус — масалан: фаг вируси.

## ВИРУСЛАР ҚЎЙИДАГИ УСУЛЛАР БИЛАН АНИҚЛАНАДИ

- Ультрафильтрлаш усули билан.
- Ультрацентрифугалаш ёрдамида йирик вируслар тез чўкади.
- Электрон микроскоп ёрдамида.

Майда вируслар 17—30 нм бўлиб, электрон микроскоп остида кўринади. Ирик вируслар эса 150—350 нм га етиши мумкин.

Буларни махсус усулда қайта ишлангандан кейин (кумуш препаратларида) оддий микроскопда кўриш мумкин. Пашен чечак касаллигини аниқлаганда таначаларни топди ва уларнинг ўз номи билан Пашен таначалари деб номлади. Баъзи бир вируслар одам организмидаги киритмалар ҳосил қиласди (қутуриш касаллигида мия, нерв ҳужайраларида Бабеш — Негри танчалари аниқланди).

## МИКРООРГАНИЗМЛАР МОРФОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ

Микроорганизмларнинг морфологиясини ўрганиш учун микроскопик усулдан фойдаланилади. Бу усулиниг муваффақиятли чиқиши текшириш материали ёки бактериологик культурадан тўғри суртма препарат тайёрланисига боғлиқ. Культура деб, лаборатория шароитида озиқа муҳитида ўстирилган микроорганизмларга айтилади.

## СУРТМА ПРЕПАРАТ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНИКАСИ

Ишлаш учун тоза ва ёғсизлантирилган буюм ойначалари ва ёпқич ойначалари керак. Янги ойначалар 15—20 дақиқа 2—5% содали, совунли сувда қайнатилади, оқава сувда чайилади, HCl эритмасига солиб қўйилади, сўнг яна сув билан ювилади. Бўёқ ёки иммерсион ёғ билан ифлосланган (ишлатилган) ойначаларни 2 хил усулда заарсизлантириш мумкин.

Хлор арапашасига 2 соатга солиб қўйилади, сўнг 5% содали ёки ишқори эритмада 30—40 дақиқа қайнатилади ва яхшилаб ювилади. Янги заарсизлантирилмаган ойначаларни совунлаб ювиш, сўнг қуруқ латта билан артиш мумкин.

**Диққат!** Агар буюм ойна яхшилаб ёғсизлантирилган бўлса, сув ҳамма тарафга бир хилда тарқалади, яхши тозаланмаган бўлса, томчи майда томчиларга бўлинади.

Суртма препарат тайёрлаш учун бактериологик қовузлоқ тайёрлаб олиш лозим. Бактериологик қовузлоқ 5—6 см узунликда платина ёки хром симидан тайёрланади. Сим қовузлоқнинг бир уни ушлагичга ёки шиша таёқчага маҳкамланади, иккинчи уни узукка ўҳшатиб 1—1,5 ёки 2—3 мкм катталигига қайрилади.

**Диққат!** Тўғри тайёрланган бактериологик қовузлоқ сувга солиб олинганида сув пардаси ҳосил бўлади. Суртма препарат тайёрлашдан аввал бактериологик қовузлоқ ишчи қисми аллангда вертикал, сўнг горизонтал ҳолатда металл ёки шиша асоси чўғлантирилади. Ишдан олдин ва ишдан кейин албатта бактериологик қовузлоқ чўғлантирилиши шарт!

## **СУЮҚ ОЗИҚА МУҲИТИДА ЎСГАН МИКРОВ ҚУЛЬТУРАСИДАН СУРТМА ПРЕПАРАТ ТАЙЁРЛАШ**

Ёғсизлантирилган буюм ойнаси алангада күйдирилади ва пахта билан артилади. Ўнг қўлда бактериологик қовузлоқ юқорида айтилгандек чўғлантирилади. Пробирка чап қўлнинг катта ва кўрсаткич бармоқлари орасига олинади. 4-5 ёки кичик бармоқ ёрдамида, пропирка қопқоғи сиқиб очилади. Иш эҳтиёткорлик билан бажарилиши лозим. Пробирканинг оғзи алангадан ўтказилиб олинади. Қовузлоқни пробирка ичига киритилиб деворида совутилади ва микроб қультурасидан олинади. Қовузлоқни пробирка деворига текизилмасдан чиқарилади ва алангадан ўтказилиб пробирканинг қопқоғи ёпилади. Пробиркани штативга қўйилади. Қовузлоқдаги микроб қультураси буюм ойначасига бир-икки тийинлик каттатикда бир хилда ёйилади. Қовузлоқ алангада чўғлантирилади. Суртма препаратни қуритишга қолдирилади.

## **ЗИЧ ОЗИҚА МУҲИТИДА ЎСГАН МИКРОВ ҚУЛЬТУРАСИДАН СУРТМА ПРЕПАРАТ ТАЙЁРЛАШ**

Тайёрланган буюм ойнача устига Пастер пипеткаси ёки қовузлоқ ёрдамида натрий хлорнинг (0,9%) изотоник эритмаси томизилади. Чўғлантирилган қовузлоқ пробирка деворида ёки микроб қультураси ўсмаган ерда совутилади ва микроб қультурасидан олиб, буюм ойначасидаги изотоник эритма билан аралаштирилади. Тайёрланган суртма—препарат бир хилда ёйилган бўлиши ва қуюқ бўлмаслиги лозим. Тайёрланган суртмани қуритишга қолдирилади.

## **ИИРИНГ ЁКИ БАЛҒАМДАН СУРТМА ТАЙЁРЛАШ**

Ииринг ёки балғамдан чўғлантирилган қовузлоқ ёки стерил пипеткада олиниб буюм ойначаси ўртасига томизилади. Иккинчи буюм ойнача билан биринчи ойнача ёпилади. Иккита буюм ойнача у томондан бу томонга ҳаракатлантирилади, натижада иккита катта суртма ҳосил бўлади.

## **ҚОНДАН СУРТМА ТАЙЁРЛАШ**

Буюм ойнасининг бир четига қон томчиси томизилади сўнг иккинчи пардозланган ойнача билан  $45^{\circ}$  остида қонга теккизилади. Пардозланган ойнача ёрдамида қон буюм ойначанинг у бошидан бу бошига юргизилади. Тўғри тайёрланган суртма сарғишроқ ва ёруғлик ўтадиган бўлади.

## ИЧКИ АЪЗОЛАРДАН ВА ҚАТТИҚ ОЗИҚ-ОВҚАТЛАРДАН СУРТМА ТАПЕРЛАШ

Синамага синадиган аъзо ёки озиқ-свқат пинцет ёрдамида ушланади ва стерил скальпел ёрдамида бўлакча қирқиб олиниади. Мана шу бўлакча буюм ойнасининг 2—3 жойига суртилади.

### СУРТМАНИ ҚУРИТИШ

Суртма хона ҳароратида ҳавода қуритилади. Уни тез қуритиш керак бўлса алнга устида катта ва кўрсаткич бармоқ устига қўйилиб қўл куйгунча бўлган баландликда ушлаб қуритилади.

**Дикқат!** Юқори ҳарорат таъсирида ҳужайра тузнилиши бузилади.

### СУРТМАНИ ФИКСАЦИЯ ҚИЛИШ

Суртма тўлиқ қуригандан сўнг фиксация қилинади. Фиксация 2 усулда олиб борилади.

1-физиковий усул — буюм ойначаси катта ва кўрсаткич бармоқ ёки пинцет ёрдамида ушланиб 6 дақиқа давомида уч марта алангадан ўtkазилади.

2-кимёвий усул — қондан тайёрланган суртма, тамғалардаги ҳужайра элементлари юқори ҳарорат таъсирида парчаланади. Шунинг учун уларни кимёвий усулда фиксация қилинади. Бунинг учун қуидаги моддалардан фойдаланилади.

- А) метил спиртида — 5 дақиқа
- Б) этил спиртида — 10 дақиқа
- В) Никифоров эритмасида — 10—15 дақиқа
- Г) ацетонда — 5 дақиқа.

Фиксация қилишдан мақсад: 1) микроорганизм буюм ойначасига яхши ёпишиши учун; 2) материални заарсизлантириш учун; 3) яхши бўялиши учун.

Фиксацияланган суртмани препарат дейилади.

### ПРЕПАРАТНИ БЎЯШ

Препаратларни бўяш махсус жиҳозланган столда олиб борилади. Унинг усти линолеум, пластинка ёки ойна билан қопланган бўлиб, устида дистилланган сув, кўприкча, пинцетлар, цилиндр, пипеткалар, фильтр қофози, бўёқ йифиндиси, сувни тўкиш учун идиш бўлиши ва стол водопровод яқинида жойлашган бўлиши керак.

Микроорганизмларнинг бўёқларга нисбатан хоссаси тинкториал хосса дейилади. Микробиологияда анилин бўёқлар кенг қўлланилади. Кўпгина микроорганизмлар бўёқни ўзига тез олади. Барча бўёқлар кристалл ёки кукун шаклида чиқарилади.

ди. Улардан тўйинган спирт ёки фенол эритмалари тайёрланади. Сўнг ишлаш учун бўёқнинг спиртли, сувли ёки фенол-сувли эритмалари тайёрланади. Агар бўёқларнинг концентрланган эритмалари қўлланилса, препарат устига фильтр қофози қўйилиб унинг устига бўёқ томизилади. Бунда бўёқ бўлакчалари қофозда қолади.

## ОДДИЙ УСУЛДА БЎЯШ

Фиксация қилинган суртма устига пипетка ёрдамида бўёқ эритмаси томизилади, вақт ўтгач бўёқ тўкилади, сув билан ювилади ва фильтр қофозда қуритилади. Оддий усуlda бўялганда фақат битта бўёқдан фойдаланилади. Метилен кўки ва ишқорий Лёффлар кўк бўёғида 3—5 дақиқа, фуксин Пфейффер бўёғида 1—2 дақиқа бўялади.

Бўялган ва қуритилган препарат устига иммерсион ёғ томизилади ва иммерсион системада текширилади.

## МУРАККАБ БЎЯШ УСУЛИ

**Грам усулида бўяш.** Грам усули кенг тарқалган фарқлаш усулларидан биридир.

1. Фиксация қилинган суртма препарат устига Синев ёки генциан бинафша бўёғи шимдирилган фильтр қофоз қўйилиб намланади. 1—2 дақиқа ушлангач қофоз олиб ташланади.

2. Препаратларни ювмасдан люголь эритмаси томизилади ва қорайгунча ушланади (1 дақиқа), сўнг бўёқ тўкилади.

3. Препаратни ювмасдан  $96^{\circ}$  ҳароратли этил спирти томизилади, бўёқ кетгунча (30—60 сек) ушланади ёки препаратни 1—2 секунд стакандаги спиртга тушириб олинади.

4. Препаратни сув билан ювилади.

5. Фуксин Пфеффер бўёғи билан 3 дақиқа бўялади, сув билан ювилади ва қуритилади.

Микроскопнинг иммерсион системасида текширилади. Барча микроорганизмлар Грам усулида бўялганда икки хил бўялади — Грам мусбат ва Грам манфий.

Грам мусбат бактерияларнинг ҳужайра деворида РНК магний тузини сақлайди, улар йод ва асосий генциан бинафша бўёғи билан бирикма ҳосил қиласди. Бу бирикма спирт таъсирида парчаланмайди ва рангини йўқотмайди. Бунда бактериялар бинафша рангга бўялади.

Грам манфий бактериялар ҳужайра деворида РНК магний тузларини сақламайди. Ҳосил қилган бирикманни ушлаб қололмайди, спирт таъсирида бўёқ ювилаб кетади. Қўшимча фуксин Пфейффер бўёғи билан бўялганда унинг рангини олади ва қизил рангга киради.

## НЕГАТИВ ПРЕПАРАТЛАР

Негатив препаратлар деб, микробларни бўямасдан кўриш усулига айтилади. Бу усулга Бурри, Гинс усуслари киради. Микробларни бу усулда бўялганда бактерия хужайраси ва капсула қора фонда рангсиз бўлиб кўринади.

**Бурри усули.** Ёғислантирилган буюм ойнасига 10 марта суюлтирилган қора тушъ томизилади ва унинг устига чўглантирилган бактериологик қовузлоқ ёрдамида бир томчи микроб культурасидан олиб томизилади. Иккинчи буюм ойнаси билан 45°C бурчак остида микроб культурыни қонга ўхшаб суртилади. Хона ҳароратида қуритилади, фиксация қилимасдан микроскоп остида текширилади. Бунда қора фондаги микроб танаси рангсиз бўлиб кўринади.

### БУРРИ-ГИНС УСУЛИ

Юқорида айтилганидек, Бурри усулида суртма тайёрлаб олинади ва уй ҳароратида қуритилиб, фиксация қилинади. Фиксацияни спирт ёки кимёвий усулда сулема ёрдамида қилинади. Эҳтиётлик билан ювилади.

Фуксин Пфейффер бўёги билан 3—5 дақиқа бўяллади. Вақт ўтгач эҳтиётлик билан ювилаб хона ҳароратида қуритилади. Микроскоп остида иммерсион системада текширилади. Қора, фондаги ҳужайра қизил, капсула рангсиз кўринади.

**Диққат!** Фильтр қоғози билан қуритилмайди, чунки препаратни шикастлаш мумкин.

### ЦИЛЬ-НИЛЬСЕН-УСУЛИ (КИСЛОТАГА ЧИДАМЛИ БАКТЕРИЯЛАРИН БЎЯШ УЧУН)

Бу усул сил ва проказа бактерияларини аниқлашда қўлланилади, чунки улар ҳужайра деворида кўп миқдорда ёф, мум ва оксикислоталар сақлайди. Улар кислота, ишқор, спирт таъсирига жуда чидамли. Ҳужайра деворининг ўтказувчалигини ошириш учун бўяшнинг биринчи босқичлари қиздириш билан бошланади.

1. Суртма препарат тайёрланади ва қуритилади, сўнг фиксация қилинади. Фиксация қилинган препарат устига фильтр қоғоз қўйилиб фуксин Циль бўёғи томизилади. Препарат қисқич ёрдамида ушланаб спиртовка аллангасида буғ чиққунча ушланади. Қайтадан бўёқ томизилиб яна аллангада ушланади. Бу иш 2—3 марта такрорланади. Препарат совигандан кейин қоғоз олиб ташланади ва сув билан ювилади.

2. Препарат 5% ли сульфат кислотаси билан рангсизлантириллади, яъни 2—3 марта кислотага ботириб олинади ёки препарат устига томизилиб 20—30 секунд ушланади ва сув билан ювилади.

3. Сув-спиртли метилен кўк бўёғи билан 3—5 дақиқа бўялди ва сув билан ювилади. Уй ҳароратида қурилилади.

Микроскопнинг иммерсион системасида текширилади. Кислотага чидамли бактериялар қизил, чидамсизлари кўк рангда кўринади.

### ОЖЕШИКО УСУЛИДА БЎЯШ (СПОРАНИ АНИҚЛАШ)

1. Ҳавода қуритилган суртма устига бир неча томчи 0,5% ли хлорид кислота томизилиб спиртовка устида буғ чиққунча ушланади. Бу иш 2—3 марта такрорланади. Препарат қурилилади ва фиксация қилинади.

2. Қолган бўяш ишлари Циль—Нильсен усулидагидек олиб борилади. Микроскоп остида қарабандада бактерия ҳужайраси кўк ёки ҳаво рангда, спора қизил рангда кўринади.

### МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ҲАРАКАТЧАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Микроорганизмларнинг ҳаракатчанлигини икки усулда аниқланади.

#### 1. Макроскопик усул.

#### 2. Микроскопик усул.

**Макроскопик усул.** Чўғлантирилган бактериологик қовузлоқ ёрдамида текшириш материали олинади ва ярим суюқ углеводли муҳитга саншиб экилади. Экилган муҳит термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади. Вақт ўтгач озиқа муҳитни термостатдан олиб текширилади. Микроб культура ҳаракатчан бўлса, озиқа муҳитнинг барча қисмида ёйилиб ўсади. Микроб культура ҳаракатсиз бўлса озиқа муҳитининг саншиб экилган еридагина ўсади.

**Микроскопик усул.** Микробларнинг ҳаракатчанлигини аниқлаш учун суюқ озиқа муҳитида ўсан микроб культураси ёки физиологик эритмада эритилган микроб ювиндиси керак бўлади. Микробларнинг ҳаракатчанлигини микроскопик усулда аниқлаш икки усулда олиб борилади: Эзилган ва осилган томчи препаратлари ёрдамида аниқланади.

**Эзилган томчи препарати.** Ёғизлантирилган буюм ойнаси устига чўғлантирилган бактериологик қовузлоқ ёки пипетка ёрдамида микроб культураси олиб томизилади. Ёпқич ойначанинг тўрт четига вазелин суртиб томчининг устига бурчак остида ётқизилади (ҳаво қолмаслиги учун), препарат қуриб қолмаслиги учун нам камерага солиб қўйилади.

Нам камера — бу намланган фильтр қофози солинган Петри косачасидир. Фильтр қофоз устига 2 та гугурт чўпи қўйилади ва унинг устига тайёрланган препарат ўрнатилади. Петри косачасининг қолқоғи ёпилади.

Микроскопнинг 40 x объективида текширилади.

**Осилган томчи препарати.** Ёпқич ойначанинг тўрт четига

вазелин суртилади, унинг устига бир томчи микроб культураси томизилади. Сўнг аста-секин ботиқ ойначани ёпқич ойнча устига ёпилади, томчи ботиқ ойначанинг ўртасида бўлиши лозим. Ёпишиб қолган ойначаларни тезликда айлантирилади. Герметик ёпилган камерадаги томчи узоқ вақт сақланади. Микроскопнинг кичик объективида (8х) томчининг чети топилади, сўнг катта объективда текширилади.

### **Назорат учун саволлар**

- ?
1. Бактериологик қовузлоқ қандай тайёрланади?
  2. Фиксация қилишнинг мақсади ва усулларини айтиб беринг?
  3. Микроорганизмларнинг спораларини қандай усулда аниқланади?
  4. Циль-Нильсен усули нима мақсадларда қўлланилади?
  5. Микроорганизмларнинг ҳаракатчанлиги қандай усулларда аниқланади?

## **3-боб МИКРООРГАНИЗМЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ**

Физиология бобида микроорганизмларнинг ҳаётий функциялари: озиқланиши, нафас олиши, ўсиши ва бўлинib кўпайиши ўрганилади. Физиологик функция асосида узлуксиз моддалар алмашинуви (метаболизм) ётади.

Моддалар алмашинуви негизида қарама-қаршилик ва ўзаро боғлиқлик жараёни—ассимиляция (анаболиз) ва диссимилияция (кatabолизм) ётади.

Ассимиляция жараёнида озиқ моддалар ўзлаштирилади ва улардан ҳужайра тузилиши синтезида фойдаланилади. Диссимилияция жараёнида эса озиқ моддалар оксидланиб парчаланади, бунинг натижасида микроб ҳужайрасининг ҳаёти учун керак бўлган энергия ажралади, озиқ моддалар бўлинishi натижасида мураккаб органик бирикмалар оддий, паст молекулати моддаларга парчаланади, улар қисман ҳужайра тўқимасидан чиқариб юборилади. Қолган қисми эса ҳужайрада биосинтетик реакцияда иштирок этади ва ассимиляция жараёнига қўшилади. Озиқ моддалар синтези ва парчаланиши жараёни ферментлар иштирокида содир бўлади. Моддалар алмашинуви микроорганизмларда шиддатли бўлади. Қулай шароитда бир дона микроб ҳужайраси бир кунда ўзидан 30—40 марта катта озиқ моддаларни қайта ишлаши мумкин.

## **БАКТЕРИЯЛарНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ**

Моддалар алмашуви жараёнини тушиниш учун микроорганизмларнинг кимёвий таркибини билиш лозим. Микроорганизмлар ҳужайраси барча тирик организмлардек ўзида кимёвий

моддаларни сақлайди. Органогенлар (углерод, водород, кислород, азот) аҳамиятга эга элементлардан ҳисобланади. Мураккаб органик моддалар оксидларни, углеводларни ва ёгларни тузишида иштирок этади. Микроорганизмлар таркибида минерал ва кўпгина бошқа элементлар бўлади. Уларнинг кўп қисми органик моддалар билан кимёвий боғланган, қолганлари эса ҳужайрада туз сифатида учрайди.

Миқдор жиҳатидан ҳужайра таркибининг 75—85% ини сув ташкил қилади. Қуруқ моддалар улишига органик (оқсил, нуклеин кислота, углевод, ёф) ва минерал бирикмалар киради, улар 15—25% ни ташкил этади.

Сув—ҳужайра ҳаётида катта аҳамиятга эга. Барча моддалар ҳужайрага сув билан киради, алмашинув маҳсулотлари эса шу сув билан чиқиб кетади. Сув микроб ҳужайрасида мустақил бирикма сифатида бўш ҳолда учрайди, лекин уларнинг кўпчилиги ҳужайранинг турли кимёвий компонентлари (оқсил, углевод, ёф) билан боғланган ва ҳужайранинг ички тузилиши таркибида киради. Бўш ҳолдаги сув ҳужайрада бўладиган кимёвий реакцияларда иштирок этиб, турли хил кимёвий бирикмалар эритивчиси, шунингдек коллоидлар учун дисперс муҳит бўлиб хизмат қилади. Ҳужайра таркибидаги бўш сув ҳужайранинг физиологик ҳолати, ҳужайранинг ёши ва ташқи муҳит шароитига қараб ўзгариши мумкин. Спорали шаклдаги бактерияларда сув вегетатив шаклдаги ҳужайраларга нисбатан кам бўлади. Қапсулали бактерияларда сув миқдори жуда кўп бўлади.

Оқсиллар — қуруқ модданинг 50—80% ни ташкил қилади ва микроорганизмларнинг муҳим биологик хоссаларида аниқланади. Бу оддий оқсиллар — протеин ва мураккаб протеидларdir. Ҳужайранинг ҳаёт фаолиятида нуклеопротеидлар — оқсилларнинг нуклеин кислотаси (ДНК ва РНК) билан бирикмаси катта аҳамиятга эга. Микроб ҳужайраси таркибида нуклеинопротеидлардан ташқари кам миқдорда липопротеидлар, гликопротеидлар, хромопротеидлар бўлади. Оқсиллар цитоплазма ва нуклеоидларга бўлинниб ҳужайра девори таркибида киради. Уларга ферментлар, кўпгина токсинлар (микроорганизмлар заҳари) киради. Микроорганизмларнинг тури, спецификалиги оқсили моддаларнинг сифат ва миқдорий таркибида боғлиқ.

Нуклеин кислоталар ҳайвон ҳужайрасида қандай функцияни бажарса микроб ҳужайрасида ҳам худди шундай функцияни бажаради. ДНК ядро (нуклеоид) таркибида бўлади. ва микроорганизмларнинг генетик хоссаси асосида тузилади. РНК ядро ва цитоплазмада бўлади ва ҳужайра оқсили биосинтезида иштирок этади. Нуклеин кислотанинг умумий миқдори микроб ҳужайраси қуруқ моддасининг 10—30% ни ташкил этади ва бу микроб ҳужайрасининг тури ҳамда ёшига боғлиқ бўлади.

Углеводлар қуруқ модданинг 12—18% ни ташкил қилади. Микроб ҳужайрасида энергия ва углерод манбаси сифатида фойдаланилади. Ҳужайранинг таркибий қисми ҳужайра, қобиғи, капсула ва бошқалардан таркиб топади. Микроорганизм ҳужайларали ўзида оддий (моно ва дисахаридлар) ва юқори молекуляр углеводларни сақлайди. Кўпгина бактерияларда кимёвий таркибига кўра крахмал ва гликогенларни эслатувчи киритмалар бўлиши мумкин, улар ҳужайрада озиқ-овқат захиравари ролини ўйнайди. Углеводлар турли микроорганизмларда турлича бўлади ва улар микроорганизмларнинг ёшига, яшаш шароитига боғлиқдир.

Ёѓлар (қуруқ модданинг 0,2—40% ни) цитоплазматик мембронада ҳужайра қобиғининг таркибий қисми ҳисобланади. Улар энергия алмашинувида иштирок этади. Айрим микроб ҳужайларалида ёѓлар захири модда сифатида тўпланади.

Ёѓлар асосан нейтрал ёѓлар, ёғ кислотаси, фосфолипидлардан иборат. Уларнинг миқдори микроорганизмларнинг тури ва ёшига боғлиқ. Масалан: сил микобактерияларида ёғ миқдори 40% ни ташкил этади, бу бактерияларни ташки муҳит омилларига чидамлилигини юзага келтиради. Микроорганизм ҳужайрасида ёѓлар углевод ва оқсиллар билан боғланган мураккаб комплексни ҳосил қилиши мумкин, бу микроорганизмларнинг токсигенлик хоссасини белгилайди.

Минерал моддалар — ўртача қуруқ модданинг 2—14% ни ташкил этади, уларга фосфор, натрий, калий, олтингугурт, темир, хлор ва бошқалар киради.

Фосфор — нуклеин кислота, фосфолипидлар, кўпгина ферментлар шунингдек АТФ (аденозин трифосфат кислотаси) таркибида киради, ҳужайранинг энергия аккумулятори бўлиб ҳисобланади.

Натрий — ҳужайрада осмотик босимни сақлашда иштирок этади.

Темир — нафас ферментлари таркибида киради.

Магний — Грам мусбат бактерияларнинг юзасида жойлашган, магний рибонуклеат таркибида киради.

Микро элементлар оз миқдорда учраса-да микроорганизмларнинг ривожланиши учун жуда зарур. Уларга кобальт, марганец, мис, хром, рух, молибден ва бошқа кўпгина элементлар киради.

Микроэлементлар айрим ферментларнинг синтезида ва уларни фаоллашда иштирок этади. Алоҳида кимёвий элементларнинг ўзаро нисбати микроорганизм турига, озиқ муҳит таркибига, алмашинув характеристига ва ташки муҳитда яшаш шароитига боғлиқ

## БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ОЗИҚЛАНИШИ

Барча микроорганизмларнинг озиқланиш, нафас олиш, бўлиниб кўпайиш жараёнини амалга ошириш учун озиқ моддалар зарур.

Микроорганизмлар энергия манбай ва озиқ модда сифатида турли хил органик моддалар ва ноорганик бирикмалардан фойдаланади, шунингдек нормал ҳаёт кечириши учун уларга микроэлементлар ва ўсиш омиллари талаб қилинади.

Микроорганизмларнинг озиқланиш жараёнида ўзига хослик бор:

Биринчидан, озиқ моддалар ҳужайранинг бутун девори орқали киради. Иккинчидан, микроб ҳужайраси жуда тез борадиган метаболитик реакциясига эга. Учинчидан, микроорганизмлар яшаш муҳитини ўзгартиришга жуда тез адаптацияланиш (мосланиш) хусусиятига эга. Ҳар хил шароитда яшашга кўра микроорганизмларнинг турли хил озиқланиш турлари тафовут этилади.

**Озиқланиш тури.** Озиқланиш тури азот ва углеродни ҳазм қилишига қараб аниқланади. Водород ва кислород органогенларнинг манбай бўлиб сув ҳисобланади. Озиқ моддаларни парчалashi учун микроорганизмларга сув жуда зарур, чунки улар ҳужайрага фақат эриган модда билан киради.

Углеродни қабул қилишга кўра микроорганизмлар икки турга бўлинади: автотрофлар ва гетеротрофлар.

Автотрофлар (грекча *auto*—ўзим, *trophe*—озиқланаман) оддий ноорганик бирикмалардан мураккаб органик бирикмаларни синтезлаш хусусиятига эгадир. Улар углерод манбай сифатида углекислота ва бошқа неорганик углерод бирикмаларидан фойдаланиши мумкин. Автотрофлар тупроқ (нитрификация, серобактерия ва б.) бактериялари ҳисобланади.

Гетеротрофлар (грекча *heteros*—бошқа, *trophe*—озиқланаман) ўсиб ривожланиши учун тайёр органик бирикмаларга муҳтождирлар. Улар углеродни углеводлардан, (кўпинча глюкоза) кўп атомли спиртлардан, органик кислоталардан, аминокислоталардан ва бошқа органик моддалардан олади.

Гетеротрофларга микроорганизмларнинг катта гуруҳдаги аъзолари киради, улар орасида сапрофит ва паразитларни учратишимииз мумкин.

Сапрофитлар ўлик организмдан (грекча *sapros*—чириган, *photon* — ўсимлик) тайёр органик бирикмаларни олади. Улар ўлик организм қолдиқларининг чиришида катта рол ўйнайди. Масалан, чиритувчи бактериялар ва бошқалар.

Паразитлар (грекча *parasitos*—харомхўр, текинхўр) тирик ўсимлик, ҳайвон ва одам ҳужайрасидаги органик бирикмалар ҳисобига яшайди ва бўлиниб кўпаяди. Бундай микроорганизмларга риккетсиялар, вируслар ва айрим содда жониворлар киради.

Азотни қабул қилишига күра микроорганизмлар икки гурхуга бўлинади, аминоавтотрофлар ва аминогетеротрофлар. Аминоавтотрофлар оқсилини синтезлаши учун ҳужайралар ҳавони азот молекуласи ёки аммоний тузларидан олади. Аминогетеротрофлар азотни органик бирикмалардан—аминокислота, мураккаб оқсилдан олади. Уларга барча патоген микроорганизмлар ва кўпгина сапрофитлар киради.

Энергия манбанига кўра микроорганизмлар қўйидагиларга бўлинади:

фототрофлар — биосинтез реакцияси учун энергияни қуёш нуридан (пурпур серобактериялар) олади.

хеметрафлар—энергияни ноорганик моддаларни ва органик моддаларни оксидлаши ҳисобига олади.

Лекин микроорганизмларни озиқланишига кўра чегаралаб бўлмайди, чунки шундай турдаги микроорганизмлар борки, улар гетеротроф туридан автотроф турига ва аксинча ўзгариши мумкин. Ҳозирги вақтда микроорганизмларнинг озиқланишига кўра янги терминлар киритилган: гетеротрофлар, органотрофлар, автотрофлар—литотрофлар (грекча *litos*—тош) деб аталади, чунки бундай микроорганизмлар фақат минералли мұхитда ўсиш қобилиятига эга.

**Ўсиш омиллари.** Микроорганизмларнинг ривожланиши ва бўлинниб кўпайиши учун алоҳида моддалар зарур, улар бу моддаларни ўзлари синтезлай олмайди ва шунинг учун уларни тайёр ҳолда олишлари лозим. Бундай моддаларни ўсиш омиллари дейилади ва улар микроорганизм тўқимасига оз миқдорда керак бўлади.

Уларга турли хил витаминлар, айрим аминокислоталар (оқсилларини синтезлаш учун керак) ва бошқалар киради. Кўпгина ўсиш омиллари турли хил ферментлар таркибиға киради ва биокимёвий жараёнларда катализатор вазифасини бажаради. Микроорганизмларнинг озиқ моддаларга ва ўсиш омиллариға мұхтожлигини билиш жуда зарур, чунки уларни ўстиришда озиқ моддаларни танлай олишимиз лозим.

**Озиқ моддалар транспортировкаси.** Озиқ моддалар микроб ҳужайраси цитоплазмасига фақат катта бўлмаган молекула турида ва эриган ҳолда кириши мумкин. Мураккаб органик моддалар (оқсиллар, полисахаридлар ва бошқалар) микроб ҳужайраси ишлаб чиқарадиган ферментлар таъсирига учрайди ва шундан кейингина улардан фойдаланиш осон бўлади. Озиқ моддаларни ҳужайрага кириши ва ундан метаболизм моддаларининг чиқарилиши асосан цитоплазматик мембрана орқали бажарилади. Озиқ моддалар ҳужайрага бир неча усуllibарда киради:

1. **Пассив диффузия,** яъни моддалар мембрана қатламидан ўтади, натижада уларнинг концентрацияси ва қобиқнинг икки томонидаги босим ортади. Шундай қилиб, мұхитнинг концен-

трацияси, ҳужайрадаги моддалар концентрацияси юқори бўлганда озиқ моддалар ҳужайрага кириши мумкин.

2. **Енгиллаштирилган диффузия** — ҳужайрага озиқ моддалар пермеаза деб номланган молекула ташувчилар ёрдамида фаол равишда киритилади. Бу моддалар фермент табиатли бўлиб, цитоплазматик мембраннынг ташқи томонида ҳар бир пермеаза ўзига мос озиқ моддага адсорбцияланади. Бу жараён энергиядан фойдаланмасдан тугайди, юқори концентрациядан паст концентрацияга моддаларни кўчиради.

3. **Фаол ташиш.** Озиқ моддалар пермеаза ёрдамида худди шундай фаол ташиш йўли орқали амалга оширилади, бу жараёнда энергия сарф этилади. Бу ҳолда ҳужайрадаги концентрация муҳитдаги концентрациядан юқори бўлгандағина озиқ моддалар ҳужайрага кириши мумкин.

Қатор ҳолларда ташилаётган моддалар модификацияга учрайди ва бундай моддаларни ташиш усули радикалларнинг кўчириш ёки кимёвий гуруҳни транслокацияси деб аталади. Ташилаётган моддаларни узатиш механизмига кўра бу жараён фаол ташишга ўхшашибди.

Микроб ҳужайрасидан моддаларни чиқиши пассив диффузия ёки енгиллаштирилган диффузия жараёнида пермеаз иштироқида амалга оширилади.

## ФЕРМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИДАГИ РОЛИ

Ферментлар — бу тирик ҳужайралар ишлаб чиқарадиган оқсил табиатли моддадир. Улар биологик катализатор ҳисобланади ва микроорганизмларда моддалар алмашинувида иштирок этиб, асосий рол ўйнайди.

Кимёвий таркиби, хоссалари ва таъсир этиш механизмига кўра микробларнинг ферментлари ҳайон ва ўсимликларнинг ҳужайра ва тўқималари ҳосил қиласидиган ферментларга ўхшашибди. Микроб ҳужайрасининг ферментлари асосан цитоплазмада жойлашади, айримлари ядро ва ҳужайра қобигида сақланади. Микроорганизмлар маълум синкларга кирувчи олтита ҳар хил ферментларни: оксиредуктазаларни, трансферазалар, гидролазалар, лиазалар, изомеразалар, лигазаларни синтезлаши мумкин.

Специфик таъсир ферментларнинг характерли хоссаси бўлиб, яъни ҳар бир фермент маълум кимёвий бирикмалар билан реакцияга киришади ва битта ёки бир нечта кимёвий реакцияларни парчалайди. Масалан: лактоза ферменти лактоzioni, мальтоза ферменти мальтозани парчалайди.

Ферментларнинг фаоллиги озиқа муҳитнинг ҳарорати, вогород ион кўрсаткичи ва бошқа омилларига боғлиқ. Кўпгина патоген микроорганизмлар учун оптимал рН 7,2—7,4, оптимал ҳарорат 37—50°С ҳисобланади.

Микроорганизмларнинг ферментлари экзоферментларга ва

эндоферментларга таснифланади. Экзоферментлар ташқи мұхитта ажралып озиқ моддалардаги макромолекулаларни оддий бирикмаларга парчалайды, улар микроб ҳужайраси томонидан ҳазыр бўлиши мумкин. Экзоферментларга гидролазалар киради, улар оқсил, ёғ, углеводларни гидролизлайди. Бу реакция натижасида оқсиллар аминокислоталарга ва пептонларга, ёғлар— ёғ кислоталари ва глицеринга, углеводлар (полисахаридлар) дисахарид ва моносахаридларга парчаланади. Эндоферментлар ҳужайра ичида борадиган моддалар алмашинувда иштирок этади.

Шунингдек, микроорганизмларда конституктив ва индуктив ферментлар мавжуд. Конституктив ферментлар ҳар қандай шароитда ҳам микроб ҳужайрасида учрайди. Бундай ферментларга протиаза, липозакарпогидролаза ва бошқа ферментлар киради. Индуктив (адаптив) ферментлар озиқа мұхитдаги мос субстрат таъсирида ва микроорганизм уни ўзлаштиришга мажбур бўлганда ҳужайрада синтезланади. Масалан, агар бактериялар оддий шароитда крахмални парчаловчи амилаза ферментини ишлаб чиқармаса, улар фақат крахмал сақловчи озиқа мұхитта экилган ҳолларда бу ферментни синтезлай бошлайди. Шундай қилиб, индуктив ферментлар микроб ҳужайраси шароити ўзгарганда ҳам яшаш учун мосланишга имкон беради.

Кўпгина патоген микроорганизмлар алмашинув ферментларидан ташқари, агрессив ферментларни ҳам ишлаб чиқаради, улар макроорганизмларнинг табиий ҳимоя тўсигини кечиб ўтишга хизмат қиласи ва патогенлик омили бўлиб ҳисобланади. Бундай ферментларга гиалуронидаза, дезоксирибонуклеаза, лецитовителлаза ва бошқалар киради. Гиалуронидаза бириктирувчи ҳужайралар оралиғидаги моддаларни парчалайди, шунингдек қўзғатувчини макроорганизмда тарқалишига имкон яратиб беради.

Микроорганизмлар—ажратадиган турли хил ферментлар уларнинг биокимёвий хоссасини белгилайди, ҳар қандай микроорганизмнинг ферментатив тузилиши донмий хоссаси ҳисобланади. Турли микроорганизмлар ферментларнинг йигинди сига кўра бир-биридан фарқланади ва идентификациялаш учун катта аҳамиятга эга.

## МИКРООРГАНИЗМ ФЕРМЕНТЛАРИНИНГ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИШИ

Қадимдан одамлар пиво ва виноларни тайёрлашда ачитқи ферментларидан фойдаланганлар. Озиқ-овқат саноатида ферментлар қўлланилиши уларнинг технологик жараёнини идентификациялашда, тайёр маҳсулотлар миқдорини ва сифатини яхшилашга имкон беради. Маълум турдаги замбуруғларнинг ферментлари ҳамир тайёрлашда қўлланилади, ёпилган ионнинг хажмини, ғоваклигини оширади, мазасини, ҳидини, янгилигини

яхшилайди. Айрим микроорганизмларнинг ферментлари мева сабзавотлардан шарбатларни ажратиб олиш жараёнини тез-лаштиради.

Ферментлар айрим микроорганизмларга метанни ўзлаштиришга имкон беради ва бу турдаги бактериялардан шахталарда метанга қарши курашишда фойдаланилади. Бактерияларнинг ферментлари ювиш воситаларига қўшилади. Бундай препаратлар оқсил билан ифлосланишини тозалайди, чунки ферментлар оқсилларни сувда яхши эрийдиган моддаларгача парчалайди, ювганда яхши ювилади.


Тиббиёт саноатида микроорганизмларнинг ферментлари ёрдамида витаминлар, гормонлар, алкалоидлар олинади.

### БАКТЕРИЯЛАРНИНГ НАФАС ОЛИШИ

Микроорганизмларнинг нафас олиши (ёки биологик оксидланиш) биокимёвий жараённинг йиғиндиси ҳисобланади, натижада микроб ҳужайрасининг ҳаёти учун зарур бўлган энергия ажралади. Барча физиологик жараёнларда микроорганизмларнинг ҳаракатланиши, ўсиши, бўлинниб кўпайиши, спора ва капсула ҳосил қилиши, токсинин ишлаб чиқариши фақат эмергиянинг қўйилиб келиши натижасидагина вужудга келиши мумкин. Микроорганизмлар турли хил кимёвий бирикмалари, углеводлар (кўпинча глюкозаларни) спиртлар, органик кислоталар, ёфлар ва бошқаларни оксидлаши натижасида энергия ҳосил қиласди. Оксидланишнинг маъноси шундан иборатки, оксидланувчи моддалар электронларни беради, тикланувчи эса уни қабул қиласди.

Нафас олишига кўра микроорганизмлар қўйидаги турларга бўлинади. Облигат (талаблан) аэроблар, облигат анаэроблар, факультатив (ихтиёрий) анаэроблар.

Облигат аэроблар (сил микобактерияси ва бошқалар) кислородли шароитда яшайди ва бўлинниб кўпаяди, яъни оксидланиш реакцияси кислород молекуласи иштирокида энергия билан амалга ошади. Масалан, глюкозанинг аэроб шароитда оксидланиши мисол бўла олади.



Кам миқдорда кислородга муҳтож бўлган микроаэрофиллар ҳам (айрим лептоспиралар, бруцеллалар) мавжуд.

Облигат анаэроблар (қоқшол, ботулизм ва бошқалар) фақат кислородсиз шаритдагина ҳаёт кечиради. Анаэробларда нафас олиш, субстратларнинг ферментацияси кам миқдорда энергия ажралиши йўли билан вужудга келади. Анаэроблар 1 моль глюкозани парчалаганда аэроб нафас олгандагига нисбатан кам миқдорда энергия ажралади.



Бўш ҳолда кислороднинг бўлиши анаэробларга ўлдирувчи таъсир кўрсатади. Бу шунга боғлиқи, кислороднинг бўлиши органик брикмаларнинг якуний маҳсулоти водород пероксид бўлиб ҳисобланади. Анаэроблар водород пероксидини парчаловчи каталаза ферментини ишлаб чиқариш хусусиятига эга эмаслиги сабабли, у бактерияда йигилиб, унга токсиген таъсир кўрсатади.

**Факультатив анаэроблар** кислород молекуласи бўлган ва бўлмаган ҳолларда ҳам яшаб, бўлиниб кўпаяди. Уларга кўпгина патоген ва сапрофит бактериялар киради.

Органик брикмаларнинг кислородсиз шароитда парчалашиб жараёни энергия ажралиши билан боради, буни бижгитиш деб ҳам аталади. Маълум микроорганизмларнинг иштирок этиши ва углеводлар парчаланишининг якуний маҳсулотига қараб бижгитишнинг бир қанча тури фарқланади: ачитқи билан амалга ошириладиган спирт, сут кислота бактериялари келтириб чиқарадиган сут кислотали, ёғ кислотали бактериялар келтириб чиқадиган ёғли-кислотали бижгитиш ва бошқалар.

Микроорганизмлар нафас олганда ажраладиган иссиқликни уни сақлаб турувчи маҳсус идишлардаги озиқа муҳитларида ўстирилиб кузатилади, бунда озиқа муҳитининг ҳарорати секинаста кўтарилади. Айрим микроорганизмларнинг нафас олганида ортиқча иссиқлик чиқариши торф, гүнг, пичан ва пахтанинг ўз-ўзидан ёниб кетишига сабаб бўлади.

Микроорганизмларнинг нафас олишининг биохимёвий механизми, биологик кимё дарслекларида тўлиқ кўрсатилган.

### МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ПИГМЕНТЛАНИШИ

Айрим микроорганизмлар (бактерия, замбуруғлар) моддалар алмашинуви жараёнида бўялувчи моддаларни — пигментларни ҳосил қиласди. Пигментлар хоссасига ва кимёвий таркибига кўра ҳар хил бўлади. Улар сувда эрийдиган (кўк йиринг таёқчалари ишлаб чиқарадиган — кўк пигмент—пиоцианин), спиртда ва сувда эрийдиган пигментлар (ғалати таёқчалар ишлаб чиқарадиган продигиозан—қизил пигмент), спирт ва сувда эримайдиган пигментлар (қора ва кулранг—ачитқи ва мўғор пигментлари)га бўлинади.

Сувда эримайдиган пигментлар (липохромлар) бактериялар колониясини бўйяди (масалан: стафилококкнинг ферментлари—сариқ, тилла ранг, малла рангга бўйлади). Сувда эрийдиган пигментлар озиқ муҳитнинг рангини ўзгартиради (кўк йиринг таёқчалари).

Микроб ҳужайраси маълум озиқ-муҳитида кислородли шароитда ва ёргулук таъсирида пигмент ҳосил қиласди. Организмни пигмент ҳосил қилиш хоссаси кўп ҳолларда доимий ҳисобланади, бу айрим бактерияни фарқлашда тест сифатида қўлланилади (масалан: стафилококк, кўк йиринг таёқчалари).

Микроорганизмларнинг пигмент ҳосил қилиши маълум физиологик аҳамиятга эга. Пигментлар микроб ҳужайрасини табиий ультра бинафша нурлардан химоя қилади, нафас олиш жараённида иштирок этади, айримлари антибиотик таъсирига эга (продигиозан).

## МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ НУР СОЧИШИ ВА ХУШБҮЙ ҲИД АЖРАТИШИ

Микроорганизмларнинг (бактериялар, замбуруғлар) нур сочиш хоссасига эга бўлган турлари учрайди. Бактерияларнинг нур сочиши узлуксиз оксидланиш жараёни натижаси бўлиб бу жараён энергия ажралиши билан боради.

Денгиз сувлари, балиқ териси, чириган дарахтлар ёруғлик ажратадиган бактериялар ёки фитобариялар ёрдамида ўзидан ёруғлик таратади.

Ёруғлик ажратадиган бактерияларнинг барчаси аэроблардир. Уларнинг асосий қисми денгиз сувларида ҳаёт кечиради, чунки улар туз миқдори кўп бўлган шароитда яхши бўлинниб кўпаяди. Фотобактериялар билан симбиозда яшайдиган ўргимчак, чумоли ва бошқалар ҳам ёруғлик ажратниши мумкин. Ёруғлик ажратадиган бактериялар қоронғида яхши билинадиган яшил ёки ҳаворанг ёруғлик ажратади. Қоронғида қўзиқоринлар ҳам ёруғлик ажратади.

Ёруғлик ажратадиган бактериялар 15—18°C да ҳаёт кечирадилар ва улар чириш жараёнини келтириб чиқармайдилар. Улар балиқ ҳамда гўштли муҳитда яхши ўсади ва улардан нур ажралишига ёрдам беради.

Айрим микроорганизмлар ўзидан хушбўй ҳид, масалан, этил — уксус, сут, ёғ, пишлоқ, қаймоқ ва бошқа ҳидларни ажратади. Бундай бактерия турли хил қандолат маҳсулотларини, озиқ-овқатларни тайёрлашда қўлланилади.

## БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА БЎЛИНИБ КЎПАЙИШИ

Микроорганизмлар ҳаётида асосий жараёнлардан бири уларнинг ўсиши ва бўлинниб кўпайишидир.

Микроорганизмлар ўсганда уларнинг катталиги ва барча ҳужайраларнинг таркиби ўзгаради.

Бактерия ҳужайрасининг катталашувидаи иборат бўлган ўсиши жараёни жуда тезлик билан боради, у бир неча дақиқа ичида ўсади.

Бактериялар вояга етгач кўпая бошлиайди. Улар кўндалангига оддий бўлинниш йўли билан кўпаяди. Бу жараённинг фавқулодда тез бориши характерлидир. Бактерия ҳужайраси етарли озиқ-овқат бўлганда, қулай ҳароратда ҳар 20—30 дақиқада бўлинади. Бактериялар бемалол кўпая олса, 5 кунда битта

хужайрадан барча денгиз ва океанларни түлдириб юбора оладиган тирик масса ҳосил бўлиши ҳисоблаб чиқилган.

Ҳақиқатда эса бактерияларнинг шиддат билан кўпайиши ҳатто энг яхши шароитда ҳам бир неча соатдан ошмайди.

Табиий шароитда кўпгина иокулар бактерияларнинг кўпайишига тўсқинлик қиласди. Хусусан озиқа муҳитида улардаги моддалар алмашинувидан ҳосил бўладиган маҳсулотлар тўпланиши бактерияларнинг ўсиши ва кўпайишига зарарли таъсир қиласди. Уларнинг қисман нобуд бўлишига олаб келади.

Кўндаланг бўлининишида бактериялар маълум ёшга етганда ДНК молекуласи икки баравар ортади. Қиз ҳужайра она ДНК молекуласининг нусхасини олади. Бу жараён қиз ҳужайра цитоплазмаси тўла бўлингандан тугалланади.

Чегара ҳосил бўлишида цитоплазматик мембрана ва ҳужайра девори иштирок этади. Агар бўлининиши ҳужайранинг ўртасидан бошланса, иккита қиз ҳужайра бир хил катталикда бўлади (изоморф бўлининиш). Айрим ҳолларда чегара бир учига яқинроқда ҳосил бўлади, бунда қиз ҳужайралар бир хил катталикда бўлмайди. (гетероморф бўлининиш). Бактерияларда (коқклар) бўлинниб кўпайиш турли хил текисликларда боради. Шунинг учун занжирсимон (стрептококк), узум шингилига ўхшаш (стамиллококк), иккитадан (диплококк, тетракокк, сарцина) жойлашади. Таёқчасимон бактериялар фақат кўндаланг йўлида, битта текисликларда бўлинниб кўпаяди.

Айрим бактериялар куртаклаш усулида (сил микобактерия-си) бўлинниб кўпаяди.

Бундан ташқари, канъюгация усулида бўлинниб кўпайиши ҳам тафовут этилади, бу бўлининиши жинсий бўлинниб кўпайишига ўхшаш. Масалан, ичак таёқчаси.

Суюқ озиқа муҳитида бактерияларнинг бўлинниб кўпайиши бир неча фазаларда боради.

1. Латент босқич. Микроб ҳужайраси озиқа муҳитига мослашади, моддалар алмашинуви тезлашади, ҳужайра катталашади. Бактериялар биринчи фазанинг охирида бўлинниб кўпая бошлайди.

2. Логорифмик кўпайиш босқичи. Бу фазада бактериялар бўлинниб кўпайиши тезлашади, уларнинг сони ортади.

3. Стационар босқич. Бактерия ҳужайрасининг концентрацияси доимийлигича қолади. Бунда тирик ва ўлик бактериялар миқдори тенглашади.

4. Ўлиш босқичи. Бактерия ҳужайрасининг ҳаёт фаолияти секинлашади ва ўла бошлайди, чунки бунда озиқа модда камайиб, заҳарли моддалар кўпаяди. Ўлик ҳужайралар миқдори ортади.

5. Тўла ўлиш босқичи. Бактерия ҳужайралари тўлиқ нобуд бўлади. Бактерияларнинг тўла ўлиши бир неча кун, ҳафта ёки ойдан сўнг юзага келиши мумкин.

Суюқ озиқа муҳитида бактерия миқдори 18—24 соатдан

сўнг ортади. Бунда муҳит лойқаланади. Чўкма ёки парда ҳосил килади. Зич озиқа муҳитидаги эса калония ҳосил қилиб ўсади. Спирохеталар ва риккетсиялар ҳам кўндаланг усулда бўлинib қўпаяди.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Микроб ҳужайрасининг кимёвий таркиби қандай?
- 2. Микроорганизмларда қандай озиқланиш тури мавжуд?
- 3. Озиқ моддалар ҳужайрага қандай ўтади?
- 4. Микроорганизмлар нафас олишига кўра қандай турларга бўлинади?
- 5. Бактериялар қандай усулда бўлинниб қўпаяди?

## 4-б о б. ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИНИНГ МИКРООРГАНИЗМЛАРГА ТАЪСИРИ

Микроорганизмлар ҳаёти уни ўраб турган ва уларга таъсир кўрсатувчи ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Микроорганизмларга таъсир кўрсатувчи барча омилларни учта гурухга: физикавий, кимёвий, биологик омилларга бўлиш мумкин. Ташқи муҳит омилларининг яхши ёки ўлдирувчан таъсир кўрсатиши, мана шу омилнинг табиатига, шунингдек микроорганизмларининг хоссасига боғлиқ.

### ФИЗИКАВИЙ ОМИЛЛАР

Микроорганизмларга физикавий омиллардан совуқ ва иссиқ ҳарорат, қуритиш, ёруғлик энергияси, ультратовуш ва босим таъсир кўрсатади.

**Ҳарорат.** Ҳар бир микроорганизмнинг ҳаёт фаолияти маълум ҳарорат билан чегараланган. Асосан учта ҳарорат мавжуд: минимал ҳарорат — микроб ҳужайраси бу ҳароратда бўлинниб қўпаймайди, оптималь ҳарорат — микроорганизмлар ўсиб бўлиниб қўпайиши учун қулай ҳарорат ҳисобланади, максимал ҳарорат — микроб ҳужайрасининг ривожланиши секинлашади ёки тўхтайди.

Барча микроорганизмлар ҳароратга нисбатан психрофиллар, мезофиллар ва термофилларга бўлинади.

**Психрофиллар** (грекча *psyhos* — совуқ, *phileo* — севаман) ёки совуқ ҳароратни севувчи микроорганизмлардир. Улар паст ҳароратда ўсадилар. Улар учун минимал ҳарорат —  $0^{\circ}\text{C}$ , оптималь ҳарорат  $10\text{--}20^{\circ}\text{C}$ , максимал ҳарорат —  $30^{\circ}\text{C}$  га тенг. Уларга шимолий денгиз ҳамда океанларда тупроқ ва чиқинди сувларда яшайдиган микроблар киради.

**Мезофиллар** (грекча *mesos* — ўртача) буларга қўпгина сапрофит ва барча патоген микроорганизмлар киради. Улар учун —

максимал ҳарорат — 46°C, оптималь ҳарорат — 28—37°C ва минимал ҳарорат — 10° га тенг.

Термофиллар (грекча *termos* — иссиқ). Булар учун минимал ҳарорат — 30°C, оптималь ҳарорат — 50—60°C, максимал ҳарорат — 70—75°C га тенг. Улар иссиқ сув ҳавзаларида, тупроқнинг юза қисмида, гүнгда учрайди.

Юқори ва паст ҳарорат микроорганизмларга турлича таъсир кўрсатади. Айрим микроорганизмлар юқори ҳароратга жуда сезгир бўлади. Ҳарорат максимал кўрсатгичдан ортган сари микробларнинг ўлиши тезлашади.

Вегетатив микроорганизмлар 60°C таъсирида 30—60 дақиқадан сўнг, 80—100°C таъсирида 1—2 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Бактерияларнинг споралари анча чидамли бўлади. Масалан, бацилланинг спораси қайнатганда 10—20 дақиқа, ботулизм клостридиининг спораси 6 соатгача сақланади. Барча бактериялар ва споралар 165—170°C ҳарорат таъсирида 1 соат ичida нобуд бўлади.

Кўпгина микроорганизмлар паст ҳароратга чидамли бўлади. Вабо ва сальмонеллалар музда узоқ сақланади. Айрим микроорганизмлар суюқ ҳавода ( $-190^{\circ}\text{C}$ ) бактерияларнинг споралари  $-250^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ҳам тирик қолиши мумкин.

Патоген микроблардан кўййутал, менингококк, гонококк ва бошқалар паст ҳароратда тез нобуд бўлади. Мана шуни эътиборга олган ҳолда текшириш материалини лабораторияга юборилаётганда совуқдан сақлаган ҳолда олиб бориш лозим бўлади.

Паст ҳарорат ачитувчи ва бижритувчи жараённи юзага келтирувчи микроорганизмларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади. Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини музлатгичларда, омборхоналарда сақланади. 0° ҳароратда микроорганизмлар, анабиоз ҳолатига тушади, моддалар алмашиниш жараёни секинлашади ва бўлинниб кўпайиши тўхтайди. Агарда микроблар яна ўзига қулай ҳароратга ва озиқа муҳити кўп бўлган шароитга тушса ўзини қайта тиклади. Ҳароратнинг тез ўзгариши (музлашёки эриш) микроорганизмларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади, яъни ҳужайра қобиғини бўлинниб кетишига олиб келади.

Қуритиш. Микроорганизмларнинг нормал ҳаёти учун сув зарур. Қуритиш таъсирида цитоплазматик мембранинг бутунлиги бузилади, натижада микроб ҳужайрасининг озиқлашини тўхтаб, ҳужайра нобуд бўлади.

Қуритиш таъсирида микробларнинг ўлиши турличадир. Масалан: патоген менингококк, гонококк, лептоспиралар, трепонема ва бошқалар қуритиш таъсирида бир неча дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Вабо вибриони — 2 кунгача, сальмонеллалар — 70 кун, сил микробактерияси — 90 кунгача сақланиши мумкин. Сил касаллиги билан касалланган беморнинг қуриган балғамида сил қўзғатувчиси қуриган оқсил қобиғи билан ўралган бўлади. Шунинг учун у 10 ойгача сақланиши мумкин.

Құритишига ва бошқа омилларға споралар жуда чидамлидір. Күйдирғи бацилласининг спораси — 10 йилгача, мүғор замбуруғлари — 20 йилгача сақланади.

Құритиши таъсирида микроблар нобуд бўлгани учун азалдан сабзавот ва мевалар, гўшт, балиқ, доривор ўсимликларни құритиб сақланилган. Құритиши йўли билан сақланган озиқ-овқатлар намли шароитга тушганда тез бузилади, чунки микроблар ўз фаолиятини яна тиклади.

Микроорганизм күльтураларини, вакцина ва биологик препаратларни сақлашда лиофил құритиши усули кенг қўлланилади. Бунда препаратлар музлатилиб, сўнг ваккум шароитида құритилади. Бу ҳолатда микроб ҳужайраси анабиоз ҳолатига ўтади ва бир неча ой, ҳатто бир неча йилларгача биологик хоссасини сақлаб қолади.

**Ергуллик нурлари.** Микроблар ҳаёт фаолиятларида доимо қуёш радиация нурлари таъсирига учрайди. Тик қуёш нури фотосинтезловчи бактериялардан ташқари микроорганизмларга ҳам бир неча соат ичидаги үлдирувчан таъсир кўрсатади. Қуёш нури таркибидағи ультра бинафша нурлари ҳужайра ферментларини инактивациялади ва ДНК ни жароҳатлади.

Патоген микроорганизмлар УБН (ультрабинафша нури)га жуда сезгир бўлади. Шунинг учун лабораторияларда күльтураларни қоронгига сақлаш мақсадга мувофиқдир. Буни Бухнер ўз тажрибасида исботлаб берган.

Петри косачасидаги озиқа муҳитга кўп миқдорда микроб күльтураси экилади. Қора қоғоздан «typhus» сўзи кесиб олиниади ва косачанинг орқа тарафига ёпиширилади. Косачани тўнкарилган ҳолатда тик қуёш нурида 1 соатга қолдирилади, вақт ўтгач қоғоз олиб ташланади ва косачани 37°C да 24 соатга термостатда қолдирилади. Эртасига термостатдан косачани олиб қарапланда, унинг қоғоз ёпишган жойида микробларнинг ўсгани кўринади. Тик қуёш нури тушган ерида эса микроблар ўスマгани кузатилади.

Қуёш нурининг аҳамияти катта бўлиб, ташқи муҳит, ҳаво, сув, тупроқнинг юза қисмини патоген микроблардан табий равишда тозалаб туради.

УБНларнинг бактериоцидлик таъсиридан ёпиқ хоналардаги (жарроҳлик, боғлов, бокс ва бошқалар) ҳавони стерилизация қилишда кенг фойдаланилади. Бу нурларнинг манбай бўлиб ультрабинафша нур ажратувчи лампа, бактериоцид лампалар ҳисобланади.

**Ультратовуш** — микроб ҳужайрасини жароҳатлади. Унинг таъсирида ҳужайра ичидаги цитоплазма фаоллашади ва ҳужайра ичидаги босим ортиб кетади. (10000 атм). Бу ҳужайра қобиғининг бутунлигига таъсир кўрсатиб, ҳужайрани нобуд қилаади. Ультратовуш озиқ-овқатларни (сув, мева шарбатлари), ичимлик сувларини стерилизация қилишда қўлланилади.

**Босим.** Механик босимга бактериялар ва споралар чидамли

бўлади. Табиатда океан ва денгизларнинг 1000—10000 метр чуқурлигида 100—900 атм. босим остида яшайдиган микроблар ҳам аниқланган. Айрим турдаги бактериялар 3000—5000 атм. споралар 20000 атм. боссимиға ҳам чидамлидир.

## КИМЁВИЙ ОМИЛЛАР

Кимёвий омиллар микроорганизмларга турлича таъсир кўрсатади. Уларнинг таъсири кимёвий модданинг табиатига, концентрациясига микробларга таъсир этиш вақтига боғлиқдир. Кимёвий модда концентрациясига қараб озиқлантирувчи ёки ўлдирувчан таъсир кўрсатади. Масалан: 0,5—2% глюкоза эритмаси микробларнинг ўсишига, таъсир кўрсатса, 20—40% глюкоза эритмаси эса микроб ҳужайрасининг бўлинниб кўпайшини секинлаштиради.

Кимёвий моддалардан дезинфекция қилиш мақсадида фойдаланилади. Дезинфекция деб, ташқи муҳитдаги патоген микроорганизмларни ўйқ қилиш жараёнига айтилади. Дезинфекцияловчи моддаларга фенол ва уларнинг оғир металл тузлари, айрим кислоталар, ишқор, спирт ва бошқалар киради. Улар микроорганизмларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади.

Антисептиклар, кимёвий моддалар микроорганизмларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади ёки уларни бўлинниб кўпайишини сусайтиради. Улардан даволаш мақсадида (кимётерапия), шунингдек тери ва шиллиқ қаватдаги жароҳатларни зарарсизлантиришда фойдаланилади. Водород пероксид, йоднинг спиртли эритмаси, бриллиант яшили, калий перманганат эритмаси ва бошқалар антисептик хоссага эга. Айрим антисептик моддалар (укус, бензой кслотаси ва бошқалар) озиқ-овқатларни консервация қилишда қўлланилади.

Микробларга таъсир кўрсатиш механизмига кўра кимёвий моддалар бир нечта гурухларга бўлинади.

1. Юза—фаол моддалар (ёф кислоталари, совун ва бошқалар) микроорганизмларнинг ҳужайра девори ва циотплазматик мембронасига таъсир кўрсатади.
2. Фенол, крезеол улар микроб оқсилини коагуляцияга учратади. Улардан зарарли материалларни зарарсизлантиришда фойдаланилади.
3. Оксидловчилар микроб оқсили билан ўзаро таъсирга ўтиб ферментларнинг фаолиятини бузади ва оқсилиларни денатурацияга учратади. Уларга хлор, озон ва бошқалар (хлор аралашмаси, хлорамин, водород пероксид, калий перманганат, йод ва бошқалар) киради.
4. Формальдегид 40% формалин эритмасидан дезинфекциялаш учун фойдаланилади. У вегетатив микроорганизмларни ўлдиради.
5. Оғир металл тузлари. Оғир металл тузлари (симоб, рух) микроб оқсилини коагуляцияга учратиб уларни нобуд қиласади.

Кумуш, олтин, симоб, оз концентрацияда микробларга бактериоцид таъсир кўрсатади. Бунга олигодинамик таъсир (*oligos*—оз, кам, *dinashys*—куч) дейилади. Симобли препаратлар микробларга кучли таъсир кўрсатади, уларни дезинфекция қилишда сулема (1:1000 эритмаси) қўлланилган. Лекин улар микроорганизмларга заҳарли таъсир кўрсатади.

6. Бўёқлар (бронхиант яшили, риванол ва бошқалар) бактерияларнинг ўсишига тўсқинлик қиласиди. Бўёқли эритмалар антисептик модда сифатида таъсир кўрсатади.

Физикавий ва кимёвий омилларнинг микроорганизмларга таъсири асептика ва антисептиканинг асосини ташкил этади.

Асептика—физикавий усулда ифлосланган объектдаги микробларга тўсқинлик қилиш чора тадбирларга айтилади.

Антисептика—организмдаги ва ташқи муҳитдаги микроорганизмларни кимёвий моддалар ёрдамида зарарсизлантириш чора тадбирларига айтилади.

## БИОЛОГИК ОМИЛЛАР

Табиий шароитда микроорганизмларнинг яшashi чегараланмаган. Улар ўзаро мураккаб боғлиқликда бўлиб симбиоз, метабиоз ва антагонизмга асосланган.

Симбиоз — бу бир-бирига фойда келтирувчи турли хил организмларни бирликда кенгайишига айтилади. Уларни бирлика яшashi, алоҳида яшашига қараганда яхши боради. Масалан, сут—ачитқи бактериялари, спиртли ачитқилар сут маҳсулотларини (кефир, қимиз) тайёрлашда қўлланилади.

Метабиоз — бир турдаги организм иккинчи турдаги организм яшашига шароит яратиб беради. Масалан, аэроб микроорганизмлар кислородни ютиб анаэробларга кислородсиз шароит яратиб беради.

Антагонизм—бир турдаги микроорганизм иккинчи турдаги микроорганизмнинг яшашига тўсқинлик қиласиди. Масалан: сода жоноворлар бактерияни емиради, фаглар эса ҳужайрани лизисга учратади. Чақалоқ ичагидаги сутда ачитқи бактериялари *Bifidobacterium bifidum* бўлиб, улар сут кислотасини ажратиб ичайдаги чиритувчи бактерияларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади.

## Назорат учун саволлар

?

1. Микроорганизмлар ҳаёт фаолиятига қандай физикавий омиллар таъсир кўрсатади?
2. Қандай дезинфекцияловчи моддаларни биласиз ва улар таъсир этиш механизмига кўра қандай гурухларга бўлинади?
3. Микрорганизмлар орасида қандай боғлиқликлар мавжуд?

## **СТЕРИЛИЗАЦИЯ**

Стерилизация деб пуштини қуритиш, яъни ташқи мұхит объектидеги микроорганизмларнинг спораларини йўқотиш жараёнига айтилади. Стерилизация бир қанча усулларда олиб борилади:

1. Физикавий (юқори ҳарорат, ультрабинафша нурлари, бактериологик фильтр ва б.) усул.
2. Кимёвий (турли хил дезинфекцияловчи антисептик моддалардан фойдаланилади) усул.
3. Биологик (антибиотиклар ёрдамида)

Лаборатория шароитида асосан физикавий усулдан фойдаланилади.

### **ФИЗИКАВИЙ УСУЛ**

Алангода чўғлантириш усулида стерилизация қилинганда ташқи объектидаги вегетатив ҳужайралар ва микроорганизм споралари тўлиқ нобуд бўлади. Асосан бактериологик қовузлоқ, шпатель, пишетка, буюм ойначаси, ёпқич ойнача кичик асбоблар ва бошқалар чўғлантириш ёрдамида стерилизация қилинади. Қайчи, скальпел, яъни ўткир асбоблар чўғлантириш ёрадмида стерилизация қилинмайди, чунки улар аланга таъсирида ўтмас бўлиб қолади.

### **ҚУРУҚ ИССИҚЛИК ЁРДАМИДА СТЕРИЛИЗАЦИЯЛАШ**

Қуруқ иссиқлик ёки иссиқ ҳаво ёрдамида стерилизация Пастер печи (қуритиш шкафи)да олиб борилади. Пастер печининг девори 2 қаватдан иборат, ташқи тарафдан иссиқлик ўтказмайдиган металл билан қопланган. У газ ёки электр ёрдамида иситилади. Электр токида ишлайдиган шкаф ҳароратни бирдай сақлайдиган автоматик асбоб билан таъминланган. Ҳароратни назорат қилиш учун термометр бор, 2 та тешиги бўлиб бири юқорида айтилган термометр учун иккинчиси ҳидлар чиқиши учун мўлжалланган.

Қуритиш шкафида лаборатория идишлари стерилизация қилинади. Шкаф ичига бир хилда ва тўлиқ иссиқлик бориши учун идишлар тўла солинмайди. Шкаф эшиги яхшилаб ёпилади, сўнг токка уланади,  $160-165^{\circ}\text{C}$  га етказиб 1 соат давомида стерилизация қилинади. Стерилизация вақти тугагач, электр токидан ўчирилади, лекин шкаф эшиги совигунча очилмайди. Агар эшиги очиб юборилса совуқ ҳаво шкаф ичига кириб идишларни синишига ва дарс кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Пастер печи турли хил ҳарорат тартибида ишлайди.

$160-165^{\circ}\text{C}$ —60 дақиқа.

$180^{\circ}\text{C}$ —15 дақиқа.

$200^{\circ}\text{C}$ —5 дақиқа.

Суюқликлар (озиқа мұхитлар), физиологик эритма ва бошқалар, синтетик ва резинали буюмлар стерилізация қылннмайды чунки улар әриб кетади.

## ДЕЗИНФЕКЦИЯ

Микробиологик амалиётта турли хил дезинфекцияловчи моддалардан фойдаланилади: 3—5% ли фенол, 5—10% ли лизол, 1—5% ли хлорамин, 3—6% ли водород пероксид, 1—5% ли формалин, сулема 1:1000 (0,1%) эритмалари, 70° ли спирт ва б.

Патологик материаллар (йириңг, најас, сийдик, балғам, қон, орқа мия суюқлиги) дезинфекцияловчи моддалар билан зарарсизлантирилади. Заарсизлантириш қуруқ хлорли оқак ёки 3—5% хлорамин эритмаси билан олиб борилади.

Заарарлы материал ёки микроб күлтураси билан ифлосланған пипетка, шиша шпатель, буюм ва ёпқыч ойначалар 3% ли фенол ёки водород пероксид эритмасига 1 кунга солиб қўйилади.

Иш тугагач лаборант ўз иш столини, қўлинни дезинфекцияловчи моддалар билан заарсизлантириши лозим, стол усти 3% ли фенол эритмасига намланган пахта билан, қўл эса 10% ли хлорамин эритмаси билан заарсизлантирилади. Қўллар дезинфекцияловчи моддага намланган пахтали шарик ёки дока салфетка билан тозаланиб, сўнг совунили сувда ювилиб чайилади.

Микробнинг биологик хоссасига патоген микробнинг қандай мұхитда ўстирилганига қараб дезинфекцияловчи моддани концентрацияси ва таъсир этиш вақти танланади. Масалан, сулема, фенол, спирт, оқсилли субстрат (йириңг, қон, балғам) заарсизлантиришга яроқсиз, чуки улар таъсирида оқсиллар ивиб қолади. Ивиган оқсил микробларни дезинфекцияловчи моддалар таъсиридан ҳимоя қиласди.

Спорали микроорганизмларни сақловчы күлтуралар 5% ли хлорамин, 5% ли фаоллаштирилган хлорамин, 5—10% ли формалин эритмалари ва бошқа моддалар билан дезинфекция қилинади.

Кун бўйи, иш давомида, иш тугагандан сўнг дезинфекциялашга охирги ёки якуний дезинфекция дейилади.

## ДЕЗИНФЕКЦИЯЛОВЧИ МОДДАЛАР ВА ИШЧИ ЭРИТМАЛАРНИ ТАЙЕРЛАШ

Хлорли оқак ўткир ҳидли, оқ кукун модда, сувда яхши эримайди. Унинг бактерицид таъсири таркибидаги 28—36% ли фаол хлорга боғлиқ, 25% дан кам фаол хлорни сақловчы хлорли оқак дезинфекциялаш учун яроқсиз.

Хлорли оқакни нотўғри сақлаш натижасида у парчаланаади

ва фаол хлорни йўқотади. Парчаланиш натижасида иссиқлик, намлик, ёруғлик ажралади. Шунинг учун хлорли оҳакни қуруқ, қоронги ерда, оғзи маҳкамам ёпиладиган идишларда сақлаш лозим.

Қуруқ хлорли оҳак одам ва ҳайвон чиқиндиларини зарарсизлантиришда қўлланилади (200 г 1 л нажасга ва 10 г 1 л сийдикка).

10% ли хлорли оҳак эритмасини тайёрлаш учун 1 кг қуруқ хлорли оҳакни сирли чеълакка солиниб майдаланди. Сўнг 10 л совуқ сув қўйилиб аралаштирилади, қопқоғи ёнилиб 1 кунга совуқ жойда қолдирилади. Бироз вақт ўтгач эритмани бир неча қаватли докадан ўтказилади. Бу эритмани қорамтиришиша идишларда ёғоч қопқоқ ёниб салқин жойда 10 кунгача сақлаш мумкин. Керакли концентрациядаги ишчи эритмалар асосий эритмадан, қўллашдан олдин тайёрланади. Хлорли оҳакнинг 0,2% ли эритмасини тайёрлаш 1-жадвалда кўрсатилган.

#### 1-жадвал

##### Хлорли оҳак эритмасини тайёрлаш

Ишчи эритмасининг хлорли оҳак эритмасидаги концентрацияси, %	Ишчи эритмасини тайёрлашада асосий эритманинг миқдори мл		Илова
	1 л га	10 л га	
0,2	20	200	Ишчи эритманинг фоизи хлорли оҳак эритмасини тайёрлаш учун олингага хлоирли оҳак миқдорга қараб аниқланади.
0,5	50	500	
1,0	100	1000	
3,0	300	3000	
5,0	500	5000	
10,0	Асосий эритма	Асосий эритма	

#### 2-жадвал

##### Хлораминнинг турли хил концентрациясини тайёрлаш

% ли концентрацияси	Хлорамиин миқдори	
	1 л га	10 л га
0,2		
0,5	2	20
1,0	5	50
2,0	10	100
5,0	20	200
10,0	50	500
	100	1000

Хлорамин — оқ ёки сариқ рангли кристалл модда, 24—28% ли фаол хлор сақлайди. Хона ҳароратида сувда яхши эрийди, шунинг учун ишлатишдан олдин тайёрланади. Хлораминнинг 0,2—10% ли эритмалари қўлланилади. Хлораминнинг турли хил концентрациясини тайёрлаш 2-жадвалда кўрсатилган.

Хлорамин шиша ёки сирли идишларда эритилади. Уни усти ёпиқ қорамтириди идишларда 15 кунгача сақлаш мумкин.

Фаоллаштирилган хлорамин. Хлораминга фаоллаштирувчи модда 1:1 ёки 1:2 қилиб қўшилганда хлораминнинг дезинфекцияловчи хусусияти ортади. Фаоллаштирувчи модда сифатида — хлорид, сульфат, аммоний нитратидан фойдаланилади.

Фаоллаштирилган хлораминнинг 0,5, 1 ва 2,5% ли концентрацияси қўлланилади. Уларни ишлатишдан олдин тайёрланади. Хлорамин ва аммоний тузи алоҳида тортиб олинади, аввал хлормин сўнг фаоллаштирувчи модда эритилади.

Фаоллаштирувчи модданинг фарқи шундан иборатки, хлорамин қўшилганда фаол хлор ажралиши тезлашади. Шунинг учун фаоллашган хлорамин вегетатив микроорганизмларга эмас, спорали культураларга ҳам ўлдирувчан таъсир кўрсатади. Фаоллаштирилган хлорамин фақат пастроқ ва кичик концентрацияда қўлланилади.

Фенол (карбол кислота) рангиз кристалл, ўткир ҳидли модда, қуёш нури, ҳаво, намлик таъсирида қизил рангга айланади. Улар усти қорамтириди шиша идишларда, ёпиқ ҳолда, ёруғлик тушмайдиган ерда сақланади.

Фенол сувда, спиртда, эфир, ёғларда эрийди. У гигроскопик хоссага эга бўлиб қолади. Суюқ карбол кислотаси 50% фенол ва 10% сувдан ташкил топган.

Унинг 3—5% ли сувли эритмаси қўлланилади. Унинг тайёрланиши 3-жадвалда кўрсатилган. Иссик сувда (40—50°C) эритилганда фенолнинг фаоллиги ортади.

### 3-жадвал

#### Карбол кислота эритмасни тайёрлаш

Карбол кислота ишчи эритмаси концентрацияси %	Кристалл карбол кислотаси, гда тайёрлаш учун	Суюқ карбол кислотаси миқдори, мд да
3%	1 л 30 50	10 л 300 500
5%		1 л 33 55—60

**Диққат!** Кристалл феноли ёки суюқ карбол кислота терига тушса, оғир куйиш келтириб чиқаради. Шунинг учун катта концентрацияли карбол кислотаси билан эҳтиёткорлик билан

ишиш лозим, ишишдан аввал қўлга резина қўлқоп кийиш ёки вазелин суртиш лозим.

Агар терига тушса терини илиқ сувда совунлаб ювиш ёки  $40^{\circ}\text{C}$  ли спирт билан артиш лозим.

### Назорат учун саволлар

- ?
1. Микробиологик лабораторияларда қандай дезинфекцияловчи моддалар қўлланилади?
  2. Хлорли оҳак, хлорамин, фенолларнинг асосий хоссалари ва ташқи кўриннишини айтиб беринг?
  3. Спорали микроорганизмларни заарсизлантириш учун дезинфекцияловчи моддаларнинг қандай эритмалари қўлланилади?

### ЗАРАРЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЗААРСИЗЛАНТИРИШ

Текшириб бўлинган заарли материаллар иккى усулда заарсизлантирилади.

1. **Физикавий усул** — заарли материаллар бакларга солишиб автоклавга ўрнатилади ва 1,5—2 атм. босим остида 1 соат давомида заарсизлантирилади. Сўнг автоклавдан олиб 2% ли содали совунли сувда қайнатилади, илиқ сувда чайлади.

2. **Кимёвий усул**. Заарли материал 24 соатга дезинфекцияловчи моддаларга солишиб қўйилади, вақт ўтгач олиб 2% ли содали совунли сувда қайнатилади, илиқ сувда чайлади. Янги келтирилган лаборатория идишлари ҳам 2% ли содали совунли сувда қайнатилади. Илиқ совуқ сувда чайлади.

### ЛАБОРАТОРИЯ ИДИШЛАРИНИ СТЕРИЛИЗАЦИЯГА ТАЙЁРЛАШ

**Ювиб** қуритилган лаборатория идишлари стерилизацияга қўйидагича тайёрланади:

**Пипеткалар** — стерилизация қилинишидан аввал учига пахта тампон тиқилади, сўнг учидан бошлаб 4—5 см кенгликдаги қоғоз лентаси ўралади ва унга ҳажми ёзиб қўйилади. Ёки ментал пеналларга солишиб стерилизация қилинади.

Петри косачалари — кочасига орасига қоғозча қўйилиб ортиқ-часи қирқиб ташланади. Петри косачалари 3—5 тадан қилишиб қоғозчаларга ўралади.

Пробиркалар — аввал пробиркаларга қопқоқчалар ясад олиниади. Тўртбурчак қилиб қирқилган дока пробирка оғзига қўйилиб, пахта солишиб, прессланади, сўнг ип билан боғлаб доканинг ортиқчаси кесиб ташланади. Пробиркалар 10—50 тадан қилишиб қоғозга ўралади.

Колба — аввал юқорида айтиб ўтилганидек, қилиб қопқоқча ясад олиниади, сўнг қоғозли қопқоқча билан ёпилади.

## **5-б о б. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ТАБИАТДА ТАРҚАЛИШИ**

Микроорганизмлар ташқи муҳитда кенг тарқалган. Улар тупроқда, сувда, ҳавода, одам ва ҳайвон организмларида учрайди. Микроорганизмлар моддалар алмашинуви жаёнида иштирок этади. Улар ташқи муҳитдаги турли шароитга мосла ниш хоссасига эга ва турли миқдорда учраши мумкин. Ҳар бир объект ўзига хос характердаги микрофлорага эга. Микроорганизмларнинг тарқалиши ҳақидаги билимимиз юқумли касалликларни тарқалиши ва уларни йўқотиш имконини беради.

### **ТУПРОҚ МИКРОФЛОРASI**

Микроорганизмларнинг ривожланиши учун тупроқ энг қулай жой ҳисобланади. Тупроқда органик моддалар, минерал бирикмалар, намлик етарли бўлса бу қўп миқдорда микроблар тўпланишга шароит яратади. Намлиги қўп бўлган тупроқда микроблар кўп, чўл тупроқларида намлик кам бўлганлиги сабабли микроблар ҳам кам бўлади. Тупроқнинг юза қисмига қўёш нури, қуритиш таъсир кўрсатади. Шунинг учун намроқ, 10—20 см чуқурликдаги тупроқда микроб кўпроқ бўлади. Тупроқнинг янада чуқурроқ қисмida микроблар миқдори камаяди. Тупроқ микрофлораси турлича: нитрификация, азотификация, денитрификация, олтингугурт ва темир, бактериялар, замбуруғлар, содда жониворлар учрайди. Кўпгина микроблар табиатда органик моддаларни парчалашда иштирок этади. Микроблар ёрдамида тупроқнинг кимёвий таркиби ва тузилиши ўзгаради. Тупроқ инфекция қўзғатувчиларни тарқатувчи омил бўлиб ҳам ҳисобланади.

Одам ва ҳайвон чиқиндилари, мурдалар, хўжалик чиқиндилари билан биргаликда патоген микроблар ҳам тупроққа гушади. Уларнинг кўпчилиги озиқ-овқатларнинг етишмовчилиги, қўёш нури ва антогонистик микроблар таъсирида нобуд бўлади. Лекин айрим микроблар тупроқда бир неча ойлаб, йиллаб сақланиши мумкин. Тупроқ орқали газли гангрена, қоқшол, куйдирги, ботулизм ва бошқа микроблар тарқалади.

### **СУВ МИКРОФЛОРASI**

Очиқ сув ҳавзалари кўпгина микробларнинг яшаши учун табиий шароит бўлиб ҳисобланади. Сувга улар тупроқ, одам ва ҳайвон чиқиндилари, ташландиқлар, чиқинди сувлар орқали тушади. Сувда ичак таёқчаси, қорин тифи, вабо қўзғатувчилари узоқ вақт сақланади ва бўлинниб кўпаяди.

Аҳолига яқин жойлашган сув ҳавзалари кўпроқ ифлосланади, чунки у ерга ахоли чиқиндилари, хўжалик ва саноат сувлари ташланади. Шунинг учун бу сувнинг микрофлораси турлича бўлади.

Сув микрофлораси сув ҳавзаларини ифлосланиш даражасига, асосан органик бирикмалар билан ифлосланганлыгыга бөлиқ. Суда доимо ўзини-ўзи тозалаш жараёни кетади. Микроблар қуеш нури, кимёвий моддалар, чүкиш, микроорганизмлар ишлаб чиқарадыган антибиотик моддалар, замбуруғлар ва сув ўсимликлари таъсирида нобуд бўлади. Денгиз ва океанда ҳам микроблар бўлади, лекин камроқ миқдорда. Ер ости сув ҳавзалидаги, булоқдаги сувлар анча тоза сув ҳисобланади. Сув орқали юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи қўзғатувчилардан ичак инфекция қўзғатувчилари, полиомиелит, туляремия, лептоспироз, вабо қўзғатувчилари бўлиб эпидемияни келтириб чиқариши мумкин.

Сувнинг ифлосланишини олдини олиш билан юқумли касалликларнинг келиб чиқинини оғди олинади.

## ҲАВО МИКРОФЛЮРАСИ

Ҳавода микробларнинг ривожланиши учун озиқ муҳитлар бўлмайди. Ундан ташқари қуёш радиацияси ва ҳароратнинг ўзгариши ва бошқа омиллар микробларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади. Шунга қарамасдан ҳавода маълум миқдорда микроблар учрайди, улар тупроқнинг юза қисмидан чанг билан ҳавога кўтарилади. Ҳаводаги микроблар ўзгарувчандир. Саноат шаҳарларида ҳаво ифлос, қишлоқларда эса тозароқ, ўрмон денгиз, тоғларда ҳаво тоза бўлади. Микроблар ҳавонинг юқори қисмida пастки қисмига қараганда камроқ бўлади, қишида эса ёзга қараганда камроқ бўлади. Патоген микроблар ҳавога беморлар йўталганда, аксирганда, гаплашганда, шунингдек ифлосланган тупроқ ва моддалардан тарқалади. Бунга ҳаво-томчи йўли орқали тарқалиш дейилади. Масалан, бўғма, грипп, қизамиқ. Бунда ҳаво чангни орқали кокклар, сил, куйдирги, спорали микроорганизмлар тарқалади. Буларни олдини олиш учун доқали ниқоб тақиши тавсия этилади.

## ИНСОН ОРГАНИЗМИНИНГ МИКРОФЛОРASI

Инсон оранизмининг нормал микрофлораси микро ва макро организмларнинг ўзаро таъсири натижасида эвалюция жараённида юзага келади. Организмнинг маълум қисми ва аъзолари учун характерли микроблар турининг йиғиндиси биоциноз—организмнинг нормал ҳаёт фаолияти учун зарурдир. Биоцинознинг бузилиши, унинг учун одатдан ташқари микроорганизмларнинг ҳосил бўлиши, айниқса касаллик қўзғатувчи микробларнинг юзага келиши, юқумли касалликларни келтириб чиқаради.

Ҳомиладорлик вақтида ҳомила стерил бўлади. Бола туғиляётган вақтда онанинг туғилиш канали орқали унга микроорганизмлар тушади. Шунингдек она терисидан, доялар қўлидан

атрофдаги буюмлар ва ҳаводан бола организмiga микроорганизмлар тушади.

Инсон ҳәети давомида микрофлора характеристи ўзгариб туради. Лекин маълум аъзолар учун доимий характеристидир.

Одамнинг ички аъзолари одатда стерилдир. (қон, мия, жигар ва бошқалар). Ташиб мұхит билан алоқада бўлган аъзова тўқималар ўзида микроорганизмлар сақлади.

Тери **микрофлораси етарлича доимийдир**. У стафилококк, стрептококк, дифтериодлар спора ҳосил қилувчи бактериялар хамиртурушга хос замбуруғлар билан намоён бўлади. Улар учун тери ва ёф безлари ажратадиган моддалар ўлик ҳужайралар ва парчаланиш маҳсулотлари озуқа ҳисобланади. Микроорганизмлар тоза терига тушганда терида доимо яшайдиган бактериялар ва турли хил безлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар таъсирида одатда нобуд бўлади.

Терининг ифлосланиши патоген микроорганизмларнинг ривожланишига ёрдам беради. Шунинг учун терини доимо тоза тутиш катта аҳамиятга эга.

**Оғиз бўшлиғи микрофлораси кўп ва турли тумандир.** Ҳарорат, намлик, озиқ моддаларининг доимийлиги, сўлакнинг ишқоријий реакциялилиги микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай шароит ҳисобланади. Турли хил кокклар, сут кислота бактериялари, дифтериодлар, спирохеталар, актиномицетлар хамиртиришга хос замбуруғлар ва урчуқсимон таёқчалар устунлик қиласи.

Оғиз бўшлиғи микроорганизмлари тиш кариеси, стоматит, юмшоқ тўқиманинг яллигланиши келиб чиқишига сабаб бўлади. Яллигланиш жараёнининг биринчи босқичида стрептококлар, бактериоидлар, актиномицетлар устунлик қиласи. Карейс юзага келиши натижасида унга йиринг ҳосил қилувчи бактериялар, протей, клостридијлар ва бошқалар қўшилади. Бу касалликларни олдини олишда оғиз бўшлиғи гигиенаси катта аҳамиятга эга.

**Меъда ва ичак йўли микрофлораси.** Меъда суюқлигининг кислоталилиги ортганда меъда микрофлораси камаяди. Ингичка ичакда ишқоријий шароит бўлишига қарамасдан микроорганизмлар камидир. Чунки уларга ферментлар ёмон таъсири кўрсатади. Микроорганизмларнинг бўлинниб кўпайиши учун йўғон ичак қулай шароит ҳисобланади. Инсон ҳәети давомида йўғон ичак микрофлораси ўзгариб туради: эмизикли болаларда сут кислота ҳосил қиласидиган бактериялар, катталарда бактериоидлар, бифидум-бактериялар, ичактаёқчалари, нажас стрептококклар ва бошқалар учрайди. Нажасда турли хил микроорганизмларни учратишимиз мумкин.

«Нафас йўли микрофлораси» одам нафас олаётган ҳаво билан бирга турли хил ва кўп микроорганизмларни қабул қиласи. Уларнинг кўпчилиги бурун шиллиғида ушланиб қолади ёки юқори нафас йўли ўлик эпителиялари билан ташқарига чиқа-

рилади. Бурун, ҳалқумда, ютқинда асосан стафилококк, стрептококк, дефтериодлар ва бошқалар учрайди. Организм бўшашиши (музлаши, жароҳат олиши, ориқлаб кетиши) натижасида юқори нафас йўлида доимо яшовчи микроорганизмлар турли хил касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Бунда нафас йўлининг пастки қисмларини (бронхитлар, ўпканинг яллиғланниши) шикастлайди.

**Кўз шиллиқ қаватининг микрофлораси.** Кўз микрофлораси камдир, чунки ёш таркибидаги лизоцин мoddаси уларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади. Шунга қарамасдан стафилококклар ва дифтериодларни учратишими мумкин.

**Қин микрофлораси** аёл кишининг ҳаёти давомида қин микрофлораси ўзгаради. Қизларда кокк флораси учраса, хотин кишиларда Дедерлейн таёқчалари кўп бўлиади.

Одамнинг нормал микрофлораси—унинг соғлигини сақлашда муҳим шароит бўлиб ҳисобланади. Организм системасидаги микроб биоциноз бузилиши, патологик жараённинг келиб чиқиши, организмнинг ҳимоя функциясини пасайиши, дисбактериоз келиб чиқишига сабаб бўлади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Тупроқ, сув, ҳаво микрофлораси нима билан характерланади?
- 2. Одам танасидаги нормал микрофлоранинг роли қандай?

## 6-боб. ОЗИҚА МУҲИТЛАР ВА МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШЛАР

Микробиологик текшириш деб, текшириш материалларини озиқа муҳитига экиб микроорганизмларнинг соф культурасини ажратиб олиш ва уларнинг хоссаларини ўрганишга айтилади. Соф культурира деб бир турдаги микроорганизмлардан иборат культурага айтилади. Бу юқумли касалликларга ташхис қўйишда, микробларнинг тури ва типини аниқлашда, текшириш ишларида, микробларнинг ҳаёти давомида ишлаб чиқарадиган моддаларини (токсинлар, антибиотиклар, вакцина ва бошқалар) олишда керак.

Микроорганизмларни ўстиришда—культивациялашда, яъни сунъий шароитда ўстириш (алоҳида супстректлар, озиқа муҳитлар) зарур. Организмлар муҳитида микроорганизмлар ҳаётидаги барча жараёнларни (озиқланади, нафас олади, бўлинниб кўпаяди ва бошқалар) бажаради, шунинг учун уларни культувацияловчи муҳитлар ҳам деб аталади.

## ОЗИҚА МУҲИТЛАР

Озиқа муҳитлар микробиологик ишнинг асоси ҳисобланади ва уларнинг сифати барча текшириш натижалари билан боғлиқ. Озиқа муҳитлар микробларнинг ҳаёти учун энг яхши шароит бўлиши лозим.

### ОЗИҚА МУҲИТЛАРИГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Озиқа муҳитлар қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Тўйимли бўлиши керак, яъни микроорганизм энергиясини етарлича овқатланишини қониқтирадиган бўлиши лозим. Буларга оргонагенлар, минерал (ноорганик) моддалар, микроэлементлар киради. Минерал моддалар микроэлементлар тузилишини ва ферментларни фаоллаштирибгина қолмай, муҳитнинг физикавий ва кимёвий хоссаларини (осматик босими pH ва бошқалар) аниқлаб беради. Айрим микроорганизмларни ўстиришда озиқа муҳитига ўстириш омиллари — витаминлар, айрим аминокислоталар ва бошқалар қўшилади, чунки ҳужайра уларни синтезлай олмайди.

Диққат! 1. Микроорганизмлар тирик мавжудотга ўхшаш кўп миқдорда сувга муҳтоҷ бўлади.

2. Водород ион (pH) кўрсаткичи оптимал даражада бўлиши лозим. Муҳитнинг оптимал реакцияси ҳужайра қобигининг ўтказувчанлигига ва микроорганизмларнинг озиқа муҳитларни ҳазм қилишига таъсир кўрсатиши мумкин. Кўпгина патоген бактериялар учун кучсиз ишқорий шароит оптималdir (7,2—7,4). Масалан, вабо вибриони учун оптимал ишқорий шароит ( $\text{pH}_i$  8,5—9,0) ва сил қўзғатувчиси учун кучсиз кислотали ( $\text{pH}_i$  6,2—6,8) шароит оптимал муҳит бўлиб ҳисобланади.
3. Микроб ҳужайраси учун озиқа муҳити изотоник бўлиши, яъни муҳитни осматик босими ҳужайра ичидаги босим билан бир хил бўлиши лозим. Кўпгина микроорганизмлар учун 0,5% ли натрий хлор эритмаси оптимал муҳити мос келади.
4. Стерил бўлиши лозим, бегона микроорганизмларнинг бўлиши ўрганилаётган микробларнинг ўсишига, унинг хоссаларини ўрганишга тўсқинлик қиласди.
5. Зич озиқа муҳитлар нам бўлиши ва микроорганизмлар учун оптимал консистенцияга эга бўлиши керак.
6. Оксидланиш-қайтарилиш потенциалига эга бўлиш лозим, яъни оладиган ва берадиган электрон моддалар нисбатига эга бўлиши керак. pH индексида потенциал озиқа муҳит кислород билан тўйинганини кўрсатади. Бир микроорганизмларга юқори потенциал—бошқалари учун паст потенциал керак. Масалан, анаэроблар:  $\text{RH}_2$  индекси 5 тадан кўп бўлмаганда, аэроблар  $\text{RH}_2$  индекси 10 тадан паст бўлмаганда бўлинниб кўпаяди, кўпгина муҳитларнинг оксидланиш потенциали аэроб ва факультатив анаэробларга қўйилган талабларни қониқтиради.

7. Культуранинг ўсганини, бошқа микроорганизмлар таъсирида ифлосланганлигини аниқлаш учун озиқа муҳитлар тиник бўлиши лозим.

## ОЗИҚА МУҲИТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Турли хил микроорганизмда озиқа муҳитлар ва муҳитларнинг хоссасига талаб бир хил эмас. Текшириш мақсадига қараб у ёки бу озиқа муҳитлар танланади. Ҳозирги вақтда хил-ма-хил озиқа муҳитлар таклиф қилинган, тасниф асоси қилиб қўйидаги хоссалари олинган.

1. Тайёрланишига кўра озиқа муҳитлар табиий ва сунъий-ларга бўлинади. Табиий озиқа муҳит ўсимлик ва ҳайвон маҳ-сулотларидан тайёрланади. Ҳозирги вақтда қимматли маҳсулотларни (гўшт ва бошқалар) ўринни босувчи: сук ва балиқ унлари, озиқ-овқат ачиткиси, қўйилган қон ва бошқалар озиқ-овқат ҳисобланмайдиганлар билан алмаштириш йўлга қўйилган. Шунга қарамасдан, табиий маҳсулотлардан тайёрланадиган озиқа муҳитлар таркиби жуда мураккаб ва ишлатилётган ҳом ашёга қараб ўзгаради. Бу муҳитлардан кенг-кўламда фойдаланилади. Улар кимёвий тоза органик ва анорганик бирикмалардан тайёрланади. Сунъий муҳит икки марта дистилланган сувда суюлтирилган ва аниқ кўрсатилган концентрацияда олинади. Бу муҳитларнинг аҳамиятли томони шунданки, уларнинг таркиби доимий сақланади (уларга аниқ, қанча ва қандай моддалар киради) шунинг учун бу муҳитлар осон қайта ишлаб чиқарилади.

2. Зичлик даражасига (коинсистенциясига) кўра суюқ, зич ва ярим суюқ турларга бўлинади. Зич ва ярим суюқ озиқа муҳитлардан тайёрланади. Суюқ озиқа муҳитларга агар-агар ёки желатина қўшилса зич ва ярим суюқ муҳит ҳосил бўлади.

Агар-агар полисахарид модда, денгиз сув ўтларидан олинади. У микроорганизмлар учун озиқа бўлиб ҳисобланмайди ва фақат муҳитни зичлаштиришда фойдаланилади. 80—100°C ҳароратда эрийди. 40—45°C ҳароратда қотади.

Желатина ҳайвон оқсили, 25—30°C желатинали муҳитларда эрийди. Шунинг учун уларда культураларни хона ҳароратида ўстирилади. pH 6,0 дан паст ва 7,0 дан юқори бўлганда муҳитларнинг зичлиги камаяди ва улар ёмон совийди. Айрим микроорганизмлар желатинадан озиқланиш моддаси сифатида фойдаланади—улар ўсганда муҳит суюлади.

Бундан ташқари зич муҳит сифатида қоннинг ивиган зардоби, ивитилган тухум, картошкали муҳитлар қўлланилади.

1. Таркибига кўра муҳитлар оддий ва мураккаб муҳитларга бўлинади. Уларга гўшт-пептонли шўрва (ГПШ), гўшт-пептонли агар (ГПА), Хоттингер агари ва шўрваси, пептонли сув ва озиқали желатина киради. Мураккаб муҳитлар тайёрлаш учун оддий озиқа муҳитларига қон, зардоб, углеводлар ва

микроорганизмларнинг бўлиниб кўпайиши учун зарур бўлган моддалар қўшилади.

**2. Кўлланилишига кўра:**

а) Асосий озиқа муҳитлар-кўпгина патоген микроорганизмларни ўстириш учун қўлланилади. Буларга ГПА, ГПШ, Хоттингер агари ва шўрваси, пептонли сув киради.

б) **Махсус озиқа** муҳитларни—оддий озиқа муҳиларда ўсмайдиган микроорганизмларни ўстириш ва ажратиб олиш учун қўлланилади. Масалан, стрептококкларни ўстириш учун озиқ муҳитларга шакар, пневмакокк ва менингококклар учун қон зардоби, кўйкўтал қўзғатувчиси учун қон қўшилади.

в) **Электив** (танланиб олинган) муҳитлар маълум турдаги микроорганизмларни ўстириш учун ишлатилади. Бу муҳит микроорганизмларни ўсишига тўсқинлик қиласидиган муҳитлардир. Масалан; ўт суюқлиги қўшилган муҳит ичак таёқчасини ўсишига тўсқинлик қилиб, қорин тифи қўзғатувчинини ўсишига шаронт яратади. Озиқа муҳитлари маълум антибиотиклар, тузлар эриши ёки pH нинг ўзгариши натижасида электив муҳитга айланади.

Суюқ электив муҳитларни бойитувчи муҳитлар деб ҳам атади. Масалан: pH 8,0 тенг пептонли сув, pH шундай муҳитларда вабо вибриони бўлиниб кўпаяди, бошқа микроорганизмлар ўсмайди.

г) **Дифференциал—диагностик** муҳитлар деб бир турдаги микробларни бошқа турдаги микроблардан ферментатив фаоллиги кўра фарқловчи муҳитларга айтилади. Масалан: углеводли ва индикаторли Гисса муҳитлари углеводни парчаловчи микроорганизмлар ўсганда муҳитнинг ранги ўзгаради.

д) **Консервацияловчи** муҳитлар бирламчи экиш ва текшириш материалини лабораторияга жўнатиш учун қўлланиладиган муҳитлардир. Бу муҳитлар патоген микроорганизмларни ўлишидан сақлайди, сапрофитлар эса нобуд бўлади. Масалан: глицеринли аралашмадан қатор ичак бактерияларини аниқлашда, нажасни текширишда фойдаланилади.

### **Назорат учун саволлар**

- ?
- 1. Озиқа муҳитлар қандай талабларни бажариши лозим?
- 2. Тайёрланишига кўра озиқа муҳитлар қандай таснифланади?
- 3. Муҳитларни зичлантиришда нимадан фойдаланилади?
- 4. Оддий озиқа муҳитларга нималар киради ва улар нима мақсадда қўлланилади?
- 5. Қандай муҳитлар мураккаб муҳитлар дейилади, бунинг асосида нима ётади?
- 6. Қандай муҳитларда микробларнинг ферментатив фаоллиги ўрганилади?

7. Бир турдаги микробларни ұсиши ва иккинчи турдаги микробларнинг ұсишига түсқінлик қиладиган мұхитларға қандай мұхитлар дейилади?

### **МҰХИТЛАРНИ ТАЙЕРЛАШ**

Озиқа мұхитларни тайёрлаш қүйидаги босқичларда олиб борилади.

1. Мұхитни пишириш.
2. РН күрсаткичини оптимал даражага тенглаштириш.
3. Еритиши.
4. Фильтраш.
5. Қуийиш (қадоқлаш).
6. Стерилизация қилиш.
7. Назорат қилиш.

### **ПИШИРИШ**

Озиқа мұхитларни электр ёки газли плиталарда сув ҳамомида, автоклавда ёки буғда иситиладиган қозонларда пиширилади.

### **ОЗИҚА МҰХИТЛАР РН ИНИ АНИҚЛАШ**

Озиқа мұхитларда рН иккى усулда аниқланади.

1. Индикатор қогози ёрдамида. Тахминан аниқланади.
2. рН патенциометр (шиша электродлар) ёки Михаэлис компаратори ёрдамида аниқланади. Аппарат ичига түрт қатор стандарт индикатор пробиркалари жойлаштирилади.
  1. Динитрофенол 2,8 дан 4,0 гача.
  2. Динитрофенол 4,0 дан — 5,0 гача.
  3. Паранитрофенол 5,4 дан — 7,0 гача.
  4. Метанитрофенол 6,8 дан 8,4 гача.

Шиша идишларда шу қаторға тегишли реактивлар бўлади. Компараторнинг ўзи эса тўртбурчак ёғоч идишдан иборат бўлиб устида 6 та уяча, ён тарафда 3 та тешиги бўлади. 1 ва 3-уячадаги пробиркага 2 мл тайёрланган озиқа мұхит, 5 мл дистилланган сув солинади. 2 уячадаги пробиркага 2 мл озиқа мұхит, 4 мл дистилланган сув 1 мл индикатор реактиви, 5 уячадаги пробиркага 7 мл дистилланган сув солинади. 4—6 уячага керак бўлган рН нинг стандарт индикатор пробиркалари ўрнатилади, сўнг пробиркаларни ёруғликка қараб солиштирилади, иккинчи тешиги аниқ кўринади. Текшираётган пробиркамизнинг ранги рН стандарт пробиркаларнинг рангига тўғри келиши аниқланади. Агар тажриба пробиркамизнинг ранги оч бўлса ишқор, тўқ бўлса кислота қўшиб стандарт пробиркаларга тенглаштирилади, сўнг тайёрланган мұхитимизга қанча кислота ёки ишқор томизишимиз лозимлигини ҳисоблаб чиқамиз.

Масалан: 2 мл — 2 томчи  $X = 2 * 100 = 100$  томчи

$$100 \text{ мл} - x \quad 2$$

стерилизация қилинаётганда рН күрсаткичи 0,2 га пасаяди. Шуни эътиборга олган ҳолда рНни 7,4—7,6 га тўғрилаш ло-  
зим.

## ЕРИТИШ

Агар озиқа мұхит пиширилаётганда хиралашса ёки лойқа-  
ланса уни ёритилади. Бунинг учун озиқа мұхит  $50^{\circ}\text{C}$  гача қиз-  
дирилади ва тухум оқига 2 миқдор сув аралаштирилиб құши-  
лади ва аралаштирилиб қайнатилади. Тухум оқи ивиб мұхит-  
даги эримай, аралашмай муаллақ юрган заррачаларни чўкмага  
олиб тушади. Бунда тухум оқи ўрнига қон зардобидан ҳам  
фойдаланиш мүмкін ( $20\text{--}30$  мл зардоб 1 мл мұхитга).

## ФИЛЬТРАШ

Суюқ мұхитлар ва эритилган желатинали мұхитлар қоғоз  
ёки материал фильтр орқали фильтранади. Зич озиқа мұхит-  
ларни фильтраш қийинроқ, чунки улар тез зичланади. Асосан  
улар пахта, дока фильтр орқали фильтранади. Иссик автоклав,  
иситилган воронка ва мұхит иссиқлигига қоғоз ва матоли  
фильтрлардан ҳам фойдаланиш мүмкін.

Фильтрашни чўқтириш усули билан алмаштиришимиз мүм-  
кин. Бунинг учун мұхитни баланд цилиндрга қўйиб, автоклавда  
эритилади. Мұхит аста-секин совиши натижасида эримаган, му-  
аллақ юрган заррачалар цилиндр тагига чўкади. Эртаси куни  
чўкма қисмини пичноқ билан олиб ташлаймиз. Тиниқ қолган  
қисмини алоҳида идишга оламиз ва эритиб идишларга қуямиз.

## ҚУЙИШ

Мұхитларни пробиркаларга 3—5 мл ёки флакон, колба, бу-  
тилкаларга 10 мл ҳажмда қуйилади, тўлатиб юбориш мүмкін  
эмас. Чунки стерилизация вақтида қолқоғи намланиши мүмкін,  
бунда мұхит стериллнгини йўқотади.  $100^{\circ}\text{C}$  дан юқори ҳарорат-  
да стерилизация қилинадиган мұхитларни қуруқ, тоза идиш-  
ларга қуйиш мүмкін. Пастроқ ҳароратда стерилизация қили-  
надиган мұхитларни албатта стерил идишларга қуйиш лозим.

Мұхитларни воронка, учи Мор қисқичи билан қисилган ре-  
зина найча орқали ёки ўлчамли, бюretka, дозатор, шприц-пи-  
петка ва бошқалар ёрдамида қуйилади.

Идишлар пахта-дока қопқоқлар билан ёпилиб, устидан қо-  
ғоз қалпоқча билан ёпилади.

## СТЕРИЛИЗАЦИЯ

Озиқа муҳитларни стерилизация қилиш, уларнинг таркибига боғлиқ. Уларни стерилизация қилиш тартиби 4-жадвалда кўрсатилган.

### ТАЙЁРЛАНГАН МУҲИТЛАРНИНГ СТЕРИЛЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

А. Стерил муҳитлар термостатда 2 кунга қолдирилади, вақт ўтгач олиб текширилади. Агар муҳитимизда микроб культураси ўсмаган бўлса озиқа муҳит стерил ҳисобланади.

4-жадвал

#### Озиқа муҳитларни стерилизация қилиш

Озиқа муҳит	Стерилизация тартиби		
	Асбобининг номи	Ҳарорат	Вақт
Оддий озиқа муҳити Мураккаб озиқа муҳитлар 1. Углеводли, сутли, желатинали 2. Оқсили (зардоб- ли ёки тухумли зич муҳитлар) 3. Оқсили суюқ муҳитлар	Автоклав Автоклавнинг қопқоги маҳкам ёпилмасдан ёки Кох асбоби Ивитувчи Кох асбоби  Сув ҳаммоми ёки инактиватор асбоби	120°C (1 атм) 100°C (буғ оқими)  80—85°C  95°C  58°C	20 дақиқа 30—60 дақиқа 3 кун (бўлиб- бўлиб) стерилизация 1 соатдан 3 кун  1 соат  1 соат 3—4 кун кетма-кет

Б. Кимёвий назорат. Озиқа муҳитининг рНи, пентон, азот, хлоридлари аниқланади, уларнинг миқдори рецепдаги кўрсагичларга тўғри келиши лозим.

Б. Биологик назорат — тайёрланган муҳитларга танланган махсус микроб культураси экилади. Агар микроб культураси ўсса демак озиқа муҳит микробларнинг ўсиши учун лаёқатли ҳисобланади.

#### Назорат учун саволлар:

- ?
- 1. Озиқа муҳитларнинг рНи қандай аниқланади?
- 2. Кўпгина патоген микроблар учун озиқа муҳитнинг рНи қандай бўлиши лозим?
- 3. Агарли муҳитлар қандай ҳароратда эрийди ва зичланади?
- 4. Оксидли ва углеводли муҳитлар қуйиладиган лаборатория идишлари қандай тайёрланган бўлиши лозим?

## ЭКИШ УСУЛЛАРИ

Экиш бактериологик текширишнинг асосий босқичи ҳисобланади. Текшириш материалы, мақсад ва озиқа муҳит турига қараб турли хил усулларда экиласди. Уларнинг мақсади қўшимча, бегона микроблар экилишидан ҳимоя қилишдан иборат. Шунинг учун ҳавони ортиқча ҳаракатга келтирмасдан тез ишлаш лозим бўлади. Экиш вақтида гаплашишга рухсат этилмайди. Озиқа муҳитга экишни боксда бажариш мақсадга мувофиқдир.

**Диққат!** Заарали материал билан ишлаетган вақтда шахсий хавфсизлик қонидаларига риоя қилишни унутманд!

Пробиркадан пробиркага экиш: ўсган микроб культуралари пробирка ва озиқа муҳитли пробирка бироз эгилган ҳолда чап қўлнинг катта ва кўрсаткич бармоқлари орасида ушланади, пробиркалар учун бир текислиқда туриш керак. Микроб культурали пробирка ўзига яқин томонда ушланади. Бактериологик қовузлоқни ўнг қўлда ручка ушлагандек ушланади ва аввал вертикаль сўнг горизонтал ҳолда чўғлантирилади. Ўнг қўлнинг кафт чети ва кичик бармоқ билан пробиркалар қопқоғи бир вақтнинг ўзида очилади. Пробиркалар қопқоғи силтаниб тортилмасдан бураб аста очилиши лозим. Уларнинг оғзи алангандан ўтказилади, чўғлантирилган бактериологик қовузлоқ алнга устида пробирка ичига киритилади, деворида совитилади, текширилаётган материалдан озгина олиб аста-секин озиқа муҳитли пробиркага солиб экиласди.

Текшириш материалы суюқ озиқа муҳитига пробирка деворига суртилиб, муҳит билан ювилиб чайқатиб экиласди.

Суюқ озиқа муҳити тампон ёрдамида экилганда тампон озиқа муҳитга чўқтирилади ва 3—5 сек чайқатилади. Зич озиқа муҳит экилаётганда тампоннинг ҳамма томони айлантирилиб озиқа муҳит юзасига суртилиади, экиб бўлингач тампон лабораторияга олиб келинган пробиркага солинади ва автоклавда зарарсизлантирилади.

**Диққат!** Муҳит тўклилиб кетмаслиги ёки пробирка қопқоғини намламаслиги лозим.

Қийшиқ агарга экиш. Чўғлантирилган бактериологик қовузлоқ ёрдамида олинган материал қийшиқ агарнинг конденсацион суюқлигига аралаштирилади ва озиқа муҳит юзасига штрихсимон ҳолда юқорига қараб экиласди. Тик агарга текшириш материалы бактериологик қовузлоқ ёрдамида (укол) санчиб экиласди. Сўнг алангадан ўтказилиб ёпилади ва бактериологик қовузлоқ чўғлантирилади.

Суюқ материални стерил пипетка ёрдамида экиш мумкин. Экиб бўлгач пипеткани дезинфекцияловчи моддага солиб қўйилади.

## **ПРОБИРКАДАГИ МУХИТГА ПЕТРИ КОСАЧАСИДАГИ ҚҰЛТУРАДАН ОЛИВ ЭКИШ**

Петри косачасидаги ўсган күлтүра косачанинг орқа томонидан қаламча ёрдамида белгилаб олинади ва ўрганилади, сұнgra косачанинг қопқоғи юқорига қилиниб олдинга қўйилади. Бактериологик қовузлоқ аввал вертикал кейин горизонтал ҳолда чўғлантирилиб микроб күлтүраси ўсмаган ерга текизилиб совитилади сұнг бактериологик қовузлоқ ёрдамида белгиланган шубҳали каллониянинг ярми олинади ва косачанинг қопқоғи ёпилиб сұнг чап муҳитли пробиркага юқорида айтилгандек экилади. Петри косачаси түнкариб қўйилади, қовузлоқ чўғлантирилади.

### **ПЕТРИ КОСАЧАСИДАН АГАРГА ЭКИШ ШПАТЕЛ БИЛАН ЭКИШ**

Шпател бир учи учбурчак шишали ёки металл найча. Чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи ёрдамида Петри косачасидаги қопқоғи очилади. Текшириш материали олингач шпател косача ичига киритилади ва шпателда текшириш материали қолмагунча айланма ҳаракат қилиб экилади. Сұнг шпател косача ичидан чиқарилади ва косача қопқоғи беркитилади. Шиша шпател дезинфекцияловчи моддага солинади, металл шпател эса спирт лампаси алансасида чўғлантирилади.

### **ҚОВУЗЛОҚДА ЭКИШ**

Оз миқдорда экиладиган материал (айрим ҳолларда экиладиган материал стерил изотоник эритмада ёки шўрвада араплаштирилади) бактериологик қовузлоқ ёрдамида Петри косачадаги агарнинг четига суртиб олинади ва қовузлоқ узилиб косачанинг у деворидан бу деворига қараб штрих ҳолда экилади, ортиқаси алангана чўғлантирилади.

### **СЕКТОРЛАБ ЭКИШ**

Петри косачаси орқа томондан қаламча билан секторларга бўлинади. Бактериологик қовузлоққа у чизигдан бу чизиққа қараб экилади. Экилаётган вақтда чизигдан ўтиб кетмасликка эътибор бериш лозим.

Тампон ёрдамида экиш — текширилаётган материал олинган тампон, оғзи бироз очилган Петри косачасига айланма ҳаракатда озиқа муҳит юзасига суртилади.

Газон усулида экиш — 1 мл (20 томчи) суюқ күлтүра (агар зич муҳитидаги күлтүра бўлса, уни стерил физиологик эритмада ёки шўрвада суюлтириб олинади) Петри косачадаги агарнинг юзасига қуийлиб ҳамма қисмига ёйилади. Петри ко-

сачаси бироз қийшайтирилиб пипетка ёрдамида ортиқаси олиб дезинфекцияловчи моддага ташланади.

Пипеткани ҳам дезинфекцияловчи моддага ташланади. Текширилаётган суюқ культура ёки суюлтирилган культура стерил Петри косачасига қойилади ва косачага ёйилади. Унинг устига эритилган ва 4—5°C гача совутилган 15—20 мл агар қойилади. Яхшилаб аралаштириш учун косачани секин-аста чайқалтириб айлантирилади. Косачадаги агар қотгунча стол устида қолдирилади. Экилган косачаларнинг орқа томонига ёзилиб термостатга 37° тўнкариб қўйилади.

### Назорат учун саволлар:

?

1. Озиқа муҳитга экилаётганда асептик шароит керакми? Буни исботлаб беринг.
2. Текширилаётган материални экиб бўлгач иш столини қандай заарсизлантирилади?

### МИКРООРГАНИЗМЛАР СОФ ҚУЛЬТУРАСИННИ АЖРАТИБ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

Суюқ ва зич озиқа муҳитида ўсган бир турдаги микроорганизмлар тўпламига соф культура дейилади.

Текширилаётган материалнинг хосаси ва текшириш мақсадига кўра соф культуруни қатор усуулларда ажратиб олиш мумкин. Асосан соф культуруни ажратиб олиш учун зич озиқа муҳитида ўстирилган колониядан фойдаланилади. Колония деб, бир дона микробнинг бўлиниб кўпайиши натижасида ҳосил бўлган микролар тўпламига айтилади.

Соф культуруни ажратиб олиш босқичлари:

1-кун — алоҳида колонияларни ажратиб олинади. Текшириш материали қовузлоқ, пипетка, шиша таёқча ёрдамида Петри косачасидаги агар устига томизилади. Шпател ёрдамида текширилаётган материал экилади, сўнг шпателни чўғлантирмасдан 2- ва 3-косадаги агарларга экилади. Бундай экилганда биринчи косачага кўпроқ, иккинчисига камроқ учинчи косачага ундан ҳам текширилаётган материал тушади.

Бактериологик қовузлоқ ёрдамида ҳам алоҳида колонияни ажратиб олиш мумкин. Бунинг учун текшириш материали физиологик эритмада ёки шўрва ёрдамида эритилади, сўнг кетмакет 3 та косачадаги агарга чўғлантирмасдан экилади. Бу усул Дри: альский усули деб аталади. Экилган косача термостатда 37° ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

2-кун. Косачалардаги микробнинг ўсиши ўрганилади. 1-косачада микролар қўшилиб ўсади. Шунинг учун колонияни алоҳида ажратиб олишнинг иложи бўлмайди, 2- ва 3- косачаларда алоҳида колониялар ҳосил бўлади. Бу колонияларни оддий кўзда, лупа, микроскопнинг кичик объективида, айрим ҳолларда

стериоскопик микроскоп ёрдамида ўрганилади. Керакли колонияни косачанинг орқа томонидан белгиланади ва соф культурасини ажратиб олиш қийшиқ агарга олиб экилади. Экканимизни термостатта  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 24 соатга қодирилади.

**Диққат!** Қийшиқ агарга фақат алоҳида колониядан олиб экиш лозим.

3-кун. Қийшиқ агарда ўсган культурани ўрганилади. Суртма тайёрланади, бўялиб микроскоп остида ўрганилади, агар бир турдаги микроорганизмлар кўринса соф культура экилганига ишонч ҳосил қилинади ва хоссалари ўрганилади. Маълум манбалардан ажратиб олинган ва ўрганилган культурага штамм дейилади.

Қондан (гемокультура) соф культура ажратиб олиш учун у суюқ муҳитга, яъни стерил шароитда олинган 10—15 мл ли суюқ муҳитга экилади. Қонда микроблар кам бўлгани учун шундай қилинади. Қонни 1:10 қилиб суюқ муҳитга экилади. Шундай қилиб, қонни суюлтиришга эришамиз (суюлтирилмаган қон микроорганизмларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади). Колбадаги экилган муҳитимизни термостатда қолдирамиз. Бир кундан сўнг колбада ўсган культурадан олиб алоҳида колония ҳосил қилиш учун Петри косачадаги агарга экамиз. Керак бўлган ҳолларда 2—3 кундан кейин қайтадан олиб экилади.

Сийдик, ошқозон ювиндиси ва бошқа суюқликлардан соф культура ажратиб олиш учун улар асептик шароитда центрифуга қилинади. Соф культурани ажратиб олишнинг қолган ишлари юқорида айтилгандек олиб борилади.

Соф культурани ажратиб олиш учун электив муҳитлар қўлланилади. Уни ажратиб олишда биологик усулдан ҳам фойдаланилади. Масалан, спора ҳосил қилувчи бактерияларни ажратиб олишда текширилаётган материал  $80^{\circ}$  ҳароратда 10 дақиқа қиздирилади, бунда вегетатив микроорганизмлар нобуд бўлади. Кислота ва ишқорга чидамли сил қўзғатувчисининг соф культурасини ажратиб олиш учун мана шу моддалар ёрдамида қўшимча микроорганизмдан озод бўлинади. Пневмококк ва тоун таёқчаларини ажратиб олиш учун оқ сичқонларга текширилаётган материал юборилади. Уларнинг организмида бу қўзғатувчилар тезроқ бўлинниб кўпаяди.

Илмий текшириш ишларида, асосан генетик текширишларда бир ҳужайрадан культура ажратиб олиниади. Бундай культурани клон дейилади. Уларни олишда микроманипулятор — микроскопик ўлчамли асбоблар (игна, пипетка) билан таъминланган асбобдан фойдаланилади. Ушлагич ёрдамида, микроскоп назоратида бу асбоб осилган томчи препаратига солиниб керакли 1 дона ҳужайра ажратиб олиниади ва у озиқа муҳитига экилади.

## АЖРАТИЛГАН ҚУЛЬТУРАНИ ҮРГАНИШ

Ажратиб олинган микроб культурасини морфологияси, ҳаралатчанлиги, тинкториал хоссаси, озиқа муҳитларда ўсиши (культурал хоссаси), ферментатив фаоллиги ва қатор бошқа хоссаларини ўрганиш шу микробнинг авлоди, тури, типи ва кичик типларини аниқлашга ёрдам беради. Бу микроорганизмларнинг идентификацияси яъни фарқлаш дейилади. Микроорганизмларни фарқлаш инфекциянинг касаллик диагностикасида, инфекция манбаи ҳамда унинг тарқалиш йўллари ва қатор бошқа илмий-амалий текширишларда катта ёрдам беради.

### КУЛЬТУРАЛ ХОССАСИ

Барча микроорганизмлар озиқа муҳитларда турлича ўсади. Бу уларни фарқлашда — дифференциациясида хизмат қиласди. Айримлари оддий озиқа муҳитларида яхши ўсади, бошқалари озиқа муҳитга талабчан, фақат маҳсус муҳитларда ўсади. Микроорганизмлар озиқа муҳитида кўп, ўртacha ёки кам ўсиши мумкин. Пигмент ҳосил қилувчи микроорганизм культуралар турли хил рангда бўлиши мумкин. Страфилококк оқ, сариқ, тилла ранг, кўк, яшил таёқчалар кўк-яшил пигментларни ҳосил қиласди, фақат колониянингина эмас балки озиқа муҳитнинг рангини ҳам ўзгартиради.

Зич озиқа муҳитида микроорганизмлар экилаётган материалниң миқдорига қараб қўшилиб кетган ёки алоҳидаги колония ҳосил қилиб ўсади. Колониялар қуйидаги хоссаларига кўра характеристланади. Катталиги миллиметр қофоз ёки чизғич ёрдамида аниқланади. Улар йирик (4—5 мм ва ундан катта диаметрга эга), ўртacha 2—4 мм, кичик (1—2 мм) ва нуқтасимон (1 мм кам) бўлади.

Формасига (шаклига) кўра 2 хил бўлади: S—шаклли — юмалоқ, бўртиб чиқдан, четлари текис ва R — шаклли нотекис четлари ғадир-будур ясси колониялар. Четлари микроскоп остида ёки лупа ёрдамида аниқланади. Текис, ғадир-будур, тўқилган рўмолчага ўхаш, илдизсимон ва бошқача бўлиши мумкин.

Юзаси — оддий кўз ёки лупа ёрдамида аниқланади; силлиқ, бурушган, қуруқ, ялтироқ, жилосиз, ғадир-будур бўлади.

Тиниқлиги — тиниқ, хира бўлади.

Зичлик даражаси (консистенцияси) — бактериологик қовузлоқ ёрдамида аниқланади; қаймоқсимон, сочилювчан ва шиллиқ чўзилувчан бўлади.

Ранги — пигмент ҳосил қилишига боғлиқ, оқ сариқ, тилла ранг (страфилококк) ва бошқа рангларда бўлиши мумкин.

Суюқ озиқа муҳитида микроорганизмлар бир хилда лойқаланиб, чўкма (донадор, чангга ўхаш, пахтасимон ёки парда (нозик, бурушган, қўпол) ҳосил қилиб ўсади.

Ҳаракатчан микроорганизмлар ярим суюқ муҳитга санчиб экилганда ёйилиб ўсади, ҳаракатсизларини санчиб экилган еригина ўсади, қолган қисми тиниқ қолади.

Микроорганизмларнинг күлтурал хоссалари оддий кўз, лупа, микроскопнинг кичик объективи ёки стереоскопик микроскоп остида ўрганилади.

## МОРФОЛОГИК ХОССАСИ

Микроорганизмларнинг морфологик хоссасини ўрганиш ҳам микроорганизмларни дифференциациясига хизмат қилади. Морфологияси бўялган препаратлар ўрганилади. Ҳужайранинг шакли, ўлчами, уларнинг препаратда жойланиши, спора, капсула, хивчинларининг борлиги аниқланади. Препаратларни бўялганда микробларнинг бўёқларга нисбатан муносабати (тинкториал хоссаси). — бўёқларни яхши ёки ёмон қабул қилиши, дифференциал бўёқларга қандай муносабатдалиги (Грам, Циль—Нильсен ва бошқаларда қандай бўялади) аниқланади. Микробларнинг ҳаракатчанлигини бўялмаган препаратлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Тирикликка оид бўёқлар микроорганизмларнинг ҳаракатчанлигини ёки ўлик ҳужайраларни фарқлаш, уларнинг бўлинини кўпайишни кузатиш имконини беради.

## ФЕРМЕНТАТИВ ФАОЛЛИГИ

Микроорганизмларнинг ферментатив фаоллиги бой ва хилма-хилдир. Мана шу хоссаси бўйича микробларнинг тuri ва типигина эмас, балки уларнинг биовариантларини ҳам аниқлаш мумкин. Микробларнинг асосий ферментатив хоссаларини ва уларнинг сифатини аниқлаш усулларини кўриб чиқайлик.

Углеводларни парчалаш (сахарилитик фаоллиги), яъни шакар ва кўп атомли спиртларни кислота ёки кислота ва газгача парчаланиш хоссасини у ёки бу углевод ва индикатор сақловчи Гисса муҳитларида ўрганилади. Сахаролитик ферментлар таъсирида углеводлар кислотагача парчаланади, кислота таъсирида индикатор ўз рангини ўзгартиради, натижада муҳит ҳам ўз рангини ўзгартиради. Микроблар бу углеводни парчаламаса, муҳитнинг рангини ўзгартиромайди. Газгача парчаланганини суюқ муҳитларда сузгичларда газ тўпланиши ёки зич муҳитларда пуфакчалар ҳосил бўлганлигидан билишимиз мумкин. Сузгич бу бир учи кавшарланган шиша найча бўлиб, у озиқа муҳитга стерилизация қилишдан аввал солиб қўйилади. Микробларнинг сахаролитик фаоллигини Эндо, ЭМС, Плоскирёв муҳитларида ҳам ўрганиш мумкин. Муҳит таркибидаги лактозани микроорганизмлар кислотагача парчалайди, кислота таъсирида рангиз фуксин ўз рангини ўзгартиради, натижада муҳит ва колония ҳам ўз рангини ўзгартиради. Лак-

Тозани парчаламайдиган микроорганизмларнинг колониялари рангсиз бўлади.

Амилаза ҳосил қиласидиган микроорганизмлар крахмалли муҳитда ўсганда крахмални парчалайди. Крахмал парчалаганини аниқлаш учун унга бир неча томчи люгол эритмаси томизилганда муҳитнинг ранги ўзгармайди. Крахмал парчалашмаса люгол эритмаси томизилганда кўк ранга айланади.

Протеолитик хоссаси (яъни оқсилларни, полипептидларни ва бошқаларни парчалаш хоссаси). Микробларнинг бу хоссаси желатинали, сутли, зардобли пентонли муҳитларда ўрганилади. Микроблар желатинали муҳитда ўсганда желатинани ферментлаши натижасида муҳитни суюлтиради. Казеинни парчаловчи микроблар сутни пептонлайди, сут ивийди. Пептон парчалангандан индол, водород сульфит, аммиак ажралади. Уларнинг ҳосил бўлишини индикатор қофоз ёрдамида аниқлаш мумкин. Маълум эритмалар фильтр қофозга шимдирилади, қуритилади ва 5 — 6 см узунликда қирқилади, микроб культура ГПШ га экилгандан сўнг қопқоғига ўрнатилади (қистириб кўйилади). Термостатда ўстирилгандан сўнг натижা ўқилади. Пептон аммиаккача парчаланса қофоз кўк ранга киради. Водород сульфидгача парчаланиши натижасида 20% қўрғошин ацетат эритмаси ва натрий гидрокарбонат шимдирилган қофоз қўрғошин сульфат ҳосил бўлиши натижасида қора ранга киради, индол ҳосил бўлиши натижасида оксалат кислота шимдирилган қофоз қизил ранга киради.

Юқорида айтилган муҳитлардан ташқари микробларнинг турли хил субстратларга парчаланишини маълум реактивлар шимдирилган қофоз дисклари ёрдамида аниқлаш мумкин. Зич ёки суюқ муҳитта қофоз дисклари солинади, 37°C ҳароратда 3 соат термостатда сақлангандан сўнг олиб текширилади. Қофоз дискнинг ранги ўзгарганига қараб углевод, оқсил, аминокислота ва бошқаларнинг парчаланганигини билишимиз мумкин.

Гемолитик (эритроцитларни парчалаш хоссаси) қонли муҳитларда ўрганилади. Суюқ муҳитлар бунда тиниқ қолади, зич озиқа муҳитида колония атрофида тиниқ рангсиз зона ҳосил бўлади. Метгемоглобин ҳосил бўлса, колония атрофида яшиланувчи соҳа ҳосил бўлади.

## 7-боб. ФАГЛАР

Фаглар — бактериялар ва кўпгина бошқа микроорганизмларнинг вируслариdir. Маълум шароитда улар ўзига мос ҳужайрани эритиш (лизислаш) хоссасига эга. Фагларнинг таъсири табиатда намоён бўлади ва амалиётда кенг қўлланилади.

## ФАГЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ ВА УНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

1898 йили Н. Ф. Гамалея күйдирги бацилла фильтрати шу микроорганизмларни сақловчи янги культураны лизисга учратишини аниқлади. 1915 йили Ф. Туорт оқ хира стафилококк колониялари маълум агент таъсирида секин-аста йўқолиб кетишини аниқлади, яъни стафилококкни лизисга учратувчи агентлар бактериологик фильтрдан ўтиши ва шу микроорганизмларнинг янги культураларини лизисга учратиш хоссасини сақлаб қолишини аниқлади. Бактериофагларнинг очилиши канадалик олим Д. Эрелль номи билан боғлиқ.

Д. Эрелль (1917) дизентерия билан қасалланган бемордан ҳар куни олинган најас фильтратини, шу қасаллик қўзғатувчини сақловчи янги культурага қўшган. Бу культура термо-статда қолдирилганда ўсгани кузатилган. Лекин бир куни қаралганда уни ўсмай қолгани, яъни эриб кетгани кузатилди. Бу деморнинг тузалиш даврига тўғри келган.

Д. Эрелль фильтратнинг эритиш хоссаси қайта экилган сайин ошибиб боришини исботлайди. Бу тирик агент бактериологик фильтрдан ўтиб, ҳужайрани эритиш хоссасига эга ва улар вируслар деган хуносага келади. Ҳозирда унинг бу фикрлари кўпчилик олимлар томонидан тан олинган.

Д. Эрелль бу вирусни бактериофаг, деб номлади, бактерияларни ютувчи (грекча фагос — ютувчи), жараённи эса бактериофагия деб атади.

Электрон микроскоп яратилгандан сўнг фагнинг корпускуляр табиати тасдиқланди ва унинг морфологияси ўрганилди.

Д. Эреллнинг бу қашфиёти, қатор юқумли қасалликларнинг олдини олиш ва даволашда қўлланилиши шифокорларнинг диққатини ўзига тортди. Ҳозирги вақтда тиббиёт амалиётида ва турли хил биологик текширишларда фаглар кенг қўлланилимоқда. Фаглар билан бактериологлар, вирусологлар, биохимиклар, генетиклар, биофизиклар, молекуляр биологлар, экспериментал онкологлар, гени ўрганувчи мутахассис инженер биотехнологлар ва бошқалар шуғулланадилар. Фагларни ўрганиш ҳозир ҳам давом этмоқда, у биологиянинг қизиқарли бўлимлардан биридир.

### ФАГЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ

**Фагларнинг табиати.** Кўпгина тадқиқотчилар фаглар организмлар бўлиб, барча тирик организм сингари кўпайиш, ўз насл белгиларини, хоссаларини наслдан-наслга узатиш хоссасига эга ва турли хил омиллар таъсирида ўзгариши мумкин деб ҳисоблайдилар. Улар фақат ривожланаётган ёш ҳужайраларгагина таъсир кўрсатиши ва парчалаши мумкин ва уларнинг паразитлари ҳисобланади.

**Фагларнинг морфологияси.** Кўпгина фаглар итбалиқ ёки

сперматозоид шаклига эга бўлиб, бош ва дум қисмидан иборат. Ичак таёқчасининг Т-фаги тўлиқ ўрганилган. Бош қисми дум қисмига ёқача ёрдамида бирикади. Дум қисми 22 бурамадан иборат оқсил жилд билан қопланган. Дум қисмининг пастида базал пластинкаси жойлашган, ундан фибриллалар тарқалади. Базал пластинкасидан лизоцим моддаси ажралади. Уларнинг катталиги, шакли, бошининг катталиги, думининг узунлиги, тузилиши турли фагларда турличадир. Масалан, думи узун, фи-лофи қисқарадиган, думи узун, думи қисқармайдиган, думи калта, думсиз ва ипсимон фаглар мавжуд.

**Фагларнинг кимёвий таркиби.** Барча вируслар сингари фаглар ҳам битта нуклеин кислотасидан (кўпинча ДНК-фаги учрайди) ва оқсилдан ташкил топган. Нуклеин кислотасининг молекуласи спиралсимон бурамадан иборат ва бош қисмida жойлашган. Фагнинг жилди капсид оқсил табнатли.

**Фагларнинг специфиллиги** (мослиги). Фаглар мутлоқ специфик хоссага эга. Маълум турга специфик бўлган фаглар тафовут этилади, яъни ўзига мос турдаги микроорганизмларга паразитлик қилиш хоссасига эга бу фаглар микроб — ҳўжайини номи билан аталади (стафилякокк, стрептококк, дизентерия ва б.), Поливалент фаглар ҳам бўлиб, улар битта авлодга ки-рувчи бир қанча турларни лизисга учратиши мумкин.

**Фагларнинг сезигир ҳужайра билан ўзаро таъсири.** Бу жараён кетма-кет борадиган бир қанча босқичлардан иборат. Жараён бир неча дақиқадан 1—2 соатгача давом этиши мумкин. Бу жа-раённи ичак таёқчasi Т-фагида кўриб чиқамиз.

1-босқич. Адсорбция босқичи. Фаглар думлари билан ўзларига мос ҳужайра деворига ёпишадилар. Битта ҳужайрага юзлаб фаглар ёпишиши мумкин (ҳужайрани лизисга учратиш учун битта фаг ҳам етарлидир).

2-босқич. Кирин босқичи (инъекция). Фаг таркибидаги нуклеин кислотаси ҳужайра ичига кўчиши, турлича фагларда турлича ўтади. Ичак таёқчasi Т-фагида базал пластинкадаги фибриллалар ёрдамида ҳужайра деворига ёпишади ва асоси билан ҳужайра деворини тешади. Базал пластинкасидаги лизоцим маддаси цитоплазматик мембрани бузади. Бунда жилд қисқарип фаг таркибидаги нуклеин кислота ҳужайрага киради. Фагнинг оқсил жилди ташқарида қолади.

3-босқич. Репродукция босқичи. Ҳужайра ичидаги оқсил ва нуклеин кислота репродукцияланади ва ёш фаглар ҳосил бўлади.

4-босқич. Етилиш босқичи. Бу босқичда ёш фаглар етилган фагларга айланаб тўпланади.

5-босқич. Лизис босқичи. Етилган фаглар ҳужайрани лизисга учратиб ундан ташқарига чиқади. Ҳужайра девори бўлинib кетади ва юзлаб фаглар ташқи муҳитга, ташқарига чиқади. Бу жараён ҳужайра ичидаги лизис деб номланади.

Бундан ташқари, ҳужайрадан ташқаридаги лизис ҳам уч-

райди, бунда ҳужайра деворига кўп миқдорда специфик фаглар адсорбцияланади. Улар ҳужайра деворида кўплаб тешиклар ҳосил қиласи ва ҳужайра ичидаги маҳсулотлар шу тешиклар орқали оқиб кетади. Шундай қилиб, ҳужайрадан ташқаридағи лизисда фаглар миқдори ортмайди, чунки улар бўлиниб кўлаймайди.

Микроорганизмларга таъсир қилиш характерига кўра вирулент ва мўътадил фаглар фарқланади.

Вирулент фаглар ўзига мос ҳужайрани заарлаб лизисга учратади ва янги ҳужайраларни лизисга учратувчи кўп миқдорда етилган фаглар юзага келишига сабабчи бўлади. Бунда суюқ муҳит тиниқлашиб, кўп миқдорда фагларни сақлади ва фаголизат муҳит ҳосил бўлади. Зич озиқа муҳитида эса қўшилиб кетган тиниқ лизис қисмлари ёки алоҳида стерил лизис зонаси ҳосил бўлади. Уларни негатив колониялар (пилакчалар) дейилади. Бу негатив колониялар катталиги ва тузилишига кўра фарқланади.

Мўътадил фаглар ҳужайраларни ҳаммасини лизисга учратмайди. Уларнинг айримлари ҳужайранинг генетик аппаратига боғланиб яшайди ва профаглар деб номланади. Бунда бирлашган хромосомалар ҳосил бўлади, бактерия ҳужайраси нобуд бўлмайди. Ҳужайралар бўлиниб кўпайганда профаглар ҳам бўлиниб янги ҳужайраларга бир хилда тақсимланади. Микроб ҳужайрасининг мўътадил (профаг) фаг билан симбиозда яшаши лизогения, профаг сақловчи культурани лизоген дейилади. Бу ном профагларни ҳужайра хромосомасини ташлаб цитоплазмага ўтиб вирулент фагга айланиши мумкинлигини қўрсатади. Вирулент фаглар ҳосил бўлган ҳужайралар нобуд бўлади.

Мўътадил фаглар микробиологик ишлаб чиқаришга зарар етказиши мумкин. Масалаң, агар вакцина, антибиотик ва бошқа биологик моддаларнинг штаммлари лизоген бўлиб қолса, мўътадил фагларнинг вирулент фагларга айланиш хавфи туғилади, ишлаб чиқариш штаммларининг лизисга учрашига сабабчи бўлади. Мўътадил фаглар микроорганизмлар ўзгарувчанлигига таъсир қилувчи кучли омил бўлиб ҳисобланади. Профаглар микроб культурасининг хоссасини ўзgartириши мумкин, яъни токсин ҳосил қилувчи қилиб қўйинши мумкин.

**Фагларнинг табиатда тарқалиши.** Фаглар ўзига сезгир ҳужайра бор ерда, сувда, тупроқда, чиқинди сувларда, одам ва ҳайвон чиқиндисида ва бошқаларда учрайди. Барча маълум бактериялар ўзига сезгир фагларнинг ҳўжайини бўлиб ҳисобланади.

**Фагларнинг чидамлилиги.** Вегетатив шаклдаги фаглар ҳўжайнларига нисбатан физик ва кимёвий омилларга анча чидамли. фаглар  $75^{\circ}\text{C}$  ҳароратгача қиздиришга, узоқ вақт қуритишга, pH 2,0 дан 8,5 гача анча чидамли. Улар антибиотикларга, тимол, хлороформ ва қатор бошқа моддаларга сезувчан эмас,

Шунинг учун бу моддалар фагларни ажратишда ва сақлашда құлланилади. Кислота ва дезинфекцияловчи моддалар фагларга ҳалокатли таъсир күрсатади.

### Назорат учун саволлар:

- ?
- 1. Фаг ҳақида тушунча беринг?
- 2. Фагларнинг таъсирини ким биринчи бўлиб кузатган?
- 3. Фагларни ким очган ва уларнинг табиатини ўрганган?
- 4. Фагларнинг тузилиши ва кимёвий таркиби қандай?
- 5. Фагларнинг специфик таъсири қандай намоён бўлади?
- 6. Вирулент ва мўътадил фагларнинг фарқи нимада?

### ВИРУЛЕНТ ФАГЛАРНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ МАТЕРИАЛНИ ТАЙЕРЛАШ

Ташқи муҳит обьектларидан, одам ва ҳайвон аъзо ва чиқиндиларини, микроорганизм культурасини ва бошқаларни бактериологик фильтр ёрдамида ўтказилиб олинган фильтрат текшириш материали бўлиб ҳисобланади.

Текшириш материалини фильтрлашдан олдин уни қуидагича тайёрлаб олинади.

Суюқликлар, сийдик, -сув, ювинидилар ва бошқалар қоғоз фильтр ёки центрифуга ёрдамида йирик моддалардан тозалапади, чунки йирик моддалар бактериологик фильтрларнинг тешигини беркитиб қўйиши мумкин.

Чўзилувчан моддалар (йиринг, нажас) физиологик эритмада ёки шўрвада аралаштирилади, юқорида айтилганидек, йирик моддалардан тозаланиб фильтрланади.

Қуюқ материал (аъзо бўлаклари, озиқ-овқат ва бошқалар) чинни ҳавончада стерил кварц қуми ва физиологик эритма ёки шўрва билан яхшилаб аралаштирилади, йирик моддалардан тозаланади, сўнг фильтрланади.

**Микроорганизмлар культураси** (маълум ёки ўрганилаётган). Фаг билан ишлаганда 20—24 соатли агардаги ёки 2—6 соатли шўрвадаги микроб культурасидан фойдаланилади. Культуранинг софлигини суртма препарат тайёрлаб фуксин Пфейффер ёки Грам усулида бўяб ўрганилади. Қийшиқ агарда ўсган культурадан микроб ювиндиси тайёрлаб олинади. Бунинг учун қийшиқ агарга 3—5 мл стерил физиологик эритма қуйилади. Пробирка кафт орасига олиниб бураб чайқатилади, яъни секинлик билан озиқа муҳит юзасидаги культурани ювади. Бу ишни эҳтиёткорлик билан олиб бориш керак, қопқоқ намланмаслиги лозим. Ювиндини алоҳада стерил пробиркага қуйила-

ди, физиологик эритма билан 1:10 қилиб суюлтирилади (0,5 мл ювиндига 4,5 мл физиологик эритма).

Фаг билан ишлаганда стерил идишлар пробирка, Петри косачаси, ҳавонча, пипетка, термостат, фильтрловчи асбоб, центрифуга, штативлар, колония санайдынган асбоб керак бўлади.

**Диққат!** Фаг билан ишлаш асептик шароитни талаб қиласди.

### СИФАТ УСУЛИ

У ёки бу материалда фагнинг бор-йўқлигини ўзига сезгир микроб культураси ёрдамида аниқланади.

**Зич озиқа муҳитида фагни аниқлаш.** Тест культурани Газон усулида Петри косачасидаги агарга экилади. Экилган Петри косачаси қопқоғи очилган ҳолда термостатда 30—40 дақиқага қолдирилади, шундан сўнг ўрганилаётган материалдан муҳит юзасига томизилади. Агар текширилаётган материалда фаг бўлса, микроб культураси лизисга учрайди. Микроб культураси томизилган ерда колония лизис, яъни стерил ҳосил бўлади.

**Суюқ озиқа муҳитида фагни аниқлаш.** Бир хил ҳажмли пробиркадаги иккита шўрванинг бирига текширилаётган фаг ёки фильтрат солинади, шўрванинг иккаласига бир томчидан микроб культураси томизилади. Иккинчи- пробирка назорат пробиркаси бўлиб ҳисобланади. Пробиркаларни термостатда 12—20 соатга қолдирилади. Натижা назорат пробиркасида микроб ўсан бўлсагина лойқаланиш ўқилади. Агар тажриба пробирка тиник қолса, фаг борлигидан далолат беради. Тажриба пробирка лойқаланса косачадаги агарга олиб экилади, чунки культура фагга чидамли бўлиши мумкин. Зич озиқа муҳитида фаг аниқланмаса, текширилаётган материалда фаг йўқ деган хуносага келиш мумкин.

### МИҚДОРИЙ УСУЛ

Кўпгина текшириш ишларини олиб боришда миқдорий усулнинг аҳамияти катта. Шифокор фагнинг фаоллигини билиши шарт, чунки касалликни даволаш ва олдини олиш учун дозасини аниқлай олиши лозим.

Фагнинг фаоллиги титр тушунчасида намоён бўлади, суюқ ва зич озиқа муҳитида фагларнинг титрини аниқлаш мумкин.

Суюқ озиқа муҳитида фагларнинг титрини Аппельман усулида аниқланади. Фагнинг титри — тест культурани тўлиқ лизисга учратган энг юқори суюлтириш даражасидир.

Зич озиқа муҳитида фагнинг титри Грация усулида аниқланади.

**Аппельман усулида фагларни титрлаш** (суюқ муҳитда). Фагни титрлашда ҳарорат, аэрация, микроблар миқдори, пробиркалар

бир хил ҳажмда бўлиши лозим. Фақат фагларнинг миқдоригина ўзгаради.

Биологик тажрибада иштирок этадиган барча компонентлар албатта тўғри ишлаши тўғрисида назоратдан ўтиши лозим.

Фагларни титрлашда шўрванинг стериллигига ва фагга назорат қўйилади.

**Тажриба ўтказиш техникаси.** 12 та бир хил ҳажмдаги стерил пробирка олиб ҳаммасига 4,5 мл дан стерил ГПШ солиб чиқамиз. Барча пробиркаларда шўрванинг миқдори, кўриниши бир хил -бўлиши лозим. Агар бундай бўлмаса хатоликка йўл қўйилганлигидан далолат беради. Бундай ҳолларда стандарт бўлмаган пробирка алмаштирилади ва янгидан стерил шўрва қўйилади. Шўрвани қўйишда 5—10 мл ли стерил пипеткалардан фойдаланилади.

Пробиркаларни штативга қўйилади, 1 дан 10 гача тартиб рақами қўйиб чиқилади. 11-пробиркага «НК» (назорат культура), турга), 12-провиркага «НФ» (назорат фаг) деб ёзилади.

Тажриба пробиркаларда фагни суюлтириб чиқилади. 1 ва 12 пробиркага 0,5 мл фаг солинади, сўнгра яхшилаб аралаштирилади. Назорат фаг пробиркамизга ҳам фагдан худди шунча соламиз. Пипеткани алмаштириб бошқа пипеткада биринчи пробиркадан 0,5 мл олиб иккинчисига, иккинчидан 0,5 мл олиб учинчига ва ўнинчи пробиркагача шу йўсинда ишни олиб борамиз, ҳар сафар пипеткани алмаштирамиз. 10-пробиркадан 0,5 мл олиб дезинфекцияловчи моддага тўкилади. «Назорат фаг» пробиркасидан ҳам 0,5 мл олиб ташланади. Фагни суюлтиришда 1—2 мл ли пипеткалардан фойдаланилади. Пробиркадаги суюқликларнинг ҳажми бир хил қолиши лозим.

«Назорат фаг» пробиркасидан ташқари барча пробиркаларга 1 томчидан (0,05 мл) тест-культурадан солиб чиқамиз, сунгра пробирлаларни чайқатамиз. Назорат фаг пробиркасидан ташқари барча пробиркаларда бироз лойқаланиш бўлиши керак. Агар бундай бўлмаса, ишни қайтадан бажарамиз.

Пробиркаларнинг барчасини термостатда 37°С ҳароратда 18—20 соатга қолдирамиз. Вақт ўтгач пробиркалар термостатдан олинади, натижা назорат пробиркалардан бошлаб ўқилади.

Назорат культура пробиркамизда бактериялар бўлиниб қўпайиши натижасида пробиркамиздаги мухит лойқаланиши юзага келади. Бу тажрибага олинган культурамиз бўлиниб қўпайиш хусусиятига эга эканлигини кўрсатади ва озиқа мухит уни ривожланишини қониқтира олишини кўрсатади. Назорат фаг пробиркаси тиниқ қолиши керак. Бу мухитни, пробиркаларни ва фагни стериллигидан далолат беради.

Назорат пробиркаларимизда шундай ўзгаришлар бўлсагина, тажриба пробиркалари текширилади. Агар тажриба пробиркаларимизда культура ўсган бўлса, бу фагнинг йўқлигини

ёки камлигини кўрсатади. Фагнинг титри аниқланади, яъни культура лизисга учраган энг юқори суюлтириш даражаси аниқланади. Титр суюлтириш даражасининг тескари кўрсаткичи билан белгиланади, бу пробирканинг тартиб номерига тўғри келади. Масалан: агар еттинчи пробиркамиз тиниқ қолган бўлса, фагнинг титри  $10^{-7}$  даражасига тўғри келади.

**Грация усулида фаг титринини аниқлаш** (зич озиқа муҳитида). Бу усул титрланаётган магериялда фагларнинг миқдорий титрини аниқлашга ёрдам беради. Бунда ҳар бир фаг лизис зонасини беришга асосланган.

**Тажриба ўтказиш техникаси.** 20—25 мл ГПА қўйилган Петри косачаларидағи агарга стерил қоғоз қўйилиб термостатда ёки бактериоцид лампа (лампа оралиғи 2 м бўлиши лозим) остида қуритиш учун қўйилади. Титрланаётган фагни  $10^{-1}$  дан  $10^{-10}$  гача (юқорида айтилгандек) суюлтириб чиқилади. Бунинг учун барча пробиркаларга 2,5 мл дан эритилган ва  $45^{\circ}\text{C}$  гача совитилган ГПА қўйилади ва биринчи пробиркага фаг солиниб арапаштирилади, сўнг 1 дан 2 га, 2 дан 3 га ва ҳоказо 10 гача суюлтириб чиқилади, 10-дан олиб дезинфекцияловчи моддага тўкилади. Унта пробиркамизнинг барчасига 0,1 мл дан тест культура соламиз. Пробирка ичидагилар қотиб қолмасидан озиқа муҳит қўйилган ва тартиб рақами қўйилган Петри косачалариға қўйиб чиқамиз (1-пробиркадан 1-косачадаги агарга, 2 дан 2-косачага ва ҳоказо). Косачаларни термостатда 30 дақиқага қолдирамиз.

Натижা 18—20 соатдан кейин ўқилади. Фаг катта концентрацияда бўлганлиги сабабли (биринчи косачаларда) қўшилиб кетган культуранинг лизиси юзага келади. Фаг миқдори кам бўлган суюлтириш даражаларидағи косачаларда санай оладиган алоҳида лизис колониялари ҳосил бўлади. Саналгандан адашиб кетмаслик учун косачанинг орқа томонидан лизис колониялар белгиланиб чиқилади. Колонияни санайдиган асбоб ишни енгиллаштиради. 1 мл фаголизатда фаглар миқдорини аниқлаш учун қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$n = y - x - x:$$

п — қидирилаётган сон (фагларнинг миқдори).

у — косачада ҳосил бўлган лизис колониялар сони.

х — косачадаги фагнинг суюлтириш даражаси.

Масалан,  $10^{-8}$  косачамизда ( $1:10 \times 8$ ) 25 та лизис колония ҳосил бўлган. 1 мл текшираётган суюқликда  $25 \times 10$  фаг мавжуд.

Бир қанча суюлтириш даражаларидағи фагларнинг миқдори аниқланиб ўртacha арифметик кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилганда тўғри натижага эришиш мумкин.

### ФАГЛАРНИ АЖРАТИШ УСУЛЛАРИ

Фаг текширилаётган материал фильтратида фаг аниқланади ва ўрганилади. Фагнинг борлиги ва фаоллигини фагга сезгир мос культуранинг лизисга учрашидан аниқлаш мумкин.

**Фильтратда кам миқдорда фаг бўлганлиги сабабли, бу усул ишончли натижани бермайди. Фагларнинг миқдорини ошириш учун бойитиш усулидан фойдаланилади.**

**Бойитиш усули.** Тайёрланган фильтратимизни 2—3 соат мос микроорганизм сақловчи 2—3 соатли шўрвага экилади, ва термостатда қолдирилади. Фаг культура тўқималарда бўлинib кўпаяди ва титри анчагина ортади. Шундан сўнг шўрва фильтранади ва фильтратдаги фагнинг хоссаси ҳамда фаоллиги аниқланади.

### **ФАГЛАРНИНГ АМАЛИЕТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Фагнинг қўлланилиши уларнинг ўта специфиллиги ва микроб ҳужайрасини парчалаш ёки улар билан симбиозга ўтиш хусусиятига асосланган.

**Фагопрофилактика ва фаготерапия** — фаглар ёрдамида инфекцияни даволаш ва олдини олишга асосланган. Бунда фаг бемор организмида касаллик қўзғатувчилари билан тўқнашиб, уларни нобуд қиласди. Ҳозирги вақтда фаглар стафилококк ҳамда стрептококк инфекцияларини даволашда ва олдини олишда кенг қўлланилмоқда, шунингдек вабо, тоун, ичак таёқчаси ва протеялар келтириб чиқарадиган инфекциялар ҳамда антибиотик билан даволаб бўлмайдиган инфекцияларни даволашда ва олдини олишда кенг қўлланилмоқда.

**Фагодиагностика:** а) маълум фаглар ёрдамида ажратиб олинган культурани фарқлашда фойдаланилади. Культурани лизисга учратган фагга шу культура мос келади. Масалан: агар вабо фаги лизисни юзага келтирса, демак бу вабо вибриони культурасидир. Типга оид фагларнинг ўта специфиллиги тур ичидаги вариантларни — фаговарларни фарқлаш имконини беради. Фаглар ёрдамида фарқлаш эпидемиологияда катта аҳамиятга эга, чунки инфекция манбанини аниқлашда ва қатор саволларни ечимида уларнинг роли каттадир.

б) микробларнинг тест культураси ёрдамида номаълум фагни аниқлаш. Агарда фаг дизентерия қўзғатувчисини лизисга учратса демак у дизентерия фаги ҳисобланади.

в) фаг титрининг ортиши реакцияси ёрдамида (РНТФ) тезлаштирилган диагностик усул, соф культура, ажратиб олишни талаб қилмайди. Бемордан ёки ташқи муҳитдан олинган текшириш материали ва титри аниқланган индикатор фаги шўрвага солинади. Термостатда ўстирилган фаг титри Грация усулида аниқланади. Титрининг 5 ва ундан кўпроқ ортиши, текшириш материалида фагга мос қўзғатувчи борлигидан далолат беради, чунки фаг бўлининб кўпайган бўлади.

Мўътадил фаглар биологияда кўпгина саволларни ечишда қўлланилади. Улар ёрдамида генетик кодлар ўрганилади, ген инженериясида катта ютуқларга эришилган. Ўсимталарапнинг ўсишини ўрганишда улардан кенг фойдаланилади.

## ФАГ ПРЕПАРАТЛАРИ

Фаг препаратларини олишда яхши ўрганилган микроорганизм штаммлари ва реакторларда ўстирилган фаглардан фойдаланилади, бу катта миқдорда фаголизатлар олиш имконини беради. Фаглар суюқ ҳолда (ампула ва флаконларда), шамча ва таблетка кўринишида чиқарилади. Таблеткалар оғиз орқали ичилади, у кислотага чидамли қобиқ билан ўралган бўлиб, фагларни ошқозон ширасидаги хлорид кислота таъсиридан ҳимоя қиласди.

Фаг препаратлари албатта қўшимча микрофлорага, заарасизликка ва фаоллигига кўра назоратдан ўтиши лозим. Фаг идишларида албатта фагнинг номи, қаерда чиқарилганлиги, серия рақами, ишлатиш муддати кўрсатилиши лозим.

### Назорат учун саволлар:

- ?
1. Фаг олинишида ва қўлланилишида унинг қандай хоссаси асос қилиб олинади?
  2. Нима сабабдан фаглар стерил шароитда титрланади?
  3. Фагларнинг Аппельман усулидаги титри қайси тажриба пробиркаларидан ўқиласди?

## 8-боб. АНТИБИОТИКЛАРГА УМУМНИЙ ТАВСИФ

Антибиотиклар (грекча *anti*—қарши, *bios*—ҳаёт), тирик организмнинг ҳаёт фаолияти моддаси бўлиб, микроорганизмларга танлаб ўлдирувчан ёки уларнинг ўсишига тўсқинлик қиласдиган хусусиятига эгадир. Микроорганизмларда антибиотик ишлаб чиқариш микроб антогонизмининг (грекча — *anti* — курашаман, қаршилик қиласман) бирдан бир асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Антагонистик хусусиятга эга бўлган кўпгина микроорганизмлар: замбуруглар, актиномицет, спорали бактериялар тупроқда учрайди. Антагонисларни сув ҳавзаларида ҳам (кўл, дарё), шунингдек одам ва ҳайвоннинг нормал микроформаларида ҳам учратиш мумкин. Микроорганизм: ичак таёқчи, бифидум—бактерия одам ичагидаги лактобациллар.

Микроб антагонизмининг амалиётда қўлланишини биринчи бўлиб Л. Пастер ва И. И. Мечников ўрганиши: Л. Пастернинг 1877 йилги изланишлари натижасида куйдирги бацилларини чиритувчи бактериялар билан озиқа муҳитда ўстирилиши куйдирги бацилларини ўсишини тўхтатади, деган фикрни билдиради.

Л. Пастер олиб борган кузатишлари натижасида бактериялар антагонизмини юқумли касалликларни даволашда қўллаш

мумкин деган хулосага келди. И. И. Мечников 1894 йили ичак инфекцияларини чиритувчи бактерияларнинг аҳамиятини ўрганиб, чиритувчи бактерия ишлаб чиқарадиган моддалар организмни заҳарлайди ва одамни тез қаришига сабаб бўлишини аниқлади. Шунингдек, сут кислотаси ҳосил қиласидиган бактериялар (болгар таёқчаси) ичакдаги чиритувчи бактерияларнинг ривожланишига тўсқинлик қилишини аниқлади ва микроорганизмларнинг антогонистик муносабатда бўлиши организмни қаришига қарши курашлардан бири деган фикрни билдириди.

Рус олимларидан В. А. Манассеин ва А. Г. Полотебнов 1871 — 1872 йилларда антибиотик топилишидан кўп йил олдин яшил мөғор пенициллиумини теридаги йирингли яраларни даволашда қўллаганлар. Бир турдаги микроорганизмларни бошқа турдаги микроорганизмларга таъсирини (антагонизм) қўллаш фикри яхши натижалар берди. Кўк йиринг таёқчаларидан Р. Эммерих ва О. Лев биринчи антибиотик пиоцинозани олдилар. Лекин у кенг қўлланилмади. Антибиотикларга 1929 йилда А. Флеминг асос солди.

У озиқа муҳитидаги тилла ранг стафилококклар олдида тасодифан ўсган ва атрофидаги колонияларни лизисга учрашини кузатади. Флеминг мёғор бульон культурасини фильтрати фақат стафилококкларнингина эмас балки бошқа микроорганизмларни ҳам ўлдиришини аниқлайди. У 10 йил давомида кимёвий тоза пенициллинни олишга ҳаракат қилди, лекин буни удалай олмади.

Тозаланган пенициллин препаратини 1940 йилда англиялик Э. Чейн ва Т. Флорилар оладилар. Микробиолог З: В: Ермольева 1942 йили пенициллин олиш учун бошқа мёғордан фойдаланади. Бу улуғ Ватан уруши йилларida катта фойда беради.

Пенициллинни топилиши ва унинг йирингли касалликларни даволашда кенг қўлланилиши олимларда бошқа янги антибиотикларни топишга иштиёқ уйуотди. Ҳозирги кунда 2000 дан ортиқ турли хил антибиотиклар топилган. Лекин клиник амалиётда буларнинг барчаси қўлланилмайди, чунки айримлари токсик таъсирга эга, бошқалари одам организми шароитида фаол эмас.

Олинниш манбаига кўра антибиотиклар қўйидагича тавсифланади:

1. Паст ўсимликлардан олинадиган антибиотиклар:
  - а) мёғор замбурғидан олинадиган антибиотиклар (пенициллин ва бошқалар).
  - б) актиномицентлардан олинадиган антибиотиклар (стрептомицин, тетрациклин ва бошқалар).
  - в) бактериялардан олинадиган антибиотиклар (грамицидин, полимиксин).
- II. Юқори даражали ўсимликлардан олинадиган антибиотиклар (пиёз, саримсоқ пиёзлар фитоцидлар).
- III. Ҳайвон тўқималаридан олинадиган антибиотиклар (ли-зоцим, экмолин, интерферон).

Антибиотиклар микроорганизмларга бактериоид ва бактериостатик таъсир кўрсатади. Бактериоид таъсири ўлдирувчан таъсир бўлиб, бактериостатик таъсир эса уларни бўлинib кўлайшига тўсқинлик қиласи ва тўхтатади. Таъсир этиш характери антибиотикка ва унинг концентрациясига боғлиқ.

Антибиотикларнинг антимикроб таъсир механизми турли-чадир:

Бири бактерия ҳужайраси деворининг синтезини бузади (пенициллин, цефалоспоринлар), бошқалари ҳужайрадаги оқ-силларнинг синтез жараёнини тўхтатади (стрептомицин, тетрациклин, левомицетин). Учинчиси эса бактерия ҳужайрасидаги нуклеин кислотаси синтезини бузади (рифампицин ва бошқалар). Ҳар бир антибиотик таъсир этиш спектори характерига эгадир, яъни препарат маълум бир микроорганизм турига ўлдирувчан таъсир кўрсатиши мумкин. Кенг спектрда таъсир кўрсатадиган антибиотиклар турли хил микроорганизм гуруҳлари-га нисбатан фаол (тетрациклин) ёки кўпинча Грам мусбат ва Грам манфий бактерияларни бўлинib қўпайишини бузади (ст-рептомицин ва бошқалар). Қатор антибиотиклар тор доирадаги микроорганизмларга нисбатан таъсир кўрсатади.

Масалан: полимиксинга грам манфий бактериялар сезув-чандир. Антибиотиклар таъсир этиш доирасига кўра антибак-териал, замбуруғларга ва ўсимталарга қарши турларга бўли-нади.

Антибактериал антибиотиклар бактерияларни ривожлани-шига таъсир қиласи ва препаратларни кенг гуруҳини ташкил этади. Улар кимёвий таркибига кўра турли хил бўлади. Бак-териялар келтириб чиқарадиган юқумли касалликларни даво-лаш учун кўпинча кенг спектрда таъсир кўрсатадиган антибио-тиклар қўлланилади: тетрациклин, левомицетин, стрептомицин, гентамицин, яirimсинтетик пенициллинлар ва цефа-лоспорин ва бошқа препаратлар.

Замбуруғларга қарши антибиотиклар (истатин, леворин, амфотерицин В, гризофульвин) микроскопик замбуруғларнинг ўсишига таъсир кўрсатади, яъни микроб ҳужайрасининг цито-плазматик мемранасининг бутунлигини бузади. Бу антибио-тиклар замбуруғлар келтириб чиқарадиган касалликларни да-валашда қўлланилади.

Ўсимталарга қарши антибиотиклар (рубомицин, брунеоми-цин, оливомицин) ҳайвон ҳужайрасидаги нуклеин кислотаси-нинг синтезини бузади ва турли формадаги ёмон сифатли янги ҳосил бўлган ўスマларни даволашда қўлланилади.

Антибиотикларнинг биологик фаоллиги халқаро таъсир бир-лиги ТВда ўлчанади. Уларнинг фаол бирлиги сифатида унга сезувчан бактерияларга антимикроб таъсир кўрсатадиган пре-паратнинг энг кам миқдори қабул қилинади (масалан, пеницил-лин учун тилларанг стафилококк, стрептомицин учун ичак таёқ-чиши ва бошқалар). Ҳозирги вақтда антибиотикларнинг фаол

бирлиги тоза препаратнинг микрограммаларида ўлчанади. Пенициллиннинг фаол бирлиги 0,6 мкг деб қабул қилинган, кўпгина антибиотиклар учун 1 ТБ 1 мкг га тўғри келади (стрептомицин ва бошқалар).

Бизнинг мамлакатимизда антибиотиклар ишлаб чиқариш корхоналари қурилган. Табиий антибиотикларни биосинтез йўли билан олинади: замбуруғ актиномицет, бактерия штаммларини керакли маълум оптималь ҳароратда ва аэрацияда суюқ озиқа муҳитида ўстирилади. Антибиотик моддалар микроорганизм метаболизмининг охирги маҳсулоти ҳисобланади ва уларни кимёвий усулда ажратиб олинади.

Антибиотикларнинг кимёвий тузилишини ўрганиш натижасида кимёвий синтез усули ёрдамида синтетик препаратларни олиш имкони яратилади (левомицетин).

Ярим синтетик антибиотикларни олиш усулини ишлаб чиқилиши катта ютуқлардан ҳисобланади. Бу усул табиий препаратларнинг кимёвий тузилишини ўзгартиришга асосланганadir. Кейинги пайтларда клиник амалиётида пенициллин, цефалоспоринлар, тетрациклинлар, рифампицин ва бошқа яримсинтетик препаратлар кенг қўлланилмоқда. Антибиотиктерапия айrim ҳолларда микроорганизмлар томонидан турли асоратларга сабаб бўлиб, шунингдек уларнинг хоссаларини ўзгаришига олиб келади.

**Антибиотиктерапияда кузатиладиган асоратлар.** Бемор организмига юборилган айrim антибиотиклар (пенициллин, стрептомицин ва б.) юқори сезувчанлик ҳолатини, аллергияни юзага келтиради, бу ҳолат препаратларни қабул қилган сари ортиб бораверади. Аллергик реакциялар тошмали қичитмалар, дерматит—бурун, лаблар, қовоқларнинг шишиши кузатилади. Энг хавфли асоратлардан бири анафилактик шок ҳисобланади, бунинг натижасида bemor ўлиши мумкин.

**Диққат!** антибиотик юборишдан аввал организмнинг антибиотикка нисбатан сезувчанлигини аниқлаш лозим. Бунинг учун билакнинг ички томонига тери остига 0,1 мл антибиотик юборилади ва буни 20—30 дақиқа кузатилади. Агар реакция мусбат (+) бўлса 1 см кенгликда қизариш ва шишиш ҳосил бўлади, бу ҳолда антибиотик юбориш мумкин эмас.

Организмга кенг спектрда таъсир кўрсатадиган антибиотикларни катта миқдорда юборилиши нафас йўли, ичак ва бошқа аъзоларнинг нормал микрофлорасини нобуд бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида бу антибиотикларга чидамли шартли патоген бактериялар (стафилоқокк, протея) ва candida авлодига киравчи замбуруғлар фаоллашиши ва иккиласми инфекцияни юзага келтириши мумкин. Шундай қилиб дамбуруғли — тери, шиллик қават, ички аъзолар кандидози, дисбактериоз (нормал микрофлора — таркибини бузилиши) ҳосил бўлади. Кандидамикознинг юзага келишини олдини олиш учун антибио-

тиклар замбуригларга қарши препаратлар билан бирга юборилади. Нормал микрофлора турларидан таййерланган (колибактерин, бифидумбактерин, бифанол) препаратларни құлланиши антибиотиклар құлланилғандан кейин дисбактериоз ҳосил бүлишининг олдини олади.

Бемории даволаш мақсадида антибиотикларни узоқ вақт құллаш унинг организмінде токсин таъсир күрсатыши мүмкін, тетрациклин жигарни шикастлаши, левомицетин аъзоларни, стрептомицин вестибуляр ва эшитиш анализатори, цефалоспоринлар буйрак иш фоалиятини бузилиши (нефротоксик) га сабаб болади. Күргина антибиотиклар гетовитамин ва ошқозон-ичак системаси аъзоларининг шиллиң қаватини ялтырлады.

Антибиотиклар ҳомиланинг ривожланишига катта таъсир күрсатади, бу айниқса ҳомиладорликнинг биринчи даврида антибиотик қабул қылған аёлларда күзатылади. Тетрациклин гүрухидаги антибиотик түғридан-түғри ҳомила организмінде таъсир күрсатади.

### ЗАМБУРУГЛАРДАН АЖРАТИБ ОЛИНГАН АНТИБИОТИКЛАР

Айрим замбуруғ штаммлари *Penicillium* (*Penicillium notatum*, *Penicillium chrysogenum*) авлодидан пенициллин олинган.

Пенициллин—патоген кокклар: грам мусбат стафилококк, пневмококк, грам манфий менингококк, гонококкларга нисбатан кучли фаолдир. Уни күйдирғи, қоқшол, газли гангрена, захм ва бошқа касаллукларни даволашда құлланилади. Пенициллинни перорал (офиз орқали) құллаш мүмкін әмас, чунки у кислотали ва ишқорий шароитда фаоллигини йўқотади ва ошқозон ҳамда ичак йўлида парчаланади.

Пенициллинни құллашда унинг организмдан тез чиқиб кетиши, терапияда керакли самарани бериши, қондаги пенициллин концентрациясини сақлаш учун ҳар 3—4 соатда юбориш лозимлиги олдиндан аниқ эди.

Кейинчалик узоқ таъсир этадиган пенициллин яратилди. Уларга экмоновоциллин, бициллин-1, бициллин-3, бициллин-6, бициллин-13 антибиотиклари киради. Бу антибиотиклардан ревматизм ва захм касаллукларини даволашда кенг фойдаланилади.

Хозирги вақтда яримсинтетик пенициллин, метациллин, оксациллин, клоксациллин ва бошқалар олинган, улар пенициллиназа таъсирида парчаланмайды ва пенициллинга чидамли бўлган стафилококк инфекцияларни даволашда құлланилади: ампициллин фақат Грам (+) мусбатларгагина әмас, балки Грам (—) манфий қорин тифи, дизентерия ва бошқа қўзғатувчиликларга фаол таъсир күрсатади. Оксациллин ва ампициллин ошқозоннинг кислотали шароитига чидамлидир, шунинг учун

(перорал) оғиз шиллиқ қавати орқали қўллаш мумкин. Сер-  
халосрогіум авлодига кпрувчи замбуруглар цефалоспорин ан-  
тибиотигини ишлаб чиқаради. Унинг кенг қўлланиладиган ярим-  
синтетик аъзоларидан цепорин (цефалоридап) ва цефемезин  
кам токсинли, кенг спектрда таъсир кўрсатади, пенициллиназа  
таъсирида парчаланмайди, пенициллинга сезувчан организмлар-  
да аллергик реакциялар келтириб чиқармайди, кўпгина юкум-  
ли касалликларни даволашда кенг қўлланилади.

### **АКТИНОМИЦЕТЛАР ҲОСИЛ ҚИЛАДИГАН АНТИБИОТИКЛАР**

Нурсимон замбуругларнинг (актиномицетлар) антагонистик  
таъсирини биринчи бўлиб Н. А. Красильников (1939) аниқла-  
ган. Америкалик олим А. Ваксман (1943) стрептомицинни аж-  
ратиб олди. Стрептомициннинг очилиши силга қарши курашища  
янги даврни очиб берди, чунки сил микобактерияси стрептоми-  
цинга сезгирилди. Стрептомицин Грам мусбат ва Грам манфий  
бактерияларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади ва тоун, туляремия,  
брүцеллёз ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади.  
Тери остига, мушакка, венага юборилади.

Бактериялар стрептомицинга чидамли бўлиб қолади. Айрим  
микроорганизмлар стрептомицинга боғлиқ шаклни ҳосил қи-  
лади, улар фақат стрептомицин қўшилган озиқа муҳитларида  
бўлиниб кўпаяди.

Тетрациклин актиномицетларнинг табиий антибиотик тет-  
рациклин, хлортетрациклин, окситетрациклин гуруҳининг маҳ-  
сулоти бўлиб ҳисобланади. Барча препаратлар кенг спектрда  
таъсир кўрсатади. Грам мусбат ва Грам манфий турдаги бак-  
териялар риккетсияларнинг, айрим содда жоноворларнинг (ди-  
зентерия амёбаси) бўлиниб кўпайишига тўсқинлик қиласди.  
Тетрациклин ошқозон-ичак системаси орқали яхши сўрилади,  
кандидозларнинг олдини олиш учун уни нистатин билан бирга  
қўлланилади. Кейинги йилларда окситетрациклининг ярим  
синтетик ҳосиллари (метациклин, доксициклин ва бошқалар)  
кенг қўлланилмоқда, уларни табиий препаратлар билан солиш-  
тирганда анча фойдали бўлиб чиқди.

Streptomyces venezuelaeas Левомицетин — синтетик препарат  
культура суюқлигидан ажратиб олинган, табиий хлорамфени-  
колга ўхшаш Грам мусбат ва Грам манфий бактериялар, рик-  
кетсиялар спирохеталарга антимикроб таъсир кўрсатади. Ле-  
вомицетин ичак инфекциялари қорин тифи, паратиф, дизенте-  
рия, шунингдек турли хил риккетсиозларни, тошмали тиф ва  
бошқа касалликларни даволашда қўлланилади. Актиномицет-  
лардан эритромицин, олеандомицин, канамицин, рифамицин,  
линкомицин ва бошқа антибиотиклар олинади. Бу препаратлар  
захира антибиотикларга киради ва касалликларни даволашда  
бактерияларнинг бошқа антибиотикларга чидамли бўлган ҳол-

ларидан қўлланилади. Бактериялар ишлаб чиқарадиган антибиотиклардан полимиксин ва грамицидин С амалиётда катта аҳамиятга эга.

Полимиксинлар B. polimixa — спора ҳосил қиладиган, тупроқ бациллалари ишлаб чиқарадиган антибиотик гурухини бирлаширади B, M ва E полимиксинлар асосан Грам манфий бактерияларга, энтеробактериялар, кўк йиринг таёқчалари ва бошқаларга нишбатан фаолdir.

Грамицидин (антибиотигини Г. М. Гаузе ва М. Г. Бражникова (1942) .B. ғурс тупроқ бациллаларининг турли хил штаммларидан ажратиб олганлар. Унга Грам мусбат бактериялар сезгири. Грамицидин С эритроцитларни гемолизга учратиши мумкин, шунинг учун маҳаллий йирингланиш жараёнларни даволашда қўлланилади.

### **ҲАЙВОН ТҮҚИМАЛАРИДАН АЖРАТИБ ОЛИНГАН АНТИМИКРОБ МОДДАЛАР**

Лизоцимни биринчи бўлиб рус олимни И. Л. Лашенков (1909) товуқ тухумининг оқсилида аниқлаган. Кейинчалик лизоцим тўқималаридан ажратиб олинганди антимикроб моддаларда, сутда, кўз ёшлирида, сўлак ва турли аъзоларнинг тўқималарида (буйрак, талоқ, жигар) аниқлаган. У организмнинг табиий ҳимоя омили ҳисобланниб, патоген сопрафит микроорганизмларда бактерологик (бактерияларни эритувчи) таъсир кўрсатади. Уни кўз ва тери касалликларини даволашда қўлланилади.

Экмолин З. Б. Ермольева томонидан балиқ тўқималаридан ажратиб олиниганди. У пенициллин (экмоновоциллин) билан бирга қўлланилади, бу уларнинг организмга таъсирини кучайтиради ва узайтиради.

Интерферон кўпчиликда алоҳида қизиқиш уйғотди. У вирус тўқималари таъсирида организм ҳужайраларида ҳосил бўлади ва вирусларни бўлинниб кўпайишидан табиий ҳимоя қиладиган омил ҳисобланади. Интерферон Айзекс ва Линдеманлар томонидан 1957 йилда очилган, кенг спектрда вирусларга қарши таъсир кўрсатиш хоссасига эга. Интерфероннинг таъсир этиши механизми ўрганилганда аниқланишича, у кўпгина вирусларни нуклеин кислотаси синтезига таъсир кўрсатади ва уларнинг ўлимига сабаб бўлади.

Интерферон специфик таъсир кўрсатиш хоссасига эга, яъни одам интерферони ҳайвон организмидаги вирусларга таъсир кўрсатмайди. У одам лейкоцитидан ажратиб олиниади ва уни ИФ α деб белгиланади. Грипп ва бошқа вирус респиратор касалликларининг олдини олишда ва даволашда қўлланилади. Кейинги йилларда интерферон янги ҳосил бўладиган ўスマларга самарали таъсир кўрсатиши аниқланди.

Юқори даражали ўсимликлардан олинадиган антибиотик моддалар. 1928 й. Т. П. Токин юқори даражали ўсимликларнинг кўп-

чилиги учиб кетадиган микробларга антибиотик таъсири кўрсатиш хоссасига эга бўлган моддаларни ҳосил қилиншларини аниқлаган.

Фитонцидлар—учувчан эфир мойлари бўлиб жуда чидамсиз. Уларни соф ҳолда ажратиб олиш жуда мураккабдир.

Фитоцидлар — пиёз, саримсоқ, эвквалийт ва лишайник баргларидан, сариқой ўтларидан ажратиб олинади. Шунингдек, редиска, алоз, хрен ўсимлиги ва бошқа ўсимликларда ҳам аниқланган. Тиббиёт амалиётида фитоцидларни қўлланилиши чегаралангандир, чунки яхши тозаланган, кам заҳарли ва чидамли препаратларни тайёрлашини иложи топилмаган.

**Микроорганизмларнинг антибиотика нисбатан чидамлилиги.** Кўпинча антибиотиклар билан даволанганда антибиотикка сезувчан микроорганизмларнинг чидамли шаклга айланиши содир бўлади. Бактерияларнинг антибиотикка ортирилган чидамлилиги янги туғиладиган бактерия ҳужайрасига наслдан наслга ўтади.

Чидамлиликнинг ҳосил бўлиш механизми турличадир. Кўпгина ҳолларда чидамлилик бактерияларнинг ферментларни синтезлашига, маълум антибиотик моддаларнинг парчалаш хоссасига боғлиқ бўлади. Масалан, стафилококкларнинг пенициллинга чидамлилиги, уларниг антибиотикни парчаловчи пенициллиназа ферментини ҳосил қилиш хусусияти билан асосланади. Ичак таёғчаси, протерия ва бошқа ичак бактериялари оиласига пенициллиназа конститутив (доимий) фермент ҳисобланади ва уларнинг пенициллинга табиий равишда чидамлилигини яратиб беради.

Бактерияларнинг кўргина дориларга чидамлилиги аниқланган, яъни бактерия ҳужайраси бир қанча антибиотикларга чидамлилик хоссасига эга бўлиши мумкин.

Антибиотик таъсирида бактериянинг морфологик, культурал, биологик хоссалари ўзгаради, яъни бактериянинг «L» шакли юзага келади. Антибиотикотерапиянинг сифати бактерияларнинг қўлланилётган препаратнинг сезувчанлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун даволашдан аввал микробларнинг антибиотикка сезувчанлиги аниқланади.

## **МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ АНТИБИОТИКЛАРГА СЕЗУВЧАНЛИГИНИ ҮРГАНИШ**

Клиник амалиётда микроорганизмларга бактериоид ва бактериостатик таъсири кўрсата оладиган антибиотикларни аниқланилади.

Ҳар қандай лаборатория текширувларида микроорганизмнинг антибиотикка сезувчанлик мезони бўлиб, тажрибада касаллик қўзғатувчиларнинг ўсишини тўхтатадиган антибиотикнинг минимал концентрацияси ҳисобланади. Дориларнинг сезувчанлигини аниқлаш учун қўзғатувчининг соф культурасидан

фойдаланилади. Сезувчанликка текшірніш учун беморни антибиотиклар билан даволашдан олдин организмдан микроб культурасын ажратиб олишимиз лозим, чунки ular таъсирида касаллик құзғатувчиларини түлиқ ійікотиш мумкин.

Микроорганизмларнинг антибиотикка сезувчанлиги агарда стандарт дисклар ёрдамида диффуз усули ёки суюқ озиқа мұхитиде сериялаб суюлтириш усулида аниқланади.

Бунда пенициллин ва стрептомицинга чидамлилик яққол намоён бўлади. Антибиотик терапиянинг самаралилиги, асосан бактериянинг қўлланилаётган препаратларга чидамлилик даражасига боғлиқлилиги билан аниқланади. Шунинг учун bemor организмидан ажратиб олинган микроорганизм культурасининг даволаш учун қўлланиладиган турли хил антибиотикларга сезувчанлиги аниқланади.

Антибиотикларнинг таъсир этиш жараёнида бактерияларнинг морфологик, культурал, биологик хоссалари ўзгариши мумкин, янги форма бактериялар ҳосил бўлиши мимкин.

Замбуруғлардан ажратиб олинган антибиотиклар. Penicillium авлоди замбуруғларидан пенициллин олинган.

Пенициллин — патоген кокклар: Грам мусбат стафилококк, стрептококк, пневмококк, Грам манфий менингококк ва гонококкларга нисбатан ўта фаолдир. Уни куйдирги, қоқшол, газли гангрена, захм ва бошқа касалликларни даволашда ҳам қўлланилади.

### АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

**Диск усули.** Тайёрланган микроб ювиндиси ёки бир кунлик шўрвадаги культура Газон усулида экилади. Микроб ювиндисини тайёрлаш учун стерил физиологик эритмадан 5—6 мл олиб, қийшиқ агардаги соф культурырага солинади ва пробирка кафт орасига олиб чайқатилади. Микроб ювиндисини бир миллиард микроб культурысанни сақловчи №10 лойқаланиш стандартига солиширилади. Экилган косачани 30—40 дақиқа термостатда құритилади. Сўнг экилган агар юзасига пинцет ёрдамида антибиотик шимдирилган дисклар қўйинб чиқилади. Ҳар бир диск агарга яхши ёпишиши учун пинцет билан босилади. Дисклар бир-биридан ва косача деворидан 2—1,5 см узоқликда бўлиши лозим. Битта косачада бир штамминг 4—5 та антибиотикка сезувчанлигини ўрганиш мумкин.

Бу косачани термостатда 37°C ҳароратда 18—24 соатга қолдирилади. Косача тўнкарилган ҳолатда қўйилиши керак, чунки кондесацион сув муҳит юзасига тушиши мумкин.

Вақт ўтгач натижә үқилади. Антибиотикнинг таъсир кучи диск атрофида ўсишнинг кечикишига қараб баҳоланади. Микроблар ўсишининг кечикиш зонасининг диаметрини, антибиотик диски билан қўшиб миллиметр қофоз ёки чизғиҷ ёрдамида ўлчанади. Микробларнинг антибиотикка нисбатан сезувчанлик даражаси 5-жадвалда кўрсатилган.

**Микробларнинг антибиотикка сезувчанлик даражаси**

Микробнинг антибиотикка сезувчанлик даражаси.	Стерил зона диаметри
Сезувчан	>10
Кам сезувчан	<10
Юқори сезувчан	Микролар түлиқ үсмаган бўлса

Кўп ҳолларда фаол материалларда (йиринг, жароҳат ажратмаси ва б.) микробларнинг антибиотикка нисбатан сезувчанлиги аниқланади. Бунда текшириш материали озиқа муҳиг юзасида стерил шиша шпател билан бир хилда ёйлади, сўнг антибиотик дисклари ўрнатилади. Бу оддий усул бўлиб ва лабораторияларда кенг қўлланилади ва сифатли усул деб қаралади.

**СУЮҚ ОЗИҚА МУҲИТИДА СЕРИЯЛАБ  
СҮЮЛТИРИШ УСУЛИ**

Суюқ озиқа муҳитида сериялаб сүюлтириш учун аниқ ва миқдорий усул билан ҳисобланади, бу усулни илмий-текшириш, институтларий касалликларнинг олдини олиш муассасаларида ўта муҳим ҳолларда қўллайдилар.

Тажриба қўйиш учун соф микроб ювиндиси, антибиотик эритмаси, Хоттингер шўрваси керак бўлади.

Антибиотикнинг фаоллиги ТБ (таъсир бирлиги) (мл ёки мкг) мл ўлчанади. Асосий антибиотик эритмасини тайёрлаш учун идишига миқдори кўрсатилган антибиотиклар солинади. Агар бирлиги граммда кўрсатилган бўлса, антибиотикнинг 1 граммига 1 млн ТБ таъсир бирлиги тўғри келади. Мана шу эритмада керакли бўлган антибиотик аралашмани тайёрлаш лозим.

Асосий антибиотик аралашмани тайёрлаш 6-жадвалда кўрсатилган.

## 6-жадвал

**Пенициллининг асосий эритмасини тайёрлаш**

Иш тартиби	Пенициллининг асосий эритмасини тайёрлаш учун кўрсатма	1 мл тайёрланган эритмадаги препарат концентрацияси, ТБ
1.	Флакон 300000 ТБ (таъсир бирлиги) +10 мл дистилланган сувда эритмади (бу 1-аралашма ҳисобланади) 1-аралашмадан 0,1 мл +9,9 мл стерил дистилланган сув (бу 2-аралашма)	30000
2.	1-аралашмадан 0,1 мл +9,9 мл стерил дистилланган сув (бу 2-аралашма)	300
3.	1,6 мл 2-аралашмадан +13,4 мл ГПШ	32

**Тажрибани қүйиши.** Бир хил ҳажмли 12 та пробирка олиниси барчасынга 1 мл дан ГПШ қойылади. Биринчи пробиркага 1 мл 32 ТБ/мл асосий антибиотик эритмасидан стерил пепетка ёрдамида солинади. 1-пробиркадаги эритмани яхшилаб аралаштирилашы ва 1 мл олиб 2-пробиркага қойылади, 2-дан 3-га, 3-дан 4-га ва шундай қилиб, 10-пробиркагача суюлтирилади, 10-дан 1 мл олиб дезинфекцияловчи моддага тұқылади. Шундай қилиб 1-пробирка 16 ед, 2—8 ед, 3—4 ед ва бошқа антибиотик эритмани сақтайтынды. Антибиотикини суюлтиришда ҳар бир пробиркага алохыда пипетка құлланылади. 11-пробирка бактерияны үсішини назорат қылувчи пробирка ҳисобланади «КК», 12-пробирка озиқа мұхиттінинг стериллігіні назорат қылувчи пробирка ҳисобланади. 12-пробиркадан ташқари, барча пробиркаларға 0,1 мл текширилаётган күльтурдан солинади. 18—24 соат термостаттада сақланғандан сүнг натижә үқилади.

Натижә назорат (контрол) пробиркалардан бошлаб үқила-ди. 11-пробиркамизда микроб күльтурасы үсган бўлиб, 12-про-бирка тиниқ бўлса, тажриба пробиркалари текширилади, энг охирги тиниқ қолган пробирка белгиланади. Мана шу пробиркадаги антибиотик миқдори текширилаётган штамм учун мини-мал тўлиқ ўлдирувчи концентрация бўлиб ҳисобланади.

**Зич озиқа мұхитида сериялаб суюлтириш усули.** Суюқ ози-қа мұхитдагидек антибиотикнинг иккى марта суюлтирилган эритмаси тайёрланади. Сүнг 1 қисм ҳар бир антибиотик ара-лашмадан, 9 қисм эритилган ва 45°C га совитилган ГПА (1 мл антибиотик+9 мл ГПА) солиб яхшилаб аралаштирилади, Пет-ри косачасын қойылади.

Суюлтирилган күльтурани лойқалигини 10-лойқаланиш стан-дартига солиштирилади ва физиологик эритмада  $10^7$  даражагача суюлтириб чиқылади. Бактериологик қовузлоқ ёрдамида антибиотики озиқа мұхит юәсисига текширилаётган күльтура-дан томизилади. Битта косачага 20—25 штамм томизиши мум-кин. Петри косачасини термостатда 37°C да 18—20 соатга қол-дирилади. Антибиотик аралаштирилмаган ГПА солинган Петри косачасынга текширилаётган микроб күльтурасидан (контрол) экилади.

Назорат (контрол) косачаларидан микроб күльтураси үсган бўлса натижә үқилади. Бактериялар тўлиқ үсмаган энг охирги Петри косачасидаги антибиотик микробларни ўлдирувчи ми-нимал концентрация дейилади.

**Флеминг бўйинча йўлакча усули.** Бу усул антибиотикнинг таъсир қилиш спектрини аниқлаш учун құлланылади. Петри косачасидаги ГПАда стерил скальпел билан кенглиги 1 см ке-ладиган қилиб йўлакча очилади ва қирқимлган агар олиб таш-ланади. Сүнг пробиркадаги эриган ва 45°C га совитилган ГПА га маълум концентрациядаги антибиотик эритма солинади. Про-биркадагилар яхшилаб аралаштирилади ва тайёрланған йўлак-чага қойылади, суюқлик йўлакчадан тошиб кетмаслиги лозим,

Агар қотгандан кейин қовузлоқ ёрдамида йўлакчага перпендикуляр ҳолда бир қанча текшираётган микроб культуралари экилади. Экмани термостатда 37°C да 18—24 соатга қолдирилади.

**Натижани ўқини.** Препаратга сезир культуралар йўлакчадан узоқроқда ўсади, препаратга сезувчан бўлмаган культуралар эса йўлакча четигача ўсади.

## ОПТИК ЛОЙҚАЛАНИШ СТАНДАРТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ УСУЛИ

1 мл озиқа муҳитидаги микроб миқдорини аниқлаш учун оптик лойқаланиш стандарти қўлланилади. Улар давлат илмий текшириш институтларида тайёрланади. Қўйидаги лойқаланиш стандартлари мавжуд:

1 мл да 0,5 млрд микроб сақлайди —5 (5-loyқаланиш бирлиги), 1 мл да микроб таначаси сонини аниқлашдан олдин микроб аралашмаси олинади. Бунинг учун пробиркадаги қийшиқ агарда ўстирилган микроб культурасига 5—6 мл физиологик эритма солиниб, кафт орасида чайқалтирилиб муҳит юзасидаги микроб культураси ювилади. Ҳосил бўлган аралашмадан стерил пипетка ёрдамида қалинлиги ва диаметри стандарт стерил пробиркага солинади. Микроб ювиндиси оптик лойқаланиш стандартига солиширилади. Керак бўлган ҳолларда микроб аралашмасини физиологик эритма билан керакли лойқаланиш стандартига тенглаштирилади. Агар тайёрланган микроб ювиндиси оптик лойқаланиш стандартига тўғри келса, микроб танасининг миқдори стандарт пробиркадаги кўрсатилган сонга тўғри келади.

### Назорат учун саволлар:

?

1. Лаборатория текширишларида нима микроорганизмларнинг антибиотикка сезувчанлик критерияси бўлиб ҳисобланади?
2. Антибиотикка сезувчанликни аниқлаш учун бемор организмидан қачон микроб культурасини ажратиб олиш лозим?
3. Микроорганизмларни антибиотикка нисбатан сезувчанлигини аниқлашда қандай усуллар мавжуд?

## КИМЁПРОФИЛАКТИКА ВА КИМЕТЕРАПИЯ

Тибиёт амалиётида юқумли касалликларни даволаш ва олдини олишда кимёвий моддалардан фойдаланиб келинган. Индеецлар безгакка қарши курашишда хин дарахти илдизидан кенг фойдаланганлар. Европада эса XVI асрда захмни даволашда симобдан фойдаланганлар. Кимётерапия деб бу касалликларни даволашда кимёвий моддалардан фойдаланишга ай-

тилади. Бу кимёвий моддалар касаллик қўзғатувчига специфик таъсири кўрсатиш одам ҳужайра ва тўқимасига таъсири этмаслик хоссасига эга. Кимётерапиянинг илмий асослари П. Эрлих томонидан таърифланган. У биринчи бўлиб маргимуш (мишъяқ) сақловчи сальварсан ва неосальварсан препаратларини кашф қилади. Бир неча ўн йиллар давомида бу препаратлар билан захм касаллигини даволаб келади.

Кимёпрофилактика деб юқумли касалликларнинг олдини олишда кимёвий препаратлар қўлланилишига айтилади. Кимётерапевтик препаратларнинг касаллик қўзғатувчисига таъсири этишининг асоси уларнинг микроорганизм метаболизми учун керак бўлган қатор моддаларга: аминокислоталар, витаминалар, ферментлар ва бошқаларга, кимётерапевтик препаратларнинг молекула тузилишининг ўхшашлигидадир. Бунда бактерия ҳужайраси ўзига керакли компонентларни сўриш ўрнига препаратни сўради ва бу препарат ўз таъсирини кўрсатади. Ҳужайрадаги керакли системаларнинг бузилиши натижасида у нобуд бўлади (бактерицид таъсири), таъсири этиш кучи камроқ бўлса, бактериостатик таъсири кўрсатилади.

Сульфаниламид препаратларнинг (стрептоцид, норсульфа-зол, сульфадимезин ва б.) кашф қилиниши кимётерапия ривожланишининг асосий босқичларидан бирин бўлиб ҳисблана-ди. Улар ангина, йирингли яллиғланиш инфекцияларини, ичак касалликларини даволашда яхши натижа беради. Сил касаллигига қарши курашишда синтетик кимётерапевтик препаратлардан ПАСК (параминоасалицилат кислота), тибон, фтивазид ва бошқалар катта ёрдам берди. Ҳозирги вақтда вируслар ва ўсмаларга қарши кимёвий препаратлар ишлаб чиқилмоқда ва қўлланилмоқда. Биологик келиб чиқишига эга бўлган кимётерапевтик препаратлардан антибиотиклар катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, кимётерапевтик препаратлар салбий таъсири кўрсатиш хоссасига ҳам эга. Улар маълум моддалар алмашинуви занжирига таъсири кўрсатиб, микроб ҳужайраси қаторида одам ҳужайрасига ҳам таъсири кўрсатиши мумкин. Кимёпрепаратлар билан даволаниш натижасида одам организмида қўшимча таъсири кўрсатадиган оралиқ маҳсулотлар кўп миқдорда тўпланиб қолади. Кимётерапевтик препаратларни қўллаш натижасида одам организмида қон таркибининг ўзгариши, ҳужайраларнинг мутацияси ва бошқа функционал бузилиш ҳодисалари вужудга келганлиги кўрсатиб ўтилган.

## 9-боб. МИКРООРГАНИЗМЛАР ГЕНЕТИКАСИ

Тирик организмлар авлодларининг маълум белгиларини сақлаб қолиш хусусиятига ирсият дейилади.

Ирсиятни ўрганиш жараёнида аниқланишича, ҳар бир кенинги авлод турли хил омиллар таъсирида олдинги авлоддан

фарқловчи белгиларини қабул қилиши мумкин. Бу хусусиятга ўзгарувчанлик дейилади. Шундай қилиб, ирсият ва ўзгарувчанлик бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Тирик организмларнинг ирсият ва ўзгарувчанигини ўрганидиган фан генетика дейилади (грекча *genos* — туғилиш).

XIX асрда Ч. Дарвин мавжуд бўлган барча тирик организмлар баъзи шакллардан, ўзгариш йўли натижасида юзага келганигини исботлаб берган, наслдан-наслга узатиш натижасида ҳосил бўлган бу ўзгаришлар эволюцион жараённинг асоси бўлиб ҳисобланади. Ч. Дарвиннинг бу назарияси юқори баҳоланди. Бу назария XIX асрдаги энг катта ихтиrolардан бири ҳисобланади.

Мураккаб тузилишга эга бўлган организмдаги ирсиятни ўрганиш, уларнинг узоқ ҳаёт кечириши ва кўплаб насл қолдириши сабабли кўпгина қийинчиликларни юзага келтирди.

Буларни ўрганиш учун микроорганизмлар қулай объект бўлиб ҳисобланади, чунки улар кам яшайди ва тез бўлинib кўпаяди ҳамда кўплаб насл қолдириш хусусиятинга эга. Бундан ташқари, уларда намоён бўладиган морфологик ўзгаришларни микроскоп ёрдамида бемалол ўрганиш мумкин. Микроорганизмлар биокимёвий жиҳатдан фаол бўлиб, буни маҳсус озиқа муҳитларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш мумкин.

Микроорганизмлар турли хил омиллар (ҳарорат, ультрабинафша ва рентген нурлари ва б.) таъсирида ўз хоссасини ўзгартириш хусусияти, ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганишда улардан модель сифатида кенг фойдаланишга имкон яратди.

Генетик текширишларнинг биринчи объекти ичак таёқчаси бўлган, у лаборатория шароитида яхши ўсади. Шунингдек, бу бактерияларнинг морфологик, культурал, биокимёвий хусусиятлари яхши ўрганилганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик генетикани ўрганишда бошқа бактериялар ва вируслар объект вазифасини бажарди.

Микроорганизмлар генетикасини ўрганишда шу нарса аниқландики, уларда генетик маълумотни ташувчи ролини ДНК (айрим вирусларда РНК) ўйнайди.

Бактерияларда ДНК молекуласи иккита ипдан ташкил топган, уларнинг ҳар бири бир-бири билан буралиб кетган. Ҳужайралар бўлинаётганда бурамали ипчалар икки марта ортади — ҳар бир ип янги ипча қурилишида қолип ёки матрица сифатида хизмат қиласи. Бунда ҳужайралар бўлинниши жараёнида ҳосил бўлган ҳар бир ип, янги ҳосил бўлган ДНК молекулали иккита ипчани сақлайди.

ДНК таркибига тўртта азотли асослар — аденин, гуанин, цитозин ва тимин киради, уларнинг ДНК занжирларда жойланishi бслгилаб қўйилган, бу уларнинг насл маълумотларини аниқлаб беради.

Ген ирсиятнинг функционал бирлиги ҳисобланади. ДНК-ипи-

Нанг қисми бўлган генларнинг тўлиқ йиғиндисига эга бўлган ҳужайра генотип дейилади.

Генлар қўйидагиларга бўлинади: структура генлари—ҳужайра ишлаб чиқардиган аниқ оқсиллар ҳақидаги маълумотларни ташибди ва ген—регуляторлар структура генларининг ишини тартибга солиб туради. Масалан, ҳужайралар шу ондаги шаронтда керак бўлган оқсилларни ишлаб чиқаради, лекин шаронт ўзгариши билан генерегуляторлар ҳужайрани янги шаронтга мослаштириб хоссаларини ўзgartиради.

Микроорганизмларнинг морфологик, культурал, биокимёвий ва бошқа хоссаларининг ўзгариши, ташки муҳит омиллари таъсирида юзага келади, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Масалан, ҳужайранинг морфологик хоссалари ўзгариши одатда физиологиянинг ўзгариши оқибатида кузатилади.

Микроорганизмларнинг ўзгарувчанлигини ўрганиш жараёнида ўзгарувчанликнинг асосий шакли—диссоциация эканлиги аниқланди. Ўзгарувчанликнинг бу тури П. де Крюи ва Дж. Аркрайтон томонидан аниқланди ва қўйидагича намоён бўлди: айрим культураларни зич озиқа муҳитига экилганда колонияларнинг иккита турга бўлиниши содир бўлди, яъни: силлиқ, юмалоқ, ялтироқ, четлари текис S шаклли (инглизча Smooth—силлиқ) ва ясси, хира четлари ғадир-будур R шаклли (инглизча rough—бурушган) дир. Шунингдек, оралиқ шакл: меформалар (шиллик) ва g—шакли (пакана) учрайди.

Силлиқ S—шаклли колониялар маълум шаронтда R—шаклли колонияларга айланади, лекин R—шаклли колонияларнинг S—шаклга ўтиши жуда қийин кечади.

Диссоциация қатор бактерияларда — куйдирги, тоун ва бошқа қўзғатувчиларда кузатилади.

### S-VA R-ШАКЛЛИ КОЛОНИЯЛАР

#### S-шаклли

- колониялар силлиқ, ялтироқ, бўртиб чиққан тўғри шаклли, чети текис.
- шўрвада бир хилда лойқаланиб ўсади.
- ҳаракатчан бактерияларда хивчинлар бор.
- капсула ҳосил қиласидиган бактерияда капсуласи бор.
- биокимёвий жиҳатдан фаол.
- патоген хоссага эга.
- касалликнинг ўткир даврида ҳосил бўлади.

#### R-шаклли

- колониялар хира, бурушган, четлари ғадир-будур, но-тўғри шаклли.
- шўрвада чўкма ҳосил қилиб ўсади.
- ҳаракатчан бактерияларда хивчини бўлмаслиги мумкин.
- капсуласи йўқ.
- биокимёвий жиҳатдан кам фаол.
- қўргина бактериялар касаллик түгдирмайди.
- касалликнинг сурункали даврида ҳосил бўлади.

Касаллик түғдирувчи бактериялар күпинча S—шаклида бўлади. Сил, куйдирги, тоун қўзғатувчилари бундан ҳоли, уларнинг R—шакллари касаллик түғдиради.

Бактерия ҳужайрасида юзага келадиган ўзгаришлар модификацион ўзгарувчанликада наслдан-наслга ўтмай, мутацион ўзгарувчанликда наслдан-наслга ўтган бўлиши мумкин.

## МОДИФИКАЦИОН ЎЗГАРУВЧАНЛИК

Микроорганизмларда ўзгарувчанлик уларнинг яшаётган ноқулай шароитларига жавоб бериши натижасида ҳосил бўлади. (7-жадвал). Бу ташқи таъсир кучига мосланиш реакциясидир. Ҳужайрада ҳосил бўладиган ўзгаришлар наслдан-наслга ўтмагани сабабли мутацион ўзгарувчанлик кузатилмайди, кулай шароит тикланганда ҳосил бўлган ўзгаришлар йўқолади. Ўзгарувчанлик микроорганизмларнинг турли хил морфологик, культурал, биокимёвий ва бошқа хоссаларига таъсир этиши мумкин.

Морфологик ўзгарувчанлик бактериянинг катталиги ва шакли ўзгариши билан намоён бўлади. Масалан, озиқа муҳитга пенициллин қўшилганда айрим бактерияларнинг ҳужайралари узунлашади. Озиқа муҳитида кальций тузи концентрацияси етишмаслиги сабабли куйдирги таёқчасининг спора ҳосил қилиши тезлашади. Кальций тузи концентрациясининг кўпайлиши унинг спора ҳосил қилишини йўқотади. Бактерияларнинг бир озиқа муҳитида узоқ вақт ўстирилиши, улар ҳаёти давомида ишлаб чиқсан моддаларнинг тўпланиши ва таъсир этиши натижасида полиморфизмни юзага келтиради.

Культурал ўзгариш — озиқа муҳит таркиби ўзгарганда бактериянинг культуранал хоссалари ўзгарилиди. Масалан, стафилококк кислород етишмаслигидан пигмент ҳосил қилиш хоссасини йўқотади. Мўъжизакор таёқчалар хона ҳароратида равшан қизил пигмент ҳосил қиласади, лекин 37°C да пигмент ҳосил қилиш хоссаси йўқолади ва бошқалар.

Биокимёвий турланиш — ҳар бир бактерия маълум ферментлар йиғиндисига эга, бу ферментлар йиғиндиси тифайли озиқа моддаларни ҳазм қиласади. Улар маълум озиқ муҳитлардагина ишлаб чиқилади ва генотипларда аниқланган.

Бактерияларнинг ҳаёт фаолияти давомида барча генлар иштирок этмайди, асосан мос фермент синтезида иштирок этадиган генларгина иштирок этади.

Бактериялар генида ҳамма вақт адаптив ферментлар ишлаб чиқарилишини аниқловчи генлар мавжуд. Масалан, ичак таёқчаси лактоза углеводини сақламайдиган муҳитга экилганда лактоза ферментини ишлаб чиқармайди, агар уни лактоза углеводи сақлайдиган муҳитга экилса, бу ферментни ишлаб чиқаради. Адаптив ферментлар маълум яшаш шароитига мосла-нишга имкон беради.

Шундай қилиб, ўзгарувчанлик — бу микроорганизмларнинг

ташқи мұхит омиллари ўзгарған шароитда уларни ўсиб ва бүлиниб күпайишига имконият яратадиган хоссасидир. Ҳосил қилған хусусиятлари наслдан-наслға ўтмайды, шунинг учун улар әволюцияда роль ўйнамайды, аммо микробларнинг тирик қолишига имконият яратади.

## МУТАЦИОН ЎЗГАРУВЧАНЛИК

Мутацион ўзгарувчанлық мутация ва генотипик рекомбинация натижасыда ҳосил бўлиши мумкин.

Мутация (лотинча *mutatio* — ўзгариш) — бу генлар тузилиши ўзгаришининг наслдан-наслға узатилишидир.

Айрим мутациялар генларнинг йирик қисми чўкиши ва қисман ўзгариши билан кузатилади — бундай мутация тақорланмайди.

Майда мутация ДНК асосининг алоҳида қўшилиши ёки тушиб қолиши билан боғлиқ. Бунда бактерия хусусиятлари қисман ўзгаради. Бундай ўзгарған бактериялар ўз ҳолатига тўлиқ қайтиши мумкин.

Хусусияти ўзгарған бактериялар — мутантлар дейилади.

Мутантларни юзага келтирувчи омиллар мутагенлар дейилади. Бактерияларнинг мутациялари спонтан ва индуksияланган мутацияларга бўлинади.

Спонтан мутация назорат қилиб бўлмайдиган омиллар таъсирида ҳосил бўлади. Индуksияланган мутация микроорганизмларни маҳсус мутагенлар (кимёвий моддалар, нурлар, ҳарорат ва бошқалар) билан қайта ишлаши натижасыда ҳосил бўлади.

Бактерияларнинг мутацияси натижасыда қуйидагилар кузатилади а) морфологик хоссаларининг ўзгариши, б) культирал хоссасининг ўзгариши, в) микроорганизмларда доривор маҳсулотларга нисбатан чидамлилигини ҳосил бўлиши, г) Протейлар аминокислоталарни синтезлаши углевод ва бошқа озиқ молдалардан фойдаланиш, касаллик туғдириш хоссаси ва бошқаларни кучизлантиради.

**Генотипик рекомбинация. Трансформация.** Ҳужайраларнинг бошқа ҳужайралар ДНК сини трансформация жараёнда ўзига қабул қилиш хусусияти омилкорлик (компонентлар) дейилади.

Омилкорлик ҳолати кўпинча логарифмик кўпайиш фазасига тўғри келади.

**Трансдукция** — бу генетик маълумотниң (ДНК) донор бактериясидан реципиент бактерияга бактериофаг иштироқида қўчирилишидир. Бундай хоссага асосан мўътадил фаглар эга. Улар бактерия ҳужайрасида кўпайиб ўз ДНК таркибига, бактерия ДНК сини қисман киритади ва уни реципиентга беради. Трансдукциянинг учта типи фарқ қилинади — умумий, маҳсус ва abortiv (чала).

- Уумий трансдукцияда бактерия хромосомаларининг турли қисмларида жойлашган турли хил генларни ҳосил қилиш, доривор маҳсулотларга ва бошқаларга чидамлилигини ошириш хусусияти ўзгариши мумкин.
- Махсус трансдукция — бу бактерия хромосомаларининг маҳсус қисмларида жойлашган фақат айрим маҳсус генларни фаглар орқали узатилишидир. Бу ҳолларда фақат маълум белгилар ва хусусиятлар узатиллади.
- Абортив (чала) трансдукция — донор хромосомасининг қандайдир битта бўлагининг фаглар орқали узатилишидир. Бу бўлакча реципиент ҳужайранинг хромосомасига кирмайди, балки цитоплазмасида айланаб юради. Реципиент ҳужайра бўлганида бу бўлакча фақат битта қиз ҳужайрага ўтади, иккинчи ҳужайрага реципиентнинг ўзгармаган хромосомаси қолади.

Трансдукция фаглар ёрдамида ҳужайрадан бошқа ҳужайрага, токсин, спора, хивчинлар, қўшимча ферментлар ҳосил қилиши, доривор маҳсулотларга чидамлилигини ошириш ва бошқа хоссаларни ўтказиши мумкин.

Конъюгация — бу генетик материалларнинг бир ҳужайрадан бошқа ҳужайрага контактда бўлгандагина ўтишидир. Генетик материалларни узатувчи ҳужайраларни донор дейилади, генетик материалларни қабул қилувчиларни реципиентлар дейилади. Бу жараён бир томонлама характеристга эга — донор ҳужайрадан реципиент ҳужайрага ўтади.

Донор бактерия F+ (эркак), реципиент F— (аёл) деб белгиланади. F+ ва F— ҳужайралар бир-бирига яқинлашади, улар орасида цитоплазматик кўприкча ҳосил бўлади. Кўприкнинг ҳосил бўлиши F омил (анг fertility — серпуштлик) ёрдамида назорат қилинади. Бу омил жинсий тукиалар (sex—pili) ҳосил бўлишига жавоб берувчи генларни сақлайди. Донор ва зифасини фақат F омилини сақловчи ҳужайраларгина бажариши мумкин. Реципиент ҳужайралар бундай омилдан маҳрум. Ҳужайралар чатишганда F омил донор ҳужайрадан реципиентга ўтади. Реципиент F омилни қабул қилгач ўзи донор (F+) бўлиб келади.

## 7-жадвал

### Микроорганизмларнинг ўзгарувчанлиги

Модификацион ўзгарувчанлик наслдан-наслга ўтмайди (турланиш)	Мутацион ўзгарувчанлик наслдан-наслга ўтади.
Морфологик Культурал Биокимёвий	Мутация Генотипик рекомбинация Трансформация Трансдукция Конъюгация

Конъюгация жараёнини механик усулда — қайнатиш ёрдамыда узиш мумкин. Бундай ҳолларда реципиент ўзидаги ДНК маълумотларни тўлиқ ололмайди.

Генетик маълумотларнинг конъюгация усулида узатилиши энтеробактерияларда яхши ўрганилган.

Конъюгация жараёни бошқа рекомбинация турлари сингари бир турдаги бактериялар орасидагина эмас, балки турли хил бактериялар орасида ҳам бориши мумкин. Бундай ҳолларга рекомбинация турлари орасидаги рекомбинация дейилади.

## ПЛАЗМИДАЛАР

Плазмидалар — бу бактерия ҳужайрасининг унча катта бўлмаган хромосомадан ташқаридаги ДНК молекуласи. Улар цитоплазмада жойлашган ва доира тузилишига эга. Плазмидалар бир қанча генлар сақлади, улар ДНК ҳужайрасида учрайдиган генларга қарамасдан мустақил равишда учрайди.

Плазмидаларнинг асосий белгиларидан мустақил равишда генларнинг янгиланишига хизмат қилишидир. Улар бир ҳужайрадан бошқа ҳужайрага ўтиши ва ташки муҳитдан ўзларига янги генларни қабул қилиши мумкин.

Профаглар — лизоген ҳужайраларда наслдан-наслга узатилади ва қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради, масалан, — токсин ҳосил қилиш хоссасини.

F—омил алоҳида жойлашган ва конъюгация жараёнида иштирок этади.

R—омил—ҳужайрага доривор маҳсулотларга чидамлиликни оширишни узатади (R—омилни биринчи бўлиб ичак таёқчасида, сўнг шигеллаларда ажратиб олинган). Текширишлар шуни кўрсатдики, R—омиллар ҳужайрадан ажралиб чиқиши мумкин. бу плазмидаларга хосдир. R—омил туригина турлар орасидаги ва ҳатто авлодлар орасида трансмиссив хоссага эга бу атипик штаммларга ташхис қўйишда қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Бактериоциноген омиллар (*col*—омил), биринчи бўлиб ичак таёқчасида (*E. coli*) аниқланди, шунинг учун у колицин деб номланди. Қейинчалик бошқа бактерияларда — вабо вибриони—вибриоцинлар, стафилококкларда — стафилоцинлар ва бошқаларда аниқланди.

COI — омил — бу плазмиданинг кичик алоҳидалилигидир. У оқсил моддалар синтезини бузади. Қондош ёки шу турдаги бактериялар ўлимига сабаб бўлади. Бактериоцинлар ўзига мос ҳужайра юзасига ёпишади ва метаболизмни бузади, бу ҳужайрани нобуд қиласади.

## ЎЗГАРУВЧАНЛИКНИНГ АМАЛИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Пастер сунъий равишида қутуриш, күйдирги қўзғатувчила-рида қайтариб бўлмайдиган ўзгаришларнинг олдини оладиган ва бу касалликлардан ҳимоя қиласидиган вакциналарни яратди. Кейинчалик микроорганизмларнинг генетикаси ва ўзгарувчан-ликни ўрганиш натижасида вакцина тайёрлаш учун қўллани-ладиган кўп миқдорда бактерия ва вирус штаммларини олиш имкони яратилди.

Микроорганизмлар генетикасини ўрганиш натижалари, юқори организмларнинг ирсиятини аниқлашда муваффақиятли қўл-ланилади.

Генетиканинг янги бўлими — ген инженерлиги катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ген инженерлиги усули генларнинг тузилишини ўзгарти-риш ва бактерия хромосомасига муҳим ҳамда керакли модда-лар синтезига жавобгар бошқа организмлар генини киритишига имкон яратади. Ҳозирги вақтда бу усулда инсулин, интерферон ва бошқа тиббий препаратлар олинмоқда. Мутаген омиллар ва селекцияни қўллашда мутант продуктент 100—1000 марга фаол антибиотикдан олинмоқда.

### Назорат учун саволлар:

?

1. Ирсият нима?
2. Ген регуляторларининг роли қандай?
3. Диссоциация нима ва сиз қандай диссоциация шаклини биласиз?
4. Модификацион ўзгарувчанлик нима, уларнинг қандай хоссалари мавжуд?
5. Мутацион ўзгарувчанлик нима ва улар қандай шаклларда намоён бўлади?
6. Плазмидалар нима?
7. Ўзгарувчанликнинг тиббиёт амалиётида аҳамияти.

## 10-боб. ИНФЕКЦИЯ ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ

Инфекция ёки инфекцион жараён (лотинча *infectio*—юқтираман, ифлослантираман) касаллик туғдирувчи микроорганизмларнинг кириши ва бўлинниб кўпайишидан ҳосил бўладиган ва ривожланадиган белгилар йигиндисидир.

Инфекциянинг намоён бўлиши турлича, бу микроорганизмлар хосасига, макроорганизмлар ҳолатига ва ўраб турган шаройтига боғлиқ. Инфекцион жараённинг охирни яъни намоён бўладиган даражаси инфекцион касаллик ҳисобланади.

Инфекцион касалликлар аввалдан маълум. Жуда қадим ўтмишлардан бу касалликларнинг келиб чиқиш сабабларин тўғ-

рисида тұлық тасаввурға эга бўлмаганлар ва буни Аллоҳ томонидан берилган жазо деб ҳисоблаганлар.

Лекин Гиппократ, XVI асрда Д. Фракасторо ва бошқалар юқумли касалликлар бемордан соғ одамга ўтадиган махлуққа боғлиқдир дейилар.

XIX аср ўрталарида Л. Пастер, Р. Кох, И. И. Мечников, Д. И. Ивановский ва бошқа олимлар инфекцион касалликнинг қўзғатувчиси бўлиб микроорганизмлар ҳисобланишини исботлаб бердилар.

Одамнинг ҳар қандай инфекцион касаллигига муайян турдаги микроорганизмлар сабаб бўлиши ҳақидаги масала мана шу ишлар туфайли узил-кесил ҳал этилди.

Инфекцион касалликлар қўйидаги хоссалари билан тавсифланади:

1. Инфекцион касалликлар микроорганизмлар таъсирида юзага келади.
2. Бемордан соғ одамга юқади.
3. Аҳоли орасида кенг тарқалиб спорадик, эпидемия, эндемия ва пандемияларни келтириб чиқаради.
4. Инфекцион касалликлар маълум даврларда, яширин (инкубацион), дарак берувчи симптомлар (продромал), касалликнинг асосий клиник белгилари намоён бўладиган даври.
5. Касалликдан сўнг иммунитет юзага келади (бутун умрга мустаҳкам, кучсиз).

Касаллик келтириб чиқарувчи патоген микроорганизмлар қўйидаги хоссалари билан тавсифланади:

1. Патогенлик хоссаси.
2. Вирулентлик хоссаси.
3. Спецификация хоссаси.
4. Токсигенлик хоссалари.

## ПАТОГЕН МИКРООРГАНИЗМЛАР ТАЪРИФИ

Микроорганизмларнинг макроорганизмларда патологик жарёни яъни касалликни келтириб чиқариш хусусиятига патогенлик дейилади (лотинча *pathos* — уқубат, *depos* — туғилиш). Бу хусусияти бўлган микроорганизмларни патоген микроорганизмлар дейилади. Патогенлик бу генга шартлаб қўйилган турхусусиятдир.

Кўпгина патоген микроорганизмлар спецификация хоссасига эга, яъни шу турдаги микроорганизмлар ўзига хос касалликларни келтириб чиқаради, масалан, вабони — вабо виброни, сўзакни — гонококк ва б.

Битта турга кирувчи у ёки бу штаммлар турли хил патологик таъсир этиши мумкин. Патогенлик таъсирининг ўлчов бирлиги вирулентлик дейилади.

Вирулентлик микроорганизмларнинг барча хоссалари каби

ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар фенотипик характерга эга бўлиб, ҳужайра генининг бузилиши патижаси ҳисобланади, бунда улар наслдан-наслга ўтади. Вирулентликнинг сусайишини юзага келтирувчи фенотипик ўзгаришлар, микроорганизмлар ноқулай шаронитга тушганида масалан, уларга турли хил физикавий ва кимёвий омиллар таъсир этганда ҳосил бўлади. Бу ўзгаришлар микроорганизмлар қулаӣ шаронитга тушганда қайта тикланади, вирулентлик яна ортади. Вирулентликнинг барқарор пасайиши узоқ вақт турли хил моддалар таъсир этганда юзага келиши мумкин. Кальмет ва Герен сиъл бактерияларидан тирик вакцина БЦЖ ни олди. Олимлар 13 йил культурани буқа ўт суюқлиги қўшилган озиқа муҳитга экдилар. Бунда сафрога юқори чидамли авирулент бактерия ҳужайраси селекцияда (танлаш) катта ўрин эгаллади. Бошланғич культураларда улар миқдори кўп эмасди (уларнинг популяциядаги хоссалари кўринмади). Микроорганизмларга сезгир ҳайвонларда пассажлаш орқали вирулентликни ошириш мумкин бўлди. Бунда селекцияда вирулентликнинг асосий популяцияси алоҳида ўрин тулади.

Микроорганизмларнинг вирулентлиги уларнинг адгезияга (ёпишиш), колонизация (кўпайишга), инвазия (тўқималарга микроорганизм кириши) ва фагоцитозни тўхтатиш қобилиятига боғлиқ.

**Адгезия** — микроорганизм ҳужайрасини ўзига сезгир маълум ҳўжайин организмига шимилиш хусусиятидир.

**Колонизация** — ҳужайра деворига микроблар ёпишиши (масалан, вабо виброни энтероцидларда бўлинниб кўпаяди) ёки ёпишган микроблар ҳужайра ичига кириши (масалан, дизентерия қўзғатувчилари йўғон ичакнинг тўқимасида бўлинниб кўпайди) мумкин.

**Инвазиялик** — бириктирувчи ва бошқа тўқималар ўтказувчанлигининг бузилиши (oshiрилиши) микроб ферментларининг хусусиятига боғлиқдир. Бундай ферментларга а) гиалуронидаза (тарқалиш омили) — бириктирувчи тўқиманинг гиалурон кислогасини парчалайди ва шунингдек микробларнинг тўқимага киришига имконият яратиб беради.

б) нейраминидаза — турли хил тўқималар таркибига кирувчи гликопротеидлар, гликоцидлар, полисахаридлардан нейрамин кислотасини ажратиб олади.

**Фагоцитозни тўхтатиш** — бу функцияни бактериянинг капсуласи бажаради. Турли хил микроорганизмлар капсуласи таркибига кирувчи моддалар ҳар хил бўлиб уларнинг функциялари ҳам турлича, куйдирги қўзғатувчининг капсуласидаги полипептид уни фагоцитлар ушлаб олишидан сақлади. Кўк йининг таёқча полисахаридлари бактерияни ушлаб олади ва ҳужайра ичидаги ҳазмни кечикитиради.

Юқорида айтиб ўтилган омиллардан ташқари, микроблар айрим ферментлар фагоцитозидан ҳимояланади. Масалан, ста-

филококк коагулаза плазманинг ивишига ёрдам берати, бу микроб ҳужайраси атрофида ҳимоя «Филоф»ни ҳосил қиласди, фибринолизин фибринни эритади, шу билан микроблар тарқалишига имкон яратади.

Микробларнинг токсинларни синтезлаш хосаси вирулентликда муҳим аҳамиятга эга. Микроорганизмлар ҳосил қиласди ган заҳарли моддалар икки гурухга бўлинади — экзотоксинлар ва эндотоксинлар (8-жадвал).

**Экзотоксинлар** — ташқи муҳитга енгил диффузияланадиган микроорганизмлар метаболизмининг маҳсулоти ҳисобланади. Улар оқсили табиатли бўлиб, бу уларни ташқи муҳитга чидамли қиласди, лекин ботулизм нейротоксини, стафилококк ва вабо энтеротоксинлари бундан ҳоли, улар қайнатилганда тез парчаланади.

Экзотоксин ҳосил қиласдиган микроорганизмлар кирган ерга жойлашади (кириш дарвозасида) ва улар ҳосил қиласдиган токсинлар макроорганизмларда айланиб юради, масалан, қоқшол, бўғма ва бошқалар.

Экзотоксинлар жуда заҳарлилиги ва спецификалиги — органотроплиги билан характерланади. Токсиннинг ҳар бир тури маълум бир тўқимани шикастлайди. Масалан, қоқшол экзотоксии перв системасига зарар етказади, натижада беморнинг мускуллари тортишади (спазм), бўғма экзотоксини юрак-томир системасига, буйрак усти безларига зарар етказади ва ҳоказо.

Биологик фаоллигига кўра токсинлар бир хил эмас: уларнинг айримлари касаллик белгиларини тўлиқ келтириб чиқарди, масалан, қоқшол, бўғма, ботулизм токсинлари. Қолганлари инфекцион жараённинг келиб чиқишида қисман иштирок этади, масалан, стафилококк, ичак таёқчаси ва бошқаларнинг гемолитик токсини.

Экзотоксинлар ташқи муҳитга сингиб кетади. Уларни олиш учун микроблар суюқ озиқа муҳитларида  $37^{\circ}\text{C}$ да 5—12 кун ундирилди: Бундай шўрвада етарли миқдорда экзотоксин тўпланади. Шундай шўрва фильтрланса олинган суюқликда токсин бўлади.

Ҳозирги вақтда қатор экзотоксинлар соғ ҳолда ажратиб олинган ва тўлиқ ўрганилган. Тозаланган токсинлар юқори токсигенлик хосасига эга.

Токсинларнинг фаол марказига кимёвий ва физикавий омиллар таъсир эттирилиб токсиннинг заҳарли таъсирини бартараф қилиш мумкин. Экзотоксинларни 0,4 % формалин таъсирида, 39—40 $^{\circ}\text{C}$  да 3—4 ҳафта сақлаганимизда улар заҳарли хосасини иуқотади, лекин антигенлик хосасини сақлаб қолади. Бундай препаратлар вакцинага ўхшаб тайёрланади ва анатоксинлар деб аталади.

Эндотоксинлар — липополисахаридпротеин комплексидан иборат, микроорганизм ҳужайрасига мустаҳкам боғланган. Улар специфик эмас. Организмга киритилганда бош оғриғи, дармон-

Монсизлік, ҳаллослаш ва шу каби умумий зақарланиш белгиларнин юзага чиқаради.

Эндотоксинларнинг микроб ҳужайраси билан боғлиқлиги уни ҳарорат ва ташқи муҳит омилларига чидамли қилади. Эндотоксин олиш учун микроб ҳужайрасини парчалаш лозим.

Токсин таъсирини уларга сезгир ҳайвонларда аниқланади. Масалан, бўғма токсинини денгиз чўчқачасида, ботулизм, токсинини фқ сичқонларда ва бошқаларда ўрганилади.

## 8-жадвал

### Эндо- ва экзотоксинларнинг хоссалари

Экзотоксинлар	Эндотоксинлар
Оқсил табиятли.	Липополисахаридпротеин комплекси.
Ҳужайрадан ташқи муҳитга осонгина диффузияланади.	Микроб ҳужайра танаси билан боғлиқ.
Кучли зақарли.	Кам зақарли.
Аъзо ва тўқимага танлаб таъсир кўрсатади.	Умумий интоксикация ҳолатини келтириб чиқаради.
Термолабил.	Термостабил
Формалин таъсирида анатоксинга айланади.	Формалин таъсирида қисман зарарсизланади.
Грам мусбат бактериялар ишлаб чиқаради.	Грам манғий бактериялар ишлаб чиқаради.

Вирулентлик ва микроб токсинларининг кучини ифодаловчи маълум бирлик бор: DIM, DCJ, D—50, DIM—(Dosis letalis түсініма) Микроб ёки Токсиннинг энг кам дозаси лаборатория ҳайвонларининг кўп қисмини ўлимiga сабаб бўлади. DCI (Dosis certe letalis) — лаборатория ҳайвонларини 100% ўлимга олиб келувчи микроблар ёки токсинлар дозасидир. DL—50 (Dosis letalis) — лаборатория ҳайвонларининг 50%ини ўлимга олиб келувчи микроб ёки токсин дозасидир.

Вирулентлик ва токсин кучининг миқдори микроб тури штаммига, токсин турига, шунингдек юбориш усулига боғлиқ. Токсин кучини аниқлаш учун текшириш материалдан қатор суюлтириш даражаларини тайёрлаб олинади, ҳар бир суюлтириш даражасидан шу токсинга сезгир бўлган қатор ҳайвонларга юборилади.

## ИНФЕКЦИОН ЖАРАЁННИНГ ПАЙДО БЎЛИШИДА МИКРООРГАНИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ

Инфекцион жараённинг юзага чиқиши маълум даражада макроорганизмлар реактивлигига, касаллик тудириувчи микроблар ва зақарларнинг организмга тушишига боғлиқ. Бунда қўйидағи омиллар катта аҳамиятга эга:

**Одамнинг ёши.** Ёшнинг аҳамияти организмнинг физиологик хусусияти, жумладан моддалар алмашинуви табиати билан белгиланади. Маълумки, б ойликкача бўлган болаларда қизамиқ, скарлатина (қизилча), бўғма жуда камдан-кам кузатида, лекин шу касалликлар 1 ёшдан 8 ёшгacha бўлган болаларда кўпроқ учрайди. Катта ёшдаги кишилар зотилжамни оғир ўтказадилар. Бундан ташқари, шундай инфекцион агентлар мавжудки, улар турли ёшдаги организмларни бир хилда жароҳатлайди, масалан, грипп.

**Нерв системасининг ҳолати.** Нерв системасининг руҳий сиқилиши инфекцион касалликларнинг келиб чиқишга ва оғир ўтишига сабаб бўлади, чунки бунда макроорганизм ҳимоя механизмининг фаоллиги пасаяди.

**Эндокрин системасининг ҳолати.** Эндокринология касалликлари билан касалланган организмда (диабет, қалқонсимон без функциясининг бузилиши ва ҳоказо) кўпинча йирингли яллиғланиш жараёнлари юзага келади, бунга организмнинг ҳимоя кучи камайиши сабаб бўлади.

**Овқатланиш.** Оч қолиш ёки узоқ вақт тўйиб овқат емаслик кўпгина инфекцион касалликларни келтириб чиқаради. Сил, вабо, дизентерия ва бошқа инфекциялар тўйиб овқат емаслик, оч қолиш натижасида келиб чиқади. Овқатда оқсил миқдорининг етишмаслиги оқсил алмашиниш жараёни бузилишига олиб келади ва натижада оч қолиш юзага келади. Бу эса иммуноглобулин синтезини, фагоцитоз фаоллиги пасайишини келтириб чиқаради. Ҳужайраларнинг фагоцитоз фаолигининг сусайиши витамин А етишмаслиги натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Бу тери ва шиллиқ қаватларда яллиғланиш юзага келишига сабабчи бўлади. Витамин В ва С нинг етишмаслиги организмни сил, бўғма, стафилококк, стрептококк ва бошқа касалликларга мойил қиласади.

Нормал микрофлора организмнинг ҳимоя функциясида катта аҳамиятга эга. Масалан, ичак таёқчаси йўғон ичакда доимо юшайди, у қорин тифи ва бошқа ичак патоген микроорганизмларига ўлдирувчан таъсири кўрсатади.

## ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИНИНГ ИНФЕКЦИОН ЖАРАЁННИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Организмнинг совуқ қотиши унинг кўпгина патоген ва шартли патоген микроорганизмларга нисбатан чидамлилигини сусайтиради.

Масалан, совуқ ҳаво ва намликтининг биргаликдаги таъсири нафас йўли шиллиқ қаватининг чидамлилигини сусайтиради, бу эса касалликни келтириб чиқаради.

Ортиқча иссиқлаш — узоқ вақт ва кучли қуёш нури таъсири, ионловчи радиациянинг юқори миқдори, касб заарликлари (иссиқ цёхлардаги юқори ҳароратдан нурланиш, кимёвий мод-

далардан заҳарланиш, кислород етишмаслиги, жисмоний ва ақлий толиқишиш ва б.) инфекцион касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу билан бирга ёмон санитария-гигиеник шароит, тиқилинч яшаш, санитарияга хилоф шароит, маданий савиянинг пастлиги қўзғатувчини доимо айланиб юришига қулай шароит туғдиради, бундай вазиятда осонгина янги касалликлар келиб чиқади.

Шундай қилиб, микроорганизмлар вирулентлиги, макроорганизм ҳолати ва ташқи муҳит омилларининг муносабати инфекцион жараённинг келиб чиқиши ва кечиш характеристикини аниқлайди.

### ИНФЕКЦИЯНИНГ ТАРҚАЛИШ МЕХАНИЗМИ

Инфекция қўзғатувчи тарқатувчи манба одам ёки ҳайвон ҳисобланади. Касал одам ёки ҳайвон инфекция тарқалишида асосий роли ўйнайди, бемор чиқиндилири (нажас, сийдик, балғам ва ҳоказо) да микроблар жуда кўп бўлади. Тузалаётган даврдаги bemor (реконвалесцент), соғлом бактерия ташувчилар ҳам инфекция манбай ҳисобланади.

Инфекция манбанинг характеристига кўра барча инфекцион касалликлар икки гурӯҳга бўлинади: инфекция манбай ҳисобланса, антропоноз инфекция инфекция манбай ҳайвон ҳисобланса, зооноз инфекция дейилади.

Инфекциянинг тарқалиш механизми турличадир. Ҳар бир турдаги микроорганизм учун bemor организмидаги (ёки бактерия ташувчи организмидаги) маълум жойда жойлашиши аниқланган. Одамдан инфекция ўтиш йўллари жуда хилма-хил бўлиши мумкин.

1. Алиментар йўл орқали — қўзғатувчилар ичак ажратмаси билан ташқи муҳитга тушади ва озиқ-овқатлар мана шундай қўзғатувчилар билан ифлосланади, бу озиқ-овқатларни одам истеъмол қилиши натижасида унга касаллик юқади. Масалан, ич терлама, дизентерия ва ҳоказо.

2. Ҳаво орқали, яъни ҳаво-томчи йўли орқали — bemor организмидаги қўзғатувчи нафас йўлида жойлашади ва у аксирганда, йўталганда ва гаплашганда ташқи муҳитга чиқаради. Масалан, бўғма, кўкйутал, грипп ва бошқалар. Бундан ташқари, ҳаво чанг орқали ҳам юқади, яъни чанг билан ҳавога кўтирилиши, ҳайвон жуни қайта ишланадиган вақтларда ҳавога ўтади. Масалан, сил, куйдирги, туляремия ва ҳоказо.

3. Сув орқали — организмдан ажратган нажас, сийдик таркибидаги қўзғатувчилар сувга тушади. Масалан, вабо, дизентерия, ич терлама.

4. Контакт йўл орқали — яъни тўғридан-тўғри bemor билан алоқага ўтганда, масалан, захм, сўзак, СПИД ва бошқалар. Бундан ташқари, bemorning теварак-атрофидаги нарсалар (мебел, идиш-товоқ, кийим-кечак, ўйинчоқ ва ҳоказо) орқали юқади. Масалан, гепатит, бўғма, грипп.

5. Трансмиссив йўл билан — қон сўрувчи ҳашаротлар орқали (бит, кане, бурга, чивин ва б), инфекция микроби қонда бўлганда шу усулда юқади. Бунга безгакнинг Анофелес чивинлари орқали юқиши, тошмали ва қайталама тифларнинг бит орқали юқиши мисол бўла олади.

6. Механик йўл — пашша, сувараклар орқали юқиши. Улар ўз оёқларидан қўзғатувчиларни ташайди. Масалан, гепатит, дизентерия ва б.

7. Инфекция тупроқ орқали ўтиши мумкин, масалан, қоқшол, газли гангrena шу йўл орқали тарқалади.

8. Вертикал йўл орқали — она ҳомиладорлик вақтида юқумли касаллик билан касалланса, ҳомила ҳам шу касаллик билан касалланиши мумкин, масалан, гепатит, сил, захм ва бошқалар.

Кириш дарвозалари — бу патоген микроорганизмларни хўжайнинг организмига кирадиган аъзо ва тўқималариdir. Масалан, ич терлами қўзғатувчиси фақат оғиз орқали тушгандагина, гонококк қўзғатувчиси фақат кўз ва жинсий йўл шиллиқ қаватига тушгандагина касалликни келтириб чиқаради. Агар бошқа йўл орқали организмга кирса касаллик келтириб чиқармайди ва микроорганизмлар нобуд бўлади.

Айрим микроорганизмлар (масалан, тоун (чума), туляремия, куйдирги хўжайнинг организмининг турли қисмларидан кириб касаллик келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда кириш дарвозалари бу касалликни шаклларини белгилаб беради (тери, ўпка, ичак шакллари ва б).

Организмнинг кириш дарвозалари иккига бўлинади: тери ва шиллиқ қаватлар. Жароҳатланган тери орқали организмга қўзғатувчи кириб касалликни келтириб чиқаради, масалан, қоқшол, газли гангrena ва б. Жароҳатланмаган тери (тери тешикчалари) орқали организмга микроорганизм кириб касаллик келтириб чиқаради. Масалан, фурункул, карбункул, милкак ва б.

Шиллиқ қаватлар — кўз шиллиқ қавати орқали (масалан, конъюнктивит), қулоқ шиллиқ қавати (отит), бурун шиллиқ қавати (грипп), оғиз шиллиқ қавати (ич терлама), жинсий аъзомлар шиллиқ қавати (захм) орқали организмга микроблар кириб касаллик келтириб чиқаради.

Организмга кирган қўзғатувчилар лимфоген, гематоген, нерв толалари ва тўқималар орқали тарқалади.

## ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИҚЛАРНИНГ ҚЕЧИШ ДИНАМИКАСИ

Инфекцион касалликлар динамикаси бир нечта даврлар йиғиндинин ташкил этади. Инфекцион касалликлар бошқа «юқумсиз» касалликлардан ўзининг пайдо бўлиш сабаби — «этиологияси» билангина эмас, балки қандай ўтиши ва клиник белгилари билан ҳам фарқ қиласди. Инфекцион касалликлар ин-

фекция юққандан кейин дарров юзага чиқмайды, бу яширин давр деб аталади. Бу давр құзғатувчи организмга киргандан токи бирор бир касаллук белгилари пайдо бўлгунча бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда қўзғатувчилар организмда бўлинниб кўпаяди, токсингарни тўпланади. Бу давр турли касаллукларда турлича муддатда ўтади. Масалан, қорин тифи — 14 кун, скарлатина (қизилча) ва бўғмада 5—7 кун, кўйкўтада — 8 кун, қизамиқда 10—11 кун, гриппда 2—3 кун, қутуришда ойлаб ва мохов касаллигида 30 йиллаб чўзилади.

Инкубацион (яширин) даврдан кейин дарак берувчи симптомлар (продромал) даври бошланади. Бу даврда барча касалликка хос клиник белгилар намоён бўлади (бош оғриши, ҳарорат кўтарилиши, ҳолсизланиш, толиқиши, иштаҳа йўқолиши ва бошқалар). Бу давр бир неча соатдан 3 кунгача давом этади. Бу даврда тахминий ташҳис (диагноз) қўйилади. Асосий клиник белгиларнинг ривожланиш даври ҳар бир микроорганизм турига қараб, ҳар қандай касалникнинг ўзига хос клиник белгилари юзага келади. Бу даврда кўпинча ҳарорат кўтарилиши, нафас аъзолари, ҳазм қилиш аъзолари, юрак-темир системаси функциясининг бузилиши, тошма тошиши, қон таркибининг ўзгариши ва бошқалар юзага келади. Инфекция турига қараб бу давр турлича муддат давом этади.

Инфекцион касаллуклар клиник текширишлар йўли билан-гина эмас, лабораторияда (микробиологик) текшириш усуулларини татбиқ этиш йўли билан ҳам аниқланади. Бундан ташқари, лабораторияда текшириш усууллари инфекцион касалликни барвақт аниқлашга имкон беради, бу эса беморни соғлом кишилардан ўз вақтида ажратиш учун зарур шартdir.

Софайиш даври — касаллик белгиларининг йўқолиши, организм физиологик функциясини тикланиши билан характерланади. Касаллик тўла тузалиши, вақтида даволанмаган ва ўзбошимчалиқ билан даволанган ҳолларда сурункали шаклга ўтиши, ўлим ёки ногиронлик билан тугаши мумкин.

## ИНФЕКЦИОН ЖАРАЕННИНГ ШАКЛЛАРИ

Қўзғатувчининг организмга кириш йўлига қараб экзоген ва эндоген инфекциялар тафовут этилади.

Экзоген инфекция — организмга ташқи муҳитдан қўзғатувчи тушиши натижасида юзага келадиган инфекциядир.

Эндоген инфекция (автоинфекция) организмнинг ўзидаги микроорганизмлар таъсирида юзага келадиган инфекциядир.

Бундай қўзғатувчи организмга керакли флора таркибida учрайди. Улар организмнинг ҳимоя хоссаси сусайганда касаллик келиб чиқиши сабабчиси бўлиб ҳисобланадилар.

Касалликнинг кечиши муддатига кўра ўткир ва сурункали инфекцияларга бўлинади. Ўткир инфекция қисқа вақт (бир

ҳафтадан бир ойгача) давом этиши билан характерланади: Масалан, грипп, қизамиқ, вабо, ич терлама ва б.

Сурункали инфекция узоқ вақт (ойлаб, йиллаб) давом этади. Масалан, безгак, зәхм, сил, бруцелләз, лепра ва б.

Агар инфекция бир турдаги микроорганизм таъсирида келиб чиқса, мононинфекция дейилади. Организмга бир вақтнинг ўзида 2—3 хил микроб юқиши натижасида келиб чиқадиган инфекцияяга аралаш инфекция дейилади.

Асосий касалликка (масалан, гриппга) қўшимча бошқа инфекция қўзғатувчиси юқиши (масалан, стафилококк ёки стрептококк) натижасида юзага келадиган инфекцияяга иккиласми инфекция дейилади.

Бирор инфекцияни бошдан кечирган киши шу касалликнинг тақрор юқиши натижасида яна ўша инфекция билан касалланса, реинфекция дейилади, масалан, сарамас, сўзак ва б.

Рецидив — организмда қолган қўзғатувчилар ҳисобидан касаллик белгиларининг қайтарнилишиди (масалан, қайтала-ма тиф, безгак ва б), бунда организмга қайтадан қўзғатувчи тушмайди.

Бирламчи инфекция тугагунча шу инфекцияни қўзғатган микроб тури тақрор юқса суперинфекция дейилади, масалан, безгак.

Айрим инфекцион касалликлар яширин, касаллик белгиларисиз ўтиши мумкин. Инфекциянинг бундай тури латент инфекция дейилади, масалан, сил касаллиги белгисиз ўтади.

Касалликнинг яна бир белгисиз ўтадиган тури микроб ташувчилик ҳисобланади. Бу касалликдан сўнг клиник тузалиш даври бошланади, касалланиб ўтгач организмда қўзғатувчилар қолади ва ташқи муҳитга чиқарилади. Масалан, ич терлама, дизентерия таёқчаларини ташувчилар. Айрим ҳолларда микроб ташувчи бемор ёки патоген микроблар касаллик ташувчилар билан контактда бўлганда соғлом одамларда ҳам юзага келиши мумкин.

Организмда қўзғатувчининг жойлашишига кўра қўйидагиларга бўлинади: Инфекция ўчоғи — микроблар маҳаллий жойлашади, бу жойдан ташқарига тарқалмайди. Масалан, ангина, фурункулөз ва б.

Ўмумлашган (тарқалган) — микробнинг агрессив қучи организмининг ҳимоя механизмини енгиб, қўзғатувчи маҳаллий ўчоқдан чиқиб бутун организмга тарқалади.

Инфекция қўзғатувчисининг маълум вақтда қонга ўтиб тарқалиши, лекин бўлиниб кўпаймаслик ҳолатига бактериемия дейилади.

Инфекция қўзғатувчисининг қонда узоқ вақт сақланиб, бўлиниб кўпайнишига сепсис ёки септициемия (лотинча sepsis — йирингли қон) дейилади. Масалан, тоун, куйдирги, йиринг чақи-рувчи кокклар ва б. Сепсисда касаллик белгилари бир хил бўлади, қўзғатувчининг турига бўглиқ бўлмайди.

Сепсис натижасида турли хил аъзоларда йирингли ўчоқлар ҳосил бўлади, бу септикопиемия дейилади. Қонда токсинларнинг айланиб юриши токсинемия, вирусларнинг айланиб юриши вирусемия дейилади.

## **ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ТАРҶАЛИШ ИУЛЛАРИ**

Инфекцион касалликлар юқумлилиги билан тавсифланади ва аҳоли орасида кенг тарқалиши мумкин. Юқумли касалликлар аҳоли орасида тўрт хил шаклда тарқалади:

**Эпидемия** — инфекциянинг маълум территорияда (туман, қишлоқ, жамоа хўжалиги, шаҳар) тарқалиш шаклига айтилади.

Эпидемия ҳаддан ташқари кенг тарқалиб, бутун мамлакатларни ва ҳатто қитъаларни ўз гирдобига олса, **пандемия** дейилади. Масалан, V ва XIV асрда тоун пандемиялари, XIX асрда Осиё вабосининг бир неча пандемиялари бўлган. 1918—1919 йилларда грипп пандемияси (испанка) рўй бериб, бутун дунё бўйича 20 млн дан ортиқ киши ўлган, 1957 йилда эса ер юзи аҳолисининг қарийб  $\frac{1}{3}$  қисми грипп билан оғриган. XX аср вабоси бўлмиш СПИД ҳам, 2000 йилдаги гриппнинг тарқалиши ҳам бунга мисол бўла олади.

Инфекцион касалликларнинг якка-якка учрайдиган турига спорадик тур дейилади, масалан, қоқшол, газли гангрена ва б.

Ниҳоят, инфекцион касалликларнинг яна бир тарқалиш шакли — **эндемия** ҳам бор. Муайян жойда инфекция манбаи борлигига кўра ёки инфекцияни ташувчи ҳашарот ўша жойда ўзи учун қулай шароит топганлигига кўра ана шу жойда инфекциянинг узоқ давом этиши эндемия дейилади. Баъзи жойларда безгак (Анафелес чивинларининг болалаши учун қулай ботқоқликлар борлиги, ёмөн жароҳат, паппатачи иситмаси (искабтопар чивинлар, флеботомуслар борлиги) ва бошқа касалликларнинг эндемия шаклида тарқалганлиги мисол бўла олади.

Инфекцион касалликларнинг пайдо бўлиш ва тарқалиш сабабларини ўрганиш бошқа инфекцияларни йўқ қилиш имконини беради. Аҳолини соғломлаштиришга қаратилган профилактика тадбирлар, инфекциянинг тарқалишига йўл қўймайдиган шароит туғдириш — энг асосий вазифадир.

Аҳоли яшайдиган жойларни санитария жиҳатидан обод қилиш, сув манбаларини қўриқлаш, озиқ-овқатларни санитария назоратидан ўтказиш, инфекцион касалликларни барваҳт аниқлаш, беморларни тез ажратиб қўйиш ва касалхонага ётқизиш, теварак-атрофдаги кишиларни тёқшириб, бацилла ташувчиларни аниқлаш каби умумий тадбирлар инфекцион касалликларга қарши курашда биринчи даражали аҳамиятга эга.

Беморнинг чиқиндилигини, буюмларини, бинони дезинфекция қилиш, дезинфекция (инфекция ташувчи ҳашаротларни

йўқ қилиш) ва дератизация (кемирувчиларни йўқ қилиш) катта аҳамиятга эга.

Аҳоли ўртасида санитария маорифи ишини кенг йўлга қўйиш фоят муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Санитария маорифининг вазифаси инфекцион касалликларнинг моҳиятини, сабабларини, тарқалиш йўлларини ва олдини олиш усулларини, хусусан шахсий гигиена, айниқса қўлни тоза тутиш, турар жой, ҳовли ва теварак-атрофдаги ҳудудни санитария жиҳатидан обод қилишнинг аҳамиятини, санитария постларининг ролини ва шунга ўхшашларни тушунтириб беришдан иборат.

### Назорат учун саволлар

?

1. Инфекцион жараён нима?
2. Патогенлик ва вирулентлик нима?
3. Экзо- ва эндотоксинлар қандай фарқланади?
4. Инфекция қўзғатувчисининг тарқалиш механизми қандай?
5. Инфекцион жараённинг келиб чиқиши ва кечишида микроорганизмлар, ташқи муҳит омиллари қандай роль ўйнайди?
6. Инфекцион касалликларнинг ривожланиш динамикаси қандай?

### БИОЛОГИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Лаборатория ҳайвонлари устида олиб бориладиган текшириш усулига биологик текшириш усули дейилади. Бу текширишларнинг мақсади: текшириш материалларидан микроорганизмларни ажратиб олиш, айниқса озиқа муҳитга экиб ажратиб олишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, масалан, вирусли касалликлар, риккетсия ва микроблар билан ифлосланган текшириш материали, соф культурани ажратиб олишнинг иложи бўлмаганда, сунъий озиқа муҳитида микробларнинг бўлинниб кўпайишининг иложи бўлмаганда, ажратиб олинган микроорганизмларнинг хоссалари (вирулентлик ва б.) ни аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳолларда бу усул қўлланилади.

Экспериментал юқтириш айrim инфекцион касалликларни тиклаш, инфекция ва иммунитетга тегишли қатор саволларнинг ечимини топишда, иммунологик препаратларнинг берадиган натижаларини, уларнинг реактивлик ва огоҳлантирувчи хоссаларини аниқлашга ёрдам беради.

Лаборатория ҳайвонларини танлашда унинг текширилаётган инфекцияга сезувчанлик даражасини эътиборга олиш, бу қўзғатувчи табиий шароитда унинг организмида касаллик келтириб чиқармаслигини билиш лозим.

## ЛАБОРАТОРИЯ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Тажриба учун кўпинча оқ сичқонлар, каламушлар, денгиз чўчқачалари, қуёнлар танланади. Айрим маҳсус текширишларда лаборатория ҳайвонларидан маймунлар, мушуклар, итлар, отлар, йирик ва майда шохли ҳайвонлар, ёввойи ҳайвонлар (олмахон, юмронқозиқ, ёввойи каламушлар, дала сичқони), шунингдек қушлар (товақ, капитар ва б) танланади. Маҳсус лабораториялар ҳам мавжуд бўлиб, уларда асептик шароитда ўстирилган микробсиз ҳайвонларда текшириш ишлари олиб борилади. Макроорганизмларнинг микробсиз ҳаётини ўрганадиган фанга гнотобиология дейилади. Текшириш мақсадларидан бири шуки, микроорганизмларда физиологик ва патологик жараёнларда нормал ва ўзгарган микрофлоранинг ролини ўрганишdir.

## ЛАБОРАТОРИЯ ҲАЙВОНЛАРИНИ САҚЛАШ

Тажриба учун қўлланиладиган ҳайвонлар маҳсус шароитларда сақланади. Бунинг учун маҳсус хона — виварий мавжуд. Виварийда лаборатория ҳайвонлари қафасларда ёки банкаларда сақланади. Ҳар бир тур ҳайвон алоҳида сақланади. Виварий хонаси иссиқ, ёруғ ва қуруқ бўлиши лозим. Уларни табиий шароитда парвариш хоналарида урчитилади. Парваришхонадан келтирилган ҳайвонлар карантин хонасига ўтказилади. Виварий қатор маҳсус ва қўшимча хоналар: карантин, соғлом ҳайвонлар сақланадиган, юқтириш ва жарроҳлик хонаси, ошхона ва бошқа хоналардан иборат.

Талабга жавоб берадиган виварий хоналарининг иккита эшиги бўлиши лозим, бундан инфекция тарқалиб кетган ҳолларда фойдаланилади.

Ҳайвонларнинг умумий ҳолати ҳар куни текшириб турилади. Улардаги барча ўзгаришлар (ҳолсизлиги, иштаҳасининг йўқлиги, инфильтрат ҳосил бўлиши) ёки уларнинг нобуд бўлиши маҳсус журналга ёзиб қўйилади. Виварий хоналарини тозалашга маҳсус кийимлар: халат, фартук, резина қўлқоп, рўмол ва шиппак керак бўлади. Агар ўта хавфли инфекция билан ишланаётган бўлса, қўшимча клеёнкали фартук, резина этик, енгча, ниқоб кўзойнаклар кийилиши лозим.

Тозалашни қафас ва банкалардаги қасалланган ва ўлган ҳайвонларни кўришдан бошланади. Сўнг сув ва овқат солинган идишлар олиниб овқат қолдиқларидан тозаланади, яхшилаб ювилади, шиша идишлар қайнатилади. Шундан сўнг маҳсус металл қиргичлар билан қафасдаги ахлат тозаланади ва овқат солинадиган идишлар жойига қўйилади. Ҳафтада бир марта қафас ва банкалар иссиқ сув билан ювилиши, дезинфекция қилиниши ёки втоқлавла заарсизлантирилиши лозим. Қафаслар тозалангандан сўнг хона тозаланади. Шундан сўнг барча ахлат-

лар пеккада ёндирилади. Ўлган ҳайвонлар ёрилади ва улар ҳам назоратчилар ёрдамида (врач ёки лаборант) ва иштирокида ёндирилади. Виварийда ишлайдиган ходимлар қўлларини яхши-лаб дезинфекция қилишлари ва ювишлари лозим.

## ҲАЙВОНЛАРНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ

Ҳайвонларни тўлиқ ва тўғри овқатлантириш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир тур ҳайвонни овқатлантириш меъёри Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Норма асосида овқатлантирилади. Бу меъёрга донли аралашмалар, сабзавот, мевалар, ҳашак, пичан, ҳайвон маҳсулотлари ва бошқалар киради.

Маҳсулотларнинг миқдори ва характеристири ҳайвоннинг турига ва тажрибанинг мақсадига боғлиқ. Ҳайвонларни яхши сақла-маслик, тўғри ва тўлиқ овқатлантирмаслик уларни касалликка мойил қилиб қўяди ва тажриба нотўғри чиқади.

## ҲАЙВОНЛАРНИ ТАЖРИБАГА ТАНЛАШ ВА ТАИЁРЛАШ

Тажрибага олинган ҳар қандай ҳайвонни битта парвариш хонадан олган маъқул. Тажрибага маълум тур, зот, жинс, ёш ва бир хил оғирликдаги ҳайвонлар танланади. Танланган ҳайвонлар тоза қафас ёки банкага солинади.

Қафас ичига ҳашак ёки қипиқ солинади. Майда ҳайвонларни, масалан, оқ сичқонларни 5—6 тадан қилиб қафасга солишимиз мумкин. Ҳайвонлар бошқа хоналарга қафас ёки банкаларга солиб олиб чиқилади. Тажрибадан олдин ҳайвонларнинг оғирлиги ва ҳарорати ўлчанади. Ҳароратни ўлчаш учун симобли термометр ишлатишдан олдин у зарарсизлантирилади, қуруқ қилиб артилади ва вазелин суртиб тўғри ичакка киритилади. Термометрни киритиш чуқурлиги ҳамма ҳайвонларда бир хил, масалан, дengiz чўчқачаларида 3,5 см. Шунинг учун термометр резинали ҳалқасигача киритилади. Ҳарорат 5 дақиқа давомида ўлчанади, натижаси маҳсус журналга ёзилади.

## ҲАЙВОНЛАРГА БЕЛГИ (МАРҚИРОВКА) ҚУИШ

Тажрибага олинган ҳар бир ҳайвонга турига қараб белги қўйилади. Масалан, оқ сичқон ва каламушларнинг турли қисмлари — боши, елкаси, олдинги ўнг оёғи, чап орқа оёғи ва бошқа қисмлари тўйинган спиртли бўёқлар — фуксин, генциан бинафшаси, калий перманганат, хризоидин ва бошқа бўёқлар ёрдамида бўялади. Бўялган қисми журналга рақам билан ёзиб қўйилади. Масалан, олдинги ўн оёғи — №3.

Иирик ҳайвонлар, масалан, қуён, дengiz чўчқачалари ва бошқаларниг эса қулоқларига З рақамли металл тамғачалар тақилади. Бу тамғачаларнинг маркази кенгайган ва икки четида

үчли тищалари бўлади. Тамғани қулоққа тақишдан олдин 2–3 соат спиртга солиб қўйилади ва ҳайвоннинг қулоғи спирт билан артилади, сўнгра қулоққа тақилади ва икки четидаги тишлиари билан маҳкамланади. Паррандалар ва қушларнинг оёғига рақам ёзилган узукчалар тақилади.

### ЛАБОРАТОРИЯ ҲАЙВОНЛАРИНИ ЗАРАРЛАШ

Тажриба ўтказишдан олдин ҳайвонлар қафаслардан олиниди. Улар тишлаб ёки тирнаб олмасликлари учун каламуш ва сичқонлар думидан ушланади, қўён ва ленгиз чўчқачалари эса елка терисидан ушланади. Уларнинг ҳаракатини чегаралаши учун улар фиксация қилинади. бунинг учун турли хил тахталар, яшик бокслар, пластинкалар ва бошқалар қўлланилади.

Текшириш материали ҳайвоннинг қаерига юборилишига қараб танланади. Масалан, қуённинг қулоқ венасига модда юбориладиган бўлса, боши чиқиб турадиган яшик боксдан, қорнига юбориладиган бўлса, тахтадан, оёғига юбориладиган бўлса, турли қисмлари очиладиган яшик бокслардан фойдаланилади.

Оддий усуllibардан бири сочиққа ўраб фиксация қилишдир. Сичқонларни думидан ушлаб айлантирилгандан улар боши айланганидан ҳаракатлана олмайдилар. Шунда чап қўл билан сичқоннинг елка терисидан ушланади, кичик бармоқ билан эса думи сиқилади. Бу мақсадда бошқа усуllibардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Лаборатория ҳайвонларини заарлаш учун қўлланиладиган асбоблар (игна, шприц, пинцет, скальпел ва бошқалар) стерилизация қилинган бўлиши керак.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. «Биологик усул» теб нимага айтилади?
- 2. Лаборатория ҳайвонларининг тажрибага тайёрлашда нималарга эътибор бериш лозим?
- 3. Тажрибага қандай ҳайвонлар олиниди?
- 4. Виварий хонаси қандай талабларга жавоб бериши ва қандай бўлимлардан иборат бўлиши керак?
- 5. Лаборатория ҳайвонлари қандай белгиланади?
- 6. Лаборатория ҳайвонлари нима учун ва қандай фиксация қилинади?
- 7. Ҳайвонларни заарлаш учун асбоблар қандай тайёрланилади?

### ЛАБОРАТОРИЯ ҲАЙВОНЛАРИНИ ЗАРАРЛАШ УСУЛЛАРИ

Текшириш материалларини тери ости, тери ичи, тери усти, мушак ораси, қорин бўшлиғи, венага, оғиз орқали, нафас йўлї орқали, кўз ва бошқаларга юборилади.

Текшириш материалини терига юборишдан олдин албатта ҳайвон жуни олиб ташланиши лозим. Сўнгра тери спирт ёки йод-нинг спиртли эритмаси билан яхшилаб артилади ва заарловчи материал юборилади.

Тери остига. Қуёнларнинг елка қисми, дengиз чўқачаларининг қорин ёки биқин териси остига, сичқон ва қаламушларнинг елка қисми териси остига юборилади. Танланган қисмдаги тери икки бармоқ билан ушлаб олинниб, бир оз юқори кўтарилади, буклама марказига текшириш материали юборилади.

Тери ичига — бу усулдан аллергик синамаларни қўйинида кенг фойдаланилади. Кўрсаткич ва катта бармоқлар ёрдамида тери таранглаштирилади ва игнанинг кесилган қисми юқорига бурчак ҳосил қилиб киритилади. Дори юборилган жойда бир оз шиши ҳосил бўлади ва у тез тарқаб кетади.

Тери устига материал томизилиб тери маҳсус кесувчи ускуна билан қирқилади.

Мушак орасига юбориш. Текширилаётган материал сон мускули орасига юборилади. Бунинг учун чап қўлнинг кўрсаткич ва бош бармоғи билан мускул ушланади ва ўнг қўл билан бурчак остида игна киритилади.

Қорин бўшлиғига юбориш. Бунда ҳайвоннинг боши пастга қилиб ушланади (ички аъзолар диафрагмага яқинлашиши учун). Игна қориннинг пастки қилемига киритилади, ўрта чизиқдан бир оз чекланиш лозим, бу ичакни заарланишдан сақлайди.

Вена ичига юбориш. Бунда ҳайвон турига қараб вена танланади: қуёнларнинг қулоқ венасига, сичқон ва қаламушларнинг дум венасига, дengиз чўқачасининг юрагига юборилади, чунки уларнинг венасига тушиб ва уни топиб бўлмайди. Денгиз чўқачасининг юрагига дори юбориш учун аввал бармоқ ёрдамида ураётган юрак топилади, сўнгра қовурға орасидан юракка игна киритилади. Игна юракка киргандан шприцда кон кўринади, шунда текириш материалини юбориш мумкин бўлади. Вена ва юракка материал юборилаётгандан шприцда ҳаво бўлмаслиги керак.

Ҳазм қилиш аъзосига юбориш. Бунинг бир қанча усуллари бор. Масалан, текшириш материали озиқ-овқатга аралаشتариб едирилиши, зонд ёрдамида юборилиши мумкин.

Нафас йўли орқали юбориш. Текшириш материали шприц ёрдамида бурун бўшлиғига юборилади. Эфирга намланган пахта ҳайвонга ҳидлатилади, бунда ҳайвон чуқур-чуқур нафас олади ва бурунга томизилган материални ҳам нафас йўлига киритади.

Иккинчи усулда ҳайвон осмонга қаратиб ётқазилади ва текшириш материали пипеткада унинг бурун бўшлиғига томизилади.

Кўз шиллиқ пардасига юбориш. Биринчи усулда кўз қовғи очилиб пипеткада текшириш материали томизилади.

Иккинчи усулда игна ёрдамида коңюнктива остига материал юборилади. Учинчи усулда кўз мугуз пардаси қирқилиб, текшириш материалы шу қирқилган жойга юборилади.

## ЛАБОРАТОРИЯ ҲАЙВОНЛАРИНИ ЁРИШ

Улган ҳайвонларни ёриб ўрганиш — ҳайвон организмидаги ўзгаришларнинг хусусияти қўзғатувчининг организмда тарқалиши, унинг жойлашиши ва бактериологик текширишлар ўлим сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Айрим ҳолларда касалланиб ўлмаган ҳайвонларни ўзимиз ўлдиришимизга тўғри келади, бунинг бир нечта усуллари мавжуд. Энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири ҳайвонни оғзи яхши ёпиладиган идишга солиш ва унга эфир ёки хлороформга намланган пахта ташлашdir. Шунда ҳайвон бир неча дақиқа ичидаги нобуд бўлади. Бундан ташқари, яна қуидаги усуллар ҳам қўлланилади. Сичқон, ва майда ҳайвонларнинг боши кесиб ташланади, қуёnlарнинг юраги ёки венасига ҳаво юборилиб, эмболия ҳосил қилинади.

Ёриш. Ҳайвонларни ёриш алоҳида хоналарда маҳсус столларда олиб борилади. Столда ҳайвонни ёриш учун барча стерил асбоблар: қайчи, скальпел, пинцет, шприц иғнаси билан, спиртлампаси, спирт, пахта, пахта тампон, бактериологик қовузлөк, пипетка, буюм ойначалари, Петри косачаси ва пробиркаларда озиқа муҳити (озиқа муҳити қўзғатувчининг турига қараб ташланади) ва бошқалар бўлиши лозим.

Тажриба бошланишидан олдин тана ёрилиб, унлаги ўзгаришларнинг барчаси баённомалаштирилиши лозим. Баённомада ҳайвоннинг тури, тартиб номери, зарарлаш ёки ёриш вақти, текшириш материали, ҳайвоннинг нобуд бўлган вақти, кузатилгандаги ўзгаришлар ва бошқалар ёзилади.

Ёриш бир қанча босқичларда олиб борилади: 1) ҳайвонни фиксациялаш, 2) ташки кўрининишини кузатиш, 3) ёриш ва кўкрак қафасини кузатиш, 4) қорин бўшлигини ёриш ва кузатиш.

Фиксация. Ҳайвон қорни юқорига қилиб ётқизилади, оёқлари тўрт томондаги ҳалқа ёки илгичга маҳкамланади ва тортилади.

ТАШКИ КЎРИНИШИННИ КУЗАТИШ. Дезинфекцияловчи моддага намланган пахта билан ҳайвоннинг танаси артилади. Терининг кўрининиши кузатилади ва қиндан иягигача ўрта чизик бўйича ёрилади. Бунинг учун қўлланиладиган асбоблар артилади, ёндирилади ва алмаштириб турилади. Пинцет ёрдамида тери ушланиб, скальпел билан қирқиб тери ости клетчаткасидан ажратилади. Тери, қўлтиқ ости ва чот безлари, тери ости ёғлари, томирларининг кенгайганилиги, қон қуяилишлар, йирингли ўчоқлар ва бошқалар белгиланади. Агар ўзгаришлар бўлса, суртма тайёрланади ва маҳсус озиқа муҳитига экiplади.

Кўкрак қафасини ёриш. Кўкрак суюги икки томон-

дан қовурға уланган тоғай бүйінча кесилади ва құкрак сүяғы олиб ташланади. Үнка, юракнинг ранги, катталиғи, қоңсистен-цияси текширилади. Агар ўзгарышлар бўлса, озиқа муҳитига экилади ва ўзгарган қисмидан суртма тайёрланади. Ўпкадан бир бўлак кесиб олиб сув солинган банкага солинади, агар ўпка соғлом бўлса, сув юзасига қалқиб чиқади, касал ўпка эса чўка-ди. Юракдан қон олинниб озиқа муҳитига экилади.

Қорин бўшлиғини ёриш. Тери кўтарилиб қиндан днафрагмагача, сўнгра икки ёнига қараб кесилади. Қорин бўшлиғидаги барча ўзгарышлар кузатилади. Ўзгарган аъзолардан олиб озиқа муҳитига экилади, суртма препарат ва суртма тамға препарати тайёрланилади.

Ҳайвон ёриб бўлингандан сўнг стол яхшилаб тозаланади. Ҳайвон маҳсус идишга (масалан, челякка) солиниб жавобгар пахс иштирокида ёндирилади ёки автоклавда заарсизлантирилади. Агар ҳайвон жасадини заарсизлантиришнинг иложи бўлмаса, дезинфекцияловчи моддага солиб қўйилади. Тахта ёки стол спирт билан артиб заарсизлантирилади. Асбоблар дезинфекцияловчи эритмаларда заарсизлантирилиб, кейин 30—40 дақиқа стериллизаторда қайнатилади. Спорали культура билан ишлаганда автоклавда заарсизлантирилади. Экилган муҳитлар термостатда қолдирилади.

Микробиология амалиётида ҳайвонлардан донор сифатида ҳам фойдаланилади. Қон ва қон зардоби озиқ муҳит ингредиенти сифатида: шунингдек эмлангандан сўнг иммунологик хоссанини аниқлашда қўлланилади.

Кўпинча қуён, денгиз чўчқачаси, баъзи ҳолларда сичқон ва каламушлар, йирик шохли ҳайвонлардан от, қўй, буқа қонлари кенг қўлланилади.

### ҲАЙВОНЛАРДАН ҚОН ОЛИШ УСУЛЛАРИ

Қуёиларнинг қулоқ венасидан, каламуш ва сичқонларнинг дум венасидан, денгиз чўчқачаларининг юзаки веналари яхши ривожланмаганлиги сабабли юрагидан, йирик ҳайвонлар (от, қўй)нинг боши ва юрагига борадиган кўк томиридан қон олиниади. Қуёининг қулоғидан қон олиш учун қулоқ юнгдан тозаланади, заарсизлантирилади, бармоқ билан уриб ёки иссиқ сувга намланган пахта билан артиб қулоқ венаси қулоқ пастидан сиқилиб қизартириб олиниади. Сўнгра тажриба олиб борувчи одам бош ва кўрсаткич бармоғи билан қулоқнинг пастки қисмидан ушлайди ва шприцсиз игнани киритади, қонни пробиркага олади. Игна чиқарилиб спирт ёки йод билан игна чиқарилган жой заарсизлантирилади. Сичқон ёки каламушлардан қон олиш учун унинг думи кесилади, ундан оққан қон пробиркага йиғилади ёки пипиткага сўриб олиниади. Қонни тўхтатиш учун водород пероксид ёки спирт алаңгасида куйдирилади. Юракдан қон олиш учун ҳайвон горизонтал ҳолда ётқизилиб, фиксация

құлинади. Юнги олинади, заарасизлантирилади, чап құл бармоги билан ураётган юрак топилади ва шу ерга игна киритилади. Агар игна юракка кирса, шприцга қон оқади. Олинадиган қон миқдори ҳайвон турига ва оғирлигига боғлиқ бўлади (9-жадвал).

9-жадвал.

#### Лаборатория ҳайвонларидан олинадиган қоннинг максимал миқдори

Ҳайвон тури	Допорииянг ўртача оғирлигиги, гр.	Қон миқдори, мл да	
		Бир сафарги қон чиқаришда	Ҳамма қонни чиқаришда
Қуён	3000—4000	25—30	130—150
Денгиз чүйқаси	400—500	10—12	40—50
Каламуш	150—200	3—5	6—8

Ҳайвонлардан бир сафар қон олинганда унга тана ҳароратигача иситилган физиологик эритма юборилади, унинг миқдори олинган қон миқдорига боғлиқ бўлади.

Ҳамма қон уйқу артериясидан чиқарилади. Бунда ҳайвон горизонтал ҳолда ётқизилиб, унга эфир ҳидлатилади, шундан сўнг бўйин қисми заарасизлантирилиб уйқу артерия топиб кесилади ва қон стерил идишга олинади. Ўрак ва бошқа аъзолар уқалангандан қўшимча қон чиқади. Бу усулнинг камчилиги шундан иборатки, бунда ҳайвон нобуд бўлади.

#### ҚОНГА ИШЛОВ БЕРИШ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ

**Фибринсиз қон тайёрлаш.** Олинган қон шиша мунчоқ солинган колба ёки банкага солинади ва 15—20 дақиқа чайқатиласди. Бунда фибрин қуюқлашган ҳолда мунчоққа ёпишади. Фибриндан тозалангандан қон алоҳида стерил идишга олинади.

**Цитратли қон тайёрлаш.** Қонга унинг ивиши олдини оловчи модда —5% ли цитрат эритмаси 1:10 (10 мл қонга 1 мл натрий цитрат эритмаси ҳисобида) қилиб аралаштирилади.

**Плазма олиш.** Плазма цитратли қондан олинади. Қон центрифугаланади ёки музлатгичда 18—20 соатга қолдирилади. Натижада чўкма остида сарик рангли суюқлик—плазма ҳосил бўлади.

**Қон зардобини ажратиб олиш.** Қон 1 соатга хона ҳароратида ёки термостатда ( $37^{\circ}\text{C}$  да 30 дақиқага) ивиши учун қолдирилади.

Ҳосил бўлган қуюқ модда пробирка деворидан пипетка ёки қовузлоқ ёрдамида олиб ташланади. Пробирканни музлатгичда

1 соатга (48 соатдан ошмаслиги лозим) қуюқ моддалардан то-  
залашга қолдирилади. Вақт ўтгач пробиркадаги зардоб алоҳида  
стерил идишга ажратиб олинади. Зардоб тиниқ бўлиши лозим.

Эритроцит осилмасини тайёрлаш. Қон 15—20 дақиқа даво-  
мида 2000—3000 айланма тезлика центрифугаланади. Эритро-  
цитлар чўкмага тушади, унинг устига сарғиши-қизил хлориднинг  
изотоник эритмаси қўйилади, яна центрифуга қилинади. Эритро-  
цитларни бундай ювиш 2—3 маротаба, токи чўкма устидаги  
суюқлик тиниқлашгунча тақрорланади. Охирги тоза суюқлик  
тўкилиб, эритроцит эритмаси қолдирилади, буни 2—3 кун қўл-  
лаш мумкин. Эритроцитларни узоқ вақт қўллаш учун уларни  
формалин билан қайта ишлаш лозим. 50% ли осилма олиш учун  
бир қисми эритроцитга иккى қисм рН и 7,2 бўлган буфер эритма,  
шунча миқдорда 3% ли формалин эритмаси қўйилади. Ҳосил  
бўлган эритма сув ҳамомида 37°C да 2—3 соат ушланади. Ҳар  
15—20 дақиқада чайқатиб турилади, сўнг термостатда (20  
соат 37°C да) ушланади. Эртаси куни пробиркани термостатдан  
олиб ҳудди шу эритма билан центрифуга қилинади, чўкма устидаги  
суюқлик тўкиб ташланади. Чўкмага яна буфер эритма со-  
линади, усти маҳкам ёпилиб, 4°C да сақланади.

### Назорат учун саволлар:

- ?
- 1. Биологик усул деб нимага айтилади?
- 2. Лаборатория ҳайвонларини танлашда нимага эътибор бериш лозим?
- 3. Тажриба учун қандай бўлимлардан фойдаланилади?
- 4. Виварий қандай бўлимлардан иборат ва улар қандай талабларга жавоб берishi лозим?
- 5. Лаборатория ҳайвонлари қандай белгиланади?
- 6. Сиз ҳайвонларни қандай заарлаш усулларини биласиз?
- 7. Лаборатория ҳайвонлари қай усулда ёрилади?
- 8. Лаборатория ҳайвонларини ёриш қандай босқичлардан иборат?
- 9. Ишлатилган асбоблар қандай заарсизлантирилади?
- 10. Лаборатория ҳайвонларидан қон қандай олинади?
- 11. Ҳамма қонни чиқариш нима дегани?
- 12. Цитратли қон, фибринсиз қон, қон қисмларидан плазма, зардоб, эритроцит осилмаси қандай олинади?

### 11-боб. ИММУНИТЕТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Иммунитет деб организмнинг барча бегона агентлар, шунингдек касаллик чақирувчи микроорганизмлар ва уларнинг токсинларини юқтирасмаслик хосасига айтилади (*immunitas* — лотинча бирор нимадан қутулиш).

Организмға генетик жиҳатдан бегона агентлар — антигёнләр тушганда қатор механизм ва омиллар таъсирга ўтиб, бегона агентларни аниқлайды ва заарсизлантиради.

Организм ҳимоя реакциялари ички мұхитининг гомеостаз доимийлиги бүзилишига қарши курашувчи аъзо ва түқима системаси иммуносистема дейилади.

**Иммунология** — иммунитет ҳақидағи таълимот бўлиб, бегона моддаларга ва микроорганизмларга, бегона түқима ва хавфли ўсмаларга нисбатан организмнинг реакциясини ўрганади. Иммунология асосида табиат кучи билан бўладиган кузатишларда одам ўзини юқумли касалликлардан сунъий равишда ҳимоя қилиш имкони ётади. Эпидемия ўчоғида одамларни кузатиш натижасида ҳамма ҳам касалланавермайди, деган холосага келинди. Тоун касаллиги билан касалланиб тузалган бемор бу касаллик билан қайта касалланмайди, қизамиқ билан фақат бир маротаба касалланади, сигир чечаги билан касалланганлар чинчекақ билан касалланмайди.


Маълумки, қадимги ҳалқлар илон чақишидан ҳимояланиш учун кесилган терига илон заҳари суртилган ўсимликларни боғлаганлар, подадаги молларни йиртқич ҳайвон ҳамласидан ҳимоя қилиш учун кесилган терига шу касаллик билан оғриб ўлган ҳайвон ўпкаси боғланган.

Юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида сунъий эмлашни биринчи бўлиб Э. Женнер 1876 кашф этган. Л. Пастер эса юқумли касалликлардан сунъий ҳимоялаш қоидаларини илмий асослаб берган. У кучсизлантирилган қўзғатувчилар билан заарлаш организмни шу қўзғатувчи билан қайта тўқнашганда юқмаслигини исботлаб берган. Л. Пастер қутуриш ва куйдирги касалликларидан ҳимояловчи препаратларни ишлаб чиққан.

Кейинчалик И. И. Мечниковнинг ҳужайра иммунитети (фагоцитоз) ва П. Эрлихнинг (касаллик юқмаслигидаги) гуморал омилларнинг аҳамияти ҳақидағи ишлари иммунологиянинг ривожланишига олиб келди.

Иммунитетнинг асосий турлари 10-жадвалда кўрсатилган.

#### 10-жадвал



## ТУГМА ИММУНИТЕТ ТУРЛАРИ

Тугма (тур) иммунитет — бу берилмаслик хоссасининг мустаҳкам ва замонавий шакли бўлиб, чидамлилик омиллари билан наслдан-наслга ўтишга асосланган. Маълумки, одам йирик шоҳли ҳайвонлар ва ит тоунга сезувчан эмас, ҳайвонлар эса вабо ва бўғма билан касалланмайди. Лекин тугма иммунитет абсолют эмас, яъни макроорганизм учун ноқулай шароит яратиш билан унинг юқтираслик хоссасини ўзгартириши мумкин. Масалан, ортиқча иссиқлаш, совқотиш, авитаминоз, гормонларнинг таъсири одам ёки ҳайвон учун тегишли бўлмаган касалликларни юзага келтиради. Пастер товуқларни совқоттириш йўли билан уларга сунъий равишда куйдиргани қўзғатувчисини юборган ва касалликни юзага келтирган, товуқлар табиий шаронтда куйдирги касаллиги билан касалланмайди.

## ОРТТИРИЛГАН ИММУНИТЕТ

**Орттирилган иммунитет** одамда ҳаёти давомида орттирилади, наслдан-наслга ўтмайди.

**Табиий иммунитет.** Табиий фаол иммунитет касаллик билан оғриб ўтгандан кейин юзага келади (у постинфекция дейилади). Кўпгина ҳолларда у узоқ вақт сақланади, қизамиқ, сувчечак, тоун ва бошқа касалликлардан сўнг юзага келади. Шунингдек, айрим касалликларда иммунитетнинг муддати 1 йилдан ошмайди (грипп, дизентерия ва бошқалар). Айрим ҳолларда табиий фаол иммунитет касаллик юзага чиқмасидан илгари ҳосил бўлади. У яширин (латент) инфекция ёки қўзғатувчини кичик дозада қайта-қайта юқтириш натижасида ҳосил бўлади. (манишӣ, турмуш иммунизацияси).

**Табиий пассив иммунитет** — бу чақалоқлар (плацента) иммунитети бўлиб ҳомила она қорнидалигига ёқ орттирилади. Шунингдек, чақалоқлар она сутни орқали ҳам иммунитетни орттириши мумкин. Иммунитетнинг бу тури узоқ давом этмайди, 6—8 ойдан сўнг йўқолиб кетади. Лекин табиий пассив иммунитетнинг аҳамияти катта, у чақалоқларни юқумли касалликларга чалинмаслигини таъминлайди.

**Сунъий иммунитет** (фаол иммунитет) одамда иммунизация (эмлаш) натижасида орттирилади. Иммунитетнинг бу тури организмга қучсизлантирилган ёки турли усуслда ўлдирилган бактерия, уларнинг заҳарлари, вируслар юборилгандан сўнг ҳосил бўлади. Масалац, кўкйўтал, бўғма, чечак касалликларига қарши иммунитет шулар жумласидан.

Бунда организмда фаол қайта қурилиш юзага келади, яъни қўзғатувчи ва токсинларга ўлдирувчи таъсири кўрсатувчи модда (антитело) ҳосил бўлади. Шунингдек, ҳужайра хоссасининг ўзгарниши микроорганизмлар ва улар ишлаб чиқарадиган моддаларга таъсири кўрсатади. Сунъий фаол иммунитет секин-аста,

3—4 ҳафта ичида ҳосил бўлади ва 1 йилдан 3 йилгача сақланади.

**Сунъий пассив иммунитет** организмга тайёр антитело юбориши натижасида юзага келади. Иммунитетининг бу тури организмга антитело, зардоб ва иммуноглобулин юборилган заҳоти ҳосил бўлади ва фақат 15—20 кунгача сақланади, сўнгра антителолар парчаланиб, организмдан чиқиб кетади.

**«Маҳаллий иммунитет»** тушунчасини фанга А. М. Безредко киритган. У организм тўқималари ва алоҳида ҳужайралар маълум мойиллика эга, деб ҳисоблайди. Уларни эмлаш инфекция қўзғатувчилари кириши учун тўсиқ ҳосил қиласиди. Ҳозирги вақтда умумий ва маҳаллий иммунитетнинг бирлиги исботланган. Лекин алоҳида тўқима ва аъзоларнинг микроорганизмларни юқтирумаслиги катта аҳамиятга эга.

**Антимикроб иммунитет** турли хил микроорганизмлар келтириб чиқарадиган касалликлардан сўнг ёки вакцина (кучсизлантирилган тирик ёки ўлдирилган микроорганизмлардан тайёрланган вакциналар) юборилганда ҳосил бўлади.

**Антитоксик иммунитет** — бактерияларнинг заҳари (токсинлари)га нисбатан ҳосил бўлади.

**Антивирус иммунитет** — вирусли касалликлардан сўнг ҳосил бўлади. Иммунитетнинг бу тури узоқ давом этади ва мустаҳкам (қизамиқ, чечак ва бошқалар) бўлади. Шунингдек фаол вирусли иммунитет вирусли вакциналар билан эмлангандан сўнг ҳосил бўлади.

Бундан ташқари, организмни касаллик қўзғатувчисидан тозаланиш даврига кўра ҳам бўлишимиз мумкин.

**Стерил иммунитет** — кўпгина қўзғатувчилар бемор тузалганда организмдан йўқолади. Иммунитетнинг бу тури стерил иммунитет дейилади (қизамиқ, чечак ва бошқалар).

**Стерилланмаган иммунитет** — инфекция қўзғатувчининг моянлиги хўжайини организмда бўлган даврдагина сақланиб туради.

Бундай иммунитет стерилланмаган ёки инфекцион иммунитет дейилади. Иммунитетнинг бу тури сил, захм ва айрим бошқа инфекцияларда кузатилади.

Одамнинг юқумли касалликларни юқтирумаслиги специфик ва носпецифик ҳимоя омилларида ўз аксини топади.

Носпецификал деб, организмнинг туфма хусусиятига айтилади, бу одам танаси юзасидаги ва организм ичидаги турли хил микроорганизмларни йўқотишга имкон беради.

Специфик-ҳимоя омили организм қўзғатувчи ёки токсинлар билан тўқнашганда ҳосил бўлади, бу омилларнинг таъсири фақат шу қўзғатувчилар ёки уларнинг токсинларига қарши қаратилган бўлади.

## ОРГАНИЗМНИНГ НОСПЕЦИФИК ҲИМОЯ ОМИЛДІЙ

Организмнинг турли хил микроорганизмдарнинг зақарлари таъсиридан ҳимоя қилувчи механик, кимёвий ва биологик омиллары мавжуд.

**Тери.** Жароҳатланмаган тери микроорганизмларнинг кириши учун түсиқ бўлиб ҳисобланади. Бунда механик омиллардан тер ва ёғ безлари ажратмалари теридаги микроорганизмни йўқотишга ёрдам беради. Кимёвий омилларда ҳам тер (ёғ ва тер безлари) безлари ажратмалари ҳимоя ролини бажаради. Улар ўзида бактериоцид (бактерияларни ўлдириш) хоссасига эга бўлган ёғ ва сут кислоталарни сақлайди. Биологик ҳимоя омилларни тери нормал микрофлорасининг патоген микроорганизмларга ўлдирувчан таъсирига асосланган.

**Шиллиқ қаватлар.** Гурли аъзоларнинг шиллиқ қаватлари микроорганизм кириши учун түсиқ бўлиб ҳисобланади. Нафас йўлининг механик ҳимояси тебранувчи киприкчалари бор эпителийлар ёрдамида амалга оширилади. Юқори нафас йўли эпителий киприкчаларининг ҳаракати оғиз ва бурун бўшлиғи йўналиши бўйича микроорганизмларни ҳаракатланишига тўсқинлик қилади. Бурун бўшлиғидаги тукчалар ҳам бактерияларга шундай таъсир кўрсатади. Аксириш ва йўталиш микроорганизмларнинг чиқиб кетишига ёрдам беради ва аспирация (нафас орқали организмга кириши)нинг олдини олади. Кўз ёши, сўлак, она сутни ва организмдаги бошқа суюқликлар ўзида лизоцитм моддасини сақлайди. У микроорганизмларга ўлдирувчи (кимёвий) таъсир кўрсатади. Шунингдек, шиллиқ қаватларнинг нормал микрофлораси биологик ҳимоя омили сифатида патоген микроорганизмларга антагонист бўлиб ҳисобланади.

**Яллиғланиш**—микроорганизмнинг бегона заррачаларга нисбатан реакциясидир. Яллиғланишининг сабабларидан бири организмга инфекция қўзғатувчиларининг киришидир. Яллиғланишининг юзага келиши микроорганизмни ўлдиришга ёки улардан озод бўлишга олиб келади.

Яллиғланиш шикастланиши ўчоғида қон ва лимфа безларининг бузилиши билан ифодаланади. Бу ҳароратнинг кўтарилиши, шиш, қизарish ва оғриқ билан кечади.

## НОСПЕЦИФИК ҲИМОЯНИНГ ҲУЖАПРАВИЙ ОМИЛЛАРИ ФАГОЦИТОЗ

Яллиғланиш механизмининг асосларидан бири фагоцитоз — бактерияларни ютиш жараёни ҳисобланади. Фагоцитоз жараёнини биринчи бўлиб И. И. Мечников таърифлаган. У фагоцитозни бир ҳужайрали амёбаларда ўрганишдан бошлаган, амёбалар учун фагоцитоз жараёни озиқ-овқатларни ҳазм қилиш тарзи ҳисобланади. Ҳайвонот дунёси ривожланишида бу жараённинг турли босқичи кузатилган. И. И. Мечников одамда фаго-

цитозни махсус ҳужайраларини аниқлаган. Улар ёрдамида бактериялар йўқотилади, қон қўйнлиш ўчигида ўлик ҳужайралар инимилади ва ҳоказо.

Организмдаги турли хил ҳужайлар (лейкоцитлар, қон томирларидаги эндотелий ҳужайралари) фагоцитар фаолликка эга. Бундай фаоллик ҳаракатдан полиморф ядроли лейкоцитларда, қондаги моноцитлар ва макрофаг тўқималарда, суяк кўмигида, намоён бўлади. Барча битта ядроли фагоцит ҳужайралар монокуляр фагоцит системасига киритилди (МФС). Фагоцитоз ҳужайра лизосомаларида 25 дан ортиқ гидролитик ферментлар ва оқсиллар мавжуд. Улар антибактериал хусусиятга эга.

### ФАГОЦИТОЗ БОСҚИЧЛАРИ

1-босқич. **Яқинлашиш босқичи.** Фагоцит обьектига (бегона моддага) охирги кимёвий таъсиrot ҳисобига яқинлашади. Бундай ҳаракат мусбат хемотаксис деб аталади.

2-босқич. **Ёпишиш босқичи** микроорганизмлар фагоцитга ёпишади.

3-босқич. **Ютиш босқичи.** Микроорганизмлар ҳужайраси бегона моддаларни ютади, фагосомаларни ҳосил қиласди.

4-босқич. **Нобуд бўлиш босқичи.** Фаголизосомалар ҳосил бўлиши, ферментлар ва бактериоцид оқсиллар уларга тушиши натижасида қўзғатувчилар нобуд бўлади ва ҳазм қилинади.

Микроорганизмнинг нобуд бўлиши билан тугалланадиган жараён тугалланган фагоцитоз дейилади. Лекин айрим микроорганизмлар фагоцит ичидаги бўлсада нобуд бўлмайди, балки улар бўлиниб кўпаяди. Буларга гонококклар, сил микобактериялари, бруцеллалар киради. Бундай жараён тугалланмагац фагоцитоз дейилади. Бунда фагоцитлар нобуд бўлади. Бошقا физиологик функциялар сингари фагоцитоз организмнинг ҳолатига МНС (марказий нерв системаси)нинг бошқариши аҳамиятига, ёшга, овқатланишга боғлиқ.

Лейкоцитларнинг фагоцитоз фаолияти кўпинча юқумли бўлмаган касалликларда тез-тез ўзгариб туради. Қатор фагоцитоз кўрсаткичларни аниқлаш ёрдамида касалликнинг кечини, беморининг ҳолати, тузалаётган ёки тузалмаётганилиги, олиб борилаётган даволаш чораларининг натижалари ва бошқаларини аниқлаш мумкин.

Фагоцитозларнинг функционал ҳолатини баҳолаш учун кўп ҳолларда ютиш фаоллиги 2 та тест асосида аниқланади: 1) фагоцитоз кўрсатгичи — фагоцит ҳужайрасининг фойзи (100 та кузатилётган, микробларни ютган лейкоцитлар миқдори); 2) фагоцит сони — микробларни ютган битта лейкоцит ёки бошқа фагоцитларнинг ўртача миқдори.

Фагоцитларнинг бактериоцит имконияти лизосомалар сони, ҳужайрадаги ферментлар фаоллиги ва бошқа усуllар ёрдамида аниқланади.

Фагоцитознинг фаоллиги қон зардобида антителолар—опсониллар мавжудлигига боғлиқ. Бу антителолар фагоцитозни тезлаштиради, ҳужайра юзасини фагоцит томонидан ютилишга тайёрлади.

Фагоцитознинг фаоллиги организмнинг у ёки бу қўзғатувчига берилмаслик даражаси билан аниқланади. Айрим касалникларда фагоцитоз асосий ҳимоя омили, бошқа касалникларда эса ёрдамчи бўлиб ҳисобланади. Лекин барча ҳолларда ҳужайранинг фагоцитоз хоссаси йўқлиги касалникнинг кечиши ва оқибатини кескин ёмонлаштиради.

## ҲУЖАЙРАНИНГ РЕАКТИВЛИГИ

Инфекцион жараённинг ривожланиши ва иммунитетнинг шаклланиши ҳужайранинг қўзғатувчига бирламчи сезувчанлигига боғлиқ. Тұғма тури бир турдаги ҳайвон ҳужайрасининг бошқа патоген микроорганизмларга сезувчанлиги йўқолишидир. Ізу ҳодисанинг механизми тўлиқ ўрганилмаган. Маълумкн, ҳужайра реактивлиги турли хил омиллар таъсирига (физикавий, кимёвий, биологик) ва ёшга қараб ўзгаради.

## НОСПЕЦИФИК ҲИМОЯНИНГ ГУМОРАЛ ОМИЛЛАРИ

Фагоцитлардан ташқари, қонда эрувчи носпецифик моддалар ҳам мавжуд, улар микроорганизмларга ўлдирувчи таъсири кўрсатади. Уларга комплемент пропердин, В-лизинлар, Х-лизинлар, эритрин лейкинлар, плакинлар, лизошим ва бошқалар киради.

**Комплемент** (лотинча *complementum* — қўшимча) микроорганизмлар ва бошқа бегона ҳужайраларни эритиш хоссасига эга бўлган мураккаб оқсил фракцияли системадир. Масалан, эритроцитлар. Комплементларнинг бир қанча компонентлари тафовут этилади.  $C_1$ ,  $C_2$ ,  $C_3$  ва бошқалар. Комплементлар  $55^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 30 дақиқа давомида парчаланади. Унинг бундай хоссаси термолабиллик дейилади. Шунингдек, у чайқатганда, ультрабинафаша нурлар ва бошқалар таъсирида парчаланади. Комплементлар қон зардобидан ташқари организмдаги турли хил суюқликларда ва яллиғланиш суюқлигига ҳам аниқланган, лекин орқа мия суюқлигига ва қўзнинг олдинги камерасида учрамайди.

**Пропердин** (лотинча *properdi* — тайёрлаш) магний иони иштирокида комплементни фаоллаштирувчи нормал қон зардоби компонентлари гуруҳидир. У ферментларга ўхшаш ва организми инфекцияга чидамлилигига катта роль ўйнайди. Қон зардобида пропердин миқдорининг камайиши иммунитет жараёни фаол эмаслигидан далолат беради.

**В-лизинлар** — одам қон зардобидаги термостабиль (ҳарорат таъсирига чидамли) модда бўлиб, микробларга, асосан Грам мусбат бактерияларга антогонистик (ўлдирувчи) таъсири кўр-

сатади. 63°C ва УБИ (ультрабинафша нурлар) таъсирида парчаланади.

**Х-лизин** — ҳарорати қўтарилигдан беморларнинг қонидан ажратиб олинган термостабиль модда. Комплмент иштирокисиз бактерияларни, асосан Грам манфий бактерияларни лизислаш хоссасига эга. 70—100°C ҳарорат таъсирига чидамли.

**Эритрин** — ҳайвон эритроцитларидан ажратиб олинган, бўғма қўзғатувчиси ва бошқа микроорганизмларга бактериостатик таъсир кўрсатади.

**Лейкинлар** — лейкинлардан ажратиб олинган бактериоцид модда. Иссинқа чидамли. 75—80°C ҳарорат таъсирида парчаланади. Қонда жуда оз миқдорда учрайди.

**Плакинлар** — лейкинларга ўхшаш модда, тромбоцитлардан ажратиб олинади.

**Лизоцим** — фермент, микроб ҳужайраси қобигини парчалайди. У кўз ёшида, сұлак, қон суюқлигига учрайди. Кўз конъюнктиви (кўз жилди), оғиз, бурун шиллиқ пардаларида лизоцим модда бўлганлиги сабабли улардаги жароҳатлар маълум даражада тез тузалади. Шунингдек, сийдик, простата суюқлиги, турли хил тўқималарнинг суюқликлари ҳам бактериоцид хоссага эга. Юқорида айтиб ўтилган компонентлар ҳимоя омилларнинг барчаси эмас. Улар орасида асосийси антитело—иммуно-глобуллин ҳисобланади.

## АНТИГЕНЛАР

**Антигенлар** — генетик жиҳатдан организм учун бегона модда (оқсиллар, нуклеопротеидлар, полисахаридлар ва бошқалар), антиген таъсирида ҳосил бўлади. Улар организмга кирганда маҳсус иммунологик реакция билан жавоб қайтаради. Шундай реакциялардан бири антитело ҳосил бўлишидир. Антигенлар иккита асосий хоссага эга: 1) иммуногенлик, яъни антитело ва иммунологик лимфоцитларни ҳосил қилиш хоссаси. 2) маҳсус антитело ва иммунологик лимфоцитлар билан ўзаро таъсиrottga ўтиш хоссаси, бу иммунологик реакциялар таъсирида (нейтрализация, лизис ва бошқа) намоён бўлади. Бу икки хоссага эга бўлган антигенлар тўла қимматли антигенлар дейилади. Уларга бегона оқсиллар, зардоблар, ҳужайра элементлари, токсинлар, бактериялар, вируслар ва бошқалар киради.

Иммунологик реакциялар антитело ҳосил қилмайдиган моддаларга бой бўлмаган антигенлар дейилади, улар организмдаги тайёр антителолар билан ўзаро реакцияга киришади, улар гаптенлар деб ҳам аталади. Гаптенлар йирик молекуляр — оқсил, полисахаридлар билан тўла қимматли антигенларга айланади.

Бегоналийк, йирик молекулярлик, коллоидлик парчаланиш хоссалариdir. Турли хил моддаларнинг антигенлик хусусиятини аниқловчи шартлардан биридир. Бу бегона моддалар организмнинг ички муҳитига тушганда ва иммунологик система ҳужай-

ралари билан учрашганды антигенлик хоссаси намоён бўлади.

Антигенлар специфик хоссага эга, яъни улар фақат ўзига мос антителолар билан ўзаро реакцияга киришади. Бунинг асосида организмнинг ички муҳити доимийлигини сақловчи механизм ётади. Бу доимийликни иммунологик система таъминлаб туради. Иммунологик система ички муҳитига кирган бегона моддалар микроорганизмлар, уларнинг заҳарларидан ўзига мосини танлаб олади ва уларни йўқотади. Инсоннинг иммунологик системаси доимо иммунологик назоратда туради. У бегона моддаларни барча ҳужайралар ичидаги гени ўзгача бўлса ҳам жуда яхши ажратади.

Антигенлар бир-биридан моддалар тузилишидаги муносабатига қараб фарқланади — бу спецификациядир. Бу антиген дентерминанти бўлиб ҳисобланади, яъни антигеннинг кичик молекула қисмини антитело билан бирекнишидир. Бундай қисмларнинг сони турли антигенларда турличадир ва антитело молекуласини кўрсатади. Антигенлар таъсирида ҳосил бўлган антителолар билан ўзаро реакцияга кириш хоссаси амалиётда кенг қўлланилади: 1) касалликларга ташхис (диагноз) қўйинида (бемор қон зардобларидаги специфик антитело ёки специфик қўзғатувчини аниқлашда); 2) юқумли касалликларнинг олдини олишда ва даволашда (иммунотерапия ёрдамида қатор касаллик қўзғатувчилари ёки уларнинг заҳарларини нейтрализация қилиш, организмда микроб ёки токсинга берилмаслик хоссасини ҳосил қилиш) қўлланилади.

Иммунологик система «мос» ва «бегона» антигенларни аниқ фарқлашади, асосан у бегона антигеннинг сезади. Лекин хусусий антигенларга (лутаантigen) организмнинг сезувчанлиги ортади ва бу антигенларга нисбатан антитело (аутоантитело) ҳосил бўлади. Ҳаёт давомида иммун система билан контактда бўлмаган ҳужайралар, моддалар (кўз гавҳари, сперматозоидлар, қалқонсимон без ва бошқалар), аутоантigen бўлиб қолади. Улар иммун система билан жароҳат олган ҳолларда, қонга сўрилганда алоқада бўладилар.

Аутоантитело ҳосил бўлиши натижасида аутоиммун касалликлар келиб чиқини мумкин: 1) аутоантитело ўзига мос аъзо ҳужайрасига тўғридан-тўғри цитотоксик таъсири кўрсатади (масалан, Хасимото буқоғи—қалқонсимон безнинг шинкастланиши), 2) аутоантigen—аутоантитело комплексининг бевосита таъсири жароҳатлаган аъзода йигилади ва жароҳатлади (масалан, қизил тер сили системаси, ревматоид артрит).

**Микроорганизмларнинг антигенлари.** Микроб ҳужайраси ўзида кўп миқдорда антиген сақтайди, улар ҳужайрада турлича жойлашади ва инфекцион жараён юзага келишида кўтта аҳамиятга эга. Турли микроорганизм гуруҳида антигенлар турли хил таркибда учрайди. Ичак таёқасида О—, К—, II-антигенлари яхши ўрганилган.

**О-антиген** микроб ҳужайрасининг ҳужайра деворида боғ-

ланган. У «соматик» антиген деб ҳам аталади, чунки бу антиген танадаги (соме) ҳужайрада сақланади. О-антиген грамманий бактерияларда—мураккаб липополисахаридпротеин комплексидан (эндотоксин) иборат. У термоустабиль бўлиб, спирт ва формалин таъсирида парчаланмайди. Асосий ядро (соче) ва ёнидаги полисахарид занжирдан тузилган. О-антигенларнинг специфиллиги бу занжирнинг тузилиши ва таркибига боғлиқ.

**Қ-антигенлар** (капсула) микроб ҳужайрасининг ҳужайра девори ва капсуласига боғлиқ, шунингдек улар юзаки қобиқ антигени деб ҳам аталади. Қ-антигени О-антигенига нисбатан юза жойлашган. Улар кислотали полисахаридлар ҳисобланади. Қ-антигенининг бир қанча турлари мавжуд: A, B, L ва ҳокозо. Бу антигенлар бир-биридан ҳароратга чидамлилигига кўра фарқланади, A-антигени анча чидамли, L—антигени чидамсизроқ. Юзаки Қ— антигена Vi антигени киради, бу антиген ич терлама ва айрим бошқа ичак бактерияларида учрайди. У 60°C ҳарорат таъсирида парчаланади. Vi антигени микроорганизмнинг вирулентлигига боғлиқ.

**H-антигенлар** (хивчинли) бактерия хивчинида жойлашган. Улар ўзида флагеллин оқсилини сақлайди. Қиздирилганда парчаланади. Формалин билан заарасизлантирилганда ўз хоссанни сақлаб қолади.

**Химояловчи антиген** (протектив) — (лотинча *protecti* — ҳимоя ҳимояга олувчи) қўзғатувчилар таъсирида одам организмидаги ҳосил бўлади. Куйдирги, тоун, бруцеллэз қўзғатувчилари ҳимоя қилувчи антигенин ҳосил қилиш хоссасига эга. Уни жароҳатланган тўқималар суюқлигига аниқлаш мумкин.

Инфекцион касалликларда лаборатория диагностика усулларидан бири патологик материалда антигенларни аниқлаш ҳисобланади. Антигенларни аниқлаш учун турли хил иммунологик реакциялар қўлланилади.

Микроорганизмлар ривожланишида, ўсишида ва бўлиниб кўпайишида уларнинг антигенлари ўзгариши мумкин. Айрим юзаки жойлашган антиген компонентлари эса йўқолади. Бу ҳолат диссоциация деб номланади. Масалан, «S» колонияларнинг «R» колонияларга диссоциацияси мисол бўла олади.

### Назорат учун саволлар

?

1. Иммунитет нима?
2. Иммунитетнинг қандай турларини биласиз?
3. Носпектифик ҳимоя омиллари нима?
4. Фагоцитоз нима?
5. Фагоцитознинг қандай босқичларини биласиз?
6. Тугалланган ва тугалланмаган фагоцитоз деганда нимани тушунасиз?
7. Носпектифик ҳимоя гуморал омиллари нима?
8. Антигенлар нима?

9. Антигенларнинг асосий хоссалари қандай?
10. Микроб ҳужайрасининг қандай антигенларини биласиз?

## АНТИТЕЛО

**Антитело** — антигенлар таъсирида ҳосил бўладиган иммуноглобулин модда, қоннинг специфик оқсилидир.

Одам қон зардобида икки хил оқсил мавжуд: альбуминлар ва глобулинлар. Антителолар асосан антигенлар таъсирида ўзгарган глобулинлар билан боғланади ва улар иммуноглобулини дейилади ( $Ig$ ). Глобулинлар бир хил эмас. Улар орқали электр токи ўtkазилганда гелда ҳаракатланиш тезлигига кўра улар уч фракцияга бўлинади.  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$ . Антителолар глобулинга тааллуқли. Глобулиннинг бу фракцияси электр майдонидаги энг катта тезликда ҳаракатланиш кучига эга.

**Иммуноглобулинлар** молекуляр массаси, ультрацентрифугалангандаги чўкиш тезлиги ва бошқа хоссаларига кўра фарқланади. Бу хоссалари бўйича улар 5 синфга бўлинади:  $IgG$ ,  $IgM$ ,  $IgA$ ,  $IgE$ ,  $IgD$ . Уларнинг барчаси инфекцион касалликларга қарши ҳосил бўладиган иммунитетда катта роль ўйнайди.

**G—иммуноглобулини** ( $IgG$ ) барча одам иммуноглобулинининг 75% ни ташкил этади. Улар иммунитет ҳосил бўлишида фаол иштирок этади. Иммуноглобулинлар орасида ёлғиз у ҳомила орқали ўтиб, ҳомилада пассив иммунитет ҳосил қиласди. Молекуляр массаси ва ультрацентрифугалангандаги чўкиш тезлиги катта эмас.

**M—иммуноглобулини** ( $IgM$ ) ҳомила организми заарланда ёки иммунизация қилингандаги биринчи бўлиб ҳосил бўлади. Бу синфга одамнинг ҳаёти давомида, клиник белгилари намоён бўлмайдиган инфекция ёки кўп маротаба инфекция юқсанда ҳосил бўлган нормал антителолар киради. Молекуляр массаси ва ультрацентрифугалангандаги чўкиш тезлиги юқори.

**A—иммуноглобулини** ( $IgA$ ) шиллиқ секретлари (молозива) сўлак ва бошқалар)га кириш хоссасига эга. Улар микроорганизмларни нафас, меъда-ичак шиллиқ қаватларига киришидан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Молекуляр массаси ва ультрацентрифугалангандаги чўкиш тезлиги  $IgG$  га яқин.

**E — иммуноглобулини** ( $IgE$ ) аллергик реакцияларга жавоб гар ҳисобланади. Маҳаллий иммунитет ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга.

**D—иммуноглобулини** ( $IgD$ ) қон зардобида оз миқдорда аниқланган. Тўлиқ ўрганилмаган.

**Иммуноглобулиннинг тузилиши.** Иммуноглобулин синфи атозоларининг барчаси бир хилда тузилган.  $IgG$  молекуласи соддороқ бўлиб, икки жуфт полипептид занжиридан тузилган. Ҳар бир жуфти молекуляр массасига кўра фарқланувчи оғир ва өнгил занжирлардан иборат. Ҳар қайси занжир антигенлар

таъсирида ҳосил бўладиган ўзгаришлар ва генетик жиҳатдан аниқланган доимий қисмдан иборат. Антителонинг бундай специфик қисмлари фаол марказ деб аталади. Улар антителоларни ҳосил қилган антигенлар билан ўзаро реакцияга киришади. Антитело молекуласидаги фаол марказлар миқдори валентликни кўрсатади — антитело боғланиши мумкин бўлган антиген молекула сони IgG ва IgA — икки валентли, IgM — беш валентлиdir.

**Иммуногенез** — антитело ҳосил бўлиши антигенларнинг дозаси, қисқалиги ва юбориш усулига боғлиқ. Антигенларга нисбатан бирламчи иммун жавобнинг иккита босқичи фарқ қиласди: индуктив — антиген организмга тушганидан то антитело ҳужайралари ҳосил бўлгунича бўлган даврни (20 соатгача) ва продуктив антиген юборилгандан кейинги куннинг охири ва қон зардобида антитело ҳосил бўлиши даврини ўз ичига олади. Антитело миқдори секунд-аста ортиб боради (4 кун), 7—10-кунлари максимал даражага етади ва биринчи ойнинг охирiga бориб камаяди.

Иккиласмчи иммун жавоб антиген қайта юборилганда ҳосил бўлади. Бунда индунктив босқич қисқа — антитело тез ва шиддат билан ишлаб чиқарилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Антитело нима?
- 2. Сиз иммуноглобулинларнинг қандай синфларини биласиз?

### ИММУН ЖАВОБНИНГ ҲУЖАЙРАВИЙ МЕХАНИЗМИ

Организмнинг лимфа ҳужайралари фақатгина микроорганизмлардагина эмас, балки барча генетик жиҳатдан бегона ҳужайраларда иммунитет ҳосил бўлишида асосий функцияни бажаради. Масалан, тўқима кўчириб ўтказилганда лимфа ҳужайралари ўзиникини бегонадан фарқлаш ва бегонани йўқотиш хосасига эга.

Барча ҳужайралар иммунологик системасининг бошланиши — қон юрадиган танага оид ҳужайралар ҳисобланади. Кейинчалик икки турдаги лимфоцитлар ҳосил бўлади. Т- ва В- (тимустоби ва бурсатоби). Бу ҳужайраларнинг номланиши уларнинг келиб чиқишига боғлиқ. Т-ҳужайралар тимусда (қалқонсимон ёки айрисимон безда) ва перифирик лимфа тўқималарида тимусни ажратадиган моддалар таъсирида ҳосил бўлади.

В-лимфоцитларнинг номланиши (бурсатобе) «бурса» — сумка сўзидан олинган. Фабрициус қуш сумкасида ва одам В-лимфоцитида ҳосил бўладиган ҳужайралар бир-бирига ўхшаш. Лекин одамда Фабрициус сумкасига ўхшаш аъзо аниқланмаган.

В-лимфоцитлар бир неча босқичлардан ўтиб, плазма ҳужай-

раларини ҳосил қиласынан лимфоцитларга айланади. Плазма ұжайраларнан антителоларни ҳосил қиласы да шу антитело юзесінде учта иммуноглобулинлар синфи жойлашады: LqC, LqM, LqA.

Максус антитело маңсулотининг иммунологик жавоби қүйнедегі бүләди: бегона антиген организмге кирганды биринчи бүлиб макрофаглар томонидан фагоцитозға учрайди. Макрофаглар ўз үзасыда антигенларни қайта ишлаб да жамғарып ү ұқыда Т-ұжайраларга маълумот беради. Улар етила боштайли, бүлиниб күпаяди да В-лимфоцитлар антитело маңсулотларига кируди гуморал омилларни ажратади. Охиргилари ҳам плазма ұжайрасыда етилади да ривожланади, мос антителоларни синтезлайди.

Макрофаглар, Т- да В- лимфоцитларнинг бирлашган кучлары организмнинг иммунологик функциясини бажаради—бегона генетик моддалардан, шу қатори қоюмли касаллик құзғатувчилардан ҳимоя қиласы. Антитело ёрдамида ҳимоя шундай бажарылады: антигенга синтезланған иммуноглобулинлар антигенлар билан бирикады, уларни парчаланишга да турли хил табиий механизмлар: фагоцитлар, комплемент да бошқалар ёрдамида заарасызлантиришга сезувчан қилиб қўяди.

### Назорат учун саволлар

- ?
1. Иммунологик жавобда макрофагларнинг роли қандай?
  2. Иммунологик жавобда Т-лимфоцитларнинг роли қандай?
  3. Иммунологик жавобда В-лимфоцитларнинг роли қандай?

**Антиген ва антителоларнинг таъсир этиш механизми** — турли хил изохларга эга. Эрлих уларни кучли кислота да кучли ишқорлар бирикиши натижасыда янги модда — туз ҳосил бўлиш реакциясига ўхшатган.

Бордэ антиген ва антителолар бўёқ ҳамда фильтр қоғоз ёки йод ва крахмалга ўхшаш ўз-ўзини ўзаро адсорбциялайди деб ҳисоблади. Лекин бу назарияни максус иммунологик реакциялар асосида тушунтира олмайди.

Антиген ва антителонинг бирикиш механизмини Маррек (панжара назарияси) ва Полинглар (ферма назарияси) гипотезаларida тўлиқроқ тушунтириб бердилар. Маррек антиген ва антитело бирикишини панжарага ўхшатади, антиген антитело билан алмашиб конгломерат (аралаш-қуралаш) панжарани ҳосил қиласы Полинг гипотезасига кўра, антителолар икки валентликка эга (икки специфик детерминат), антиген эса поливалент бўлиб бир қанча валентликка эга. Антиген ва антитело

бирикканда «ферма» қурылышини эслатувчи агломератни ҳосил қиласы.

Антиген ва антитело оптимал нисбатда қуролланмаган, күз билан күриб бўладиган мустаҳкам комплексни ҳосил қиласы. Антиген кўп бўлса, ҳар қайси антителонинг фаол маркази антиген молекуласи билан тўлади, бошқа антигенлар молекуласи билан бирикиши учун антитело етишмайди ва майда, қуролланмаган кўз билан кўриб бўлмайдиган комплексни ҳосил қиласы. Антитело кўп бўлганда панжара ҳосил қилиш учун антиген етишмайди, антитело детерминантлари ва намоён бўладиган реакция ҳам бўлмайди.

Баён қилинган назарияга кўра, антиген ва антителоларниң специфик реакциялари бугунда антиген ва антителоларниң фаол марказ—детерминант гурӯҳи ўзаро таъсир этувчи сифатида танилди, чунки антителолар антигенлар таъсирида ҳосил бўлади, уларниң тузилиши антиген детерминант гурӯҳига мослир. Антиген детерминант гурӯҳи ва антитело фаол марказ бўлгаги қарама-қарши электр зарядига эга ва улар бирикиб комплекс ҳосил қиласы. Бу комплекснинг мустаҳкамлиги уларга таъсир этувчи муҳит ва компонентлар нисбатига боғлиқ.

**Иммунитет ҳақида назария** — иммунология кейинги ўн йилларда катта ютуқларга эришди. Кўпгина юқумли касалликларниң олдини олиш, инфекцион ва қатор бошқа (автоиммун, иммунотанқислик) касалликларни даволаш, резус тўқнашув вазиятларда ҳомила ўлими олдини олиш, тўқима ва аъзоларни кўчириб ўтказиш, диагностика мақсадида иммунитет реакцияларни қўллаш усуслари ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди.

### ИММУНИТЕТ РЕАКЦИЯЛАРИ

Бу тирик организм ва лаборатория шароитида ҳосил қилиниши мумкин бўлган, антиген ва антителолар ёки антиген ва сенсибилизацияланган лимфоцитлар орасида борадиган реакциядир. Юқумли касалликларга ташҳис қўйиншда амалиётда иммунитет реакциялари XIX асрнинг охiri ва XX асрнинг бошларидаги қўлланила бошлади. Юқори сезувчанлик (жуда катта суюлтириш даражасида ҳам антигенларни ушлаб олиш) ва ўта специфик (тузилишига кўра яқин антигенларни фарқлаш имконига эга)лиги сабабли улар тиббиёт ва биологияда амалий ва назарий саволларниң ечимида ўз кўламини топди. Бу реакциядан иммунологлар, микробиологлар, инфекционистлар, биохимиклар, генетиклар, молекуляр биологлар ва турли соҳа шифокорлари фойдаланадилар.

Антиген ва антитело орасидаги реакция серологик (лотинча serum — зардоб) ёки гуморал реакция (humor — суюқлик) дейилади, чунки уларда шитирок этадиган антитело (иммуноглобулин) қон зардобида учрайди.

Сенсибилизацияланган лимфоцитлар билан антигенлар орасидаги реакция ұжайравий реакция дейнілади.

### Назорат учун саволлар

- ?
1. Антителолар қандай ҳосил бўлади?
  2. Антителолар ҳосил бўладиган қандай назарияларни биласиз?
  3. Антиген ва антителонинг ўзаро таъсир механизми қандай?

### СЕРОЛОГИК РЕАКЦИЯЛАР

**Серологик реакция** — антиген ва антитело орасидаги ўзаро таъсир реакцияси бўлиб, иккита босқичда ўтади: 1-босқич специфик антиген ва унга мос антителолар комплексининг ҳосил бўлиши. Бу босқичда кўзга кўринарли ўзгаришлар содир бўлмайди, лекин ҳосил бўлган комплекс муҳитдаги носпецифик омилларга (электролитлар, комилемент, фагоцит) сезгир бўлиб қолади. 2-босқич — носпецифик босқич. Бу босқичда антиген ва антителоларнинг специфик комплекси муҳитдги носпецифик омиллар билан ўзаро таъсиротга ўтади, натижада реакция содир бўлади. Уларнинг ўзаро таъсиротини оддий кўз билан ҳам (ёпишиш, эриш ва бошқалар) кўриш мумкин. Айрим ҳолларда бу кўзга кўринадиган ўзгаришлар содир бўлмайди.

Серологик реакциялардаги босқичларнинг кўриниш хусусияти антиген ва муҳит шароитининг тузилишига боғлиқ, унинг антитело билан ўзаро таъсири юзага келади. Агглютинация, преципитация, иммун лизиси, комилемент боғланиш реакцияси ва бошқа реакциялар мавжуд (11-жадвал).

11-жадвал

#### Серологик реакцияда иштирок этадиган компонент ва унинг муҳит шароитига боғлиқлиги

Антитело бўлганда содир бўладиган реакциялар	Антиген ва антителоларниш ўзаро таъсироти	Реакциянинг носпецифик компонентлари
Агглютинация Гемагглютинация Преципитация	Бактериялар Эритроцитлар Оқсиллар, аъзо ва тўқима экстрактлари, лизат, гантенлар	Электролитлар (изотоник эритма) Электролит (изотоник эритма)
Иммун лизиси: бактериополизис гемолиз цитолизис Комилемент боғланиш реакцияси	Бактериялар, эритроцитлар, бошқа ҳужайралар Гантен, экстрат, лизат, тўла антигенилар, ҳужайралар	Комилемент
Пейтрализация Фагоцитоз	Токсинлар, вируслар Бактерия	Электролитлар Фагоцитлар

## СЕРОЛОГИК РЕАКЦИЯНИНГ ҚҰЛЛАНИЛИШІ

Іюқумли касалліклар диагностикасыда серологик реакциялар құлланади. Улардан: 1) бемор қон зардобида антителоларни аниқлаш учин, яъни серодиагностикада, 2) антигеннинг түрини аниқлаш, масалан, бемор организмидан ажратиб олинган микроорганизмларни аниқлашда, яъни уларнинг идентификациясида фойдаланилади (12-жадвал).

Бунда номағым компонент мағым компонент ёрдамида аниқланади. Масалан, бемор қон зардобидаги номағым компоненттерінің антителони аниқлаш учин мағым лаборатория күлтурасыдан (антисыворотка) фойдаланилади. Агар зардоб у билан реакцияга киришса, демек зардоб шу құзғатувчига мөс антителони сақлады, бу құзғатувчи бемор организмінде касаллук келтириб чиқарған деган холосага келиш мүмкін.

Қайси микроорганизм ажратиб олинғанligини билиш учин мағым диагностик (иммун) зардоб билан реакцияга қўйиб текшириш лозим. Агар реакция мусбат бўлса, микроорганизм иммун зардобига мөс ҳисобланади.

12-жадвал

### Серологик реакцияларнинг құлланылышы

Текширишдан мақсад	Антисыворотка	Антитело	Реакциянинг мусбат нәтижасы
Антителони аниқлаш (серодиагностика)	Мағым (диагностикум)	Беморнинг қон зардоби	Мағым антигенге нисбатан бемор қон зардобида антитело бор
Антисыворотка аниқлаш (идентификация)	Номағым	Иммун (диагностик зардоб)	Үрганилаётган антиген иммунланган зардобга мөс.

Серологик реакциялар илмий текширишларда ва шунингдек зардобнинг фаолигини (титрини) аниқлашда құлланылади. Серологик реакцияни олиб бориш алоҳида тайёргарликни талаб қылади.

Серологик реакцияни қўйиш учин идишлар қуруқ ва тоза бўлиши лозим. Пробиркалар (бактериологик, агглютинация, преципитация ва центрифуга пробиркалари), Пастер ва даражаланган турли хил пипеткалар, колбалар, цилиндрлар, буюм ва ёпқич ойначалар, Петри косачаси, ботик пластмассали пластиналар құлланылади.

Асбоб ва ускуналар: қовузлоқ, штатив, лупа, агглютиноскоп, термостат, музлатгич, центрифуга, тарози ва тошлари.

Материаллар: антителолар (иммун ва текширилаётган зардоб), антигенлар (микроорганизмлар күлтурасы, диагностикум-

лар, экстратлар, лизатлар, гантейлар, эритроцитлар, тоқсиллар), комилемент, патрий хлориднинг изотоник эритмаси.

Зардблар—беморниң қоң зардоби. Зардоб касалликнинг иккинчи ҳафтасида антитело ҳосил бўлганда олинади, айрим ҳолларда реконвалесцент (тузалаётган bemor) ва касалланиб ўтган одам қоң зардобидан фойдаланилади.

Кўпинча қоң зардобини олиш учун қоң венадан 3—5 мл миқдорида стерил пробиркага олинади ва лабораторияга йўлланма билан жўнатилади. Йўлланмада bemorниң фамилияси, исми, сана ва тахминий ташхиси ёзилиши лозим.

Қоң оч қоринга ёки овқатланилган бўлса 6 соатдан кейин олиниши керак. Овқатлангандан сўнг қоң зардобида ёғ томчилари сақланиши мумкин, бу зардобни хиралаштиради ва текширишга яроқсиз қилиб қўяди (бундай қоң зардоби хилез—занфлашган зардоб дейилади).

**Диққат!** Қоң олинаётганда асептика қондаларнга риоя қилиш лозим!

Қоң зардобини олиш учун қоң 1 соатга хона ҳароратида ёки термостатда ( $37^{\circ}\text{C}$ , 30 дақиқага) қуйилishi учун қолдириллади,

**Диққат!** Зардобни термостатда 30 дақиқадан ортиқ ушлаш мумкин эмас, чунки гемолиз содир бўлиши мумкин, бу текширишга тўсқинлик қиласди.

Ҳосил бўлган қоннинг қуюқ қисми Пастер пипеткаси ёки қовузлоқ ёрдамида пробирка деворидан олиб ташланади. Пробиркани музлатгичга маълум вақтга (1 соатга, 48 соатдан ошмаслиги керак) қуюқ қисмидан зардобни тўлиқ ажратиб олиш учун қолдириллади. Сўнгра зардоб Пастер пипеткаси ёрдамида алоҳида идишга ажратиб олинади.

Зардобга қоң элементлари қўшилиб кетмаслиги учун уни жуда эҳтиётлик билан ажратиб олиш лозим. Зардоб жуда тиниқ бўлиши зарур. Хира зардблар тиндирилгандан сўнг ажратиб олинади. Центрифугалаш ёрдамида ҳам зардобни қоң элементларидан ажратиб олиш мумкин. Зардоб олиш учун қоң бармоқ ёки қулоқ тугмачасини тешиб Пастер пипеткасида олинади. Эмизикили болалардан қоң Усимон товои орқа кесилмасидан олинади.

Пастер пипеткасидан фойдаланилганда қоң тешилган жойдан пипетка ёрдамида олинади. Пипетканинг уни кавшарланади. Пипетка учини пастга қилиб пробиркага жойлаштириллади. Унинг уни синмаслиги учун пробиркага кичик пахта бўлаги солиб қўйиллади. Пробирка йўлланма билан лабораторияга жўнатилади.

Иммун зардблари маълум схема асосида мос антигенлар (вакцина) билан эмланган одам ва ҳайвон (кўпинча қуён ва отлар) қонидан олинади. Олинган зардбода унинг фаоллиги (титри), яъни маълум тажриба шароитида мос антигенга уларнинг энг юқори суюлтириш даражасидаги сезувчанлиги аниқланади.

Зардоблар қон ишлаб чиқариш корхоналарыда тайёрланила-ди. Улар ампулаларга қойилади, ампулаларда уларнинг номи ва титри кўрсатилади. Кўни ҳолларда зардоблар қутилилади. Қуруқ зардоб ишлатишдан олдин дистилланган сувда олдинги ҳажмига етгунча (бу ҳажм кўрсатилган) суюлтирилади. Барча қуюқ диагностик препаратлар 4—10°C ҳароратда сақланади.

Серологик текшириш учун адсорбцияланган ва натив (ад-сорбцияланмаган) иммун зардоблардан фойдаланилади. Натив зардбларнинг камчилиги шундан иборатки, уларда гуруҳ антителолари, яъни микроорганизмлар учун умумий антигенга эга бўлган антителолар мавжуд. Бундай антигенлар эса бир гурухга, авлодга, оиласа мансуб микроблардагина учрайди. Адсорбцияланган зардоблар ўта специфиллиги билан фарқланади; улар фақат гомологик (ўзига мос) антигенларгагина сезувчандир. Антителолар бегона антигенларга (гетерогенлар) адсорбцияси йироқлашган. Адсорбцияланган зардобра антителоларнинг титри жуда паст (1:40, 1:320), шунинг учун улар суюлтирилмайди.

### АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ

Агглютинация реакцияси деб — мос антитело таъсирида антигенлар микроб ёки ҳужайраларнинг бир-бирига ёпишиб физиологик эритмада чўкмага тушишига айтилади. Ҳосил бўлган чўкма агглютинат деб аталади. Реакция қўйиш учун қуидилар керак бўлади:

1. Антителолар (агглютининлар) бемор қон зардоби ёки иммунологик зардоб.
2. Антиген — ўлик ёки тирик микроорганизмлар, эритроцитлар ёки бошқа ҳужайралар.
3. Физиологик эритма.

Серодиагностикада агглютинация реакцияси ич терлама, патриф (Видаль реакцияси), бруцеллёз (Райта реакцияси) ва бошқа касаллкларда кенг қўлланилади. Бунда антитело бемор қон зардоби, антиген эса маълум микроб культураси ҳисобланади.

Микроб ёки бошқа ҳужайралар идентификациясида антиген бўлиб номаълум микроб культураси, антитело бўлиб маълум иммун зардоби қўлланилади. Бу реакция ичак инфекциялари, кўйкўтал ва бошқа касалликлар диагностикасида қўлланилади.

Ингредиентларни тайёрлаш: 1) зардобни ажратиб олиш (юқорида айтиб ўтилганидек); 2) антигенни тайёрлаш. Тирик микроб аралашмаси гомоген бўлиши лозим ва лойқаланиш оптималь стандартга (1 мл да тахминан 30 бирликда) тўғри келиши керак. Уни тайёрлаш учун 24 соатли қийшиқ агарда ўстирилган культура қўлланилади. Бу культурага 3—4 мл стерил физиологик эритма қўйиб культура ювилади, алоҳида стерил идишга ажратиб олинади, стандартга солиширилади, агар ке рак бўлса суюлтирилади.

Ұлк микроб аралашмасыннинг диагностикумнинг құлланилиши шни анча енгиллаштиради ва уни хавфсиз қиласы. Асосан ишлаб чиқарыш корхоналарида тайёрланған диагностикумлардан фойдаланылади.

Реакция икки усулда олиб борилади: тахминий агглютинация реакцияси — буюм ойналасыда олиб борилади ва кенгайтирилген ҳажм агглютинация реакцияси (пробиркаларда олиб борилади).

Тахминий агглютинация реакцияси. Еңсизлантирилген буюм ойналасыга 2 томчи специфик (адсорбцияланған) зардоб ва бир томчи физиологик эритма томизилади. Адсорбцияланмаган зардоб тахминан 1:5—1:25 га суюлтирилади. Томчилар орасыда оралиқ бўлиши шарт. Буюм ойналасыда қандай томчи қаерда эканлиги қалам билан белгиланади. Микроб культурасы зардобнинг битта томчиси ва физиологик эритма билан бактериологик қовузлоқ ёки пипеттада гомоген аралашма ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Культура томизилмаган зардоб контроль зардobi ҳисобланади.

**Диқат!** Культурани зардобдан физиологик эритма томчини ўтказиш мумкин эмас, чунки физиологик эритма томчини контроль антиген бўлиб ҳисобланади.

Реакция хона ҳароратида 1—3 дақиқа ичиде ўтади: Контроль зардоб тиниқ, контроль антиген хира, бир хилда лойқаланган бўлиши керак. Культура ва зардоб томизилган томчимизда чўкма ҳосил бўлса реакция мусбат дейилади. Агар микроб культурамиз танаси билан ёпишган бўлса майда донадор чўкма, агар хивчинлари билан ёпишган бўлса, йирик донадор чўкма ҳосил бўлади. Агар реакция манфий бўлса, худди контроль антигенга ўхшаш бир хилда лойқаланиш ҳосил бўлади.

Реакция натижаси қоронғи фонда кесиб ўтувчи ёруғликда аниқ кўринади. Уни ўрганишда лупадан ҳам фойдаланиш мумкин.

### КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲАЖМДАГИ АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ

Бемордан қон олиб юқорида айтиб ўтилганидек зардobi ажратиб олинади. Қон зардobi 1:50 дан 1:1600 гача суюлтирилади. Агглютинацияловчи зардобнинг титри деб, гомологик ҳужайраларни агглютинацияга учратувчи энг юқори суюлтириш даражасыга айтилади.

**Зардобни суюлтириш:** 1) штативга керакли ҳажмдаги, баландлиги ва туби бир хил бўлган пробиркалар қўйиб чиқилади.

2) барча пробиркаларга суюлтириш даражалари ёзилади. 1-пробиркага тажриба номери ёки антигеннинг номи ёзилади. Иккита контроль пробиркага «К3»—контрол зардоб ва «КА»—контрол антиген деб ёзилади;

3) барча пробиркаларга 1 мл дан физиологик эритма солинади;

4) алохидә пробиркада ішчі әрітма тайёрлаб олинади. Масалан, 1:50 суюлтириш учун пробиркага 4,9 мл физиологик әрітма ва 0,1 мл зардоб солинади. Пробиркага албатта суюлтириши диаражаси ёзилиши шарт. Ишчи әрітмасидан 1 мл дан олиб биринчи ва контролъ зардоб пробиркасига солинади.

5) қолган пробиркаларда ҳам зардоб суюлтириб чиқылади. Қандай суюлтириш 13-жадвалда берилған.

13-жадвал

**Көнгайтирилған ҳажмдаги агглютинация реакциясын үчүн зардобни суюлтириши**

Ингредиентлар мл да	Пробиркалар							
	тақыра беттерде							
	1	2	3	4	5	Зардоб	Антigen	
Физиологик әрітма	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	
1:50 зардоб	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	
	Зардобни суюлтириш даражаси							
	1:100	1:200	1:400	1:800	1:1600	1:100		

**Эслатма!** Күрсатылған стрелкалар суюқликни пробиркадан пробиркага қуилишини белгилайды. Суюқлик 5-пробиркадан 1 мл олиб дезинфекцияловчи моддага қуилади.

**Диққат!** Барча пробиркалардаги суюқликнинг ҳажми бир хил бўлиши лозим.

Зардоб суюлтириб бўлингандан кейин контролъ зардоб пробиркасидан ташқари барчасига 1—2 томчидан диагностикум ёки янги тайёрланган микроб аралашмаси (антigen) солиб чиқылади. Бунда пробиркаларда бир оз лойқаланиши содир бўлиши керак. Контрол зардоб тиниқ қолади.

Пробиркалар яхшилаб аралаштирилади ва термостатга 37°C ҳароратда 18—24 соатга қолдирилади. Тахминий натижани 2 соатдан сўнг ўқиш мумкин.

Натика ҳамма вақтдагидек контрол пробиркалардан бошлиб ўқилади. Контрол зардоб тиниқ, контрол антиген лойқаланган бўлиши керак. Пробиркаларни қоронғу фонда кесиб ўтувчи ёргулника, лупа ёки агглютиноскопда ўрганиш мумкин.

Агар реакция мусбат бўлса, донадор чўкма ҳосил бўлади. Агглютинат секин-аста «зонтиксимон» бўлиб пробирка тубига чўқади, чўкма устидаги суюқлик тиниқлашади. Йирик ёки донадор чўкмалигини аниқлаш учун пробиркадаги суюқликни бир оз чайқатиш лозим.

Реакциянинг интенсивлиги қуйидагича белгиланади:

+++ барча ҳужайралар чўкмага тушган, суюқлик тиниқ бўлса, реакция ўта мусбат дейилади.

+++ чўкма камроқ, суюқлік тиниқ бўлмаса, реакция мусбат дейилади.

++ чўкма янада камроқ, суюқлик эса хира бўлса, реакция кучсиз мусбат дейилади.

+ Оз миқдорда чўкма бўлиб, суюқлик хира, лойқа бўлса реакция шубҳали ҳисобланади.

З чўкма йўқ, суюқлик бир хилда лойқаланган, контрол антigenга ўхшаш бўлса реакция манфий дейилади.

### Назорат учун саволлар

?

1. Иммунитет реакциялари деб нимага айтилади?
2. Серологик реакцияларда қандай компонентлар иштирок этади?
3. Агглютинация реакцияси деб нимага айтилади?
4. Агглютинация реакциясини қўйиш техникаси қандай?
5. Диагностикум нима?
6. Қачон майда ва йирик донадор чўкмалар ҳосил бўлади?

### ГЕМАГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ

Лаборатория амалиётида таъсири турли хилдаги иккита гемагглютинация реакцияси қўлланилади.

**Биринчи гемагглютинация реакцияси** серологик реакцияга киради. Бу реакцияда эритроцитлар мос антителолар билан агглютинацияга учрайди (гемагглютинация). Бу реакция қон гурухини аниқлашда кенг қўлланилади.

**Иккинчи гемагглютинация реакцияси** серологик реакция ҳисобланмайди. Бунда эритроцитларга антителолар эмас, вируслар ҳосил қиласидиган моддалар таъсир этади. Масалан, грипп вируси товуқ эритроцитларини ва денгиз чўчқачаларининг эритроцитларини, полиомелит вируси — қўй эритроцитларини агглютинациялади; Бу реакцияда текширилаётган материалда у ёки бу вируснинг борлиги аниқланади.

**Реакция қўйиш техникаси.** Реакция пробиркаларда ёки махсус ботик пластинкаларда олиб борилади. Вирус борлиги аниқланмоқчи бўлган материал 1:10 дан 1:1280 гача физиологик эритмада суюлтирилади. Хар бир суюлтириш аралашмасидан 0,5 мл олиб 0,5 мл 1—2% эритроцит осилмаси билан аралаштирилади. Контрол пробиркада 0,5 мл эритроцит осилмаси 0,5 мл физиологик эритма билан аралаштирилади. Пробиркаларни термостатда 30 дақиқага, пластинканни хона ҳароратида 45 дақиқага қолдирилади.

**Натижани ўқиш.** Реакция мусбат бўлса, пробирка ёки пластинка тубида қиррали «зонтиксимон» чўкма ҳосил бўлади. Реакция манфий бўлса четлари текис «тумасимон» чўкма ҳосил бўлади. Шундай чўкма контрол пробиркада ҳам бўлиши лозим.

## ТОРМОЗЛАҢГАН ГЕМАГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСЫ

Бу серологик реакция бўлиб, специфик вирусларга қарши антитело вирус билан ўзаро таъсирга ўтиб (антigen) уни нейтраллайди, эритроцитлар агглютинациялаш хоссасини йўқотади, яъни гемагглютинация реакциясини тормозлайди. Тормозланган гемагглютинация реакциясининг (РТГА) ни юқори спецификлиги ёрдамида вируснинг турини аниқлашга имкон туғилади.

**Реакцияни қўйиш техникаси.** 0,25 мл вирусга қарши зардоб кетма-кет икки марта 1:10 дан 1:2560 гача суюлтирилиб, тенг ҳажмда вирус сақловчи текшириш материали билан аралаштирилади, у гемагглютинация реакциясида аниқланган титридан 4 марта кам бўлади. Аралашмани чайқатиб термостатда 30 дақиқага қолдирилади, сўнгра 0,5 мл дан 1—2% ли эритроцит осилмасидан солиб чиқилади. Реакция учта назорат билан кузатилади. (14-жадвал).

**Натижани ўқиш.** Натижা термостатда 30 дақиқа ёки хона ҳароратида 45 дақиқа ушлангандан сўнг ўқилади. Реакция тўғри қўйилган бўлса контрол зардоб ва эритроцитларда тугмасимон чўкма — эритроцитлар агглютинацияга учрамайди, контрол антигенда зонтиксимон чўкма — вирус эритроцитларни агглютинацияга учратади. Тажрибамиздаги эритмада зардоб ўрганилаётган вирусга мос бўлса тугмасимон чўкма — зардоб ҳосил бўлади яъни вирусни нейтраллаган бўлади. Зардоб титри — бу гемагглютинацияни тормозлашни содир қилган энг юқори суюлтириш даражасидир.

14-жадвал

### Тормозланган гемагглютинация реакциясини назорат қилиш

Ингредиентлар, мл	Пробиркалар		
	Назорат		
	Зардоб	Антиген	Эритроцит-лар
Зардоб 1:10	0,25	—	—
4 марта суюлтирилган вирус титри	—	0,25	—
Физиологик эритма	0,25	0,25	0,5

Термостатда 37°C да 30 дақиқа ушланади.

1—2% эритроцит осилмаси	0,5	0,5	0,5
-------------------------	-----	-----	-----

## БИЛВОСИТА ГЕМАГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ

Билвосита (пассив) гемагглютинация реакцияси эритроциттар юзасида эрувчан антиген адсорбция қилинганда, адсорбцияланган антиген билан антителолар ўзаро таъсир этганда агглютинация хоссасини қабул қилишига асосланган. Билвосита гемагглютинация реакцияси кўпгина юқумли касалликларга ташхис қўйишда қўлланилади.

**Реакция қўйиш.** Текширилаётган зардоб 30 дақиқа давомида 56°C ҳароратда қиздирилади, 1:10—1:1280 гача суюлтирилади ва 0,25 м.л ли пробиркаларга ёки пластинкаларга солинади, уларга 2 томчидан эритроциттар диагностикум (эритроцитларга антигенлар адсорбцияланган) солиб чиқилади.

Контрол пробиркаларга: 1) эритроцит осилмаси диагностикуми билан иммун зардоб; 2) диагностикум аралашмаси билан нормал зардоб; 3) нормал эритроциттар аралашмаси текширилаётган зардоб. Биринчи контролда агглютинация содир бўлиши лозим, иккинчи ва учинчи контролда агглютинация бўлмаслиги керак.

Билвосита гемагглютинация реакцияси ёрдамида номаълум антигенини аниқлаш мумкин, бунда эритроцитлар маълум антителони адсорбциялаши лозим.

Гемагглютинация реакциясини 0,025 м.л (микро усул) ҳажмада ҳам олиб бориш мумкин, бунда микротитраторлардан фойдаланилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Гемагглютинация реакцияси деб нимага айтилади?
- 2. Гемагглютинация реакциясини қачон мусбат ва манифий дея оласиз?
- 3. Тормозланган ва эгри гемагглютинация реакцияларининг механизми қандай?
- 1. Бу реакциялар қандай мақсадларда қўлланилади?

## ПРЕЦИПИТАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ

Эрувчан антиген (лизат, экстрат, гаптен) ва мос антителоларни физиологик эритмада чўкма ёки ҳалқа ҳосил қилиш реакциясига преципитация реакцияси дейилади.

Реакция натижасида ҳосил бўлган лойқасимон ҳалқа ёки чўкма преципитат дейилади. Бу реакция агглютинация реакциясидан антиген бўлакчаларининг ҳажмига кўра фарқланади.

**Преципитация реакцияси** қатор юқумли касалликлар (куйдирги, менингит ва бошқалар) диагностикасида антигенини аниқлаши учун: тиббиёт судидаги турли оқсили, қон, сперма ва бошқа додларнинг табиятини (хилтини) аниқлашида, санитария гигиена текширувларида — озиқ-овқат маҳсулотларининг сохталигини

текширишда құлланилади. Реакция қўйиш учун қўйидагилар керак бўлади:

1. **Антитело** — (преципитинлар) — юқори антитело титри билан иммун зардоби ( $1:100000$  дан кам бўлмаслиги керак). Асосан суюлтирилган зардоб қўлланилади.
2. **Антиген** — эрувчан оқсил моддалар ёки липоид-полисахарид табиятли (тўла қимматли антигенлар ва гаптенлар).
3. **Физиологик эритма.**

Преципитация реакцияси икки усулда олиб борилади: ҳалқа преципитация реакцияси ва агардаги (геле) преципитация реакцияси.

**Диққат!** Преципитация реакциясида иштирок этадиган компонентларнинг барчаси тиниқ бўлиши лозим.

**Ҳалқа преципитация реакцияси.** Преципитация пробиркасига Пастер пипеткаси ёрдамида  $0,2-0,3$  мл (5—6 томчи) зардоб пробирка деворига теккизилмасдан солинади. Зардобнинг устига пробирка деворидан эҳтиётлик билан тенг ҳажмда антиген юборилади. Бунда пробирка бироз кийшайтирилган ҳолда ушланади. Агар тўғри қаватланган бўлса зардоб ва антиген орасида аниқ чегара ҳосил бўлади. Аралашиб кетмаслиги учун пробирка эҳтиётлик билан штативга қўйилади. Антиген ва антитело чегарасида лойқасимон «ҳалқа»—преципитат ҳосил бўлса, реакция мусбат дейилади.

Реакция контрол пробиркалар билан биргаликда олиб борилади. Реакция ингредиентларини тартиб билан солиш катта аҳамиятга эга. Зардобни антигенга, контролда физиологик эритмага қаватлантириш мумкин эмас, чунки зардобнинг нисбий зичлиги юқори, у пробирка тубига чўкади ва суюқликлар орасида чегара бўлмайди. (15-жадвал).

#### 15-жадвал

#### Ҳалқа преципитация реакциясини қўйиш

Ингредиентлар мл	Пробиркалар				
	Тажриба контрол				
	1	2	3	4	5
Иммун зардоби	0,3	0,3	0,3	0,3	—
Нормал зардоб	—	—	—	—	0,3
Текширилаётган антиген	0,3	—	—	—	0,3
Иммун зардобига мос антиген	—	0,3	—	—	—
Бегона антиген	—	—	0,3	—	—
Физиологик эритма	—	—	—	0,3	—
Натижা	Еки	+	—	—	—

Эслатма: «+ «ҳалқа» ҳосил бўлади, — «ҳалқа» ҳосил бўлмайди.

Натижани 5—30-дақиқадан сўнг, айрим ҳолларда бир соатдан сўнг контрол пробиркалардан бошлаб ўқилади.

Иккинчи пробиркадаги «ҳалқа» иммун зардобини мос антиген билан реакцияга кириш хусусияти борлигидан далолат беради. 3—5 пробиркаларда «ҳалқа» бўлиши мумкин эмас, чунки у ерда мос антиген ва антителолар йўқ. Биринчи пробиркадаги «ҳалқа» — реакциянинг мусбат натижаси — текшираётган антигенни олинган иммун зардобига мос эканлигини билдиради, «ҳалқа»нинг йўқлиги (фақат 2-пробиркада «ҳалқа» бўлиши) текшираётган антигенни олинган иммун зардобига мос келмаслигини билдиради — реакция манфий бўлади.

**Агардаги преципитация реакцияси (гели).** Бу реакцияда антиген ва антителоларнинг ўзаро таъсири зич озиқа муҳитида юзага келади, яъни гелида реакция мусбат бўлса антиген антитело орасида хира мўйловча ҳосил бўлади. Мўйловчанинг бўлмаслиги антиген ва антителонинг бир-бирига мос келмаганингидан далолат беради. Бу реакция тиббий биологик текширишларда, яъни бўғма қўзгатувчисининг токсин ҳосил қилишини аниқлаш мақсадида қўлланилади (реакция қўйиш техникаси билан бўғма касаллигининг диагностикаси мавзусидан ўрганингиз мумкин).

### Назорат учун саволлар

- ? 1. Агглютинация ва приципитация реакцияларининг фарқи нимага асосланган?
2. Нима сабабдан хира ингредиентлар приципитация реакциясида ишлатилмайди?
3. Реакция нечта усулда олиб борилади?
4. Реакциянинг мубат эканлиги қаердан билинади?

### ЛИЗИС РЕАКЦИЯСИ (ЦИТОЛИЗИ)

Иммун лизиси деб комплемент иштирокида, антитело таъсирида мос антигенлар (хужайралар) нинг лизисга учрашига айтилади. Реакция қўйиш учун қўйидагилар керак бўлади:

1. Антиген микроблар, эритроцитлар ёки бошқа хужайралар.
2. Антитело (лизин) — иммун зардobi, баъзи ҳолларда бемор қон зардobi. Бактериологик зардоб бактерияларни лизисга учратувчи (эритувчи) антителоларни сақлайди, гемолитик зардоб-гемолизинлар, эритроцитларни лизисга учратувчи спирохетолизинлар, ҳужайраларни лизисга учратувчи цитолизинлар ва башқаларни сақлайди.
3. Комплмент — денгиз чўчқачаси қон зардобида жуда кўп ком-

племент учрайди. Бу зардобдан (бир қанча ҳайвон ёғлари аралашмаси) комплемент сифатида фойдаланилади.

Янги (натив) комплемент турғун эмас ва у қиздирилганда, чайқатилганда, сақланганда тез парчаланади, шунинг учун олингандан кейин икки кунгача қўллаш мумкин. Комплментни консервалаш учун унга 2% ли борат кислота ва 3% ли натрий сульфат қўшилади. Бундай усул билан тайёрланганда комплементни 4°C ҳароратда икки ҳафтагача сақлаш мумкин. Кўпинча қуруқ комплемент қўлланилади, ишлатишдан олдин олдинги ҳолига келгунча физиологик эритмада эритилади (ёриғида ёзилган).

#### 4) Физиологик эритма.

**Гемолиз реакцияси.** Реакцияни қўйинш учун қўйидагилар керак бўлади:

1. Антиген — 3% ли ювиб тозаланган қўй эритроцити осилмаси 0,3 мл эритроцитга 9,7 мл изотоник эритма ҳисобида тайёрланади.
2. Антитело — қўй эритроцитига мос геммолитик зардоб (гемолизин) — бу қон ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланиб лиофилланади ва ёриғида титри кўрсатилиади.

Гемолизин титри деб — комплемент иштирокида 3% ли эритроцитларни тўлиқ гемолизга учратувчи зардобнинг энг юқори суюлтириш даражасига айтилади. Гемолиз реакцияси учун гемолизиннинг уч маротаба суюлтирилган титри олинади, яъни суюлтирилаётганда уч марта кам қилиб суюлтирилади. Масалан, зардобни 1:1200 титргача суюлтириш керак бўлса, уни 1:400 (0,1 мл зардобга 39,9 мл физиологик эритма) титригача суюлтирилади. Гемолизиннинг ортиқчасини йўқотиш лозим,

16-жадвал

#### Гемолиз реакцияси

Ингредиентлар мл	Пробиркалар				
	Тажриба		Назорат		
	1	2	3	4	5
Физиологик эритма	—	0,5	0,5	1,0	—
Уч титрли гемолизин	0,5	0,5	—	—	0,5
3% қўй эритроцити осилмаси	0,5	0,5	0,5	0,5	—
3% бегона эритроцит осилмаси	—	—	—	—	0,5
Комплмент 1:10	0,5	—	0,5	—	0,5

Пробиркалар яхшилаб чайқатилади ва 37°C ли ҳароратда термостатда 1 соат сақланади.

Натижা	Гемолиз	Гемолиз бўлмайди.
--------	---------	-------------------

чунки унинг айрим қисми бошқа компонентларни адсорбциялаши мумкин.

3. Компллементни 1:10 (0,2 мл комплемент ва 1,8 мл физиологик эритма) суюлтирилади.

4) Физиологик эритма (16-жадвал).

**Натижани ўқиш.** Реакция түғри қўйилган бўлса, 1-пробиркада гемолиз содир бўлади, пробирка ичидағи суюқлик тиниқ бўлиб қолади. Назорат пробиркаларда суюқлик хира бўлади: 2-пробиркада гемолиз содир бўлиши учун комплемент, 3-пробиркада гемолизин, 4- пробиркада гемолиз ва комплемент, 5-пробиркада антиген антителога мос эмас.

Керак бўлган ҳолларда гемолитик зардобни қўйидаги схема асосида титрланади. Титрлашдан аввал зардобни 1:100 (0,1 мл зардоб ва 9,9 мл физиологик эритма) суюлтириб олинади, шу эритмадан керакли титрларни тайёрлаш мумкин, масалан:

1—1:1000—0,1 мл зардобдан 1:100+0,9 мл физиологик эритма

2—1:1200—0,1 мл \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ + 1,1 мл

\_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

3—1:1500—0,1 мл \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ + 1,4 мл

\_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

4—1:1800—0,1 мл \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ + 1,7 мл

17-жадвал

#### Гемолитик зардобни (гемолизин) титрлаш

Ингредиент мл	Пробиркалар					Контрол	
	Тажриба						
	1	2	3	4	5		
Гемализин 1:1000	0,5	---	---	---	---	---	
1:1200	---	0,5	---	---	---	---	
1:1500	---	---	0,5	---	---	---	
1:1800	---	---	---	0,5	---	---	
1:2100	---	---	---	---	0,5	---	
Эритроцитлар (3% осилма)	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	
Комплемент	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	---	
Физиологик эритма	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	2,0	

Пробиркалар яхшилаб чайқалтирилади ва 37°C ли термостатда 1 соат қолдирилади.

Натижаки	Гемолиз бўлади	Гемолиз бўлмайди	Гемолиз бўлмайди

17-жадвалда көлтирилгән мисолда гемолитик зардоб 1:1200 га тенг. Яңғы гемолитик зардоб құлланилғанда ундаги комплементларни парчалаш үчүн уни инактивациялаш керак. Бунинг үчүн уни 30 дақыла  $56^{\circ}\text{C}$  сув ҳаммомида ёки терморегуляторлы инактиваторда қыздырылади, охирги усул яхшироқ: чунки у зардобни қызып кетишдән, яъни денатурациядан сақлайды. Денатурацияланған зардоб тажриба үчүн яроқсиз ҳисобланади.

### **Назорат үчүн саволлар**

- ?**
1. Лизис реакцияси деб нимага айтилади?
  2. Комплмент бұлмагандың эритроциттар гемолитик иммун зардоби билан қандай реакцияга киради?

### **КОМПЛЕМЕНТ БОГЛАНЫШ РЕАКЦИЯСЫ**

Комплмент боғланиш реакцияси деб, мос антиген ва антителорнинг комплекси иштирокида ўзаро боғланиб комплекс ҳосил қилишига айтилади. Бу реакция антигенларни идентификация қилишда ва инфекцион касаллукларнинг серологик диагностикасыда, айниқса спирохеталар (Вассерман реакциясы), риккетсия ва вирус касаллукларда кенг құлланилади.

Комплментты боғлаш реакцияси мураккаб серологик реакция ҳисобланади. Үнда комплекстің 2-шы система антиген ва антителор иштирок этады. Аслида булар 2-шы серологик реакциядир.

Биринчи система — асоснай бұлғын антиген ва антитело (бири маълум, бошқасы номаълум) дан ташкил топған. Үнга маълум миқдорда комплекс иштирокида боғланиб олади. Ҳосил бўлган комплекс жуда майда заррачали ва кўринмайды.

Бу комплексни ҳосил бўлғанини иккичи система гемолитик ёки индикатор ёрдамида ўрганилади. Иккичи системада қўй эритроцитлари (антиген) ва үнга мос тайёр иммун комплексини сақловчи гемолитик зардоб (антитело) бўлади. Агар биринчи системадаги антитело ва антиген билан комплекс боғланған бўлса, иккичи системада гемолиз содир бўлмайди, чунки үнда бўш комплекс иштирок этади. Гемолизнинг бўлмаслиги (пробирка ичидә хира ёки үнинг тагидаги эритроцитлар чўкмага тушса) реакция мусбат эканлигини кўрсатади.

Агар биринчи системадаги антиген ва антитело мос бўлмаса, иммун комплекс ҳосил бўлмайди ва комплекс бўш қолади. Бўш қолған комплекс иккичи системада иштирок этади, натижада гемолиз содир бўлади. Комплмент боғланиш реакцияси манфий (пробирка ичидагилар тиниқ — қонни эслатади) ҳисобланади.

Комплмент боғланиш реакцияси компонентлари:

1. **Антиген** — одатда лизатлар, экстрактлар, гаптенлар, кам

холларда микроорганизмлар и.линмаси. Бу асосий системага киради.

2. **Антитело** — бемор қон зардоби.
3. **Комплемент** — денгиз чүчқачасининг қон зардоби киради.
4. **Антиген** — қўй эритроцити. Бу гемолитик системага киради.
5. **Антитело** — қўй эритроцитларига мос гемолитик зардоб.
6. **Физиологик эритма.**

Комплемент боғланиш реакциясида кўп миқдорда мураккаб компонентлар иштирок этгани учун, улар олдиндан титрланган ва реакция аниқ миқдорда ва тенг ҳажмда олиниши лозим: 0,5 ёки 0,25, кам ҳолларда 0,2 мл ҳажмда олинади. Барча тажриба 2,5; 1,25 ёки 1,0 мл (кatta ҳажмлар аниқ натижани беради) ҳажмда олиб борилади. Реакция компонентларини тажриба қандай ҳажмда олиб борилса шу ҳажмда титрлаш лозим, етишмаган компонентларни физиологик эритма билан алмаштирилади.

### ИНГРЕДИЕНТЛАРИН ТАЙЁРЛАШ

1. Гемолитик зардоб (гемолизин). Зардобни ўзини титрига кўра 3 маротаба кам суюлтирилади. Умумий суюлтирилган зардобни барча тажриба учун тайёрланилади, унинг ҳажмини битта пробиркадаги зардоб ҳажмини (масалан: 0,5 м.л) пробиркалар сонига кўпайтирилиб топилади. Унинг суюлтириш даражаси тажрибага инсбатан бироз кўпроқ бўлади.

2. Қўй эритроцитлари. Барча тажрибадаги пробиркалар учун юнилган 3% қўй эритроцит илинмаси тайёрланилади.

Гемолитик системани тайёрлаш учун пробиркаларга қўшишдан 30 дақиқа аввал тенг ҳажмда суюлтирилган гемолизин ва эритроцит илинмаларини яхшилаб аралаштирилади, зардоб эритроцитларга қуйилганидан сўнг уни ҳам яхшилаб аралаштирилади ва термостатда 37°C 30 дақиқа сақланади (сенсибилизацияланади).

3. Комплемент одатда 1:10 суюлтирилади. Ҳар бир тажрибадан олдин албатта уни титрланади. Комплемент титри деб, 37°C да 1 соат ичида гемолитик системага солингданда тўлиқ гемолизга учратувчи, унинг энг кам миқдорига айтилади. Комплементни титрлаш схемаси жадвалда кўрсатилган.

Натижани ўқиши. Назорат пробиркаларида гемолиз излари ҳам бўлмаслиги лозим, чунки уларнинг биринча комплемент, бошқасида гемолизин бўлмайди. Назорат пробиркада реакциянинг гемотоксиклиги (эритроцитларни тўлиқ лизисга учратиш хоссаси) компонентларнинг йўқлигидан далолат беради.

18-жадвалда келтирилган мисолда 1:10 суюлтирилган комплемент титри 0,15 мл та тенг. Тажрибадаги комплементнинг фаоллиги реакциядаги бошқа компонентлар билан носпецифик

адсорбцияланиши ҳисобидан пасайиши мумкин; шунинг учун тажриба учун комплементнинг миқдори орттирилади; титр дозасидан кейингиси олинади. Бу — ишчи дозасидир. Келтирилган мисолдан у 0,2 мл комплементни 1:100 суюлтирилганига тенг. Чунки комплемент боғланиш реакциясида иштирок этадиган барча компонентлар тенг ҳажмда бўлиши лозим (бизнинг мисолимизда у 0,5 мл га тенг). Комплементнинг ишчи дозасига (0,2 мл 1:10) 0,3 мл физиологик эритма қўшилади. Барча тажриба учун уларнинг ҳар бир ҳажми (комплемент ва физиологик эритма) комплемент боғланиш реакциясида иштирок этадиган пробиркалар сонига кўпайтирилади. Масалан: тажриба олиб бориш учун 50 та пробиркада 1:10 суюлтирилган 10 мл дан комплемент (0,2 мл × 50) ва 15 мл физиологик эритма (0,3 мл × 50) олиш лозим.

4. Антиген — одатда титри кўрсатилган ҳолда тайёр олинади, яъни суюлтирилгандан кейин 1 мл сақлаши лозим бўлган антиген миқдори. Масалан: 0,4 мл титрда уни 0,95 мл физиологик эритмада суюлтирилади. Тажриба учун титр ярмига тенг (0,5 мл) миқдорда антиген олинади. Бу унинг ишчи дозасидир. Барча тажриба учун антигеннинг умумий суюлтирилиши тайёрланилади, 0,5 мл ни тажрибадаги пробиркалар сонига кўпайтирилади.

5. Антитело бемор қон зардоби. Тажрибадан олдин янги зардобни ундаги бор комплементларни парчалаш учун инактивация қилиш лозим. Бунинг учун уни 56°C 30 дақиқа сув ҳаммолида ёки инактиваторда қиздирилади. Охирги усул афзалроқдир: у зардобни ортиқча қизиб кетишига яъни денатурация-

#### 18-жадвал

##### Комплементни титрлаш

Ингредиентлар, мл	Пробиркалар										Контрол	
	Тажриба										Гемо- литик система	Эритроцит- лар
Физиологик эритма	1,45	1,4	1,35	1,3	1,25	1,2	1,15	1,1	1,05	1,0	1,5	1,5
Комплемент 1:10	0.05	0,1	0.15	0,2	0.25	0,3	0.35	0,4	0,45	0,5	—	0,5
Гемолитик система	1.0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	—
3% қўй эритро- цити	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	0,5
Пробиркалар яхшилаб чайқатилади ва 37°C ли термостатда 1 соатга қолдирилади.												
Натижа	Гемолиз йўқ.			Гемолиз содир бўлади.			Гемолиз йўқ.					

ланишига йўл қўймайди. Денатурацияланган зардоб тажриба учун ярамайди. Бемор қон зардобини одатда 1:10 дан 1:100 гача суюлтирилган ҳолда қўлланилади.

Иммун зардблари кўпинча ишлаб чиқарниш шароитларида ва инактивация қилинган ҳолда чиқарилади. Уларни 1:50 ва ундан юқори даражада суюлтириллади.

### АСОСИЙ ТАЖРИБАНИ ОЛИБ БОРИШ

Тажрибани олиб боришда компонентларни тартиб билан солиш катта аҳамиятга эга. Тажриба иккита босқичда олиб борилади (19-жадвал).

19-жадвал

#### Компллементни боғлаш тажриба реакцияси

Ингредиентлар, мл	Пробиркалар						
	1	2	3	4	5	6	7
	Тажриба			Контроль			
	Зардблар	Антиген	Гемолитик система	Ишчи дозасидаги комплекс	X	1	2
1-босқич физиологик эритма	—	0,5	0,5	1,5	1,25	1,0	0,5
1:10 суюлтирилган bemor зардоби	0,5	0,5	—	—	—	—	—
Ишчи дозадаги антиген	0,5	—	0,5	—	—	—	—
Ишчи дозадаги 1:10 комплекс	0,5	0,5	0,5	—	0,25	0,5	1,0
Пробиркалар яхшилаб чайқалади ва термостатда 37°Cда 45—60 дақиқа ёки 4° Сда 18 соат сақланади.							
2-босқич гемолитик	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
Пробиркалар яхшилаб чайқатилиб ва 37°C ли термостатда 2, 3, 6, ва 7-пробиркаларда тўлиқ гемолиз бўгунича қолдирилади.							
Натижа	Мусбат ёки манфиј	—	—	+++	(+)	—	—

1-босқич. Пробиркаларга талаб қилинган миқдорда физиологик эритма, сўнг талаб қилинган ҳажмда суюлтирилган зардоб ва шундай ҳажмда ишчи дозада антиген ва комплекс

солишиади. Тажриба албатта реакцияда иштирок этадиган барча ингредиентлар: зардоб, антиген гемолитик зардоб ва комплемент контроли билан олиб борилади.

Пробиркалар яхшилаб чайқалтирилади ва 37°C ҳароратда 45—60 дақиқа ёки 4°C ҳароратда 18 соат сақланади. Шу вақт ичida специфик антиген ва антителолар комплемент ёрдамида боғланиб олади. Реакцияни «совуқда» бориши специфик ва се-зувчанликни оширади.

**2-босқич.** Пробиркалар термостат ёки музлатгичдан олингандан сўнг уларнинг барчасига олдиндан 30 дақиқа термостатда ушланган (сенсибилизацияланган) гемолитик зардобдан 1 мл дан солиб чиқилади. Пробиркалар чайқатилиб ва яна термостатда қолдирилади.

Натижани ўқиши. 2, 3, 6, 7, пробиркаларда тўлиқ гемолиз бўлиши учун пробиркаларни термостатда қолдирилади (контрол зардоб антиген ва бир, икки доза комплемент). Энг биринчи икки доза комплемент сақловчи 7-пробиркада гемолиз содир бўлади. Агар бу пробиркада гемолиз ва пробирка ичидаги суюқлик тиниқ бўлса бошқа контрол пробиркаларни диққат билан кузатиш лозим.

2, 3 ва 6 пробиркалар тиниқ бўлгани заҳоти штативдаги пробиркаларни термостатдан олиш лозим. Тажриба пробиркаларнинг термостатда узоқ ушланмаганини 5-пробиркада бироз лойқаланишининг бўлиши кўрсатади. 5-пробиркада ярим ишчи дозада комплемент ва тўғри реакция қўйилганда ҳам тўлиқ гемолиз содир бўлиши мумкин эмас.

Контрол зардоб ва антиген нина (2, 3 пробиркаларда) гемолиз бўлиши, уларнинг дозаси тўғри танланганини кўрсатади ва қайта зардоб ҳамда антиген комплементни боғлай олмайди.

Гемолитик системанинг контролида (4-пробирка) реакция тўғри олиб борилса гемолизнинг излари бўлмайди, чунки унда комплемент йўқ.

Контрол пробиркалардаги ўзгаришлар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилинганидан сўнг тажриба пробиркалари текшириллади. Тажриба пробиркаларида гемолизнинг бўлмаслиги реакция натижасининг мусбатлигини билдиради. Бу зардобда олинганди антигенга нисбатан специфик антитело борлигидан далолат беради.

Улар ҳосил қилган комплекс комплементни боғлаб олади ва гемолиз реакцияси бўлишига йўл қўймайди. Агар пробиркада гемолиз содир бўлса, реакциянинг натижаси манфий деб саналади. Бу ҳолларда бемор зардобидан олинганди антигенга нисбатан мос антитело бўлмайди, натижада комплемент бўш қолади ва у гемолиз реакциясида иштирок этади.

Реакция қўйидагича баҳоланади:

+++ эритроцитлар 100% чўкмага тушади, чўкма устидаги суюқлик тиниқ бўлади.

++ 25% эритроцитлар гемолизга учрайди. Чўкма устидаги

дагі суюқлик оч пушти рангда бўлади. Комплемент боғланиш реакцияси кескин мусбат дейилади.

++ 50% эритроцитлар лизисга учрайди. Чўкма устидаги суюқлик пушти рангда бўлади. Реакция натижаси мусбат дейилади.

+ 75% эритроцитлар лизисга учрайди, чўкма устидаги суюқлик оч қизил рангда бўлади, чўкма жуда кам бўлади.

— 100% эритроцитлар лизисга учрайди. Суюқлик тиниқ қизил рангга киради. Комплмент боғланиш реакцияси манфий бўлади.

### Назорат учун саволлар

?

1. Комплмент боғланиш реакцияси қайси усулда бажарилади?
2. Комплмент боғланиш реакциясида қандай системалар иштирок этади?
3. Гемолитик система реакцияда қандай роль ўйнайди?
4. Комплмент боғланиш реакциясида қанча босқич бора қандай тартибда олиб борилади?
5. Комплмент боғланиш реакциясида гемолизнинг бўлмаслиги нимадан дарак беради?

### ЮҚУМЛИ ҚАСАЛЛИКЛАРНИНГ ИММУНОТЕРАПИЯ ВА ИММУНОПРОФИЛАКТИКАСИ

Касалликнинг енгил кечиши, ўлimgа олиб келувчи хавфли касалликларнинг олдини олиб қилинадиган ҳаракатларга боғлиқлиги азалдан маълум.

Иммунопрофилактикани илмий исботлаб ва амалиётда қўллашни биринчи бўлиб Луи Пастер киритади у кучсизлантирилган микроорганизмларни қўллаш принципларини ҳамда одам ва ҳайвонларда учрайдиган айрим юқумли касалликларни олдини оловчи препаратларни (вакциналарни) тайёрлашни таклиф этди.

Бунга юз йилдан ошди ва улар ҳозирги вақтда сунъий иммунитет ҳосил қилишда юқумли касалликлар билан курашининг асоси бўлиб қолди.

**Иммунизация** — сунъий фаол иммунитет ҳосил қилиш учун инсон организмига бутун ҳаёти давомида маълум ёшларда препаратлар юборилади. Чақалоқларга туғилганинг биринчи кунлариданоқ силга қарши БЦЖ вакцинаси қилинади. Бола 1 ойлигидан бўгма, кўйкўтал, қоқшол, полиомиелит, қизамиқ ва бошқа касалликларни олдини олиш учун вакциналар билан эмланади. Шундай қилиб юқумли касалликларга қарши маҳсус профилактика ишлари олиб борилади, шунинг учун вакциналарда фойдаланилади.

**Вакциналар** — (vaccini — сигир чечаги сўзидан олинган)

организмга юборилганда сунъий фаол иммунитетин вужудга келтирадиган пренаратдир, чунки улар таркибида антигенлар бўлиб бундай иммунлаш усулини вакцинация дейилади.

Вакциналар ўз табиати ва таркиби жиҳатидан турлича бўлади.

Қўйидаги вакциналар тафовут қилинади:

1. Тирик микроорганизмлардан тайёланган вакциналар.
2. Ўлик микроорганизмлардан тайёланган вакциналар.
3. Кимёвий вакциналар.
4. Анатоксинлар.

Тирик вакциналар верулентлик хоссаси кучсизлантирилган (лотинча *attenuer* — юмшатиш, кучсизлантириш), лекин иммуногенлик хоссасини (юқумли касалликларни ўзига юқтирмаслик хоссасини чақирадиган) сақлаб қолган тирик микроорганизмлардан тайёланади.

Бундай микроорганизмларни олиш учун турли хил усуллардан фойдаланилади:

1. Микроорганизмларни ўсиш ва бўлиниб кўпайиши учун уларни ноқулай озиқа муҳитларида ўстириб, уларга физикавий ва кимёвий омиллар таъсир эттириш йўли билан олинади.

Силга қарши ишлатиладиган вакцина БЦЖ ни Қальметт ва Геренлар тайёлашган.

2. Инфекция қўзғатувчисига сезувчан бўлмаган лаборатория ҳайвонларининг организмига пассажглаш (юбориш) йўли билан тайёланади. Луи Пастер шу билан қутиришга қарши вакцина ни олади.

3. Одам организми учун кам вирулент бўлган табиий микроорганизм культураларини танлаш ва бошқа йўллар билан олиш мумкин. М. П. Покровская, Н. Н. Жуков — Вережников, Е. И. Коропковалар тоунга қарши вакцинани шу усулда олганлар.

**Тирик вакциналар** кучли иммунитет ҳосил қиласди, улар табиий инфекцияга хос фақат клиник белгиларсиз ёки кам на-моён бўладиган жараённи келтириб чиқаради. Бунда у иммуногенезнинг барча механизмини ҳаракатга келтиради, одамда юқумли касалликларнинг ўзига юқтирмаслик хоссасини ҳосил қиласди.

**Ўлдирилган микроблардан тайёланган вакциналар.** Бу вакциналар қўйидагича тайёланади. Бунинг учун кўпроқ тибий хоссаларга эга бўлган ва антигенлик жиҳатдан юксак сифатли культураларнинг айrim штаммлари танлаб олинниб, япалоқ шиша идишлар (матраслар)га қўйилган агарга экиласди. Бактериялар термостатда 24 соат ўсгандан кейин физиологик эритма билан ювиласди, суспензиянинг муайян қуюқлиги (масалан, 1 мл да 1—2—4 млрд. микроб танаси) белгиланади, сўнгра микроблар 60°C ҳароратда 1 соат қиздириш йўли билан ёки кимёвий моддалар (фенол, формалин, спирт, ацетон), ультрабинафша нур ва бошқалар билан ўлдирилади. Бундай таъсир

этганды микроорганизмларнинг иммуногенлик хоссасини түлиң сақлаб қоладиган омилларгина танлаб олинади. Кимёвий вакциналар — микроб осилмасига маҳсус усулда ишлов бериш йўли билан микроб ҳужайрасининг алоҳида компонентларидан (антигенлар) тайёрланади.

Кимёвий вакциналар организмга юборилганда тез сўрилади. Шунинг учун вакциналарга сўрилиш вақтини узайтирадиган моддалар: алюмини гидрооксиди, алюмини калийли аччиқ тош, минерал ёғлар ва бошқалар қўшилади. Бу «депо»ни ҳосил қилиш дейилади.

Кимёвий вакциналар ич терлама, менингит ва бошқа касалликларнинг профилактикасида қўлланилади.

**Анатоксинлар** — (лотинча ана — тескариси, акси) асосан антитоксик характердаги иммунитет вужудга келадиган касалликларда организмнинг сунъий йўл билан иммуналаш учун микроб эмас, балки анатоксин ишлатилади.

Анатоксинлар 1923 йилда Рамон экзотоксинларини 0,3—0,4% формалин билан зарарсизлантириш ва 37°C да 3—4 ҳафта сақлаш йўли билан тайёрланади. Улар токсик хоссаларини тамомила йўқотиб, лекин антигенлик хоссаларини тўла сақлаган бўлади. Бинобарин, анатоксинни организмга киритиш билан антитоксин ҳосил қилинади.

Хозирги вақтда бўғма, қоқшол ва бошқа қўзғатувчиларнинг токсинларидан анатоксинлар олинмоқда ва кенг қўлланилмоқда.

Анатоксинлар озиқа муҳит аралашмаларидан (балласт оқсиллардан) тозаланади ва юборилган жойидан аста-секин сўриладиган моддаларга шимдирилади.

Вакциналар таркибига кирувчи антигенларнинг миқдорига кўра қўйидаги вакциналар фарқланади: моновакциналар (бир турдаги антигенлардан ташкил топган), дивакциналар (иккита тур антигендан), тривакциналар (учта тур антигенлардан ташкил топган) ва бошқалар.

Ассоциацияланган вакциналар турли хил бактерияларнинг антигенидан ва анатоксинларидан тайёрланади. Масалан, ассоциацияланган кўк йўтал, бўғма, қоқшол вакцинаси (АКДС), ўзида ўлик кўк йўтал микроблари ва бўғма, қоқшол анатоксинларини сақлайди.

Вакциналарни мушак ичига, тери остига, тери устига, тери ичига, оғиз орқали юборилади. Вакцинация (эмлаш) бир маротаба, икки ёки уч маротаба 1—2 ҳафта ёки ундан кўп вақт оралиғида эмланади. Вакцинанинг характерга кўра ҳар бир вакцина учун юборилиш схемаси ишлаб чиқилган.

Вакцина юборилгандан кейин умумий ва маҳаллий реакциялар юзага келиши мумкин. Умумий реакцияларга ҳароратнинг кўтарилиши (39°C гача), бош оғриши, тинка қуриши, ҳолсизланиш ва бошқалар киради. Бу ҳолат икки-уч кундан кейин ўтиб кетади. Маҳаллий реакцияларга вакцинациядан сўнг 1—2

кун ўтгач вакцина юборилган жойда инфильтрат ва қизариш ҳосил бўлади. Вакциналар (туляремияга, силга қарши ва бошқалар) тери устига юборилганда маҳаллий реакцияларнинг юзага келиши эмлашнинг ижобий таъсиридан дарак беради.

Эмлаш рухсат этилмайдиган кишиларни аниқлаш мақсадида, эмланувчи кишиларнинг вакцинациядан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш талаб этилади. Қандай касалликлари бор кишиларни эмлаш мумкин эмаслиги инструкцияда кўрсатиб қўйилади. Масалан, ҳарорат кўтарилиган ҳолларда, ўткир юқумли касалликларда, аллергия ва бошқаларда. Шунингдек аёллар ҳомиладорлигининг иккинчи ярмида эмланмайди.

Вакцина ёрдамида сунъий эмлашдан кейин иммунитет 6 ойдан 1 йилгacha, чинчечак, туляремия ва бошқа баъзи инфекцияларда бир неча йил сақланади.

Вакцинацияда иммунитет инъекциядан сўнг 1—2 ҳафта ўтгач пайдо бўлади.

Иммунитетни юксак даражада ва узоқ муддатда сақлаш учун ревакцинация (яъни такрор вакцинация) ўтказилади, у организмнинг иммунитет вужудга келтиришдаги фаоллигини оширади. Ревакцинация бир неча ойда (бўғмада) ёки бир неча йилда (чинчечакда) бир марта ўтказилади.

Вакцина ва анатоксинлар бактериал препаратлар ишлаб чиқариладиган корхоналарда тайёрланади. Уларни тайёрлаш учун катта миқдорда микроб осилмаси (биомасса) ёки вирус сақловчи материал керак бўлади.

Тайёр препаратлар ампула ёки шишаларга солинади ва кўп ҳолларда қуритилади. Куруқ препаратлар фаоллик ва бошқа хоссаларини узоқ вақт сақлаб қолади.

Айrim вакциналар таблетка ёки дражже кўринишида чиқарилади, масалан полиомиелитга қарши вакцина.

Ҳар бир ампула, шиша ва қутичаларга препаратнинг номи, ҳажми, ишлатилиш муддати, серия рақами назорат рақамлари ёзилади. Препаратлар асосан 4°C да сақланади. Уларни музлатиш, сўнг эритиш ва юқори ҳарорат таъсиридан сақлаш, жўнаталиётганда керакли шароитларга риоя қилиш лозим.

Ташқи кўринишида ўзгариш бўлган ва дарз кетган ампула-ларни ишлатиш ман этилади.

Вакцинанинг алоҳида тури бу аутовакцинадир. Улар бемор организмидан ажратиб олинган микроблардан бактериологик лабораторияларда тайёрланади.

Аутовакцина ўша bemorni даволаш учунгина қўлланилади. Кўпинча аутовакцина сурункали шаклда ўтадиган инфекцияларни даволашда қўлланилади (стафилококк ва бошқа). Уларни схсема асосида кам дозада кўп маротаба юборилади. У организмнинг ҳимоя кучини кучайтиради ва bemornинг соғайиб кетишига ёрдам беради.

Зардоблар организмга юборилганда сунъий пассив иммунитет ҳосил қиласидиган препаратлардир, чунки улар таркибида

тайёр антителолар бўлади. Улар икки хил бўлади: даволашда ва профилактикада қўлланиладиган зардобрлар ҳамда диагностик зардобрлар.

Бу препаратлар ўзида тайёр антителолар сақлайди. Уларни донор қонидан — яъни одам ёки ҳайвонларни махсус иммунлаш йўли орқали тайёрланади (қизамиқ, қоқшол, грипп). Бундан ташқари касалланиб ўтган ёки соғлом одам қонида етарли миқдорда антителолар бўлса, уларнинг қон зардоби ҳам қўлланилади. Шунингдек иммун препаратларни тайёрлашда хомашё сифатида йўлдош ва аборс қонидан ҳам фойдаланилади.

Антибактериал ва антитоксик зардобрлар мавжуд. Антибактериал зардобрлар камроқ қўлланилади. Антитоксик зардобрлар кўпроқ аҳамиятли, улар антитоксинли бўлиб, бўгма, қоқшол, газли гангrena, ботулизм ва бошқа касалликларни даволашда қўлланаади. Зардобрлар алоҳида институтларда тайёрланади, уларни зардоб тайёрлайдиган махсус бўлимлари бўлади. Отлар зардобида антитоксин етарли даражада тўплангунча улар анатоксин билан узоқ вақт иммунланади (гипериммунизация). Сўнгра улардан қон олинниб, тиндирилади ва зардоби ажратилиади, титранади (1 мл даги антитоксик бирликлар миқдори аниқланади), кейин уни стерил ҳолда сақлаш учун унга консерванлар (хиназол, хлороформ) қўшилади, ампулаларга қўйлади ва давлат назоратидан ўтказилади.

От қонидан олинган препаратлар ўзида одам учун бегона бўлган оқсилиларни сақлайди, уларни организмга қайта юборилганда аллергик реакциялар: зардоб касаллиги ва анафилактик шокни юзага келтиради. Буни олдини олиш мақсадида зардбли препаратларни организмга эҳтиётлик билан (Безредко усулида) юборилади.

Ҳозирда антитоксик зардобрларни балласт оқсилилардан турли физикаий-кимёвий усуллар — «Диаферм—З» диализ ферментлар ёрдамида парчалаш, оқсилиларнинг турли фракцияларини чўқтириш йўли билан тозаланади. Натижада тозаланган, антителолар концентрацияси юқори бўлган (1 мл да 5000—10000 АБ) зардобрлар олинади.

Бундай зардобрларнинг ёрлиқларига тегишли белгилар — «диаферм», «диализланган» сўzlари ёзиб қўйилади.

Зардобрларга ҳам вакциналар сингари ёрлиқ ёпиштирилади ва унда зардобрнинг тайёрланган вақти, 1 мл даги антитоксик бирликлар миқдори, қўллаш муддати кўрсатилади. Уларни ҳам қоронфи ва салқин жойда сақлаш керак бўлади.

Улар тиниқ бўлиши, бироз ялтираб туриши, чайқатганда йирик ипир-ипир бўлмаслиги лозим. Зардобрлар билан даволаш касаллик жараёнини тез тўхтата олишига асосланган. Зардобрдаги антитоксин токсинни нейтралайди (зараарсизлантиради), шундан сўнг беморнинг аҳволи анча яхшиланади. Касаллик бошлангач зардоб қанча эртароқ юборилса, даволаш натижаси шунча муваффақиятли бўлади. Одатда зардоб мушак ора-

сига, айрим ҳолларда, масалан: қоқшолда зардобни венага ёки белдан умуртқа каналига (интрапулмабал) юбориш мумкин.

Организмга қасаллик юқканды, уни микроблар ва заҳарлардан ҳимоя қилиш учун тез ёрдам бериш керак бўлганда зардобни профилактик мақсадда ҳам юбориш мумкин. Бунда юборилган зардоб дарҳол пассив иммунитетни вужудга келтиради, чунки организмга тайёр антителолар киритилади. Пассив иммунитет 2—3 ҳафта давом этади.

Қоқшол (сталбияк)нинг олдини олиш учун зардоб билан мажбурий тартибда жароҳатланган ва жароҳатланмаган кишилар ҳам эмланади, буни ҳар бир тибиёт ходими яхши билиши лозим.

Ҳозирги вақтда улар ўрнига гаммаглобулинлар қўлланилмоқда.

Гаммаглобулинлар — зардобдаги оқсилларнинг фракцияларидан бири бўлиб, бу фракцияда антителолар концентрацияси юқори бўлади. Иммонуглобулинлар қизамиқ, гепатит, полиомиелит, кўк йўтал, қизилча ва бошқа касалликларни олдини олишда қўлланилади.

Зардоб препаратларини ўз вақтида ва тўғри юборилиши кўпгина юқумли касалликларни олдини олади.

Зардблардан касалликларга ташхис қўйишда ҳам кенг фойдаланилади, яъни иммунологик реакцияларни қўйишда қўлланилади. Бунинг учун агглютинацияловчи, преципитациялантирувчи, гемолизлантирувчи ва лизизлантирувчи зардблардан фойдаланилади. Бу зардблар агглютинация, преципитация, гемолиз ёки лизис реакцияларини қўйишда ишлатилади. Зардбларни диагностикада қўлланилиши серодиагностика дейилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Вакциналарнинг қандай турларини биласиз?
- 2. Пассив иммунитет қандай препаратлар ёрдамида ҳосил қилинади?
- 3. Аутовакцина нима?
- 4. Серотерапия, серопрофилактика ва серодиагностика деганда нимани тушунасиз?

## 12-б о б. АЛЛЕРГИЯ

Аллергия (лотинча *allos* — бегона, *egfop* — таъсир этиш) бу организмнинг турли хил бегона моддаларга (антигенларга) инсбатан юксак сезувчанлигидир.

Юксак сезувчанлик ҳолатини юзага келтирувчи моддаларга аллергенлар дейилади. Аллерген бўлиб микроорганизмлар (бактериялар, вируслар, замбуруғлар), микроб ҳужайраси ишлаб чиқарадиган моддалар, ҳайвонга мансуб бўлган оқсиллар (ту-

хум, сут ва бошқалар), ўсимлик табиатли оқсиллар (қўзиқорин, ер тўти ва бошқалар), даволовчи гетерологик зардоблар ва бошқалар ҳисобланади.

Бу моддаларнинг барчаси тўла қимматли антиген ҳисобланади. Бундан ташқари гаптенлар ҳам аллергияни келтириб чиқаради, улар организмдаги оқсиллар билан биринчи натижасида аллергик моддаларни ҳоси, қиласди. Бундан ташқари аллергияни аллергенлар (бүёқлар, лаклар, совун ва бошқалар); майший аллергенлар (чанг, мушук ва ит, ҳайвон жунлари, ёстиқ парлари ва бошқалар), ўсимлик аллергенлари (ўсимликлар гуллаётган вақтдаги чанглар), доривор моддалар (антибиотиклар, аспирин ва бошқалар) ҳам келтириб чиқариши мумкин.

**Аллергия** — организмнинг турли хил агентларга ўзига хос гиперсезувчанилигидир. Уларнинг асосида антиген ва антителоларнинг реакцияси ётади. Организмга биринчи сафар кирган аллергенларнинг бири антителони ҳосил қиласа, иккинчиси Т-лимфоцитларни сенсибилизациялади. У ёки бу ҳолда ҳам ўзгаришларни ҳосил қилган аллергенлар билан қайта учрашиш организмнинг юқори сезувчанилигини орттиради. Бу аллерген билан қайта курашиш турлича намоён бўлиши мумкин. У аллергенга ва организмнинг иммунологик тузилиш характеристига боғлиқ.

Барча аллергик реакциялар икки гурӯҳга: тез юзага чиқадиган ва аста-секин юзага чиқадиган аллергик реакцияларга бўлинади.

Тез юзага чиқадиган аллергик реакцияларга: анафилаксия, Артюс—Сахаров феномени, зардоб касаллиги, атопия (бронхиал астма, поллиоз, крапивница (эшак еми) ва бошқалар) киради.

Аста-секин юзага чиқадиган аллергик реакцияларга инфекцион аллергия, контакт дерматит, доривор аллергия киради:

## ТЕЗ ЮЗАГА ЧИҚАДИГАН АЛЛЕРГИК РЕАКЦИЯЛАР

**Анафилаксия** (лотинча ana — қарши, phylaxis — ҳимоя) — бу бегона антигенларни қайта юборилгандан кейин шок ёки унга яқин ҳолатни тез намоён қиласдиган юксак сезувчанилигидир.

Анафилаксияни юзага келтирувчи моддаларни анафилактонлар дейилади. Уларга бегона оқсиллар, бактерия токсинлари, микроб ҳужайрасининг полисахаридлари, турли хил доривор моддалар, яъни тўла қимматли антигенлар ва гаптенлар киради.

**Анафилаксия механизми.** Анафилактоген (масалан, от зардоби денгиз чўчқачасига юборилганд) биринчи сафар юборилгандага ўзига хос сенсибилизацияни юзага келтиради. Антителолар (ІоЕ) ҳосил бўлади, улар 10—12 кундан кейин макси-

мал титрда түппланади. Бу антителолар қонда айланиб юриб қисман ұжайра танасига сингади.

Бегона оқсилнинг сенсибилизацияни юзага келтирүвчи биринчи дозасин сенсибилизацияловчи доза дейилади. Бу унча катта бұлмаган дозадир (дөнгиз чүчқааси учун от зардобидан 0,01—0,001 мл). Сенсибилизация антигенни парентерал (ошқозон-ичак йўли) юборилганда юзага келади. Лекин у антиген ичак ёки ўпка шиллиқ қавати орқали ўтаётганда ҳам юзага келиши мумкин. Юзага келган аллергик ҳолат узоқ вақт бир неча ой ва ҳатто йиллаб сақланиши мумкин.

Ана шу анафилактогенни қайта юборилганда тез юзага чиқадиган аллергик реакция тури—анафилактик шокни юзага келтиради, унинг таъсирида ҳайвон нобуд бўлади. Анафилактик шокнинг келиб чиқиш шартлари қўйидагилардан иборат:

1. Қайта юборилдиган доза сенсибилизацияловчи дозадан 10—100 марта ортиқ бўлиши лозим.

2. Бу доза тўғридан-тўғри қонга юборилиши лозим.

Анафилаксия патогенезида организмга бегона оқсили ёки бошқа анафилактоген кирганда унга жавобан ҳосил бўлган антитело асосий ролни ййнайди. Бу антителолар қисман ұжайра — нишон деб номланган ұжайраларда адсорбцияланади. Аллергенинг ҳал қилувчи дозасини қайта юборилганда, у шу ұжайра юзасидаги антителолар билан реакцияга киришади, ұжайра мемранасининг яхлитлиги бузилади. Бу ұжайрадан кўплаб гистамин моддасининг ажралишига ва анафилактик шокни юзага келишига олиб келади. Қонда айланиб юрган антитело ва антигенларнинг боғланиши преципитатларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади, шунингдек медиаторлар фаоллигини юзага келтиради.

Сенсибилизацияланган ҳайвон зардобини шу турга оид соғлом ҳайвонга юборилса, 1—2 кун ўтгандан кейин (бу вақт юборилган антителони ишонч—ұжайрасига фиксацияланниши учун керак) у ҳам сенсибилизацияланади. Анафилактогеннинг ҳал қилувчи дозаси ҳайвоnlарда шокни юзага келтиради. Бу пассив анафилаксия дейилади.

Анафилактик шокнинг клиник белгиси турли хил ҳайвоnlарда турлича кечади.

Дөнгиз чүчқачаларидаги анафилактогеннинг иккинчи дозасини вена ичига юборилганда реакция дарҳол юзага чиқади, ҳайвон бетоқат бўлиб, оёғи билан бурнини қашлайди, аксиради, ҳансираш, сўнг титроқ юзага келади, ихтиёrsиз сийдик ва најас ажралади ва ҳайвон нобуд бўлади. Улар ёриб кўрилганда бронхлар спазми (қисилиши), ўпкалар шишигани, овқат ҳазм қилиш аъзоларидаги қизариши ва қон қўйилиши кузатилиади.

Итларда анафилактик шок томирларнинг қисилиши ва жигарда қоннинг туриб қолиши билан кузатилади.

Құёнлар анафилаксиясида улар нафас олишнинг тұхташи ва қон босимининг тушиб кетишидан нобуд бүладилар. Бу ҳолат кичик қон айланиш доираси артериясининг спазми на-тижасида юзага келади.

Одамда анафилактик шок зардобли препараттарни юбориш қоидаларини бузилиши ёки пенициллин ва бошқа дори моддаларни юбориш натижасида юзага келади. Реакция күз мушак-ларининг спазмасы, юрак томир системасининг бузилиши билан намоён бүлади. Тана ҳарорати 1—2°C га пасаяди, хансираш кузатилади, томир уриши тезлашади, артериал босим пасаяди, қалтираш, бўғимларда оғриқ ва бошқа белгилар юзага келади. Айрим ҳолларда анафилактик шок ўлим билан тугайди.

Анафилактик шокни олдини олиш учун десенсибилизацияни, яъни юқори сезувчанликни йўқотиш керак. Шу мақсадда барча анафилактоген моддаларни юборишидан аввал, шокни юзага келтирмайдиган ва юборилган анафилактоген антителони боғлаб оладиган дозаси юборилади. Масалан, одамга керак бўлган бегона от зардобидан (бўғма, қоқшолга қарши) аввал 0,5—1,0 мл, 2 соатдан кейин қолган дозани юборилади. Бу зардобни Безредко усулида юбориш дейилади. Зардобли препараттар ҳамма вақт бўлиб-бўлиб юборилади. Аввал юбориладиган препаратга одамнинг сезувчанлиги аниқланади. Шу мақсадда билакнинг ички томонига юборилиши керак бўлган, 1:100 суюлтирилган зардобдан тери ичига 0,1 мл юборилади. Агар реакция манфий (биroz қизариш ва 1 см дан камроқ кенгликда шишиш ҳосил бўлса) бўлса 20—30 дақиқадан сўнг 0,1—0,5 мл суюлтирилмаган зардобдан тери ичига юборилади. 30—60 дақиқадан сўнг реакция манфий бўлса қолган доза ҳам юборилади.

Зардоб касаллиги одамга бегона зардоб (масалан, от зардобини) юборилганида юзага келади. У препарат юборилган за-ҳоти юзага келиб ва анафилактик шок турига кўра оғир ўтиши мумкин. Организмга зардоб юборилгандан шу зардобга нисбатан антитело ҳосил бўлади, шу зардобни қайтадан юборилгандан зардоб касаллиги юзага келади. Лекин зардоб касаллиги зардобни биринчи маротаба кўп миқдорда юборилган ҳолларда ҳам юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда у зардоб юборилгандан 8—12 кундан сўнг намоён бўлади, чунки бу давр мобайнинда организмда зардобга нисбатан антитело синтезла-нади. Тошма тошади (эшак еми), бадан қичишади, бўғимларда оғриқ пайдо бўлади, лимфа тугуллари катталашади, ҳароратнинг кўтарилиши, кузатилади аста-секин бу белгилар йўқо-лади.

Иммуноглобулинларни қўлланилиши зардоб касаллигини олдини олади.

**Атопик реакциялар** — (атопия) — лотинча (*atopos* — ажабланарлик, ғалатилик) аллергенларга сезувчанлик юқори бўлган одамларда организмга аллергенлар кирганда уларга нисбатан

жавобининг ҳосил бўлишидир. Юқори сезувчанликка мойиллик наслдан-наслга ўтади.

Бу реакциянинг механизми организмнинг шу аллерген билан биринчи учрашувида ҳосил бўлгани каби, аллерген ва антитело орасидаги таъсирдек боради. Бунда анафилаксиядагидек гисттамин ва унга ўхшаш моддалар ажралади, улар силлиқ мушакларни қисқартиради, томирларнинг ўтказувчанлигини оширади ва бошқалар.

Аъзо ва тўқума ҳужайраларига антителолар ёпишишига қараб турли хил ҳолатлар юзага келади: нафас йўлини шикастланиши — аллергик тумов ва бронхиал астма, кўз шиллиқ қаватининг шикастланиши — конъюнктивит, терини шикастланиши — эшакем (крапивница) тошиши ва бошқалар.

Бундан ташқари, атопия организм айрим моддаларни — озиқ-овқатлар, доривор ва ўсимлик моддаларини кўтара олмаслиги натижасида ҳам юзага келади. Атопиянинг анафилаксиядан фарқи шундаки, у десенсибилизацияга берилмайди ва фақат одамларда кузатилади.

**Бронхиал астма.** Қасаллик бўғилиш хуружи ва оғир спазматик йўтал билан ўтади. У бронх мушакларини қисқариши ва бронх шиллиқ қаватининг шишиши натижасида келиб чиқади. Асосан астмани келиб чиқишига, турли хил аллергенлар — чанг, ўсимликлар, ҳайвон жуни. дори моддалари ва бошқалар сабаб бўлади.

**Поллиноз** (пичан иситмаси — сенная лихорадка). Одатда баҳор ва ёз ойларида ўсимликларни гуллаш даврида кузатилади. Ўсимлик чангига ёки замбуруғ споралари шиллиқ қаватларга кириши натижасида конъюнктивит, тумов, бош оғрифи, айрим ҳолларда нафас сиқиши кузатилади. Қасалликнинг ривожланиши организмнинг олдинги сенсибилизациясига боғлиқ. Қонда антитело билан ўсимлик чангларини аниқлаш мумкин.

**Крапивница** (эшакем) тошмалар «оби нон» сингари йирик қизариш ва қичишиш билан намоён бўлади. Озиқ-овқатлар (ер тути, қўзиқорин, тухум ва бошқалар) ёки кимёвий моддалар масалан, фенолфаталеин) билан ишлаганда кузатилади.

## АСТА-СЕКИН ЮЗАГА ЧИҚАДИГАН АЛЛЕРГИК РЕАКЦИЯЛАР

Аста-секин юзага чиқадиган аллергик реакциялар — аллергиянинг бир кўриниши бўлиб, организмнинг сенсибилизацияси, Т-лимфацитларнинг (сенсибилизацияланган Т-лимфацитлар) фаоллиги ва тўпланишига боғлиқ. Тез юзага чиқадиган аллергиянинг аста-секин чиқадиган аллергиядан фарқи қўйидагилардан иборат: биринчидан, қонда айланиб юрган антителолар билан боғланмаган ва сенсибилизацияланган ҳайвон зардобини бошқа ҳайвонга аста-секин юзага чиқадиган аллергияни аста-секин узатилиши содир бўлмайди. Иккинчидан, у тез

юзага чиқмасдан аллерген билан контактда бўлиши натижасида 24—28 соатдан кейин юзага чиқади.

**Аста-секин юзага чиқадиган аллергик реакциянинг механизми.** Аллергеннинг Т-лимфацит билан (шу аллергенга мос рецепторнинг бўлиши) учрашуви Т-хужайранинг фаоллигини оширади ва уни кўпайишига олиб келади. Натижада организмда шу аллергенга сенсибилизацияланган Т—лимфацитлар тўпланди. Шу аллерген билан қайта учрашган Т—лимфацитлар яна фаоллашади ва антигенни олиб юрувчи нишон ҳужайраларни парчалаш жараёнига макрофагларни жалб қиласди. Бунда Т—лимфацитлар нобуд бўлади. Атрофдаги ҳужайраларга заҳарли моддалар ажралади. Аллергиянинг клиник белгилари намоён бўлади.

**Инфекцион аллергия** — бу микроорганизмларга ёки улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга организмнинг юксак сезувчанлик ҳолатидир. Кўпгина юқумли касалликларда юзага келади ва уларнинг патогенезида катта роль ўйнайди ва бемор соғайгандан кейин ҳам анча вақтгача сақланади. Инфекцион аллергия, бруцеллез, заҳм ва бошқа касалликларда кузатилади.

Инфекцион аллергияда реакциянинг спецификлиги кўпинча юқумли касалликлар диагностикасида (сил, бруцеллез, туляремия ва бошқалар) қўлланади. Тери ичига ёки тери устига оз миқдорда аллерген, фильтрат ёки лизат культура, қиздириш ёки кимёвий моддалар таъсирида ўлдирилган бактерия илингаси юборилади.

Организм юқори сезувчанлигига аллерген юборилган ерда реакция содир бўлади: қизариш, шишиш, оғриқ. Айрим ҳолларда умумий реакция ҳам содир бўлиши мумкин: дармонсизлик, кам қувватлик, умумий жараённи зўрайиши (масалан, силда туберкулин юборилганда) кузатилади.

**Контакт дерматит** — тери аллергик касаллигидир. У турли хил кимёвий моддалар билан узоқ вақт давомида ишлаш натижасида содир бўлади. Бунда совун, елим, бўёқлар, резина, дорилар, косметика ва бошқа оддий заарсиз моддалар аллерген бўлиб ҳисобланади. Улар гаптенлар бўлиб ҳисобланади, лекин улар организмдаги оқсиллар билан бирикib антиген (аллерген) бўлиб қоладилар. Қасалликнинг кечиши турличадир, гери қизаришидан бошлаб, некрозгача кузатилади. Контакт дерматитга экзема (экзематоз дерматит) киради.

Айрим одамларда турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари (тутхум, сузма, ер тути ва бошқалар)га дорилар (ацетил-салицил кислотаси, амидопирин ва бошқалар)га аллергия кузатилади. Улар гаптенлар бўлиб, бу моддалар организмдаги оқсиллар билан бирикib антиген бўлиб қолади ва аллергияни юзага келтиради.

Фақат аллерген билан қайта тўқнаш келишни олдини олиш билан кўпгина аллергик реакцияларни бартараф этиш мумкин. Лекин юқори сезувчанлик ҳолатини юзага келтирувчи антиген-

ни аниқлаш мураккаб кечади. Бунинг учун тавсия этилган аллерген билан тери ичи синамаси қўйилади.

Кейинги йилларда кўпгина инфекцион (инфекцион аллергияни юзага келтирувчи турли хил микроорганизмлардан), но-инфекцион (турли хил чанглар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кичёвий моддалар ва бошқалар) аллергенлар кузатилмоқда. Шуни эсда тутиш керакки, организмга аллергенин оз миқдорини юборилганида ҳам қўшимча аллергизацияни чақиради. Шунинг учун сўнгги вақтларда лабораторияда аллергик усул кенг қўлланилмоқда.

### **Назорат учун саволлар**



1. Аллергик реакцияларнинг қандай турларини биласиз?
2. Анафилаксия қачон юзага келади ва намоён бўлади?
3. Организмга зардобли препаратларни юборганда анафилаксия юзага чиқмаслиги учун қандай ишларни олиб бориш лозим?

## ХУСУСИЙ МИКРОБИОЛОГИЯ ПАТОГЕН КОККЛАР

**Кокклар** — бу микроорганизмларнинг кенг гурӯҳи бўлиб, уларга патоген, шартли — патоген ва патоген бўлмаган турлари киради. Бу бўлимда патоген ва шартли—патоген кокклар кўриб ўтилади.

Берг таснифига кўра патоген кокклар учта оиласа киритилади:

1. *Micrococcaceae*—*Staphylococcus*  
(стафилококклар) авлоди
2. *Streptococcaceae*—*Streptococcus*  
авлоди (стрептококклар ва пневмококклар).
3. *Neisseriaceae*—*Neisseria*  
авлоди (менингококклар ва гонококклар).

Патоген кокклар йирингли жараёнларни келтириб чиқарди, шу хоссасига кўра улар бир-бирларига ўхшайди, шунинг учун уларни йиринг чақирувчи кокклар деб аталади.

Коккларда органотроплик даражаси бир хил бўлмай бу пневмококк, менингококк ва гонококкларда кўпроқ намоён бўлади.

Барча патоген кокклар ҳаракатсиз бўлиб, спора ҳосил қилимайди, пневмококк капсула ҳосил қиласди.

Бўялишига кўра улар Грам мусбат (стафилококк, стрептококк) ва Грам манфий (менингококк, гонококк) бўлади.

Йиринг чақирувчи кокклар бир-биридан озиқа муҳитларга талабчанилигига кўра ва биокимёвий фаоллигига кўра фарқланади.

Стафилококк эса озиқ муҳитга талабчан эмас, биокимёвий хоссасига кўра фаолdir.

### 13-боб. СТАФИЛОКОКЛAR

Стафилококкларни биринчи бўлиб 1880 йил Л. Пастер аниқлаган. А. Огстон (1882 й.) ва Ф. Розенбах (1884 й.) уларни чуқур ўрганишган.

**Морфологияси.** Страфилококклар (грекча сўз *staphyle* — узум шингили) шарсимон, диаметри 0,5—1,5 мкм, суртмада узум шингилига ўхшаб жойлашади. Лекин йирингда алоҳида ёки

жуфт-жуфт бўлиб жойлашади. Улар ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайди, маҳсус усуулларда ундирилганда микрокапсула ҳосил қиласди, Грам мусбат.

**Культурал хоссаси.** Страфилококклар факультатив анаэроб, лекин кислородли шароитда яхшироқ ўсади. Оддий озиқа муҳитида яхши ўсади ва бўлинниб кўпаяди, қонли муҳитда ҳам яхши ўсади, оптимал ҳарорати  $37^{\circ}\text{C}$ , рНи 7,2—7,4.

Тухум сариғи қўшилган тузли агар ва тузли сутли агар электив муҳит бўлиб ҳисобланади. ГПА да страфилококклар 2—4 мм кенгликдаги четлари текис, бўртиб чиққан, юмалоқ, хира, ялатироқ колония ҳосил қилиб ўсади. Улар ўстирилганда оқ, сариқ, тилла ранг пигмент ҳосил қиласди. Айниқса сутли муҳитда, уй ҳароратида ва ёруғлик тарқоқ ерда яхшироқ пигмент ҳосил қиласди. Страфилококкнинг пигменти сувда эримайди, ацетон, эфирда, спирт ва бошқаларда яхши эрийди. Қонли муҳитда колония атрофида гемолиз зонасини ҳосил қиласди. Суюқ муҳитда бир хилда лойқаланиб ва пробирка тубида чўкма ҳосил қилиб ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** Страфилококклар сахаролитик ва протеолитик ферментлар ишлаб чиқаради. Сахаролитик ферментлар лактоза, глюкоза, сахароза, мальтоза, глицерин ва бошқаларни кислотагача парчалайди.

Страфилококкнинг протеолитик хоссаси казеинни эритиш хоссасида, желатинани секинлик билан суюлтришда ва бошқа оқсилларни парчалашида намоён бўлади.

Страфилококклар қўйидаги патоген ферментлар ишлаб чиқаради:

- 1) коагулаза (қон плаэмасини ивитади); 2) гиалуронидаза (тарқалиш фактори); 3) лецитиназа (хужайра қобигидаги лецитинни эритади); 4) ДНК аза (ДНК ни деполимеризацияяди); 5) фосфатаза ва б.

Плаэмакоагулаза ферментини аниқлаш тилла ранг, страфилококкни бошқа турдаги страфилококклардан фарқлашда қўлланилади. Кўпгина страфилококклар пенициллинни парчалайди.

**Токсин ҳосил қилиш.** Страфилококклар экзотоксин ишлаб чиқаради, уларга 4 хил гемолизин киради. Шулардан  $\alpha$ -токсини кўпроқ аҳамиятга эга. У қўйидаги хусусиятларга эга: гемолитик — эритроцитларни гемолизга учратади, дермонекрозтери ичига юборилганда некрозни келтириб чиқаради, летал — ҳайвон венасига юборилганда унинг ўлимига сабаб бўлади.

Страфилококклар гемолизиндан ташқари лейкоцитларни парчалайдиган лейкоцидин токсинини ҳам ишлаб чиқаради. Баъзи штамлари энтеротоксин ҳосил қиласди, у овқатдан заҳарланиши юзага келтиради.

**Антigenlik хоссаси.** Страфилококклар ўзида полисахарид ва оқсил табиатли антиген сақлайди. Тилла ранг страфилококкнинг 40 тага яқин фаговарлари бўлиб, инфекция манбай ва тарқалиш йўлини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

**Таснифи.** Одам организмидан ажратиб олинган стафилококкларнинг 3 та тури аниқланган. *S. aureus*, *S. epidermidis*, *S. saprophyticus*. (20-жадвал).

20-жадвал

**Одам организмидан ажратиб олинган стафилококк турларининг фарқланиши**

Стафилококк турлари	Хоссалари							Новообразлига чидамлилиги
	Плазмаликоагуляциялари	ЦИК оза ферментини ажратиши	Фосфатаза маҳсулоти-ни ишлаб чиқариши	σ-гемолитик феодолиги	Анаэроб паштида маннитни парчалапши	Эроб ишда маннитни парчалашши		
<i>S. aureus</i>	+	+	+	+	+	+	—	—
<i>S. epidermidis</i>	—	—	+	—	—	—	—	—
<i>S. saprophyticus</i>	—	—	—	—	—	+	—	—

Изоҳ! «+» чидамлиги, фермент ишлаб чиқиши, «—» фермент ишлаб чиқмаслиги, чидамсизлиги.

**Ташқи муҳит омиллариға чидамлилiği.** Страфилококклар анча чидамли, шунинг учун уларнинг сув, ҳаво, тупроқ, жиҳозларда аниқлаш мумкин. 100°C ҳароратда шу заҳоти, 70°C ҳароратда 10—15 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Паст ҳароратда яхши сақланади. Музлатилганда бир неча йилгача сақланади.

Қуритишга чидамли. Тик қўёш нури таъсирида бир неча соатдан кейин нобуд бўлади. Дезинфекцияловчи эритмалар таъсирида 15—20 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Бриллиант яшилига сезгир.

**Патогенлиги.** Страфилококка йирик ва майдо шохли ҳайвонлар, сигир, от, чўчқа, товуқлар сезгир бўлади. Лаборатория ҳайвонларидан қуёнлар, оқ сичқонлар ва мушук болачалари сезгир.

**Инфекция манбаи.** Касал одам ва бактерия ташувчи.

**Тарқалиш йўли.** Ҳаво-томчи, ҳаво-чангӣ, алментар, эгри контакт йўли билан тарқалади.

**Одамларда келтириб чиқарадиган касалликлар.** Пиодермия фурункул (чиликон), карбункул (хуппоз), панарица абсцесс (фасод боғлаш) ангина, цистит, остеомиелит, холецистит, масит, сепсис, септикопиемия, овқатдан заҳарланиш ва бошқа касалликлар.

**Патогенези.** Шиллиқ пардалар ва тери кириш дарвозаси ҳисобланади. Страфилококк касалликларининг келиб чиқишида

тилла ранг стафилококкнинг (*S. aureus*) аҳамияти катта. *S. epidermidis* ва *S. saprophyticus* ларнинг одам патологиясида роли камроқдир. Қасаллик патогенези қўзғатувчининг ферментатив токсигенликка, бактерия хужайраси моддаларига ва макроорганизмнинг иммун системаси хоссаларига боғлиқдир. Кўпинча тери ва тери остини заарлаб милқак (тирноқ остининг яллилаб йириңг боялаши), фурункул (чиқон), пиодермитлар (терининг йириңгли қасалликлари)ни келтириб чиқаради. Страфилококклар кўпинча иккиминчада инфекцияларни келтириб чиқаради, масалан, гриппдан пневмония. Улар шунингдек, жароҳат инфекциясини келтириб чиқаради. Акушерлик амалиётида стафилококкнинг роли катта, чунки чақалоқлар уларга жуда сезгир бўлади. Страфилококк қасалликлари пайтида аллергиянинг кучайиши катта аҳамиятга эга, шунинг натижасида қасалликларнинг қайталаниши билан характерланади.

Страфилококк қасалликлари орасида овқатдан заҳарланиш асосий ўрин эгаллайди. Қасаллик белгиларига кўра улар қусиши, ич кетиш, бош оғрифи ва бошқа қасаллик белгилари билан намоён бўлади.

**Иммунитет.** Одам организмида табиий ҳимоя мавжуд бўлиб, бу фагоцитоз ва антителолар туфайлидир. Улар механик омилларга боғлиқдир. Бу организмга тушган страфилококк қўзғатувчиларнинг организмда тарқалиб кетишига қаршилик кўрсатиб, яллиганиш жараёнини олдини олади. Ҳосил бўлган ўчоқда страфилококклар фагоцитозга учрайди. Қасаллик жараёнида ҳосил бўлган антитоксин, иммунитетнинг умумий комплексида аҳамиятли омил ҳисобланади. Ортирилган иммунитет эса мустаҳкам бўлмайди, шунинг учун қасалликни қайталашни кузатилиади.

**Профилактикаси.** Санитария-гигиена шароитларни яхшилаш, беморлар ва бактерия ташувчиларни аниқлашни фаоллаштириш, қасалхона муассасаларида иш тартибини яхшилашдан иборат.

**Махсус профилактикаси.** Страфилококк анатоксини ва стафилококка қарши иммуноглобулин юборилади.

**Давоси.** Бактерияларга қарши дорилар, поливалент стафилококк бактериофаги, страфилококка қарши зардоб ва иммуноглобулинлар юборилади. Айрим ҳолларда страфилококк инфекцияси сурункали формада ўтганда аутовакцина буюрилади.

### Назорат учун саволлар



1. Қандай хусусиятларига кўра страфилококклар битта гуруҳга киритилади?
2. Страфилококклар қандай патоген ферментлар ва омилларни ишлаб чиқаради?
3. Страфилококклар қандай қасалликларни келтириб чиқаради?
4. Страфилококкларнинг қандай турларини биласиз?

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

**Текшириш мақсади:** Страфилококкларни аниқлаш ва фарқлаш.

### ТЕКШИРИШ УЧУН МАТЕРИАЛ

1. Йиринг (фурункул, карбункул, абсцессда).
2. Томоқнинг устки қисмидан шиллиқ (ангинада).
3. Балғам (зотилжам) да.
4. Сийдик (пиелит ва циститда).
5. Үт суюқлиги (холециститда).
6. Қон (сепсисга шубҳа қилинганда).
7. Қусуқ моддаси, ошқозон ювиндиси, озиқ-овқат қолдиқлари (овқатдан заҳарланганда)
8. Бурундан шиллиқ (бактерия ташувчиликка текширганда).

### Текшириш материалини түплаш усуллари

**Жароҳатланган соҳадан йиринг олиш.** Текшириш материалини жароҳатланган соҳанинг чуқурроқ қисмидан олинади. Очиқ жароҳат соҳаларидан йиринг пахта ёки докали пилик, Пастер пипеткаси ёрдамида олинади. Ёпиқ жараёнларда эса йирингни стерил шприц ёрдамида олинади.

**Томоқ, бурундан шиллиқ олиш.** Стерил пахта пилик билан олинади.

**Балғам.**

Стерил идишларга йифилади.

**Сийдик.**

Стерил идишга түпланади. (Қатетор ёрдамида эрталабки сийдикни олиш лозим.

**Үт суюқлиги**

А, В, С миқдорини стерил идишларга олинади. (З та миқдорини бир идишга түплаш ҳам мумкин).

**Қон.**

Билак венасидан 10—15 мл олинади.

**Қусуқ моддаси.**

Стерил идишига түпланади.

**Ошқозон ювиндиси.**

Стерил идишига олинади.

### Асосий текшириш усуллари

1. Микроскопик
2. Микробиологик
3. Биологик

## ТЕКШИРИШ УСУЛИ

### Текширишнинг биринчи куни

#### *Текшириши материални*

##### **Йиринг**

**Шиллиқ қаватлардан олинган ажралма.**

**Сийдик.**

**Балғам, ўт суюқлиги.**

**Қусуқ моддаси, овқат қолдиги.**

**Қон.**

Барча экилган мұхитларни термостатда бир кунга қолдирилади.

Қатетер ёрдамида олинган сийдик чўқмаси ва абсцессдан шприц ёрдамида олинган йирингдаи суртма тайёрлаб, бўяб микроскоп остида текширилади, стафилококклар кўринса, стафилококклар аниқланди деб тахминий ташхис қўйиш мумкин.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Суюқ ва зич озиқа мұхитини термостатдан олиб ўрганилади.

Тухум сариғи қўшилган тузли агарда ўсан шубҳали колониядан олиб соф культура ажратиб олиш учун қийшиқ агарга экилади. Шубҳали колонияни, яъни камалаксимон чегара ҳосил қилган колонияни танлаш лозим. Микроб культураси ўсан косачани пигмент ҳосил қилиши учун 2—3 кунга уй ҳароратида қолдирилади. Қонли агардаги эритроцитларни гемолизга учратган, аниқ гемолиз чегараси бўлган колониядан олиб соф культурани ажратиб олиш учун қийшиқ агарга экилади. Бемор қони экилган шакарли шўрва 10 кунга термостатда қолдирилади ва ҳар 2—3 кунда қонли ҳамда тухум сариғи қўшилган тузли агарга экиб ўрганилади.

Зич озиқа мұхитида микроб культура ўсмаса шакарли шўрвадан олиб зич озиқа мұхитига қайтадан экилади. Экилган мұхитлар бир кунга термостатда қолдирилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Экилган мұхитларни термостатдан олиб кўздан кечирилади. Қийшиқ агардан олиб суртма

#### *Текшириш усуллари*

Петри косачасидаги 3—5% ли қон ва тухум сариғи қўшилган тузли агарга материал экилади. Йирингли суртма тайёрлаб, Грам усулида бўяб микроскоп остида текширилади.

Қонли ва тухум сариғи қўшилган тузли агарга экилади.

Центрифугаланади, чўқмасини қон ва тухум сариғи қўшилган тузли агарга экилади. Суртма тайёрлаб, Грам усулида бўяб микроскоп остида текширилади.

Қонли, тухум сариғи қўшилган тузли агарга экилади.

Ховончага солиниб, физиологик эритма билан қоришма тайёрланади. 1—2 мл қоришмадан олиб тухум сариғи қўшилган тузли агарга экилади.

Шакарли шўрвага экилади.

тайёрлаб, Грам усулида бўяб, микроскоп остида текширилади. Агар Грам мусбат, узум шингилига ўхшаб жойлашган стафилококклар кўринса текшириш ишлари давом эттирилади:

- А) Плазмакоагулаза реакцияси ўтказилади.
- Б) Гемолитик хоссаси ўрганилади.
- В) ДНК маҳсулоти аниқланади.
- Г) Маннитни анаэроб шароитда парчалаши аниқланади.
- Д) Фагга сезувчанлиги ўрганилади.
- Е) Антибиотика сезувчанлиги ўрганилади.

**Плазмакоагулаза реакцияси.** Қуён қонидан олинган цитратли плазмани физиологик эритма билан 1:4 суюлтирилади ва иккита преципитат пробиркага 0,3—0,5 мл солинади. Пробиркаларнинг бирига текширилаётган соф культурадан бактериологик қовузлоқ билан солинади. Иккинчи пробирка эса назорат пробирка ҳисобланади. Натижа 2—3 соатдан кейин ўқилади. Агар плазма ивимаган бўлса 24 соатга уй ҳароратида қолдирилади.

Шундан сўнг натижа ўқилади. Текширилаётган стафилококк культура коагулаза ферментини ажратса плазма ивиб қолади (пробиркани тўнкарганда тўкилмайди). Назорат пробиркаларни плазманинг консистенцияси ўзгармайди.

**Коагулазани аниқлашдаги тезлаштирилган усул.** Ёғизлантирилган буюм ойнача устига бир томчи стерил сув ва текширилаётган микроб культура солиниб аралаштирилади. Сўнг унга суюлтирилмаган плазмадан томизилади. 20—60 дақиқадан сўнг йирик чўкма ҳосил бўлади, бу реакция мусбат ҳисобланади.

**Гемолитик хоссасини аниқлаш.** Текширилаётган микроб культурани 5% қонли агарга экилади ( $\alpha$ —гемолизни ишлаб чиқарувчи штаммлар қуён ва қўй эритроцитларини гемолизга учратади,  $\beta$  — гемолизинли штаммлари эса фақат қўй эритроцитларини гемолизга учратади).

**ДНК маҳсулотини аниқлаш.** Текширилаётган микроб культурани ДНК сақловчи муҳитга экилади. 18—20 соатга термостатда қолдирилади. Вақт ўтгач олиб ўсган культура устига 5—7 мл хлорид кислотаси қўйилади. ДНК кислота билан реакцияга киришади ва муҳит лойқаланади. Агар текширилаётган микроб культура ДНК ферментини ишлаб чиқарса ДНК ни деполимеризациялайди ва муҳит тиниқ қолади.

**Маннитни анаэроб шароитда парчалаш.** Текширилаётган культурани маннит сақловчи муҳитга саншиб экилади. Муҳит устига вазилинли ёғ қўйилади, термостаттада 37°C ҳароратда 18—24 соатга қолдирилади. Вақт ўтгач олиб қаралганда муҳитнинг ранги ўзгарган бўлса реакция мусбат ҳисобланади.

**Текширишнинг тўртнинчи куни.** Натижа ўқилади.

Ҳисоблаб чиқилган белгиларнинг мавжудлиги тилла ранг стафилококкни бошқа турдаги стафилококкдан фарқлашга им-

**Тилла ранг стафилококкнинг хусусиятлари**

Микробнинг тури	Плазмакоагулаза реакцияси 3—24 соатдан сўнг	Эритроцитларни гемолизлаш	Лецитиназа фаолтиги	Маннитни парчалаши	ДНК маҳсулоти
Тилла ранг стафилококк	+		+	+	+

Изоҳ: + реакция мусбат.

кон беради ва тўлиқ ташхис қўйилади; *S. aureus* аниқланди, даб жавоб берилади (21-жадвал).

Эпидемиологик занжирни аниқлаш мақсадида ажратиб олинган культуранинг фагга нисбатан сезувчанлиги ўрганилади. Фагга сезувчанликни аниқлаш бемор ва ташқи муҳитдан ажратиб олинган стафилококкларнинг фарқини тасдиқлаб беради.

**Фагга сезувчанликни аниқлаш.** Петри косачасига 20 мл 1,5% ли ГПА қуйилади. Қотиш ва қуритиш учун термостатда 30—40 дақиқага қолдирилади. 1 мл 4—6 соатли стафилококк культураси очиқ муҳит юзасига ёйилиб экилади, ортиқчasi пипеткада олиб ташланади ва қуригунча термостатда қолдирилади. Петри косачаси орқа томонидан секторларга бўлинади. Секторлар сони қўлланилаётган фагларнинг сонига тенг бўлиши керак. Ҳар бир секторга маълум фаг томизилади.

Петри косачаларини термостатда 37°C да қолдирилади. 6—7 соатдан кейин натижа ўқилади, хона ҳароратида қолдирилган бўлса 18—24 соатдан сўнг натижа ўқилади.

**Микроларнинг антибиотикка сезувчанлигини аниқлаш.** Ажратиб олинган стафилококк культурасининг антибиотикка сезувчанлигини қофоз дисклари ёрдамида аниқланади.

**Биологик синама.** Летал (ўлдирувчанлик) хусусиятини аниқлаш синамаси. Токсиннинг ўлдирувчан таъсир кўрсатишини аниқлаш учун қуён венасига (ёки қорин бўшлиғига) 1 кг қуён оғирлигига 0,1—0,2 мл ҳисобида стафилококк культураси юборилади. 3—4 кундан сўнг қуёнлар нобуд бўлса бу токсин ўлдирувчан таъсир этганидан дарак беради.

**Дермонекротик синама.** Қўённинг биқин ёки орқа жуни олинади ва тери ичига икки миллиард стафилококк культурына сақловчи аралашмадан 0,2 мл юборилади. Агар текширилаётган микроб культура дермонекротик токсин ажратадиган бўлса микроб культураси юборилган ерда йирингли яра (некроз) ҳосил бўлади. Натижа 18—24 соатдан сўнг ўқилади.

## Назорат учун саволлар

?

1. Страфилококк чақирадиган касалликлардан қандай текшириш материали олинади?
2. Страфилококкларни аниқлаш учун қандай лаборатория текшириш усуллари құлланилади?
3. Плазмакоагулаза реакциясини қўйиш усули қандай?
4. Страфилококкнинг гемолитик хусусиятини аниқлаш учун қандай озиқа мұхитидан фойдаланилади?
5. Фагга сезувчанлик қандай мақсадда олиб борилади?

## 14-боб. СТРЕПТОКОККЛАР

Streptococcus авлодига Streptococcus pneumoniae ва Streptococcus pyogenes киради. Стрептококкларни биринчи бўлиб Бильрот (1874) ва Л. Пастер (1879) аниқлаганлар. Уларни 1884 йилда Э. Розенбах ўрганади.

### STREPTOCOCCUS PYOGENES (ГЕМОЛИТИК)

**Морфологияси.** Стрептококклар шарсимон шаклда бўлади. Ҳар бир майдага ва йирик коккнинг диаметри 0,6—1 мкм бўлиб, полиморфизм характеристидир. Стрептококклар бир текисда бўлингани сабабли занжирсимон бўлиб жойлашади. Занжирларнинг узунлиги турлича бўлади. Зич озиқа мұхитида калта, суюқ озиқа мұхитида узун занжир бўлади. Стрептококклар ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайди, янги культуралар айrim ҳолларда капсула ҳосил қиласди. Грам мусбат бўялади.

**Культурал хоссаси.** Факультатив анаэроб. Улар 37°C ва pH 7,6—7,8 да ривожланади. Қонли ва зардобли мұхитларда ўсади. Зич озиқа мұхитида майда, ясси, хира кулранг колония ҳосил қилиб ўсади. Қонли агарда β-гемолитик стрептококклар колония атрофида гемолиз зонасини ҳосил қилиб ўсади. α-гемолитик стрептококклар эса яшилланувчи гемолиз зона ҳосил қиласди. Айrim стрептококклар гемолиз зона ҳосил қилмаслиги ҳам мумкин.

Шакарли шўрвада стрептококклар пробирка тубида, деворига ёпишган донадор чўкма ҳосил қилиб ўсади, мұхит тиниқ қолади.

**Ферментатив хоссаси.** Стрептококклар сахаролитик хоссага эга. Улар глюкоза, лактоза, сахароза, маннит (хамма вақт эмас) ва мальтозани кислотагача парчалайди. Протеолитик хоссаси уларда кам ифодаланган. Улар сутни ивитади, желатинани суюлтирумайди.

**Токсигенлик хоссаси.** Стрептококклар қатор экзотоксиналарни ҳосил қиласди. 1) стрептолизинлар — эритроцитларни парчалайдиган токсин (0—стрептолизин кардиотоксик таъсир этади). 2) лейкоцидин — лейкоцитларни парчаловчи бу токсинни юқо-

ри вирулентли штаммлар ҳосил қиласы, 3) эритротиген (скарлатина) токсини — скарлатинага тегишили касаллик белгиларини, яғни интоксикация, қон томирларининг реакциялари, тошмалар ва бошқа белгиларни намоёи қиласы.

Эритротиген токсиннинг синтези профаг томонидан детерминланади. 4) цитотоксинлар — гломерулонефритни чақириш хосасига эга.

## АНТИГЕНЛИГИ ВА ТАСНИФИ

Стрептококкларда турли хил антигенлар аниқланган. Ҳужайра цитоплазмасида барча стрептококкларга умумий бўлган турга оид нуклеопротеид табнатли антиген мавжуд. Ҳужайра деворининг юзасида оқсил табнатли тур, антигени деворида эса полисахарид гуруҳ антигени аниқланган.

Полисахарид гуруҳ специфик антигени таркибига кўра барча стрептококклар A, B, C, D ва S гуруҳларга бўлинади. Гуруҳдан ташқари стрептококклар серологик типларга бўлинади, улар араб рақами билан белгиланади.

A — гуруҳи 70 та типни сақлайди. Бу гуруҳга одамда турли хил касалликларни келтириб чиқарувчи стрептококклар киради. B-гуруҳи одам учун шартли патоген бўлган стрептококкларни сақлайди, C—гуруҳи одам ва ҳайвон учун патоген ҳисобланган стрептококкларни сақлайди. D—гуруҳига одам учун патоген ҳисобланмаган стрептококклар, энтерококклар киради, улар одам ва ҳайвон ичагида ҳаёт кечиради. Улар бошқа аъзоларга тушса ялиғланиш жараёнини келтириб чиқаради, масалан, холецестит, пиелит ва бошқалар. Шундай қилиб уларни шартли патогенлар қаторига киритишими兹 мумкин. Ажратиб олинган культурани қайси гуруҳга мансублигини гуруҳ зардоби билан қўйиладиган преципитация реакцияси ёрдамида аниқланади. Серологик типни аниқлаш учун эса типспецифик зардолар билан агглютинация реакцияси қўйилади.

## ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИГА ЧИДАМЛИЛИГИ

Стрептококклар ташқи муҳитга анча чидамли. 60°С ҳароратда 30 дақиқадан сўнг нобуд бўлади.

Қуриган балғам ва йирингда ойлаб сақланади. Дезинфекцияловчи модданинг одатдаги концентрацияси уларни 15—20 дақиқадан сўнг нобуд қиласы. Энтерококклар дезинфекцияловчи моддага анча чидамли бўлиб 50—60 дақиқадан сўнг нобуд бўлади.

**Ҳайвонларга сезувчанлиги.** Патоген стрептококкларга йирик ва майда шохли ҳайвонлар, от, итлар, қушлар сезгир бўлади. Лаборатория ҳайвонларидан эса қуёnlар ва оқ сичқонлар сезгир бўлади. Одам учун патоген стрептококкларининг ҳаммаси ҳам тажриба ҳайвонлар учун патоген бўлмайди.

**Инфекция манбаи.** Одамлар (бемор ва бактерия ташувчи) ва кам ҳолларда ҳайвонлар ёки стрептококк билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Ҳаво томчи ва ҳаво чанги, айрим ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотлари, майший йўл орқали ҳам тарқалади.

Касаллик экзоген натижасида, шунингдек эндоген-бурун ҳалқум, қин шиллиқ қаватида ҳаёт кечиравчи шартли патоген стрептококкларнинг фаоллашиши натижасида юзага келиши мумкин. Организмнинг қарши кураш кучининг пасайиши (оч қолиш, совуқ қотиш, толикиш ва бошқалар) атоинфекциянинг ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

Стрептококк инфекцияларининг патогенезида тахминий сенсибилизация, яъни олдиндан касалланиб ўтган стрептококк этиология катта аҳамиятга эга.

Стрептококкнинг қон йўлига тушиши септик жараённинг оғир ўтишига сабаб бўлади.

В-гемолитик стрептококкнинг А серологик гуруҳи одамларда кўпинча касаллик келтириб чиқаради. Улар ўзидан патоген ферментларни, гиалуронидаза, фибринолизин (стрептокиназа), дезоксирибонуклеаза ва бошқаларни ажратади. Бундан ташқари, стрептококкларда антифагоцитар хусусиятга эга капсула, М—протеини аниқланади.

Стрептококклар одамларда турли хил ўткир ва сурункали ўтадиган, йиринг ҳосил қилмайдиган, клиник белгилар ва патогенези бўйича фарқланадиган инфекцияларни келтириб чиқаради. Йиринг ҳосил қиладиган инфекциялардан—флегмона, абсцесслар, жароҳат инфекциялари, стрептодермия, сепсис ангини ва бошқалар, йиринг ҳосил қилмайдиган юқори нафас йўлиниң ўткир инфекцияси, скарлатина, ревматизм, сарамас ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради.

Стрептококклар кўпинча иккиласми инфекцияларни грипп, қизамиқ, кўййутал ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради ва жароҳатни битишини қийинлаштиради.

**Иммунитет.** Антитоксик ва антибактериал характерга эга иммунитет ҳосил бўлади. Бир қанча ҳолларда эса организмни олдиндан касалланишга мойил қилиб қўяди, шунинг учун стрептококкли ангиналар, сарамас ва бошқа жараёнлар кўп марта тақрорланиши мумкин.

**Профилактикаси.** Махсус профилактикаси ишлаб чиқилмаган. Умумий профилактикасида санитария-гигиена тадбирлари олиб бориш, организмнинг умумий чидамлилигини мустаҳкамлашдан иборат.

**Давоси.** Антибиотиклардан фойдаланилади. Кўпинча пенициллин қўлланилади, чунки стрептококклар унга чидамсиз. Шунингдек эритромицин ва тетрациклинлардан ҳам фойдаланилади.

**Ревмокардитда стрептококкларнинг аҳамияти.** Ревмокардит-

нинг патогенези тўлиқ ўрганилмаган. Лекин бу касалликнинг келиб чиқишида стрептококклар асосий роль ўйнайди. Буни қуйидаги омиллардан билишимиз мумкин:

1. Ревмокардит билан касалланган беморлар томофининг устки қисмида В-гемолитик стрептококклар аниқланган.
2. Ревматизм кўпинча организмни сенсибилизацияловчи ангинада, тонзиллит, фарингит касалликларидан сўнг юзага келади.
3. Бемор қон зардобида стрептококк фермент ва токсинларига қарши антистрептолизин, антистрептогиалуронидазалар антителолари аниқланади.

Кейинги йилларда сурункали ревмокардит турининг келиб чиқишида  $\alpha$ -шаклли стрептококкларга эътибор қилинмоқда.

**Профилактика.** Ревмакардитни, стрептококк касалликларини (масалан: баҳор ва кузда профилактика сифатида пенициллин билан) олдини олиш ишларини олиб бориш лозим. Даволашда антибактериал препаратлар—пенициллин қўлланилади.

**Скарлатина (қизилча) этиологиясида стрептококкнинг ахамияти.** Г. Н. Габричевский (1902 й) биринчи бўлиб гемолитик стрептококк скарлатина қўзғатувчиси эканлигини аниқлаган. Лекин бошқа касалликларни келтириб чиқарувчи стрептококклар скарлатинани келтириб чиқарувчи қўзғатувчидан фарқланмайди деган фикр юритилади, аммо бундай фикрга кўпчилик қўшилмайди. Ҳозирги вантда аниқланишича скарлатинани эритроптозин токсин ажратувчи А грухига мансуб стрептококклар келтириб чиқарар экан.

Касалланиб ўтганларда антитоксик мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлади. Қайта касалланиш ҳолатлари кам кузатилади. Скарлатинага болалар бир хилда мойил бўлмайди. 1—5 яшар болалар скарлатинага кўпроқ мойил бўлади. 6 ойликка қадар болалар скарлатина билан жуда кам касалланади, чунки онадан ўтган иммунитет уларни касалликдан сақлайди. В. И. Иоффеининг олиб борган кузатишларига қараганда, организмнинг скарлатинага мойиллик даражаси унинг стрептококк заҳарига қай даражада сезувчанлигига боғлиқ. Стрептококкка кучли сезувчан бўлган болаларда скарлатина кўпроқ кузатилади.

Бола организмининг стрептококк заҳарига сезувчанлиги Дик реакцияси ёрдамида аниқланади. Дик реакцияси қуйидагича олиб борилади. Билакнинг ички қисмита, тери ичига гемолитик стрептококк токсинининг кичик дозаси юборилади. Токсин киритилган жой қизариб, унда инфильтрат пайдо бўлса, реакция мусбат натижа берди деб ҳисобланади. Реакциянинг мусбат натижа бермаслиги муайян организм антитоксин заҳарни зарарсизлантирганидан гувоҳлик беради, шунинг учун бундай организм скарлатинага мойил эмас деб ҳисобланади.

**Профилактика.** Беморни алоҳида хонага ажратилади ва касалхонага ётқизилади. Мулоқотда бўлганларга, заифлашган

болаларга гаммаглобулин юборилади. Махсус профилактика ишлаб чиқылмаган.

**Давоси.** Скарлатинани даволаш учун пенициллин мұваффақият билан құлланиллади. Пенициллин билан даволанилса, касалликнинг оғир шакллари кузатылмайды, унга бошқа касалликлар құшилмайды ва бемор тезда соғайиб кетади. Касалликнинг оғир шаклларида антитоксик зардоброй юборилади.

### МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ УЧУН МАТЕРИАЛ

1. Ангина ва скарлатинада бодом безларидан сидириб олинган йириңг.
2. Сарамас, стрептодермияда яллиғланиш экссудати.
3. Абсцессда йириңг.
4. Нефритда сийдик.
5. Сепсис, эндокардитта шубҳа қилинганда қон олинади.

### Текшириш материалини йиғишиш

Шиллиқ қаватдан суртма

стерил пахта тампон ёрдамда олинади.

Очиқ яллиғланиш жараённанда  
Ёпиқ яллиғланиш жараённанда

худди юқоридагидек олинади.  
стерил шприц ёрдамида олинади.

Қон

10—15 мл венадан стерил шприцда олинади.

Сийдик

Стерил идишга, яхшиси каттерда олинади.

### Асосий текшириш усууллари

1. Бактериологик.
2. Микроскопик.

### ТЕКШИРИШНИНГ БОРИШИ

#### Текширишнинг биринчи куни.

Шиллиқ

5% қонли агарга тампоннинг ҳамма тарифи айлантириб суртиб экилади. Зич озиқа муҳитига экилгандан сүнг глюкозали шұрвага экилади.

Йириңг

Петри косачасидаги 5% қонли агарга бир томчи йириңг томизилади ва шиша шпатель билан суртиб чиқылади. Шу материалдан суртма тайёрлаб, Грам усулида бүяб, микроскоп остида текширилади.

<b>Сийдик</b>	Сийдикни центрифугаланади, чўкмасидан 5% қонли агарга экилади.
<b>Қон</b>	Чўкмасидан суртма тайёрлаб, Грам усулида бўяб, микроскоп остида текширилади. 1:10 суюлтирилган қонни 0,2% ли глюко-зали шўрвага экилади.

Экилган мұхитларни термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган мұхитлар текширилади. Глюкозали шўрвада стрептококклар пробирка тубида деборга ёпишган донадор чўкма ҳосил қилиб ўсади, озиқа мұхит тиниқ қолади. Глюкозали шўрвадан олиб 0,25% глюкоза сақловчи Мартен шўрвасига экилади. (Ленсфильт преципитация реакциясини қўйиш учун). 5% қонли агарда эса β-гемолитик стрептококклар аниқ гемолиз зонасини ҳосил қилиб ўсади, гемолитик стрептококк эса яшилланувчи гемолиз зонасини ҳосил қилиб ўсади.

Шундай шубҳали колониялардан олиб.

1. Суртма препарат тайёранади ва Грам усулида бўялади. Микроскоп остида Грам мусбат, қисқа ва узун занжирсизм он бўлиб жойлашган стрептококклар кўринса текшириш ишлари давом эттирилади.
2. Соф культурани ажратиб олиш учун колониянинг қолган қисмидан олиб зардобли қийшиқ агарга экилади. Экмаларни термостатда 37°C, 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Экмаларни термостатдан олиб, қийшиқ агардаги культуранинг софлиги текширилади. Бунинг учун суртма препарат тайёrlаб, Грам усулида бўяб, микроскоп остида текширилади. Агар фақат стрептококклар кўринса сахаролитик хоссасини ўрганиш учун Гисс қаторига (лактоза, глюкоза, мальтоза, сахароза ва маннитга) экилади. Протеолитик хоссасини ўрганиш учун сутга, желатинага ва 40% ўт суюқлигига экилади. Экмаларни термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

Мартен шўрваси текширилади. Агар стрептококка ҳос ўсиш ҳосил бўлган бўлса серологик гуруҳини аниқлаш учун Ленсфильт преципитация реакцияси ўtkазилади.

**Ленсфильт преципитация реакциясини қўйиш техникаси.** Бир кунлик Мартен шўрвасида ўсган культурани бир қанча центрифуга пробиркасига қўйилади, 10—15 дақиқа (3000 мин/айлан) центрифугаланади.

Чўкма устидаги суюқлик дезинфекцияловчи моддага тўкилади, чўкманинг устига стерил физиологик эритма қўйилиб яна центрифуга қилинади. Чўкма устидаги суюқлик дезинфекцияловчи эритмага тўкилади, чўкмаси эса алоҳида пробиркага тўпландади. Унинг устига 0,2% ли хлорид кислотадан 0,4 мл солинади. Пробиркани сув ҳаммомида 15 дақиқага қолдирилади,

вақти-вақти билан пробирка чайқалтириб турилади. Қайнатилған пробиркани яна центрифуга қилинади. Бунда антиген чүкма устидаги суюқликка аралашади ва шу суюқликни алохіда пробиркага олиб 0,2% натрий гидроксиди билан рНи 7,0—7,2 гача тұғриланади. Индикатор сифатида бромтимол күки (0,01 мл 0,04% эритмаси) құшилади. Құрсатылған реакцияда эритманинг ранги сомон-сариқ рангда күк рангга айланади.

Сұнгра 5 та преципитация пробиркасига 0,5 мл дан стрептококк гуруңига қарши зардоб солинади (бу зардоб қуёнларни иммунизация қылыш йўли билан олинади). 1-пробиркага А зардоби, 2-пробиркага В зардоби, 3-пробиркага С зардоби, 4-пробиркага Д зардоби, 5-пробиркага физиологик эритма солинади. Шундан сұнг Пастар пипеткасида барча проибркаларга тайёрланған аралашма (антиген) пробирка деворидан секинлик билан қуийлади. Агар реакция мусбат бўлса, икки суюқлик орасида оқ ҳалқа лойқа, ҳосил бўлади.

**Текширишнинг тұртынчи куни.** Натижә ўқилади: Агар Гисс қаторини кислотагача парчаласа, 40% ли ўт суюқлигига ўсмаса, сутни ивитса, желатинани суюлтирмаса, преципитация реакцияси мусбат бўлса текшириш материалида стрептококк бордеб хулоса чиқарилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
1. Стрептококкни аниқлаш учун қандай текшириш усулларидан фойдаланилади?
  2. Ленсфильд преципитация реакцияси нима мақсадда қўйилади?
  3. Нима сабабдан преципитация реакциясида антиген тиниқ бўлиши лозим? Реакция қўйиш техникасини тушунтириб беринг.

### ОЗИҚА МУҲИТЛАР

**Тухум сариги қўшилған тузли Чистович агари.** Тухум сариги аралашмаси тайёрланади. (1 та тухум сариги + 150 мл стерил физиологик эритма). Гўшт-пептонли тузли агар (8—10% натрий хлорид) эритилади ва 45°C гача совутилади, сұнгра 20% ли тухум сариги аралашмаси (стериллікка риоя қилған ҳолда) қўшилади ва Петри косачаларига қуйилади.

**Қонли агар.** Гўшт-пептонли агар эритилади ва 45°C гача совутилади. Агарнинг совиганлиги энгакка теккизиси аниқлади. Бунда муҳит иссиқ бўлиб, терини куйдирмаслиги керак. Үнга асептик шароитда (яхшиси боксда) 3% дан 30% гача (асосан 5%) стерил дефибрилланған қон қўшилади, яхшилаб аралаштирилади ва қотиб қолмасидан Петри косачаларига қўйилади.

**Тузли агар, тузли шўрва.** Гўшт-пептонли шўрва ва гўшт-

пептонли агарга (8—10%) катта миқдорда натрий хлорид қўшилади. Шўрва пробиркаларга, агарни Петри косачаларига қўйилади.

**Зардобли агар.** ГПА (гўшт-пептонли агар) эритилади, 45°C гача совутилади, сўнгра унга 10—20% консервант сақламайдиган ва тахминан 56°C да 30 дақиқа давомида сув ҳаммомида инактивация қилинган зардоб қўшилади. Яхшилаб аралаштирилади ва Петри косачаларига қўйилади.

**Сутни тайёрлаш.** Янги сутни қайнашга яқин олинади ва совуқ ерда қолдирилиб қаймоги олинади, сўнгра яна қайнагунча ўтда ушланади. Сут бир кунга қолдирилиб қаймоги олинади ва стерил пахта орқали фильтранади. Фильтрдан ўтган сутга 10% натрий карбонат эритмаси билан pH 7,2 гача ишқорланади ва пробиркаларга 5—6 мл дан солинади.

**Мартен шўрваси.** Гўшт сувига тенг миқдорда Мартен пептони (хлорид кислота таъсир этирилган чўчқачанинг ошқозон қиймаси қўшилади. Ҳосил бўлган аралашма 10 дақиқа қайнатилади, 10% лик натрий гидрооксиди билан pH 8,0 гача ишқорланади, 0,5 мл натрий ацетат қўшилади ва яна қайнатилали. 0,25% глюкоза қўшилади ва пробиркаларга қўйилади.

## 15-боб. *STREPTOCOCCUS PNEUMONIAE* ПНЕВМОКОККЛАР

Пневмококкларни биринчи бўлиб Р. Коҳ (1871) аниқлаган.

**Морфологияси.** Пневмококклар — томонлари бир-бирига қараган диплококклардир, қарама-қарши томонлари чўзилган ва шам алансини эслатади.  $0,75-0,5 \times 0,5-1$  мкм катталиклида, жуфт-жуфт бўлиб жойлашган. Суюқ озуқа муҳитидан тайёрланган суртма препаратда улар стрептококкларга ўхшаш қисқа занжирсимон бўлиб жойлашади. Улар ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайди, организмда иккала кокни ўраб турувчи капсула ҳосил қиласи. Капсуласида ҳароратга чидамли антифагин моддасини (пневмококкларни фагоцитоздан ва антитело таъсиридан ҳимоя қилиб турадиган) сақлайди. Сунъий озуқа муҳитида ўғсан пневмококклар ўз капсуласини йўқотади. Пневмококклар Грам мусбат бўлиб бўялади. Эски культурасида Грам манфијий бўлиб бўялган пневмококклар ҳам аниқланади.

**Культурали хоссаси.** Пневмококклар факультатив анаэробидир. 36—37°C ҳароратда ва pH 7,2—7,4 бўлган муҳитда ўсади. Озиқа муҳитига талабчан; қон ёки зардоб қўшилган озиқа муҳитида яхши ўсади, чунки улар кўпгина аминокислоталарни синтезламайди. Зардобли агарда шудринг томчисига ўхшаш майда, нозик, тиниқ колонияларни ҳосил қилиб ўсади. Қонли агарда намли яшил-кулранг колония атрофида яшилланувчи гемолиз зонасини ҳосил қилиб ўсади. Бу гемоглобиннинг метгемоглобинга айланганлигидан далолат беради. Пневмококклар зардобли ва 0,2% глюкозали шўрвада яхши ўсади. Суюқ озиқа

муҳитида бир текисда лойқаланади ва пробирка тубида чўкма ҳосил қилиб ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** Пневмококклар яхши намоён бўладиган сахаролитик хоссасига эга. Улар лактоза, глюкоза, сахароза, мальтоза, инулинни кислотагача парчалайди. Маннитни парчаламайди. Протеолитик хоссасига кўра кам фаол, сутни ивитади, желатинани парчаламайди, индол ҳосил қилмайди. Пневмококклар ўт суюқлигида эрийди. Инулинни парчалаши ва ўт суюқлигида уларни эриши диагностикада катта аҳамиятга эга.

Пневмококклар гиалуронидаза, фибринолизин ва бошқа патоген омилларни ишлаб чиқаради.

**Токсигенлиги.** Пневмококклар эндотоксин, гемолизин, лейкоцидинларни ҳосил қиласи. Пневмококкларнинг вирулентлиги ўз капсуласидаги антифагинни сақлашига боғлиқ.

**Антигенлиги ва таснифи.** Пневмококкларнинг танасида икки хил антиген бор; ҳужайра танаси билан боғланган оқсили антиген пневмококкларнинг ҳамма турлари учун умумий антиген ҳисобланади. Иккинчиси эса микробларнинг капсуласида жойлашган полисахарид антиген бўлиб, ҳар бир тур учун спецификдир. Антигенларининг тузилишига қараб 84 та сероварга бўлинади. I, II, III сероварлари одам учун патоген ҳисобланаби, касаллик келтириб чиқаради.

**Чидамлилиги.** Пневмококклар ташқи муҳитга кам чидамли бўлиб, ҳатто сунъий озиқа муҳитида ҳам 5—6 кундан сўнг ўлади. Шунинг учун озиқа муҳитини ҳар 2—3 кунда тез-тез алмаштиришга тўғри қелади.  $60^{\circ}\text{C}$  лик ҳарорат таъсирида 3—5 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Паст ҳароратга ва қуришга анча чидамли; қуриган балғамда 2 ойгача сақланиб қолиши мумкин. Дезинфекцияловчи моддалардан 3% ли фенол, 1:1000 нисбатли сулема эритмаси уларни бир неча дақиқадан сўнг нобуд қиласи.

**Ҳайвон учун патогенлиги.** Пневмококкларни табиий хўжайини одам ҳисобланади. Лекин пневмококклар бузоқларда, қўзичоқларда, чўчқаларда, ит ва маймунларда ҳам касаллик келтириб чиқариши мумкин. Лаборатория ҳайвонларидан оқ сичқонлар пневмококка жуда сеэгир. Уларга текшириш материали парентерал йўл орқали юборилганда, сепсис пайдо бўлади ва улар ҳайвонларни 24—48 соатдан кейин ўлдиради.

Ўлган сичқонлар ёриб кўрилганда, инъекция қилинган ерда фибриноз экссудат топилади, талоқ ва жигарнинг катталашганлиги ва қонга тўлишганлиги (гиперемия) аниқланади. Қон ва аъзолар микроскопда текширилганда капсулаларда пневмококклар топилади.

**Инфекция манбаи.** Касал одам ва бактерия ташувчилар ҳисобланади.

**Тарқалиш ўюли.** Ҳаво-томчи, ҳаво-чанг ўюли орқали тарқалади.

**Кириш дарвозаси.** Күз, қулоқ, юқори нафас йўли шиллиқ қаватлари орқали организмга киради.

**Одамларда келтириб чиқарадиган касалликлари.** Пневмококклар турли хил йирингли яллиғланиш касалликларини келтириб чиқаради. Қуйидаги касалликлар пневмококк учун спецификдир:

1. Крупоз зотилжам (ўпканинг зардоб йиғиб яллиғланиш касаллиги).
2. Қўз мугуз пардасининг югуруқ яраси.
3. Қулоқнинг яллиғланиши (отит).

Бундан ташқари, сепсис, менингит, ангина, плеврит, абцесс ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради.

Кўпинча крупоз зотилжам учраб туради, ўпканинг битта, кам ҳоллардикки ёки уч бўлагини жароҳатлади. Касаллик ўткир бошланади, юқори ҳарорат ва йўтал билан ўтади. Касаллик ўлим билан тугаши мумкин.

**Иммунитет.** Қасалликдан сўнг кучсиз иммунитет ҳосил бўлади ва яна қайталаши мумкин.

**Профилактикаси.** Махсус профилактикаси йўқ. Умумий профилактикасида шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш, беморларни вақтида аниқлаш, диагноз қўйиш ва даволаш, ахоли орасида санитария маорифи ишларин олиб бориш муҳим ўрин тутади.

**Давоси.** Баморлар сульфаниламид препаратлари (норсул-фазол ва бошқалар), пенициллин, биомиции ва бошқа антибиотиклар билан даволанади.

### **Назорат учун саволлар**



1. Пневмококкларнинг морфологик, културал, ферментатив хоссалари қандай?
2. Пневмококкларнинг патогенлик омили нима ва уларни фагоцитоздан нима ҳимоя қиласи?
3. Пневмококклар организмга қайси кириш дарвозаси орқали киради?
4. Улар организмда қандай касалликларни келтириб чиқаради?

### **МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ**

1. Балғам (зотилжамда).
2. Ярадан ажралаётган суюқлик (кўз мугуз пардасининг югуруқ яраси).
3. Томоқнинг устки қисмидан олинган шиллиқ (ангинада).
4. Қулоқ ажратмаси (отитда).
5. Йиринг (абсцессда).
6. Плевра пунктати (плевритда).
7. Қон (сепсисга шубҳа қилинганда).

## Текшириш материалини йиғиши усули

Балғам:

Томоқ шиллиги:

Плевра пунктати:

Яра ва қулоқ ажратмаси:

Абсцесс йиринги:

Қон

Стерил идишга йиғилади.

Стерил тампон билан олинади.

Стерил шприц билан олинади.

Стерил пахта тампони физиологик эритмада намлаб, ярадан ёки қулоқдан ажралаётгандын мөддадан суртма олинади.

Очиқ йирингли жараён бўлса, стерил пахта тампонда ёки қовузлоқ ёрдамида олинади; агар ёпиқ жараён бўлса — стерил шприцда олинади.

Билак венасидан 5—10 мл олинади.

## Асосий текшириш усуллари

1. Микроскопик.
2. Микробиологик.
3. Биологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Балғамни стерил Петри косачасига солинади ва ёғизлантирилган буюм ойначасида унинг йирингли қисмидан суртма препарат тайёрлаб, Грам усулида бўяб микроскоп остида текширилади. Микроскоп остида Грам мусбат, жуфт-жуфт бўлиб жойлашган ва шам алансига ўхашаш диплококклар кўринса, пневмокок бор деб шубҳа қилинади ва унга қаратилган текшириш ишлари ўтказилади.

Текшириш материалидан олиб қонли агарга экилади. Сепсисга шубҳа қилинганда қон олинади ва шакарли шўрвага экилади; унда ўсан културадан олиб, сўнгра қонли агарга экилади. Турли хил флорани сақловчи балғамдаги пневмококкларни ажратиб ўстириш учун биологик усулдан фойдаланилади. Оқ сичқонлар организмида пневмококклар бошқа микроорганизмларга нисбатан яхши ва тез ўсади.

**Биологик усул.** Озгина (3—5 мл) балғам стерил шўрва билан яхшилаб аралаштирилади; шу аралашмадан 0,5 мл олиб оқ сичқоннинг қорин бўшлиғига юборилади. 6—8 соатдан кейин оқ қасаллик белгилари намоён бўла бошлайди. Бу вақтда пневмококкларни қорин бўшлиғидаги суюқликда аниқлаш мумкин. Экссудатни стерил шприц ёрдамида сўриб олинади. Ундан суртма препарат тайёрланади ва Грам усулида бўяб микроскопда текширилади. Соф культурани ажратиб олиш учун экссудат зардобли агарга экилади. Агар сичқон нобуд бўлса ёки қасалланса, унинг юрагидан қон олиб пневмококклар соф культурасини ажратиб олиш учун зардобли агарга экилади.

**Пневмококкларнинг турини аниқлаш учун тезлаштирилган**

усул (микроагглютинация реакцияси). Ёғсизлантирилган буюм ойнана устига 4 томчи сичқон қорин бўшлиғидан олинган зарарланган экссудатдан томизилади. Биринчи томчига агглютинацияловчи зардобнинг I тури, иккинчисига зардобнинг II тури, учинчисига III тури, тўртинчисига физиологик эритма (контрол) томизилади.

Зардобнинг I ва II турини 1:10, зардобнинг III турини 1:5 нисбатда қилиб олдиндан суюлтириб қўйилган бўлади. Барча томчилар яхшилаб аралаштирилади, қурилилади, фиксация қилинади ва суюлтирилган фуксин билан бўялади. Агар реакция мусбат бўлса, томчиларнинг бирида микробларнинг тўпланганини (агглютинация) кузатиш мумкин.

Томоқнинг устки қисмидаги шиллик, яра ва қулоқдан ажралаётган суюқликларнинг барчасида бегона микрофлоралар мавжуд. Соф културани ажратиб олиш учун улар қонли агарга экилади ва оқ сичқонлар зарарлантирилади.

Очиқ ва ёпиқ жараёндан олинган йиринг ҳам қонли агарга экилади, сўнг уни 1—2 мл шўрвада яхшилаб аралаштирилиб, 0,5 мл ҳажмда сичқонларга юборилади.

Плеврадан пунктат олиб центрифугага қўйилади. Чўқмасидан олиб зардобли шўрвага ва зардобли агарга экилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган муҳитлар термостатдан олиб текширилади. Пневмококклар зардобли агарда майда, нозик, тиник колония ҳосил қилиб ўсади, қонли агарда эса нам яшил кулранг колония атрофида яшилланувчи гемолиз зonasини ҳосил қилиб ўсади. Суюқ озиқа муҳитида бир хил лойқаланиш ва чангга ўхшаш чўкма ҳосил қилиб ўсади. Шубҳали колониянинг ярмидан суртма препарат тайёрланиб бўялади ва микроскоп остида текширилади. Қолган ярмидан соф културани ажратиб олиш учун зардобли қийшиқ агарга экилади ва термостатга 37°C ҳароратда, 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Соф култура текширилади:

1. Суртма препарат тайёрлаб, Грам усулида бўялади ва микроскопда текширилади.
2. Сахаролитик хоссасини ўрганиш учун Гисс қаторига (лактоза, глюкоза, сахароза, мальтоза) саншиб экилади.
3. Инулинли муҳитга экилади. Текшириш материали инулин ва лакмус қўшилган муҳитга экилади ва термостатда 18—24 соатга қолдирилади. Вақт ўтгач олиб қаралганда пневмококклар бўлса, озуқа муҳитнинг ранги қизил рангга айланади (стрептококклар бўлса озиқа муҳитнинг ранги ўзгармайди).
4. Оптохинга сезувчанлиги ўрганилади. Соф културадан олиб 1:50 000 нисбатда оптохин сақловчи 10%ли қонли агарга экилади. Пневмококклар оптохинли муҳитда ўсмайди, стрептококклар эса ўсади.
5. Ўт-сафро синамаси ўтказилади. Иккита агглютинация пребиркасига 1 мл дан текширилаётган културадан солинади.

Пробиркаларнинг бирига қуён ўт-сафро суюқлигидан томчи томизилади, иккинчи пробирка текширув пробиркаси ҳисобланади. Иккала пробиркани термостатта  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 18—24 соатга қолдирилади. Вақт ўтгач олиб қаралганда тажриба пробиркадаги пневмококклар лизисга учраганлиги сабабли муҳит тиниқ қолади, текширув (контрол) пробиркасида лойқаланиш бўлади.

Ўт-сафро синамасини зич озуқа муҳитида ҳам ўтказиш мумкин. Бунинг учун оддий ёки зардобли агарда ўсган пневмокок колониялари устига қуруқ ўт-сафроси солинади. Бунда шубҳали колониялар эриб йўқолиб кетади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Натижা ўқилади. Агар Гисс қаторини, инулин кислотагача парчаласа, ўт-сафро таъсирида лизисга учраса, оптохинли муҳитда ўсмаса, текшириш материалда пневмокок бор деб холоса қилинади.

**Пневмококкларнинг вирулентлигини аниқлаш.** Бир кунли пневмокок ўсган суюқ културани 1% ли пептонли сувда  $10^{-2}$  дан  $10^{-8}$  гача суюлтирилади. Ҳар бир суюлтириш даражасидан 0,5 мл олиб оқ сичқонларга юборилади.  $10^{-7}$  даражасига сичқонларни ўлимга олиб келса вирулентли,  $10^{-4}$ — $10^{-6}$  даражасида ўртacha вирулентли, ўлимга олиб келмаса авирулентли пневмококклар дейилади.

### Назорат учун саволлар

?

1. Пневмококкларнинг соф културасини ажратиб олиш учун қандай усуллардан фойдаланилади?
2. Қандай ҳайвонлар пневмококка сезгир?
3. Заарланган сичқондан олинган экссудат билан қандай реакция ва нима мақсадда қўйилади?
4. Пневмококкларни қайси йиринг чақи्रувчи кокклардан фарқлаш лозим ва қандай синамалар ёрдамида бу фарқлаш ишлари олиб борилади?
5. Пневмококкларнинг вирулентлилиги қандай аниқланади?

### ОЗУҚА МУҲИТЛАР

**Инулин синамаси учун озуқа муҳит.** 200 мл дистилланган сувга 10 мл инактивация қилинган буқа зардobi, 18 мл лакмус эритмаси ва 3 гр инулин қўшилади. Буғ оқимида  $100^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 3 кун давомида стерилизация қилинади.

**Ўт-сафро қўшилган муҳит.** Оддий озуқа муҳитларига 10—40% ўт-сафро қўшилади, pH тўғриланади ва  $120^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 20 дакиқа автоклавда стерилизация қилинади. Стерил озуқа муҳитига стерил ўт-сафрони асептик шароитда қўшиб тайёрлаш ҳам мумкин.

**NEISSERIA** авлодига одам учун патоген бўлган иккита тур микроби киради: *N. meningitidis* ва *N. gonorrhoeae*, *Neisseria meningitidis* Вексельбаум томонидан bemorninng орқа мия суюқлигидан ажратиб олинган.

**Морфологияси.** Ботиқ томонлари бир-бирига қараган ловиясимон, жуфт-жуфт жойлашган диплококклар, катталиги 0,6—0,8x1,2—1,5 мкм.

Улар полиморф, ҳаракатсиз бўлиб, спора ҳосил қилмайди, капсула ҳосил қиласди. Грам манфий бўялади. Соф културада тўрттадан ва алоҳида кокксимон бўлиб жойлашади, орқа мия суюқлигидан тайёрланган суртма препаратда жуфт-жуфт бўлиб жойлашади. Йирингда эса лейкоцитлар ичидаги жойлашади.

**Културал хоссаси.** Менингоокклар — аэробдир. Озиқа муҳитига талабчан, қон, зардоб қўшилган озуқа муҳитида 36—37°C ҳароратда яхши ўсади, 25°C да ўсиши тўхтайди. pH 7,4—7,6 бўлган муҳитда уларнинг ўсиши учун нам ва катта миқдорда карбонат ангидрид (ўсиши кучайтирадиган омил) керак бўлади. Янги тайёрланган озиқа муҳитига экишни талаб қиласди.

Зич озиқа муҳитида менингоокклар катта бўлмаган 2—3 мм диаметрли, нозик, ярим тиниқ, чўзилувчан, салгина кўкимтири колония ҳосил қилиб ўсади. Суюқ озиқа муҳитида бироз лойқаланиш ва чўкма ҳосил қиласди. Янги ажратиб олинган културалар S шаклида, эски културалар эса R шаклида бўлади.

**Ферментатив хоссаси.** Менингоокклар ферментатив хоссасига кўра кам фаолдир. Улар глюкоза ва малтозани кислотагача парчалайди. Протеолитик хоссаси уларда намоён бўлмайди (сутни ивитмайди, желатинани суюлтирумайди).

Менингоаккларнинг патогенлиги уларнинг капсуласи борлигидадир. Капсула уларни фагоцитоздан ҳимоя қилиб туради. тукча (пили)лар микробнинг ҳужайра эпителийсига ёпишишига ёрдам беради ва гиалуронидаза, нейраминидаза ферментлари ҳосил бўлишида иштирок этади.

**Токсигенлиги.** Бактерия ҳужайраси парчаланганда юқори ҳароратга чидамли, ва кучли эндотоксин ажралади. У ҳужайра деворининг ёғ, оқсил, углеводи ҳисобланади. Бу токсинни касаллик вақтида bemorninng қони ва орқа мия суюқлигига аниқлаш мумкин. Касалликнинг оғир кечиши тўпланиб қолган токсиннинг миқдорига боғлиқ.

**Антигенлиги.** Полисахарид (капсула) антигенига кўра менингоокклар A, B, C, D, X, Y, И — 135, 29E серотурухларига бўлинади.

Собиқ иттифоқ таснифига кўра A, B ва C гуруҳлар асосий гуруҳлар ҳисобланади. A гуруҳ менингоокклари умумлашган жараённи юзага келтиради ва эпидемиянинг келиб чиқишида катта аҳамиятга эга. B ва C гуруҳ менингоокклари эса спо-

радик касалликларни келтириб чиқаради. Қолған гурух аъзолари ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

**Ташқи мұхит омилларига чидамлилиги.** Менингококклар ташқи мұхитта кам чидамлидир. Ҳароратнинг күтарилиши уларга ҳалокатли таъсир кўрсатади. 70°C ҳарорат таъсирида 2—3 дақиқа, 55°C ҳарорат таъсирида 5 дақиқадан сўнг иобуд бўлади. Менингококклар қуришга сезгир бўлади ва тик қуёш нурларининг таъсирида тез ҳалок бўлади, ҳароратнинг ўзгаришига ҳам сезгир. Шундай қилиб, менингококклар ташқи мұхитда узоқ сақланмайди. Шу сабабли касалликнинг тарқалишида ташқи мұхитдаги буюмлар рол ўйнамайди. Менингококклар дезинфекцияловчи моддаларга ҳам унчалик чидамли эмас: 1 % ли карбол кислота эритмаси менингококкни деярли дарҳол ўлдиради.

**Патогенлиги.** Табиий шароитда менингококка ҳайвонлар сезгир эмас. Лекин менингококклар маймунларга юборилганда менингит вужудга келади. Денгиз чўчқачалари ва оқ сичқонларнинг қорин бўшлиғига текшириш материали юборилса, улар эндотоксин таъсирида интоксикациядан ҳалок бўлади.

**Инфекция манбаи.** Касал одам ва бактерия ташувчилар инфекция манбаи ҳисобланадилар.

**Тарқалиш йўли.** Ҳаво-томчи йўли орқали тарқалади.

Келтириб чиқарадиган касалликлари:

1. Назофарингит (бурун ва ютқун шиллиқ қаватининг яллифланиши).
2. Менингококкемия.
3. Эпидемик цероброспинал менингит.

**Патогенези ва клиникаси.** Инфекция теккан шилимшиқнинг майда томчилари нафас олганда бурун-ҳалқум шиллиқ пардасига менингококкни олиб киради. Менингококк даставвал шиллиқ пардада жойлашади, бўлинуб кўпаяди, ва одамни микроб ташувчи бўлиб қолиши ёки ўтири назофарингит касаллигини келтириб чиқаради. Улар лимфа йўлига ўтиб қонга сўрилади ва бутун организмга тарқалади; турли аъзоларда, кўчинча бош мия билан орқа миянинг юмшоқ пардаларида жойлашиб, унда йирингли яллиғланиш жараёнини, яъни менингококкемияни вужудга келтиради.

Менингококклар бош ва орқа мия қобиқларига ўтиб йирингли яллиғланиш, менингитни юзага келтиради. Менингитнинг яширин даври 2—4 кунни ташкил этади. Касаллик тўсатдан бошланиб ҳарорат жуда юқори даражага кўтарилади, беморнинг боши қаттиқ оғрийди, қусади. Тез орада энса мускулларининг тортишиши натижасида гардон қотади, бемор ҳушидан кетади, кўз қорачиқлари кенгаяди, талваса тутиши мумкин. Менингитда қулоқ, кўз, бурун, бўғиз, шунингдек юрак клапанларининг зарарланиши каби оғир касалликлар кузатилади. Менингококк менингитида орқа мия суюқлиги хира бўлади ва шу хоссаси билан сил менингитидан фарқ қилади. Орқа мия

суюқлиги олингандан миянинг ички босими ортганлиги сабабли орқа мия суюқлиги тирқираб оқади. Менингит билан кўпинча болалар касалланади. Агар вақтида даволанмаса, касаллик ўлим билан тугаши мумкин.

Айрим ҳолларда менингококклар сепсисга ўхшаган касалликни вужудга келтиради.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг барқарор иммунитет юзага келади ва бу опсонин, комплементни боғловчи ва бактериоцид антителолар сабабли вужудга келади. Касалликнинг кечиши оқсили ва полисахарид антигенларга нисбатан антителоларнинг ҳосил бўлиш тезлигига боғлиқ.

**Профилактикаси.** Махсус профилактикаси учун А ва С полисахарид серогуруҳларини сақловчи кимёвий вакцина ишлаб чиқиғтан. Шошилинч профилактикасида иммуноглобулиндан фойдаланилади.

Умумий профилактикасида беморларни, бактерия ташувчиларни аниқлаш, назофарингит билан оғриган bemорларни ажратиб қўйиш, уларни касалхоналарга ётқизиш ишларини олиб бориш лозим. Аҳоли орасида санитария маорифи ишларини олиб бориш, шахсий ва умумий гигиена қондайларига риоя қилиш керак.

**Давоси.** Беморлар антибактериал препаратлар — пенициллин, левомицетин, ампициллин ва бошқалар билан даволанади.

Сульфаниламид препаратлар кенг қўлланилади. Бемор ўз вақтида даволанса батамом соғайиб кетади.

### Назорат учун саволлар

?

1. Менингококкларнинг морфологик тузилиши қандай?
2. Менингококклар қандай муҳитларда ривожланади ва уларнинг ривожланиши учун қандай шароитлар керак?
3. Менингококкларнинг биоқимёвий фаоллиги ва уларнинг ташки муҳитга чидамлилиги қандай?
4. Менингококклар қандай касалликларни келтириб чиқаради?
5. Антигенлик хоссасига кўра менингококклар қандай серогуруҳларга бўлинади?
6. Менингококк инфекциясининг эпидемиологияси қандай? Касалликларни келтириб чиқариши қандай тушунирилади?
7. Менингококк инфекциялари юзага келмаслиги учун қандай профилактик ишларни олиб бориш лозим?

### МИКРОБИОЛОГИК ТЕҚШИРИШ ТЕҚШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Орқа мия суюқлиги.
2. Бурун-ҳалқум шиллиғи.
3. Қон.

**Орқа мия суюқлиги** люмбал пункция йўли билан олинади. Шу мақсадда бемор олдинга энгаштириб ёки шу ҳолатда ёт-қизилади, сўнгра II ва III ёки III ва IV бел умуртқасининг орасидан игна санчилади. Белнинг шу жойидан игна санчиш (пункция қилиш) ҳавфсиз, чунки орқа миянинг шу жойдаги қисми унинг суюқлигига сузиб юрувчи охирги иплардан иборат. Эш болаларнинг умуртқа канали оддий шприц ингаси билан, катта кишиларники эса махсус Бир ингаси билан тешилади. Игна орқа мия каналига кириши биланоқ ундан йирингли суюқлик жилдираб чиқа бошлайди. Орқа мия суюқлиги асептиканинг барча қондаларига риоя қилинган ҳолда стерил пробиркага 2—5 мл ҳажимда йифилади. Орқа мия суюқлиги 2—3 соат ичидаги совуқдан ва қуришдан сақланган ҳолда, пахтага ўраб ёки грелка қўйиб лабораторияга келтирилади.

**Бурун-ҳалқум шиллиги.** Шиллиқ паҳтали тампон ёрдамида олинади. Тампон учидан 3—4 см баландликда 135°C Слик бурчак остида пробирка деворига, эгилтириб олинади. Сўнг стерил шпател ёрдамида тил босилади ва ўнг қўл билан тампон юқорига қаратилиб оғиз орқали киритилади ва бурун-ҳалқумдан шиллиқ олинади. Тампон секин-аста лунжга, тишга, тилга тегизилмасдан оғиздан чиқарилиб, шу заҳотиёқ Петри косачасидаги зардобли агарга ҳамма қисми билан суртиб экиласди. Бошқа микрофлоралар ўсмаслиги учун озиқа муҳитига линкомицин қўшилади. Экилган муҳитни совуқда сақлаган ҳолда лабораторияга келтирилади.

**Қон.** Билак венасидан 5—10 мл қон олинади ва 0,1% ли глюкозали шўрвага экиласди. Текшириш материали ва шўрва 1:10 нисбатда бўлиши керак. Қон даволанишдан олдин ва очкоринга ёки овқатлангандан сўнг 3—4 соат ўтгач олинади.

### Текшириш усуллари

1. Микроскопик.
2. Микробиологик.
3. Серологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Орқа мия суюқлиги центрифугада айлантирилади ва чўқмасидан бир томчи олиб Петри косачасидаги зардобли агарга экиласди. Чўқмасидан суртма препарат тайёрланиб қуритилади, фиксация қилинади, фуксиннинг сувдаги эритмаси ёки метилен кўки бўёғида бўялиб микроскопда текширилади. Микроскоп остида ловиясимон диплококклар кўринса тахминий ташхис қўйилади. Қолган чўқманинг устига 5 мл ярим суюқ агар қўйилиб термостатда қолдирлади.

Қон ва бурун-ҳалқум шиллиғи экилган озиқа муҳитлар ҳам термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирлади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Петри косачасидаги шубҳали колонияларни стереоскопик микроскоп остида текширилади ва соф културасини ажратиб олиш учун зардобли агарга экилади. Кон экилган флакондаги суюқ муҳитда ўсган културадан олиб Петри косачасидаги зардобли агарга экилади. Экилган муҳитлар термостатта 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Экилган муҳитлар текширилади. Зардобли агарда менингококклар нозик, нам, оқ кулранг колония ҳосил қилиб ўсади. Соф културани аниқлаш учун суртма препарат тайёрлаб, метилен кўки буёғида бўяб, микроскоп остида текширилади. Агар менингококклар кўринса соф культура эканлигидан далолат беради ва текшириш ишлари давом эттирилади.

1. Зардбисиз агарга экилади, термостатда 37°C ҳароратда қолдирилади.
2. Зардбли агарга экилади, термостатда 37°C ҳароратда қолдирилади.
3. Зардбли агарга экилади, термостатда 22°C ҳароратда қолдирилади.
4. 0,25% зардоб қўшилган Гисс муҳитларига (лактоза, глюкоза, сахароза, малтоза) экилади.
5. Оксидаза синамаси қўйилади. Бунинг учун шубҳали колония устига диметилпарафенилендиамин эритмаси томизилади. Агар оксидаза ферменти бўлса, колониянинг ранги пушти ранга киради.

Агар қон экилган муҳитда ҳеч қандай ўсиш бўлмаса, уни бир ҳафтага қолдирилади, ҳар икки кунда зардбли агарга экиб турилади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Натижা ўқилади. Агар 37°C га қолдирилган зардбисиз агарда ўсмаса, 37°C зардбли агарда ўсса, 22°C зардбли агарда ўсмаса, глюкоза ва малтозани кислотагача парчалаб, сахароза ва лактозани парчаламаса, оксидаза синамаси мусебат бўлса текшириш материалида менингококк қўзғатувчиси бор деб хулоса қилинади.

Патоген бўлмаган нейссерлар 37°C ҳароратда термостатда қолдирилган зардбли ва зардбисиз агарда ўсади, 22°C ҳароратда зардбли агарда ҳам ўсади, Гисс қаторидаги углеводларни парчалашиб ва парчаламаслиги мумкин, оксидаза синамаси манфий бўлади.

**Менингококк гуруҳини аниқлаш.** Соф култура ажратиб олингандан сўнг серологик усулда менингококкнинг гуруҳи аниқланади. Бунинг учун агглютинацияловчи ва преципитацияловчи зардблардан фойдаланилади.

Ёғсизлантирилган буюм ойначаси устига A, B, C ва бошқа агглютинацияловчи зардоб ва назорат (контроль) сифатида бир томчи физиологик эритма томизилади. Ҳар бир томчи устига

соф культурадан солиб чиқилади. Томчиларнинг бири агглютинация берса, у соф культуранинг гурухини кўрсатади.

Серологик гурухини аниқлаш учун геле преципитация реакциясини қўйиш мумкин.

Ҳозирги вақтда диагностика мақсадида А, С ва бошқа серогуруҳлар учун эритроцитар диагностикуми ёрдамида бевосита гемагглютинация реакцияси қўйилади.

### Назорат учун саволлар



1. Менингококк инфекцияларида қандай текшииш материаллари олинади?
2. Текшириш материаллари лабораторияга қандай жүнатилиди ва нима сабабдан шундай қилинади?
3. Қўшимча микрофлоралар ўсмаслиги учун текшириш материали экилган муҳитга нима қўшилади?
4. Менингококкларни бошқа нейссерлардан қандай фарқлаб олинади?
5. Менингококкнинг серогуруҳларини аниқлаш учун қандай реакция қўлланилади?

### ОЗИҚА МУҲИТЛАР

Линкомицинли муҳит. 80 мл эритилган ва 50°C гача совутилган 2% ли агарга 20 мл от ёки буқа зардоби, 0,5—0,7 мл линкомицин эритмаси (1 мл муҳитга 0,001 мг линкомицин эритмаси) қўшилади. Муҳит яхшилаб аралаштирилади ва Петри косачаларига қўйилади.

### 17-боб. ГОНКОККЛАР

*Neisseria gonorrhoeae* Neisseriaceae оиласига, *Neisseria* авлодига киради.

Гонококкларни Нейссер деган олим 1879 йили аниқлаган ва уларнинг барча оиласи унинг номи билан юритилади.

Морфологияси Гонококк кўп хоссалари билан менингококкларга ўхшайди. Гонококклар ловиясимон, ботиқ томони билан бир-бирига қараган диплококклар (кофе донига ўхшаш) 1,2—1,3x0,7—0,8 мкм катталикда. Улар полиморф бўлиб йирик, майда ва L-шакли бактериялари ҳам учрайди. Гонококклар ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайди. Патологик материалда (йирингда) капсулага хос моддаси аниқланган. Грам манфий бўялади. Дори ва бошқа моддалар таъсирида Грам мусбат бўяла олади. Патологик материалда лейкоцитлар ичida ёки алоҳида жойлашади.

Културал хоссаси. Гонококклар — аэробдир. Озиқа муҳитига талабчан. Қон, зардоб қўшилган озиқа муҳитида 37°C ҳа-

роратда ва pH 7,2—7,4 муҳитида яхши ўсади. Муҳит янги тайёрланган ва нам бўлиши керак. Зардобли агарда гонококклар майда 1—2 мм, тиниқ, ялтироқ, четлари текис, шудринг том-чисига ўхшаш колония ҳосил қилиб ўсади. Қонли муҳитда гемолиз зонасини ҳосил қилмайди. Зардобли шўрвада бироз лойқаланади ва парда ҳосил қилиб ўсади, парда кейинчалик пробирка тубига чўкиб қолади.

**Ферментатив хоссаси.** Гонококкларнинг сахаролитик хоссаси кам намоён бўлади, улар фақат глюкозани кислотагача парчалайди. Протеолитик хоссасига эга эмас.

**Токсигенлиги.** Гонококкнинг ҳужайра деворида липополисахаридли токсик субстанция мавжуд (кам ўрганилган).

**Антигенлиги.** Гонококкларнинг антигенлик тузилиши доимий эмас ва турли хил омиллар таъсирида ўзгариб туради.

**Ташқи муҳит омилларига чидамлилиги.** Гонококклар — жуда чидамсиз микроблар. Организмдан ташқарида қуритилганда бир неча соатда нобуд бўлади, лекин қалин йиринг қатламида ва ҳар хил буюмларда (хўл кўйлак, лозим, чойшаб, сочиқ, губка ва бошқалар) 24 соат ва ундан ортиқ сақлана олади. Гонококк ҳароратнинг ўзгаришига сезгир бўлиб, иссиқ ва совуқ ҳароратга чидамсиз. 56—60°C уларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади 40—41°C да ялаши секинлашади. Паст ҳарорат ва қуриш тез ўлдирувчан таъсир кўрсатади. Дезинфекцияловчи эритмалар — 1%ли фенол, 1:1000 нисбатдаги сулема эритмаси гонококкларни бир неча дақиқада ўлдиради. Гонококклар кумуш тузларининг эритмаларига жуда сезгирдир. Масалан, 1:1000 нисбатдаги кумуш нитрат эритмаси уни 5 дақиқада ўлдиради, амалиётда шундан фойдаланилади. Ултрабинафша нурлари таъсирида бир неча дақиқадан сўнг нобуд бўлади.

**Патогенлиги.** Ҳайвонлар гонококка сезгир эмас. Лекин оқ сичқонларнинг қорин бўшлиғига гонокакк токсини юборилганда улар токсин таъсирида нобуд бўлади.

**Инфекция манбаи.** Гонорея (сўзак) билан касалланган бемор инфекция манбаи ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Асосан жинсий алоқа орқали тарқалади. Кам ҳолларда билvosита контакт йўл орқали тарқалади. Соғлом одам касал билан жинсий алоқада бўлганда унга бевосита яқинлашиш натижасида сўзак юқади, лекин у жинсий йўлдан бошқа йўл билан ҳам юқиши мумкин. Масалан, баъзан болалар (кўпинча қиз болалар) касал онаси, энагаси билан бир ўринда ётганда, умумий кийим-кечак, чойшаб, сочиқ, ванна, тогора, губка ва шу кабилардан фойдаланганда уларга сўзак юқиши мумкин.

Одамда сўзак ва бленорея касалликларини келтириб чиқаради.

**Патогенези.** Гонококкнинг табиий хўжайини бўлиб, касал одам ҳисобланади. Гонококклар организмга шиллиқ пардалар орқали тушади. Гонококклар уретра шиллиқ қавати (аёлларда

уретра ва бачадон бўйни) орқали киради. Гонококкларнинг патогенлик омили улардаги пили (тукча) ларнинг борлиги билан тавсифланади, чунки пилилар цилиндрик эпителий микротукчалари билан бирекиб, гонококкларнинг эпителий ҳужайраси ичига киришга ёрдам беради ва улар бу ерда бўлинисб кўпаяди. Гонококклар кўпинча сийдик-таносил йўллари шиллиқ пардасининг яллиғланишига сабаб бўлади.

Сўзакнинг яширин даври 3—5 кун. Сўзак ўткир ва сурункали шаклларда ўтади. Ўткир сўзак эркаклар ва хотин-қизларда кўпинча сийдик чиқариш канали (уретра) шиллиқ пардасининг йирингли яллиғланиши (уретрит) билан бошланади. Сўнгра гонококк шиллиқ парда юзасидан бошқа сийдик-таносил аъзоларига — мояк ва унинг ортиғига, бачадон бўйни, наилари ва шу кабиларга ўтиб, уларни яллиғлантира олади. Сўзакда уретра ва бачадондан йиринг ажралади, сийдик чиқаришда оғриқ юзага келади.

Гонококк лимфоген ва гематоген йўл билан организмда тарқалганда бошқа аъзоларни ҳам яллиғлантира олади. Сўзак артритлари, эндокардитлари ва ҳатто сепсиси пайдо бўлиши мумкин. Бемор даволанмаса ёки нотўри даволанса, қасаллик сурункали шаклга ўтади ва унинг ташҳисини қўйиш ҳамда даволаш янада қўйинлашади.

Гонококк кўз конъюнктивасининг йирингли яллиғланиши—блenorеяга ҳам сабаб бўла олади. Бу қасаллик онанинг инфекцияли туғруқ йўлларидан чақалоқ ўтаётганда кўпинча пайдо бўлади.

**Иммунитети.** Қасалликтан сўнг организмда иммунитет ҳосил бўлмайди.

**Профилактикаси.** Махсус профилактикаси йўқ. Бленореянинг олдини олиш мақсадида чақалоқ туғилганда иккала кўз конъюнктивасига 1—2% ли кумуш нитрат (30% альбуцид) эритмаси 1—2 томчидан томизилади. Умумий профилактикасида санитария маорифи ишларини олиб бориш, шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш, бегоналар билан жинсий алоқага ўтмаслик, гигиеник маданият даражасини ошира бориш муҳим ўрин эгаллайди.

**Давоси.** Сўзакни данолаш учун сульфаниламид препаратлар, пенициллин стрептомицин ишлатилади. Бу препаратлардан тўғри фойдаланилса, улар bemорларни тез ва йшончли даволайди, акс ҳолда гонококкларнинг дориларга чидамлилиги ошиб, сўзакнинг сульфаниламид препаратлар ва пенициллинга чидамли шакллари вужудга келади.

Сурункали сўзакни даволашда энг самарали препарат гонококк вакцинаси ҳисобланади. У ўлдирилган гонококкларнинг физиологик эритмадаги суспензиясидан иборат. Вакцина врач кўрсатмаси билан тери остига юборилади

## **Назорат учун саволлар**

- ?
1. Гонококкларнинг морфологиясини тасвирлаб беринг.
  2. Гонококкларнинг културал ва ферментатив хоссалири қандай?
  3. Гонококкларнинг чидамлилигини биласизми?
  4. Гонококклар қандай касалликларни келтириб чиқарди ва улар қандай юқади?
  5. Гонококк инфекциялари келиб чиқмаслиги учун қандай чора ва тадбирлар ўтказилиши лозим?

### **МИКРОБИОЛОГИК ТАШХИС ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ**

1. Эркакларнинг уретра шиллиқ қавати ажратмаси.
2. Аёлларнинг уретра шиллиқ қавати ва бачадон бўйни ажратмаси.
3. Кўзнинг йирингли ажратмаси.
4. Кон.

### **Текшириш материалини йиғиш.**

Аёллар ва эркакларнинг уретра шиллиғидан ажратма пахтали тампон, қовузлоқ ёки қошиқча ёрдамида олинади. Кўздан йирингли ажратма олиш учун стерил тампон физиологик эритмада намлаб олинади ва йирингдан синама олинади. Кон билак венасидан 5—6 мл олинади.

**Эслатма!** Бактериологик ва бактериоскопик текшириш учун текшириш материали: 1) антибиотик билан даволанишдан аввал олиниши керак, 2) даволаниш тугагач 10 кун ўтгандан кейин олиниши керак, 3) сийдик ажратгандан сўнг 2 соат ўтгагач олиниши керак, 4) пуркагич билан пуркалгандан сўнг 2 соат ўтгагач олиниши керак.

### **Асосий текшириш усуllibari**

1. Микроскопик (ўткир шаклларида).
2. Микробиологик.
3. Серологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** **Ўткир шакли.** Уретра шиллиқ қаватидан олинган материал иккита ёғсизлантирилган буюм ойначасининг ярмигача суртиб препарат тайёрланади, қуритилади, фиксация қилинади ва метилен кўки ёки эозин билан бўялади. Бу бўёқлар билан касалликка тахминий ташҳис қўйиш мақсадида бўялади. Иккинчи препаратни тўлиқ ташҳис қўйиш учун Грам усулида бўялади. Бунинг учун фиксация қилинган препарат устига фильтр қофози қўйилиб 1%ли кристалл бинафшанинг сувдаги эритмаси билан 1 дақиқа давомида

бўялади. Бақт ўтгач қоғоз олиб ташланади, сув билан ювилади ва Люгол эритмаси билан препарат қорайгунча ушланади, сўнгра яна сув билан ювилади ва спиртда оқиш кулранг бўлгунча ушланади. Ундан сўнг қоғоз яна сув билан ювилади ва 1% ли нейтрал қизил эритмаси билан 3 дақиқа бўялиб, сув билан ювилади, қуритилади ва микроскопда текширилади. Натижа мусбат бўлса ҳужайра элементлари, ядро бинафша рангда, лейкоцитлар ичидаги ёки улардан ташқарида тўпланган гонококклар тўқ сариқ рангда кўринади.

**Сурункали шакли.** Агарда гонококкларни аниқлаш иложи бўлмаганда кўпинча сурункали шаклларда, текшириш материали асцитсиз муҳитга экилади. Экилган муҳит  $37^{\circ}\text{C}$ лик эксиаторга 10% ли карбонат кислотали шароитда қолдирилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган муҳит текширилади. Шубҳали колонияларни белгилаб ўрганилади. Ундан суртма препарат тайёрланади ва Грам усулида бўяб, микроскопда текширилади. Агар Грам манфий диплококклар кўринса текшириш ишлари давом эттирилади. Соф културани ажратиб олиш учун шубҳали колониянинг ярмидан олиб зардобли қийшиқ агарга экилади. Оксидаза синамаси ўтказилади, яъни шубҳали колониянинг устига диметилпарафенилендиамин эритмаси томизилади. Колониянинг ранги тўқ жигар рангдан қора рангга-ча ўзгариши мумкин. Қийшиқ агарни термостатга  $37^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Экилган муҳит текширилади. Соф културани аниқлаш учун суртма препарат тайёрлаб, Грам усулида бўялади ва микроскопда текширилади. Агар гонококклар кўринса бу соф культуралигидан далолат беради. Сахаролитик хоссасини ўрганиш учун 30% ли зардоб қўшилган Гисс муҳитларига (лактоза, сахароза, глюкоза, маннит ва мальтоза) экилади. Термостатда  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Экилган муҳит текширилади. Агар ўсиш рўй бермаган бўлса яна термостатда 1—2 кунга қолдирилади. Агар ўсиш бўлса натижа ўқилади (22-жадвал).

## 22-жадвал

### Гонококкларнинг бошқа нейссерийлардан фарқи

Микроб турлари	ТЕСТ				
	Лак-тоза	Глю-коза	Ман-нит	Маль-тоза	ГПА да ўсиши
Гонококклар	—	+	—	—	Усмайди
Менингококклар	—	+	—	+	Усмайди
Катарал кокклар	—	—	—	—	Усади.

«—» парчаламайди, «+» парчалайди.

## САРОЛОГИК УСУЛ

Қасалликнинг учинчи ҳафтасида ўтказилади. Қасалликнинг сурункали шакли ва унга шубҳа қилинган ҳолларда беморнинг қон зардоби билан комплемент боғланиш реакцияси қўйилади. Антиген сифатида ўлик гонококк культурасидан фойдаланилади.

### Назорат учун саволлар

- ? 1. Гонококк инфекцияларида текшириш материали сифатида нима олинади?
- 2. Текшириш материаллари қачон олиниши лозим?
- 3. Ўткир ва сурункали шаклларида асосий текшириш усувлари қайси?
- 4. Гонококкларни қайси микроорганизмлардан фарқлаш лозим?

### ОЗИҚА МУҲИТЛАР

**Тухум саригили муҳит.** Қуён гўштидан тайёрланган 100 мл ли ГПА га 15 мл янги тухумнинг сариги, 6 мл фенол қизил индикатори, 1 мл дистилланган стерил сувда эритилган 1,5 мл шакар қўшиб косачаларга қўйилади.

**Асцит агар.** Қуён гўштидан тайёрланган шўрва фильтраниб унга 2% агар, 1% пептон ва 0,5% натрий хлор қўшилади. Муҳит қайнагунча қиздирилади, фильтрланади, идишларга солиб автоклавда 115°C ҳароратда 15 дақиқа стерилланади.

### ИЧАҚ БАКТЕРИЯЛАРИ ОИЛАСИ

Ичак гурӯҳи бактерияларига — Enterobactericeae оиласига морфологик, культурал, тинкториал хоссалари бир-бирига ўхшаш микроорганизмлар киради. Улар одам ва ҳайвон ичагида ҳаёт кечиради, лекин улар ташки муҳитда ҳам аниқланади. Чунки улар нажас билан ташки муҳитга чиқарилади.

Хозирги вақтда ичак бактериялари оиласига 12 авлод микроорганизмлар кириллади. Масалан: Эшерихий, Салмонелла, Шигелла, Протеус, Клебсиелла, Иерсиния ва бошқалар. Бу авлодлар ва яна турларга, биологик ва серологик вариантларга бўлинади.

Бу авлодларнинг бошланғичи бўлиб ичак таёқчаси ҳисобланади. Эволюцион ўзгариши натижасида ичак таёқчаси паразитик ҳаёт кечиришга мослашди ва патоген турга айланди. Хозирги вақтда у кўпгина ичак касалликларини келиб чиқшига сабаб бўлмоқда.

Ичак бактерияларининг патоген турлари бўлиб қорин тифи, паратиф А ва В, токсикоинфекция, дизентерия ва бошқа турлар ҳисобланади.

Барча ичак бактериялари таёқчасимон, учлари юмалоқ, суртма препаратда тартибсиз жойлашади, Грам манфий бүйлади, факультатив анаэроб, оддий озиқа мұхитида яхши ри-вожланади. Улар бир-биридан ферментатив, антигенлик хосса-сига күра фарқланади. Сапрофитларда ферментатив фаоллик анча кучли намоён бўлади.

## 18-боб. ЭШЕРИХИЙЛАР

Бу авлодга фақат битта ичак таёқчаси — *E. coli* киради, лекин күпгина вариантыларни ўз ичига олади. Улар биологик, ферментатив, антигенлик хоссаларига кўра бир-биридан фарқланади.

Ичак таёқчасини 1888 йили Эшерих нажасдан ажратиб олган ва микроб унинг номи билан аталади. Ичак таёқчасининг табиий яшаш жойи ҳайвон ва одам ичаги бўлиб ҳисобланади ва улар ичакнинг нормал микрофлорасига киради. Ў ҳаёт фоалияти давомида ферментлар ишлаб чиқаради, овқат ҳазм қилишда иштирок этади, В гуруҳ витаминларини синтезлайди ва бошқа патоген микробларга антагонистик таъсир кўрсатади (масалан дизентерия, қорин тифи, токсикоинфекция, қўзғатувчилиарига). Агар йўғон ичакда ичак таёқчаси бўлмаса, дисбактериоз касаллиги келиб чиқади. Бунда ичакдаги нормал микрофлора таркиби бузилади, протейлар, замбуруғлар, кокк флоралари кўпайиб кетади.

Организмнинг қаршилик кўрсатиш кучи сусайган ҳолларда Эшерихийлар бошқа аъзоларга тушиб оғир патологик жараёнларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ичак таёқчаси шартли патоген микроорганизм деб аталади. Ичак таёқчаси нажас билан ташқи мұхитга тушади. Тупроқ, сув, озиқ-овқатлар ва объектларда ичак таёқчасининг аниқланиши уларни нажас билан ифлосланганлигидан далолат беради. Ичак таёқчасининг борлигини (коли-титр, коли-индекс) аниқлаш объектларининг санитар ҳолати кўрсаткичи сифатида қўлланилади.

**Морфологияси.** *E. coli* майдаги 0,5—3,0x0,5—0,8 мкм каттальдаги таёқчасимон микроблардир. Грам манфий, ҳаракатчан, хивчинлари перетрих жойлашган. Күпгина штаммлари капсула ҳосил қиласи, спора ҳосил қилмайди. Айрим ичак таёқчасининг вариантылари ҳаракатсиз бўлади.

**Культурал хоссаси.** Ичак таёқчаси факультатив анаэроб бўлиб, оддий озиқа мұхитларида, 37°C ҳароратда ва pH 7,2—7,8 мұхитида яхши ўсади. Одам ва ҳайвон организмидан ажратиб олинган ичак таёқчасининг штаммлари 43—45°C да яхши ўсади. Ичак таёқчасининг ташқи мұхит объектларida аниқланиши санитария шароитининг ёмонлигидан далолат беради. ГПА да хира, бироз бўртиб чиқсан, четлари текис, нам колония ҳосил қилиб ўсади. ГПШ да бир текис лойқаланиш ҳосил қи-

либ ўсади. Дифференциал-диагностик ЭНДО мұхитида ялти-роқ металл, малина рангли колония ҳосил қилиб ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** Ферментатив хоссасига күра фаол ҳисобланади. Лактоза, сахароза, глюкоза, маннит, мальтозани кислота ва газгача парчалайди. Протеолитик хоссасига күра индол ҳосил қиласы. Желатинани суюлтирмайди. Алохида био-варлари лактоза ва сахарозани парчаламайди.

**Токсигенлігі.** Ичак таёқчаси липополисахарид табиатли эндотоксин ҳосил қиласы.

**Антигенлик тузилмаси.** Эшерихиялар антигенлик тузилмасига қараб фарқланади. Эшерихияларда 3 турдаги антиген тафовут этилади: Соматик О—антигени, юзаки К—антигени (капсула), хивчинли Н—антигени. Соматик термоустабил О—антигени липополисахаридпротеин комплексли (ғұр, оқсил, углевод табиатлы) ўз ичига олади ва у бактериянинг ҳужайра деворида жойлашган. О антигенига күра микробнинг 170 тури тафовут этилади. К — антигени О—антигенига нисбатан юзада жойлашган. Эшерихияларнинг К—антигени турличады: А, В, L ва M антигенлари А ва M антигенлари термоустабил, яъни юқори ҳароратга чидамли, В ва L антигени эса чидамсиз. К — антигенининг 100 та гурухи тафовут этилади. К антиген агглютинация реакциясини қўйишга тўсқинлик қиласы; шунинг учун 100°C қиздирилиб улардан О—антигени ажратиб олинади. Н—антигени фақат микробларнинг ҳаракатчан турларидагина учрайди. Унинг 50 дан ортиқ турлари аниқланган. Н—антигени бўйича ажратиб олинган културанинг серовариантлари аниқланади. Ичак таёқчасининг бу хоссаси агглютинация реакцияси ёрдамида аниқланилади. Феговарлари эса бактериофаглар ёрдамида сезувчанлиги аниқланиб ўрганилади.

**Чидамлилігі.** Ичак таёқчаси ташқи мұхитта анча чидамли. 55°C ҳарорат таъсирида 1 соатдан сўнг, 60°C иссиқлик таъсирида эса 15 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Тупроқда, сувда 2—3 ойгача сақланади, сутда эса фақат сақланиб қолмасдан, ҳатто бўлинниб кўпаяди. Дезинфекцияловчи моддалар (3%лик хлорамин, 1:1000 сулема эритмаси) таъсирида 20—30 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Бриллиант яшилига (зелёнкага) жуда сезгир.

**Патогенлігі.** Эшерихияларнинг алохида серогуруҳлари ҳайвонларда ошқозон-ичак касаллукларини келтириб чиқаради. Лаборатория ҳайвонларидан денгиз чўчқачалари ичак таёқчасига сезгир. Лаборатория ҳайвонларининг заарланган аъзоларига қараб эшерихиялар уларда турли хил патологик жараёнларни келтириб чиқаради. Масалан, микроблар терига юборилганда яллигланиш ва абцесс, қорин бўшлигига ва венага юборилганда сепсис, перитонит касаллукларни келтириб чиқаради.

**Инфекция манбаи.** Касал одам инфекция манбаи ҳисобланади. Ичак таёқчаси организмга ташқи мұхитдан тушади. Ор-

ганизмдаги мавжуд ичак таёқчаси бошқа аъзоларга ҳам ўтиб касаллик келтириб чиқариши мумкин.

**Тарқалиш йўли.** Майший оиласиний йўл орқали — ифлос қўл, идиш-товоқ, ўйинчиқ, озиқ-овқат ва механик йўл — пашша, суварақлар орқали тарқалади.

**Патогенези.** Эшерихиялар келтириб чиқарадиган касалликларга эшерихиоз касалликлари дейилади. Ичак таёқчаси оғиз орқали организмга тушса, у албатта болалар ва катталарда ичак касалликларини келтириб чиқаради.

Айрим 0 гурӯҳидаги ичак таёқчалари ҳам организмда касалликлар келтириб чиқаради ва улар энтеропатоген ичак таёқчалари дейилади (ЭПКП). Энтеропатоген ичак таёқчасининг бир қанча гурӯҳлари тафовут этилади:

1. I гурӯҳ — болаларда колиэнтерит касаллигини келтириб чиқарадиган турлари (0111, 026, 055, 086 ва бошқалар).
2. II гурӯҳ — иҷбуруғга хос касалликларни келтириб чиқарадиганлари (025, 0124, 0143, 0144 ва бошқа серогурӯҳлари).
3. III гурӯҳ — вабога ўхшаш касалликларни келтириб чиқарадиганлари (01, 05, 06, 078 ва бошқа серогурӯҳлари).

Ичак таёқчаси озиқ-овқатларга тушиб уларда бўлинib кўпайиши ҳам мумкин. Бундай ифлосланган озиқ-овқат истеъмол қилингандан сўнг улар овқатдан заҳарланиш касалликларини келтириб чиқаради. Ичак таёқчаси бошқа аъзоларга ўтганда холецисцит, цистит, сепсис ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради.

Колиэнтерит ниҳоятда юқумли бўлиб, болалар муассасаларида эпидемик тус олиши мумкин.

**Профилактикаси.** Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш. Махсус профилактикаси йўқ.

**Давоси.** Антибиотиклар билан даволанади. Ҳозирги вақтда даволаш мақсадида колипротей фаги қўлланилмоқда ва яхши натижалар бермоқда.

### Назорат учун саволлар

- ? 1. Ичак бактериялари оиласининг асосий белгилари қандай?
2. Эшерихияларнинг антигенлик тузилиши қандай?
3. Ичак таёқчаларининг организмдаги роли қандай?
4. Ичак таёқчалари организмда қандай касалликларни келтириб чиқариши мумкин?

### МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Нажас.
2. Қусуқ моддаси.

Керак бўлган ҳолларда бурун ва ҳалқум ажратмаси, қулоқдан йиринг, қон, сийдик, мурдалардан тегишли материал олиб текширилади. Режа ва эпидемиологик кўрсатма бўйича

озиқ-овқат, құл, идиш-товоқ, ўйинчоқ ва башқалардан чайнди олиб текширилади.

### Текшириш материалини йиғиши

Нажас: 3—5 г нажасни физиологик эритма ёки 30% ли глицерин аралашмаси (30 қысм глицерин, 70 қысм физиологик эритма) бўлган пробиркага солинади. Нажасни иложи борича охирги қисмини олиш мақсадга мувофиқдир, чунки колиэнтеритда ингичка ичак шикастланади. Чақалоқлардан нажас йўргакдан олинади ва юқорида айтилганидек пробиркаларга солиб лабораторияга юборилади.

Қусуқ: 3—5 г олиб физиологик эритма билан аралашма ҳосил қилинади.

### Текширишнинг асосий усуллари

1. Микроскопик.
2. Микробиологик.
3. Серологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Йиғилган текшириш материали Эндо ёки Левин муҳитига экилади.

Экиш қуйидаги олиб борилади: шиша пипетка ёки таёқча билан текшириш материали физиологик эритма ёки глицерин аралашмасида яхшилаб аралаштирилади ва пипеткада олиб озиқа муҳит солинган Петри косачасига томизилади. Петри косачасининг четида у стерил шпател билан аралаштирилади, шундан сўнг шпател чўғлантирилмасдан муҳитнинг қолган қисмларига штрих ҳолда экилади. Иложи борича 2—3 та косачадаги муҳитга экилгани маъқул. Экилган муҳитлар термостатга 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган муҳитлар текширилади. Эндо озиқа муҳитида ичак таёқчаси ялтироқ металл, малина рангли, Левин (ЭМС—эозин метилен синкали агар) муҳитида бинафша рангли колония ҳосил қилиб ўсади. Шундай шубҳали колонияларнинг 10 таси танлаб олинади ва косачанинг орқа томонидан уларга рақамлар қўйиб ёзилади. Энтеропатоген ичак таёқчасини башқа эшерихиялардан фарқлаш учун буюм ойначасида ОҚА поливалент зардоби билан ҳар бир колония учун алоҳида тахминий агглютинация реакцияси қўйилади.

Реакция қўйиш техникаси: буюм ойначаси ёғсизлантириб олинади, шубҳали колониялар сонига қараб буюм ойначасига ҳам шунчак рақамлар қўйилади ва ҳар бир рақам олдига бир томчидан ОҚА зардоби томизилади. Зардоб устига шубҳали колониялардан озгинасини қўйиб аралаштирилади. Фақат агглютинация берган колониянинг маълум қисмини олиб соғ культура ажратиб олиш учун қийшиқ агарга экилади. 10 та колонияда ҳам агглютинация бермаса, салбий жавоб олинди деб ҳисобланади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Экилган мұхит текширилади. Қийшиқ агарда ичак таёқаси нам, ялтироқ, кулранг, айрим ҳолларда хира қатlam ҳосил қилиб ўсади. Шулардан олиб:

1. Соф культура эканлигини аниқлаш учун суртма препарат тайёрланади ва Грам усулида бўяб микроскопда текширилади. Агар микроскоп остида ичак таёқчалари кўринса, текшириш ишлари давом эттирилади.

2. Буюм ойначасида яна ОҚА поливалент зардоби билан тахминий агглютинация реакцияси қўйилади. Агар агглютинация бўлса, реакция давом эттирилади.

3. ОҚА поливалент зардоб таркибига кирувчи ОҚВ, ОҚС, ОҚД, ОҚЕ зардоблари билан агглютинация реакцияси қўйилади. Қайси бирида реакция берса, шу зардоб таркибига кирувчи турдош зардоблар билан агглютинация реакцияси қўйилади.

4. Ичак таёқчасининг турини аниқлаш учун турдош зардблар билан тахминий агглютинация реакцияси қўйилади. (масалан,  $O_{26}$ ,  $O_{55}$ ,  $O_{111}$  ва бошқалар).

5. Сахаролитик хоссасини аниқлаш учун Гисс (лактоза, глюкоза, маннит, сахароза, малтоза ва бошқалар) мұхитига экилади.

6. Антибиотикка сезувчанлиги ўрганилади.

7. Тўлиқ фарқлаш ишларини олиб бориш учун кенгайтирилган агглютинация реакцияси қўйилади. Тирик культура билан культурадаги К—антigen, қиздирилган культура билан О—антigen аниқланади. Кенгайтирилган ҳажмдаги агглютинация реакциясини қўйиш учун қийшиқ агарга 3—5 мл физиологик эритма солиб микроб чайнинди тайёрлаб олинади ва уни иккита пробиркага бўлиб қўйилади. Пробиркаларнинг бирини сув ҳаммомида  $100^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 1 соат давомида қиздирилади.

Кенгайтирилган агглютинация реакцияси икки қатор пробиркаларда олиб борилади. ОҚА зардоби 1:1600 гача суюлтирилиб чиқилади. Биринчи қатордаги пробиркаларга тирик микроб культурасидан 2 томчидан, иккинчи қатор пробиркаларга қиздирилган микроб культурасидан 2 томчидан солиб чиқилади. Пробиркалар чайқатилиб термостатга  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Натижга ўқилади. Агар углеводли мұхитларни кислота ва газгача парчаласа, кенгайтирилган ҳажм агглютинация реакциясида қиздирилган культура қаторидаги томизилган чўкма тирик культура томизилган қатордаги чўкмадан 2 баробар ортиқ бўлса, реакция мусбат дейилади ва текшириш материалида энтеропатоген ичак таёқчаси бор деб ҳисобланади.

## **Назорат учун саволлар**

?

1. Эшерихияларни аниқлаш учун қандай текшириш материалы олинади?
2. Энтеропатоген ичак таёқчалари қандай зардобрар билан фарқланади?
3. Тирик ва қиздирилган эшерихия культуралари билан кенгайтирилган ҳажмдаги агглютинация реакцияси нима учун қўйилади?

## **19-боб. САЛЬМОНЕЛЛАЛАР**


Сальмонелла авлодига 2000 дан ортиқ турдаги бактериялар киради. Сальмонеллалар келтириб чиқарадиган касалликларни сальмонеллёзлар дейилади. Сальмонеллалар морфологик, культурал ва ферментатив хоссаларига кўра бир-бирига ўхаш, лекин антигенлик хоссасига кўра бир-биридан фарқ қиласди.

Сальмонеллалар монопатоген ва полипатоген гурухларга бўлинади. Монопатогенларга қорин тифи, паратиф А ва паратиф В киради. Бу касалликлар билан фақат одамлар касалладиди. Полипатогенларга одам ва ҳайвонларда касаллик чақиравучи қўзғатувчилар киради.

Қорин тифи қўзғатувчисини 1880 йили Эберт қорин тифи билан ўлган одам организмидан ажратиб олган. Ашар ва Бансод 1886 йили қорин тифига ўхашаш касаллик билан касалланган беморнинг йиринг ва сийдигидан қорин тифи қўзғатувчи сига ўхашаш микробларни аниқлаганлар. Улар қорин тифи қўзғатувчининг биокимёвий хоссасига кўра фарқланишини аниқлашган. Уларни паратиф А ва В қўзғатувчилари деб номлаганлар. Кейинчалик шуларга ўхашаш кўпгина микроблар аниқланган ва уларни ҳам сальмонелла авлодига киритишган.


**Морфологияси.** Барча сальмонеллалар 1,0—3,0x0,6—08 мкм катталика бўлиб, таёқчасимон, суртмада тартибсиз жойлашади, Грам манфий бўялади. Учлари юмалоқ, ҳаракатчан, хивчинлари перетрих жойлашган. Спора ва капсула ҳосил қилмайди.

**Культурал хоссаси.** Факультатив анаэроб ҳисобланади. ГПА да нозик, ярим тиник, бироз бўртиб чиқсан, ялтироқ колония ҳосил қилиб ўсади. ГПШ да бир текисда лойқаланади. Эндо, Плоскирёв муҳитида сальмонеллалар, ялтироқ, рангсиз колония ҳосил қилиб ўсади, чунки озиқа муҳит таркибидағи лактозани парчаламайди. Висмут-сульфит агарда 48 соатдан кейин улар қора рангли, ўзидан кейин доғ қолдирадиган (паратиф А дан ташқари), ялтироқ колония ҳосил қилиб ўсади. Паратиф В қўзғатувчиси 18—20 соат термостатда сақлангандан сўнг хона ҳароратида 1—2 кунга қолдирилганда колония атрофида шилимшиқ доира ҳосил қиласди.




**1-расм.** Бактерияда хивчинларнинг жойлашиши.

А-лофотрих; Б-монотрих;  
В-перетрих; Г-амфитрих.




**2-расм.** Бурри-Гинс усулида бактериядаги капсулани аниқлаш.

Хужайра танаси қизил, капсуласи рангсиз.




3-расм. Сувли фуксин усулида бактерия капсуласини аниқлаш.




4-расм. Бацилла шаклидаги бактерияларнинг споралари. Ожешчко усулида бўялгандаги кўриниши.



5-расм. Гўшт-пентонли шўрвада *Streptococcus* нинг соғ культураси. Грам усулида бўялган.




**6-расм.** Сепсис билан касалланган бемор қонида *Streptococcus pneumoniae* нинг кўриниши.



**7-расм.** Соф культурада *Diplococcus pneumoniae* нинг кўриниши. Грам усулида бўялган.




**8-расм.** Балғамда *Diplococcus pneumoniae* нинг кўриниши.  
Метилен кўки усулида бўялган.



**9-расм.** Соф культурада *Sarcina Lutea* нинг кўриниши. Грам  
усулида бўялган.




**10-расм.** Йирингда *Neisseriaceae* qonorrhoeae нинг лейко-  
цитлар ичидаги жойлашиши. Бактерияларнинг ху-  
жайра ичидаги жойлашиши. Метилен кўки усулида  
бўялган.




11-расм. Страфилококк ва вибрион аралаш культура. Грам усулида бўялган.




12-расм. Соф культурада *Staphylococcus aureus* нинг кўриниши. Грам усулида бўялган.




13-расм. Enterobacteriaceae оиласидаги турли хил бактериялар морфологияси: *Escherichia*; *Shigella*; *Salmonella*.




14-расм. Вибрионнинг турлари.  
A-Vibrio cholerae; B-Vibrio El-tor.




15-расм. Тоун касаллигидан нобуд бўлган ҳайвон аъзоларидан тайёрланган препаратларда Past pestis нинг ментилен кўкида бўялгандаги кўриниши.




**16-расм.** Күйдирги касаллигидан нобуд бўлган ҳайвон аъзосидан тайёрланган суртмада *Bac. Anthracis* нинг кўриниши. Грам усулида бўялган.




**17-расм.** Соф культурада *Cl. Tetani* нинг кўриниши. Грам усулида бўялган.



**18-расм.** Соф культурада *Cl. botulinum* нинг кўриниши. Спора субтерминал жойлашган. Грам усулида бўялган.



19-расм. Соф культурада *Corynebacterium diphtheriae* волютин доначаларининг кўриниши. Нейссер усулида бўялган.



20-расм. Соф культурада *Corynebacterium diphtheriae* нинг кўриниши. Леффлер усулида бўялган.

**Ферментатив хоссаси.** Сальмонелларга глюкоза, маннит, мальтозани кислота ва газгача парчалайди, қорин тифи эса уларни кислотагача парчалайди.

**Сальмонеллалар** лактоза ва сахарозани парчаламайди. Протеолитик хоссасига күра қорин тифи, паратиф В құзғатувчилари вадород сульфит ҳосил қиласы. Индол ҳосил қымайтынан суюлтирумайди. Паратиф В құзғатувчиси лакмусли сутни ишқорлады.

**Токсигенлик хоссаси.** Липополисахарид табиатли эндотоксин ҳосил қиласы.

**Антигенлик хоссаси.** 1934 йилда Кауфман сальмонелла зардоблары билан агглютинация реакциясими қўйиш натижасига қарабарча сальмонеллаларни гурухларга ва турларга бўлди, антигенлик хоссасига кўра диагностик схемасини тузди. Сальмонеллалар 2 та антиген сақлади: О ва Н антиген О—антigeni липополисахаридпротеин табиатли, термостабил, формалин таъсирида инактивацияланади. Н—антиген оқсил табиатли, термолабил, спирт ва фенол таъсирида инактивацияланади, формалинга чидамли. Барча сальмонеллалар О антигенига кўра А, В, С, Д, Е ва бошқа гурухларга бўлинади. О—антигенини араб рақамлари билан белгиланади. Н антигенига кўра иккита фазага бўлинади. I фаза кичик лотин ҳарфлари билан белгиланади. II фазаси араб рақамлари билан белгиланади. Қорин тифи қўзғатувчи Vi—Х антигенини сақлади.

**Чидамлилиги.** Сальмонеллалар муҳит таъсирига анча чидамли. 100°C ҳарорат таъсирида шу заҳоти, 60—70°C таъсирида 10—15 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Паст ҳароратга анча чидамли. Тоза сувда ва музда бир неча ойлаб, тузланган ва дудланган гўштда 2 ойгача сақланади. Қуришга чидамли, чангда узоқ вақт сақланади. Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида бир неча дақиқадан сўнг нобуд бўлади.

**Патогенлиги.** Кўпгина сальмонеллалар одам, ҳайвон, парандаларда касаллик келтириб чиқаради.

### ҚОРИН ТИФИ, ПАРАТИФ А ва В нинг ҚУЗҒАТУВЧИЛАРИ

**Инфекция манбаи.** Бемор одам ва бактерия ташувчилар ҳисобланади.

**Тарқалиш йўллари.** Билвосита контакт (ифлос қўл, идиштовоқ ва бошқалар) сув, алиментар, механик йўллар орқали тарқалади.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб оғиз шиллиқ пардаси ҳисобланади. Микроблар оғиз орқали ошқозонга ўтади, у ерда қисман ошқозон шираси таъсирида нобуд бўлади. Шу тўсиқлардан ўтган микроблар ингичка ичакка ўтади ва унинг лимфа тугунида сўрилади. У ерда бўлинниб кўпаяди ва бу инкубацион даврда (10—14 кун) содир бўлади. Шу даврнинг охи-

рида қўзғатувчи лимфа тугунидан қонга сўрилади (бактериемия) ва бутун организмга тарқалади. Бу даврда қўзғатувчилар ички аъзоларнинг лимфа, макрофаг системасида, жигарда, талоқда, суяк кўмигида тўпланади. Сальмонеллалар кўпайиш учун қулай шароит бўлиб ҳисобланган ўт пуфагида тўпланади, чунки ўт суюқлиги бу бактерияларнинг энг севимли муҳити ҳисобланади. Бактериялар ўт суюқлиги билан яна ичакка ўтади ва специфik қорин тифи яллиғланишларини келтириб чиқаради. Бактериялар қонга ўтган даврда улар ўзидан эндотоксин ажратади ва бу токсин организмда интоксикацияни келтириб чиқаради. Беморнинг ҳарорати кўтарилади, ҳолсизланиб тинкаси қурийди, боши оғрийди. Касалликнинг 2-ҳафтаси охири ва 3-ҳафтасининг бошида қўзғатувчилар нажас, сийдик, сўлак билан ташқи муҳитга чиқа бошлайди. Агар вақтида даволан маса bemорлар бактерия ташувчи бўлиб қолишли мумкин.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг узоқ вақт давом этади, иммунитет ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Шахсий ва умумий гигиена тартиб ва қоидаларига риоя қилиш, аҳоли орасида санитария маорифи ишларини олиб боришдан иборат.

**Махсус профилактикаси.** Таркибида қорин тифи, паратиф А ва В антигени ва қоқшол анатоксинини сақловчи кимёвий вакцина қўлланилади. Бундан ташқари, VI-антигенини сақловчи спиртли қорин тифи вакцинаси қўлланилади. Касаллик ўчоғида контактда бўлганларга қорин тифи бактериофаги берилади.

**Давоси.** Антибиотиклар ва интоксикацияга қарши препаратлар билан даволанади.

### ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ (ТОҚСИКОИНФЕКЦИЯ)

Сальмонеллалар билан ифлосланган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш натижасида юзага келади.

**Инфекция манбай.** Қасал ҳайвон организмидаги сальмонеллалар сақловчи ҳайвон, паррандалар ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Сальмонеллалар билан ифлосланган гўшт, гўшт маҳсулотлари, тухум, сут, сут маҳсулотларини истеъмол қилганда юқади. Айниқса, эндотоксин тўпланган ва сальмонеллалар бўлинib кўпайган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш хавфли ҳисобланади.

**Патогенези.** Тиф ва паратифоз касалликларига ўхшаш. Токсикоз ва ошқозон-ичак системаси касалликларининг клиник белгилари юзага келади. Қасаллик 4—5 кун давом этади, айрим ҳолларда касалланиб ўтган bemорлар бактерия ташувчи бўлиб қоладилар.

**Профилактикаси.** Моллар доимо назорат остида бўлиши, моллар ва паррандаларни сўйиш, нимталаш вақтида санитария ҳолатини назорат қилиб туриш, шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилишдан иборат.

**Махсус профилактикаси.** Токсикоинфекция ўчоғидаги одам-ларга сальмонелләздинг поливалент бактериофаги берилади.

**Давоси.** Интоксикацияга қарши препаратлар берилади, күп миқдорда суюқлик юборилади, ошқозон ювилади, ҳуқна қилинади, антибиотиклар берилади.

## ҚАСАЛХОНА ИЧИ САЛЬМОНЕЛЛӘЗ ИНФЕКЦИЯСЫ

Қасалхона ичи сальмонелләз инфекциясининг асосий құзғатувчиси *S. typhi* тигіштің ҳисобланади. Шунингдек, қасалхонада *S. heidelberg*, *S. derby* ва бошқа құзғатувчилар көлтириб чиқарғанлиги қайд қилинганды. Бу құзғатувчиларнинг морфологик, культурал хоссалари бир-бирига ўшашаңыз да, бошқа сальмонеллалардан фарқ құлмасада, улар учун хос айрим биологик хусусияттар мавжуд. Масалан, қасалхона ичидағы инфекция құзғатувчалари маълум биоварларга тааллуқлы бўлиб, улар оқ сичқонлар учун анча патоген ҳисобланади.

**Инфекция манбаи.** Қўпинча бактерия ташувчилар, айрим ҳолларда беморлар инфекция манбаи ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Билвосита контакт, яъни ўйинчоқ, идиштовоқ, сочиқ, чойшаб, кам ҳолларда озиқ-овқат, ҳаво чангি орқали тарқалади.

**Патогенези.** Қасаллик организмнинг қаршилик кучи су-сайган ҳолларда, яъни иммунологик чидами сусайганда юзага келади. Құзғатувчи организмга оғиз шиллиқ қавати ва нафас йўли орқали тушади, ва бу патологик жараённинг юзага келиши билан намоён бўлади. Ошқозон-ичак функциясининг бузилиши, организмнинг сувсизланиши ва нафас аъзолари функциясининг бузилиши, бактериемия, септик асоратлар юзага келади. Бу қасаллик билан кўпинча болалар қасалланадилар.

**Иммунитети.** Қасаллик көлтириб чиқарган сальмонеллаларнинг айнан шу сероварига нисбатан иммунитет ҳосил бўлади.

**Профилактика ва давоси.** Умумий профилактикасида даволаш муассасаларида санитария-гигиена қоидаларини қаттиқ назорат қилиш алоҳида ўрин тутади. Санитария маорифи ишларини олиб бориш муҳимдир. Махсус профилактикасида контактда бўлганларга сальмонелләз поливалент бактериофаги берилади. Давоси симптоматик.

## Назорат учун саволлар



1. Сальмонеллаларнинг морфологик, культурал, ферментатив хоссаси қандай?
2. Сальмонеллаларнинг таснифи нимага асосланган?
3. Сальмонеллалар қандай қасалликларни көлтириб чиқаради?

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

1. Касалликнинг биринчи ҳафтасида қон олиниб гемокультура усулида текширилади.
2. Касалликнинг иккинчи ҳафтаси ёки учинчи ҳафтасининг бошида қон олиниб серологик усулда Видал реакцияси қўйилади.
3. Касалликнинг учинчи ҳафтасида нажас, сийдик, ўт суюқлиги олиниб коопро-урино культура ўстириш усулида текширилади.
4. Бундан ташқари, мурда ёрилганда унинг сувак кўмиги, аъзодар бўлақдари ва бошқалар олиб текширилади.
5. Токсиқонфекцияда қусук моддаси, ошқозон чайниси, овқат қолдиғи текширилади.

### МАТЕРИАЛНИ ТҮПЛАШ УСУЛИ

Қон. Стерил шприц ёрдамида беморнинг билак венасидан 10—20 мл қон олиниди ва электив муҳит (Раппопорт ёки 10—20% ўт суюқлиги қўшилган шўрва) га экилади. Газ ҳосил бўлишини аниқлаш учун Раппопорт муҳитига стерилизация қилишдан аввал сузгич солиб қўйилади.

Бемор иситмалаётган вақтда 10 мл қон олиниди, иситма тушганда қонда бактериялар миқдори кам бўлганлиги учун 15—20 мл қон олиниди. Қон колбадаги 1:10 нисбатдаги муҳитга (масалан, 10 мл қонни 100 мл муҳитга) экилади. Муҳит термостатда қолдирилади.

Эртаси куни экилган муҳит термостатдан олиб текширилади. Муҳитда ўзгариш бор-йўқлигига қарамасдан Эндо ва Плоскирев мухитларига экилади.

Колбадаги муҳитда бактериялар ўсиши бўлмаса термостатда яна 7 кунгача қолдирилади. Петри косачасидаги муҳитларда ўсиш бўлмаса, ҳар 2 кунда қайтадан Эндо ва Плоскирев мухитларига экилади.

Агар 7 кун ичидаги ўсиш бўлмаса, салбий жавоб берилади. Агар шубҳали колоциялар ҳосил бўлса, соф культура ажратиб олиниди ва умумий схема асосида текшириш ишлари ўтказилиади.

#### Нажас:

Бемор касалхонага тушгандан то чиқиб кетгүйга қадар текширилади.

3—5 г олиниб банқага ёки 30%ли глицерин аралашмасига солинади. Нажас дифференциал диагностик муҳитлари бўлган Эндо, Плоскирев, висмут сульфитли агар ва дифференциал диагностик муҳитига экиш учун бойитувчи селениитли Мюллер ёки Кауфман муҳитларига экилади. Шундай қилиб у дифференциал диагностик муҳитларига 1 кун оралаб экилади. Текшириш материали-

ни глицеринли аралашмада 6—8 соат, яхшиси, музлатгичда сақлаш мақсадға мувофиқ.

**Экип усули.** Тұпланған материал глицеринли аралашмада обдон аралаштириләди ва шиша тәкәчә ёки найча ёрдамда бир томчи олиб Петри косачадаги озиқа мұхит четига томизилади. Аввал шпател билан мұхит четига, сүнг бутун озиқа мұхит юзасига ёйлади. Шундай усул ёрдамида алоқида колония ҳосил қилинади. Экилган мұхитлар термостатда қолдирілади. 18—24 соатдан кейин косачалар термостатдан олиніб текширилади. Шубҳали колониялар ҳосил бұлғанда, соф культура ажратыб олинади ва қолған текширишларни умумий схема асосида олиб борилади. Шубҳали колониялар ҳосил бўлмаса, салбий натижадеб жавоб берилади.

Сийдикни, яхшиси, стерил катетер ёрдамда олиш мақсадға мувофиқдир. Агар бундай олишнинг иложи бўлмаса, сийдик чиқариш йўли физиологик эритма билан ювилади, сийдикнинг биринчи қисми тўкиб ташланади. Шундан сүнг стерил идишга 20—50 мл сийдик отинади, центрифуга қилинади ёки тиндирилади. Чўқмадан олиб Эндо—Плоскирёв, висмут—сульфитли агар ва бойитувчи селенитли Мюллэр ёки Кауфман мұхитларига экилади ва 24 соатдан кейин дифференциал-диагностик озиқа мұхитига экилади. Экилган мұхитлар термостатда қолдирілади. Эртаси куни шубҳали колониялар ўсган бўлса соф культураси ажратыб олинади ва умумий схема асосида текшириш ишлари ўтказилади.

Яхши кўриниб турган розеоласи бўлган тери спирт билан артилади, физиологик эритма билан ювилади ва стерил скальпел билан розеола қирилади (скарификация қилинади). Скарификация қилинган жойга бир томчи 10—20% ли ўтли шўрва томизилади ва розеола ичидаги модда билан яхшилаб аралаштирилади. Шу моддадан Пастер пипеткасида олиб учи алангада кавшарланади

**Сийдик:**  
Бемор касалхонадан  
чиқиб кетгунга қадар текширилади.

**Розеола ичидаги  
модда**

ва лабораторияга жүнатылади. Лабораторияда тұпланған материал дифференциал-диагностик мұхитта ва бойитувчи 10—20% ли үтли шұрвага экилади. Экилгандарни термостатда қолдирылади. Қолган текширишлар умумий схема асосида олиб борылади.

### Суяқ күміги:

Корин тиғи ва паратифларнинг құзғатувчилари суяқ күмігінде узоқ вақт сақланади. Суяқ күмігидегі модданы олиш учун стерил ҳолатда пункция қылышынан. Олинган пунктатни бойитувчи мұхитта, сұнгра дифференциал-диагностик мұхитта экиб умумий схема асосида текширилади. (24-жадвал).

### Үт суюқлиги:

Үт суюқлиги касалликнинг биринчи күнінде, иситмалаётган ва реконвалесценция даври давомында текширилади. Үт суюқлиги, асосан, бактерия ташувчи ва реконвалесцентни аниқлаш мақсадыда текширилади. Үт суюқлиги стерил пребиркаларга зонд ёрдамыда алоҳида А, В ва С порцияларда олинади. Бу порцияларни алоҳида ёки арапалаштырмасдан әкиш мүмкін, чунки үт суюқлиги сальмонеллалар учун озиқа мұхит бўлиб ҳисобланади. Олинган үт суюқлиги термостатда қолдирылади. Эртаси куни у дифференциал—диагностик мұхитларга экилади. Агар бу мұхитларда у ўсмаса, қайтадан экилади. Үт суюқлигини 10 кунга термостатда қолдирылади ва вақти-вақти билан дифференциал-диагностик мұхитларга экиб турилади. Шубҳали колония ҳосил бўлса, у умумий схема асосида текширилади.

### Қусуқ моддаси:

Қусуқ моддаси стерил ҳовончада физиологик эритмада 1:10 нисбатда суюлтирилади, юқори қисмидан 2—3 томчи олиб дифференциал-диагностик ва бойитувчи мұхитта экилади. Қолган текшириш ишлари умумий схема асосида олиб борылади. Қусуқ моддаси ва ошқозон чайнандиси токсикоинфекцияда текширилади. У кислотали шароитта эга бўлганлиги учун әкишдан олдин 5—10%ли натрий бикарбонат билан нейтралланади.

## **Озиқ-овқатлар:**

Суюқ ва ярим суюқ маҳсулотлар яхшилаб аралаштирилади. 2—3 томчи олиб дифференциал-диагностик ва бойитувчи муҳитга экилади. Иирик маҳсулотлардан эса стерил пичноқ ёки скальпел билан чуқур қисмидан 5—10 г олиб, стерил ҳавончада физиологик эритмада 1:5 ёки 1:10 нисбатда суюлтирилади, сүнгра 2—3 томчи олиб дифференциал-диагностик ва бойитувчи муҳитларга экилади. Агар шубҳали колониялар ҳосил бўлса, умумий схема асосида текшириш ишлари ўтказилади.

## **Мурда ёрилганда олинган материал:**

Аъзолардан айрим бўлаклар, жигар, талоқ, буйрак, ингичка ичакдан эса бўлакча, қон ва ўт суюқлиги тегишли равишда текшириш учун олинади. Аъзолардан бўлакчалар стерил қайчи ва пинцет ёрдамида олинади, сүнгра стерил идишга солинади. Сүнгра улар стерил ҳовончада эзилади ва дифференциал-диагностик ва бойитувчи муҳитга экилади. Шубҳали колониялар ҳосил бўлган бўлса, умумий схема асосида текшириш ишлари ўтказилади.

## **Асосий текшириш усуллари**

1. Бактериологик.
2. Серологик.

**Текширишининг биринчи куни.** Тайёрланган текшириш материали дифференциал-диагностик ва бойитувчи муҳитларга экилади. Текшириш материали Плоскирёв ва висмут—сульфитли агарга Эндо муҳитига нисбатан икки баробар кўп экилади. Чунки биринчисида ўсишга тўсқинлик қилувчи омиллар бўлади. Бойитувчи муҳитга 1:5 нисбатда экилади. Термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишининг иккинчи куни.** Озиқ муҳитларини тегрмостатдан 18—24 соатдан кейин олинади ва шубҳали колониялар ўрганилади. Бир неча (5—6) шубҳали колониядан намуна олиб Олькеницкий ёки Рассел муҳитига экилади. Бу муҳитларга намуна қўйидагича экилади. Шубҳали колониядан олиб секин-аста пробирка деворига тегизмасдан конденсацион суюқлигига аралаштирилиб юқорига қараб штрих қилиб экилади ва газ ҳосил бўлишини аниқлаш учун экишга муҳит марказидан унинг тубигача санчилади.

**Экилган муҳит термостатда қолдирилади. Агар текшириш**

материали бойитувчи муҳитга экилган бўлса, у ҳолда дифференциал—диагностик муҳитга қайтадан экилади. Қолган ишлар умумий схема асосида олиб борилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Экилган муҳит термостатдан олиб текширилади. Жамланган Олькеницкий ёки Рассел муҳитининг таркибида лактоза, глюкоза, мочевина ва индикатор мавжуд. Анаэробиоз шароитида глюкоза парчаланади. Шунинг учун бунда муҳитнинг қийшиқ қисми ўзгармасдан, тик қисмининг ранги индикаторга мослашиб ўзгариади. Сальмонеллалар лактоза ва мочевинани парчаламайди. Агар муҳитнинг барча қисмлари ўзгарса, сальмонеллалар йўқ деб жавоб берилади.

Шундан сўнг фақат глюкозаси парчаланган муҳитларгина текширилади:

1. Суртма препарат тайёрлаб, Грам усулида бўялади ва микроскоп остида текширилади. Агар Грам манфий таёқчасимон бактериялар кўринса, текшириш ишлари давом эттирилади.

2. Сахаролитик хоссасини ўрганиш учун Гисс қаторига экилади.

3. Протеолитик хоссасини ўрганиш учун лакмусли сутга ва индикатор қоғози ўрнатилган гўшт-пептонли шўрвага экилади. Экилган муҳитлар термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирлади.

4. Сальмонеллаларни фарқлаш учун агглютинация реакцияси ўтказилади. Буюм ойначаси устида поливалент (АВСДЕ) зардоби билан агглютинация реакцияси қўйилади. Агар реакция мусбат бўлса, шу зардоб таркибига кирувчи гурӯҳ қон зардолари билан алоҳида агглютинация реакцияси қўйилади. Уларнинг бирида агглютинация реакцияси берса O—антиген ва Н—антигенининг биринчи фаза ва иккинчи фаза зардолари билан агглютинация реакцияси қўйилади (23-жадвал).

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Натижা ўқилади.

23-жадвал

#### Сальмонеллаларнинг ферментатив хоссаси

Бактериянинг тури	Лактоза	ТЕСТ							
		Глюкоза	Сахароза	Маннит	Мельтоза	Индол	H <sub>2</sub> S	Лактамусли сут	Желатина
Коринтифи Паратиф А	—	К КГ	—	К КГ	КГ КГ	—	+	К и	— —
Паратиф В	—	КГ	—	КГ	КГ	—	+	—	—

К—кислотагача, КГ—кислота ва газгача парчалайди. И—ишқорлайди.

5. Фагга сезувчанлиги аниқланади. 1-усул. Петри косачасыга 20—25 мл гүшт-пептоныли агар қуйилади ва термостатда қопқоғи очиқ ҳолда қуритилади. Косача орқа томондан секторларга бўлинади ва ҳар бир секторга фагнинг номи ёзилади, 4—6 соат турган шўрвадаги культура ўрганилади, чунки у кўп миқдорда Vi-антигенини сақлайди. Агар устига 8—10 томчи шўрвадаги культурадан томизилади ва шиша шпател билан бутун озиқа муҳит юзасига ёйилади. Экилган муҳит қопқоғи очиқ ҳолда термостатда қуритилади. Ҳар бир секторга маълум фаг томизилади. Томчи қуригандан кейин термостатда 18—24 соатга қолдирилади. Натижа косячанинг орқа томонидан ўқилади.

Текширилаётган культура қайси турдаги фагга мос бўлса, у лизисга учраб тиник зона ҳосил бўлади.

2-усул. Озиқа муҳитга текширилаётган культура томизиб чиқилади. Ҳар бир шундай томчи қуригандан кейин унинг устига маълум фаг тури томизилади. Термостатда қолдирилади. Эртаси куни натижа ўқилади.

## 24-жадвал

### Тиф ва паратиф ғўзгатувчиларининг антигенлик тузилиши

Сальмонелла-лар	0—груп	0—антигенлар (соматик)	Н—антигенлар	
			1—фаза	2—фаза
Паратиф А	A	1, 2, 12	a	—
Паратиф В	B	1, 4, 5, 12	b	—
Корин тифи		1, 9, 12, (Vi)	d	1, 2

### Назорат учун саволлар

?

1. Корин тифи, паратиф ва токсикоинфекцияда қандай текшириш материаллари олинади?
2. Гемокультура усули касалликнинг қайси даврида қўлланилади?
3. Тиф ва паратиф касаллигининг қайси даврида најас ва сийдик олинади?
4. Текшириш материали қандай диференциал-диагностик муҳитларга экилади?
5. Монорецептор O—зардоби ва Н—зардоби билан нима аниқланади?

### КОРИН ТИФИ ВА ПАРАТИФНИНГ СЕРОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ

Видал реакцияси. Касалликнинг иккинчи ҳафтасида қонда инфекцияга қарши антителолар ҳосил бўлади. Ўларни аниқлаш учун bemornining қон зардоби олиниб кенгайтирилган ҳажмли аг-

глютинация реакцияси қўйилади. Антиген сифатида ўлик сальмонелла культурасидан иборат диагностикум қўлланилади. Реакцияни қўйиш учун беморнинг қон зардobi, диагностикумлар, физиологик эритма, пробиркалар керак бўлади.

Бемор бармоғидан ёки венасидан стерил пробиркага 2—3 мл қон олинади ва лабораторияга жўнатилади. Лабораторияда пробиркани термостатда 37°C ҳароратда 20—30 дақиқага қолдирилади, қон ивигандан кейин Пастер пипеткаси ёрдамида пробирка деворидан ажратиб олинади ва 30—40 дақиқага музлатгичда қолдирилади. Ажралган зардоб алоҳида пробиркага солинади. Зардобни ажратиб олиш учун қонни центрифугалаш ҳам мумкин.

Инфекцион жараён юзага келган организмда тегишли антигенга нисбатан 0 ва Н-антителолар ҳосил бўлади. 0-антиген биринчи бўлиб ҳосил бўлади ва тезда йўқолади. Н-антителолар узоқ вақт сақланиб қолади. 0 ва Н-антигени билан қўйилган агглютинация реакциясининг мусбат бўлиши касаллик борлигидан далолат беради; фақат Н-антигени билан реакциянинг мусбат бўлиши касалланиб ўтганликдан ёки эмланганликдан далолат беради. Шундан келиб чиқсан ҳолда Видал реакциясини 0 ва Н-антигенлари билан бирга қўйиш лозим.

Қорин тифи ва паратиф А ва В касалликларининг белгилари ўхшаш бўлганлиги учун касаллик табиатини аниқлашда сальмонеллаларнинг қорин тифи ҳамда паратиф А ва В диагностикумларидан бир вақтнинг ўзида фойдаланилади.

Реакция икки усулда — томчи ва ҳажмли усулларида олиб борилади. Амалиётда кўпинча ҳажмли агглютинация усули қўлланилади. Ҳажмли агглютинация реакциясининг қотори антигенлар миқдорига тенг бўлиши керак.

Беморнинг ажратиб олинган қон зардобидан ишчи эритма тайёрлаб олинади. Бунинг учун алоҳида пробиркага 0,1 мл bemor қон зардоби ва 4,9 мл физиологик эритма солинади. Бунда зардоб 1:50 нисбатда суюлади.

З қаторда 5 тадан пробирка олинади ва ҳаммасига 1 мл дан физиологик эритма солиб чиқилади. Биринчи пробиркага 1 мл ишчи эритмадан солиб яхшилаб аралаштирилади ва пипеткага сўриб олинади ва иккинчи пробиркага солинади, аралаштирилиб иккинчидан учинчига, учинчидан тўртинчига ва тўртинчидан 1 мл олиб дезинфекцияловчи моддага тўкилади. Бундай иш қолган қаторларда ҳам такрорланади. Сўнг 1-қаторнинг барча пробиркаларига қорин тифи, 2-қаторга паратиф А, 3-қаторга паратиф В диагностикумидан 2 томчидан солиб чиқилади. Пробиркаларни термостатда 37°C ҳароратда 18—24 соатга қолдирилади.

Бунда зардоб 1:100, 1:200, 1:400, 1:800 нисбатга суюлади.

Вақт ўтгач термостатдан олиб натижа ўқилади. Агар қатордаги антиген антителога мос бўлса, шу қаторда донадор чўкма ҳосил бўлади.

Агар 1:100 нисбатга суюлтирилган зардоб пробиркаларда

агглютинация берса, реакция шубҳали ҳисобланади. Шунинг учун реакция 5—7 кундан кейин қайтадан қўйилади. Беморларда реакция қўйилганда антитело титри ортади, эмланган ва касалланиб ўтганларда эса титр ўзгармайди.

Организмга Vi-антигени юқори бўлган қорин тифи қўзғатувчиси тушгандা bemor қонида Vi агглютининлар ҳосил бўлади. Улар касалликнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб аниқланади, лекин уларнинг титри 1:19 дан ортмайди. Vi антителонинг аниқланиши организмда қорин тифи қўзғатувчиси борлигидан далолат беради. Бу ҳолат эпидемиологик аҳамиятга эга бўлиб, бактерия ташувчани аниқлашда катта ёрдам беради.

**Vi—гемагглютинация реакцияси.** Бу реакция антителони аниқлайдиган энг аниқ реакция ҳисобланади.

Ушбу реакция шунга асосланганки, одам ва қўй эритроцитлари маҳсус усулда ишлов берилганда ўз юзасига Vi-антигенларни адсорбциялаши мумкин ва натижада ўзига мос Vi-антителоларни агглютинациялаш қобилиятига эга бўлади.

Ўз юзасига антигенларни адсорбциялаган эритроцитлар эритроциттар диагностикум дейилади.

Vi — гемагглютинация реакциясини қўйиш учун қўйидагилар керак бўлади: 1) 1—2 мл bemornинг қон зардоби, 2) сальмонеллэз эритроцитар Vi — диагностикуми, 3) Vi — зардоби, 4) O—зардоби, 5) физиологик эритма. Реакция агглютинация пробиркасида ёки пластмасса пластинкаларда олиб борилади.

Видал реакциясиdek bemordan қон олинниб, унинг зардоби ажратиб олинади. Зардоб 1:10 дан 1:160 гача суюлтирилади. Ҳар бир суюлтириш даражасидан 0,5 мл дан пробирка ёки пластинкадаги ботиқликка солинади ва уларнинг устига 0,25 мл эритроцитар диагностикум солинади. Реакция 0,75 мл ҳажмда қўйилади.

Таққослаш сифатида: 1) стандарт агглютинацияловчи монорецептор Vi—зардоби+диагностикум зардоб титригача мусбат бўлиши керак, 2) физиологик эритмадаги диагностикумнинг (контроль) —реакцияси манфий бўлади.

Эритма яхшилаб аралаштирилади ва термостатда 37°C, ҳароратда 2 соатга, сўнг хона ҳароратида 18—24 соатга қолдирилади.

Натижа контролъ пробиркаларидан бошлаб ўқилади. Диагностикумни агглютинацияланиш даражасига қараб реакция ўқилади. Натижа қўйидагича баҳоланади:

+++ Эритроцитлар тўлиқ агглютинацияланади, чўкма «соябонга» ўхшаёт бўлади.

++ «Соябон» аниқ эмас, ҳамма эритроцитлар чўкмага тушмайди.

+ + «Соябон» билин-билинмас агглютинацияланмаган эритроцитлар кўриниб туради.

«—» Эритроцитлар тугмасимон чўкма ҳосил қиласида ва ундан реакция манфий ҳисобланади.

## Назорат учун саволлар

?

1. Қасалликнинг қайси даврида Видал реакцияси қўйилади?
2. Видал реакциясини қўйиш учун нималар керак?
3. Видал реакциясида қандай диагностикумлар қўлланилади?
4. Серологик реакциялардан қайси бири сезгир реакция ҳисобланади?
5. Vi—гемагглютинация реакциясида диагностикум сифатида нима олинади?
6. Vi—гемагглютинация реакциисиning аҳамияти қандай?

## 20-боб. ШИГЕЛЛАЛАР

Дизентерия қўзғатувчисини 1891 йилда А. В. Григорьев ва 1898 йилда япон олимни Шиг аниқлаганлар. Кейинчалик мана шу авлодга кирувчи бактерияни 1900 йилда Флекснер, 1915 йилда Зонне, 1917 йилда Штутцер—Шмитц, 1934 йилда Лардж—Сакс каби олимлар аниқлаганлар.

Халқаро таснифга кўра дизентерия касаллигини чақиравчи микробларга Шиг номига берилган Шигелла авлодига киритилган.

**Морфологияси.** Шигеллалар таёқчасимон ( $2-3 \times 0,4-0,6$  мк), учлари юмaloқ, ҳаркатсиз бўлиб, спора ва капсула ҳосил қilmайди, Грам манфий бўлиб бўялади.

**Культурал хоссаси.** Факультатив анаэроб ҳисобланади. Озиқа муҳитига талабчан эмас. Эндо, Плоскирёв ЭМС муҳитларида ўртача, ярим тиниқ, кул ранг, юмaloқ, 1,5—2 мм S—шаклли колония ҳосил қилиб ўсади. Зонне тури эса йирик, яssi, хира, четлари ғадир-будур. R—шаклли колония ҳосил қилиб ўсади. Суюқ озиқа муҳитида лойқаланиш, R — шаклли ҷўкли ҳосил қилиб ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** Шигеллаларда ферментатив хоссаси яхши намоён бўлмайди. Лактоза ва сахарозани парчаламайди. Зонне шигелласи эса 2—3 кунларда уларни кислотагача парчалайди. Глюкоза ва мальтозани кислотагача парчалайди. Маннитни фақат Флекснер, Бойд, Зонне шигеллалари кислотагача парчалайди. Протеолитик хоссасига кўра индол ва водород сульфитни ҳосил қилиши доимий эмас, сутни ивитади, желатинани суюлтирумайди. Маннитни парчалашига қараб барча шигеллалар маннитни парчаловчи ва маннитни парчаламайдиганларга бўлинади (25-жадвал).

Маннитни парчаламайдиган шигеллаларга Григорьев—Шиг, Штутцер—Шмитц, Лардж—Сакс шигеллалари киради. Маннитни парчаловчиларга шигеллаларнинг Флекснер, Бойд, Зонне турлари киради (26-жадвал).

Ҳозирги вақтда Зонне шигелласи түртта ферментатив турға бўлинган. Улар рамноза ва ксилозани парчалашига кўра бир-биридан фарқланади.

### 25-жадвал

#### Зонне шигелласининг биовариантлари

Биовар	Рамноза	Ксилоза
I	+	—
II	+	—
III	+	+
IV	+	+

Илова: + парчалайди,  
— парчаламайди.  
(+) 3—5 кундан кейин  
парчалайди.

### 26-жадвал

#### Шигеллаларниң ферментатив хосаси

Шигелла тури	Тест								$H_2S$
	Лактоза	Глюкоза	Сахароза	Маннит	Малтоза	Сут	Желатина	Индол	
А. Григорьев — Шиг	—	К	—	—	К	К	—	—	—
Штутцер-Шмитц	—	К	—	—	К К	К К	—	—	—
Лардж-Сакс	—	К	—	—	К К	К К	—	—	—
В. Флеквер	—	К	—	—	К К	К К	—	—	—
С. Бойд	—	К	—	—	К К	К К	—	—	—
Д. Зонне	К	К	К	К	К К	К К	—	—	—
	2—5 куни	5—6 куни							

**Токсигенлиги.** Эндотоксин ишлаб чиқаради. Шиг шигелласи эса эндотоксиндан ташқари яна экзотоксин ҳам ишлаб чиқаради ва бу токсин нейротоксик таъсир кўрсатади.

**Антигенлиги.** Гуруҳ ва турга хос антигенларни сақловчи соматик O антигенини сақлайди. Халқаро таснифга кўра шигеллалар 4 гуруҳга бўлинади ва лотинча A, B, C, D ҳарфлари билан белгиланади.

А-гуруҳига: 1) Григорьев — Шиг, 2) Штутбер — Шмитц,

3) Лардж Сакс ва 8—10 провизорлари киради. Бу гуруұға ки-  
рувчи аъзолар фақат тур антигенини сақлайды ва араб рақам-  
лари билан белгиланади.

В-гуруұғига Флекснер шигелласи киради. У мұраккаб анти-  
генлик түзилишига зәғ. У тур антигенини сақлайды ва улар  
рим рақамлари билан белгиланади ҳамда гуруұқ антигенини  
сақлайды ва араб рақамлари билан белгиланади. Флекснер ши-  
гелласининг 6 та сероварианті мавжуд.

С-гуруұғига Бойд шигелласи киради, унинг тур антигени бў-  
либ, 15 та серологик тури мавжуд.

Д-гуруұғига Зонне шигелласи киради, унинг турига хос ан-  
тигени мавжуд (27-жадвал).

27-жадвал

#### Шигелла авлодининг тасниғи

Гуруұқ	Түр	Серовар	Серовар олди варианти	Қисқартырған антиген түзилиши
A	S. dysenteriae	1 2 3 4 5 6 7 8 9 10		
B	S. flexneri	1 2 3 4 5 6 x y	1a 1b 2a 2b 3a 3b 3c 4a 4b	I:4, I:6, II:3, 4, II:7, 8, III:6, 7, 8, III:3, 4, 6, III:6, IV:3, 4 IV:6, V:7, 8, VI:—, —:7, 8, —:3, 4,
C	S. boydii	1 2 3 4 5 6 7 8		

Гурӯҳ	Түр	Серовар	Серовар олди варианти	Қисқартырған антиген тузилиши
		9 10 11 12 13 14 15		
D	S. Sonnei			

**Патогенлиги.** Маймундан ташқари бошқа ҳеч қандай ҳайвон дизентерия құзғатувчилариға сезгир әмас. Лаборатория ҳайвонларидан қуён ва оқ сичқонларга бактериялар юборылғанда интоксикацияға ва ўлимға олиб келади.

**Инфекция манбасы.** Үткір ва сурункали шаклдаги бемор ва бактерия ташувчилар ҳисобланади.

**Тарқалиш йүллари.** Алиментар, сув, сабзовот ва мевалар, бильвосита контакт, механик йүл орқали тарқалади.

**Патогенези.** Оғиз шиллиқ пардаси орқали тушади. Озиқ-овқатлар билан организмға кириб ичакка тушади ва унинг эпителий шиллиқ қаватига ўтади, бу ерда бўлинниб кўпаяди. Улар ичакда қисман нобуд бўлади. Парчалангандан эндотоксин ҳосил қилади. Бу токсин эса йўғон ичак шиллиқ қавати сезувчанигини оширади, қон томирлари ўтказувчанлигини кучайтиради ва эндотоксин қонга сўрилиб, натижада интоксикацияни юзага келтиради. Ичак шиллиқ қавати яллиғланиш натижасида шишади, некрозга учрайди, геморрагия юзага келади. Бундан ташқари, эндотоксин марказий нерв системасига таъсир кўрсатади, йиринг ва қон аралаш ич кетади.

Шиг шигелласи келтириб чиқарган касаллик жуда оғир ўтади, у йўғон ичак шиллиқ қаватига чуқур киради, қизариш ва шиш ҳосил қилади. Улар ажратган экзотоксин оғир интоксикацияни юзага келтиради.

Беморнинг қорни оғрийди, йиринг, шиллиқ ва қон аралаш ич кетади, нажас яшил рангга киради, у ҳолсизланади, иштаҳаси йўқолади, тинкаси қурийди ва бошқа салбий ҳолатлар кузатилади. Касалликнинг юзага келиши организмға кирган құзғатувчининг дозасига боғлиқ.

**Иммунитети.** Одамда дизентерия инфекциясига қарши табиий ҳимоя воситаси мавжуд. Касалликдан сўнг кучсиз иммунитет юзага келади. Зонне шигелласи келтириб чиқарган касалликдан сўнг эса умуман иммунитет ҳосил бўлмайди. Биринчи гуруҳга киравчى дизентерия шигеллалари (Григорьев—Шиг) келтириб чиқарган касалликлардан сўнг анча мустаҳкам антитоксик иммунитет ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Беморларни вақтида аниқлаш, ажратиб

қўйиш, госпитализация қилиш, вақтида ташхис қўйиш, дезинфекция ишларини олиб бориш. Аҳоли орасида санитария маорифи ишларини олиб бориш муҳим аҳамият қасб қиласди.

**Махсус профилактикаси.** Буни қўллаш натижа бермайди. Беморлар билан мулоқотда бўлгандарга дизентерия бактериофаги берилади.

**Давоси.** Комплекслашган. Сульфаниламид ва антибиотиклар билан даволанади. Специфик давоси йўқ.

### **Назорат учун саволлар**

**?**

1. Шигелла авлодига кирувчи дизентерия қўзғатувчила-рининг номларини айтинг.
2. Қайси углеводни парчалашига қараб дизентерия қўзғатувчиси неча гуруҳга бўлинади? Бу груҳларга қайси қўзғатувчилар киради?
3. Шигеллалар қайси йўл орқали организмга тушади ва ичакнинг қайси қисмини шикастлайди?
4. Қайси шигелла R—шакли колония ҳосил қилиб ўсади?
5. Қайси шигелла тур ва гуруҳ антителига эга?

### **МИКРОБИОЛОГИК ТАШХИС ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ**

1. Нажас.
2. Секцион материал.
3. Озиқ-овқатлар.

#### **Текшириш магериалини йиғиш**

**Нажас:**

Материал касалликнинг биринчи кунларидан бошлаб олинади. Нажаснинг биринчи қисмини олиш зарур, чунки шигеллалар йўғон ичакни шикастлайди. Нажасдан 3—5 г олинади ва глицеринли аралашмага солиб лабораторияга жўнатилади. Алюминий симдан тайёрланган қовузлоқ тўғри ичакка киритилиб нажас олинади, пробиркага солинади ва жўнатилади. Ҳуқна қилингандаги материал ҳам олиниши мумкин.

**Секцион материал:**

Йўғон ичакнинг 2—3 та қисми олиниб стерил қум ва физиологик эритма билан яхшилаб эзилади.

**Озиқ-овқатлар:** Текшириш материали токсикоинфекциядаги каби.

#### **Асосий текшириш усуллари**

1. Микробиологик.
2. Серологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Агар текширишга келтирилган нажаснинг шиллиқ, йирингли ва қопли қисмлари бўлса, ундан бактериологик қовузлоқ ёрдамида материал олиниб, физиологик эритмада чайилади ва дифференциал-диагностик озиқа муҳитларига экилади. Глицерин аралашмасида келтирилган нажас яхшилаб аралаштирилади ва дифференциал-диагностик муҳитга шпател билан экилади. Шигеллалар учун дифференциал-диагностик муҳит бўлиб Плоскирёв, Эндо ва ЭМС муҳитлари ҳисобланади. Алоҳида колониялар ҳосил бўлиши учун муҳит озиқа қўйилган Петри косачаси термостатда қуритиб олиниади. Сўнг муҳитга текшириш материалидан бир томчи солиниб шпател ёрдамида озиқа муҳити юзасига ёйиб экилади. Икки ёки учта косачага экилганда ҳар сафар текшириш материалини янгидан олиш лозим. Бу эса шигеллаларни ажратишга имкон яратади. Дизентерияни даволашда турли хил антибиотиклар, масалан, левомицетин, синтомицин кабиларни қўлланилиши натижасида қўзғатувчилар бу антибиотикка чидамли бўлибгина қолмай, балки бу антибиотикларга боғлиқ ҳам бўлиб қоладилар. Шунинг учун муҳитларга кўп қўлланиладиган антибиотиклар қўшиш тавсия этилади. Параллел ҳолда текшириш материали бойитувчи муҳит—селенинтили шўрвага 1:4, 1:5 нисбатда қилиб экилади. Барча экилган муҳитларни термостатда 37°C ҳароратда қолдирилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган озиқа муҳитлар термостатдан олиб кўздан кечирилади. Бу озиқа муҳитларда бактериялар ўрта ўлчамли ярим тиниқ, кул ранг колониялар ҳосил қиласи. Зонис шигелла тури эса йирикроқ, ясси, хира, четлари ғадир-будур R—шаклли колония ҳосил қиласи. Шундай шубҳали колониялардан 4—6 таси олиниб соф культурани ажратиб олиш учун Рассел муҳитига штрих қилиб ва санчиб экилади (параллел ҳолда селенинтили шўрвадан олиб дифференциал-диагностик муҳитларга экилади). Экилган муҳит термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Экилган озиқа муҳити термостатдан олиниб кўздан кечирилади. Лактозани парчаламаган бўлса, яъни муҳитнинг қийшиқ қисми ўзгармасдан, тик қисми ўзгарган бўлса текшириш давом эттирилади.

1. Суртма препарат тайёрлаб, Грам усулида бўялади ва микроскоп остида текширилади. Бунда агар фақат шигеллалар кўринса соф культура ажралганлигидан далолат беради ва текшириш ишлари давом эттирилади.
2. Сахаролитик хоссасини ўрганиш учун Гисс муҳитига санчиб экилади.
3. Протеолитик хоссасини ўрганиш учун гўшт пептонли шўрвага экилиб қопқоғига индикатор қофози ёпилади.
4. Лакмусли сутга экилади. Экилган муҳитларни термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.
5. Антигенлик хоссаси ўрганилади. Бунинг учун буюм ойнача-

сида 1-сонли аралашма билан тахминий агглютинация реакцияси қўйилади. Бу аралашма таркибига Зонне, Ньюкасл шигелларини сақловчи антителоли зардоб ва поливалентли Флекснер зардобрлари киради.

Агар реакция мусбат бўлса, шу аралашма таркибига кирувчи зардобрлар билан алоҳида-алоҳида тахминий агглютинация реакцияси қўйилади. Агар Зонне ёки Ньюкасл адсорбцияланган зардобрлари билан агглютинация берса, касалликни Зонне ёки Ньюкасл шигелласи келтириб чиқарган деб жавоб берилади. Агар Флекснер билан агглютинация берса, реакция давом эттирилади, чунки унинг тур ва кичик турлари мавжуд. Бунинг учун аввал тур (I, II, III, IV, V) ва гуруҳ (1—3, 4—6—7, 8) зардобрлари билан агглютинация реакцияси қўйилади. Масалан, ажратиб олинган культура II тур зардobi ва 3,4 гуруҳ зардобрлари билан агглютинация берса, жадвалга асосланган ҳолда жавоб аниқланади. Ажратиб олинган культура Флекснер шигелласининг 2-серовар, 1 а кичик серовари. Жавоб: Флекснернинг 2а шигелласи ажратиб олинди.

Агар 1-рақамли аралашма билан агглютинация бермаса бошқа поливалентлик зардобрлар билан агглютинация реакцияси қўйилади.

Агглютинация реакциясини қўйишда шигеллаларнинг маннитни парчалашига ҳам эътибор бериш лозим. Маннитни парчаламайдиган культуралар билан Григорьев—Шиг, Штутцер—Шмитц (1, 2), Лардж—Сакс (3—7), (8—10) провизор турларини сақловчи поливалентлик зардоб билан агглютинация реакцияси қўйилади.

Маннитни парчалаган ҳолларда эса 1-рақамли аралашма билан агглютинация реакцияси қўйилади. Агар қайси бирида у реакция берса, шу зардоб билан алоҳида-алоҳида агглютинация реакцияси қўйилади.

Бойд зардobi билан агглютинация реакциясини қўйишда, шигеллаларнинг шу жойда кўпроқ учрайдиган сероварлари билан реакция қўйилиши лозим. Бизда Бойд шигелласининг 4, 5, 7, 9 ва 12 сероварлари учраб туради.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Экилган муҳитлар термосатдан олиб кўздан кечирилади. Ферментатив хоссасининг ўзгарганлигига асосланаб шигелланинг тури аниқланади. Серологик реакцияга асосланган ҳолда жавоб берилади. Қасалликка тез ташхис қўйишда биологик усулдан ҳам фойдаланиш мумкин. Текшириш материали ёки ажратиб олинган культура денгиз чўчқачаларининг конъюнктива халтачасига (пастки кўз қовоғи ичига) юборилади. Биринчи куннинг охирларида денгиз чўчқачаларида конъюнктивит юзага келади.

## **Назорат учун саволлар**

- ?
- 1. Дизентерия касаллигига қандай текшириш материали олинади ва у қандай түпланади?
- 2. Қандай углевод парчаланишига қараб салбий жавоб берилади?
- 3. Флекснэр Шигелласининг серовар ва кичик серовари ва бошқа шигеллаларнинг турини аниқлаш учун қандай зардобралардан фойдаланилади?
- 4. 1-рақамли аралашма таркибиға қандай зардобралар киради?

## **ШАРТЛИ-ПАТОГЕН БАКТЕРИЯЛАР**

Микробиология ва инфекция ҳакидаги тушунчанинг ривожланиши натижасида маълум турдаги микроорганизмлар ўзига хос тарқалиш йўли ва классик белгилари билан намоён бўладиган касалликларни көлтириб чиқариши аниқланди. Лекин XX асрнинг иккинчи ярмида одам учун патоген бўлмаган микроорганизмлар, хусусан, ичакда доимо яшайдиган ичак таёқчаси, теридаги сапрофит стафилококклар, юқори нафас йўллари шиллиқ қаватидаги гемофил микрофлоралар юқумли касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлаётганлиги аниқланди. Бу микроорганизмлар шартли-патоген деб аталди. Чунки улар маълум шароитларда, масалан, организмнинг касалликка қарши курашиш кучи сусайганда ёки уни қўзғатувчи микроорганизм ўз хоссаларини ўзгартиргандагина таъсир кўрсатади.

Бутун дунёда операциядан кейин, куйган қисмларнинг битишида йирингли яллигланиш асоратлари миқдорининг ортиши кузатилмоқда. Бундай касалликлар клиника ичи касалликлари дейилади. Чунки улар даволаш муассасаларида юзага келади.

Ҳозирги даврда клиник инфекцияларнинг тарқалишида турили хил тиббиёт асбобларидан фойдаланиш (катетер киритиш, эндо- ва бронхоскоп, ингалятор) сабаб бўлмоқда, чунки бу асбоблардан фойдаланилаётгандаги асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш тартиби бузилмоқда.

Бундан ташқари бу вазиятга шартли-патоген микроорганизмлар патогенлик таъсирини доривор маҳсулотларга, ташки муҳитга чидамлигининг ортиши, токсигенлик хоссаси ҳосил бўлиши сабабчи бўлмоқда.

Ҳозирда шартли-патоген микроорганизмлар кенг доирани ташкил этади. Уларга ичак оиласи аъзолари (клебсиеллалар, протейлар, провиденсия, серрация), стафилококк, В гуруҳидаги стрептококк, энтерококклар, кўк-яшил йиринг таёқчалари, спора ҳосил қилмайдиган анаэроблар ва бошқалар киради.

Клиник инфекциялар касалхона ичидаги гигиеник тартиб бузилиши натижасида юзага келади. Инфекция манбай бўлиб тиббиёт ходимлари, bemорлар, касал кўргани келган одамлар

хисобланиши мүмкін. Чойшаб, сочиқ, ҳаво, тиббиёт асбоблары орқали тарқалиб, булар экзоген инфекциялар ҳисобланади.

Айрим ҳолларда клиник инфекция организм ўз микрофлорасининг патогенлик хоссасини пайдо бўлиши натижасида юзага келади. Масалан, операциядан сўнг нафас йўлида жойлашган микроблар ундан кислород етарли даражада ўтмаганлиги сабабли зотилжамни (пневмония) келтириб чиқаради.

## 21-боб. КЛЕБСИЕЛЛАЛАР

*Klebsiella* авлоди энтеробактерия оиласига киради ва унга турли хил касалликларни (зотилжам ва йирингли-яллиғланиш жараёнларини) келтириб чиқарувчи—*K. pneumoniae*, — *K. ozaenae*, *K. rinoscleromatis*лар киради.

**Морфологияси.** Клебсиеллалар майда, йўғон таёқчалардни.  $0,6-6,0 \times 0,3-1,5$  мкм катталиқда, учлари юмалоқ, ҳаракатсиздир. Капсула ҳосил килади. Суртма препаратда алоҳида, жуфт ва қисқа занжирсизмон бўлиб жойлашади.

**Культурал хоссаси.** Клебсиеллалар факультатив анаэроб. Оддий озиқа муҳитида  $35-37^{\circ}\text{C}$  да яхши ўсади. Зич озиқа муҳитида юмалоқ, бўртиб чиққан, шиллиқ колония ҳосил қилиб ўсади. Суюқ озиқа муҳитида бир текис лойқаланиш ҳосил қилиб ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** Сахаролитик хоссасига кўра лактоза, глюкоза ва маннитни кислота ва газгача парчалайди. Протеолитик хоссасига кўра мочевинани парчалайди, индол ва водород сульфит ҳосил қилади.

**Токсигенлиги.** Эндотоксин ажратади. Уларнинг вирулентлиги капсуласига боғлиқ бўлиб, капсуласиз шаклдагиларининг вирулентлиги пастдир.

**Антигенлик хоссаси.** Клебсиеллалар капсула — К антигенини ва юзаки О-антигенини сақлади. Ҳозирги вақтда К антигенини 80 та О—антигенининг 11 та серогуруҳлари аниқланган.

**Чидамлилиги.** Клебсиеллаларнинг капсуласи бўлганлиги сабабли улар ташқи муҳитга чидамли ва тупроқда, сувда, буюмларда узоқ вақт сақланади.  $65^{\circ}\text{C}$  таъсирида бир соатдан сўнг нобуд бўлади. Дезинфекцияловчи моддаларга (хлорамин, фенол ва бошқалар) сезир. Антибиотикларга чидамлилиги юқори.

**Патогенлиги.** Табиий шароитларда турли хил ҳайвонларда—сигир, чўчқа, отларда касаллик (сепсис, зотилжам, септицемия) келтириб чиқаради.

**Инфекция манбаи.** Экзоген инфекциянинг манбаи касал одам ва соғлом бактерия ташувчилар ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Маиший муроҷот (ифлос қўл, буюмлар), болалар муассасаси ва касалхоналарда ўйинчоқ, чойшаб, сочиқ, тиббий асбоблар орқали тарқалади.

**Патогенези.** Клебсиеллалар организмнинг қаршилик кучи

сусайганда чақалоқларда иккиламчи инфекцияни келтириб чиқаради. Бактериялар юқори нафас йўли ва ичак орқали турли хил аъзоларга ва қонга ўтиб йирингли-яллиғланиш жараёни, сепсис, менингит касаллигини келтириб чиқаради.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг кучсиз, фақат касаллик келтириб чиқарган қўзғагувчига қарши (серовар) иммунитет ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Туғруқхоналарда, даволаш ва болалар муассасаларида санитария-гигиена қоидаларга риоя қилиш. Стерилизация ишларини тўлиқ олиб бориш. Асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш.

### Махсус профилактикаси йўқ.

**Давоси.** Давоси жуда қийин, чунки клебсиеллалар антибиотикларга жуда чидамлидир. Гентамицин, канамицин, айрим ҳолларда ампициллин билан даволаш яхши натижалар беради.

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Балғам.
2. Қулоқдан йиринг, яра ажратмаси, ҳалқумдан шиллиқ.
3. Нажас.
4. Буюмлардан ювинди.

### Текшириш материалини тўплаш

Балғам оч қоринга, оғиз бўшлиғини чайиб тишлар тозалангандан сўнг олинади. Балғам оғзи кенг, қопқоқли банкаларга олиб текширишга юборилади.

Қулоқдан йиринг, яра ажратмаси ва ҳалқум шиллиғи материал сифатида стерл пахта тампон ёрдамида олинади ва стерил пробиркага солинади.

Стерил пахта тампон физиологик эритмада намланиб, турли хил буюмлардан ювинди олинади, пробиркага солиниб лабора-торияга жўнатилади.

### Асосий текшириш усуллари

1. Микробиологик.
2. Серологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Нажасдан текшириш материали синамаси олинган тампон Петри косачасидаги ГПА, Эндо ва Плоскирев муҳити глюкозали шўрвага экилади. Термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган муҳитлар кўздан кечирилади. Шубҳали колониядан суртма препарат тайёрланади. Грам усулида бўяб, микроскоп остида текширилади. Грам манфий бўлган таёқчасимон бактериялар кўринса (4—5), шиллиқ колониялардан олиб соф культурани ажратиш учун Вор-

фел—Фергюсон ва Рассел мұхитига әкілади. Пробирканинг қопқоғыра индол ва водород сульфит ҳосил бўлганини аниқлаш учун индикатор шимдирилган фильтр қофоз ўрнатиласи.

Глюкозали шўрвадан (керак бўлса) зич озиқа мұхитига олиб әкілади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Агар микроблар ҳаракатсиз, лактоза, глюкоза, мочевинани кислота ва газгача парчалаб, индол ва водород сульфит ҳосил қилса, суртма препарат тайёрлаб уларнинг капсуласи борлиги ўрганилади ва цитратли, малонатли мұхитга әкілади. Агар капсула борлиги аниқланса, Кантиген сақловчи зардоби билан буюм ойначасида тахминий агглютинация реакцияси қўйилади. Реакция мусбат бўлса «Клебсиелла аниқланади» деб тахминий жавоб бериш мумкин. Экилган мұхитни термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Натижা ўқилади. Цитратли ва малонатли мұхитда колониялар ўсган бўлса, Рассел мұхитидаги углеводларни улар парчалаган бўлса, касалликка тўлиқ ташхис қўйилади.

### СЕРОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ

Касалликнинг 7—8 кунлари унга шубҳа қилинганда бемор қон зардоби 1:100—1:1600 нисбатда суюлтирилиб ўлик склерома клебсиеллалари билан комплементни боғлаш реакцияси қўйилади. Касаллик ривожланиши билан антителолар титрининг ортиши унга тўлиқ ташхис қўйишга имкон беради.

### Назорат учун саволлар

1. Шартли патоген бактерияларнинг асосий белгилари қандай?
2. Клебсиеллалар бошқа энтеробактериялардан нимаси билан фарқланади?

## 22-боб. ВУЛЬГАР ПРОТЕЙЛАР

*Proteus Vulgaris* авлоди энтеробактериялар оиласига киради ва унга бир нечта турлар мансубдир. Улар қатор мұхитлардаги модлаларни ферментлаш хоссасига эга.

**Морфологияси.** Бу бактериялар майда полиморф, Грам манифи таёқчалар бўлиб,  $0.4-0.6 \times 1.0-3.0$  мкм катталиктада бўлали. Ҳаракатчан, хивчинлари перитрих жойлашган. Спора ва капсула ҳосил қилмайди. О—шаклга айланади (ҳаракатсиз).

**Культурал хоссаси.** Протей факультатив анаэроб бўлиб, озиқа мұхитини танламайди, 25—30°C да яхши ўсади. Янги тайёрланган агар юзида ўрмалаб ўсувчи «ғужғон ўйнаётган» оч, кўк-гунгурт караш ҳосил қилиши унга жуда хос. Микробнинг ҳаракатсиз О—шакллари якка, юмалоқ пигментсиз колониялар

хосил қиласы. Суюқ озиқа мұхитида бир текис лойқаланиш ҳосил қиласы.

**Ферментатив хоссаси.** Вульгар протейнинг протеолитик хоссалары рүй-рост күринады. Желатинани, ивитилган зардобни суюлтиради. Водород сульфит, аммиак, индол ҳосил қиласы. Шулар ва бошқа газсимон моддалар ҳосил бўлганидан протей культуруларидан қўланса чиринди ҳиди келади. Протей бир қанча углеводларни парчалаб кислота ва газ ҳосил қиласы.

Протей кучли протеолитик хоссалари борлиги учун чириш жараёнларида қатнашади.

**Токсигенлиги.** Эндотоксин сақлади.

**Антигенлик хоссаси.** Вульгар протейлар соматик О — антигени ва хивчинли Н — антигенини ўзида сақлади. Ҳозирги вақтда О — антигеннинг 150 та, Н — антигенининг 80 та сероварлари мавжуд. О — ва Н — антигенларининг бирлашиши касалликда қўзғатувчининг у ёки бу серогуруҳ ва сероварларни устунлигини белгилайди.

**Чидамлилиги.** Ташқи мұхитта анча чидамли, 60°С ҳарорат таъсирида 1 соатгача, дезинфекцияловчи моддалар таъсирида бир неча дақиқагача сақланади. Кўлгина антибиотикларга анча чидамли.

**Патогенлиги.** Протейлар ҳайвонларда касаллик келтириб чиқармайди.

**Инфекция манбаси.** Протейлар одам чиқиндиси билан ташқи мұхитта чиқарилади. Демак, инфекция манбаси — бемор одам ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Алиментар, майший мулоқот (ифлос қўл, чойшаб, сочиқ, буюмлар, хирургик асбоблар) йўллари орқали тарқалади.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб шиллиқ қаватлар ва жароҳатланган тери ҳисобланади. Маълум шароитларда протейнинг патоген штаммлари одамда жароҳатларни, ўрта қулоқни йиринглата олади, қовуқ, буйрак жомини яллиғлантиради, эндометрит ва энтероколит (айниқса болаларда), овқатдан заҳарланиш ва ҳатто сепсисга сабаб бўла олади. II жаҳон уруши даврида жангчиларнинг жароҳатларида стрептококкдан кейин вульгар протей жуда кўп учраган. Кўлгина озиқ-овқатларни тайёрлаш ва сақлашда санитария қоидаларига риоя қиласын сабабли протей овқатдан заҳарланишга сабаб бўлади. Овқатдан юз берадиган бошқа токсикоинфекциялар қандай ўтса, протей тушган овқатдан заҳарланиш ҳам асосан шундай ўтади.

**Профилактикаси.** Қасалхона ва болалар муассасаларида, озиқ-овқат корхоналарида, ошхоналарда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш. Стерилизация ишларини тўлиқ олиб бориш. Махсус профилактикаси йўқ.

**Даовси.** Гентамицин, карбенциillin, канамицин ва бошқа антибиотиклардан беморларни даволашда фойдаланилади. Сийдик йўли, буйрак яллиғланишида нитрофуранлар қаторига ки-

рувчи фурагин, 5-нок ва бошқалар берилади. Протей фагининг қўлланилиши яхши натижада.

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Нажас.
2. Қусуқ моддаси.
3. Сийдик.
4. Ҳалқумдан шиллиқ, қулоқдан йиринг, ярадан ажратма.
5. Мурдалардан материал.
6. Ташқи муҳитдаги буюмлардан ювинди.

### ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИНИ ТҮПЛАШ

Нажас бошқа ичак инфекцияларидаги каби олинади. Қусуқ моддаси ҳам токсикоинфекцияда олинганидек олинади.

Сийдик—сийдикнинг ўрта миқдори стерил катетерда стерил идишга олинади. Ярадан ажратма, қулоқдан йиринг, ҳалқум ажратмаси стерил пахтали тампон ёрдамида олинади.

Мурдалардан материал стерил асбобларда стерил идишларга олинади. Ташқи муҳитдаги буюмлардан ювинди стерил пахта тампон ёрдамида олинниб пробиркадаги физиологик эритмага солинади.

### Асосий текшириш усуслари

1. Микробиологик.
2. Серологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Текшириш материаллари Эндо ва Плоскирёв муҳитларига экилади, термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирлади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган муҳитлар кўздан кечирилади. Фужгон ўсган ёки алоҳида колониядан Рассел ёки Олькеницкий муҳитларининг конденсацион суюқлигига (Шукевич усули) экилади. Термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирлади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Муҳитлар текширилади. Рассел ёки Олькеницкий муҳитларининг юзасида колониялар ёйилиб ўсган бўлса, улар глюкозани газгача парчалаб, лактозани парчаламаса, мочевинанинг кўпгина қисмларини парчаласа, суртма препарат тайёрланади, Грам усулида бўялиб микроскоп остида текширилади. Агар Грам манфий майдада таёқчасимон бактериялар кўринса, текшириш ишлари давом эттирилади.

Суюқ культурани ўрганиш учун маннитга, ГПШга экилади (водород сульфит ва индол ҳосил қилишини аниқлаш учун қопқоғига индикатор шимдирилган фильтр қоғоз ўрнатилади). Ярим суюқ агарга, желатинага, фенилаланинли аминоқислотали муҳитга экилади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Натижада ўқилади. Протейлар-

нинг кўпгина штаммлари маннитни парчаламайди, индол ва водород сульфит ҳосил қиласди, ярим суюқ агарда ёйилиб ўсади, ҳаракатчан, желатинани суюлтиради ва фенилаланиндезамина-за ферментини ҳосил қиласди, яъни фенилаланин аминокислотали муҳит рангини ўзгаририади. Шундай ўзгаришлар бўлса *Proteus* авлоди бор деб жавоб берилади.

Касалликка тўлиқ ташхис қўйиш учун буюм ойначаси устида *Proteus* бактерияларини сақловчи агглютинацияловчи зардоблар билан агглютинация реакцияси қўйилади. Аввал поливалент О—зардоблари билан шундай реакция қўйилади. Реакция мусбат бўлса поливалент зардоб таркибига кирувчи О турдаги зардоблар билан агглютинация реакцияси қўйилади. О—гурухи аниқлангандан сўнг Н-зардоби билан реакция қўйилади ва серовари аниқланади.

### Назорат учун саволлар

- ?
1. Протейлар қандай касалликларни келтириб чиқаради?
  2. Протейлар келтириб чиқарадиган касалликларнинг олдини олиш учун қандай ишлар олиб борилади?

## 23-боб. ЭНТЕРОКОЛИТ ИЕРСИНИЯЛАР

 Yersiniaлар энтеробактерия авлодига киради. Уларга бир қанча турлар киради:

1. *Yersinia pestis*—тоун (ўлат) қўзғатувчиси.
2. *Yersinia pseudotuberculosis* — псевдотуберкулёз қўзғатувчиси.
3. *Yersinia enterocolitica* — ичак инфекцияларини келтириб чиқаради ва бошқалар. *Yersinia enterocolitica* табиатда кенг тарқалган. Улар кемиравчилар организмида ва уй ҳайвонларида кўп учрайди.

**Морфологияси.** Майда, учлари юмaloқ, Грам манфий таёқ-часимон бактериялардир.  $0,8-1,2 \times 0,3-0,7$  мкм катталикда, эски культураларда узун таёқчасимон ёки ипсимон бўлиши мумкин. Ҳаракатчан. Спора ҳосил қilmайди.

**Культурал хоссаси.** Факультатив анаэроб. Оддий озиқа муҳитларида  $22-28^{\circ}\text{C}$  да яхши ўсади.

**ГПАда** майда, ялтироқ, рангиз, ( $22^{\circ}-25^{\circ}\text{C}$ ) термостатда сақлаш вақти узайтирилса катталашадиган колония ҳосил қилиб ўсади.  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратли термостатда колониялар хирароқ, маркази бўртиб чиқсан, четлари гадир-буудур бўлади.

**Ферментатив хоссаси.** Глюкозани кислотача парчалайди, саҳарозани парчаламайди. Водород сульфит ҳосил қilmайди, айрим ҳолларда индол ҳосил қиласди.

**Токсигенлиги.** Эндотоксин ажратади. Айрим штаммлари экзотоксин ҳам ажратади.

**Антигенлиги.** *Yersinia enterocolitica* O-, K ва Н-антисенларини сақлады. О-антисени ёғ, углевод табиатлы. Одамда қасаллик келтириб чиқарувчилари O<sub>9</sub>, O<sub>3</sub>, O<sub>5</sub> сероварларга тегишли.

**Чидамлилиги.** Юқори ҳарорат таъсирига чидамсиз. 100°C ҳарорат таъсирида шу заҳоти, 60—80°C да 15—20 дақиқадан сүнг нобуд бўлади. Паст ҳароратда (—15—20°C) узоқ вақт сақланади 4—14°Cда сақланибгина қолмасдан, бўлинниб кўпаяди. Ҳам. Тик қуёш нурлари таъсирида 30 дақиқада, тарқоқ нурлар таъсидида 6—8 соатдан сүнг нобуд бўлади. Қуритишга чидамсиз. Озиқ-овқатларда узоқ вақт сақланади, ҳатто уларда бўлиниб кўпаяди.

Дезинфекцияловчи моддлар (сулема, хлорамин, фенол) иерсинияларни бир неча дақиқадан сүнг ўлдиради.

**Патогенлиги.** *Yersinia enterocolitica* га лаборатория ҳайвонлари сезувчан эмас. Табиий шароитда улар кемирувчилар, чўчқа, итларни ўлимга олиб келувчи оғир қасалларни келтириб чиқаради.

**Инфекция манбаи.** Қўпгина ҳолларда қасал ҳайвонлар, кам ҳолларда бемор одам инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Озиқ-овқатлар орқали тарқалади.

**Патогенези.** Иерсиниялар оғиз шиллиқ қавати орқали танага кириб ошқозон-ичак системасига ўтади ва у ерда бўлинниб кўпаяди. Айрим ҳолларда улар ичак эпителий ҳужайрасига ўтади ва унинг ичидаги бўлинниб кўпаяди. Эндотоксин ва заҳарли моддалари ўткир гастроэнтероколитни келтириб чиқаради. Қўзғатувчи қонга ўтиб бактериемияни ва тарқоқ жараённи келтириб чиқаради. Бунда жигар, талоқ ва бошқа аъзолар ҳам жароҳатланади.

**Профилактикаси.** Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда санитария назоратини кучайтириш. Санитария-гиена ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш лозим. Махсус профилактикаси йўқ.

**Давоси.** Қасаллик белгиларига кўра тегишлича даволанади, антибиотиклар берилади.

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ. ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Нажас.
2. Қусук моддаси ва ошқозон ювиндиси.
3. Қон.
4. Сийдик.
5. Бурун ва ҳалқумдан шиллиқ, яра ажратмаси.
6. Мурдалардан материал.

## Текшириш материалини тұплаш.

Нажас:

Күсүқ моддаси — ошқозон ювиндиси:

Қон:

Сийдик:

Бурун-ұалқымдан суртма:

Мурдалардан материал:

Барча ичак инфекциясидаги-дек олинади.

Токсикоинфекциядаги каби оли-нади.

Тиф ва паратифларникига үх-шаш олинади.

Бошқа инфекциядаги каби оли-нади.

Клебсиелла ва протей қасал-ликларида олингандек олина-ди.

Бошқа инфекциялардагидек олинади.

## Асосий текшириш усули

Микробиологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Барча текшириш материалла-ри Эндо, ЭМС ва бойитувчи мұхитта экилади. 20—28°C ҳаро-ратда 24 соатта қолдирилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Эндо ва ЭМС мұхиттида үсган культура күздан кечирилади. Майда, юмалоқ, ялтироқ колония-лар танланади. Рассел ёки Олькеницкий мұхиттига олиб экила-ди. Косачаларни яна 20—28°C ҳароратда қолдирилади. Агарда Эндо ва ЭМС да колониялар үсмаган бўлса, бойитувчи мұхит-лардан олиб қайтадан экилади.

**Текширишнинг учунчи куни.** Қайтадан косачалар күздан ке-чирилади. Йирикроқ (0,1—0,2 мл), четлари текис, юмалоқ, ял-тироқ пушти ранг берувчи колониялар танланади. Улардан олиб Рассел ва Олькеницкий мұхиттига экилади.

Экилган Рассел ва Олькеницкий мұхитлари күздан кечири-лади, суртма препарат таёрланади ва Грам усулида бўялади. Майда (кам ҳолларда полиморф) Грам манфий таёқчасимон бактериялар кўринса текшириш ишлари давом эттирилади. Лактозани парчаламаса, глюкоза ва мочевинани парчаласа, водород сульфит ҳосил қилмаган бўлса, ҳаракатчанлигини ўрга-ниш учун ярим суюқ агарга экилади. (18—20°C ва 37°C). Саха-ролитик хоссасини ўрганиш учун Гисс қаторига экилади. Про-теолитик хоссасини ўрганиш учун желатина ва цитратли мұхит-ларга экилади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Натижা ўқилади. Глюкоза, маннит, сахарозани парчаласа, лактоза ва рамнозани парчала-маса, водород сульфит ҳосил қилмаса, 22°C да қолдирилган мұхитда ҳаракатчан бўлиб, 37°C ли мұхитда ҳаракатсиз бўлса *Yersinia enterocolitica* аниқланди деб жавоб берилади.

## Назорат учун саволлар

- ?
1. *Yersinia enterocolitica*нинг алоҳида белгилари қандай?
  2. *Yersinia enterocolitica* қандай йўллар орқали тарқалади?
  3. Касалликларнинг олдини олиш учун қандай профилактик ишлар олиб борилади?

## 24-боб. КЎК-ЯШИЛ ЙИРИНГ ТАЁҚЧАСИ

Кўк-яшил йиринг таёқчаси — *Pseudomonas aeruginosa* *Pseudomonadaceae* оиласига, *Pseudomonas* авлодига киради. Бу микроорганизмлар шартли патоген микроорганизмлардир. Улар ташқи муҳитда кенг тарқалган, доимо одам ва ҳайвон организмида ҳаёт кечиради.

**Морфологияси.** Майдар, Грам манфиий,  $1,5-3,0 \times 0,5-0,8$  мкм катталиқдаги таёқчасимон бактериялардир. Ҳаркатчан, хивчинлари бир учида (лофотрих) жойлашган. Спора ҳосил қилмайди. Айrim ҳолларда капсулага ўхшашиб шиллиқ ҳосил қиласиди.

**Культурал хоссаси.** Қатъий аэроб. Оддий озиқа муҳитларда яхши ўсади. Уртача ўсиш ҳарорати  $37^{\circ}\text{C}$ , лекин  $5-42^{\circ}\text{C}$  да ҳам ўсиши мумкин. ГПА да 2—5 мм катталиқдаги, юмалоқ ярим тиник, кўкимтири—кулранг ялтироқ колониялар, ГПШ да эса бир текис лойжаланиш ва парда ҳосил қилиб ўсади. Энг характерли белгилари шуки, бу микроб пигмент ҳосил қиласиди ва хушбўй ҳид чиқаради. Кўк яшил йиринг таёқчаси сувда эрийдиган кўк-яшил пионарни пигментини ҳосил қиласиди, озиқа муҳити секин-аста яшил ёки кўк тусга киради. У кўпгина бактерияларга антогонистик таъсир кўрсатади, лекин заҳарли бўлганлиги учун даволаш мақсадида қўллаб бўлмайди. Кўк яшил йиринг таёқчаларининг культураларидан жасмин, кармел ёки ироқи совун ҳиди келади.

**Ферментатив хоссаси** Фақат глюкозани ферментлади. Протеолитик хоссаси кучли: желатинани суюлтиради, сутни, зардобни ивитади. Цитохромли оксидаза реакцияси мусбат бўлади.

**Токсигенлиги.** Гемолитик ва цитотоксик таъсир кўрсатувчи токсин ва лейкоцитларни лизисга учратувчи лейкоцидин токсинини ажратади.

**Антигенлиги.** Р. *aeruginosa* О ва Н—антигенини сақлайди. О—зардоби ёрдамида аглютинация реакциясини қўйиб у қайси О—гуруҳига тегишли эканлиги аниқланади.

**Чидамлилиги.**  $60^{\circ}\text{C}$  ҳарорат таъсирида 15 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Ультрабинафша нурларига чидамли. 2% лифенол эритмаси кўк-яшил йиринг таёқчасини тез ўлдиради. Куйган тана қисмларидаги қўтиларда, хонадаги чангда икки ҳафта-гача сақланади. Кўпгина антибиотикларга чидамли.

**Патогенлиги.** Қуёнлар, оқсичқонлар ва денгиз чўчқачалари кўк-яшил йиринг таёқчаларига сезирдир.

**Инфекция манбаи.** Бемор одам ва бактерия ташувчилар инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Билвосита контакт, ҳаво чангига йўли орқали тарқалади. Улар табиатда тупроқ, гўнг, ифлос сув, одам нажаси, ҳайвонлар тезагида кенг тарқалган бўлиб, чириш жа раёнида қатнашади.

**Патогенези.** Инфекциянинг кириш дарвозасига боғлиқ ҳолда кўк-яшил йиринг таёқчалари йирингли яллиғланиш жараёнларини келтириб чиқаради.

Организмнинг инфекцияларга чидамлилиги камайганда кўк-яшил йиринг таёқчалини жароҳатлар, қовуқ, буйрак жоми, ўрта қулоқ, гаймор бўшлиғининг йирингли яллиғланиши, сепсис ва бошқа касалликларга сабаб бўлади.

**Иммунитети.** Кучсиз иммунитет юзага келади.

**Профилактикаси.** Санитария-гигиена ва шахсий гигиена қойдаларига риоя қилиш лозим.

**Давоси.** Антибиотиклар (карбенициллин, полимиксин, гентамицин ва бошқалар), R. aegyptios билан эмланган донор қони плазмасини қўйиш ва бактериофагнинг (пиофаг) қўлланилиши яхши натижа беради.

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Бурун, ҳалқумдан шиллиқ, жароҳат ажратмаси.
2. Қон.
3. Сийдик.
4. Мурдалардан материал.
5. Қўл ва буюмлардан ювинди.

### Текшириш материалини тўплаш

Бурун, ҳалқумдан суртма протей ва клебсиелладаги каби олинади.

Қон: Сальмонелла инфекциясида олингандек олинади.

Сийдик: Катетерда банкага олинади.  
Мурдалан Стерил асблолар ёрдамида стерил идишга материал: олинади.

Қўл ва буюмлардан ювинди стерил пахта тампон ёрдамида олинади.

### Асосий текшириш усули

Микробиологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Текшириш материаллари ГПА, ГПШ, шакарли шўрвага экилади. Термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган мұхитлар текширилади. Күк-яшил рангли, жасмин ҳиди келадиган колониялар танлаб олинади ва тахминий диагноз қўйилади. Шубҳали колониялар пробиркадаги лактозали қийшиқ агарга экилади, устига вазелин мойи қўйилади.

Агар косачаларда ўсиш бўлмаса, ўзгариш бўлган пробирка-даги культурадан олиб қайтадан экилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Лактозани парчаламаган пробиркалар танлаб олинади. Суртма препарат тайёрлаб, Грам усулида бўяб микроскоп остида текширилади. Грам манфий *P. aegyptiaca* га хос бактериялар кўринса цитохромоксидаза синамаси қўйилади. Синама мусбат бўлиши керак. Шундай ўзгаришлар кузатилса тўлиқ диагноз қўйилади.

### Назорат учун саволлар

- ?  
1. Күк-яшил йиринг таёқчасининг алоҳида белгилари қандай?
- 2. Күк-яшил йиринг таёқчалари қаерда учрайди?
- 3. Касалликларнинг олдини олиш учун қандай ишлар олиб бориш лозим?

## УТА ХАВФЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИ ҚЎЗҒАТУВЧИЛАР

Ута хавфли инфекцияларга вабо, зооноз инфекциялардан тоун (ўлат) туляремия, бруцеллёз ва кўйдирги (сибир яраси) киради. Ўта хавфли инфекция ўчоқларида ишлайдиган тиббиёт ходимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиган қоидалар билан яхши танишган бўлишлари лозим. Текширишлар маҳсус лабораторияларда олиб борилади.

Тиббиёт ходимлари инфекция ўчоқлари ва лабораторияларда маҳсус кийимларда ишлашлари лозим. Маҳсус кийим қўйидаги лардан иборат: комбинезон, халат, резина этик, кўзойнак, резина қўлқоп, дезинфекцияловчи моддаларга намланган сочиқ, рўмол, пахта докали ниқоб (у бурун, оғиз, иякни ёпиши лозим).

Бу маҳсус кийим босқичма-босқич кийилади ва ечилади. Барча ечилган кийимлар 5% ли лизол эритмасида, кўзойнак 70% ли этил спиртида заарсизлантирилади, сўнг автоклавда стерилизация қилинади.

Текшириш материали олинадиган идишларнинг бутун эканлиги текширилади, қоғоз ёпиштирилиб бемор ҳақидаги барча маълумотлар (Фамилияси, исми, туғилган йили, текшириш материали олинган вақти ва ҳамшира имзоси) ёзиб қўйилиши керак. Текшириш материали солингдан сўнг идишнинг қопқоғи ёпилади. Шам (парафин) қўйилади.

Суртма тайёрланадиган буюм ойначага олдиндан ёзиб қўйилади.

Текшириш материали солингдан идиш дезинфекцияловчи мод-

дага (5% ли лизол эритмаси ёки карбол кислотаси) намланган сочиққа ўралади. Текшириш материалы экилгап пробирка ва Петри косачалари металл бюкларга солиниб, устига «эҳтиётланг» деб ёзип қўйилади. Текшириш материалы маҳсус транспортда лабораторияга етказилади.

## 25-боб. ВАБО ҚЎЗҒАТУВЧИСИ

*Vibrio cholerae* тури *Vibrionaceae* оиласига, *Vibrio* авлодига киради. Вабо қўзғатувчисининг иккита биовари мавжуд. *Vibrio cholerae* биоварини, Р. Кох (1883 йил) ва *Vibrio eltor* биоварини Ф. Готшлихт (1906 йил) аниқлаган. Узоқ вақт давомида Элтор биоварини вабо қўзғатувчиси деб ҳисобламаганлар. 1962 йилда ЖССТ қарорига кўра у вабо вибрионининг биовари деб ҳисобланди.

Кейинги йилларда сувда ва ташқи муҳитда вабонинг НАГ—вибриони ҳам аниқланган, лекин у тўлиқ номланмаган. НАГ биоварининг ўткир ичак касалликларини келтириб чиқариши аниқланди.

Морфологик, культурал ва ферментатив хоссасига кўра вабо вибрионлари бир-биридан фарқланмайди. Улар умумий Н-антителенига эга. О антигени уларда турличадир. О антигенига кўра НАГ вибрионининг 60 та О-гуруҳи бор.

**Морфологияси.** Вабо вибриони катта бўлмаган ( $1-3 \times 0,2-0,4$  мкм), бироз букилган, вергул шаклига ўхшаш, жуда полиморф таёқчадир. Сунъий озиқа муҳитларида, айниқса эски культураларда шарсимон, донга ўхшаш, ипсимон, спиралсимон шаклда кўринади. Вабо вибриони жуда ҳаракатчан. Хивчини монотрих жойлашган ва у бактерия танасига қараганда узун. Спора ва капсула ҳосил қилмайди. Грам манфий бўлиб бўялади. Бўялган препаратларда балиқ тўдасига ўхшаб кўринади. Электрон микроскоп остида қаралганда ҳужайра девори ва цитоплазматик мембрана орасида вакуолалар жойлашганлиги кўринади. Бу вакуолаларда экзотоксин синтезланади.

**Культурал хоссаси.** Вабо вибриони — факультатив анаэроб. Озиқа муҳитига талабчан эмас. Кескин ишқорий реакцияли муҳитлarda ҳам ўса олади.  $37-39^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ва pH 8-9 да яхши ўсади. Электив муҳити 1% ли пептонли сув ҳисобланади. Бу муҳитда 5-6 соатдан сўнг улар нозик ҳаво рангли парда ҳосил қилиб ўсади. TBRS зич муҳитида 12-14 соатдан сўнг (тиосульфат нитрат сахарозали ўт суюқлиги қўшилган муҳит) сариқ рангли колония ҳосил қилиб ўсади. Муҳит ҳаво ранг беруб туради. Вабо вибриони S—шаклдан R—шаклга айланиши мумкин ва бу жараён антигенлик жараёнининг ўзгариши билан содир бўлади.

**Ферментатив хоссаси.** Вабо вибриони биокимёвий жиҳатдан фаол. Сахаролитик хоссасига кўра глюкоза, сахароза, маннит,

маннозани кислотагача парчалайди, арабинозани парчаламайды. Бу касаллик диагностикасида катта аҳамиятга эга. Протеолитик хоссасига күра желатинани воронкасимон ҳолда суюлтиради, триптофанни индолгача парчалайди, оксидаза ферментини ажратади. Нитратни нитритга қайтаради. Сутни ивитади. Водород сульфити ҳосил құлмайды. Диагностик хоссасига күра крахмали парчалайди ва бу диагностикада аҳамиятга эга. Вабо вибриони фибринолизин, плазмакоагулаза, гиалуронидаза, лецигиназа, коллагеназа ва бошқа патоген ферментларни ажратади.

**Токсигенлиги.** Вабо вибриони З турдаги токсиннларни ажратади. Токсиннинг I тури эндотоксин, микроб ҳужайраси парчаланганда ҳосил бўлади. Еғ, углевод, оқсил табиатли, юқори ҳароратга чидамли. Бу токсин антибактериал иммунитет ҳосил бўлишида иштирок этади. Токсиннинг II тури экзотоксин (холероген) бўлиб термолабил, энтеротоксик таъсир кўрсатади ва вабо патогенезида катта рол ўйнайди (ингичка ичак секретор ҳужайралари фоллигини оширади, бу эса организмнинг сувсизланишига олиб келади). Токсиннинг III тури термостабил бўлиб, натрийнинг ичак эпителийси орқали ўтишини тезлатади.

**Антигенлиги.** Вабо вибриони юқори ҳароратга чидамли соматик O-антигенини ва юқори ҳароратга чидамсиз H-антигенини сақлади. H-антигени барча Vibro авлоди учун умумий ҳисобланади, специфик эмас. O-антигени эса турга хос бўлиб, 54 гурухга бўлинади. Vibri cholerae ва Vibri eltor O<sub>1</sub> гурухга тегишилдири. O<sub>1</sub> гурух З та компонентдан иборат.—A, B, C. Улар бирлашганда З та серовар юза келади. AB — серовар Огава, AC — серовар Инаба, ABC — серовари Гикокшималардир.

**Чидамлилиги.** 60°C ҳарорат таъсирида 5 дақиқада, қайнатилганда шу заҳоти нобуд бўлади. Паст ҳароратга чидамли. Музда бир неча ойгача, дengiz ва ариқ сувларида бир неча ҳафта, пашша ичагида 4—5 кунгача сақланади. Қуритиш ва қуёш нурига вабо вибриони жуда сезгир. Дезинфекцияловчи мoddалар таъсирида тез нобуд бўлади. Вабо вибриони кислоталарга (хлорид кислота ва бошқалар) жуда сезгир. Эль-Тор бионвари эса анча чидамли.

**Патогенлиги.** Табиий шароитда ҳайвонлар вабо билан касалланмайди. Лаборатория ҳайвонларидан қуён, дengiz чўчқачалари сезгирдир. Уларнинг қорин бўшлиғига вабо вибриони юборилганда токсикоз юзага келиб, уларнинг ўлимига сабаб бўлади.

**Инфекция манбаи. Тарқалиш йўли.** Инфекция манбаи бўлиб бемор одам ва соғлом бактерия ташувчилар ҳисобланади. Эль-Тор вибриони келтириб чиқарган вабода ташувчилик узоқ давом этади. Қўзғатувчи озиқ-овқат (сабзавот ва мевалар), асосан сув орқали, майший контакт йўли орқали юқади.

Вабо қадимдан маълум бўлган инфекция ҳисобланиб, маъ-

лум даврлајда эпидемиялар вужудга келтириб миллиоනлаб одамларни ёстигни қуитган.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб оғиз шиллик қавати ҳисобланади. Ошқозонга тушган вабо вибриони кислотали шароит таъсирида қисман нобуд бўлади, кислотали шароитни кечиб ўтганлари ичакка тушади, у ерда ишқорий шароит ва оқсилтари (асосан цептон) кўп бўлганлиги сабабли улар бўлинниб кўпаяди, эндотоксин ишлаб чиқаради ва шу сабабли организмда анатомик ва функционал ўзгаришлар рўй беради, яъни сувтуз алмашинуви бузилади, терморегуляция издан чиқади, ингичка ичак заарланиб эпителийсі кўчиб тушади. Юрак томир системасининг фаолияти кескин бузилади ва бошқа ҳолатлар кузатилади.

Касаллик тез-тез ва мўл ич кетиши билан бошланади. Ич тез орада сувдай суюлади ва унда ичак эпителейсининг парчалари кўринади. Шу тариқа беморнинг ахлати ипир-ипир бўлиб қолади. Сўнгра ич кетишига қусиш ҳам қўшилади. Натижада бемор организми сувсизланади, териининг эластиклиги йўқолиб, буришиб қолади, қон айланиши қийинлашади ва бадан кўкаради.

Бундай ҳолат вабо алгида дейилади. Касалликнинг шу оғир даврида беморнинг ҳарорати нормадан ҳам пасайиб  $35^{\circ}\text{C}$  гача тушади, талваса тутади. Беморнинг сийдиги келмай қолиши (анурия) мумкин. Вабодан кўплаб кишилар ҳалок бўлади.

Вабодан ўлган беморларнинг жасади ёриб қаралганда ингичка ичак шиллик пардасининг яллиғланиши, қип-қизариди бўртганлиги ва кўп жойлари заарланганлиги аниқланади. Ичак суюқлигига, баъзан ўт пуфагининг суюқлигига ҳам жуда кўп вабо вибрионлари топилади. Бемор тузалиб кетган тақдирда, одатда биринчи ҳафтада, вабо вибрионидан ҳалос бўлади. Вабо касаллигига сурункали бактерия ташувчилик бир мунча кам учрайди.

Вабонинг юқорида тасвир этилган типик шаклидан ташқари, яшиндек тез ўтадиган шакли ҳам маълум. Вабонинг бу шакли билан оғриган bemor ҳатто ичи кетмасдан туриб касалликнинг дастлабки соатларидаёқ ўлиб қолади («қуруқ» вабо-cholera sicca). Клиник белгиларнинг оғир ўтиши ва юқори ҳарорат билан таърифланадиган вабо тифоиди ҳам кузатилади. Бунда касалликнинг 1—3 ҳафтасида аксарият bemорлар нобуд бўлади. Вабонинг бу шакли ичакдаги шартли-патоген микробларнинг заҳарли маҳсулотлари қонга сўрилишидан келиб чиқади.

**Иммунитети.** Одам вабога бир мунча мойилдир. Бу касаллик билан ҳамма ҳам касалланавермайди. Вабо билан енгил-елпи оғрувчилар ҳам кўп учрайди. Бу эпидемиологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Вабо билан касалланиб ўтган организмда антимикроб ва антитоксик барқарор иммунитет юзага келади;

бу ағглютійнің, вибриолизин, антитоксин ва бошқа аңтителолар-нинг ҳосил бұлиши билан тавсифланади.

**Профилактикаси.** Беморларни вактида аниқлаш, ажратиб қўйиш ва касалхоналарга тезда жойлаш, дезинфекция ишларини олиб бориш лозим. Сув ҳавзаларини, озиқ-овқат маҳсулотларини, четдан инфекция киришини назорат қилиб туриш муҳим аҳамиятта әгадир.

**Махсус профилактикаси.** Үлкін вабо вакцинаси (холероген-анатоксин ва О-антигени билан биргаликда) қўлланилади.

**Давоси.** Тетрациклин қаторига тегишли антибиотиклар, шунингдек кўп миқдорда суюқлик ва эритроцитлар (калий ва натрий тузларини) сақловчи препаратлар берилади.

### **Назорат учун саволлар**

- ?**
- 1. Вабо вибрионининг биоварларини биласизми?
- 2. Вабо вибрионининг морфологик ва культурал, ферментатив хоссаси қандай?
- 3. Вабо вибрионининг инфекция манбаи, тарқалиш йўли қандай?
- 4. Вабо касаллигининг олдини олиш чора-тадбирлари қандай?

### **МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ**

1. Нажас.
2. Қусуқ моддаси.
3. Мурдалардан материал.
4. Албатта сув ҳавзаларидан сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, ташқи муҳитдаги буюмлардан ювинди олинади.

### **Асосий текшириш усуслари**

1. Микроскопик.
2. Бактериологик.
3. Серологик.

### **Текшириш материалини тўплаш**

**Нажас:** 1. Металл ёки ёғоч қошиқча ёрдамида 10—20 мл олиб стерил идишга солинади, қопқоғи маҳкам ёпилиб пергамент қофозга ўралади.

2. Қатетернинг бир учи ичакка киритилади, иккинчи учи стерил банкага солинади. Қорин бўшлиғи бирозгина босилганда суюқ нажас идишга тушади.

3. Йўғонлиги 2—3 мм, узунлиги 45—50 см алюмин сим иккига букланади, изотоник эритмада намланиб, тўғри ичакка киритилиб олинади. Бунда қовузлоқни қайнатиб заарсизлантирилади.

**Қусуқ моддаси:** 10—15 г стерил металл қошиқча ёрдамида олиниб, оғзи кенг идишга солинади.

**Мурдадан материал**—Ичакнинг юқори, ўрта ва пастки қисмларидан бўлакча олинади. Ичак ичида маҳсулот стерил идишга солинади.

Аҳолининг кўпчилик қисмини бактерия ташувчиликка аниқлагандага 4—5 да текширилаётганлардан олинган материалларни битта колбадаги 1% ли пептонли муҳитга экиш мумкин. Агар натижа мусбат бўлса ундан яна олиб алоҳида-алоҳида экиш мумкин. Олинган текшириш материаллари металл бюкс-ларга солиниб йўлланма хати билан жўнатилиди. Йўлланма хатида беморнинг фамилияси, исми, олинган материал, тахминий ташхиси, қаерда олинганлиги, ким олганлиги ёритилиши лозим. Текшириш материали олинадиган идишда дезинфекцияловчи моддалар бўлмаслиги лозим, чунки вибрионлар дезинфекцияловчи моддаларга жуда сезгир.

Текшириш маълум босқичларда олиб борилади. Босқичлар орасидаги давр анча қисқа бўлиши лозим. Суюқ озиқа муҳитидан 6—8 соатдан сўнг, зич озиқа муҳитидан 12—18 соатдан сўнг материал олиб экилади.

**Текширишнинг биринчи босқичи.** Текшириш материалининг 0,5—1 мл ни 50—100 мл 1% ли пептонли сувга экилади. Ишқорий агарга улар бактериологик қовузлоқ ёрдамида экилади. Агар вабо вибрионининг ўсишига вабо фаги тўсқинлик қилиши мумкин деган шубҳага келинса, у антифаг қўшилган зардобли муҳитга экилади, термостатда 37°C да қолдирилади.

Параллел ҳолда текшириш материалидан суртма препаратлар тайёрланади, Никифоров эритмасида 15—20 дақиқага фиксация қилинади, карбол фуксини ва Грам усулида бўялиб ўрганилади. Агар вабо вибрионига хос бактериялар кўринса, материалдан ёки осилган томчи препаратлар тайёрланиб, вибрионлар ҳаракатчанлиги ўрганилади.

**Текширишнинг иккинчи босқичи** 6—8 соатдан сўнг 1% ли пептонли сув термостатдан олиб кўздан кечирилади. Озиқа муҳит юзасида ҳосил бўлган пардадан олинниб суртма препарат тайёрланади ва у фиксация қилинади. Карбол фуксин Грам усулида бўялиб микроскоп остида ўрганилади. Микроскоп остида вабо вибрионига хос бактериялар кўринса, қайтадан 1% ли пептонли сувга экилади ва О зардоби билан агглютинация реакцияси қўйилади. Бунинг учун ёғсизлантирилган буюм ойначasi устига 100 марта суюлтирилган О зардоби, ёнига 1 томчи физиологик эритма томизилади. Иккала томчи устига 1% ли пептонли сувдаги пардадан олиб солинади ва яхшилаб аралаштирилади. Агар томчидаги агглютинация содир бўлса, пептонли сувдан олиб ишқорий агарга экилади ва термостатда 37°C да қолдирилади.

**Текширишнинг учинчи босқичи.** 12—14 соатдан сўнг экилган озиқа муҳити кўздан кечирилади. Шубҳали колония ўрганила-

ди. 1:100 нисбатда суюлтирилган О зардоби билан агглютинация реакцияси қўйилади. Агар агглютинация берган бўлса, Огава ва Инаба туридаги зардоллар билан (1:50 суюлтирилган) агглютинация реакцияси қўйилади. Реакция мусбат бўлса тахминий ташхис қўйилади.

Агглютинация берган колониядан олиб соф культуранни ажратиб олиш учун 3 хил углевод сақловчи муҳитга экилади, термостатда 37°C да қолдирилади.

**Текширишнинг тўртинчи босқичи.** 12—14 соатдан сўнг экилган муҳит термостатдан олиб кўздан кечирилади. Қийшиқ агарнинг қийшиқ қисменинг ранги ўзгармасдан, тик қисменинг ранги ўзгарган бўлса, текшириш ишлари давом эттирилади.

### КУЛЬТУРАЛАРНИ ФАРҚЛАШ

1. Ҳаракатчанлигини эзилган ва осилган томчи препарати ёрдамида ўрганилади.
2. Культурал хоссаси ўрганилади (озиқа муҳитдаги).
3. Агглютинация реакцияси ёрдамида антигенлик хоссаси ўрганилади. (О зардоби ва Огава ҳамда Инаба туридаги зардоллар билан).
4. Сахаролитик хоссасини ўрганиш учун Гисс қаторига экилади.
5. Протеолитик хоссасини ўрганиш учун желатинага экилади.
6. Гемолитик хоссасини ўрганиш учун 1 мл шўрвага 1 мл 1% ли қўй эритроцити қўшилади (назорат) ва 24 соатли ўсан 1 мл культурырага 1 мл 1% ли қўй эритроцити қўшилади. Иккала пробиркани 2 соат давомида 37°C термостатда қолдирилади. Вақт ўтгач совуққа олинади.

Натижা 16 соатдан сўнг ўқилади.

**Уреаза фаоллиги ўрганилади.** Бунинг учун материал мочевинали муҳитга экилади.

**Диастатик хоссаси ўрганилади.** Бунинг учун крахмал сақловчи Кода муҳитига экилади. Индикатор сифатида Люгол эритмаси олинади.

**Оксидаза синамаси қўйилади.** 18 соатли агардаги культурага 1 томчи 1% ли парааминодиметиланилиннинг сувли эритмаси томизилади ва унга 1% ли  $\alpha$ -нафтол спиртли эритма қўшилади. 2—3 дақиқадан сўнг культура кўк рангга бўялса, реакция мусбатлигидан далолат беради.

**Фагга сезувчанлигини аниқлаш.** Соф культура ишқорий агарга экилади ва Мукерджи IV бактериофаги, С ва Эльтор бактериофаги томизилади.

**Полимиксинга сезувчанлигини аниқлаш.** Эритилган ва 45°C гача совутилган агарга полимиксин (50 таъсир бирлигини 1 мл муҳитга) қўшилади, сўнгра Петри косачаларига қўйилади. Агар қотгандан сўнг соф культурадан олиб бактериологик қоузлоқда экилади. Термостатда 37°C ҳароратда 8—10 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг бешинчи босқичи.** Натижা ўқилади. Вабо вибриони Гисс қаторини кислотагача парчалайди, арабинозани парчаламайди. Протеолитик хоссасига кўра желатинани воронкасимон ҳолда суюлтиради. Гемолитик хоссасини 16 соатдан кейин ўрганилади. V. eltor эритроцитларни гемолизлайди, назорат пробиркасида эритроцитлар осимласи ўзгармайди, V. cholerae эритроцитларни гемолизламайди. Уреаза ферментини ажратади, шу сабабли муҳит сариқ рангдан қизил рангга киради.

Диастатик хоссасига кўра муҳит устига Люгол эритмаси томизилади. Вабо вибриони крахмални парчалаши сабабли Люгол эритмаси томизилганда муҳитнинг ранги ўзгармайди.

Оксидаза синамасида колониянинг ранги кўк рангга киради. Фагга сезувчанлигини аниқлашда С. Мукерджи IV фаги таъсирида V. cholerae лизисга учрайди, V. eltor учрамайди. Эльтор фаги таъсирида эса V. cholerae лизисга учрамайди, V. eltor лизисга учрайди.

Полимиксили муҳитда натижка 8—10 соатдан кейин ўқилади. V. cholerae бу муҳитда ўсмайди. V. eltor ўсади. Шундай ўзгаришлар бўлса, вабо қўзғатувчиси бор деб жавоб берилади.

### ТЕЗЛАШТИРИЛГАН УСУЛ

**Иммобилизация реакцияси.** Ёғсизлантирилган буюм ойначаси устига 2 томчи нажас ёки пептонли сув юзасидан олиб томизилади. 1-томчига 1 томчи О—зардоби (1:100), 2-томчига физиологик эритма томизилади. Ҳар бир томчи пипетка ёки қовузлоқ ёрдамида аралаштирилади, ёпқич ойнча ёпилади ва микроскоп остида текширилади. Реакция мусбат бўлса, биринчи томчида вибрионларнинг ҳаракатланиши тўхтайди, иккинчи томчида эса вибрионларнинг ҳаракатланаётганини кўриш мумкин.

### ТЕЗЛАШТИРИЛГАН ЕРМОЛЕВА УСУЛИ

1% ли пептонли сув солингган 3 та пробирка олинади. Биринчисига микроб культураси солинади, иккинчисига текшири материали ва О-зардоби, учинчи пробиркага текшириш материали ва крахмал солинади. Барча пробиркаларни термостатда 37°C ҳароратда 3—4 соатга қолдирилади. Вақт ўтгач улар олиб карапади. Биринчи пробиркада хаво ранг парда ҳосил бўлади. Ундан суртма препарат тайёрлаб, бўяб ўрганилади. Иккинчи пробиркада О-зардоби таркибидағи антителолар таъсирида антигенлар чўкмага тушади. Учинчи пробиркага Люгол эритмаси томизилади. Крахмални вабо вибриони парчалаганлигини кўришимиз мумкин.

## Назорат учун саволлар

?

1. Текширишга қандай материаллар олинади?
2. *V. cholerae* ва *V. eltor* қандай хоссаларига күра фарқланади?
3. Қасалликка ташхис қўйишда қандай тезлаштирилган усуллар қўлланилади?

## ОЗИҚА МУҲИТЛАР

1% ли пептонли сув. 1 литр дистилланган сувга 10 г пептон, 5 г NaCl, 0,1 г калий нитрати ва натрий карбонати қўшиб қайнатилади, pH 9,0 га тенг бўлгунча тўғриланади. Ҳосил бўлган муҳитни пробирка ва колбага солиб автоклавда 120°C 20 дақиқа давомида стерилизация қилинади.

Ишқорий агар. 1 л ГПА га 30 мл 10% натрий карбонати солиниб 45 дақиқа қайнатилади. pH 8,0—9,0 гача тўғриланади. Муҳитни пробирка ва идишларга солиб, автоклавда 120°C ҳароратда 20 дақиқа стерилизация қилинади.

## 26-боб. ТОУН (ҮЛАТ) ҚЎЗҒАТУВЧИСИ

Тоун бактериясини 1894 йилда Иерсен Гонконгда аниқлаган ва бактерияларнинг бу авлоди унинг номи билан аталади. Д. К. Заболотний, Н. К. Клодницкий, И. А. Лебединский, Н. Ф. Гамалея ва ҳинд олимлари тоун қўзғатувчисини атрофлича ўргандилар ва бу қасалликни даволашда стрептомицинни қўллашни тавсия этдилар.

- Yersinia* авлодига 3 та турдаги бактериялар киради.
1. *Yersinia pestis*—тоун қўзғатувчиси.
  2. *Yersinia pseudotuberculosis*—псевдотуберкулёз қўзғатувчиси.
  3. *Yersinia enterocolitica*—ичак инфекцияларини келтириб чиқаради.

Бу авлодга кирувчи барча қўзғатувчилар Грам манфий таёқчалар бўлиб, кўпинча овоид (тухумсимон) шаклда, 0,4—0,7×1—2 мкм катталиқда ва спора ҳосил қилмайди. Псевдотуберкулёз ва энтероколитик иерсенийлари ҳаракатчандир. Уларнинг барчаси озиқа муҳитига талабчан эмас, ферментатив жиҳатдан фаол бўлиб, қатор углеводларни кислотагача парчалайди.

**Морфологияси.** Овалсимон таёқчалар. 0,3—0,6×1—2 мкм катталиқда бўлиб, полиморфдир. Зич озиқа муҳитидан тайёрланган суртма препаратда улар узунчиқ, ипсимон шаклларда кўринади. Спора ҳосил қилмайди, ҳаракатсиз, хивчинлари йўқ, нозик капсула ҳосил қиласи. Грам манфий бўлиб бўялади. Цитоплазмаси бир хилда жойлашмаганлиги сабабли таёқчанинг икки чети тўқ бўялади. Метилен кўки билан бўялганда бундай биполярлик (бир қутблилик) яхши кўринади.

**Күльтурал хоссаси.** Тоун құзғатувчиси факультатив анаэроб. Озиқа муҳитларга талабчан әмас. 28—30°C да pH 7,0—7,2 да 12—14 соатдан сүнг үсади. Унинг үсишини тезлаштириш учун муҳитга айрим бактерияларнинг экстрактлари, сарцин, гемолизланган қон, натрий суlfати ва бошқалар қўшилади. Тоун қўзғатувчисининг электтив муҳити бўлиб казеинли муҳит ва ивиган қон гидролизати ҳисобланади. Зич озиқа муҳитида 18—24 соатдан кейин четлари текис, майин колония ҳосил қиласи, 48 соатдан кейин колонияларнинг чети тўқилган рўмолчага ўхшаб қолади. Суюқ озиқа муҳитида чўкма кўринишидаги занжирча ҳолида үсади. Пробирка тубида қаватли чўкма ва парда юазсида эса осилиб турадиган ипчалар—«сталактик ўсишларни» кўриш мумкин. R—шаклда ўсан культурапари вирулент ҳисобланади, лекин турли хил омиллар таъсирида улар S авирулент шаклга айланади.

**Ферментатив хоссаси.** Сахаролитик хоссаси кучли намоён бўлади. Улар сахароза, мальтоза, арабиноза, глюкозани (доимо әмас) ва маннитни кислотагача парчалайди. Тоун бактериясининг иккита варианти тафовут этилади—глицеринни парчаловчи-лар ва парчаламайдиганлар. Протеолитик хоссаси кам намоён бўлади: улар желатинани суюлтирумайди, сутни ивитмайди, водород сульфидини ҳосил қиласи.

Тоун бактерияси фибринолизин, гемолизин, гиалуронидаза, коагулаза ферментларини ишлаб чиқаради.

**Токсигенлиги.** Тоун қўзғатувчиси оқсил табиатли, бир-бирига боғлиқ экзо- ва эндотоксингларни ажратади. У 2 хил фракциядан иборат (A ва B). Улар аминокислоталарининг таркибига ва антигенлик хоссасига кўра фарқланади. У одам учун жуда патогендир. Тоун токсинини «сичқон заҳари» деб ҳам аталади, чунки сичқонлар унинг таъсирига жуда сезгир.

**Антигенлиги.** Тоун қўзғатувчисининг антигенлик хоссаси жуда мураккаб. Улар ўттизта яқин антигенларни сақлайди (F, V, W ва б). F фракцияси капсула билан боғланган ва асосий компонент ҳисобланади. V ва W компонентлари ҳужайрани фагоцитоздан сақлайди. Тоун қўзғатувчиси псевдотуберкулез, эшерихия, шигелла ва одам эритроцитлари билан умумий бўлган О-антигенини сақлайди.

**Чидамлилиги.** 100°C ҳарорат таъсирида шу заҳоти, 80° да 5 дақиқадан сүнг ўлади. Паст ҳароратга чидамли, 0°C да 6 ойгача, музлатилган мурдада бир йилгача ва ундан ҳам кўп сақланади. Тик қуёш нурлари таъсирида 2—3 соатдан сүнг ўлади. Қуритишга улар жуда сезгир. Озиқ-овқат маҳсулотларида 2—6 ойгача, бургаларда бир йилгача, каналарда 1,5 йилгача сақланади. Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида 5—10 дақиқадан сүнг ўлади, сулема ва карбол кислотасига жуда сезгир.

**Патогенлиги.** Инфекция манбай бўлиб асосан кемирувчилар: юмонқозиқ, қора ва кулранг каламушлар, сичқонлар, шунингдек туйлар, тулкилар ҳисобланади. Лаборатория ҳайвонларидан

сичқонлар, каламушлар, денгиз чүчқачалари ва бошқалар уларга сезирдир.

**Инфекция манбаси.** Қасал ҳайвонлар, асосан кемирувчилар инфекция манбаси ҳисобланади. Одамлар ўртасида эпидемия келиб чиқишида кемирувчилардаги эпизоотик ҳоллар сабабчи бўлади.

### ТАРҚАЛИШ ЙЎЛИ ВА ТАШУВЧИСИ

1. Трансмиссив йўл орқали, ташувчиси бургалар ҳисобланади (кемирувчилар → бурга → одам).
2. Ҳаво-томчи йўли (ўпка тоуни одамдан одамга юқади).
3. Алиментар йўл орқали — қасал ҳайвон гўштини яхши пиширмасдан истеъмол қилганда (кам ҳолларда).

### ПАТОГЕНЕЗИ ВА ҚАСАЛЛИК ШАКЛЛАРИ

Кириш дарвозаси бўлиб тери ва бурун, оғиз шиллиқ пардалари ҳисобланади. Кириш дарвозасига қараб тоун қасаллигининг бир неча шакли тафовут этилади: 1) бубон, 2) ўпка, 3) септик, 4) тери, 5) ичак шакллари. Қўзғатувчи тушган ерда қўйидаги кетма-кетликда: доғ → папула → везикула → пустула → карбункул → яра ҳосил бўлади. Бемор соғайганда эса яра ўринда чандиқ қолади. Қасалликнинг бу шакли жуда кам учрайди. Асосан улар тери-бубонли тоун шаклида ўтади.

**Бубон шаклида** инфекция кириш жойларида излар бўлмайди, чунки қўзғатувчи лимфа томирлар орқали унинг тармоқларига тарқалади. Бу жойларда ўткир яллиғланиш жараёни ривожланиб, бирламчи бубон ҳосил бўлади. Лимфа тармоқлари ўзаро қўшилиб кетади. Лекин бубонлар устидаги тери ўзгармайди. Микрофаглар микробларни ўраб олсада, фагоцитоз туғалланмайди. Чунки микроб токсини таъсирида фагоцитлар ўтади. Кейинчалик капиллярлар некрозга учраб, микроблар эса қонга ўтади ва бу бирламчи бактериемия дейилади. Ички аъзоларда инфекциянинг кўплаб ўчоқлари юзага чиқади. Кейинчалик гематоген йўл билан иккиласми бубонлар ҳосил бўлади. Қасаллик ўткир ривожланганда бактериемия иккиласми ўчоқлар (жигар, талоқ ва б.) ҳисобига жадаллашади ва септициемия шаклига айланади.

Қасалликнинг терни шаклида қўзғатувчи тушган жойда оғрикли папула ҳосил бўлади ва у кейинчалик қўзғатувчи сақлайдиган қонли-сероз суюқлик пустулага айланади. Агар қасаллик даволанмаса, карбонкуллар ўлчами 1—3 см ва ундан ҳам катта некрозли ярага айланади. Тоун яраси кам сонли бўлиб, чандиқ ҳосил қиласди ва секин битади.

Қасалликнинг бубонли шакли юқори ҳарорат, организмнинг оғир интоксикацияси, кўпинча бактериемиянинг ривожланиши ва жараённинг юксалиши билан тавсифланади. Яширин даври 2—3 кун, баъзан 4—5 кун давом этади. Қасалликни ўзига хос

белгиларидан бири заарлланган жойда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Бубонлар тез ривожланади ва товуқ тухуми, олма ва ундан ҳам каттароқ ҳажмда бўлади. Бўйин, қулок атрофи, жағости, кўкрак ости, елка; қўлтиқ ости, қов ва қов орти бубонлари ҳосил бўлади. Бўйин ва қўлтиқ ости бубонлари энг хавфли ҳисобланади, чунки улар иккиламчи ўпка асоратларига олиб келади. Касаллик бирданига, беҳосдан, қалтирашларсиз, дармон қуrimасдан, тана ҳароратининг 38—39°C гача, ҳатто 40°C ва ундан ҳам юқорига кўтарилиши билан бошланади. Эрталаб ҳарорат бироз тушади, кечқурун эса кўтарилади. Юз териси қизаради, кўзлар ялтирайди, нафас олиш тезлашади, нафас қисади, бош оғрийди, ҳаракат координацияси бузилади, нутқ ўзгаради. Баъзи беморларда алхеираш (галлюцинация), эйфория кузатилади. Касаллик оғир кечганда иккиламчи ўпка тоуни, сепсис, менингит каби 4—6 кун ичидаги бемор нобуд бўлади. Бирламчи ўпка шаклининг яширин даври 2—3 кун. Қалтираш, ҳароратининг 39°—40°C бўлиши, йўтал, қонли суюқлик ажralиши билан тавсифланади. Беморлар алхасирайди, тажовузкор бўлиб қолади ва қочишга ҳаракат қилади. 2—3 кун ичидаги юрак фаолиятининг сусайиши ва нафас олиш маркази фалажидан бемор нобуд бўлади.

**Септик шаклининг** яширин даври бир неча соат давом этади. Беморнинг бирданига кучли қалтираши, бош оғриги ва умумий ҳолатининг тезда ёмонлашуви билан касаллик бошланади. Юрак-қон томир етишмовчилиги ривожланиб боради. Нафас олиши тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Яра бубонлар кўзга кўринмаган ҳолда ривожланиб боради. Айрим bemorларнинг ўлимни касаллик бошланишидан бир неча соат ўтгач содир бўлади. Ўз вақтида даволанмаса касаллик 100% ўлим билан тугайди.

**Ичак шакли** ҳам юқори ҳарорат билан жуда оғир кечади. Ошқозон, ичакда оғриклар бўлиб, bemor қон билан қайд қиласди. Нажас қонли, суюқ бўлиб, унда қўзғатувчилар бўлади. Касаллик 1—2 кун давом этиб 100% ўлим билан тугайди.

**Иммунитети** Касалликдан сўнг барқарор ва узоқ вақтга чўзилувчи иммунитет юзага келади. Оғриб ўтганларнинг қонида тоун микробига қарши антителолар пайдо бўлади.

**Профилактикаси.** Беморларни вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш, ажратиб қўйиш ва касалхонага ётқизиш, карантин ташкил қилиш, контактда бўлганларни кузатиш, уйма-уй юриб bemorларни, ҳарорати бор одамларни сўраб чиқиш, инфекция ўчогида дезинфекция, дезинсекция ишларини олиб боришидир. Тиббиёт ходимларига стрептомицин ва тоунга қарши вакцина юборилади. Давлат чегараси четдан инфекция киришидан ҳимоя қилинади.

**Махсус профилактикаси.** EV—тирик вакцинаси қўлланилмоқда. Бу вакцина 5 йил давомида қўзғатувчи озиқа муҳитига кетма-кет экиш орқали ажратиб олинади. Иммунитет 1 йилгача давом этади.

**Давоси.** Стрептомицин, тетрациклин, махсус фаг ва тоунга қарши иммуноглобулин берилади.

### **Назорат учун саволлар**

**?**

1. Тоун қайси гурӯҳ инфекциясига киради?
2. Тоун қўзғатувчисининг морфологик, культурал ва ферментатив хосаси қандай?
3. Инфекция манбанини биласизми?
4. Тоун қайси йўл орқали тарқалади?
5. Тоун қандай шаклларда ўтади?
6. Қасалликларнинг олдини олиш чораларини айтиб беринг.

### **МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ**

#### **ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ**

1. Тери шаклида — ярадан ажратма, карбункулдан пунктат.
2. Бубон шаклида — бубондан пунктат.
3. Упка шаклида — балғам.
4. Ичак шаклида — нажас.
5. Барча шаклида — қон.
6. Мурдалардан — қон, суяқ кўмиги, аъзолардан бўлакчалар.
7. Бургаларнинг ичак ажратмаси.
8. Улган каламуш, сичқон ва бошқа кемирувчилар.

### **Текшириш материалларини тўплаш**

Бубондан пунктат олиш учун жароҳатланган жой ва унинг атрофидаги тери спирт билан артилади. Игна яранинг четидан секинлик билан киритилиб ўртасидан материал олинади.

Оғзи кенг стерил банкага балғам йигилади. Нажас ҳам шундай олинади.

Қон 3—5 мл стерил шприцда олиниб, шу заҳоти бемор олдидага шўрвага ва Петри косачасидаги агарга экилади.

Бурганинг ичаги ичидаги маҳсулоти лупа ёрдамида ўрганилади. Кемирувчилар касаллангандан сўнг уларни ёриб ички аъзоларидан суртма препарат тайёрланади ва озиқа муҳитларга экилади.

### **Асосий текшириш усуслари**

1. Микроскопик.
2. Бактериологик.
3. Биологик.
4. Люминесцент-серологик усул.

**Текширишнинг биринчи куни.** Текшириш материалларидан суртма препарат тайёрланади. Хона ҳароратида қуритилади. Никифоров аралашмасида 15—20 дақиқа фиксация қилинади. Грам ва метилен кўки бўёғида бўялади. Суртмада Грам ман-

фий бўлган овалсимон таёқчалар, метилен кўки билан бўялганда икки чети тўқ бўялган тоун қўзғатувчилари кўринса, тахминий ташхис қўйиш мумкин.

Текшириш материаллари ГПА ва ГПШ га экилади. Қўзғатувчининг яхши ўсиши учун унга қон, натрий сульфати ва бошқалар қўшилади. Қўшимча микробларни сақловчи текшириш материалларини Туманский ёки Коробкова муҳитларига экилади.

Бу муҳитлар генциан бинафшасини ўзида сақлайди. Муҳитлар термостатда 28°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

### БИОЛОГИК УСУЛ

Қўшимча микробларни сақловчи текшириш материали, балғам, йиринг ҳайвон териси устига юборилади. Қон, бубон пункти қорин бўшлиғига, тери остига юборилади. Текшириш материаллари юборилган жойга қараб ҳайвонлар З—9-кунларда ўлади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган муҳитлар текширилади. Суюқ озиқа муҳитида тоунга хос бўлган ўсиш бўлса, ундан суртма препарат тайёрланади.

Грам ва метилен кўки бўёғида бўялади. Микроскоп остида ўрганилади. Зич озиқа муҳитида тоунга хос колониялар ҳосил бўлса, соф культураларни ажратиб олиш учун ундан қийшиқ агарга экилади. 2—3 та шубҳали колония устига тоун бактериофаги томизилади. Термостатда қолдирилади. 10—12 соатдан кейин колонияларнинг лизисга учраши диагностик аҳамиятга эга бўлади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Экилган муҳит текширилади. Қийшиқ агарнинг юзасида микроблар оқ кулранг қатлам ҳосил қилиб ўсан бўлса, ундан суртма препарат тайёрлаб, бўяб микроскоп остида ўрганилади. Агар фақат тоун қўзғатувчилари кўринса соф культуралигидан далолат беради. Сахаролитик хоссасини ўрганиш учун глюкоза, мальтоза, сахароза, рамноза, маннитга экилади. Бактериофагга сезувчанлиги ўрганилади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Натижা ўқилади. Тоун қўзғатувчиси маннит ва мальтозани кислотагача парчалайди. Сахароза ва рамнозани парчаламайди. Арабинозани парчалайди. Глюкозани кислотагача парчалайди (лекин ҳамиша эмас). Фаг томизилган колония лизисга учраса, тоун қўзғатувчиси бор деб жавоб берилади (28--жадвал).

### БАКТЕРИОФАГ БИЛАН ТЕЗЛАШТИРИЛГАН УСУЛЛАР

З та Петри косачасидаги Туманский муҳитига текшириш материали экилади.

1. Косачага текшириш материали тоун бактериофаги билан экилади.

- Косачага текшириш материали шпател ёрдамида экилади. Уртасидан ариқча очиб унга бактериофаг томизилади.
- Косачага фақат текшириш материали экилади. Барча экилган мұхитлар термостатда 28°C ҳароратда 12—14 соатта қолдирилади.
- Текшириш материалида тоун құзғатувчиси бўлса, 1- косачада барча колониялар лизисга учраши сабабли ўсиш бўлмайди. 2-кочасада стерил йўлакча ҳосил бўлади.
- 3-косачада тоун бактериясига хос ўсиш бўлади.

28-жадвал

### Тоун ва псевдотуберкулеа иерсенияларининг фарқи

Белгилари	Тоун құзғатувчиси	Псевдотуберкулез құзғатувчиси
1. Ҳаракатчалыги.	Ҳаракатсиз.	Ҳаракатчан.
2. Оч Бессонова мұхитида	Ўсмайди.	Ўсади.
3. Тоун бактериофаги таъсирида	Лизисга учрайди.	Лизисга учрамайди. +
4. Рамнозани парчалашы	—	+
5. Мочевина ҳосил қилиши	—	+
6. Сутни ивитиши	—	Төз ишқорлайди.
7. Лакмусли сутни	Секин ишқорлайди	Әга эмас.
8. Фібринолитик хосасига эга	Денгиз чўчқачаси ва	Денгиз чўчқачасини ўлдиради.
9. Хайвон учун патогенлиги	каламушларни ўлдиради	Каламушни ўлдирмайди.

### ЗАРАРЛАНГАН ҲАЙВОНЛАР КУЗАТИЛАДИ

Үлган ёки касалланган ҳайвонлар ёриб ўрганилади. Аъзолардаги ўзгаришлар кузатилади. Тоундан үлган ҳайвонларнинг жигар ва талоги катталашади. Аъзоларда геморрагик ва некротик қисмлар аниқланади.

Аъзолардан суртма препарат тайёрланади. Аъзолардан бўлақчалар олиб озиқа мұхитига экилади. Қолган текшириш ишлари юқорида айтилгандек олиб борилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- Тоун касаллигининг турли шаклларидан қандай текшириш материаллари олинади?
  - Қандай усуллардан фойдаланилади?
  - Қандай ҳайвонларда биологик синама ўтказилади?
  - Тоун ва псевдотуберкулөз иерсениялари қандай хоссаларига кўра фарқланади?

## 27-боб. ПСЕВДОТУБЕРКУЛЁЗ ҚҰЗҒАТУВЧИСИ

Псевдотуберкулөз құзғатувчиси морфологик, культурал, ферментатив хоссасында күра тоун құзғатувчисига ўхшаш бўлсада, лекин улар орасида маълум фарқлар ҳам бор. Псевдотуберкулөз бактериялари ҳаракатчан. Хивчинлари перетрих жойлашган, биокимёвий жиҳатдан улар анча фаол.

**Антителник хоссаси.** Псевдотуберкулөз бактериялари хивчинли Н—антиген ва 2 та соматик антиген — силлиқ турдаги ва ғадир-будур гуруҳли антигенин сақлайди. Бу тоун құзғатувчи-сининг псевдотуберкулез билан антиген умумийлиги ҳисобланади.

Псевдотуберкулөз құзғатувчисига ҳайвонлардан асосан кеми-рүчилар, уй ва ёввойи ҳайвонлар сезувчандир. Одам у билан алиментар йўл орқали касалланади.

**Патогенези.** Псевдотуберкулөз құзғатувчиси оғиз шиллиқ пардаси орқали организмга тушади. Ошқозон, ичак аъзоларига тушади. Ичакнинг лимфа тугунларига ўтиб, бўлинниб кўпаяди ва лимфа йўли орқали қонга сўрилади. Натижада бактериемия ва токсикозни юзага келтиради.

### МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Бактериоскопик усул — текшириш материалидан суртма препарат тайёрланади. Бўяб микроскоп остида ўрганилади. Бактериологик усул — текшириш материали озиқа муҳитларига экилади. Культурал ва биокимёвий хоссаси ўрганилади (энг ишончли усул ҳисобланади).

**Серологик усул** — бевосита агглютинация реакцияси қўлланилади.

**Аллергик усул** — билакнинг ички томони териси остига 0,1 мл аллерген юборилади. 7—20 кунлари қизариш ва шиш ҳосил бўлса, реакция мусбат дейилади.

**Биологик усул** — текшириш материали денгиз чўчқачалари ва каламушларнинг терисига, тери остига, қорин бўшлиғига юборилади. Денгиз чўчқачалари касалланиб, каламушлар касалланмаса псевдотуберкулөз бор деб жавоб берилади.

## 28-боб. ТУЛЯРЕМИЯ ҚҰЗҒАТУВЧИСИ

Туляремия құзғатувчиси биринчи бўлиб 1911 йилда Калифорниянинг Туляре ҳудудида Мак—Кой ва Чепин томонидан аниқланган. 1921 йилда эса америкалик олим Э. Френсис бу касалликни одамларга ҳам хос эканлигини аниқлади ва унинг туляремия деб номланишини таклиф этди. Шу сабабли касаллик *Franciella tularensis* дейилади.

Касаллик құзғатувчиси *Bacillusaceae* оиласига киради. Туля-

ремия құзғатувчисиңнинг синонимлари қуёнлар иситмаси, Парино конъюнктивиті деб ҳам юритилади. Туляремия ўткір зооноз инфекциядир. У табиий ўчоқли юқумли касаллік бўлиб, умумий интоксикация, ўзига хос лимфаденитларнинг ривожланиши ва иситма кўтарилиши билан кечади.

**Морфологияси.** Майда, коксизмон, таёқчасизмон, баъзан ипсизмон шаклда бўлади.  $0,3-0,6 \times 0,1-0,2$  мкм катталиқда бўлиб, бактериологик фильтрлардан ўтадиган культуралари ҳам бор. Ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайди. Нозик капсула ҳосил қиласи (ҳайвон организмида). Грам манфий бўялади. Аъзолар бўлакчаларидан тайёрланган, Романовский усулида бўялган суртма препаратларда нозик бинафша рангида кўринади.

**Культурал хоссаси.** Туляремия құзғатувчиси факультатив анаэроб. Тухум сариги, гўшт ва балиқ гўшти, цистин, глюкоза ва қон қўшилган муҳитларда яхши ўсади. Зич озиқа муҳитида  $36-37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда, pH 6,8-7,2 бўлганда 4-14-кунлардан сўнг майда, оқ, бўртиб чиққан, четлари текис, ялтироқ, 1-3 мм S-шаклли колония ҳосил қиласи. R-шаклли колониялари авирулентдир (узоқ вақт давомида лаборатория шароитида ўстирилганда R-шаклига ўтади).

**Ферментатив хоссаси.** Туляремия құзғатувчисиңнинг ферментатив хоссаси кам намоёй бўлади ва фақат маҳсус муҳитлардагина аниқланади. Улар глюкоза, мальтоза, манноза, левулезани кислотагача парчалайди. Айрим штаммлари глицеринни парчалайди ва водород сульфитини ҳосил қиласи.

**Токсигенлиги.** Туляремия бактерияси эндотоксин ажратади ва микробларнинг патогенлик таъсири мана шу токсинга боғлиқдир.

**Антигенлиги.** S-шаклидаги туляремия бактерияси 2 хил антиген комплексини: O — ва Vi-антигенларини сақлайди. Vi-антигенига вирулентлик ва иммуногенлик хоссаси боғлиқ бўлади. R-шаклидаги культуралар Vi-антигенини йўқотади. O-антигени бруцеллалар билан умумийдир.

**Чидамлилиги.** Сувда ва тупроқда  $4^{\circ}\text{C}$  да 4—5 ойгача,  $1^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 9 ойгача сақланади. Музлатилган маҳсулотларда 6 ойгача, нонда 14 кунгача, гўштда 30 кунгача, ҳайвон мурдаларида 6 ойгача, озиқ маҳсулотлари ва сомонда 20 кунгача сақланади. 2—3% ли лизол, креозол, формалин, спирт эритмасида 2—3 дақиқа мобайнида ўлади. Хлорланган сувда бир неча дақиқа, қуёш нурларида 3 дақиқа ичида ҳалок бўлади.

**Патогенлиги.** Кўпгина ҳайвонлар туляремия құзғатувчисига сезгир бўлиб, табиий шароитда 145 тур умуртқали ва 100 та тур умуртқасиз ҳайвонлар туляремия билан касалланади. Туляремияга айниқса кемирувчилар сезгир бўлади.

**Инфекция манбаи** — кемирувчилар, айниқса, сув каламушлари, уй сичқонлари, ондатра, қуён, йиртқич қушлар, хашаротлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, балиқ ва бошқалар бўлиши мумкин.

Құзғатувчининг 3 түри маълум.

1. Европа түри.
2. Марказий Осиё түри.
3. Америка түри.

**Тарқалиш йўли.** 1. Контакт — касал кемирувчилар ва уларнинг ажратмалари.

2. Алиментар — Озиқ-овқат маҳсулотлари
3. Ҳаво чангиги.
4. Трансмиссив йўл орқали тарқалади.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб жароҳатланмаган ва жароҳатланган тери ва шиллик пардалар ҳисобланади.

Қўзғатувчи тушган жойда майдагизил доғли папула ҳосил бўлиб, кейинчалик некрозли ярага айланади. Лимфа йўли орқали лимфа тугунига ўтади, у ерда бўлинниб кўпаяди, бирламчи лимфаденит ривожланади ва туляремия бубонлари юзага келади. Кўпроқ елка, қўлтиқ ости, қов лимфа тугунлари зарарланади. Бубонлари кам оғриқли, тери остидаги клетчатка билан қўшилмаган бўлади. Микроблар ўлганда маҳаллий ўзгаришлар ва қонга тушганда умумий интоксикацияга сабаб бўладиган эндотоксин ажратади.

Қон бўлан бутун аъзо ва тўқималарга тарқаб талоқ, ўпка, жигар иккиласми бубонлар ҳосил қиласиди. Заарланган аъзоларда оқ-сариқ рангли гранулема шаклланиб, улар одатда сил гранулемаларига ўхшашиб бўлади.

Яширин даври 3—7 кун, баъзан 10—14 кунгача чўзилиши мумкин. Касаллик ўтқир бошланади, қалтираш, тана ҳароратининг 38—40°C кўтарилиши, бош оғриғи, ҳолсизланиш кузатилади. Оғирлашган шакллари тошмалар тошиш, пигментация, терининг пўст ташлаши билан кечади. Исимта 5—7 кундан 30 кунгача кузатилади. Кўпинча касаллик 16—30 кун давом этади.

Касаллик қўйидаги клиник кўринишига эга:

1. Бубонли.
2. Яра-бубонли.
3. Кўз-бубонли.
4. Ангинали бубон.
5. Абдоминал ёки ичак.
6. Ўпка (бронхит ва зотилжамли вариантлари).
7. Генерализациялашган ёки бирламчи септик шаклларда ўтади.

Бубонли шакли — кўпроқ қўзғатувчи тери орқали кирганда кузатилади. Бирламчи ва иккиласми бубонлар касалликнинг 2—3 кунлари ҳосил бўлади. Бирламчи бубонлар беморларнинг баъзиларида 1—4 ой ичидаги сўрилиб кетади. Бошқаларда 2—3 ҳафта ичидаги йиринглаб, ёриқлар ҳосил қиласиди. Йиринг одатда қуюқ оқ сут рангидаги бўлиб, ҳидсиздир.

**Яра-бубонли шакли.** Микроб тушган жойда 1—2 кунда пайдо бўлган доғ папула пустула ёки ярага айланади, улар оқимтири асосли қора пўст билан қопланган бўлади.

**Құз-бубонли шакли.** Құз шиллиқ қаватидан күриб конъюктивит ёки күзда папула яралар ҳосил қиласы да үлар түк сариқ рангли йириңг ажратади. Беморларнинг ахволи оғир бўлиб, агарда иккала кўзи ҳам заарланган бўлса, улар 6—8 кундан сўнг ҳалок бўлиши мумкин.

**Ангинали бубон шакли.** Бодомчасимон безлар оқ кулранг қоплама билан қопланган бўлиб, у жуда қийинчилик билан кўчади. Қоплама бўгма касаллигидаги қопламага ўхшаш, лекин ундан фарқли ўлароқ чегараси безлардан ташқарига чиқмаган бўлади.

**Абдоминал шаклида** кўнгил айниши, қусиш, ошқозонда оғриқлар, иштаҳа йўқолиши кузатилади.

**Бирламчи ўпка шакли.** Ўнинг 1 вариантида ўпка паренхимаси шикастланади.

Бу вариант гуруҳга ўхшаш бўлиб, 10—12 кун давом этади ва согайиш билан тугайди. II вариант узоқ — 2 ой ва ундан ортиқ давом этади.

**Иккиламчи ўпка шакли.** Юқорида санаб ўтилган шаклларнинг оғирлашган кўринишидир.

Генерализациялашган ёки бирламчи септик шакли ҳолсизланган bemorларда маҳаллий ўзгаришсиз, тана ҳароратининг юқори бўлиши билан кечади. Касалликнинг 2-ярмида кўпчилик bemorларнинг кўл ва оёклари «қўлқоп» кўринишидаги симметрик тошмалар билан қопланади. Улар 8—12 кундан кейин йўқолади.

Касаликдан сўнг иккиламчи зотилжам, иккиламчи менингит, менингоэнцефалит, инфекцион психоз, невроз, миокардитлар келиб чиқади.

**Иммунитети.** Касаликдан сўнг мустаҳкам ва узоқ вақтга чўзилувчан иммунитет ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Кемирувчиларга қарши курашиш, шахсий ва умумий гигиена қоидаларнга риоя қилиш, озиқ-овқатларни ифлосланишдан сақлаш лозим.

**Махсус профилактикаси.** Табиий ўчақларда яшайдиган аҳоли эмланади. Эмлаш Гайский, Эльбертлар олган тирик вакцинани бир сафар тери устига юборишдан иборат. Иммунитет 3—6 йилгача давом этади.

**Давоси.** Туляремия бактерияси кўпгина антибиотикларга — стрептомицин, мономицин, биомицин, тетрациклин, канамицинларга сезувчан. Пенициллин ва сульфаниламидларга сезувчан эмас.

## Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Туляремия бактериясининг морфологик, культурал хоссалари қандай?
- 2. Қўзғатувчининг вирулентлиги қайси антигенга боғлиқ?

3. Туляремия бактериясининг чидамлилигини биласизми?
4. Туляремия касаллигининг инфекция манбанин айтиб беринг?
5. Құзғатувчи қайси йўл орқали тарқалади?
6. Қасаллик қандай шаклларда ўтади?
7. Қасалликнинг олдини олиш чораларини биласизми?

### МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Бубон яра, бубон ангинали шаклларида бубон таркибидаги модда.
2. Күз шаклида — кўздан ажралган модда.
3. Үпка шаклида — балғам.
4. Ичак шаклида — нажас.
5. Генерализациялашган шаклида — қон олинади.  
Махсус лабораторияларда кемирувчилар, уларнинг ажратмаси, бўғимоёқлилар (кана, бурга, чивин), сув, озиқ-овқатлар ва бошқалар текширилади.

#### Асосий текшириш усуллари

1. Аллергик.
2. Серологик.
3. Биологик.
4. Бактериологик (бу усул кенг қўлланилмайди. Чунки сунъий озиқа муҳитларига текшириш материалларини экиб ўстириб бўлмайди).

#### АЛЛЕРГИК УСУЛ

Аллергик синама қасалликларнинг 3—5-кунлари 2 усулда: тери усти ва тери ичи усулларида олиб борилади.

а) **Тери усти усули.** Елканинг ташқари қисмига 10 млрд ўлик микроб ҳужайрасини сақловч 1 мл тулярин юборилади. 48—72 соатдан кейин 1—2 см кенгликда қизариш ҳосил бўлса, реакция мусбат дейилади.

б) **Тери ичи усули.** Билакнинг ички томонига қиздириб ўлдирилган 500 млн микроб ҳужайрасини сақловч бактерия осилмасидан 1 мл юборилади 24—48 соатдан сўнг 0,3 см кенгликда қизариш ва шиш ҳосил бўлса, реакция мусбат бўлади.

#### СЕРОЛОГИК УСУЛ

Қасалликларни 10—15 кунлари беморлардан қон олинниб, зардоби ажратиб олинади ва кенгайтирилган ҳажм агглютинация реакцияси қўйилади.

**Агглютинация реакцияси.** Бемордан 2—3 мл қон олиниб, зардоби ажратилади. Зардобни 1:50 дан 1:1600 гача суюлтирилади. Антиген сифатида тұляремия диагностикумидан фойдаланилади. Диагностик титр 1:100 ва ундан юқори бўлса, реакция мусбат дейилади. Энг юқори чўққиси касалликларнинг 4 ҳафтасида бўлади.

**Бгар** (бильвосита гемагглютинация реакцияси) энг сезгир реакция ҳисобланади. Бемор қон зардоби 1:100 дан 1:10 000 гача суюлтирилади. Антиген сифатида тұляремия эритроцитар диагностикумидан фойдаланилади. 1:100 ва ундан юқори титрда чўкма бўлса, реакция мусбат дейилади (1—1,5 ойдан сўнг титр 1:10 000 гача бўлиб, сўнг пасайиб 1:100 да узоқ вақт сақланади).

**Биологик усул.** Патологик материал физиологик эритмада аралаштирилиб, 0,3—0,5 мл ҳажмда оқ сичқонлар ёки денгиз чўчқачаларининг териси остига ёки қорин бўшлиғига юборилади. Ҳайвонлар 4—6 кунлари касалланиб ўлади. Уларни ички аъзоларидан суртма тайёрланади ва озиқа муҳитларига экиб ўрганилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Касалликка ташхис қўйишда қандай текшириш материаллари олинади?
- 2. Асосий текшириш усулларини айтиб беринг?
- 3. Аллергик синама қандай қўйилади?
- 4. Ташхис қўйишда қандай реакциялардан фойдаланилади?
- 5. Биологик синама қайси ҳайвонларда олиб борилади?

### ОЗИҚА МУҲИТЛАР

**Тухум сариги қўшилган муҳит.** Тухум сариги 3:2 нисбатда физиологик эритма билан аралаштирилади. Аралашма 4—5 мл дан пробиркаларга солинади ва қийшиқ ҳолда 80°C ҳарорат остида 1 соат давомида стерилизация қилинади (муҳитнинг стериллигини термостатда 37°C да текширилади). Муҳит 1 ой-гacha совуқда сақланади.

### 29-боб. БРУЦЕЛЛЕЗ ҚҰЗФАТУВЧИСИ

Бу инфекцион-алергик зооноз касаллик бўлиб, иситма кўтарилиши, гемо-ва лимфопоэз аъзолари, таянч-ҳаракат аппарати ва периферик нерв тизимининг заарланиши билан тавсифланади. Касалликни биринчи марта 1859 йилда инглиз шифокори Марстон Мальта оролида ўтқир терлама касаллиги сифатида кузатган ва «Мальта иситмаси» деб номлаган. 1886 йили

Д. Брюс ўлган аскар талоғида құзғатувчини аниқлади. 1896 йилда Б. Банг abort қилингандың сигирнинг эмбрион атрофидаги суюқлигидан ҳам коккорбактерияларни аниқлаган. 1914 йили Ж. Траум шуларга ўхаша таёқчасимон бактерияларни касал чүчқалардан ажратиб олган. 1916 йили Ивенс барча ажратиб олинған микробларни ўрганиб уларнинг ҳаммаси бир-бiri билан ўхашалығини аниқлади ва Брюс номи билан бруцеллалар деб атади. Қейинчалик бактерияларнинг бошқа турлари ҳам аниқланди. Улар барчаси Brucella авлодига киритилди. Ҳозирги вақтда барча бруцеллалар асосий хұжайинларда касаллик келтириб чиқаришига қараб қуидаги турларга бўлинади:

1. Brucella melitensis — майдада шохли ҳайвонларда касаллик келтириб чиқаради.
2. Brucella abortus bovis — йирик шохли ҳайвонларда касаллик келтириб чиқаради.
3. Brucella suis — чүчқаларда касаллик келтириб чиқаради.
4. Brucella neotornae чўл каламушларидан касаллик чақиради. Одам учун патогенлигиги аниқланмаган.
5. Brucella canis — итларда касаллик келтириб чиқаради. Итдан одамга юқиши мумкин.
6. Brucella ovis — қўйларда касаллик қўзғатади. Одам учун патоген ҳисобланмайди.

Ҳар бир турдаги бруцеллалар биоварларга бўлинади: Br. melitensis нинг 3 та, Br. abortus bovis нинг 9 та, Br. suis нинг 5 та биовари мавжуд.

**Морфологияси.** Майда, таёқчасимон, овалсимон шаклдаги бактериялар бўлиб,  $0,6-0,8 \times 0,3-0,5$  мкм катталикда, ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайди. Нозик капсула ҳосил қилади. Грам манфий бўялади. Суртма препаратда тартибсиз жойлашади.

**Культурал ҳоссаси.** Бруцеллалар аэроб, озиқа муҳитига талбчан, жуда секин (2—3 ҳафта) ўсади. Зардоб, картошка, қон (5% ли қўй қони), жигарли агар ва шўрвада яхши ўсади. Айрим штаммларининг ўсиши учун 5—10% ли  $\text{CO}_2$  лозим. Зич озиқа муҳитида нозик, майда, рангсиз, бўртиб чиққан S-шаклида, ялтироқ колония ҳосил қилиб ўсади. Турли хил омиллар таъсирида R — шаклига ўтиши мумкин. Антибиотик таъсирида L — шаклига ўтади. Суюқ озиқа муҳитида бир текис лойқаланиш ҳосил қилади. Brucellалар товуқ эмбрионидаги сариқлик қопчасида яхши ўсади.

Бруцеллалар водород сульфиди, фуксин ва тионин муҳитларида ўсишига кўра фарқланади.

**Ферментатив ҳоссаси.** Бруцеллалар D — рибоза, D — галактоза, аланин, аспарагинларни парчалайди. Айрим штаммлари аминокислоталарни аммиаккача гидролизлайди.

Бруцеллалар гиалуронидаза, каталаза, пероксидаза, липаза, фосфатаза ферментларини ҳосил қилади.

**Токсигенлиги.** Бруцеллаларнинг патогенлик таъсири эндоч

Токсинига қараб аниқланади. Бундан ташқари улар аллергик хоссага ҳам эга.

**Антигенлиги.** Бруцеллалар 2 хил соматик А ва М антигенини сақлады. Бу антигенлар бактериялар турға хосдир, улар микроб ұжайрасыннинг таркибига киради ва турлы хил нисбатта бўлади. Вг. melitensisда М антигени, Вг. abortus bovis ва Вг. suis да А антигени устун туради. Бундан ташқари, уларда Vi антигени ҳам аниқланган.

**Чидамлилиги.** 100°C ҳарорат таъсирида шу заҳоти, 80—85°C да 5 дақиқадан сўнг, 60°C таъсирида 30 дақиқадан сўнг ўлади. Паст ҳароратга чидамли. Тик қўёш нури микробларга ҳалокатли таъсири кўрсатади. Нам шароитда 3—4 ойгача, сут маҳсулотларида 40—45 кунгача, музлаган гўштда 5 ойгача, тупроқ ва сувда 3—5 ойгача сақланади. Дезинфекцияловчи моддаларга (хлорли оҳак, лизол, креозин, карбол кислотаси, формалин, сулема) жуда сезгир.

**Патогенлиги.** Бруцелләз билан асосан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари — майда ва йирик шохли ҳайвонлар, чўчқа, кийик ва бошқа ҳайвонлар касалланади. Ҳар бир тур микроб ўзига хос касаллик келтириб чиқаради. Лекин бруцеллалар бир турдаги ҳайвондан иккинчи турдаги ҳайвонга юқиши мумкин. Масалан, Вг. abortus bovis майдада шохли ҳайвонларни ҳам зарарлаши мумкин.

Касалликнинг асосий белгилари шуки, ҳайвонларнинг урғочиларида бола ташлаш, эркагида орхитни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, уларда бўғимлар шикастланади, озиб кетади, жуни тўкилади ва бошқа белгилар юзага келади. Бруцелләз ёпиқ шаклда ҳам ўтиши мумкин, бу эса инфекциянинг тарқалиби кетишига сабаб бўлади.

Лаборатория ҳайвонларидан оқ сичқонлар ва денгиз чўчқачалари уларга сезувчан. Улар зарарлангандан сўнг бола ташлаш, озиш, жунларининг тўкилиши кузатилади. Сичқонларда септициемия юзага келиши мумкин.

**Инфекция манбаи.** Одам учун инфекция манбаи бўлиб йирик ва майдада шохли ҳайвонлар ҳисобланади. Одам бруцелләз тарқалишида эпидемиологик аҳамиятга эга эмас.

**Тарқалиш йўли.** Маиший контакт, алиментар, ҳаво томчи йўли орқали тарқалади. Контакт йўли орқали, яъни ҳайвонларни боққанда, сўйганда, гўштини бўлганда юқиши мумкин. Ҳаво чангига орқали ҳам, яъни ҳайвонлар жунини қайта ишлаганда юқади. Бруцелллар билан ифлосланган озиқ-овқатларни, сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида алиментар йўл орқали юқади.

**Патогенези.** Организмга кириш дарвозаси бўлиб оғиз ва бурун шиллиқ қавати ва жароҳатланган тери ҳисобланади. Организмга тушган бруцеллалар лимфа йўли орқали лимфа түгунига тушади, бўлинниб кўпаяди. Лимфа йўлидан қонга сўрилади. Қон билан бутун организмга тарқалади, суюк кўмиги-

да, жигарда, талоқда жойлашади. Таянч-ҳаракат аъзоларида, периферик нерв ва жинсий аъзолар тизимида яллиғланиш жараёни ривожланади. Мустаҳкам ўрнашган антигенлар атрофида гранулемалар ҳосил қиласи. Бруцелла қонга ўтиб қайталаши (рецидивни) юзага келтиради.

Яширин даври 1—3 ҳафта давом этади. Бирламчи латент, ўткир септик, септик-метастаз, бирламчи, сурункали, иккиламчи сурункали, иккиламчи латент, бруцелләздан кейинги асоратлар фарқ қилинади.

Бруцелләзда күпроқ қов (70%), құлтиқ ости (63%) ва жағости (29%) лимфа безлари заарланади. Остеохондритлар, миозитлар, артитлар ва остеоартритлар ривожланади. Марказий нерв тизими менингит, энцефалит, миелит, энцефаломенингит күринишида заарланади.

Касаллуккінг сурункали шакли ремиссия (тинч даври), рецидив даври ва кучайиш даврлари билан алмашынуб туради. Қайта тақрорланиш даврида янги метастазлар юзага келади ёки эски манбалар күпаяди.

Бруцелләздан соғайыш бир неча ойдан 3—3,5 йилгача. Соғайыш клиник, бактериологик, анатомик даврларга бўлинади. Реинфекция 2—12 йилдан сўнг юзага келиши мумкин.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг ҳужайравий агглютинин ва комплемент боғловчи антителолар ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Қишлоқ хўжалигига ҳайвонларни назорат қилиш. Сут ва гўшт комбинатларини назорат қилиб туришдан иборат.

**Махсус профилактикаси.** Бруцелла абортуснинг 19—ВА штаммини сақловчи тирик вакцина бир марта тери устига юборилади. Ревакцинация 8—12 ойдан сўнг олиб борилади.

**Давоси.** Левомицетин, эритрин антибиотиклари билан даволанади. Бруцелләз иммуноглобулини берилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Бруцелләзниң қандай турларини биласиз?
- 2. Бруцеллалар қандай муҳитларда ривожланади?
- 3. Бруцелләзниң патогенлиги нимага боғлиқ?

### ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

1. Қон.
2. Орқа мия суюқлиги.
3. Суяк кўмиги.
4. Сийдик.
5. Қўқрак сути.
6. Мурдадан материал.

## Текшириш материалини түплаш

Қон билак венасидан 5—10 мл ҳажмда стерил шароитда олинади. Гемокультура усулида текширилади.

Қон — бармоқдан 1—2 мл ҳажмда олинади.

Сийдик — стерил катетер ёрдамида стерил идишга олинади.

Күкрап сути—стерил идишга йиғилади.

Орқа мия суюқлиги—стерил игна ёрдамида стерил идишга олинади.

Суяк кумиги — стерил шприц ёрдамида стерил идишга түпланади.

## Асосий текшириш усуллари

1. Серологик.
2. Аллергик.
3. Биологик.
4. Бактериологик.

**Бактериологик усул.** Қасалликнинг биринчи кунларида тана ҳарорати кўтарғилган даврда бемор билак венасидан 10—15 мл ҳажмда қон олинади. Қон беморни антибиотик билан даволашдан олдин олинади. Қон (100—200 мл ҳажмли идишга) 30—50 дан солиб чиқилади. Биринчи флакондаги муҳитни карбонат ангидриди кўп бўлган шароитда қолдирилади, иккинчиси эса термостатда 37°C ҳароратда қолдирилади. 4 кундан сўнг олиб текширилади. Агар колониялар ўсмаган бўлса яна қолдирилади. Агар муҳит устида майда, рангсиз, бўртиб чиққан колониялар ҳосил бўлса, стереоскопик микроскопда ёки оддий микроскопнинг кичик объективида ўрганилади. Агар бир ой ичida колониялар аниқланмаса, зич озиқа муҳитига экилиб назорат қилинади. Ўсан культуруни фарқлаш учун суртма препарат тайёрланади, бўялади ва микроскоп остида текширилади. Сўнг буюм ойначаси устида маҳсус зардоб ёрдамида агглютинация реакцияси қўйилади. Қайталаган ва сурункали шаклдаги беморларнинг суяк кўмигидан ва лимфа тугунидан пунктат олинида ва зич озиқа муҳитига экиласи. Шубҳали колония ҳосил бўлса, суртма препарат тайёрлаб, агглютинация реакцияси қўйиб ўрганилади.

**Серологик усул. Райт реакцияси.** Беморнинг бармоғидан 1—2 мл қон олиниб, зардоби ажратилади ва кенгайтирилган ҳажмий агглютинация реакцияси қўйилади. Бемор қон зардоби ни 1:25 дан 1:1600 гача суюлтирилади, антиген сифатида бруцелла ўлиқ культураси диагностикуми олинади ва барча пропиркатарга 2 томчидан солиб чиқилади. Термостатда 37°C ҳароратда 18—24 соатга қолдирилади. Диагностик титри 1:100, 1:200 ҳисобланади. 1:400 реакция мусбат бўлса, ўта мусбат деб жавоб берилади.

Тахминий агглютинация реакцияси (Хедельсон реакцияси, 29-жадвал). Ҳар бирининг катталиги  $4 \times 4$  см келадиган 6 та квадратга бўлинган, тозаланган, ёғсизлантирилган ойнача олиниади. Чап тарафдан биринчи квадратдан бошлаб рақамлар қўйиб чиқилади ва микропипеткада текширилаётган зардобдан 0,08; 0,04; 0,02; 0,01 мл назорат зардобига («НЗ») 0,02 мл дан солинади, «НЗ» дан ташқари, барча квадратларга 0,03 мл диагностикумдан солинади, назорат диагностикум «НД» квадратига ҳам ундан 0,03 мл солнади. «НЗ» ва «НД» квадратларига 0,03 мл физиологик эритма солинади. Томчиларни кичик дозадан бошлаб шиша таёқча ёки учи кавшарланган пипетка билан араплаштирилади.

## 29-жадвал

### Хедельсон реакцияси

Ингредиент	Тажриба				Назорат	
	1	2	3	4	«НЗ»	«НД»
Зардоб	0,08	0,04	0,02	0,01	0,02	—
Антиген	0,03	0,03	0,0	0,03	—	0,03
Физиологик эритма	—	—	—	—	0,03	0,03

Ойначани спирт алангасида бир оз иситилади. Агар антиген ва антитело бир-бирига мос бўлса, биринчи дақиқада ёқ донадор ҳаво рангли чўкма ҳосил бўлади. Ўзоги билан 8 дақиқагача кузатиш мумкин.

Сезгир реакциялардан яна бири бевосита гемагглютинация реакцияси ҳисбланади. Диагностикум сифатида бруцеллёз эритроцитар диагностикумидан фойдаланилади.

**Аллергик усул. (Бюрге синамаси).** Билакнинг ички томонига, тери ичига 0,1 мл бруцеллин (13 ҳафталик бруцелла культурасининг бульондаги фильтрати) юборилади. 24—48 соатдан сўнг натижга ўқилади. Агар  $4 \times 6$  см кенгликда қизариш ва шиш ҳосил бўлса, реакция мусбат дейилади.

**Биологик усул.** Синамани оқ сичқонлар ёки денгиз чўчқачаларида ўтказилади. Текшириш материали чов қисмининг тери остига юборилади. Бу усул инфекцион жараённинг лимфа түгунида қандай кечишини тўлиқ ўрганиш учун хизмат қилиши мумкин. Ҳайвонлар касалланиб нобуд бўлгандан сўнг уларни ёриб, озиқа муҳитларга экиб ўрганилади.

## Наэорат учун саволлар

?

1. Бемордан текширишга қандай материал олинади?
2. Текшириш қандай усулларда олиб борилади?
3. Серологик усулда қандай реакциялар қўйилади, тушунтириб беринг?
4. Биологик синама қандай ҳайвонларда олиб борила-ди ва қандай ўтказилади?

### 30-боб. КУЙДИРГИ (СИБИР ЯРАСИ) ҚЎЗҒАТУВЧИСИ.

Куйдирги одам ва ҳайвонларда учрайдиган ўткир инфекци-он касаллик бўлиб, оғир интоксикация, тери қопламлари ва лимфа аппаратининг ишдан чиқиши билан кечади. Куйдирги қўз-ғатувчиси *Bacillus anthracis* *Bacillaceae* оиласига, *Bacillus* авло-дига киради. У қадимги касаллик бўлиб, унга «authrax» кўмир номи Гиппократ томонидан берилган. Ҳозирги номини эса 1788 йили рус шифокори С. Андреевский таклиф этган. У ўзига куй-дирги қўзғатувчисини юқтириб, касаллик қўзғатувчинини ҳай-вондан одамга юқишини исботлаган. 1849 йили Паллендор қўз-ғатувчининг барча хоссаларини, 1878 йили Р. Кох соф культу-расини ажратиб уни ҳайвонларга юқтирган ва спора ҳосил бў-лишини кузатган. Л. Пастер 1881 йили куйдиргига қарши вак-цинани ишлаб чиқди.

**Морфологияси.** Қўзғатувчи йирик таёқчасимон бактериялар бўлиб,  $6\times 8\times 1-1,5$  мкм катталиқда, четлари чўрт кесилган. Грам мусбат бўялади. Суртма препаратда жуфт-жуфт ёки қисқа зан-жирсимон бўлиб жойлашади. Озиқа муҳитида ўсган микроб культурасидан суртма препарат тайёрлаб кўрилганда улар узун занжирсимон бўлиб жойлашади. Ҳаракатсиз, бир нечта бацил-лалларга ёки занжирга умумий бўлған капсула ҳосил қиласди. Спора ҳосил қиласди, овалсимон шаклда бўлиб марказий жой-лашади. Спора кислородли шароитда  $30-40^{\circ}\text{C}$  да яхши ҳосил бўлади.  $43^{\circ}\text{C}$  дан юқори ва  $15^{\circ}\text{C}$  дан паст ҳароратда спора ҳо-сил бўлиши тўхтайди. Спора ҳосил бўлганда ҳужайра девори парчаланиб кетади ва спора алоҳида ҳолда ташқи муҳитга тушади.

**Культурал хоссаси.** Куйдирги қўзғатувчиси факультатив анаэ-роб, озиқа муҳитига талабчан эмас.  $35-88^{\circ}\text{C}$  ҳароратда pH 7,2—7,6 да яхши ўсади. ГПА да йирик, четлари нотекис R шак-лидаги колония ҳосил қилиб ўсади. Колония четларидаги ип-чалар колонияга шер бошини эслатувчи шакл бериб туради. R—шаклидаги колониялар вирулент ҳисобланади. Эски куль-тураларда эса S—шаклли колониялар ҳосил бўлади ва улар вирулентли ҳисобланади.

Гўшт-пептонли шўрвада (ГПШ) пробирка тубида пахтага ўхшаш чўкма ҳосил қиласди. Муҳит тиниқ қолади.

**Ферментатив хоссаси.** Куйдирги бацилласи ферментатив хос-

сасига кўра фаол. Сахаралитик хоссасига кўра глюкоза, лактоза, мальтоза, левулеза ва бошқа углеводларни кислотагача парчалайди.

Протеолитик хоссасига кўра желатинани тўнкарилган ар-часимон ҳолда суюлтиради, сутни ивитади ва пептонлайди. Водород сульфити ва аммиак ҳосил қиласи, нитратни нитритга тиклайди, крахмални гидролизлайди. Эритроцитларни гемолизга учратмайди. Куйдирги бактериофаги таъсирида лизисга учрайди. Куйдирги бацилласи диастаза, пероксидаза, липаза ферментларини ажратади.

**Токсигенлиги.** В anharcis оқсил табиатли экзотоксин ишлаб чиқаради. 1) ўлимга олиб келувчи ёки ўлим омилини сақладиди. 2) шиш чақирадиган ёки эдематоз. 3) протектив ёки ҳимоя омилига эга бўлиб, юқоридаги икки омил таъсир қилмайди. Бу токсинларни сичқон токсинлари дейилади. Чунки сичқонлар бу токсинга жуда сезгир.

**Антигенлиги.** Куйдирги бацилласи иккита антиген: 1) юқори ҳароратга чидамли соматик антигенга эга. Бу антигенга қарши антитело ҳосил бўлмайди. Узоқ вақт мурдаларда ва культура-ларда сақланади. 2) капсула антигени заرارли эмас.

**Чидамлилиги.** Куйдирги қўзғатувчиси вегетатив шаклида кам чидамли. 100°C ҳарорат таъсирида шу заҳоти, 55—60°C таъсирида 30—40 дақиқадан сўнг ўлади. Куйдирги қўзғатувчисининг капсуласи ташқи муҳитга чидамли. Ҳайвон мурдалари кузатилганда бактериялар чириган бўлишига қарамасдан бўш капсулани аниқлаш мумкин. Куйдирги бациллаларининг споралари чидамли: қайнатганда 15—20 дақиқадан сўнг, 120°C ҳароратли автоклавда 20 дақиқадан сўнг ўлади. Қуруқ ҳолда 30 йилгacha, тупроқда 10 йилгacha сақланади. Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида 2—3 кундан сўнг ўлади.

**Патогенези.** Куйдирги қўзғатувчисига сигирлар, от, қўй, киник, чўчқалар сезувчан бўлиб, улар сомон таркибидаги спораларни истеъмол қилиш натижасида касалланади.

Лаборатория ҳайвонларидан қуёнлар, оқ сичқонлар, дентиз чўчқачалари сезувчан. Улар заарлангандан кейин 2—4 кун ўтгач ўлади.

**Инфекция манбаи.** Касал ҳайвон инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** 1) манший контакт, 2) алиментар озиқ-овқатлар орқали, 3) ҳаво чангига йўли орқали, 4) трансмиссив йўл орқали тарқалади. Ҳаво чангига йўли орқали, асосан, латтафуршлар касалланганликлари учун уни Францияда «Латтафуруш касали», «Жун қирқувчилар касали» деб ҳам аталади.

Трансмиссив тарқалиш йўлида касаллик чивин, куйдирги пашшаси чаққанда ҳам юқади. Манший контакт йўлида ҳайвонларни сўйгандага юқади.

Алиментар йўли куйдирги бацилласи билан ифлосланган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш натижасида юқади.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб жароҳатланган тери, оғиз, бурун, кўз шиллиқ қаватлари ҳисобланади. Қўзғатувчи тушган жойда карбункул ҳосил бўлиб, тери ва тери ости клетчаткасида геморрагик ўчоқ, шишлар ва тўқималар диструкцияси пайдо бўлади. Шунингдек, организмда бактериемия ривожланади.

Касаллик тери, ўпка, ичак шаклларида учрайди. Касалликни тери шакли та қўзғатувчи кирган ерда қизариш пайдо бўлиб, сўнгра у папулага айланади. Папула секин-аста қизил, жигар рангли везикулага айланади. Унинг таркибида геморрагик суюқлик бўлади. У қуригандан сўнг қора чандиқ қолади.

Куйдиргининг ўпка шаклида зотилжам, ўпка шишининг клиник белгилари юзага келади ва бемор ўлади.

Касалликни ичак шаклидаги белгилари ичак шиллиқ пардаларида юзага келади. Кўпинча ўлим билан тугайди.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлади. Аммо 1—3 йилдан 8—20 йил оралиғида касаллик қайта юқиши мумкин.

**Профилактикаси.** Профилактика ишлари ветеринар хизмати билан бирга олиб борилади. Касал ҳайвонларни ажратиб қўйиш, дезинфекция ишларини амалга ошириш, аҳоли орасида санитария маорифи ишларини олиб бориш муҳми аҳамиятга эга.

**Махсус профилактикаси.** Ҳозирги вақтда СТИ вакцинаси қўлланилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ходимлари ўртасида вакцинация ишлари олиб борилади. Касал ҳайвонлар билан ишлаган ва улар билан алоқада бўлган одамларга куйдиргига қарши иммуноглобулин ва антибиотиклар берилади.

**Давоси.** Левомицетин, тетрациклин, эритромицин, стрептомицин ва бошқа антибиотиклар ишлатилади.

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕҚШИРИШ ТЕҚШИРИШ МАТЕРИАЛИ

### ҚУЙДИРГИ ҚЎЗҒАТУВЧИСИ БИЛАН ИШЛАШ ЖИДДИЙ ТАРТИБ АСОСИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ!

1. Теридаги везикула, карбункул, ярадан ажратма.
2. Ўпка шаклида — балғам.
3. Ичак шаклида — нажас.
4. Септик шаклида — қон.
5. Асколи прецепитация реакциясини қўйиш учун тупроқ, ҳайвон жуни олинади.

## ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИИГИШ

Везикула, карбункулдан материал олиш учун яра атрофи сииртга намланган пахта ёки дока ёрдамида артилади ва текшириш материалларини стерил шприц ёки тампон ёрдамида олинади. Лабораторияга жўнатиш учун текшириш материаллари Пастер пипеткасида олинади ва уни алгангандан кавшарланади. Агар пипетка бўлмаса, яра ичига стерил ип туширилади. Ип ярадаги йирингни шимгандан сўнг уни пробиркага солиб жўнатилади.

Балгам ва нажас оғзи кенг идишга солинади.

Қон билак венасидан 3—5 мл ҳажмда стерил шприц ёрдамида олинади ва Хоттингер шўрвасининг 50 мл га солинади. Бундан ташқари, қондан 2—3 та юпқа суртма препарати ҳам тайёрланади.

### Асосий текшириш усуллари

1. Микроскопик.
2. Бактериологик.
3. Биологик.
4. Аллергик.
5. Асколи преципитация реакцияси.

**Текширишнинг биринчи куни.** **Микроскопик усул.** Текшириш материалларидан суртма препарат тайёрланади. Никифоров эритмасида у 20 дақиқа фиксация қилинади. Грам усулида бўялиб микроскоп остида текширилади. Капсулани аниқлаш учун у Гинс усулида бўялади. Микроскоп остида куйдирги қўзғатувчиси йириқ таёқчасимон, алоҳида, жуфт-жуфт ёки қисқазанжирсимон жойлашган умумий капсулага эга. Бактериялар Грам мусбат бўялган бўлиб кўринса, тахминий ташхис қўйилади.

**Бактериологик усул.** Текшириш материали ГПА ва ГПШ га экилади. Термостатда 36—37°C ҳароратда 24 соатга қолдирлади.

**Биологик усул.** Текшириш-материали физиологик эритмада яхшилаб аралаштирилади. Қуёнларга, сичқонларга 0,1—0,2 мл дан елка тери остига, денгиз чўчқачаларига 0,2—0,5 мл дан юқори соҳасининг тери остига юборилади. Сичқонлар куйдиргидан 1—2 кундан сўнг, қуён ва денгиз чўчқачалари 2—4 кундан сўнг ўлади.

**Тезлаштирилган биологик усул.** 2—3 та оқ сичқонларнинг қорин бўшлиғига текшириш материали юборилади. Бир неча соатдан сўнг қорин бўшлиғидаги материаллардан суртма препарат тайёрланади ва бўялиб микроскоп остида текширилади. Агар капсулага ўралган бациллалар кўринса, тегишли жавоб берилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган муҳитлар термостатдан олиб кўздан кечирилади. Зин озиқа муҳитидан ўсган культура-

лар микроскоп остида ўрганилади. Куйдиргига хос колониялар аниқланса, соф культуруаны ажратиб олиш учун колониянинг ярми олиниб қийшиқ агарга экилади. Термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

Гўшт-пептонли шўрвада колониялар пахтага ўхаш чўкма ҳосил қилади. Муҳит тиниқ қолади. Антраксидлардан куйдиргини фарқлаш учун шўрвадан осилган томчи препарат тайёрлаб ўрганилади. Куйдирги қўзғатувчиси ҳаракатсизdir.

**«Марварид шодаси»** тести (тезлаштирилган текшириш усули). Бунинг учун Хоттингер муҳитига 30% ли инактивацияланган от зардоби ва 0,5 таъсир бирлигига эга бўлган 1 мл пенициллин қўшилади. Тайёрланган муҳитни 2—3 мл дан пробиркаларга солинади. Ҳар бир пробиркага 2 томчидан текширилаётган микроб культурасидан томизиб чиқилади. Пробиркаларни термостатда 37°C ҳароратда 3 соатга қолдирилади. Вақт ўтга ч термостатдан олиб текширилади. Ҳар бир пробиркадан 2—3 та суртма тайёрланади ва қуритилади. Карнуа (6 қисм этил спирти +3 қисм хлороформ +1 қисм сирка кислотаси) суюқлигига фиксация қилинади. Фиксация суюқлик бугланниб кетгунча ушланади. Суртма препаратни метилен кўки бўёғида бўялади ва микроскоп остида текширилади.

Микроскоп остида куйдирги бациллалари марварид шодасини эслатувчи занжирсимон жойлашган, юмалоқ бўлиб кўринади. Чунки бациллалар пенициллин таъсирида занжирсимон шаклга айланади.

Заарланган ҳайвонлар текширилади. Ўлган ҳайвонлар ёриб ўрганилади. Аъзолардан суртма тайёрлаб бўяб ўрганилади. Ички аъзоларидан олиб озиқа муҳитларга экиб ўрганилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Экилган муҳитлар текширилади. Қийшиқ агардан олиб суртма препарат тайёрланади ва бўяб микроскоп остида ўрганилади. Сахаролитик хоссасини ўрганиши учун Гисс қаторига экилади. Протеолитик хоссасини ўрганиши учун лакмусли сутга, желатинага, қонли агарга экилади ва куйдирги бактериофагига сезувчанлиги ўрганилади. Барча муҳитлар термостатда 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Натижка ўқилади. Куйдирги бацилласи Гисс қаторидаги муҳитларни кислотагача парчалайди. Желатинани тўнкарилган арчасимон қилиб суюлтиради. 4—5 кунда сутни ивитади ва қизил рангга ўзgartиради. Қонли агарда эритроцитларни гемолизга учратмайди. Куйдирги бактериофаги таъсирида бациллалар лизисга учраса касалликни куйдирги қўзғатувчиси келтириб чиқарган деб жавоб берилади.

**Аллергик усул.** Билакнинг ички томони териси ичига куйдирги антигени (антраксин) юборилади. 24—28 соатдан кейин қизарниш ва шиш ҳосил бўлса, синама мусбат дейилади.

## Асколи преципитация реакциясы

Бу реакция күйдирги бацилласининг ҳайвон жуни, териси, мурдаси, тупроқда борлигини аниқлаш мақсатыда олиб борилади.

**Антигенни тайёрлаш.** Текшириш материали стерил ҳавончада майдаланиб эзилади, устига 25—50 марта ҳажмда физиологик эритма солинади ва қайнатилади. Ҳосил бўлган аралашмани фильтр қоғози орқали фильтранади. Фильтрнинг тормоэкстракти тиниқ бўлиши лозим. Реакцияни олиб бориш учун күйдиргини преципитацияловчи зардоб ва назорат учун күйдирги антигени керак бўлади.

**Реакцияни қўйиш техникаси.** З та преципитация пробикаси олинади.

1. Пробиркага преципитацияловчи зардоб + текширилаётган термоэкстракт солинади.
2. Пробиркага преципитацияловчи зардоб + стандарт күйдирги антигени (назорат пробирка) солинади.
3. Пробиркага преципитацияловчи зардоб + соғлом ҳайвон жунидан тайёрланган термоэкстракт (назорат) солинади.

Реакция мусбат бўлса, биринчи ва иккинчи пробиркаларда икки суюқлик орасида лойқасимон оқ ҳалқа ҳосил бўлади. Учинчи пробиркада эса ҳалқа бўлмайди.

## Назорат учун саволлар

- ? 1. Күйдирги касаллигига ташхис қўйиш учун қандай текшириш материалари олинади?
2. Текшириш усулларини айтиб беринг?
3. Қандай тезлаштирилган усулларни биласиз?
4. Асколи преципитация реакцияси қандай олиб борилади?

## 31-боб. КЎКИЎТАЛ КЎКИЎТАЛ ВА ПАРАКЎКИЎТАЛ ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИ

Бу касаллик қўзғатувчилари *Bordetella* авлодига киради.

1. *B. pertussis* — кўкіўтал қўзғатувчиси, 1905 йили Борде ва Жангутомонидан аниқланган.
2. *B. parapertussis* — паракўкіўтал қўзғатувчиси 1937 йили Эллеринг ва Кондрик томонидан аниқланган.
3. *B. bronchiseptica* — ҳайвонларда касаллик келтириб чиқарди. 1926 йили Браун аниқлаган (кам учрайди).

**Морфологияси.** Овалсимон шаклда, 0,3—0,5x1—1,5 мкм катталиктаги майда таёқчалар. Паракўкіўтал қўзғатувчиси эса бироз йирикроқ. Иккаласи ҳам спора ҳосил қиласади, ҳаракатсиз. Капсула ҳосил қиласади. Грам манфий бўлиб, икки чети тўқроқ бўялади.

**Қултурал хоссаси.** Аэроб. Озиқа муҳитига талабчан. ҚҰА озиқа муҳитида күйіттал құзғатувчиси 48—72 соатдан сүнг, паракүйіттал құзғатувчиси эса 24—48 соаттан сүнг ўсади. Күйіттал құзғатувчиси майда, паракүйіттал құзғатувчиси эса йирикроқ, ялтироқ, кулранг, крем рангли, симоб томчисига үшаш колония ҳосил қилиб ўсади. Колонияни олганда қаймоққа үшаш дөг қолади. Стереоскопик микроскопда қаралғанда соя құрингиди. Энергия манбанинг жойи ўзгартирилғанда соя ҳам ўз жойини ўзгартиратын. Бу диагностикада катта аҳамиятга эга.

**B. parapertussis** тирозиназа ферментини ишлаб чиқаради, тирозин сақловчи муҳиттега әкілғанда тирозин парчаланиши натижасида муҳит жигаррангга айланади. Озиқа муҳитининг рангини ўзгартириши диагностикада катта аҳамиятга эга.

Суюқ озиқа муҳитида **B. pertussis** ва **B. parapertussis** бир текис лойқаланиш ва пробирка тубида чўкма ҳосил қилиб ўсади.

Янги ажратилған культура кўпинча S—шаклда бўлади, қасаллик охирида, II—IV фазада олинған материалда ва ноқулай шароитда ўстирилған культуралар бир-биридан фарқланувчи колонияларни ҳосил қилиб ўсади.

Қонли агарда гемолиз улар зонасини беради. Суюқ озиқа муҳитида бир текис лойқаланиш ва чўкма ҳосил қилиб ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** Күйіттал құзғатувчиси углеводларни парчаламайды, оқсилларни ферментламайды. Паракүйіттал бактерияси эса уреаза ва тирозиназа ферментларини ишлаб чиқаради ва уларни парчалайди.

**B. pertussis** ва **B. parapertussis** патоген бўлган гиалуронидаза плазмоагулаза ва лецитиназа ферментларини ажратади.

**Токсигенлиги.** Күйіттал құзғатувчисининг 4 та оқсил табиатли токсини аниқланган:

1. Термолабил дерменекротик токсин.
2. Термостабил эндотоксин.
3. Лейкоцитларни стимулловчи токсин (ҳайвонларга оғиздан юборилғанда ўлимга олиб келади).
4. Гистаминни сенсибилизацияловчи омил (ҳайвонларга юборилғанда уларда гистаминга сезувчанлиги ортади).

Биринчи иккита токсин паракүйітталга ҳам хосдир.

**Антигенлиги.** Bordetella авлодининг антигенлик тузилмаси жуда мураккабдир. Диагностика агглютиноген асосий антиген бўлиб ҳисобланади. Авлод антигени — 7, турга хос агглютиноген күйіттал учун 1, паракүйіттал учун 14, бронхосептика учун 12 ҳисобланади.

Моноспецифик 1, 14, 12 антигенлари зардоб турларини фарқлаш учун қўлланилади. Турга хос антигенлардан ташқари, *Bordetella* авлодига кирувчи аъзоларнинг бошқа агглютиногенлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ёрдамида құзғатувчиларнинг сероварлари аниқланади.

Чидамлилиги. *B. pertussis* ва *parapertussis* ташқи мұдитга кам чидамли. 56°C ҳарорат таъсирида 20—30 дақықадан сүнг нобуд бұлади. Паст ҳарорат ҳам уларға ўлдирувчан таъсир күрсатади. Тик қүш нурлари таъсирида 1—2 соатдан сүнг, ультрабинафша нурлари таъсирида бир неча дақықадан сүнг нобуд бұлади. Қуриган балғамда бир неча соатгача сақланади. Дезинфекцияловчи моддаларнинг оддий эритмалари ҳам уларға ўлдирувчан таъсир күрсатади.

Уларнинг иккаласи ҳам антибиотикларга кам сезувчан, пенициллинга эса умуман сезувчан эмас.

**Патогенлиги.** Табиий ҳолда ҳайвонлар бу құзғатувчиларга сезувчан эмас. Лаборатория ҳайвонларидан маймун, ёш итларда күйіттал ва сичқонларда ўлимни юзага келтириши мүмкін.

**Инфекция манбай.** Бемор одам, айниқса, катарал даврдаги бемордир.

**Тарқалиш йўли.** Ҳаво-томчи йўли орқали тарқалади.

**Патогенези.** Құзғатувчилар юқори нафас йўлининг шиллиқ пардаларига тушиб, бўлинib кўпаяди. Катарал яллигланиш жараёни, тумов авж олади. Яширин даври 3—8 кун. Үзидан токсин ишлаб чиқаради ва бу токсин марказий нерв системаси, юқори нафас йўллари шиллиқ қаватидаги нерв рецепторларига таъсир күрсатади ва натижада йўтал келтириб чиқаради. Кейинчалик bemor йўталганда қотиб қолиш ҳолати кузатилади.

Йўтал кундан-кунга кучаяди. У вақт-бевақт тутиб қаттиқ азоб беради. Йўтал, айниқса, кечаси тез-тез тутади. Йўтал тутган вақтда bemor кўпинча қусади ва ҳатто беихтиёр ичи ўтиб кетади ва сийиб қўяди.

Қасаллик 6—8 ҳафта давом этади. Йўтал тутиши секинаста камаяди ва ниҳоят бўшроқ тутиб жараён тугайди. Кўйүтталга иккиласми инфекция — грипп, зотилжам қўшилганда касаллик айниқса оғир ўтади.

**Иммунитети.** Қасалникдан сүнг мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Умумий профилактикасида bemorларни вақтида аниқлаш ва изоляция қилиш, контактдаги болаларга иммуноглобулин юбориш лозим. Махсус профилактикасида болаларга 1—2 ойлигидан бошлаб АКДС (кўйүттал+бўғма+қоқшол вакцина) юборилади, кейинчалик ревакцинация ишлари олиб борилади.

**Давоси.** Бошланғич даврларида иммуноглобулин қўлланилади. Эритромицин ва ампициллин ишлатилади.

### Назорат учун саволлар

- ? 1. *B. pertussis* ва *parapertussis* ларнинг морфологик хосасини айтиб беринг?
- 2. Улар қандай озиқа мұхитида ўсади ва қандай тавсифга эга?

3. Құзғатувчиларнинг чидамлилiği қандай?
4. В. pertussis ва parapertussis ларнинг бир-биридан фарқ қылувчи хоссалари қандай?
5. Інфекция манбай, тарқалиш йўли, патогенезини айтиб беринг?

## МИКРОБИОЛОГИҚ ДИАГНОСТИКАСИ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ

Бурундан суртма.

### ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИНИ ТҮЙЛАШ КОСАЧАДАГИ АГАРГА ЙЎТАЛИШ УСУЛИ (Борде усули)

Бемор йўталаётган вақтда КУА озиқа муҳити солинган Петри косачаси bemornинг оғзидан 8—10 см узоқликда ушлаб турилади, сўнг термостатда қолдирилади. Бу усул ҳозирги вақтда кам қўлланилади.

### ЮТҚУННИНГ ОРҚА ДЕВОРИДАН СУРТМА ОЛИШ УСУЛИ

Текшириш материалини ҳамшира олади ва иккита тампондан фойдаланади. Бири қуруқ ҳолда, иккинчиси КУА муҳитига намланади. Синама олишдан аввал тампон 120° бурчак остида қайрилиб олинади. Беморнинг тил асосини шпател билан босиб, тампон оғиз бўшлиғига то ютқиннинг орқа деворига тек-кунча киритилади. Бунда bemорда йўтал юзага келади ва шиллиқ ажралади. Сўнг тампон секин-аста оғиздан чиқарилиб Петри косачасидаги КУА муҳитига экилади. Штрих ҳолда экилган косача термостатда қолдирилади.

Иккинчи тампонни икки марта ( $\text{KH}_2\text{PO}_4$  ва  $\text{Na}_2\text{NPO}_4$  буфер эритмасида, агар ва активланган кўмирда) намланади. Бу эритмалар идишларга солинади. Эритмалар ишлатишдан аввал сув ҳаммомида эритилиши лозим. Текшириш материали қуруқ тампон билан қандай олинган бўлса, шу йўсинда олинади. Материал олингандан кейин у пробиркага солиниб лабораторияга юборилади.

### БУРУН-ЮТҚУНДАН СУРТМА ОЛИШ УСУЛИ

Материал юқоридагидек олинади, лекин тампон бурундан киритилади.

#### ЭСЛАТМА!

1. Қопқоғи очилган косачанинг оғзини тўнкарилган ҳолатда ушлаш лозим.

2. Тампон симга Маңкам үралган ва силлиқ бўлиши лозим.
3. Текшириш материали олинаётганда тампон тилга, лунжга тегиб кетмаслиги лозим.
4. Материал оч қоринга ёки овқатлангандан кейин 2—3 соатдан сўнг олинади.
5. Текшириш материалини қиш фаслида лабораторияга жўнатиш лозим бўлса, пробирка ва косачани совукдан сақлаш учун уларни пахтага ўраб грелкага қўйинб олиб бориш лозим.
6. Қандай усулда олинишидан қатъи назар материал иккита косачага олиниши лозим.
7. Қўшимча микрофлорадан озод бўлиши учун КУА муҳитига пенициллин шпател билан ёйилади.

### **Асосий текшириш усули**

Микробиологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Олинган текшириш материали КУА озиқа муҳитига экилади, термостатда 37°С ҳароратдан 5 кунга қолдирилади. Эртаси кунидан бошлаб текширилади. Озиқа муҳити қуриб қолмаслиги учун термостатга идишда сув қўйилади.

**Текширишнинг иккинчи-учинчи кунлари.** Экилган муҳитлар термостатдан олиб кўздан кечирилади. Шубҳали колонияларни лупа ёки стреоскопик микроскоп остида текширилади. Шубҳали колониялар аниқланса, соф культурасини ажратиб олиш учун секторларга бўлинган косачадаги КУА муҳитига ёки пробиркадаги КУА қийшиқ агарига экилади. Шубҳали колониялар кўп бўлса, суртма препарат тайёрлаб, Грам усулида бўяб, микроскоп остида текширилади. Агарда Грам манфий майда таёқчасимон бактериялар кўринса, текшириш ишлари давом эттирилади. Буюм ойначаси устида моноспецифик 7—авлод зардоби билан агглютинация реакцияси қўйилади. Реакция мусбат бўлса культура *Bordetella* авлодига тегишли деган хulosага келинади. Бордепелланинг турини аниқлаш учун 1 ва 14 моноспецифик тур зардолари билан агглютинация реакциялари қўйилади. Бирорта зардоб билан реакция мусбат бўлса, тахминий жавоб бериш мумкин.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Экилган муҳитлар термостатдан олиб кўздан кечирилади. Аввал муҳитнинг рангига эътибор берилади (муҳит жигарранг тусга кирдими), сўнгра стерископик микроскоп остида ўсган культура текширилади.

Шубҳали колониядан олиб суртма препарат тайёрланади. Грам усулида бўяб микроскоп остида текширилади. Сўнгра соф культура ҳамда моноспецифик авлод ва тур зардолари билан яна агглютинация реакцияси қўйилади. *B. pertussis* билан реакция мусбат бўлса, унинг сероварини аниқлаш учун моноспецифик 1, 2, 3 зардолари билан реакция қўйилади. Агар 1, 2, 3 зардолар билан реакция мусбат бўлса, биринчи серовар,

1, 2, 6 да шундай бўлса йўккйнчӣ, 1, 0, 3 да мусбат бўлса, учинчи серовар дейилади. Сероварни аниқлаш эпидемиологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Тўлиқ диагноз қўйиш учун уреаза ва тирозиназа синамаси қўйилади.

**Уреаза синамасини қўйиш.** Пробиркага 0,3—0,4 мл 2% ли мочевина эритмаси, 2—3 томчи фенолфталеин ва бактериологик қовузлоқда соф микроб культурасидан қўшилади. Пробирка бироз чайқалтирилиб термостатда қолдирилади. Натижа 2 ва 24 соатдан кейин ўқилади. *B.pertussis* муҳитнинг рангини ўзгартирмайди, *B.parapertussis* уреаза ферментини ажратади ва бу фермент мочевинани амиаккача парчалайди. Аммиак индикаторнинг рангини ўзгартиради, натижада муҳитнинг ранги ҳам ўзгариади.

**Тирозиназа синамасини қўйиш.** 0,1% тирозин қўшилган қийшиқ гўштили пептонли агарга соф культура экилади ва термостатда қолдирилади. Эртаси куни у термостатдан олиб қўздан кечирилади. Агар муҳитнинг ранги жигарранг тусяга ўзгариб культура ўсган бўлса, бу ерда *B.parapertussis* бор деган хулосага келинади. *B.pertussis* бу муҳитда ўсмайди.

**Текширишнинг бешинчи куни.** Натижа ўқилади. Агар шубҳали колониялар аниқланмаса салбий жавоб берилади.

### ТЕЗЛАШТИРИЛГАН УСУЛ

Бактериологик текшириш усулида натижа 3—4 кундан кейин берилади.

1. Иммунологик люминесцент усулида натижани бир неча соатдан кейин бериш мумкин.

2. Текшириш материали экилган КУА муҳитида микроб культураси ўсмаган бўлса ҳам ундан суртма препарат тайёрланади. Бунинг учун стерил резина тампон муҳитнинг юзасига ва ёғизлантирилган буюм ойначасига тегизилади. Препарат иммунофлюресцент усулида текширилади. Агар *B.pertussis* ёки *B.parapertussis* аниқланса жавоб берилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Кўййуталга шубҳа қилинганда қандай текшириш материали олинади?
- 2. Қўшимча микрофлора ўсмаслиги учун озиқа муҳитига нима қўшилади?
- 3. *B.pertussis* ва *B.parapertussis* ларни фарқлаш учун қандай серологик реакция қўйилади?

## 32-бөб. ПАТОГЕН ҚОРЫНЕБАКТЕРИЯЛАР БҮФМА ҚҰЗҒАТУВЧИСИ

Бүфма құзғатувчиси коринебактерия авлодига киради. (согуна—түфнорич, *diphthera*—парда деган маънени билдиради).

Бу авлодга одамлар учун патоген ва патоген бүлмаган құзғатувчилар киради, яъни сохта бүфма құзғатувчиси ва дифтериодлар.

Бүфма құзғатувчисини 1883 йили Т. Клебс аниқлаган, соғкультурасини 1884 йили Ф. Лёффлер ажратиб олган.

**Морфологияси.** Таёқчасимон бактериялар бўлиб, 3—6x0,  $\leftarrow$  3—0; 5 мкм катталика, учлари бироз кенгайган, учларида волютин донасини сақлайди (Бабеш—Эрнст доначаси). Харататсиз, спора ва капсула ҳосил қилмайди. Грам мусбат бўлиб, волютин доначалари бироз тўқроқ бўялади.

Суртмада улар X ёки V рақамига ўхшаб жойлашади. Сохта бүфма құзғатувчилари алоҳида жойлашиб, учларида волютин доначалари бўлмайди ёки улар бир учида жойлашади. Бўяшида ишқорли метиленли кўк ёки кристалл бинафша бўёқларидан фойдаланилади.

**Культурал хоссаси.** Факультатив анаэроб, рН 7,4—7,8. Озиқа муҳитига талабчан, қон, зардобли муҳитларда яхши ривожланади. XIX аср охирида француз олимни Э. Ру бўфма құзғатувчиларини ўстириш учун ивтилган буқа ёки от зардобини қўллашни тавсия этди, Ф. Леффлер эса унга (24%) шўрва ва 1% глюкоза қўшишни тавсия этди. Бу муҳитда бўфма құзғатувчилини 14—18 соат ичида алоҳида, бўртиб чиққан, крем рангли (қийшиқ агарда шагрен терига ўхашаш) колония ҳосил қилиб ўсади. Лекин бу муҳитда бўфма таёқчаларини сохта бўфма құзғатувчиларидан фарқлаш мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда бўфма құзғатувчиларини ўстириш учун Клаубарг муҳити (қон зардоби ва калий теллурит сақловчи), хинозолин, Бучин муҳити, Тинсдал ва бошқа муҳитлар қўлланилмоқда.

Культурал ва биокимёвий хоссасиңга кўра бўфма құзғатувчиси З та биоварга бўлинади.

1. Гравис (*gravis*).
2. Митис (*mitis*).
3. Интермедиус (*intermedius*).

Клауберг муҳитида Гравис типи R—шаклли, йирик 2—3 мм катталика, кулранг-қора колониялар ҳосил қилиб ўсади. Бульонда бўлинниб кетувчи парда ва донадор чўкма ҳосил қилиб ўсади.

Митис типи Клауберг муҳитида ўртача, силлиқ, S—шаклли колония ҳосил қилиб ўсади, қора рангда бўлади. Шўрвада бир текис лойқаланиш ҳосил қилиб ўсади.

Интермедиус типи Клауберг муҳитида майдада, ялтироқ, қора колония ҳосил қиласи.

**Ферментатив хоссаси.** Уччала тур ҳам цистиназа ферментини ишлаб чиқаралы ва цистинни водород сульфитгача парчалайды. Ҳаммаси глюкоза ва мальтозани кислотагача парчалайды. Фақат гравис тури крахмали парчалайды. Уларнинг ҳаммаси индол ҳосил қилмайды, мочевинани парчаламайды. Нейраминидаза, гиалуронидаза ва бошқа патоген ферментларни ҳосил қиласади.

**Токсигенлиги.** Вирулент штаммлари экзотоксин ишлаб чиқаради. Кимёвий жиҳатдан термолабил, оқсил табиатлы, 2 та фракциядан иборат. В—фракцияси ўзига сезувчан тўқималарга токсинни фиксация қилса, Л—фракцияси эса токсик таъсирчанилигига жавобгардир. Бу токсин буйрак ости безига, юрак мускулларига таъсир кўрсатади. Токсиннинг бор-йўқлигини зич озиқа муҳитида ҳам ўрганиш мумкин. Бу усул амалиётда кенг қўлланилади. Бўғма токсини кам чидамли. У юқори ҳарорат, нур ва кислород таъсирида тез парчаланади. Токсинга формалин ( $0,3$ — $0,4\%$ ) қўшилгандан сўнг  $37$ — $38^{\circ}\text{C}$  да бир неча ҳафта сақланганда у анатоксинга айланади. Бунда токсин заҳарли хоссасини йўқотиб антигенлик хоссасини сақлаб қолган бўлади. Турли хил штаммлардан ҳосил бўлган токсинлар бир-биридан фарқланмайди ва бўғма анатоксини таъсирида нейтралланади.

**Антигенлиги.** Бўғма қўзғатувчиcининг юзаки, оқсил табиатли термолабил антигени ва турларнинг специфик полисахарид О—антигени мавжуд. Бундан ташқари 19—фаговари бўлиб, улар қўзғатувчиларни фарқлашда, инфекция манбайини аниқлашда қўлланилади.

**Чидамлилиги.** Ташқи муҳитга чидамли. Болалар ўйинчофида бир неча кун, ивиган зардобда уй ҳароратида 2 ойгача сақланади. Паст ҳароратга, қуритишга анча чидамли  $60^{\circ}\text{C}$  ҳарорат таъсирида 10—15 дақиқадан,  $100^{\circ}\text{C}$  таъсирида бир дақиқадан сўнг, дезинфекцияловчи моддалар таъсирида бир неча дақиқадан сўнг нобуд бўлади.

**Патогенлиги.** Табиии шароитда ҳайвонлар бўғма билан қасалланмайди. Лаборатория ҳайвонларидан денгиз чўчқачалари, қуёнлар сезувчандир.

Уларга юқумли материал тери ичига ёки тери остига юборилса, токсикоинфекциянинг клиник белгиси ва юқумли материал юборилган жойда шиш, некротик яллиғланиш юзага келади. Буйрак усти безида қон қўйилиши қузатилади.

**Инфекция манбаи.** Касал одам ва бактерия ташувчилардир.

**Тарқалиш йўли.** Ҳаво-томчи йўли, маиший контакт (идиштовоқ, ўйинчоқ, китоб, сочиқ ва бошқа) йўл орқали тарқалади.

**Одамда** томоқ, бурун бўғмасини келтириб чиқаради. Кам ҳолларда трахея, бронх, кўз, қулоқ, қин ва тери бўғмасини келтириб чиқаради.

**Патогенези.** Нафас шиллиқ пардалари ва шикастланган тери орқали организмга киради. Яширин даври 2—5 кун. Шиллиқ пардада бўлинib кўпаяди, некроз келтириб чиқаради. Пар-

да ҳосил қиласи, парда ўз тагидаги тўқимага мустаҳкам ёпишган бўлади. Махаллий фибриноз яллиғланиш ва экссудат тўплаб, тампон ёки шпатель ёрдамида пардани олганда қонайди. Қўзғатувчи ўзидан экзотоксин ишлаб чиқаради ва шиллиқ қаватидаги яллиғланиш жараёни бурун, ҳалқум шиллиғи орқали бронхга тарқалади, асфиксияни келтириб чиқаради.

**Иммунитети.** Организмнинг касалликка берилмаслиги антитоксик ва антибактериал иммунитетга боғлиқ. Эмизуқли болалар онадан ўтган пассив иммунитети бўлганлиги сабабли касалланмайдилар.

Антитоксик иммунитет борлигини Шик реакцияси ёрдамида аниқланади. Реакцияни қўйиш учун денгиз чўчқачасини ўлимга олиб келувчи минимал доза — 1/40 Д/М 0,2 мл физиологик эритмага аралаштирилиб билакнинг ички томонига юборилади. Юборилган жойда 24—48 соатдан сўнг 2 см кенгликда қизариш ва шиш ҳосил бўлса, қонга антитоксин йўқлигидан далолат беради. Қонда антитоксени бўлса қизариш ва шиш бўлмайди, чунки қондаги антитоксени юборилган токсинни нейтраллайди.

Касалликдаи сўнг иммунитет ҳосил бўлади. Лекин 6—7% ҳолларда қайта касалланиш ҳоллари кузатилади.

Токсин қонда айланиб, юрак мускули, буйрак усти беzi ва нерв тўқимасига таъсир кўrsатади. Бўғма — бу токсикоинфекциядир. Касалликни оғир ўтиши штаммнинг токсигенлик даражаси ва организмнинг ҳимоя кучига боғлиқ.

**Махсус профилактикаси.** Болалар 1—2ойлигидан бошлаб АКДС анатоксени билан эмланади. Ревакцинация АДС билан олиб борилади.

**Умумий профилактикаси.** Беморларни вақтида аниқлаш, диагноз қўйиш, изоляция қилиш. Дезинфекция чораларини қилиш. Бактерия ташувчиларни аниқлаш.

**Давоси.** Антитоксик зардоблар билан даволанади, антимикроб препаратлар берилади.

### **Назорат учун саволлар**

- ?
- 1. Бўғма коринебактерияларнинг морфологияси қандай ва қандай биоварлари мавжуд?
- 2. Бўғма бактериялар қандай мухитда ўстирилади ва қандай ўсади?
- 3. Бўғма биоварлари қандай углеводларни парчалашига қараб фарқланади?
- 4. Бўғма касаллиги қандай юқади?
- 5. Бўғманинг специфик профилактикаси қандай?

## МИКРОБИОЛОГИҚ ТЕҚШИРИШ ТЕҚШИРИШ УЧУН МАТЕРИАЛ

1. Ҳалқум шиллиқ қаватидан ажратма.
2. Бурун шиллиқ қаватидан ажратма.
3. Күз шиллиқ қаватидан ажратма.
4. Қулоқдан йириңг.
5. Қин шиллиқ қаватидан ажратма.
6. Жароҳатдан ажратма.

Текшириш материали яллиғланиш жараёнининг қаердалигига қараб олинади.

### ТЕҚШИРИШ МАТЕРИАЛИНИ ТҮПЛАШ

Ҳалқумдан шиллиқ.

Жароҳатланган қисмнинг чегарасидан ва шиллиқ қисмидан тампон ёрдамида олинади.

Бурундан шиллиқ.

Битта тампон билан буруннинг иккала тешигидан олинади.

Кўздан шиллиқ.

Тампон билан олинади.

Қулоқдан йириңг.

Тампон физиологик эритмада намланади ва йириңг олинади.

Қиндан шиллиқ

Тампон билан олинади.

ва жароҳатдан

ажратма

Жараён қаерда бўлишига қарамасдан албатта бурун ва ҳалқумдан шиллиқ олиб текширилади. Текшириш материали пахта тампон ёрдамида олинади. Бунинг учун алюмин сим олинади ва бир учига маҳкам қилиб пахта ўралади. Тампонни пропиркага жойлаб Пастер (қуритиш) шкафида 160°C ҳароратда 1 соат давомида ёки автоклавда 112°C ҳароратда стерилизация қилинади.

**Эслатма!** 1. Текшириш материали оч қоринга ёки овқатланган бўлса камидан 2 соатдан сўнг, агар антибиотик ёки бошқа антибактериал препаратлар қабул қилган бўлса, 4 кундан кейин олинади. 2. Агарда бурун ва ҳалқумдан суртма олинса иккаласини ҳам ёзиб ва боғлаб қўйилади. Иккаласи ҳам алоҳида экилади ва мустақил равишда текширилади. 3. Куруқ тампон ёрдамида олинган текшириш материали 2—3 соат ичиде текширилиши лозим. Керак бўлган ҳолларда лабораторияга жўнатилаётганда тампонни 5% ли глицерин аралашмаси ёки физиологик эритма билан намланади.

### Асосий текшириш усуллари

1. Микроскопик.
2. Микробиологик.
3. Биологик.

**Текширишнинг биринчи куни.** Даволовчи шифокор талабига асосан текшириш материалы олинган тампондан суртма препарат тайёрланиб, бўяб микроскоп остида текширилади. Микроскоп остида бўғма қўзғатувчисининг морфологик кўриниши аниқланса, тахминий диагноз қўйилади.

Текшириш материалини Клауберг ёки бошқа махсус озиқа муҳитларига экиласди. Экилган косача термостатда 37°C ҳароратда 24—48 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг иккинчи куни.** Экилган муҳит термостатдан олиниб кўздан кечирилади. Муҳит таркибида айрим ингибиторлар бўлиши сабабли Клауберг муҳитида бактерияларнинг ўсиши секинлашади. Бундай ҳолларда косачаларни яна термостатда 24 соатга қолдирилади.

**Текширишнинг учинчи куни.** Косачани термостатдан олиб лупа ёки стероскопик микроскоп ёрдамида текширилади. Клауберг муҳитида *gravis* тури қора-кулранг R—шаклли, *mitis* тури ўрта ўлчамли, силлиқ, қора рангли, *S*—шаклли, *intermedius* тури ялтироқ, майдо, қора колония ҳосил қилиб ўсати. Шубҳали колониядан олиб соф культурани ажратиш учун 25% ли зардоб сақловчи муҳитга экиласди. Цистиназа ферментини аниқлаш синамаси, Геле прецепитация реакцияси қўйилади. Бу синамалар албатта ўтказилиши шарт бўлган синамаларга киради. Агар шубҳали колониялар билан қўйилган синама натижабермаса, бу синамалар соф культура билан қайтадан қўйилади.

**Цистиназа синамасини қўйиш.** Пробиркадаги тик Пизу муҳитига соф культура саншиб экиласди, термостатда 37°C ҳароратда 18—24 соатга қолдирилади. Вақт ўтгач олиб текширилади. Реакция мусбат бўлса экилган ерда қора ўзак ва унинг атрофида қора булатга ўхшаш ўсиш ҳосил бўлади. Бу қорайиш қўзғатувчи ишлаб чиқарган цистиназа ферменти Пизу муҳити таркибидаги цистинни водород сульфитгача парчалалиши натижасида ҳосил бўлган олтингугуртнинг қўрғошини ацетати билан реакцияга киришади ва қора рангли қўрғошин сульфитининг ҳосил бўлиши натижасидир. Сохта бўғма қўзғатувчиси ва дифтероидлар цистиназа ферментини сақламайди ва шу сабабли Пизу муҳитида ўсганда муҳитнинг рангини ўзгартирилди.

**Экзотоксинни аниқлаш.** Бу реакция токсин ва антитоксинни таъсирига асосланган. Реакцияни қўйиш учун Петри косачасига pH 7, 8 га тенг эритилган ва 50°C гача совутилган Мартен агаридан 12—15 мл солинади. Мартен муҳитида экзотоксин яхши ажралади. Бу муҳитдан реакцияга кўп қўйиш мумкин эмас, чунки қалин муҳитда преципитат чизиги яхши кўринмайди. Муҳит қотгандан сўнг унга антитоксин зардоби шимдирилган стерил фильтр қофози ўрнатилади.

Қоғознинг икки томонига, ундан 0,5—0,7 см узоқликда, диаметри 0,8—1,0 см га тенг ҳолда текширилаётган микроб культураси айланма ҳолида экиласди. Унга параллел ҳолда маълум токсинли микроб культураси экиласди. Шу тартибда 4—6 та

культураны экиш мумкин. Мұхитни термостатда 37°C ҳароратда 18—24 соатта қолдирилади.

Вақт ўтгач олиб текширилади. Маълум токсинли микроб культураси ўзидан токсин ишлаб чиқариши сабабли преципитат чизиқчасини ҳосил қиласы. Текширилаётган микроб культураси ҳам токсин ишлаб чиқарса, у ҳам преципитат чизиқчасини ҳосил қиласы да ба бу чизиқчалар бир-бири билан туташади ҳамда реакция мусбат дейилади. Текширилаётган микроб культураси токсин ишлаб чиқармаса преципитат чизигини ҳосил қилмайды, ҳосил қиласа ҳам улар туташмайды ёки кесишиб кетади ва реакция манфий дейилади.

**Антитоксин шимдирилган қофозни тайёрлап.** Үлчами 1,5x0,8 см га тенг, бир неча фильтр қоғозы қырқиб олинади ва автоклавда 120°C ҳароратда 30 дақықа давомида стерилизация қилинади. Реакция қүйишдан аввал стерил пинцет ёрдамида қофоз олинади ва стерил косачага солиниб устига антитоксик зардоби қүйиб шимдирилади. Зардоб тахминан 1·мл да 500 антитоксин борлигини сақтайтын зардоби шимдирилган фильтр қоғоз мұхит устига қўйилади ва юқорида айтилгандек ишлар олиб борилади.

**Текширишнинг тўртинчи куни.** Экилган мұхитлар термостатдан олинниб кўздан кечирилади. Зардобли қийшиқ агардан олиб суртма препарат тайёрланади. Леффлер усулида бўяб микроскоп остида текширилади.

Микроскоп остида бўйма қўзғатувчисига хос таёқчасимон бактериялар кўринса, Пизу мұхитида қора ўзак ва атрофида қора булатуга ўхшаш ўсиш бўлса, Гелдаги преципитация реакцияси мусбат бўлса тахминий диагноз қўйилади ва текшириш ишлари давом эттирилади.

Тўлиқ диагноз қўйиш учун Мұхит глюкоза, сахароза, крахмали мұхитга ва мочевинали шўрвага экилади.

**Мочевинага синама.** Соф культурадан олиб индикатор (крезол қизили) ва мочевина қўшилган шўрвага экилади, термостатда қолдирилади. 30—40 дақиқадан сўнг натижани ўқиш мумкин. Агар текшириш материалида чин бўйма қўзғатувчиси бўлса мұхитнинг ранги ўзгармайди, чунки улар уреазани сақламайди. Сохта бўйма қўзғатувчиси бўлса, уреазани сақлаши сабабли у мочевинани парчалайди, натижада индикаторнинг ранги ўзгариб, мұхит қизил ранга киради.

**Текширишнинг бешинчи куни.** Натижажа ўқилади. Бўйма қўзғатувчисининг учала биовари ҳам глюкозани кислотагача парчалайди, сахарозани парчаламайди, цистиназа ферментини сақлайди. Уреазани сақламайди, токсин ажратади. Фақат *gravis* тури крахмални парчалайди.

## Назорат учун саволлар

- ? 1. Бүгма құзғатувчисини аниқлаш учун қандай текшириш материалы олинади?
- 2. Бурун ва ютқундан текшириш материалы қандай олинади?
- 3. Клауберг мұхитидаги шубҳали колониялар қандай асбоб ёрдамида ўрганилади?
- 4. Ажратиб олинган күльтуралыңи текширишлар үтказилади?
- 5. Бүгма құзғатувчисининг токсигенлик хоссаси қандай усулда аниқланади?

**Теллуритли Клауберг мұхити.** Биринчи аралашма: 1,5 ой аввал 20 мл қүй ёки от қони ва 10 мл глицерин билан аралашма тайёрланади. Мұхит тайёрланадиган куни яна иккита бошқа аралашма ҳам тайёрланади. Иккінчи аралашма: pH 7,5 тенг бўлган 50 мл ҳажмдаги гўшт пептонли агар эритилади ва 50°C гача совутилади. Шундан сўнг унга 2,5 мл ҳажмда биринчи аралашма қўшилади. Учинчи аралашма: 17 мл қүй қони ва 33 мл дистилланган сув қўшилиб аралашма тайёрланади (аралашма стерил бўлиши лозим) ва сув ҳаммомида 50°C ҳароратга қиздирилади. Иккінчи ва учинчи аралашма бирлаштирилди унга 4 мл 1% ли калий теллурити эритмаси ( $K_2TeO_3$ ) қўшилади, ҳаммаси тезда аралаштирилади ва косачаларга қўйилади. Мұхит тиниқ, қизил мусаллас рангига ўхшаш бўлади.

**Пизу мұхити.** 90 мл 2% ли ГПА (pH 7,6) эритилади ва унга 2 мл цистин эритмаси (1% ли цистин эритмаси +0,1 и сульфат кислота) қўшилади. Мұхит 112°C ҳароратда 30 дәқиқа давомида стерилизация қилинади. Ушбу мұхитни эритиб, 50°C гача совутга, унга 1 мл 10% ли қўроғошин ацетати эритмаси қўшилади, сўнгра икки маротаба буғ оқими остида стерилизация қилинади. Кейин эса унга 9 мл нормал от зардоби қўшилиб аралаштирилади ва мұхит стерил шароитда 2 мл дан пробиркага қўйилади. Мұхитга текшириш материалы одатда санчиди экилади.

**Тинсдал мұхити.** 100 мл 2% ли гўшт пептонли агар эритилади ва 50°C гача совутилади.

- 1) 12 мл 0,1% ли сульфат кислотадаги 1% ли цистин эритмаси қўшилади.
- 2) 12 мл 1% ли натрий гидрооксиди эритмаси қўшилади.
- 3) 1,8 мл 2% ли калий теллурити эритмаси қўшилади.
- 4) 1,8 мл 2,5% ли натрий гипосульфити эритмаси, 20 мл нормал от зардоби ёки буға зардоби қўшилади. Ҳар бир эритма қўшилгандан кейин мұхит яхшилаб аралаштирилади. Мұхит солинган косачалар 3—4 кун 10°C да сақланади.

## 33-б. ПАТОГЕН МИКОБАКТЕРИЯЛАР СИЛ ҚҰЗҒАТУВЧИСИ

Микобактерия (*Mycobacteriaceae*) оиласи аъзоларининг бар-часи ингичка, таёқчасимон бўлиб, озиқа муҳитларида секин ўса-ди ва шу хоссасига кўра замбуруғларга ўхшайди.

Микобактериялар кислота, ишқор, спиртга анча чидамли, чунки улар таркибида ёғ миқдори кўп. Микобактерия авлоди-га патоген ва патоген бўлмаган бактериялар киради.

Микобактерия авлодига одам учун патоген бўлган сил ва мохов (лепра) қўзғатувчилари киради. Сил ҳайвонлар, парран-далар, кемирудчилар орасида кенг тарқалган.

Сил таёқчасининг бир қанча тури тафовут этилади:

1. Одамда касалик чақирудувчи — *Mycobacterium tuberculosis*.

2. Йирик шохли ҳайвонларда касаллик чақирудувчи — *Mycobacterium bovis*.

3. Паррандаларда касаллик чақирудувчи — *Mycobacterium avium*.

4. Кемирудчиларда касаллик чақирудувчи — *Mycobacterium murium*.

5. Совуққонлиларда касаллик чақирудувчи қўзғатувчи. Улар-га алоҳида атилик микобактерия гуруҳи киради.

Хозирги вақтда атилик микобактериялар бир неча хоссаси-га кўра 4 та гуруҳга бўлинади: I, II, III, IV (Ранъон классифи-кацияси бўйича). Улар сил қўзғатувчисига қараганда озиқа муҳитига талабчан эмас. Улар бир-бирларидан озиқа муҳити-га нисбатан алоқаси, ўсиш тезлиги, пигмент ҳосил қилиши, ка-талаза ва пероксидаза фооллигига қараб фарқланади: I ва II гуруҳ аъзолари одамда касаллик келтириб чиқаради.

**Морфологияси.** Сил таёқчалик Р. Кох томонидан 1882 йилда аниқланган. Ингичка таёқчалик 1,5—4x0,3 —0,5 мкм катта-лика бўлиб, ташқи муҳит омилларининг таъсирига қараб унинг букилган, колбасимон, майдада таёқчалик шакллари ҳам уч-райди. Ҳаракатсиз, спора ва капсула ҳосил қилмайди. Грам мус-бат, Циль—Нильсон усулида қизил рангга бўялади.

**Культурал хоссаси.** Аэроб. Озиқа муҳитига талабчан. 37—38°C ҳароратда pH 5,8—7,0 ли муҳитда секин ривожланади. Петранъяни, Петров, Левенштейн — Иенсен, глицеринли муҳит-ларида яхши ривожланади.

Глицерин сил қўзғатувчиларини ўсишини секинлаштиради. *M.bovis* глицеринга муҳитож эмас. Левенштейн—Иенсен муҳити сил қўзғатувчини ўстиришда кенг қўлланилди. Хозирги вақтда Финна II муҳити кенг қўлланилмоқда. Финна II муҳити Левенштейн—Иенсен муҳитидан аспарагин ўрнига натрий глутамин моддасини сақлаши билан фарқланади. Бу муҳитда сил қўзғатувчилари анча тез ўсади. Сил микобактериялари муҳит-да R ва S шаклларда ўсади. R—шакли вирулентли ҳисобланади.

ди. Зич муҳитларда сил қўзғатувчиси R—шаклли, қуруқ, ға-  
дир-будур, гул карамга ўхшаш колония ҳосил қилиб ўсади.  
Суюқ муҳитларда 10—15 кундан кейин парда ҳосил қилиб ўса-  
ди. Парда секин-аста қалинлашиб буришган, сочилувчан бў-  
либ, оғирлигидан чўкмага тушиб ҳам қолади ва муҳит тиник  
қолади.

**Ферментатив хоссаси.** Биокимёвий хоссасига кўра кам фаол.  
Протеолитик ферментларни ишлаб чиқаради, оқсилларни, ай-  
рим углеводларни парчалайди, уреаза ҳосил қилаади. Лекин  
қўзғатувчининг бу хоссаси доимий эмас. Шунинг учун фермен-  
татив хоссаси бўйича диагностикада аҳамиятга эга эмас.

**Токсигенлиги.** Ўзидан эндотоксин ишлаб чиқаради. Бу оқсил  
модда 1890 йили Р. Коҳ томонидан аниқланган ва туберкулин  
деб номланган. Туберкулин аллергенлик хоссасига эга. У соғ  
организмга токсигеник таъсири этмайди. Ундан диагностикада  
Манту ва Пирке аллергик синамаларни қўйишида фойдалани-  
лади. Шунинг учун йирик шохли ҳайвонларда касаллик чақи-  
рувчи туберкулин туридан фойдаланилади.

Сил қўзғатувчисининг вирулентлик штамми алоҳида липид  
корд—омилни сақлайди. У сил қўзғатувчиларини бир-бирига  
ёпишириш хоссасига эга ва натижада ўрилган сочга ўхшаб  
ўсади.

**Антигенлиги.** Сил микобактерияси оқсилли, ёғли, полисаха-  
ридли омилларни сақловчи антиген сақлайди. Бу антиген орга-  
низмда антитело ҳосил қилаади. Лекин бу антителолар кам кон-  
центрацияда аниқланади, шунинг учун диагностикада аҳамиятга  
эга эмас.

**Чидамлилиги.** Сил микобактерияси спора ҳосил қилмайдиган  
бактериялар орасида энг чидамлисиadir. Бу чидамлилиги ҳу-  
жайра қобигида жойлашган ёғ моддаси ҳисобигадир. Ташки  
муҳитга чи тамли. Қуриган балғамда 10 ойгача, 100°C ҳарорат  
таъсирида 4 дақиқагача, УБН (ультрабинафша нур) таъсирида  
бир неча соатгача сақланади. Хлорамин ва хлор аралашмасига  
сезгир. Сулема (1:1000), карбол кислота (5%) таъсирида бир  
неча кундан кейин нобуд бўлади.

**Патогенлиги.** *M.tuberculosis* га одам жуда сезгир бўлиб, ҳай-  
вонлар, паррандалар кам сезувчан. Сил қўзғатувчисига лабора-  
тория ҳайвонларидан денгиз чўққачалари жуда сезгир, уларда  
касаллик генерализацияланган шаклда ўтади ва натижа ўлим  
 билан тугайди.

· *M.bovis* турига йирик ва майда шохли ҳайвонлар ва уй ҳай-  
вонлари жуда сезгир бўлиб, одам кам сезувчан, лекин болалар  
касал ҳайвонларнинг сутини истеъмол қилиши натиჯасида ка-  
салланиши мумкин.

Лаборатория ҳайвонларидан қуёнлар жуда сезгир бўлиб,  
уларда касаллик генерализацияланган шаклда ўтади. *M.avium*  
паррандаларда (товуқ, кабутар, фазан ва бошқаларда) касал-

лик келтириб чиқаради. Лекин айрим ҳайвонлар ҳам касалланishi мүмкін. Одамга камдан-кам юқади.

**Лаборатория ҳайвонларидан** құёнлар унга сезгир бўлади ва уларда касаллик ўткір шаклда ўтади.

Мигіт га кемирувчилар, айниңса дала сичқонлари сезувчан. Лаборатория ҳайвонларидан бу тур қўзғатувчига қўёнлар ва денгиз чўчқачаси сезгир ва касаллик уларда сурункали шаклда ўтади.

**Инфекция манбаи.** Одам, кам ҳолларда ҳайвонлар ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Ҳаво-томчи, ҳаво-чанг, кам ҳолларда алиментар, вертикал йўл орқали тарқалади.

**Патогенези.** Сил касаллигининг ўпка, ошқозон, ичак, буйрак, мия, суяқ шакллари учрайди. Ҳаво-томчи, ҳаво-чангги орқали юққандаги сил қўзғатувчиси бирламчи ўчоқда дўмбоқча ҳосил қиласиди. Дўмбоқча лейкоцитлар, гигант тўқималар ичилади. Дўмбоқча лейкоцитлар, гигант тўқималар ичилади. Қўзғатувчиларини сақлайди.

Организмнинг касалликка қарши курашиш кучи юқори бўлса, бактериялар биринкирувчи тўқима билан ўралади. Унинг ичидаги қўзғатувчилар тирик қолади ва буни «Гона ўчоги» ҳам деб аталади. Касаллигининг бу шакли ёпиқ шакл бўлиб ҳисобланади ва бунда қўзғатувчилар организмдан ташқарига чиқмайди.

Организмнинг касалликка қарши курашиш кучи сусайганда дўмбоқчада томирлар бўлмаганлиги сабабли биринкирувчи тўқима некрозга учрайди ва қўзғатувчи бошқа тўқималарни шикастлаб каверналар ҳосил қиласиди. Натижада дўмбоқ сузмага ўхшаб қолади. Бу шакли очиқ шакл бўлиб ҳисобланади. Қўзғатувчи қонга сўрилади ва бутун организмга тарқалади. Энди қўзғатувчи ташқи муҳитга чиқа бошлайди. Кўпинча касаллик сурункали шаклда ўтади.

**Иммунитети.** Организм заарлардан инфекцион иммунитет ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Вақтида касалликка диагноз қўйиш, беморни бошқалардан ажратиш.

Махсус профилактикасида, француз олимлари Қальмет ва Герен олган тирик БЦЖ вакцинаси қўлланилади. Бу вакцина елканинг ташқи томони териси ичига юборилади. Ревакцинация 7—12 ёшда, сўнг ҳар 5—6 йилда 30 ёшгача қилинади.

**Давоси.** Антибактериал препаратлар: стрептомицин, рифамицин, ПАСК, фтивазид ва бошқалар берилади.

Беморларни диспансер ҳисобига олинади, оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтказилади, bemorlar санатория, курортларда даволанади. Аҳолини бир йилда бир маротаба тиббий кўрикдан ўтказиб туриш лозим.

## Назорат учун саволлар

?

1. Сил қўзғатувчисини ким ва қачон аниқлаган?
2. Сил қўзғатувчининг қандай турларини биласиз ва уларнинг қайси бири одам учун патогендир?
3. Сил қўзғатувчининг ташқи муҳитга чидамлилигига нима сабаб бўлади?
4. Сил қўзғатувчиси қандай усулда бўяб ўрганилади?
5. Сил касаллигининг олдини олиш учун қандай ишлар олиб борилади?

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ УЧУН МАТЕРИАЛ

1. Ўпка ва бронх силида — балғам.
2. Ўпка ва плевра силида — плеврадан экссудат.
3. Ичак силида — нажас, асцит суюқлиги.
4. Буйрак силида — сийдик.
5. Сил менингитида — орқа мия суюқлиги.
6. Генерализацияланган шаклида — қон олинади.

## ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИНИ ТҮПЛАШ

Балғам оғзи кенг шиша банкаларга йифилади.

Плеврадан пунктатни стерил шприц ёрдамида олиб, стерил колбага солинади.

Нажас стерил банкага олинади.

Сийдик стерил катетер ёрдамида стерил колбага олинади.

Орқа мия суюқлиги асептика қоидаларига риоя қилинган ҳолда стерил игна билан 1—2 та стерил пробиркага олинади. Уларнинг оғзига пахта—докали қопқоқ ёпилиб хонада қолдирлади. 24 соатдан кейин суюқлик юзасида парда ҳосил бўлади ва унда сил қўзғатувчилари тўпланиб қолган бўлади.

Қон стерил шприц ёрдамида 8—10 мл ҳажмда стерил пробиркага олинади.

**ЭСЛАТМА!** Текшириш материали олинадиган идишларнинг қопқофи бураб очиладиган бўлиши лозим. Текшириш материали олинадиган идишлар 20 дақиқа давомида 120°C ҳароратда автоклавда стерилизация қилиниши ёки 1 соат давомида қайнатилиши лозим.

## Асосий текшириш усуллари

1. Бактериоскопик.
2. Бактериологик.
3. Биологик.
4. Аллергик.

**Бактериоскопик усул.** Бемордан олинган балғам Петри ко-

сачасында қўйилади ва маҳсус игна ёрдамида унинг йирингли қисмидан олиб шкита буюм ойначаси орасида эзилади. Суртма ҳавода қутилилади, спиртовка алангасида фиксация қилинади. Циль—Нильсен усулида бўялади ва микроскопнинг иммерсион системасида текширилади. Бунда сил қўзғатувчиси алоҳида-алоҳида ёки тўп-тўп бўлиб қизил рангда кўринади. Агар қўзғатувчи кўринмаса уларни бир ерга тўплаш учун флотация усулидан фойдаланилади.

**Флотация усули.** 10—15 мл балғам 250 мл ҳажмли колбага солинади ва устига 0,5% NaOH эритмасидан 10—15 мл солинади. Қопқоқ билан ёпилиб 5—10 дақиқа чайқатилади. Бунда балғам гомогенлашади. Гомогенлашган балғам устига 100 мл дистилланган сув ва 0,5 мл ксилол, бензол ёки толуол солиб 5—10 дақиқа чайқатилади, сўнгра устига колба тўлгунча дистилланган сув қўйилади. 30 дақиқадан сўнг ксилол, бензол, толуол сувдан енгил бўлганлиги учун сил бактериялари билан бирга сув юзасига қалқиб чиқади. Ҳосил бўлган қаймоқсимон пардани Пастер пипеткасида тортиб олинади, ундан суртма тайёрлаб Циль—Нильсен усулида бўяб, яна текширилади.

**Бактериологик усул.** Қўшимча микрофлорадан озод бўлиш учун текшириш материали қайта ишланади. Текшириш материали устига тенг ҳажмда 10% натрий фосфати қўшилади ва 37°C ҳароратда 2 соатга термостатда қолдирилади. Вақт ўтгач центрифугаланади, чўкма устидаги суюқлик дезинфекцияловчи эритмага тўкилади. Чўкма устига 1 мл натрий хлорид эритмасидан қўшилади.

Қайта ишланган текшириш материалидан олиб Левенштейн—Иенсен ва Финна II муҳитларига экилади. Экилган муҳит термостатда 37°C ҳароратда 2 ойга қолдирилади ва ҳар 7—10 кунда текшириб турилади. 7—10 кунда озиқа муҳит қуриб қолмаслиги учун шам эритиб қўйилади. Бу озиқа муҳитида сил қўзғатувчиси R—шаклли сўгалга ёки гулли карамга ўхшаш колония ҳосил қилиб ўсади.

**Тезлаштирилган Прайс усули.** Ёғизлантирилган буюм ойначасида қалин томчи суртмаси тайёрланади, қутилилади, 2—6% сульфат кислотаси билан қайта ишланади, стерил физиологик эритма билан ювилади. Сўнг 1:4—1:8 нисбатгача суютирилган ва гемолизланган цитратли қонга солиб термостатда қолдирилади. Бир неча кундан (3—7—14) кейин олиб, фиксация қилинади ва Циль—Нильсен усулида бўяб микроскоп остида текширилади. Бунда тулки думига ёки ўрилган сочга ўхшаш қўзғатувчилар кўринса, сил қўзғатувчиси борлигидан далолат беради.

**Биологик усул.** Қайта ишланмаган текшириш материали 3—5 % ли стерил сульфат кислотаси билан қайта ишланади, стерил физиологик эритмада ювилади ва центрифугаланади. Сўнг текшириш материалидан 1—1,5 мл олиб денгиз чўчқачадарининг

қорин бүшлиғига, тери остига юборилади. Агар текшириш материалда сил микобактериялары бўлса, заарали материал юборилган жоёда йирингли яра ҳосил бўлади, лимфа тугунлари шишиади. Улар ёриб ўрганилади.

**Аллергик усул.** Манту синамаси: билакнинг ички томони териси ичига 0,1 мл туберкулин юборилади. 48 соатдан кейин 5 мм кенгликда қизариш ва шиш ҳосил бўлса, синама мусбат дейилади.

### Назорат учун саволлар

- ? 1. Сил қўзғатувчисини ўстириш учун қандай озиқа муҳитидан фойдаланилади?
- 2. Балғамини озиқа муҳитига экишдан аввал нима сабабдан тозаланади?
- 3. Зич ва суюқ озиқа муҳитидаги сил қўзғатувчи қандай ўсади?
- 4. Одамда сил касаллигини келтириб чиқарувчи қўзғатувчига қайси ҳайвон сезувчан?

### ОЗИҚА МУҲИТЛАРИ

**Левенштейн—Иенсен муҳити.** Тузли эритма: бир марта араплаштириш учун калий фосфатидан 4 г, магний сульфатидан — 0,24 г, магний цитратидан — 10,6 г, аспарагин — 3,6 г, глицерин — 1 мл, картошка уни — 5 г, дистилланган сув — 600 мл олиниади. Реактивларни юқорида кўрсатилган тартиб билан солиб бироз қиздириб эритилади ва буғ оқими ёрдамида 2 соат стериллизация қилинади. Тузли эритмани 34 ҳафтага етадиган қилиб тайёрлаш мумкин.

**Тухумли араплашма.** 24—27 дона (катталигига қараб) янги тухум оқар сувда совунлаб ювилаш ва 30 дақиқага 70% ли спиртга солиб қўйилади. Спиртовка алангаси олдида улар мунроқлар солинган колбага ёриб солинади, яхшилаб араплаштирилади ва 1 л тухум араплашмасига 600 мл юқорида ёзилган тузли эритмадан солинади. Араплашма дока орқали фильтратланади, сўнгра 20 мл 2% ли стерилланган малахитли яшил эритмаси қўшилади ва пробиркаларга 5 мл дан қўйиб чиқилади. 85°C ҳароратда 45 дақиқа давомида ивитилади.

**Финна II муҳити.** Тузли араплашма: магний сульфати — 0,5 г, натрий цитрати — 1 г, темир аммиакли аччиқ тош — 0,05 г, бир марта араплаштирилган калий фосфати — 20 г, бир марта араплаштирилган аммоний цитрати — 20 г, бир марта араплаштирилган натрий глутамати — 5 г, глицерин — 20 мл, дистилланган сув — 1 л миқдорда араплаштирилади.

Реактивлар албатта юқоридаги тартибда илиқ дистилланган сувда араплаштирилади. pH 6,3—6,5 га тўғриланади, 1 атм босимда 20 дақиқа автоклавда стериллизация қилинади.

**Тұхумли мұхит.** 12 дона тұхум оқар сувда совуилаб юнилади ва спиртда 30 дақыла сақланади. Стерил мұнчоқ солинган колбага улар чақиб солинади, бир хил аралашма ҳосил бўлгунча аралаштирилади. 10 мл 20% ли малакитли яшилнинг сувдаги эритмаси ва 300 мл тұхумли эритма қўшилади. Дока ёрдамда фильтранади ва 85°C ҳароратда 30 дақыла давомида ивитилади.

**Сотоннинг синтетик мұхити.** 200 мл дистилланган сувга 4 г аспарагин, 0,5 г темир цитрати, 2 г лимон кислотаси, 0,5 г магний сульфати, 0,5 г асосий калий фосфати, 60 г глицерин, 800 мл дистилланган сув қўшилади.

## ПАТОГЕН АНАЭРОБЛАР

Патоген анаэроблар *Bacillaceae* оиласига, *Clostridium* авлодига киради. Анаэробларга кўпгина гуруҳ микроорганизмлари киради, улар орасида қоқшол клостридијиси, газли гангrena клостридијиси (полимикроб инфекция), ботулизм клостридијиси одам учун патоген ҳисобланади.

Патоген анаэроблар одам ва ҳайвон ичагида яшовчи микроорганизмлар ҳисобланади ва ташқи мұхитга нажас билан чиқарип турилади. Спора шаклида улар тупроқда, денгиз ва ариқ сувларида учраб туради. Патоген анаэроблар йирик таёқ-часимон, 4—9x0, 6—1,2 мкм катталикда бўлиб, янги культура-лардаги ёш микроблар Грам манфий бўлиб бўялади, эски культура-лар эса Грам усулида бўялиш хусусиятини йўқотади. Клостридијларнинг барчаси спора ҳосил қиласиди, споралар овалсимон ёки юмалоқ шаклда бўлиб, терминал, субтерминал, марказий ҳолатда жойлашади. Кўпчилик анаэроблар ҳаракатчан бўлиб, хивчинлари перетрих жойлашган. Клостридијлар биологик фаол бўлған экзотоксин ишлаб чиқаради.

## АНАЭРОБЛАРНИ ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ

Анаэроблар кислородсиз шароитда ривожланади, шунинг учун уларни ўстиришга тегишли шароит яратиб бериш лозим. Кислородсиз шароит физикавий, кимёвий ва биологияк усулда яратилади.

**Физикавий усул.** Механик усулда кислородни йўқотиш. Бу анаэростат ёрдамда олиб борилади. Анаэростат—катта бўлмаган цилиндр шаклига эга бўлган асбоб. Герметик ёпиладиган қопқоғи бўлиб, унда ҳавони сўриб олиш учун кран, қанча вакум ҳосил бўлганини аниқлаш учун вакуумометр бор. Текшириш материали экилган Петри косачасидаги мұхит анаэростат ичидаги тўрга ўрнатилади ва анаэростатнинг қопқоғи герметик равишда ёпилиб ҳавоси сўриб олинади. Сўнгра анаэростат термостатда қолдирилади.

**Глюкозали тик агарда ўстириш.** Текшириш материали глюкозали тик агарга санчиб экилади ва водопровод суви остида тез

зичлантирилади. Микроорганизмлар ҳаводан ҳимояланган ҳолда озиқа муҳитининг пастки қатлами яъни пробирка тубида ўсади.

**Виньяль—Вейон усали.** Эритилган ва  $45^{\circ}\text{C}$  гача совутилган агарга текшириш материали Пастер пипеткасида экилади, яхшилаб аралаштирилади ва пипетка тўлгунча агар сўриб олинади. Пипетканинг ичига ҳаво кириб қолмаслиги лозим. Пипетканинг учи аланга ёрдамида кавшарланади ва пахтали идишга солиб термостатда қолдирилади. Пипетка ичидаги микроблар колония ҳосил қилиб ўсади. Пипеткани қирқиб, шубҳали колония олиб ўрганилади.

**Кимёвий усул.** Эксикатор тубига кислородни ютувчи кимёвий моддалар, масалан пирогалол, натрий гидропирити ва бошқалар солинади. Эксикаторнинг кенг қисмига тешик тўр ўрнатилади ва унинг устига текшириш материаллари экилган муҳитлар қуйилади, қопқоғи ёпилади. Эксикатор ичидаги кимёвий моддалар кислород билан реакцияга киришиб кислородсиз шароит яратиб беради.

**Биологик усул.** Аэроб ва анаэробларни биргаликда ўстириш. Петри косачасига 5% ли қонли агар солиниб микроблар аралашиб кетмаслиги учун унинг ўртасидан ариқча очилади. Агарнинг бир томонига аэроб, иккинчи томонига анаэроб культурапар экилади. Косача қопқоғининг орасига эритилган парафин қуйилади, термостатда қолдирилади. Аввал аэроб микроблар кислородни ютиб бўлганидан сўнг косачадаги анаэроб микроорганизмлар ўса бошлайди.

**Китта—Тароцци муҳитида ўстириш.** 0,5% ли глюкоза ва гўшт қўшилган муҳит культура экишдан аввал сув ҳамомомида 10 дақиқа қайнатилиб унинг таркибидаги эриган кислород чиқарилиб юборилади.  $45^{\circ}\text{C}$  гача тез совутилди ва унга текшириш материали экилади. Кислород билан яна тўйиниб олмаслиги учун унинг устига 1—1,5 см кенгликда стерил вазелин мойи қўйилади. Экилган муҳит термостатда қолдирилади.

### ОЗИҚА МУҲИТЛАРИ

**Китта—Тароцци муҳити.** Буқа жигария ёки гўшти тўғралади ва унга уч баробар ҳажмда шўрва қуйилади, pH 7,4—7,6 га тўғриланади, 30 дақиқа қайнатилади. Шўрва фильтрланади, жигарни эса тўрчага солиб сув билан ювилади, сўнгра, 3—4 бўлакчадан пробиркаларга солиб устига 7—8 мл дан шўрва қўйиб чиқилади. Автоклавда 1 атм босим остида 30 дақиқа давомида стерилизация қилинади.

**Қонли агар.** 3% ли ГПА га 1—2% ли глюкоза қўшилади. Унга pH 7,2—7,4 га тенг бўлган 15—20% ли янги дефиоринланган қўй ёки от қони қўшилади. Косачаларга қуйилади 20—30' дақиқа термостатда қуритилади. Муҳит учун 5—7% миқдорда қуён ёки денгиз чўчқачасининг юрагидан стерил шароитда олинган қонни ҳам қўллаш мумкин.

**Вильсон—Блер муҳити.** 100 мл 1% ли глюкоза қўшилган 3% ли ГПА сув ҳаммомида эритилади. 10 мл 20% ли натрий сульфити ва 1 мл 8% ли темир хлориди эритмаси қўшилади. Бу иккала эритма ҳам стерил дистилланган сувда тайёрланади ва қайнатилади. Тайёр бўлган муҳит 7—8 мл дан пробиркаларга қўйиб чиқилади.

**Виллис—Хоббс муҳити.** 400 мл Хоттингер шўрваси, 4,8 г агар, 4,8 г лактоза, 1,8 мл 1% ли қизил нейтрал эритмаси яхшилаб аралаштирилади. Автоклавда стерилизация қилинади ва 50—55°C гача совутилади сўнгра, унга 15 мл тухум сарифининг физиологик эритмадаги аралашмаси ва 60 мл ёғисизлантирилган стерил сут қўшилади.

### ТАШҚИ МУҲИТГА ЧИДАМЛИЛИГИ

Анаэробларнинг вегетатив шакллари ташқи муҳитга кам чидамлидир. Споралари физик ва кимёвий омилларга анча чидамли бўлади. Уларнинг тури, ва штаммига қараб қайнатганда 15—20 дақиқадан бир неча соатгача сақланади. Улар паст ҳарорат ва қуритишга анча чидамли.

Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида 12—14 соатдан сўнг нобуд бўлади. Лекин ботулизм қўзғатувчисининг спораси анча чидамлидир.

Анаэробларнинг токсинлари юқори ҳарорат таъсирига, тик қуёш нури ва дезинфекцияловчи моддалар таъсирига сезувчан бўлади. Ботулизм қўзғатувчисининг экзотоксини анча уларга чидамли, қайнатганда 15—20 дақиқадан сўнг парчаланади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Анаэробларни ўстириш усуllibарни қандай?
- 2. Анаэростат нима?
- 3. Анаэробларни Винъяль—Вейон усулида қандай ўстириш мумкин?
- 4. Биологик усулда анаэроблар қандай ўстириллади?
- 5. Қитта—Тароцци муҳитида анаэроблар қандай ўстириллади?

### 34-боб. ҚОҚШОЛ ҚЎЗҒАТУВЧИСИ

*Clostridium tetani* — Қоқшол қўзғатувчисини 1884 йилда Николайер аниқлаган, соғ культурасини 1889 йили Китазато ажратиб олган.

**Морфологияси.** Таёқчасимон, учлари думалоқ, 4—8x 0,41 мкм катталиктада, юқумли, ҳаракатчан, хивчинлари перетрих жойлашган, капсула ҳосил қилмайди, қўзғатувчи нофора таёқчи, шаклини бериб турувчи спора ҳосил қиласи.

метилен күки билан бүйлгәнда құнғироққа ўхшаб күрінаді. Грам мусбатдир.

**Культурал хоссаси.** Анаэроб, кислородга жуда сезгир. Зич озиқа муҳитида 3—4 кундан сүнг R шакли күл ранг колония ҳосил қилиб ўсади. Тик агарда бүффа ўхаш, айрим ҳолларда қора донға ўхаш колония ҳосил қилиб ўсади. Қонли агарда колония ўз атрофида гемолиз зонасини ҳосил қилади. Китта—Тароцци муҳитида лойқа тузида Вильсон—Блер муҳитида қорайб ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** Қам актив. Углеводларни парчаламайди. Нитратни нитриттеге қайтаради, сутни секин ивитади, желатинани секин суюлтиради.

**Токсигенлиги.** Икки хил тетаноспазмин ва тетанолизин компонентларидан ташкил топған кучли экзотоксинг ишлаб чиқаради. Тетаноспазмни нерв түқималарининг ҳаракатланувчи ҳужай-раларини шикастлайди, натижада мускулларнинг қисқаришига слиб келади. Тетанолизин эса эритроцитларни гемолизлади. Ажратыб олинган шүрвадаги күльтуранинг 0,0000005 дозаси 20 г оғирлікдаги сичқонни ўлдиради.

**Антигенлиги.** Үзидан соматик — 0 антигени, Н антигенини ишлаб чиқаради. Н антигенига күра 10—сероварга, 0 антигенига күра серогурухларга бўлинади.

**Чидамлилиги.** Вегетатив шакли 60—70°C ҳарорат таъсирида 20—30 дақиқа, спораси қайнитилганда 1—1,5 соатдан кейин, дезинфекцияловчи эритмалар таъсирида 5—6 соатдан кейин нобуд бўлади. Тупроқда ва бошқа буюмларда споралар узоқ вақт сақланади, тик қуёш нурида бир неча соатдан кейин нобуд бўлади.

**Патогенлиги.** Табиий шароитда қоқшол қасаллиги билан отлар ва майдада шохли ҳайвонлар қасалланади. Лаборатория ҳайвонларидан оқ сичқонлар, қуёnlар, қаламушлар унга сезгирдир.

**Қасаллик белгилари:** орқа оёқларининг мускуллари сүнгра, тана мускуллари ва бошқалар қисқаради. Юрак мускулининг фалажланишидан бемор нобуд бўлади.

**Инфекция манбаси.** Қўргина ҳайвонлар қоқшол қўзғатувчиси-нинг ташувчиси бўлиб ҳисобланади. Одам ва ҳайвон чиқиндиси билан бактериялар ташки муҳитга чиқарилиб туради.

**Тарқалиш йўли.** Асосан гўнгланган тупроқ орқали тарқалади, микроблар танага шикастланган тери ва шиллиқ пардалар орқали киради. Қоқшол жароҳат инфекцияси бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида қоқшол аскарлар ўртасида айниқса кенг тарқалган эди. Үрушда ўқ отар қуроллардан келиб чиқкан жароҳатлар тупроқ ёки кийим парчалари билан қоқшол таёқчаларининг споралари тушар эди. Шунинг учун қоқшолни уруш даврининг эпидемияси деб аташади.

Қоқшол янги туғилган чақалоқларда ҳам бўлади. (*tetanus neonatorum*). Кинлик боғланётган вақтда у тўлиқ стерилиза-

Ция қилинмаган асбоблар билан ифлосланса, қоқшол таёқчалыннинг споралари киндик орқали организмга киради.

**Патогенези.** Спора жароҳатланган теридан кириб тўқималар ичидаги вегетатив шаклга ўтади, ўзидан экзотоксин ишилаб чиқаради ва у марказий нерв тўқималарига таъсир кўрсатиб, ҳаракатлантирувчи кўндаланг-тарғил мускулларнинг қисқаришига олиб келади. Яширин даври 6—14 кун бўлиб, аввал чайнор мускуллари, сўнг юз мимики мускулларини заарлайди ва юз қизариди бемор сохта кулаётган одамни эслатади. Сўнг қорин, тана ва оёқ мускуллари қисқаради. Кўпинча орқанинг ёзувчи мускуллари қориннинг букувчи мускулларига қарраганда кўпроқ қисқаради. Натижада бемор бошини орқасига қайриб ва белини ҳавоза қилиб ётади, қорин мускуллари эса тахтадай қотиб қолади. Беморларга фақат тегилгандагина эмас, балки унга ёруғ тушганда, хонада шовқин қилинганда, унга қараб пулфланганда ҳам рефлектор қўзғалувчанлик, кескин дараҷада ошади, мускуллар тортишиб қисқаради. Нафас мускуллари қисқариши натижасида асфиксиядан одам ўлади.

**Иммунитети.** Қасалликдан сўнг иммунитет ҳосил бўлмайди чунки қасаллик ўлим билан тугайди. Сунъий иммунитет организмга анатоксин юбориш натижасида юзага қелади ва у антитоксик иммунитет ҳисобланади.

**Махсус профилактикаси.** Болалар 1—2 ойлигидан бошлаб АҚДС билан эмланади. 12 ёшгача ревакцинация қилинади.

**Умумий профилактикаси.** Жароҳатларни жарроҳлик йўли билан тозалаш, асбобларни тўлиқ стерилизация қилиш.

**Махсус давоси.** Мускул орасига қоқшолга қарши зардоб юборилади. Иммуноглобулин ҳам бунда яхши натижалар беради. Антибиотиклардан тетрациклин ва пенициллин берилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Қоқшол қўзғатувчисининг морфологияси қандай?
- 2. Қоқшол қўзғатувчисининг культурал ва ферментатив хоссаси қандай?
- 3. Қоқшол қўзғатувчисининг токсигенлик ва антиген-хоссасини биласизми?
- 4. Қоқшолнинг патогенези?
- 5. Қоқшолнинг махсус профилактикаси ва давосини айтиб беринг?

### МИКРОБИОЛОГИК ТЕҚШИРИШ ТЕҚШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Жароҳат маҳсулоти.
2. Шикастланган ердан тўқима бўлакчаси ва ёт моддалар.

3. Профилактик мақсадларда жарроҳлик боғлов материалари: кетгут, ипак ва тери остига юбориладиган препаратлар.

4. Тупроқ.

### ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИНИ ТҮПЛАШ

Жароҳатдан, маҳсулот агарда қаттиқ бўлса, пинцет билан, суюқ бўлса—пипетка билан олинаши.

Тўқима бўлакчаси ва ёт моддалар қопқоғи маҳкам ёпиладиган шиша стерил идишга солинади. Этикетка ёпиширилади.

### Асосий текшириш усуллари

1. Микроскопик.
2. Микробиологик.
3. Биологик.

### ҚОҚШОЛ ҚАСАЛЛИГИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ

#### Текшириш материали.

1. Шикастланган участкадан бўлакча, ёт моддалар.
2. Профилактика сифатида хирургик боғлов материаллари.
3. Тупроқ.

#### Текшириш усуллари.

1. Микроскопик.
2. Биологик.
3. Бактериологик.

**1-кун.** Текшириш материалидан суртма тайёрлаб Грам ва Ожешко усулида бўяб микроскоп остида текширилади. Агар Грам мусбат бўлган спорали таёқчасимон бактериялар кўринса тахминий диагноз қўйилади ва текшириш ишлари давом эттирилади.

Текшириш материали стерил ховончада стерил қум билан эзилиб, устига физиологик эритма қўйилади. Ҳосил бўлган эмульсия икки қисмга бўлинниб, бири биологик, иккинчиси бактериологик усуlda текширилади ва унинг устига озиқа муҳит солиниб анаэростатда қолдирилади.

**Биологик усул.** Эмульсия токсин ҳосил бўлиши учун 1 соатга қолдирилади. Экстракт пахта-докали фильтр орқали фильтрланаши, сўнг икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмга қоқшолга қарши антитоксин қўшилиб, токсинни нейтраллаш учун 1 соатга қолдирилади.

**Тажриба.** Икки жуфт сичқон олиниб, бир жуфтига антитоксин қўшилган текшириш материалидан орқа оёғи мускул ичига 0,5 мл юборилади, иккинчи жуфтига экстракт юборилади.

**II—III-куни.** Сичқонлар касалланмаган бўлса назорат да-

вом эттирилади, агар касалланса юнглари тик туриб, думи карнайга ўхшаб қолади, олдинги оёклари қисқарып, орқа оёклари узаяди. Сўнгра уларни ёриб микроскопик ва микробиологик усулларда текширилади. Анатоксин қўшилган экстракт юборилган сичқонлар тирик қолади. Агар биологик усул натижа бермаса, экилган озуқа муҳитидаги шубҳали колониялар текширилади, соғ культурасини ажратиб олиш учун Қитта—Тароцци муҳитига экилади.

**IV-куни.** Экилган муҳит текширилади. Қоқшол қўзғатувчиси Қитта—Тароцци муҳитида лойқаланиб ўсади. Улар микроскопик, биологик усулда яна текширилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Қоқшол касаллигига қандай текшириш материали олинади?
- 2. Қандай текшириш ишлари қўлланилади?
- 3. Биологик синама қўйилганда қандай натижа берса қоқшол қўзғатувчиси бор дейсиз?
- 4. Микроскопик усулда текшириганингизда қоқшол қўзғатувчиси қандай кўринади?

## 35-боб. ГАЗЛИ ГАНГРЕНА ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИ

Газли гангрена полимикроб инфекция, бир, яъни бир неча гуруҳ микроорганизмлар таъсирида юзага келади. Улар *Bacillus*ceae оиласига, *Clostridium* авлодига киради. Микроб гурӯҳларининг асосий аъзолари *C. perfringens*, *C. novyi*, *C. septicum*, *C. histolyticum*, *C. sordellii* ҳисобланади. Қасаллик одамда организмга битта ёки иккита қўзғатувчи ёки қўшимча аэроп стафилококк ёки стрептококк тушиши натижасида юзага келади.

### CLOSTRIDIUM PERFRINGENS

*Cl.perfringens* 1892 йилда Уэлч ва Неттолм томонидан аниқланган.

**Морфологияси.** *Cl.perfringens* — йирик полиморф таёқчалик мон, 3—9x0,4—1,2 мкм катталикдаги микробдир. Ҳаракатсиз. Организмдан ажратиб олинган янги культурада капсула аниқланади. Ноқулай шароитга тушганда овалсимон спора ҳосил қиласиди, марказий ёки субтерминал ҳолатда жойлашади. Грам мусбат бўялади, эски культуралар Грам усулида бўялиш хоссасидан маҳрум.

**Культурал хоссаси.** *Cl.perfringens* — анаэроп, лекин кислородга сезувчан эмас. Гўшт ва казеин қўшилган муҳитда яхши

ўсади. 37—42°C ҳароратда, pH 7,2—7,4 шароитида 3—8 соатдан кейин күп миқдорда газ ҳосил қилиб pH ни кислотали шароит томонга ўзгартыриб ўсади. Зич озиқа муҳитида *Cl.perfringens* R-шаклли, ғадир-бұдур, S-шаклли силлиқ ва шиллиқ, M-шаклли колония ҳосил қилиб ўсади. Суюқ озиқа муҳитида бир текис лойқаланиш ва газ ҳосил қилиб ўсади. Қонли агарда колония атрофида гемолиз зонаси ҳосил қилиб ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** *Cl.perfringens* лецитиназа, гиалуронидаза, желатиназа, коллагеназа ва бошқа патоген ферментларни ишлаб чиқаради.

**Токсигенлігі.** *Cl.perfringens* мұраккаб таркибли токсин ажратади. У бир қанча токсингелдерден иборат бўлиб грекча  $\alpha$ ,  $\gamma$ ,  $\beta$  ва бошқа ҳарфлар билан белгиланади. Булардан асосан  $\alpha$ -токсини актив токсигенлик хоссасини сақладайди.

**Антигенлігі.** *Cl.perfringens* бешта сероварларга бўлинади ва улар A, B, C, D, E каби лотин ҳарфлари билан белгиланади. Булар бир-биридан антигенлик ва биокимёвий хоссасига кўра фарқланади.

A—серовари одам ичагида доимо учрайди ва токсикоинфекция (овқатдан заҳарланиш) келтириб чиқариши мумкин. B—серовари қўзичоқларда ичак функциясининг бузилишини, C—серовари айрим одамларда некротик энтеритни ва йирик шохли ҳайвонларда касаллик келтириб чиқаради. D—серовари ҳайвонларда энтеротоксемияни келтириб чиқаради.

**Чидамлилігі.** Вегетатив шакли ташқи муҳитга унча чидамли эмас, уларга дезинфекцияловчи моддалар ўлдирувчан таъсир кўрсатади.

Айрим штаммларининг споралари қайнатилганда бир неча дақиқагача сақланади. A—серовари анча чидамлидир.

**Патогенлігі.** Табиий шароитда *Cl.perfringens* уй ҳайвонларидан касаллик келтириб чиқаради. Лаборатория ҳайвонларидан дениз чўчқачаси, қуёнлар, каптар, сичқонлар сезувчандир. Лаборатория ҳайвонларига зарарли материал юборилган жойда яллиғланиш (некроз) ҳосил бўлади. Қонда клостридийлар учраши мумкин.

## CLOSTRIDIUM NOVYI

*C.novyi* ни 1874 йили Нови аниқлаган.

**Морфологияси.** *C.novyi* — йирик, тўғри ёки бироз букилган. 4—22 $\times$  1, $\sim$ 4—1,6 мкм катталиқдаги таёқчасимонлардир. Кўпинча занжирсимон бўлиб жойлашади. Ҳаракатчан, хивчинлари, перетрих жойлашган. Ташқи муҳитда овалсимон спора ҳосил қиласи, субтерминал жойлашади (споранинг катталиги ҳужайрадан каттароқ бўлиши мумкин).

**Культурал хоссаси.** *C.novyi* — жиддий анаэроб. Кислородга жуда сезгир. Қазеинли углеводли, гўшт-пептонли муҳитларда, 37—43°C да, pH 7,4—7,6 шароитда яхши ўсади. Зич озиқа

Мұхитида 48 соатдан кейин юмалоқ, яримтиниқ, юзасы донадор, четлари ғадир-бұдур колония ҳосил қилиб үсади. Тик агарда эса маркази кесакка үшаш шарсімон колония ҳосил қилиб үсади. Суюқ озиқа мұхитида газ чиқаради ва чүккан парда ҳолида үсади. Қонли агарда колония атрофида гемолиз зонасы ҳосил қиласы.

**Ферментатив хоссаси.** *C. novyi* *C. perfringens* га нисбатан кам активдір. У фақат глюкоза ҳамда мальтозаның кислота ва газгача парчалайды. Протеолитик хоссасында күра сутни секин-аста иштәди, желатинаны секин суюлтиради. Индол ва водород сульфидини ҳосил қиласы.

**Антигенлиги.** *C. novyi* түртта А, В, С, Д сероварларга бүлинади: улар бир-биридан антигенлық ва токсигенлық хоссасында күра фарқланади.

**Токсигенлиги** *C. novyi* бир қанча токсинларни синтезлайды ва улар грек ҳарфлари билан белгиланади — α, β, γ, δ, ε.

Экзотоксини некрозға, гемолизға учратып үлдірувчан таъсир қилиш хоссасында зәғ. Бундан ташқары, улар қон томирларининг ўтказувчанлыгини бузады, бу эса организмнинг шишишига олиб келади.

**Чидаммалиги.** *C. novyi* нинг вегетатив шакли кам қидамли. Спораси ташқы мұхитда күп (25—30) йилларгача сақланади. Спораси қайнатылғанда 40—60 дақықадан сүнг, тик қүёш нури таъсирида бир күндан сүнг нобуд бўлади. Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида 15—10 дақықадан сүнг ўлади.

**Патогенлиги.** *C. novyi* га қушлар (каптар) ва сутэмарлар сезигидир. Лаборатория ҳайвонларидан денгиз чўчқачаси, қуёнлар, сичқонлар сезигир. *C. novyi* культурасы тери остига юборилганда уларда илвираб қолган шиш, айрим ҳолларда газ ҳосил бўлади. Ҳайвонлар 24 соатдан сүнг нобуд бўлади.

## CLOSTRIDIUM SEPTICUM

*Clostridium septicum* Л. Пастер томонидан 1877 йили аниқланған.

**Мөрфологияси.** *C. septicum* — полиморф таёқча, 3—4x1, 1—1,6 мкм катталиктада бўлади. (ипсимон шакли 50 мкм узунликда учраши мумкін). Ҳаракатчан хивчинлари перетрих жойлашган. Спораси субтерминал, айрим ҳолларда марказий холатда жойлашади. Қапсула ҳосил қиласы.

**Культурал хоссаси.** *C. septicum* жиддий анаэроб. 0,5% ли глюкоза қўшилган гүштли ва казеинли мұхитларда, 37—43°C ҳарорат ва pH 7,4—7,6 шароитда яхши үсади. Қон-глюкозали мұхитда ўралып кетган ипчага үшаш колония атрофида гемолиз зонасы ҳосил қиласы.

ния ҳосил қилиб ўсади. Суюқ мұхитда бир текис лойқаланиш, кейинчалик чўкма ва газ ҳосил қилиб ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** *C. septicum* сахаролитик хоссасига кўра глюкоза, лактоза, мальтозани кислота ва газгача парчалайди. Маннит ва глицеринни парчаламайди. Протеолитик хоссасига кўра желатинани суюлтиради, сутни секин ивитади. Нитратни нитритга қайтаради, водород сульфити ва аммиак ҳосил қиласди. Индол ҳосил қилмайди.

**Антигенлиги.** *C. septicum* ўзида O ва H антигенларини саклайди. Агглютинация реакцияси ёрдамида H — антигенининг б та серовари аниқланган.

**Токсигенлиги.** *C. septicum* экзотоксини  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$  ва бошқа субстанциялардан ташкил топган. Фильтратида фибринолизин ва коллагеназалар аниқланган. Бу омилларнинг барчаси касаллик катогенезида катта аҳамиятга эга.

**Чидамлилиги.** Кислород таъсирида вегетатив шакли тез нобуд бўлади. Спораси ҳам бошқа турларнинг спораларига нисбатан кам чидамли.

**Патогенлиги.** Табиий шароитда уй ҳайвонлари — йирик ва майда шохли ҳайвонлар касалланади.

Лаборатория ҳайвонларидан денгиз чўққачаси сезир. Уларнинг оёқ мускули орасига *C. septicum* культураси юборилганда шиш ҳосил бўлади ва у кейинчалик қориннинг олдинги қисмига тарқалади ва ҳайвон 24—48 соатдан кейин нобуд бўлади. Шикастланган тўқима эзилганда қон—кўпик аралаш суюқлик ажралади.

## CLOSTRIDIUM HISTOLYTICUM

*C. histolyticum* 1916 йили Вайнберг томонидан аниқланган.

**Морфологияси.** Йирик бўлмаган 1,6—3,1  $\times$  0,6—1 мкм каталикдаги таёқчасимонлардир. Ҳаракатчан, хивчинлари перетрих жойлашган. Спора ҳосил қиласди, субтерминал ҳолда жойлашади. Грам мусбат бўлиб бўялади.

**Культурал хоссаси.** *C. histolyticum* — факультатив анаэроб. Гўштли ва казеинли мұхитларда ўсади. Қонли агарда ўрта ўлчамли, ялтироқ, текис колония атрофида гемолиз зонаси ҳосил қилиб ўсади.

**Токсигенлиги.** Фильтратда  $\alpha$  — токсин аниқланган ва у организмга ўлдирувчан, некрозга учратувчи таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, фильтратда  $\beta$  — омили ҳам аниқланган, у коллагеназани парчалайди. Бу токсин ошқозон ости безининг тўқималарига танлаб таъсир кўрсатади. *C. histolyticum* нинг одам патологиясидаги аҳамияти тўлиқ аниқланмаган.

## CLOSTRIDIUM SORDELLII

*C.sordellii* 1922 йилда Сорделли томонидан ажратиб олинган ва ўрганилган.

**Морфологияси.** *C.sordellii* таёқчасимон бўлиб, 3—4x1, 1—1,5 мкм катталикда. Ҳаракатчан, хивчинлари перетрих жойлашган. Овалсимон спора ҳосил қиласи, субтерминал ҳолда жойлашади. Грам мусбат бўлиб бўялади.

**Культурал хоссаси.** *C.sordellii* факультатив анаэроб. Зич озиқа муҳит юзасидан кулранг—оқ, бўртиб чиққан колония ҳосил қилиб ўсади. Қонли агарда колония атрофида гемолиз зонаси ҳосил қиласи. Тик агарда донага ўхшаш колония ҳосил қиласи. Казенили ва гўшти шўрваларда шиллиққа ўхшаш ўсади.

**Ферментатив хоссаси.** Сахаролитик хоссасига кўра глюкоза, мальтоза, фруктозани парчалайти, сахароза ва лактозани парчаламайди. Протеолитик хоссасига кўра зардобни секин ивтиди ва желатинани суюлтиради, индол, водород сульфити, уреаза ҳосил қиласи.

*C.sordellii* ўзидан лецитиназа, гемолизин, фибринолизинлар ажратади.

**Токсигенлиги.** *C.sordellii* ўлдирувчан таъсир кўрсатувчи кучли ва актив токсин ажратади: бу токсин *C.hoyvi*  $\alpha$  — токсинга ўхшашдир.

**Чидамлилиги.** Вегетатив шакли ташқи муҳитга чидамсиз. Спораси эса чидамли бўлиб, тупроқда узоқ вақт сақланади.

**Патогенлиги.** Лаборатория ҳайвонларида газли гангренага ўхшаш белгиларни юзага келтиради.

**Инфекция манбаи.** Газли гангрена клостридийлари ташқи муҳитга ҳайвонларнинг нажаси билан чиқади (санитария-гигиена шароити ёмон бўлган ҳолларда одам терисида ҳам аниқлаш мумкин).

**Тарқалиш йўли.** Жароҳатланган тери орқали тунроқ билан, снаряд бўлакчалари, кийим бўлакчалари орқали организмга киради. Тинчлик вақтида операция ва инъекциядан сўнг, касалхонадан ташқари аборт қилинганда ва бошқа ҳолларда тарқалади.

**Патогенези.** Қўзғатувчи организмга спора ёки вегетатив шаклда киргандан сўнг бўлинниб кўпаяди ва ўзидан экзотоксин ишлаб чиқаради. Бўлинниб кўпайганда клостридийлар соғлом тўқимани щикастлайди ва некрозга учратади. Айниқса, бу жараён мускул тўқималарида тез боради, чунки у ерда кўп миқдорда гликоген бўлиб, у анаэробларнинг энг севимли муҳити ҳисобланади. Кўпинча инфекция чуқур жароҳатларда «кўр чўнтақлар» ҳосил бўлганда, яъни кислород билан яхши таъминланмаган, клостридийлар ривожланишига қулай шаронит юзага келганда ривожланади.

Клостридийлар кўпинча *C.refrinqens* ва *C.louvi* билан қўшилиб касаллик келтириб чиқаради, бунда касаллик оғир

ұтади ва оғир натижаларга олиб келади. Анаэроб инфекциясыннинг патогенезида құшымча флора (стафилококк, стрептококк ва башқа) ва микроорганизмларнинг реактивлиги катта аҳамиятта эга.

**Иммунитети.** Одамда бу қасалликка қарши табиий иммунитет мавжуд, чунки одам ичагида клостридийлар яшайды. Қасалдикдан сүңг күчсиз иммунитет юзага келади. Кучли иммунитет организмга анатоксин юборилганидагина юзага келади.

**Профилактикаси.** Жароқатларни яхшилаб тозалаш, водород пероксиди билан яхшилаб ювиш, жароқаттыннег ифлосланған қисмларини яхшилаб кесиш, асбобларни түлиқ стерилизация қилиш, шахсий гигиена қойдаларига риоя қилиш лозим.

Махсус профилактикасида газли гангрена құзғатувчиларыннинг барча турини сақловчы адсорбцияланған полианатоксииң құлланилади. Серопрофилактика бүйіча одам жароқат олганда газли гангренага қарши зардоб: 10 000 МЕ *C.perfringens*, *C.poouyi*, *C.septicum*, яғни ҳаммаси бўлиб 30 000 МЕ да юборилади. Шунингдек анаэробларнинг фаг аралашмаси ҳам кенг құлланилади.

**Давоси.** Махсус давосида ҳар бир турнинг антитоксик зардобидан 50 000 МЕ, ҳаммаси бўлиб 150 000 МЕ юборилади. Зардоб вена ичига юборилади. Шунингдек, антибиотиклардан пенициллин ва сульфаниламид препаратлари, оксигенотерапия белгиланади.

## МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Жароқатдан ажратма.
2. Үзгарган түқима бўлакчалари.
3. Жароқатга тушган ёт мөйдалар.
4. Қон.

### ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИНИ ТҮПЛАШ

Жароқат еридаги суюқлик пипетка ёрдамида олинади.

Үзгарган түқима бўлакчалари стерил пинцет ёрдамида олинади.

Жароқатга тушган ёт моддалар пинцет ёрдамида олинади. Барча материал қопқоғи маҳкам ёпиладиган стерил шиша идишга солинади.

Қон стерил шприц ёрдамида стерил пробиркага олинади.

### Асосий текшириш усуллари

1. Микроскопик.
2. Бактериологик.
3. Биологик.

**Текширишнинг биринчи куни. Микроскопик усул.** Текшириш материалдан суртма препарат тайёрланади. Грам ва Бурри—Гипс усулида бўяб микроскоп остида текширилади. Суртма препаратда Грам мусбат таёқчасимон бактериялар кўринса тахминий диагноз қўйилади. Микроскопик текширишда қўшимча аэроб флоранинг борлигига эътибор берилади, чунки у инфекцион жараённи мураккаблаштиради.

**Бактериологик усул.** Жароҳатдаги суюқликдан олиб суюқ (гўшти ёки казеинли, лакмусли сутга) ва зич (қонли агар, Вильсон—Блер, Виллис—Хоббс ва б.) муҳитларга экиласди.

Сўнгра барча муҳитлар анаэростатда қолдирилади.

**Текширишнинг иккинчи-тўртинчи кунлари.** Муҳитларни термостатдан олиб кўздан кечирилади. Вильсон—Блер муҳитида қора ўсиш, қонли агарда колония атрофида гемолиз зонаси ҳосил бўлганда, соғ культура ажратиб олинади ва морфологияси, ҳаракатчанлиги ва ферментатив хоссаси ўрганилади.

Газли гангрена қўзғатувчиси аниқланса, қўзғатувчи турини аниқлаш учун сичқонларда биологик синама қўйилади. Бунинг учун 5 та пробиркага текшириш материалдан 0,9 мл дан солинади ва ҳар бир пробиркага 0,6 мл дан мос антитоксик зардоб солинади. *C. perfringens*, *C. novyi*, *C. septicum*, *C. histolyticum*, *C. sordellii*. 6-пробиркага физиологик эритма солинади, бу назорат пробиркаси ҳисобланади.

Токсин ва анатоксин зардоби қўшилган пробиркалар хонада 40 дақиқага қолдирилади, бунда токсин антитоксин таъсирида нейтралланади. Ҳар бир пробиркадан 0,5 мл дан олиб бир жуфт сичқонларнинг венаси ичига юборилади. Заарланган ҳайвонлар кузатиб туриласди.

Заарланган ҳайвонлар 5—6 соатдан 3—4 кунгacha касалланиб нобуд бўллади. Гомологик антитоксин зардоб юборилган сичқонлар тирик қолади. Агар биологик синама патижга бермаса, соғ культура билан биологик синама қайтадан ўтказилади.

Газли гангрена касаллиги тез юзага чиқиши сабабли қўзғатувчининг турини тезроқ аниқлаб тахминий диагноз, қўйинни талаб қиласди. Шунинг учун текшириш материалдан суртма препарат тайёрланади, турга мос зардоб билан иммунофлюоресцияланади ва иммунофлуоресцент усулига ўрганилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Газли гангрена қўзғатувчиларнинг морфологик ва культурал хоссаси қандай?
- 2. Газли гангрена қўзғатувчиларнинг қайси бири капсула ҳосил қиласди?
- 3. Газли гангрена қўзғатувчиларидан қайси бири биокимёвий жиҳатидан актив?

4. Газли гангренага диагноз қўйишида қайси усуллардан фойдаланилади?
5. Токсинни қайси усулда аниқланади?

## 36-боб БОТУЛИЗМ ҚЎЗҒАТУВЧИСИ

*Clostridium botulinum* (лотинча *botus* — колбаса) 1896 иили Ван—Эрменген томонидан аниқланган.

**Морфологияси.** Таёқасимон, 4—9×0,6—1 мкм катталиқда, учлари юмалоқ. Таёқасимонлар полиморф бўлиб, қисқа ва ипсисимон шакллари учраб туради. Спора ҳосил қиласди, субтерминал ҳолда жойлашади. Спора таёқчадан катта бўлганилиги сабабли уларга теннис ракеткаси шаклини бериб турати. Капсуласи йўқ. Ҳаракатчан, хивчинлари перетрих жойлашган. Ёш культуралар Грам мусбат бўлиб бўялади.

**Культурал хоссаси.** *C.botulinum* — жиддий анаэроб. 25—37°C ҳароратда pH 7,3—7,6 да казеинли ва гўшти мұхитларда яхши ўсади. Қонли-глюкозали мұхитда нотўғри шаклда ипсисимон ўсади. Тик агарда пахтага ўхшаш, айrim ҳолларда донга ўхшаш колония ҳосил қилиб ўсади. Қонли агарда шудринг томчисига ўхшаш, четлари текис ёки ғадир-будур (R—шаклли) колония ҳосил қиласди. Жигарли шўрвада лойқаланиш, кейинчалик чўкма ҳосил қиласди ва шўрва тиниқлашади.

**Ферментатив хоссаси.** Сахаролитик хоссасига кўра лактоза, глюкоза, мальтоза, глицеринни кислота ва газгача парчалайди. Протеолитик хоссасига кўра жигар бўлакчаларини эритади, тухум оқсилини парчалайди, желатинани эритади, сутни пептонлайди, водород сульфити ва аммиак ҳосил қиласди.

**Токсигенлиги.** *C.botulinum* барча мавжуд биологик токсинлардан ҳам кучли бўлган токсин ажратади (1 мкг ботулизм токсинида 100 000 000 оқ сичқонларни ўлдирувчи доза мавжуд). Токсин иккита компонентдан ташкил топган: нейротоксин ва гемагглютинин.

**Антigenлиги.** Нейротоксинли барча штаммлар антигенлик хоссасига кўра еттита сероварга бўлинади: A, B, C, D, E, F, ва G. Ҳар бир серовари маҳсус иммуногенлиги билан тавсифланади. Кўпинча A, B, E сероварлари касаллик келтириб чиқаради, кам ҳолларда C, D, F сероварлари ҳам уни келтириб чиқариши мумкин. G серовари кам ўрганилган.

**Чидамлилиги.** *C.botulinum* нинг вегетатив шакли 80°C ҳарорат таъсирида 30 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Спораси чидамли. Қайнатилганда бир неча соат (5 соатгача) сақланади. Гўштнинг катта бўлакларида, катта ҳажмли консерва банкаларида автоклавда стерилизация қилинган ҳолларда ҳам сақланиб қолади. 5% ли фенол таъсирида споралар бир кучгача сақланади. Ботулизм токсини қайнатилганд 10 дақиқадан сўнг парчаланади. У тик қуёш нурига, паст ҳароратга ва дезинфекцияловчи моддаларга чидамли.

**Патогенлиги.** Ботулизм құзғатувчисига йирик ва майды шохьли ҳайвонлар, кемирувчилар, қушлар сезгир. Лаборатория ҳайвонларидан оқ сичқонлар, денгиз чүчқачалари, қуёнлар, мушуклар сезгирдір.

**Инфекция манбасы.** Ботулизм құзғатувчиси ташқы мұхитда кенг тарқалған: ҳайвон ва балиқ чиқиндилари билан тупроққа, сувга ва бошқа ерларга тушады. Тупроқда улар ҳатто бўлинниб кўпаяди ҳам. Одам ботулизм құзғатувчисини сақловчи маҳсулотларни истеъмол қилиши натижасида заарланади.

**Тарқалиш йўли.** Алиментар, яъни гўшт, балиқ, қўзиқорин ва сабзавотлардан тайёрланган консерваларни истеъмол қилиш натижасида юқади. Айниқса, уй шароитида тайёрланган консервалар хавфли ҳисобланади.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб оғиз шиллиқ пардаси ҳисобланади. Ботулизм құзғатувчиси бўлинниб кўпайиши натижасида ҳосил бўлган нейтротоксин ошқозон ичак системасида ишлаб чиқариладиган протеолитик ферментларга сезувчан эмас. Патологик жараён эса нейтротоксин таъсирида юзага келади. Нейтротоксин ичакдан қонга сўрилади, бутун аъзоларга тарқалади ва марказий нерв системаси, узунчоқ мия, юрак томир системасини шикастлайди. Кўриш аъзолари, нафас олиш ва ютиш функцияларида ўзгариш юзага келади.

Касалланиш белгилари 12—24 соатдан сўнг намоён бўлади. Заҳарланган кишиларда кўз соққаси мускулларининг чала фалажи, ҳалқум фалажи кузатилади, овоз чиқмайди, кўз қовоқлари осилиб қолади, кўз филай бўлади. Бемор боши айланяётганини, нарсалар кўзига иккита бўлиб кўринаётганигини айтади. Сўнгра ич қотиши, баъзан ич кетиши, тана мускулларининг кучсизлиги қўшилади. Беморнинг ҳуши жойида бўлади, пулс тезлашади, тана ҳарорати нормал қолиши ёки бир мунча пасайиши мумкин.

Беморлар нафас фалажидан ёки юрак фалажидан побуд бўлади.

**Иммунитети.** Одамда табиий иммунитет йўқ. Одам C.botulinum токсинига жуда сезгир. Касалликдан сўнг иммунитет юзага келмайди.

**Профилактикаси.** Озиқ-овқатларнинг ифлосланишини олдини олиш, консерва маҳсулотларини тайёрлаш айниқса, уйда тайёрланадиган консерваларни тайёрлаш техникасига риоғ қилиш. Уйда тайёрланган консерваларни истеъмол қилишдан аввал 15—20 дақиқа сув ҳаммомида стерилизация қилиб, сўнг истеъмол қилиш лозим, чунки ботулизм токсини қайнатганда нейтралланади.

Махсус профилактикаси юзасидан ботулизм құзғатувчиси ёки токсини бўлган маҳсулотларни истеъмол қилган одамга ботулизмга қарши поливалент А, В, Е антитоксин зардоби юборилади. Қўзғатувчининг тури аниқлангандан сўнг эса, шу турга хос ботулизмга қарши зардоб юборилади.

## МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ ТЕҚШИРИШ МАТЕРИАЛИ

1. Қусуқ моддаси.
2. Ошқозон ювіндиси.
3. Нажас.
4. Қон.
5. Овқат қолдиқлари.

### ТЕҚШИРИШ МАТЕРИАЛИНИ ТҮПЛАШ

Қусуқ моддаси	Стерил шиша шпател билан 50—60 г ұажмда стерил идишга олинади.
Ошқозон ювіндиси.	50—100 мл ұажмда стерил идишга олинади.
Нажас.	25—30 г олиб стерил шиша идишга олинади.
Қон.	6—8 мл ұажмда даволовчи зардоб юборишидан аввал биляк венасидан олинади.
Овқат қолдиги.	Овқатнинг турли қисмларидан 100 гр стерил идишга олинади.
Барча олинган материалларнинг идишларига этикетка ёпиштириб жүнатылади.	

### Асосий текшириш усуллари

1. Биологик.
2. Бактериологик.

**I кун.** Текшириш материали стерил ҳовончага солиниб, стерил құм ва физиологик эритма билан яхшилаб әзилади. Текшириш материали 2 қисмга бүлинади ва бири биологик, иккінчіси бактериологик текшириш учун құлланилади.

Бириңи қисми 0,5% ли глюкоза Хоттингер шўрвасига, тик агарга әкілади. Иккінчи қисми токсин ҳосил бўлиши учун 30—40 дақиқага қолдирилади, сўнг пахта-дока орқали фильтранади. Ҳосил бўлган фильтрат 2 қисмга бўлғаниб, бирига ботулизмга қарши поливалент зардоб солиниб, нейтралланиши учун 30—40 дақиқага қолдирилади. Икки жуфт сичқон олиниб, уларнинг бир жуфтига ботулизмга қарши поливалент зардоб қўшилган фильтрат юборилади, иккінчи жуфт сичқонларга эса фильтратнинг ўзи юборилади.

**II—IV кун.** I—4 кун ичиде касалланиб нобуд бўлади, уларда нафас олиш тезлашади, қорин девори мускуллари бўшашиб, қорин эса ичига кириб кетади (арининг қорнига ўхшаб қолади), титраш, фалажланиш юзага келиб сичқонлар ўлади. Ботулизмга қарши зардоб қўшилган фильтрат юборилган сичқонлар тирик қолади.

Ботулизм токсини аниқлангандан сүнг нейтрализация реакциясы қўйилади. Фильтратга типоспецифик А, В, С, Е, Г, Г диагностик зардоблар қўшилиб, алоҳида шприцларда сичқонларга юборилади. Гомологик зардоб юборилган сичқонлартирик қолади, қолганлари нобуд бўлади.

2. Экилган муҳит термостатдан олиб текширилади, унинг соғ культурасини ажратиб олиш учун Китта—Тароци муҳитига экилади ва яна юқорида айтиб ўтилгандек нейтрализация реакцияси қўйилади.

**V—VI кун.** Ажратиб олинган соғ культуранинг морфологик, ферментатив хоссалари, ҳаракатчанлиги ўрганилади. Агар биологик синама натижа бермаса, соғ культура билан яна биологик синама ўтказилади.

### Назорат учун саволлар

- 1. Ботулизм қўзғатувчисининг морфологик ва культурандек хоссалари қандай?
- 2. Ботулизм қўзғатувчисининг ферментатив хоссасини биласизми?
- 3. Ботулизмга шубҳа қилинганда қандай текшириш материалы олинади?
- 4. Текширишда қандай асосий усуллардан фойдаланилади?
- 5. Ботулизмга қарши зардоб билан қандай биологик ва нейтрализация реакцияси қўйилади?

### ПАТОГЕН СПИРОХЕТАЛАР

Спирохеталар Spirochaetaceae оиласига киради. Улар ингичка бурама микроорганизмлар, бўлиб, ипсимон асоси атрофини спиралсимон цитоплазма ўраб туроди ва бу уларга бурама шаклини бериб туроди.

Ультра кесмаларда уч қаватли мембрана қатлами аниқланган. Электрон микроскоп орқали кўрилганда айрим спирохеталарнинг учида ипчалар аниқланади. Спора ва капсула ҳосил қилмайди, хивчинлари йўқ. Улар жуда ҳаракатчан. Тўрт хил ҳаракатланишга эга: айланма, тўлқинсимон, эгилувчан ва илгарилаб борадиган. Уларнинг катталиги 5 дан 500 мкм гача узунликда ва 0,3—0,75 мкм кенгликда бўлади.

Одам учун патоген бўлган спирохеталарга қўйидаги авлод аъзолари киради:

1. Treponema — заҳм ва формбези қўзғатувчиси.
2. Borrelia — эпидемик ва эндемик қайталама тиф, Венсан ангинасининг қўзғатувчиси.
3. Leptospira — лептоспироз қўзғатувчиси.

Спирохеталар бир-биридан бурамалар сони, чуқурлиги ва бўялишига кўра фарқланади. Асосий бўяш усули Романовский

-- Гимза. Бу усулда борретиялар яхши бўялиб бинафша трё-  
понемалар оч пушти рангда кўринади. Спирохеталар тирик ҳол-  
да ўрганилади.

Спирохеталар келтириб чиқарадиган касалликларни спи-  
рохетозлар дейилади.

Спирохетозлар клиникаси маълум циклларда кечиши билан  
тавсифланади.

### 37-боб. ЗАХМ ҚЎЗҒАТУВЧИСИ

Тгеропета pallidum — захм қўзғатувчиси Тгеропета авло-  
дига (лотинча *Treponema* — бурамоқ, *pallidum* — ип) киради.

Т. *pallidum* 1905 йили Шаудин томонидан аниқланган. Захм  
қўзғатувчисини ўрганишда И. И. Мечников, Н. Эрлих, Д. К. За-  
боловийлар катта ҳисса қўшганлар.

**Морфологияси.** Т. *pallidum* — спиралсимон,  $818 \times 0,08 - 0,2$   
мкм катталика, бурамалари майда ва бир хилда жойлашган  
12—14 тани ташкил этади, учлари учли ёки юмалоқ бўлади.  
Ҳаракатчан, тўрт хил турда ҳаракатланади. Романовский —  
Гимза усулида бўялганда оч пушти рангда кўринади, шунинг  
учун уларни рангсиз спирохеталар деб ҳам юритилади. Ёмон  
бўялишига сабаб уларнинг таркибида кам миқдорда нуклео-  
протеидларнинг бўлишидир. Спирохеталарни Бурри, кумушлаш  
усулида ҳам аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, уларни тирик  
ҳолда қоронфилашган микроскопик майдонда кўриш мумкин.

Спора ва капсула ҳосил қилмайди.

**Культурал хоссаси.** Рангсиз трепонемалар озуқа муҳитга та-  
лабчан. Мия ёки буйрак бўлаклари ва асцит суюқлиги қўшил-  
ган сунъий озиқа муҳитларида гина ўсади. 35—36°C ҳароратда  
5—12 кунда, анаэроб шароитида секин ўсади. Рангсиз трепо-  
немалар товуқ эмбрионида яхши бўлинниб кўпаяди. Сунъий му-  
ҳитда ўстирилганда трепонемалар вирулентлик хоссасини йў-  
қотади. Бундай культурали культурали штаммлар деб атала-  
ди. Товуқ эмбрионида ўстирилган культуралиар эса тўқимали  
культуралиар дейилади. Улар вирулентлик хоссасини сақлаб  
қолган бўлади.

**Ферментатив хоссаси.** Трепонемалар ферментатив хоссага эга  
эмас. Лекин культурали штаммлар бир-биридан индол ва во-  
дород сульфити ҳосил қилиши билан фарқланади.

**Токсигенлиги.** Доимий эмас.

**Антигенлиги.** Рангсиз трепонемалар ўзида полисахарид, ёғли  
ва протеинли антигенлар комплексини сақлайди. Серогуруҳ ва  
сероварлари аниқланмаган.

**Чидамлилиги.** Рангсиз трепонемалар кам чидамлидир. 55°C  
ҳарорат таъсирида 15 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Паст ҳа-  
роратга улар чидамли. Музлатилганда бир йилгача сақланади.  
Спирохеталар оғир металл туzlарига (симоб, маргимуш, ва б.).

өзгір. ҟезінфекцияловчی моддалар таъсирида бир неча дақиқадан сүнг нобуд бўлади. Улар бензилпенициллинга, бициллинга ва бошқаларга сезгир. Айрим ташқи мұхит омиллари ва антибактериал препаратлар таъсирида циста шаклига айланиши мумкин. Шу шаклда улар организмда латент ҳолатда узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин.

**Патогенлити.** Табиий шароитда ҳайвонлар захм билан касалланмайды. Лекин И. И. Мечников ва Э. Ру касалликнинг клиник манзарасини маймунларда кўриш мумкинлигини исботлаб бердилар. Маймунларда заарли материал юборилган жойда шанкр юзага келган. Ҳозирги вақтда қўёнлар, денгиз чўчқачаларида заарли материал юборилган жойда яра ҳосил бўлиши аниқланган. Ажратиб олинган трепонемаларни қўёнларга юбориб узоқ вақт сақлаб қолиш мумкин.

**Инфекция манбаси.** Касал одам.

**Тарқалиш йўли.** Касаллик асосан жинсий йўл орқали тарқалади. Айрим ҳолларда захм идиш-товоқ, чойшаблар орқали ҳам тарқалиши мумкин. Захм билан касалланган оналардан касаллик ҳомилага ҳам ўтиши мумкин. Буни туғма захм деб атади.

**Патогенези.** Қириш дарвозаси бўлиб оғиз бўшлиғи ва жинсий йўллар шиллиқ пардаси ҳисобланади. Яширин даври 3—4 ҳафта.

Бирламчи даврда спирохеталар шиллиқ қаватга тушади ва яширин даврдан сүнг (ўртacha 3 ҳафтада) улар кирган жойда туби ва чети қаттиқ яра — «қаттиқ шанкр» ҳосил бўлади. Қаттиқ шанкрни ҳосил бўлиши лимфа түгунларининг катталашувига сабаб бўлади. Бирламчи давр 6—7 ҳафта давом этади.

Иккиласми даврда қўзғатувчилар лимфа йўли орқали қонга сўрилади ва қон билан бутун организмга тарқалади. Бунда тери ва шиллиқ қаватларда тошмалар — розеолалар ва папулалар, везикулалар ҳосил бўлади. Бу давр 3—4 йил давом этади.

Учинчи давр. Захм касаллиги даволанмаган ҳолларда юзага келади. Бу даврда аъзо, тўқима, суяқ томирлағида парчаланишга мойил грануляция ўсмалари ҳосил бўлади. Бу давр бир неча йил давом этади. (яширин шакли). Бу даврда бемор атрофдагиларга заарли ҳисобланмайди. Касаллик даволанмаса (айрим ҳолларда) тўртинчи даврда бир неча йиллардан кейин у марказий нерв системасини шикастлайди, миянинг шикастланиши сабабли прогрессив фалаж, орқа миянинг шикастланиши сабабли унинг қуриши юзага келади.

Бундай ҳолат трепонемаларнинг мия тўқималарида жойлашиши натижасида юзага келади, ва организмда функционал ва органик ўзгаришлар юзага келади.

**Иммунитети.** Табиий иммунитети йўқ. Касалликдан сүнг ностерил инфекцион иммунитет юзага келади. Буни шанкр иммунитети деб ҳам юритилади, чунки қайта касалланганда қат-

тиқ шанкр ҳосил бўлмайди, лекин касалликни қолган даврлари ривожланади. Захм касаллигига YqC ва YqM, шунингдек YqE реагинлар аниқланади, кардиолипид антигени қўшилганда улар комплемент ёрдамида ўзаро боғланиб олади.

**Профилактикаси.** Беморларни вақтида аниқлаш, эпидемиологик занжирни топиш. Санитария — маорифи ишларини олиб бориш. Бегоналар билан жинсий алоқада бўлмаслик. Маҳсус профилактикаси йўқ.

**Давоси.** Пенициллин, бициллин, биохинол ва бошқалар.

### Назорат учун саволлар

- ? 1. Спирохеталарнинг морфологияси ва бўялиш усулиний айтиб беринг?
- 2. Қаттиқ шанкр нима?
- 3. Захм касаллигининг қандай даврларини биласиз?
- 4. Захмда қандай иммунитет юзага келади?

### МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ТЕКШИРИШ УЧУН МАТЕРИАЛ

1. Бирламчи даврда — қаттиқ шанкрдан материал.
2. Розеола, папула, везикуладан материал (иккиламчи даврда).
3. Кон (иккиламчи, учинчи ва тўртинчи даврда).

### ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛИНИ ТУПЛАШ

Кириш дарвозаси олдида қаттиқ шанкрдан ҳосил бўлган яра физиологик эритмага намланган паҳта ёки дока билан артилади ва яра ичидаги материал стерил пипеткада олинади. Агар суюқлик яхши ажралмаса, яра атрофи пинцет ёрдамида бироз эзилади. Пипеткада олинган суюқлик ёғсизлантирилган буюм ойначасига томизилади ва микроскоп остида текширилади (иш резина қўлқоп кийган ҳолда олиб борилади)

Розеола, везикула, непулладан материал Стерил пипетка ёки паҳтали тампон ёрдамида олинади. Суртма препарат тайёрланади ва микроскоп остида текширилади.

Кон. Билак венасидан 4—7 мл олинади. Кон зардоби ажратиб олинади ва серологик реакция қўйилади.

### Асосий текшириш усуллари

1. Микроскопик.
2. Серологик: а) Вассерман реакцияси (комплément боғланиш реакцияси). б) Чўкма реакцияси.

3. Трепонемаларни иммобилизация реакцияси.
4. Иммунофлюоресценция усули.

### МИКРОСКОПИК УСУЛ

Яра, розеола, вазикула, папуладан олинган материаллар бир неча усулларда текширилади:

1-усул. Қоронfilaштирилган микроскопик майдонда текшириш. Олинган текшириш материали ёғсизлантирилган буюм ойнааси устига томизилади ва устига ёпқич ойнача ёпилади.

Микроскопнинг қоронfilaштирилган майдонида (40x объектив, 10x окуляр) текширилади. Қоронғи майдонда рангсиз, ҳаракатланыётган, ингичка, бурамали қўзғатувчилар кўринади.

2-усул. Текшириш материалидан суртма препарат тайёрланади ва Романовский—Гимза усулида бўялади, микроскоп остида текширилади. Захм қўзғатувчилари оч пушти рангда бўялади.

3-усул. Левадити усули. Олинган текшириш материали кумуш билан аралаштирилиб суртма препарат тайёрланади ва микроскоп остида текширилади. Препаратда трепонемалар қора спиралсимон бўлиб кўринади, кўрилаётган майдон эса оқ рангда бўлади.

### СЕРОЛОГИК УСУЛ

**Вассерман реакцияси.** Бу реакция комплемент боғланиш реакцияси асосида олиб борилади. Вассерман реакцияси бошқа реакциялардан носпецифик антиген қўлланилиши билан фарқланади. Масалан, кардиоантиген — буқа юрагидан тайёрланган ёғли экстракт бўлади. Мана шу носпецифик антигенга сезгири бўлган носпецифик антителоларни реагинлар дейнлади. Носпецифик антиген билан борадиган реакция бемор қон зардоби таркибидаги глобулин миқдорининг ортиши ва дисперсия даражасининг ўзгариши сабабли юзага келади. Глобулинлар ёғли экстрактлар билан бирикади ва комплемент билан боғланиб комплекс ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам гемолитик системада гемолиз бўлмайди. Гемолизнинг содир бўлмаслиги реакция мусбатлигидан далолат беради, яъни «захм» деб диагноз қўйишга асос беради. Серологик реакцияларни қўйишда, бундан ташқари трепонема ва культурал тўқималардан ажратиб олинган специфик антигенларни ҳам қўллаш лозим (30-жадвал).

## Вассарман реакциясими құйниш

Ингредиентлар, мл	Пробиркалар			
	1	2	3	4 (назорат)
1. Инактивацияланган текширилаётган зардоб	0,1	0,1	0,1	0,1
2. Физиологик эритма	0,4	0,4	0,4	0,9
3. Титр бүйіча суюлтирилған 1-рақамлы антиген сериясы	0,5	—	—	—
4. Титр бүйіча суюлтирилған 2-рақамлы антиген сериясы	—	0,5	—	—
5. Титр бүйіча суюлтирилған 3-рақамлы антиген сериясы	—	—	0,5	—
6. Комплмент	0,5	0,5	0,5	0,5

Термостатда 1 соатта қолдирлади.				
Сенсибилизацияланган гемолитик система	1	—	—	1
Термостатда 30—40 дақықага қолдирлади:				
НАТИЖА:	++++	+++ +	++++	—
Реакция мусбат дейілдеди.				

**ЭСЛАТМА.**

- 1) ++++ гемолизнинг түлиқ бўлмаслиги: «—» түлиқ гемолизга учраши.
- 2) 1-рақамли носпецифик антиген (буқа юрагининг ёғли фракциясы)
- 3) 2 ва 3-рақамли антигенлар трепонема культурасидан олинган специфик антигенлардир.

**Чўкма реакцияси.** 1. Қон реакцияси. Бемор қон зардоби 56°C ҳарапатда 30 дақиқа инактивация қилинади. Антигенга (буқа юрагининг ёғли экстракти) 0,6% холестерин қўшилади. Бу реакциянинг сезигирлигини оширади (31-жадвал).

2. Закс—Витебский реакцияси (цитохолестерин чўкма реакцияси). Бу реакция қон реакциясига ўхшаш. Прецепитацияни тезроқ юзага келтириш учун бунга янада концентранган холестеринлик антиген қўшилади.

Трепонемаларни иммобилизациялаш реакцияси. Захм диагностикасида специфик реакция бўлиб ҳисобланади.

## Кан реакциясини қўйиш

Ингредиентлар, мл	Пробиркалар					
	Тажриба			Назорат антигени		
Антиген	0,05	0,025	0,0125	0,05	0,025	0,0125
Текширилаётган зардоб	0,15	0,15	0,15	—	—	—
Физиологик эритма	—	—	—	0,15	0,15	0,15
3 дақиқага чайқатилади.						
Физиологик эритма.	1,0	0,5	0,5	1,0	0,5	0,5
Чайқатилади.						

Натижә: Прецепитация юзага келса, реакция мусбат дейилади.

Трепонемаларни иммобилизация реакцияси специфик реакция ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бу реакциянинг аниқ услуби ишлаб чиқилиган. *T. pallidum* билан заарланган қуён тухумдони майдалашиб тайёрланган аралашмада қўзғатувчилар ҳаракатчанлигини сақлаб қолиш учун у маҳсус озиқа муҳитига солинади. Пробиркага 1,7 мл миқдорда трепонема тўқимаси аралашмаси, 0,2 мл ҳажмда текширилаётган зардоб, 0,1 мл янги комплемент солинади.

Бу реакция пробиркаларда олиб борилади. Биринчи назорат пробиркасига текширилаётган бемор қон зардобининг ўрнига соғлом одамнинг қон зардоби қўшилади; иккинчи назорат пробиркасига денгиз чўчқачасининг инактивация қилинган қон зардоби қўшилади. Барча пробиркалар газлар аралашмаси билан тўлдирилган (1 ҳажм карбонат кислота ва 19 ҳажм азот) эксанкатор ёки анаэростатда қолдирилади ва 35°C ҳароратлик термостатта солинади. Сўнг текшириш материали буюм ойна-часига томизилади ва спирохеталар ҳаракатчанлиги қоронфлашган микроскоп майдонида ўрганилади. Реакциянинг принципи шундан иборатки, bemor қон зардобидаги антитело таъсирида ва комплемент иштирокида захм қўзғатувчиси ҳаракатдан тўхтайди. Бунда ҳаракатдан тўхтаган трепонемаларнинг фойизи аниқланади.

Агарда 50% дан ортиқроқ қўзғатувчилар ҳаракатдан тўхтаса реакция мусбат, 30—50% гача ҳаракатдан тўхтаса — кучсиз мусбат, 20% дан кам ҳаракатдан тўхтаса — реакция манфий дейилади.

## Назорат учун саволлар

- ? 1. Захм касаллигининг турли даврларида қандай текшириш материалы олиб текширилади?
- 2. Захм диагностикасида қандай лаборатория текшириш усуллари қўлланилади?
- 3. Вассерман реакциясиниң қўйишида қандай антигенлардан фойдаланилади?
- 4. Трепонемаларни иммобилизация қилиш реакциясида қандай ингредиентлардан фойдаланилади?
- 5. Трепонемаларни иммобилизация реакциясининг натижаси қандай ўқилади?

### 38-боб. ҚАЙТАЛАМА ТИФ ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИ

Қайталама тиф қўзғатувчилари Spirochetalaceae оиласига, Borrelia авлодига киради.

Инфекция ташувчисига кўра қайталама тиф эпидемик қайталама тиф (ташувчиси битлар) ва эндемик қайталама тиф, (ташувчиси каналар) кабиларга бўлинади.

Қайталама тиф боррелиялари бошқа спирохеталардан йириклиги, бурамалари турлича жойланиши, Романовский—Гимза усулида бўялганда бинафша рангда бўялиши билан фарқланади.

#### ЭПИДЕМИК ҚАЙТАЛАМА ТИФ

Эпидемик қайталама тиф қўзғатувчиси 1868 йилда О. Обермайер томонидан аниқланган.

**Морфологияси.** Обермайер боррелиялари спиралсимон ипга ўхшаш бўлиб, 5—8 бурамадан иборат, бурамалари турлича жойлашган, учлари учли, 10—18x 0,3—0,5 мкм катталиқдадир. Ҳаракатчан, спирохеталарга хос барча тўрт хилда бўлган турда ҳаракатланади.

**Культурал хоссаси.** Зардоб, асцит суюқлиги, тўқима ёки ҳайвон аъзолари қўшилган сунъий озиқа муҳитларида ўсади. Улар жуда секин, 7—12 кундан сўнг, анаэроб, 30—35°C ҳароратда ва pH 7,2—7,4 бўлган шароитда ўсади. Суюқ озиқа муҳитида улар жадал бўлинниб кўпайишларига қарамасдан муҳит тиник қолади. Кейинги йиллар ҳаракатчан боррелиялар товуқ эмбрионида ҳам ўстирилмоқда.

**Ферментатив хоссаси.** Боррелиялар ферментатив хоссага эга эмас.

**Токсигенлиги.** Эндотоксин ажратади. (тўлиқ ўрганилмаган).

**Антигенлиги.** Кам ўрганилган.

**Чидамлилиги.** Боррелиялар юқори ҳароратга жуда сезгир. 45—50°C ҳарорат таъсирида 30 дақиқадан сўнг, 0°C да бир кунгача сақланади. Паст ҳароратга анча чидамли. Музлатилганда

бир неча ойлаб сақланади. Қуритилгандың тез нобуд бўлади. Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида бир неча дақиқадан сўнг нобуд бўлади.

**Патогенлиги.** Табиий шароитда ҳайвонлар қайталама тиф билан касалланмайди. Лаборатория ҳайвонларидан маймунлар, оқ сичқонлар, олмахонларга Обермайер боррелиялари қийинчилик билан юқади.

**Инфекция манбаси.** Қасал одам инфекция манбаси ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Трансмиссив йўл орқали, яъни яшashi давомида (30—40 кун) битлар орқали тарқалади.

Бемор қонини сўрган битлар 5—7 кундан кейин заарли бўлиб ҳисобланадилар. Бу вақт ичидаги спирохеталар ичакдан гемолимфа йўлига сўрилади ва у ерда тўпланади. Одам қашингандада бит танасини шикастлайди ва унинг гемолимфасини қашиган жойга киритади.

**Патогенези.** 1874 йилда Г. Минх, 1881 йили И. И. Мечников тажриба сифатида bemor қонини ўзларига юбориб, қайталама тиф қўзғатувчисини қонда айланиб юришини исботлаб берганлар.

Организмга кирган боррелиялар лимфа йўлига ўтиб макрофаг системаси ҳужайраларида кўпаяди сўнгра қонга сўрилади. Беморда биринчи қасаллик хуружи, яъни иситма тутиши шундан кейин юзага келади. Бемор қонида антителолар—спирохетолизинлар тўпланади, улар боррелияларни лизисга учратади. Қўзғатувчилар томонидан ажратилган эндотоксин интоксикацияни — тана ҳароратини кўтарилиши ва бошқа функционал ўзгаришларни юзага келтиради. Тўқималарнинг чуқур қисмида сақланиб қолган боррелиялар бўлиниб кўпаяди ва организмда лизинларга сезувчан бўлмаган янги авлод боррелияларини ҳосил қиласди. Бу боррелиялар қонга ўтиб янгида иккинчи иситма тутишини юзага келтиради. Организмда энди ана шу боррелияларни лизисга учратувчи лизинлар юзага келади. Бундай иситма тутишлар бир неча маротаба (3—5) такрорланади. Ҳар бир кейинги иситма тутиш олдингисидан қисқа ва улар орасидаги вақт (апираксия) узоқроқ бўлади. Организмдаги барча турдаги боррелиялар тўлиқ лизисга учрагандан сўнг тузалиш юзага келади.

Қайталама тиф билан касалланган bemorларда фавқулотда ҳодиса — тромбоцитобария, яъни ички аъзо капиллярларидаги спирохеталарга тромбоцитлар шимилиши ва натижада «спирохет ва тромбоцит» агрегати юзага келиши кузатилади. Бу агрегат шу аъзода қон айланишини бузилишига олиб келади, боррелиялар эса ҳаракатчанлигини йўқотади.

**Иммунитети.** Спирохетолизин, агглютинин, тромбоцитобарин каби антителолар борлиги билан тавсифланади. Лекин улар турғун эмас.

**Профилактикаси.** Битларга қарши курашиш, санитар-гигиен

ник шароитни яхшилаш. Махсус профилактикаси ишлаб чи-  
қилмаган.

**Давоси.** Тетрациклин, пенициллин, левомицетин ва маргу-  
мушдан тайёрланган дорилар берилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
1. Қайталама тиф боррелияларининг морфологик ва  
культуранал хоссасими айтиб беринг?
  2. Бемор қонида қайталама тиф боррелиялари айланиб  
юришини ким исботлаб берган?
  3. Қайталама тифнинг юқиш механизми ва патогенези  
қандай?
  4. «Тромбоцитобария» фавқулодда ҳодисаси нима?

### ЭНДЕМИК ҚАЙТАЛАМА ТИФ

Эндемик қайталама тиф касаллигини бир қанча турдаги  
боррелиялар (*B. persica*, *B. duttonii* ва бошқалар) келтириб  
чиқаради. *B. duttonii* ни 1904 йили Р. Росс bemор қонидан аж-  
ратиб олган.

**Морфологияси.** Кана қўзғатадиган қайталама тиф боррелия-  
ларининг морфологияси эпидемик қайталама тиф қўзғатувчи-  
сига ўхшашир.

**Культурал хоссаси.** *B. duttonii* маҳсус озиқа муҳитида ўсиши  
мумкин. Улар 30—35°C ҳароратда ва pH 7,2—7,4 бўлган ана-  
эроп шароитда ўстирилади.

**Ферментатив хоссаси.** Аниқланмаган.

**Антигенлиги.** Боррелияларнинг бир қанча вариантлари мав-  
жуд бўлиб, уларни бир-биридан фарқлаш ишларини олиб бо-  
ришда биологик усулни қўллаш ёрдам беради.

**Патогенлиги.** Кўпинча кемирувчилар — сичқонлар, олмахон-  
лар, қумсичқонлар касалланади. Лаборатория ҳайвонларидан  
денгиз чўчқачаси, каламуш, оқ сичқонлар сезгир.

**Чидамлиги.** Эпидемик қайталама тифга ўхшаши.

**Инфекция манбаи.** Табиий ўчоги ва инфекция манбаи бўлиб  
кемирувчилар — сичқон, олмахонлар, қумсичқон ва *Ogmittel-  
doros* авлодига кирувчи каналар ҳисобланади. Боррелиялар  
кана организмидаги бутун ҳаёти давомида сақланади ва насл-  
дан-наслга узатилади.

**Тарқалиш йўли.** Трансмиссив йўл билан, яъни қон сўрувчи  
ҳашаротлар орқали тарқалади. Одамни кана чаққанда улар-  
нинг сўлаги таркибидаги боррелиялар организмга киради.  
Чаққан жойинда папула юзага келади.

**Патогенези.** Эпидемик қайталама тифга ўхшаши, лекин исит-  
ма тутиши кўпроқ бўлади. Касаллик анча енгил ўтади.

**Иммунитети.** Эпидемик ўчоқда одамларда иммунитет ёш бо-  
лалиқ давридан ва қонда спирохитолизин ҳамда бошқа антите-

Јоларнинг борлиги сабабли юзага келади. Асосан шу ўчоққа келган одамларгина эндемик тиф билан касалланади. Касалликдан сўнг турғун бўлмаган иммунитет юзага келади. Эпидемик қайталаши тиф билан кесишиб ўтадиган иммунитети йўқ.

**Профилактикаси.** Қурт-қумурсқа ва кемирувчиларга қарши курашиш. Ҳар бир ўчоқда ўзига хос турдаги касаллик қўзғатувчиси мавжуддир. Санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш. Маҳсус профилактикаси ишлаб чиқилмаган.

**Давоси.** Антибиотиклар — тетрациклин, пенициллин, левомицетин ва бошқалар билан даволанади.

## МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКА ТЕКШИРИШ УЧУН МАТЕРИАЛ

Бемор қони.

Текшириш материалини тўплаш.

Бемордан қон.

1. Қалин томчи препарати. Бармоқнинг юмшоқ жойи тешилади. Ёғсизлантирилган буюм ойначаси бармоқдаги қонга текизилиб, айланма ҳаракат қилиниб диаметри 1—1,5 см га teng суртма тайёрланади.

2. Юпқа суртма тайёрлаш. Ёғсизлантирилган буюм ойнасининг четки қисмига бармоқтан қон томизилади ва иккинчи буюм ойналасининг чети билан қон томчиси ойначада ёйилиб чиқилади.

### Асосий текшириш усуллари

1. Микроскопик.
2. Биологик.

## МИКРОСКОПИК УСУЛ

Бемор ҳарорати кўтарилилган вақтда қон олиб юқорида кўрсатилганидек суртма препарат тайёрланади. Қуритилиб, фиксация қилинмаган ҳолда унинг устига 0,5 мл Гимза бўёғи томизилади. Бир неча дақиқадан сўнг томчидаги гемоглобин булучталари ҳосил бўлади. Шундан сўнг буёқ тўкилиб янги буёқ томчиси томизилади. Бу буёқ 20—30 дақиқа ушланади, сўнгра аста-секин ювилади ва микроскоп остида текширилади. Боррелиялар бинафша рангда кўринади.

**Диққат!** Томчи фиксация қилинмаганлигини эсда тутиш лозим. Томчини сувли фуксин бўёғида ҳам бўяш мумкин. Бунда боррелиялар пушти рангга киради.

Негатив препаратларни қоронфилашган микроскопик майдонда кўриш мумкин.

## БИОЛОГИК УСУЛ

Бемордан 2—3 мл қон олинади ва денгиз чүчқачаси териси остига юборилади. ёки кўз, бурун шиллиғига томизилади.

Эндемик қайталама тиф мавжуд бўлса ҳайвонлар 5—8 кунларда касалланади. Ҳайвон қонидаги боррелиялар аниқланади.

Эпидемик қайталама тиф қўзғатувчисига денгиз чүчқачалари сезувчан эмас.

### Назорат учун саволлар

- ? 1. Эпидемик ва эндемик қайталама тиф диагностикасида қандай текшириш материали олинади?
- 2. Диагностикада қўлланиладиган асосий текшириш усулларини айтиб беринг?
- 3. Эпидемик ва эндемик қайталама тифни қандай фарқлаш мумкин?

## 39-боб. ВЕНСАН СПИРОХЕТАЛАРИ

Borrelia vincentii (Венсан боррелияси) ярали ангинан, яраги стоматит ва бошқа ярали ва некрозли жараёнларни юзага келтиради. Ярадан тайёрланган, Грам усули ёки суюлтирилган фуксин билан бўялган суртмада спирохеталар Грам манфий ҳолдаги бурамали таёқчаларга (*B. fusiformis*) ўхшаш кўринади. Шунинг учун ярали ангинани фузоспирохетоз дейилади.

Венсан спирохеталари морфологик жиҳатдан оғиз бўшлиғидаги сапрофитлардан фарқ қилмайди.

*B. fusiformis* цитоплазмаси бир хилда бўялмаслик тавсифига эга бўлиб, уларнинг маркази очроқ бўялади ва микроскоп остида қаралганда иккита таёқчага ўхшаб кўринади.

Бу касалликлар bemornинг сўлаги тушган ифлос идиш-тобоқлар орқали юқади.

Диагностикаси. Текшириш материалларидан суртма тайёрланаиди ва уни буюб микроскоп остида текширилади (ярадан ажратма). Фузиформис бактерияларига хос боррелиялар кўриниса касалликка тўлиқ диагноз қўйилади.

## 40-боб. ЛЕПТОСПИРОЗ ҚЎЗҒАТУВЧИСИ

Патоген спирохеталар *Spirochaetaceae* оиласига, *Leptospira* авлодига киради. Лертоспираларни 1915 йили япон олимлари Инадо ва Идо аниқлаганлар.

*Leptospira* авлодига одам ва ҳайвон организмида касаллик келтириб чиқарадиган кўпгина гурӯҳ микроорганизмлари киради.

**Морфологияси.** Лептоспиралар спиралсимон, 6—20x0, 1—0,25 мкм узунлиқда, 12—18 та бурамадан иборат бўлиб, бурамалари майда, бир-бирига зич жойлашган ва уларнинг учи илмоққа ўхашадир. Лептоспиралар жуда ҳаракатчан, спирохеталарга хос барча ҳаракатланиш усуllibарди ҳаракатланади.

Улар анилин бўёқларидаги яхши бўялмайди. Шунинг учун патологик материалларда ва культураларда уларни аниқлаш мақсадида қоронfilaшган майдон ёки кумуш билан қоплаш усулида ўрганилади. Бундай усуllibарда улар жигарранг бўлиб кўринади.

**Культурал хоссаси.** Лептоспиралар жиддий аэроб. Суюқ ва ярим суюқ озиқа муҳитларига қўён зардоби қўшилганда, 28—30°C ҳароратла ва pH 7,2—7,4 бўлган шароитда ўсади. Бу муҳитларда улар секин (7—10 кун ичидаги) ўсади, ва лептоспиралар бўлинниб кўплайган бўлса ҳам муҳит тиниқ қолади. Лептоспиралар ўсганлигини эзилган томчи препарати тайёрлаб микроскоп остида (қоронғи майдонда) қуриб аниқланади. Қон зардоби қўшилган зич озиқа муҳитида 5—7 кунларда ўсади, сунъий озиқа муҳитида лептоспиралар вирулентлик хоссасини ўқотади.

**Ферментатив хоссаси.** Лептоспираларда каталаза, оксидаза, липаза ва бошқа ферментлар аниқланган.

**Токсигенлиги.** Лептоспираларда эндотоксин борлиги исботланмаган.

**Антигенлиги.** Лептоспираларнинг антигенлик тузилиши монорецептор зардолар билан микроагглютинация реакцияси қўйиш орқали аниқланади. Мана шу реакцияга асосланиб лептоспиралар 19 та серогурухга ва 159 сороварга бўлинади. Ҳар бир серогурух ва серовар ўзининг номига эга.

**Чидамлилиги.** Лептоспиралар юқори ҳароратга сезгир: 56°C ҳарорат таъсирида 30 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Паст ҳароратда улар (—70—80°C) узоқ вақт сақланади. Лептоспиралар қуритишга, кислота ва ўт суюқлигига ҳам сезгирдир. Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида бир неча дақиқадан сўнг нобуд бўлади.

Лептоспиралар сувда иккى ойгача, сут маҳсулотларида, нонда бир неча соатгача сақланади.

**Патогенлиги.** Лептоспира билан кемирувчилар касалланади, лекин улар билан йирик на майда шохли ҳайвонлар, чўчқа, ит, қўштуёқлилар ва ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам касалланиши мумкин. Ҳайвонларда касаллик сурункали шаклда ўтади.

Лаборатория ҳайвонларидан лептоспираларга денгиз чўчқачаси, тилла ранг олмахонлар сезгирдир. Лекин уларда касалликни лептоспираларнинг айрим сероварларигина келтириб чиқариши мумкин. Кемирувчиларда ҳам касаллик сурункали шаклда ўтади ва лептоспиралар уларнинг сийдиги билан ажралади.

**Инфекция манбаси.** Инфекция манбаси бўлиб касал қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва кемирувчилар (асосан каламушлар) ҳи-

**собланади.** Улар сийдиги билан атрофидаги тупроқ, очиқ сув ҳавзалари (құдуқ, ариқ, қовуз), озиқ-овқатларни ифлослантирадилар.

**Тарқалиш йүли.** Лептоспиралар ифлосланган сувда турлы хил ишлар олиб борилғанда, чұмилғанда, касал ҳайвонларни парвариш қылғанта, ифлосланган озиқ-овқатларни истеъмол қылғанда юқади.

**Патогенези.** Құзғатувчи организмға жароқтапланған тери ва құз, оғиз шиллик пардалары орқали киради. Тери ва шиллик қаватларда бирламчи белгилар юзага келмайди.

Лептоспироз сариқлик ва сариқсиз шаклда үтади. Организмға кирған лептоспиралар лимфа йүли орқали қонға үтади ва қон билан танага тарқалади. Паренхиматоз аъзоларга тушади, жигар ва буйракда жойлашиб олади. Шу вақт ичіда организмде лептоспираларни парчаловчи антителолар ҳосил бўлади.

Лептоспиралар парчаланаётган вақтда заҳарли модда ажралади ва бу токсин интоксикация ва паренхиматоз аъзоларда қон қуилишини юзага келтиради. Оғир ҳолларда сарғайиш ва буйрак функциясининг ўткир бузилиши (нефрит) ҳосил бўлади. Лептоспираларга сезгир ҳайвонларда ҳам буйрак функциясининг бузилиши юзага келади.

Енгил шаклларida паренхиматоз органларни шикастланган лигини маҳсус усусларда текширилғандагина аниқлаш мумкин.

**Иммунитети.** Агглютинин ва спирохетолизинларнинг ҳосил бўлишига боғлиқ бўлиб, 3—4 ҳафта ичіда антителолар миқдори энг юқори концентрацияяга (1:1000 ва ундан юқори) етади. Иммунитет узоқ вақт сақланади.

**Профилактикаси.** Кемирувчиларга қарши тадбирлар, ботқоқликларни қуритиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сичқон ва каламушлар чиқиндиси билан ифлосланишдан сақлаш чораларини амалга ошириш. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини эмлаб туриш лозим.

Махсус профилактикаси бўйича инфекция ўчоғида ишлаётгандан ходимларни эмлаш лозим. Айрим лептоспираларнинг сероварларини қиздириш йўли билан олинган ўлик лептоспироз вакцинаси қўлланилади.

**Давоси.** Пенициллин, тетрациклин, лептоспирозга қарши иммуноглобуллин (кенг тарқалған лептоспира серогуруҳларидан тайёрланған) лар қўлланилади.

### **Назорат учун саволлар**

- ?
- 1. Лептоспираларнинг морфологик ва культурал ҳоссанын айтиб беринг?
- 2. Лептоспираларнинг чидамлилигини биласиэми?
- 3. Лептоспираларнинг патогенлігі, инфекция манбай ва тарқалиш йўллари қандай?

4. Лептоспироз патогенезини айтинг?
5. Лентоспирозда иммунитет қандай антителолар ҳисбига ҳосил бўлади?

## МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ ТЕҚШИРИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. Кон.
2. Сийдик.
3. Орқа мия суюқлиги.
4. Сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари.
5. Мурдалардан материал.

### ТЕҚШИРИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТҮПЛАШ

Қасалликнинг биринчи кунларида қон олиниади.	Стерил шприц ёрдамида билак венасидан 5 мл олиниади.
Сийдик.	Стерил катетер билан стерил идишга олиниади.
Орқа мия суюқлиги.	Махсус игна ёрдамида стерил идишга олиниади.
Сув, озиқ-овқатлар.	«Санитария микробиологияси» бўлимига қаранг.

### Асосий текшириш усуллари

1. Микроскопик.
2. Бактериологик.
3. Серологик.
4. Биологик.

**Микроскопик усул.** Қасалликнинг 5—7-кунлари қон олиниади. Бемор қонидан 1—2 мл олиб натрий цитрати билан аралаштирилади ва 1 соат давомида тиндирилади. Аралашманинг юза қисмидан Пастер пипеткасида 1 томчи олиб ёғсизлантирилган буюм ойначасига томизилади ва унинг усти ойнача билан ёпилиб микроскопнинг қоронfilaширилган майдонида текширилади. Сийдик, орқа мия суюқлиги центрифуга қилинади, чўкмасидан суртма тайёрлаб, микроскоп остида текширилади.

**Бактериологик усул.** Текшириш материаллари Уленгут озиқа муҳити қўйилган 3—5 та пробиркага экилади. Пробиркаларни 18—30°C ҳароратда 3 ойга термостатда қолдирилади. Лептоспиралар озиқа муҳитда ўсган бўлса ҳам муҳит тиниқ қолади. Шунинг учун ҳар 5—6 кунда озиқа муҳитидан олиб эзилган томчи препарати тайёрлаб, қоронfilaшган майдонда текшириб турилади. Ҳар бир пробиркадан 3 тадан препарат тайёрлаш лозим.

**Серологик усул** Бемордан касаллникнинг 4—5 кунлари қон олиниб микроагглютинация реакцияси қўйилади. Беморнинг қон зардоби 1:50 дан 1:1600 гача суюлтирилади. Антиген сифатида суюқ озиқа муҳитида ўстирилган микроб культураси (тирик лептоспиралар) қўлланилади. Аниқланган диагностик титри 1:100 ва ундан юқорида бўлса, реакция мусбат дейилади. Реакциянинг натижаси албатта эзилган томчи препарати тайёрлаб қоронғилаштирилган майдонда ўрганилади. Микроскоп остида ўргимчакка ўхшаш лептоспиралар кўринса, реакция мусбат дейилади.

**Биологик усул.** Бемор қонидан 2—3 мл олиб денгиз чўққачаларининг қорин бўшлиги ёки териси остига юборилади 6—10 кундан кейин денгиз чўққачалари касалланади. Заарланган ҳайвонлар 1 ойгача кузатиб турилади. Вақти-вақти билан улардан қон олиб, озиқа муҳитига экиб натижа ўрганилади. Улар ўлгандан кейин аъзоларидан материал олиб озиқа муҳитига экиб ўрганиш давом этдирилади.

Бемордан олинган сийдик денгиз чўққачаларининг қорин бўшлигини юнги олинган ва жароҳатланган терисига бир томчи миқдорда томизилади. Томчи қуригандан сўнг яна шунча сийдик томизилади. Бу иш 4—5 маротаба тақрорланади. Ҳайвонлар уч ой кузатилади. Вақти-вақти билан ҳайвонлардан қон олиб, озиқа муҳитига экиб натижа ўрганилади, ҳайвонлар ўлгандан сўнг ёриб аъзоларидан материал олиб озиқа муҳитига экиб яна ўрганилади.

### Назорат учун саволлар

- ?
- 1. Лептоспирозга шубҳа қилинганда қандай текшириш материали олиб текширилади?
- 2. Асосий текшириш усулларини айтиб беринг?
- 3. Микроагглютинациянинг натижаси қандай ўқилади?
- 4. Биологик синамани айтиб беринг?

### РИККЕТСИЯЛАР

**Риккетсиялар** — алоҳида гуруҳ полиморф бактериялардир. Улар хужайра ичидаги паразитлар бўлиб ҳисобланади. Улар Rickettsiaeae оиласига киради. Риккетсияни биринчи бўлиб американлик олим Риккетс аниқлаган ва у шу касалликдан ўлган.

1913 йили Чех олими Провацек тошмали тиф билан оғриган bemor қонида риккетсияларга ўхшаш микробларни аниқлаган. У ҳам тошмали тифдан ўлган.

1916 йилда Португалиялик олим Роша—Лима ўзининг узоқ вақт текширувлари натижасида Мексика ва Европа тошмали тиф касалликларининг қўзғатувчиси ҳам Риккетс аниқлаган микробларнинг бир тури эканлигини исботлади. Шунинг учун

риккетсияларга Риккетс номи берилди. Эпидемиологик тошмали тиф құзғатувчиенга эса Провацек риккетсиялари номи берилди.

Тошмали тифни үрганишда рус олимлари А. А. Кронтовский, П. Ф. Здродовский, Е. С. Галиневичлар катта ҳисса құштаптар.

Риккетсиялар орасыда одам, ҳайвон учун патоген турлари ҳам учрайди. Риккетсиялар келтириб чиқарадиган касалликтарга риккетсиозлар дейилади.

П. Ф. Здродовский риккетсияларни 5 та гурухга бўлади:

1. Тошмали тиф риккетсиоз гурухи.
2. Қанали тошмали иситма гурухи.
3. Цуцугамуши гурухи.
4. Ку—лихорадка (иситма) гурухи.
5. Пароксизмал риккетсиоз гурухи.

**Морфологияси.** Риккетсияларнинг шарсимон, майда ва йирик таёқасимон, ипсимон шакллари учрайди. Риккетсиялар спора ва капсула ҳосил құлмайди, ҳаракатсиз, Грам манфий, Романовский—Гимза, Здродовский усуllibаридан бўялганда қизил ранга бўялади.

**Культурал хоссаси.** Хўжайнин тўқимасида бўлиниб қўпаяди. Микробларнинг ҳар бир тури хўжайнин тўқимасининг цитоплазмасида, яросида, вакуолаларида ривожланади. Улар ўзига сезувчан ҳайвонларнинг тўқималарида, товуқ эмбрионида яхши ривожланади.

**Ферментатив хоссаси.** Актив эмас.

**Токсигенлиги.** Термолабил эндотоксин ҳосил қилади.

**Антигенлиги.** Риккетсиялар 2 та антиген ишлаб чиқаради: гурухли термостабил ва специфик термолабил антигенлар.

**Чидамлилиги.** Ку—иситмасидан ташқари риккетсиялар юқори ҳароратга кам чидамли. Паст ҳароратга ва қуритишга барча риккетсиялар чидамли ва улар антибиотикларга сезувчандир.

## 41-боб. ТОШМАЛИ ТИФ

Эпидемик тошмали тиф құзғатувчиси *Rickettsia prowazekii* ҳисобланади.

**Морфологияси.** Полиморф, шарсимон, гантелсимон, ипсимон шаклларда учрайди. Здродовский усулида бўялганда қизил рангга бўялади.

**Культурал хоссаси.** Хўжайнин тўқимаси цитоплазмасида бўлиниб қўпаяди, битларнинг ичак эпителийсида, томир эндотелийсида ривожланади. Қўпинча товуқ эмбрионининг сариқлик қопчасида ўстирилади. 8—13 кундан сўнг бўлиниб қўпайган жойда бляшка (пилакча) ҳосил қилиб ўсади.

**Токсигенлиги.** Провацек риккетсияси эндотоксин ҳосил қиласи. Соф ҳолда ажратиб олинмаган, юқори ҳарорат таъсирида

тез парчаланади ва бу эса унинг оқсил табнатлигидан далолат беради. Токсин томирларнинг эндотелий тўқималарини шикастлади, натижада капиллярларнинг ўтказувчанлиги ошади.

**Антигенлиги.** Провацек риккетсияси 2 та антиген сақлади: 1. Юзаки, термолабил, кимёвий таркибига кўра липидополисахарид оқсил табнатли бўлиб, типоспецифик эмас. Эндемик тошмали тиф, Протей ОХ 19, ОХ 2 ларнинг антигенлик хосаси билан умумийдир. 2. Оқсил полисахарид табнатли, типоспецифик, ҳужайранинг ички қисмидан ажralадиган антигендир.

**Чидамлилиги.** Юқори ҳарорат ва нам шароитда Провацек риккетсияси тез нобуд бўлади. Битнинг қуриган нажасида узоқ вақт сақланади. Дезинфекцияловчи модда таъсирида тез нобуд бўлади.

**Ҳайвонлар сезувчанлиги.** Лаборатория ҳайвонларидан оқ сичқонлар, денгиз чўчқачалари, маймунлар сезувчандир. Маймунларда тошмали тифнинг клиник белгилари намоён бўлади, оқ сичқонларда эса зотилжам юзага келади.

**Инфекция манбаи.** Касал одам инфекция манбаи ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Трансмисив йўл орқали тарқалади. 1909 йили француз олим Никол маймунларда тажриба ўтказаётib кийим битлари Провацек риккетсиясининг тарқатувчиси эканлигини аниқлади. Кейинчалик бош битлари ҳам ташувчи бўлиши мумкинлиги аниқланди.

**Юқиш механизми.** Бемор қонини сўрган бит 4—5 кунларда зарарли бўлиб ҳисобланади. Шу вақт ичидаги битларнинг ичак эпителий тўқималарида улар бўлинниб кўпаяди ва тўқималарни шикастлади, кўп миқдорда унинг нажаси билан ташқарига чиқарилади. Бит терига ёпишганда уни тишлияди ва шу заҳоти риккетсия сақловчи нажасини чиқаради. Одам эса терини қашиб риккетсияларни шикастланган териси орқали ўз организмига киритади.

**Патогенези.** Риккетсиялар организмга тушгандан сўнг томирларнинг эндотелий тўқималарига ўтади. Бу ерда улар бўлинниб кўпаяди ва тўқималарни нобуд қилади. Сўнгра эса кўп миқдорда қонга ўтади — риккетсиемия юзага келади. Томирлар яллиғланади ва тромб ҳосил бўлади. Натижада майда қон томирларининг ўтказувчанлигини тўсиб қўяди. Бош мия томирларидаги тромб бўлган жойда гранула ҳосил бўлади ва менингоэнцефалитга хос яллиғланиш юзага келади.

Тошмали тиф ўткир бошланади. Юқори ҳарорат, интоксикация, кучли бош оғриғи, розеола, петехиал тошмалар юзага келади.

**Иммунитети.** Касаллик ўтгандан сўнг бутун умрга мустаҳкам антимикроб ва антитоксик иммунитет ҳосил бўлади.

Қонда антителолар, комплемент боғланиш антителолари, агглютининилар аниқланади.

## БРИЛЛ ҚАСАЛЛИГИ.

Кейинги йилларда тошмали тиф билан оғриб ўтган беморлар организмнің узоқ вақтгача Провацек риккетсиялари сақланиб қолиши аниқланды. Организмнинг касалликка қарши күчи камайған ва унга берилувчан бўлган ҳолларида бир неча йиллардан (10—30) сўнг ҳам касаллик юзага келади, яъни эпидемик тошмали тиф рецидиви юзага келади. Биринчи бўлиб бу касалликни Брилл аниқлаган, Н Цинссер эса касалликнинг қўзғатувчиси Провацек риккетсиялари эканлигини исботлаб берган. Касаллик енгил ва заарасиз ўтади. Касаллик диагностикасида қўлланиладиган Вейл—Феликс реакциясида  $OX_{19}$  протей билан агглютинация реакцияси манфий, Провацек риккетсиялари билан эса мусбат бўлади. Бундан ташқари, Брилл касаллиги — реинфекциядир деган фикрлар ҳам бор. Касалликнинг енгил ўтишига организмда ҳосил бўлган иммунитет сабабчидир дейишади.

**Профилактикаси.** Махсус профилактика юзасидан Провацек риккетсияларининг юзаки антигенларидан тайёрланган концентранган кимёвий вакцина қўлланилади. Умумий профилактикаси — беморларни ажратиш ва касалхонага ётқизиш, битларга қарши курашишдир.

### ЭНДЕМИК ТОШМАЛИ ТИФ

Бу касалликни қўзғатувчиси 1928 йили Х. Музер томонидан аниқланган ва унинг номи билан Музер риккетсиялари деб юритилади. Ҳозирги вақтда уларни R. typhi деб номланади.

**Морфологияси.** Майдо кокксимон (диаметри 1 мкм гача) ёки таёқчасимон ( $0,3—0,6 \times 1,5$  мкм микроорганизмлардир. Провацек риккетсияларига нисбатан полиморф эмас. Здродовский усулида бўялганда қизил рангга ва Грам манфий бўлниб бўяди.

**Културал хоссаси.** Музер риккетсияси товук эмбрионининг сариқлик қопчасида  $35^{\circ}\text{C}$  ҳароратда яхши ривожланади, пиликчалар ҳосил қилиб ўсади. Бўғимоёқликларнинг ички эпителий тўқимаси, ядро ва цитоплазмасида яхши ривожланади.

**Токсигенлиги.** Музер риккетсияси Провацек риккетсиясидан фарқланадиган эндотоксин ҳосил қиласи ва буни нейтраллаш реакцияси натижасида аниқлаш мумкин.

**Антигенлик тузилмаси.** Музер риккетсияси 2 та антигенлик комплексини сақлайди.

1. Провацек риккетсияси ва  $OX_{19}$  ва  $OX_2$  билан умумий термостабил антигени.

2. Музер риккетсиясини Провацек риккетсиясидан фарқловчи термолабил, типоспецифик антигени.

**Чидамлилиги.** Музер риккетсияси ташқи муҳитга кам чидамли, лекин қуриган ҳолда паст ҳароратда узоқ вақт сақла-

нади. Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида тез нобуд бўлади.

**Ҳайвонларнинг сезувчанлиги.** Эндемик тошмали тиф билан кемирувчилар, асосан, сичқонлар ва каламушлар касалланади. Лаборатория ҳайвонларидан денгиз чўчқачалари сезувчан. Материал уларнинг қорин бўшлиғига юборилганда перирхит юзага келади.

**Инфекция манбай.** Эндемик тошмали тиф — зооноз инфекциядир. Табиатда инфекция манбай бўлиб каламушлар ва сичқонлар ҳисобланади.

**Тарқалиш йўллари.** Трансмиссив, алиментар, билвосита контакт йўллари орқали тарқалади. Ташувчиси бўлиб каламуш ва каналар ҳисобланади.

**Патогенези.** Эндемик тошмали тиф қонли инфекциядир. Унинг патогенези эпидемик тошмали тифникига ўхшашибдири. Клиник белгилари ва касаллик анча енгил ўтади. Касаллик иситма ва тошма тошиш билан тавсифланади. Касаллик эндемик характерга эга.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг мустаҳкам антимикроб ва антитоксик иммунитет ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Кемирувчиларга қарши курашиш ва санитар-гигиеник шароитларни яхшилашдан иборатдир. Махсус профилактикаси мақсадида ўлик Музер риккетсиясини сақловчи вакцинадан фойдаланилади.

**Давоси.** Тетрациклин қаторига тегишли антибиотиклар билан даволанади.

### **Назорат учун саволлар**

- ?
- 1. Эндемик тошмали тифнинг инфекция манбай ва тарқалиш йўлини биласизми?
- 2. Эндемик тошмали тиф касаллигини олдини олиш мақсадида қандай ишлар олиб борилади?

### **ЭПИДЕМИК ВА ЭНДЕМИК ТОШМАЛИ ТИФ ДИАГНОСТИКАСИ**

**ТЕҚШИРИШ МАТЕРИАЛИ, ТЕКШИРИШ УСУЛАРИ.**

**Қон.**

1. Серологик. а) Комплмент боғланиш реакцияси. б) агглютинация реакцияси. в) бевосита гемагглютинация реакцияси. г) токсинларни нейтралаш реакцияси. д) иммунолюминесцент усул қўлланилади.

Бемор венасидан 5—7 мл қон стерил пробиркага олинади.

**Комплемент боғланиш реакцияси.** Бемордан олинган қоннинг зардobi ажратиб олинади, параллел ҳолда 2 та антиген — Провацек ва Музер риккетсиялари билан реакция қўйилади. Бу реакция эпидемик ва эндемик тошмали тифни фарқлашда қўлланилади. Умумий схема асосида bemor қон зардobi 1:10 дан 1:640 гача суюлтирилади. 1:100 ва ундан юқори суюлтириши даражаларида эритроцитлар чўкма берса, реакция мусбат дейилади.

**Агглютинация реакцияси (AP).** Тошмали тифни Брилл касаллигидан фарқлаш учун агглютинация реакцияси қўйилади. Диагностикум сифатида Провацек риккетсияси ва ОХ 19 ўлик культураси қўлланилади. Брилл касаллигига ўлик протей культураси билан Вейл—Феликс реакцияси манфий бўлади.

Бундан ташқари, Брилл ва эпидемик тошмали тифни фарқлаш учун қўйидаги усул ҳам қўлланилади.

Бунинг учун bemor қон зардobi цистин билан тозаланади, чунки эпидемик тошмали тифда 7 антитело ҳосил бўлади ва у цистин таъсирида тез парчаланади.

Брилл касаллигига эса 19 антитело ҳосил бўлади ва у цистин таъсирида парчаланмайди. Кенгайтирилган ҳажмда агглютинация реакцияси қўйилади. Биринчи қаторга цистин билан тозаланган ва иккинчи қаторга тозаланмаган қон зардobi суюлтириб солинади. Брилл касаллигига иккала қаторда ҳам реакция мусбат бўлади. Эпидемик тошмали тифда биринчи қаторда реакция мусбат, иккинчи қаторда эса манфий бўлади.

**Бевосита гемагглютинация реакцияси.** Бемор қон зардobi 1:25 дан 1:1600 гача суюлтирилади. Диагностикум сифатида Провацек эритроцитлар диагностикуми қўлланилади. Беморнинг қон зардобида антитело бўлса 1:100 нисбатда эритроцитлар соябонсизмон чўкма ҳосил бўлади. Реакция қайта қўйилганда титри ортеб боради.

## БИОЛОГИК УСУЛ

Эпидемик ва эндемик тошмали тифни фарқлаш учун биологик усул ҳам қўлланилади. Бунинг учун денгиз чўчқачасининг эркагига текшириш материали юборилади. Агар текшириш материалида эпидемик тошмали тиф қўзғатувчиси бўлса, денгиз чўчқачаларининг ҳарорати кўтарилади.

Агар текшириш материалида эпидемик тошмали тиф қўзғатувчиси бўлса, денгиз чўчқачаларида периорхит (тухумдоннинг яллиғланиши) юзага келади.

## Назорат учун саволлар

1. Эпидемик ва эндемик тошмали тифни фарқлашда қандай серологик реакциялардан фойдаланилади?

2. Эпидемик тошмали тифни Брилл касаллигидан фарқлашда қандай серологик реакциядан фойдаланилади?

## 42-боб. КУ-ИСИТМА ҚҰЗҒАТУБЧИСИ

Ку-иситма — ўткір инфекцион касалындыр. XIX асрнинг 30-йилларида у Австралияда (инглиз сўзидан олинган queу — ноаниқ) биринчи бўлиб аниқланган.

1939 йили Р. Бернет томонидан бемор қонидан құзғатувчи ажратиб олинган ва фарқлаш ишлари олиб борилган. Шунинг учун унинг номи билан Бернет риккетсиялари деб юритилади. 1948 йили Россияда ҳам бу риккетсиялар аниқланган.

Ку-иситма құзғатувчиси *Coxiella* авлодига киритилади.

**Морфологияси.** *C. burnetti* майды полиморф микроорганизм бўлиб, таёқчасимон, шам алансига ўхаш, 0,3—0,8 мкм катталиқда, сферик шаклдагиси 0,3—0,5 мкм, Грам манфий бўялади; Здродовский усулида бўялгандан қизил рангга бўялади.

**Культурал хосаси.** Бернет риккетсияси товуқ эмбрионининг сариқлик қопчасида яхши ривожланади. Улар учун оптималь ҳарорат  $35^{\circ}\text{C}$  ҳисобланади. Хўжайнин ҳужайрасида реккетсиялар вакуолаларда ривожланади, яъни пилакчалар ҳосил қиласи.

**Ферментатив хосаси.** Намоён бўлмайди.

**Токсигенлиги.** Заҳарли моддаси аниқланмаган, лекин риккетсиялар ўзида аллерген сақлади.

**Антигенлиги.** Бернет риккетсияси иккита — I ва II фаза антигенларини сақлади. I фаза антигени юзаки жойлашган, полисахарид табиатли, II фаза антигени эса ҳужайра ичидаги сақланади, кимёвий таркиби ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бернет риккетсияси товуқ эмбрионида ўстирилганида I фаза антигени йўқолади. Бернет риккетсияси денгиз чўчқачасига юборилгандага унинг бу хосаси тикланади.

**Чидамлилиги.** Бернет риккетсиялари ташқи муҳитга анча чидамли.  $80-90^{\circ}\text{C}$  ҳарорат таъсирида улар 30 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Сут пастеризация қилинганда улар ўлмайди. Улар сут маҳсулотлари — қатик, сузма, сариёғда узоқ вақт, ультрабинафша нурлар таъсирида 1,5 соатгача сақланади. Паст ҳароратда, айниқса музли шаронтда, бир неча ойлаб, стерилизувуда 3—4 ойгача сақланади. Бернет риккетсиялари ошқозон ширасига, 5% ли формалин эритмасига ва 1% ли фенол таъсирига анча чидамли.

**Патогенлиги.** Табиий шароитда Бернет риккетсиялари сигир, эчки, қўй, ит, от, кемирувчилар, парранда ва каналарда аниқланади. Ҳайвонларда касаллик иситма тутиши билан тавсифланади. Уларда касаллик кўпинча сурункали шаклларда ўтади. Риккетсиялар сут, сийдик ва најас билан ташқи муҳитга ажралади.

Лаборатория ҳайвонларидан оқ сичқонлар, денгиз чүчқачалари, құёнлар уларга сезгирдір.

**Тарқалиш йўли.** *Coxiella burnetti* турли йўллар орқали тарқалади:

1) ҳаво чангি орқали, масалан, ҳайвон жуни қайта ишланаётгандага шу йўл билан маҳсус зотилжамни юзага келтиради.

2) алиментар, яъни касал ҳайвонлар чиқиндиси билан ифлосланган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш натижасида.

3) трансмиссив йўл, яъни Бернет риккетсиялари билан касалланган каналар чаққандага юқади.

**Патогенези.** Организмга тушган риккетсиялар лимфа ва қонга ўтади, натижада риккетсиемия ривожланади. Кейинчалик улар қон билан аъзо ва тўқималарга ўтади. Одам организмида риккетсиялар фагоцитозга учрайди, лекин улар фагоцитда лизисга учрамайди. (тугалланмаган фагоцитоз). Касалликнинг клиник белгилари организмнинг кириш дарвозасига боғлиқ эмас. Касалликнинг зотилжамга хос, гриппга хос ва менингоэнцефалитга хос шакллари тафовут этилади.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг мустаҳкам ва узоқ вақтга чўзилувчан иммунитет ҳосил бўлади ва бу ҳолат агглютинин ва комплемент боғловчи антителоларга боғлиқ бўлади.

**Профилактикаси.** Қурт-қумурсқа ва кемирувчиларга қарши курашиш. Уй ҳайвонларини ветеринар назоратида тутиш. Сутни қайнатиб ичиш. Касал ҳайвонларни ажратиш, беморларни госпитализация қилиш. Маҳсус профилактикаси мақсадида касаллик кўп учрайдиган жойларда одамлар Бернет риккетсияларининг М—44 штаммидан тайёрланган тирик вакциналар билан эмланади (вакцина яхши натижада беради, лекин салбий реакция бериши ҳам мумкин).

**Давоси.** Тетрациклин қаторига кирувчи антибиотиклар билан даволанади.

### Назарат учун саволлар

- ? 1. Бернет риккетсияларининг морфологияси ва культурал хоссаси қандай?
- 2. Бернет риккетсияларининг чидамлилиги қандай?
- 3. Бернет риккетсияларининг инфекция манбай ва тарқалиш йўлини биласизми?
- 4. Бернет риккетсиясидан касаллик келиб чиқмаслиги учун қандай профилактик ишлар олиб борилади?

### МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

Кон.

Беморнинг билак венасидан стерил шприц ёрдамида 5—7 мл ҳажмда стерил пробиркага олинади.

## Асосий текшириш усуллари

1. Сेрологик.
2. Биологик.

### СЕРОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ.

Қасалликнинг иккинчи ҳафтасида бемордан қон олиниб зардоби ажратилади ва қуидаги реакциялар ўтказилади:

1. Комплмент боғланиш реакцияси. Бемор қонининг зардоби 1:8 дан 1:128 гача суюлтирилади. Антиген сифатида Бернет риккетсияси қўлланилади. 1:32, 1-64 нисбатда реакция мусбат бўлади. Реакция қайта қўйилганда титр ортиб борса, қасаллик борлиги тасдиқланади. Реакция I ва II фаза антигенлар билан олиб борилади. II фазада реакциянинг мусбат бўлиши эса қасаллик кечеётганини, I ва II фазаларда мусбат бўлиши эса қасаллик бўлиб ўтганлигини кўрсатади.

2. Агглютинация реакцияси. Умумий схема асосида олиб борилади. 1:8, 1:16 нисбатда чўкма ҳосил бўлса, реакция мусбат дейилади.

### БИОЛОГИК СИНАМА

3—5 мл bemor қони денгиз чўчқачасига юборилади. Ҳайвон нобуд бўлганидан сўнг уни ёриб, талоқдан суюқлик ва бўлакча олиб товуқ эмбрионига юборилади. 8—13 кундан сўнг товуқ эмбрионини ёриб риккетсиянинг соф культураси ажратиб ўрганилади.

### Назорат учун саволлар.

- 1. Ку-иситмасига шубҳа қилинганда қандай диагностик усулдан фойдаланилади?
- 2. Қандай мақсадда комплемент боғланиш реакцияси қайта қўйилади?

### ВИРУСЛАР

Вирусли қасалликлар жуда қадим замондан маълум бўлса-да, вирусология алоҳида фан сифатида XIX аср охиirlари-дан ривожлана бошлади.

1892 йилда рус ботаник олими Д. И. Ивановский тамаки баргларининг мозаик қасаллигини ўрганаётганида бу қасалликни бактериологик фильтрларидан ҳам ўтиб кетадиган жуда майдабар мікроорганизмлар келтириб чиқаришини аниқлади. Бу мікроорганизмлар фильтрланувчи вируслар (лотинча *virus*—заҳар) номини олди. Кейинчалик бактериологик фильтрлардан ўтувчи бошқа мікроорганизмлар ҳам аниқланди ва шундан сўнг фильтрланувчи барча вирусларни «Вируслар» деб умумий ном билан атала бошланди.

Вирусларни ўрганишда кўпгина текширишлар ва мунозаралар бўлиб ўтган. Айрим олимлар уларни ҳужайрасиз парамит, тирик микроорганизмларнинг авлоди десалар, бошқалари бу ҳужайрали микроорганизмларнинг эволюцион ўзгариши на-тижасида юзага келган, вируслар ҳужайра элементларидан ажралиб чиқсан системалардир деб тахмин қилганлар.

Вирусларни ўрганишда М. А. Морозов, Н. Ф. Гамалея, Л. А. Зильбер, М. П. Чумаков, А. А. Смородинцев, В. М. Жданов ва бошқа олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар.

Вируслар — тирик материянинг ҳужайрасиз шаклдаги мавжудотидир. Улар жуда ҳам майда микроорганизмлардир. В. М. Жданов вируслар билан ўрта катталиктаги бактерияларни фил билан сичқонга солиштиради. Вируслар электрон микроскоп юратилиганидан сўнг тўлиқ ўрганила бошланди.

Хозирги вақтда вируслар кимёвий, физик, молекуляр-биологик, иммунобиологик ва генетик усулларда ўрганилмоқда.

Вируслар олами одамларни, ҳайвонларни, қурт-қумурсқаларни, бактерияларни ва ўсимликларни заарловчи вирусларга бўлинади.

Вируслар биологик хоссаси ва шаклига кўра турлича бўлса ҳам, улар умумий тузилишга эгадирлар. Етилган вируслар «вирионлар» дейилади.

Микроорганизмлар бир вақтнинг ўзида ДНК ва РНКни сақласа, вирион эса фақат битта ДНК ёки РНК, нуклеин кислотасини сақлади.

Вирусларда нуклеин кислота битта ёки иккита ипли бўлади. РНК сақловчи вирусларнинг асоси битта, ДНК сақловчи вируслар эса иккита ипчадан иборат бўлади. Таркибидаги нуклеин кислотасига кўра вируслар РНК сақловчи ва ДНК сақловчи вирусларга бўлинади. ДНК сақловчи вирусларга 5 та, РНК сақловчи вирусларга 19 та оила киради.

32-жадвал.

#### Вирусларнинг таснифи

Оила	Оила аъзолари вакиллари
ДНК сақловчи вируслар	
Поксвируслар	Чин чечак вируси Чин чечак вируси
Аденовируслар	Одам аденовирусн (34 серотип)
Герпесвируслар	Оддий герпес вируси. Сувчечак вируси
РНК сақловчи вируслар	
Пикорнавируслар	Полиомиелит вируси: Коксаки ва ECHO вируслари

Тогавируслар	Қана энцефалити вируси. Сариқ иситма вируси Омск геморрагик иситмаси вируси
Оптомиксовируслар Параметиксовируслар	Грипп вируси Параагрпп, тепки, қизамиқ ва бошқаларнинг вируслари
Рабдовируслар	Қутуриш вируси

### Классификацияланмайдиган вируслар

#### Гепатит вируси

Бу ерда одам учун патоген бўлган айрим вирусларгина кўрсатилди. (32-жадвал).

**Вирион тузилиши.** Вирион марказида нуклеин кислотаси жойлашган, у капсид (грекча капса—яшик) билан ўралган. Капсид оқсил табиатли капсомерлардан ташкил топган. Нуклеин кислотаси билан капсид биргаликда нуклеокапсид деб аталади. Етилган вируслар кимёвий тузилишига кўра нуклеокапсиддан ташкил топган бўлиб, атрофида капсомер жойлашди ва бундай ҳолларда вируслар таёқчасимон шаклда кўрилади.

Фаглар симметриянинг мураккаб турига эга бўлиб, унинг бош қисми кубсимон, дум қисми эса таёқчасимон шаклга эга. (сперматозоид шаклда). Янада мураккаброқ тузилишга эга бўлган айрим вируслар неплос деб номланувчи қобиқдан иборат. Бу қобиқ вирусларни хўжайини ҳужайрасидан ажралиб чиққанида ҳосил бўлади. Вирус капсиди хўжайини ҳужайрасининг цитоплазматик мемранаси ички қаватида ўралиб битта ёки бир нечта супер капсид қобигини ҳосил қиласиди. Бундай қобиқни фақат айрим вируслар, масалан, қутуриш, герпес, энцефалит вирусларигина сақлайди. Бу қобиқ фосфолипидлар сақлайди ва улар эфир таъсирида парчаланади.

Айрим вирусларнинг ташки ёғли қаватидан тиканга ўхшаш капсомерлар чиқиб туради (бу тиканлар ўтмас) ва уларни пепломерлар (масалан, грипп вируси) дейилади.

Нуклеин кислотаси насл белгиларини узатувчи бўлиб ҳисобланади, капсид ва ташки қобиқ эса ҳимоя функциясини бажаради. Бундан ташқари, улар вируснинг ҳужайра ичига киришига ёрдам беради.

**Вирусларнинг ўлчами.** Вируслар нанометрларда ўлчанади. Уларнинг ўлчами 15—20 дан 350—400 нм гача боради.

Вирусларнинг катта-кичиклигини ўлчаш усуllibar. 1) тешиклари маълум бўлган бактериологик фильтрларда фильтрлаш усули. 2) ультрацентрифугалаш (йирик вируслар тез чўкади). 3) электрон микроскопда суратга олиш усули.

**Вирусларнинг кимёвий таркиби.** Вирусларда ДНК ва РНК тузилиши ва миқдори турличадир. ДНК нинг молекуляр масаси  $1-10^9$  дан  $1,6 \cdot 10^8$  гача, РНК да  $2 \times 10^6$  дан  $9,0 \cdot 10^6$  гача бўлади.

Вирионларда оқсиллар кам миқдорда бўлиб, улар 16—20 та аминокислотадан ташкил топган. Капсид оқсилидан ташқари, нуклеин кислотаси билан боғланувчи ички оқсил ҳам мавжуд. Оқсиллар вирусларнинг антигенлик хоссасини намоён қиласди. Шунингдек, полипептид занжири зич жойлашганини сабабли у вирусларни ҳўжайиннинг ҳужайра ферментларидан ҳимоялаб туради.

Мураккаб вирионларнинг ташки қобиғида ёғлар ва углеводлар аниқланган. Ёғ ва углевод манбаи бўлиб ҳужайра қобиғи ҳисобланади. Айрим вируслар таркибига кирувчи полисахаридлар эритроцитларни агглютинацияга учратиш хоссасига эгадирлар.

**Вирусларнинг ферментлари.** Вируслар ўзларининг метаболизмига (модда алмашиниши) эга эмас ва шунинг учун ҳам модда алмашинувида иштирок этадиган ферментларга муҳтожлиги йўқ. Лекин айрим вирусларда ферментлар борлиги аниқланган бўлиб, улар вирусларнинг ҳўжайин ҳужайрасига киришида ёрдамлашади. Масалан, А грипп вирусидаги нейраминидаза, ҳайвон ҳужайраси қобиғида сақланадиган нейрамин кислотасини парчалаш хоссасига эга. Фагларида ҳужайра қобиғини парчаловчи лизоцим, фосфатаза ва бошқа ферментлар аниқланган.

**Вирус антигенларини аниқлаш.** Вирус антигенларини касалланган ҳўжайин ҳужайрасида иммунофлюоресценция усулида аниқлаш мумкин. Бунда вируслар билан касалланган ҳўжайин ҳужайрасига махсус иммун люминесцентловчи зардоб билан ишлов берилади. Люминесцент микроскоп остида қаралганда ҳужайранинг вируслар тўпланган қисмида ёруғлик ажralаётгани кузатилади. Вируслар турини эса ишлов берилган зардобга қараб аниқланади.

**Вирусларни ҳужайра билан ўзаро таъсири.** Бу жараён бир неча даврларда кечади.

I давр. Вирус ва ҳужайра рецепторлари ҳисобига адсорбция жараёни бошланади. Мураккаб вирионларда рецепторлар қобиқ юзасида тиканга ўхшаб (грипп вируси), оддий вирионларда эса капсид юзасида жойлашган бўлади.

II давр. **Вирусни ҳўжайин ҳўжайрасига кириши.** Бу турли вирусларда турлича ўтади. Масалан, айрим фаглар ўзларининг ўсимталари билан ҳужайра қобиғини заарлайди ва нуклеин кислотасини ҳужайра ичига киритиб юборади. Бошқа вируслар ҳўжайин ҳужайрасига вакуола ёрдамида тортилиш йўли билан киради, яъни вирус кираётган жойнинг ҳужайра қобиғида чуқурча ҳосил бўлади. Сўнгра чуқурчанинг четлари бирикади ва вирус ҳужайра ичига қолади. Бундай тортилиш йўлини виропексис дейилади.

III давр. «**Вирусни ечинтириш**» (дезинтеграция). Нуклеин кислотаси ўзини ҳимоя қилиб турувчи оқсил қаватидан (қобиқ

ба қапсид) қутулади. Ечиши жараёни адсорбция вақтида ёки вирус ҳужайра ичига тушганда кечиши мумкин.

IV давр. Бу даврда нуклеин кислоталарининг репликацияси (нусха кўчириш) ва вируслар оқсилиниг синтезланиши бошланади. Бу даврда хўжайин ҳужайрасининг ДНК ёки РНКси иштирок этади.

V давр. Вирионни тўплаш. Бу жараён вирусларнинг нуклеин кислотаси атрофида оқсил бўлакларини ўзларича тўпланиши билан ўтади. Оқсиллар синтези вирус нуклеин кислотасининг синтезидан сўнг бир неча соат ёки дақиқа оралиғида бошланиши мумкин. Айрим вирусларда ўзларича тўпланиш цитоплазмада, бошқаларида хўжайнинг ядро ҳужайрасида юзага келиши мумкин. Ташқи қобиги (пеплос) доимо цитоплазмада ҳосил бўлади.

VI давр. Хўжайнин ҳужайрасидан вирионлар унинг қобиги орқали сиқиб чиқарилади ёки улар хўжайнин ҳужайрасида ҳосил бўладиган тешик орқали (бу ҳолда хўжайнин ҳужайраси нобуд бўлади) чиқади.

### ВИРУС ВА ҲУЖАЙРАНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИР ТУРЛАРИ

Биринчи тури — самарали инфекция — хўжайнин ҳужайрасида вирионларнинг янгидан ҳосил бўлиши билан тавсифланади.

Иккинчи тури — абортив инфекция — нуклеин кислотаси репликациясининг узилиши билан кечади.

Учинчи тури — хўжайнин ҳужайрасида ДНК нуклеин кислотасининг яратилиши билан тавсифланади. Бунда хўжайнин ҳужайраси ва вируснинг биргаликда яшаш шакли (вирогения) юзага келади. Бундай ҳолда вирус ва ҳужайра ДНК репликациясининг синхронлиги таъминланади. Фагларда эса бу жароён лизогения деб юритилади.

**Микроскопик текшириш.** Айрим вирусли инфекцияларда организм ҳужайра цитоплазмаси ёки ядросида махсус ҳужайра ичидаги танаачалар, яъни киритмалар (қутуришда Бабеш—Негри, чечакда Гварниер танаачалари) кузатилади ва бу ҳол диагностикада катта аҳамиятга эга. Вирус бўлаклари ва танаача—киритмаларни сунъий равишда, махсус усуулларда ишлов бериш ёрдамида катталашиб микроскоп иммерсион системасида ўрганилади. Майда вирионлар эса электрон микроскоп остида кузатилади. Ҳужайра ичидаги киритмалар ҳақида турлича нуқтаи назарлар мавжуд. Айрим олимлар уларни вирусларнинг тўпланиши натижаси десалар, бошқалари вирусни ҳужайра ичига кириши натижасида ҳосил бўлган реакция натижасидир деб ҳисоблайдилар.

**Вирусларнинг чидамлилиги.** Кўпгина вируслар юқори ҳарорат таъсирида парчаланади. Лекин, айрим вируслар, масалан, гепатит вируси юқори ҳароратга чидамлидир.

Паст ҳароратга вируслар сезувчан эмас. Қуёшнинг ультрабинафша нурлари вирусларга парчаловчи таъсир кўрсатади. Қуёшнинг тарқоқ нурлари эса уларга камроқ таъсир кўрсатади. Вируслар глицеринга чидамли бўлиб, бу уларни глицеринда узоқ вақт сақланишига имкон яратади. Улар антибиотикка чидамли (вирусларни культивация қилишда уларни қўшимча микроФлорадан озод қилиш учун антибиотиклар билан ишлов берилади).

Ишқор, кислота ва дезинфекцияловчи моддалар вирусларга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Лекин, айрим вируслар формалин таъсирида парчаланса ҳам иммуногенлик хоссасини сақлаб қолади. Бу вазият вакциналар олишда формалиндан фойдаланишига имкон беради (қутуришга қарши вакцина).

**Патогенлиги.** Айрим вирусларга сезувчан ҳайвонлар катта доирани ташкил этади. Масалан, қутуриш вирусига кўп ҳайвонлар сезувчан бўлади. Айрим вируслар эса фақат битта тур ҳайвонни заарлайди. Масалан, ит тоун вируси фақат итларни заарлайди. Шундай вируслар борки, ҳайвонлар уларга умуман сезувчан эмас (масалан, қизамиқ вируси).

### **ВИРУСЛАРНИНГ ТАШҚИ МУҲИТГА ЧИҚИШИ ВА ТАРҚАЛИШИ**

Бемор организмидан полиомиелит вируси ва бошқа энтеровируслар нажас билан, қутуриш вируси сўлак билан, грипп вируси ва бошқалар нафас шиллиқ пардалари орқали ташқарига чиқади.

Вируслар ҳаво-томчи. (грипп, чечак), алиментар (гепатит, полиомиелит), билвосита контакт (қутуриш), трансмиссив (энцефалит) йўллар билан тарқалади..

**Вирусларни ундириш усуллари.** Вируслар фақат тўқималарда ўсади. Улар товуқ эмбрионида, культура тўқималарида, сезувчан ҳайвон организмида, бўғимоёқлилар организмида ўстирилади.

Вирусларни ўрганишнинг дастлабки даврларида олимлар ҳайвонларга юқтириб кузатганлар. Лекин бу усул жуда мураккаб бўлиб, кўпгина вирусларга эса ҳайвонлар сезувчан ҳам эмас эди.

Вирусология ривожланишида уларни товуқ эмбрионида, одам ва ҳайвон культура тўқималарида ўстириш катта натижалар берди.

**Товуқ эмбрионини заарлаш.** Вируслар билан заарлаш учун 7—12 кунлик товуқ эмбриони олинади ва у  $37^{\circ}\text{C}$  ли термостатда қолдирилади. Ҳаводаги намлиқ етарли бўлиши учун эса термостатга идишда сув қўйилади.

Товуқ эмбрионининг тажрибага яроқлилиги эмбрионнинг ҳаракатланиши ва хорион-аллантоис қобифидаги қон томирларининг кўринишига қараб аниқланади. Бунинг учун овоскопдан фойдаланилади.

Товуқ эмбрионининг қуйидаги қатламларига заарли материаллар юборилади:

- 1) хорион—аллантоис қобиғига
- 2) аллантоис бўшлиғига
- 3) амниотик бўшлиғига
- 4) сариқлик қопчасига.

Товуқ эмбрионини зааррлаш боксларда, стерил шароитда, стерил асбоблар ёрдамида олиб борилади. Ишни бошлашдан аввал товуқ эмбриони икки марта спиртга намланган пахта билан артиб юборилиши лозим.

**Хорион—аллантоис қобигини зааррлаш.** Тухум спирт билан заарсизлантирилгандан сўнг унинг тўмтоқ қисмини пўстлоғи, сўнгра пўстлоқ остидаги парда олинади, ва шунда хорион—аллантоис қобиги кўринади. Заарли материалдан стерил шприц ёки пипетка ёрдамида 0,1—0,2 мл олиб хорион—аллантоис қобигига юборилади. Сўнг тухум пўстлоғи яна ёпилиб устидан эритилган парафин қуйилади.

Тухумнинг бошқа бутун жойига унга қандай заарли материал юборилганлиги оддий қаламда ёзилади.

**Амниотик бўшлиғини зааррлаш.** Тухум овоскопга қўйилиб унинг ён томонидан қон томирлари кам бўлган хорион—аллантоис қавати қалам билан белгилаб олинади. Тухум горизонтал ҳолатда заарсизлантирилади. Махсус стерил наиза билан унинг пўсти 2—3 мм чуқурликда тешилади ва шу тешик орқали стерил шприц ёрдамида заарли материал амниотик бўшлиғига юборилади. Юборилаётган суюқлик тошиб кетмаслиги учун тухумни ҳаво қопи томонидан тешиб қўйиш лозим. Заарарли материал юборилгандан сўнг иккала тешик парафин билан бекитилади.

**Аллантоис бўшлиғига юбориш.** Зааррлаш қоронфилаштирилган боксда олиб борилади. Тухумнинг ҳаво қатлами белгилаб олинади ва заарсизлантирилади. Сўнгра унинг пўстидан бўшлиқ очиб, стерил шприцда заарли материал эмбрион томон ҳаракатлантирилади. Агарда игна аллантоис бўшлиғига етган бўлса эмбрион сояси ўз жойини ўзгартиради. Заарарли материал юборилгандан сўнг тешик парафин билан бекитилади.

Вируснинг биологик хоссасига қараб зааррланган тухумни сақлаш вақти ва ҳарорати белгиланади.

Зааррланган тухумни ҳар куни овоскопга қўйиб, эмбрионнинг тириклиги текширилади. Эмбрион биринчи куниёқ нобуд бўлса, у заарарли материал юборилаётганда шикастланган деган холосага келинади. Бундай тухумлар тажрибадан четлаштириллади.

Эмброннинг ҳар бир қатламини ўрганиш талаб қилинади. Бунинг учун материал маълум тартибда тўпланади. Дастреб аллантоис суюқлиги, сўнгра амниотик суюқлиги пипеткада сўриб олинади, хорион аллантоис қобиги, амниотик қобиги, эмбрион сариқлик қопчаси ва шундан сўнг хорион аллантоис қо-

бифи ажратилади. Хорион аллантоис қобигидаги ўзгаришлар-нинг тавсифига қараб зарагланган эмбрионда вирус борлиги аниқланади.

Гемагглютинация активлигига эга бўлмаган вируслар комплемент боғланиш реакцияси ёрдамида аниқланилади.

Аллантоис ёки амниотик суюқликда вирусни аниқлаш учун гемагглютинация реакцияси қўйилади.

## КУЛЬТУРА ТЎҚИМАЛАРИДА УНДИРИШ УСУЛИ

Сезгир тўқима культураларида вирусларни ундириш учун одам ва турли хил ҳайвонлар тўқималаридан фойдаланилади. Бирламчи трипсинланган бир қатламли культуралар ва организмда қайтадан ишланган тўқималар юбориш амалиётда кенг қўйланилади.

Бир қатламли культура тўқималар ясси шиша — матрацларда ундирилади. Суюқ озуқа мұхитнинг тўқима суспензиялари  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда маълум гистологик тузилишга эга бўлган «*In vitro*» тўқима қатламлари ўзгаришига (дегенерацияга) қараб вирусларнинг бор-йўқлиги аниқланади. Вирус сақловчи материал унга мос бўлган маълум турдаги зардоб қўшиб вирусларни нейтралланишига қараб уларни аниқлаш мумкин.

Бу усуллар текшириш натижаларини тезроқ олишга ёрдам беради ва анча тежамли ҳисобланади. Агар вируслар цитопатологик ўзгаришлар келтириб чиқармаса ёки товуқ эмбрионида ўсмаса, бундай ҳолларда лаборатория ҳайвонларини заарлаш усулидан фойдаланилади.

Вирусларни ундириш учун қайта ишланган тўқималардан фойдаланилади. Бу тўқималар хавфли ўсмалардан олинади.

Бир қатламли тўқималар одам, товуқ, ҳайвон эмбрионларидан олинади. Бир қатламли тўқималар уларда вируслар ундириш усулиниң олдийлиги ва натижани осонина ўқилиши билан устун туради.

Тўқималарнинг организмдан ташқарида ривожланиш қобилияти уларнинг дифференцияланиш даражасига боғлиқ. Қамроқ дифференцияланган тўқималар катта пролиферация (тўқима элементларининг кўпайиши) қобилиятига эга (масалан, биркитиувчи, эпителial тўқималар).

Бирламчи культура тўқималарини тайёрлаш усулиниң мөҳияти ҳужайралараро тўқималарни парчалаш ва уларни ажратиб бир қатламли тўқималар ҳосил қилишдан иборат.

Тўқималарни ажратиш, асосан уларга протеолитик ферментлардан трипсинни таъсири эттириш йўли билан олиб борилади. Трипсин эритмаси ҳужайраларни бўлинниб кўпайиш хусусиятини сақлаб қолган ҳолда, уларни ажралишини таъминлайди. Тўқималар культурасини ўстириш учун маълум озуқа мұхитлар керак. Озуқа мұхитлар таркиби жуда мураккаб бўлиб қатор ингредиентларни (аминокислота, глюкоза, витамин,

минерал тузлар, коферментлар ва бошқаларни) ўз ичига олади. Тўқималар культураси асептик шароитда олинади. Бактериал флорани ўлдириш учун озиқа муҳитларига антибиотиклар (1 мл озиқа муҳитига 500 бирлик пенициллин ва 250 бирлик стрептомицин) қўшилади. Тайёрланган тўқималарга 0,25% ли иситилган трипсин эритмаси қўйилади ва термостатда 37°C га қолдирилади. Тўқима ўстирилаётган даврда колбани вақти вақти билан айлантириб турилади. Трипсинланган тўқималар 5 дақиқа давомида 800—1000 айланма тезликда центрифуга қилинади.

Тўқималарни жароҳатламаслик учун трипсинлаш ва центрифугалашни жуда эҳтиётлик билан олиб бориш лозим. Центрифуга қилингандан сўнг чўкма устидаги суюқлик тўклилади, чўкмаси эса озиқа муҳитига жойлаширилади. Бир хил тўқима аралашмаси ҳосил бўлиши учун чўкма бир қаватли стерил докали воронка орқали фильтранади. Тўқима аралашмасини стерилликка текшириш учун 0,1 мл дан олиб иккита пробиркадаги шакарли шўрвага экиласди.

Тўқималар культурасини яхши ўсиши экилаётган тўқималарнинг миқдорига боғлиқ. Шу сабабли трипсинлангандан кейин Горяев камерасидаги тўқималар ҳисобланади. Тўқима аралашмаси бўлингандан сўнг 1 мл да 500000—1000000 та тўқима нисбатида озиқа муҳитида суюлтирилади ва пробиркаларга ҳамда матрацларга қўйилади. Тўқима культураси бўлган пробиркалар термостатда қийшайтирилган ҳолда қолдирилади.

Экилган культураларнинг ўсаётганлигини билиш учун улар ҳар куни микроскопнинг кичик объективида ўрганиб турилади. Нормал пролиферацияланган ҳужайралар ёруғ ва бир қатлами бўлиб ўсади. Агар ҳужайралар қоронфи, донадор ва пролиферацияланган бўлтмаса, муҳит ифлосланганидан (идишлар яхши тозаланмаган ёки ингредиентлар ифлослигидан) далолат беради. Бундай культуралар тажрибадан четлаштирилади.

Озиқа муҳитлар культура экилгандан сўнг 2—3 кунда алмаштириб турилади, бу пролиферация кучини яхшилади. Нормал, яхши пролиферацияланган ҳужайраларгина текширилаётган материал билан заарланади.

Қайта ишланган күтуралар хавфли ўスマлардан олинади. Нела штамми *Helena* исмли аёлнинг бачадон бўйин ракидан (1950 йил), Нер—2 штамми ютқин ракидан олинган.

Бу ҳужайралар лаборатория шароитида кетма-кет экиш йўли билан ўстирилади. Уларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, ҳужайралар узоқ вақт давомида бўлиниб кўпаяди. Ҳозирги вақтда бу ҳужайралар минглаб (генерациядан) авлоддан алмашиб ўтган. Экиш жараённида улар айрим морфологик ва биокимёвий хоссаларини йўқотади, яъни мутацияга учрайди. Шундай бўлса ҳам улар вирусларни ўлдириш қобилиятига эгадирлар. Бундай тўқима культураларидан бутун дунё лабораторияларида фойдаланилади. Тўқима культураларида вирус-

ларнинг бўлинниб кўпайиш муддати уларнинг ўз хоссаларига ва тўқима турига боғлиқдир.

Вирусларнинг борлиги тўқималарнинг цитопатологик таъсирига қараб баҳоланади. Микроскоп остида қаралганда ҳуҗайраларда ўзгаришлар кузатилади. Вируснинг хоссаси ва миқдорига қараб, тўқиманинг цитопатологик таъсири ва фаолияти ўзгаради.

Айрим вирусларда цитопатологик таъсири бир неча кундан кейин (чечак вирусида), бошқаларида 1—2 ҳафтада (гепатит вируси ва бошқаларда) кўринади.

Хозиргача одамни жароҳатловчи юзлаб вируслар аниқланган. Вирусли инфекцияларга қарши курашиш бир неча усуllibарда олиб борилади. Эмлаш энг яхши усули ҳисобланади. Эмлаш ёрдамида чечак батамом йўқотилган. Полиомиелит касаллиги эса кескин камайган. Вирусли инфекцияларга қарши курашишда умумий профилактика — дайди итларни йўқотиш (қутуришда) шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва бошқалар катта аҳамиятга эга.

Лекин бу тадбирларнинг ҳаммаси ҳам вирусли касалликларни тўлиқ йўқота олмайди. Хозирги вақтда олимлар ҳужайрани жароҳатламаган ҳолда вирусларни йўқотиш йўлларини изламоқдалар.

### Асосий текшириш усуllibари:

1. Гемагглютинация реакцияси, бевосита гемагглютинация реакцияси, комплемент боғланиш реакцияси.
2. Иммунофлюресценция усули.
3. Тўқима культураларида вирусларни нейтраллаш реакцияси.
4. Гистологик усул—киритмалар (қутуришда Бабеш—Негри киритмаси, чечакда Пашшен танаачалари ва бошқалар) аниқланади.
1. Биологик усул.

## 43-боб. РНҚ—САҚЛОВЧИ ВИРУСЛАР

### ГРИПП ҚЎЗҒАТУВЧИСИ

Грипп нафас йўлининг кенг тарқалган ўткир юқумли касаллиги бўлиб, у эпидемиологик характерга эга ва кўпгина одамларни шикастлантиради.

XX—аср бошларида М. И. Афанасьев ва П. Б. Вакс касалликларнинг вирус табиатли эканлиги ҳақида айтиб ўтганлар. 1903 йили Ч. Смитс, К. Эндрюс ва П. Лейдлоу беморлардан ажратиб олинган грипп вирусининг турини ўргандилар ва уни грипп вирусининг А—тури деб номладилар. 1930 йили Т. Френ-

сис ва Т. Меджилм В—грипп вируснини, 1847 йили Р. Тейлер С—грипп вируснин аниқлаганлар. Грип вируси *Otrhomyxoviridae* оиласига киради.

Бу оиласа одамларда, ҳайвонларда ва қушларда касаллик келтириб чиқарувчи вируслар ҳам киради.

**Морфологияси.** Грипп вируснинг тузилиши мураккаб. Унинг таркибига битта РНК ипчаси киради ва у нуклеокапсид, спиральсимон ва липидуглевод протеинли (ёғ, углевод, оқсил) қобиқ билан ҳимояланган. Қапсомерларининг миқдори түлиқ аниқланмаган. Вирусни асосан сферик шакли, камроқ ҳолларда ипсимон шакллари ҳам учраб туради. РНК хўжайин тўқимаси ядросида синтезланади. Вируснинг оқсили эса цитоплазмада синтезланади. Вирус таркиби тўқима қобигига яқин ҳолда ташкил топган.

**Культурал хоссаси.** Грипп вируси товуқ эмбрионининг амниотик ва аллантонис қобигида яхши ривожланади. Бундан ташқари, маймун буйрак тўқимаси кульгурасида ва одам эмбрионида яхши ривожланади.

**Антигенлик тузилиши.** Грипп вируси S — антигенини сақлайди, комплемент боғланиш реакциясида улар A, B, C турларига бўлинади. A—вирусида яна 2 та антиген—гемагглютинин ва нейраминидаза антигенлари аниқланган. Гемагглютинин 4 та ( $H_0$ ,  $H_1$ ,  $H_2$ ,  $H_3$ ), нейраминидаза 2 та ( $N_1$  ва  $N_2$ ) ҳисобланади. B — тур вируси чидамли, C — тур вируси энг чидамли ҳисобланади.

Грипп вируси ўз таркибида кичик турларини сақлайди.

**Чидамлилиги.**  $65^{\circ}$  ҳарорат таъсирида 5—10 дақиқада,  $50^{\circ}\text{C}$  таъсирида бир неча дақиқада нобуд бўлади. Уй ҳароратида бир неча дақиқадан сўнг инактивацияланади. Кислота, ишқор, эфир, дезинфекцияловчи моддалар таъсирида тез нобуд бўлади. УБН (ультрабионафша нур) таъсирига сезгир.

**Инфекция манбаси.** Касал одам, инфекция манбаси ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Ҳаво-томчи (гацлашганда, аксирганда, ўйталганда) йўли орқали тарқалади.

**Патогенези.** Вирус юқори нафас йўли шиллиқ пардалари орқали кириб, унинг эпителиал ҳужайраларига киради ва қонга сўрилади интоксикацияни келтириб чиқаради. Вируслар шиллиқ қаватдаги тўқималарни нобуд қиласади. Бу эса бошқа микробларни ҳам организмга кириб касаллик келтириб чиқаришига сабабчи бўлади (масалан, зотилжам, бронхит ва б.).

Бундан ташқари у сил касаллигини келиб чиқишига ҳам қулай шароит яратиб беради. Касалликдан сўнг типоспецифик иммунитет юзага келади.

**Профилактикаси.** Беморларни изоляция, госпитализация қилиш, хоналарни шамоллатиш, намли шароитда тозалаш ва бошқалар. Организмни совуқ олишининг олдини олиш, яъни интерферонни кам ишлаб чиқарилишини олдини олиш.

**Махсус профилактикаси.** Тирик вакцина қўлланилади. Унинг таркибида А ва В турли кучсизланган вируслар мавжуд. Болаларнинг оғиздан юбориладиган тирик вакцина ҳам ишлаб чиқилган. Гриппдан сақланиш учун интерферонли ва осалини суртмалар қўлланилади. Санитария маорифи ишларини олиб бориш, касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

**Давоси.** А грипп вирусида йўталнинг олдини олиш учун ревматадин қўлланилади. Иккиласмчи инфекциянинг олдини олиш учун антибактериал препаратлар берилади.

### ЛАБОРАТОРИЯ ДИАГНОСТИКАСИ ТЕКШИРИШ УЧУН МАТЕРИАЛ

1. Бурун шиллиқ қаватидан суртма (касалликнинг ўткир даврида)
2. Бурун-ютқун ажратмаси.
3. Кон.

#### ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТУПЛАШ

Бурун шиллиқ қаватидан суртма (тезлаштирилган усул).

Пахта тампон ёрдамида бурун шиллиги тозаланади ва пардозланган шиша ойнча бурун ичига киритилади. Бурунга киритилган ойнча буруннинг пастки қисмига босилади ва секин-аста чиқаруб олинади.

Бурун-ютқундан ажратма.

1-усул. Беморга 10—15 мл физиологик эритма билан томоғини чайиш таклиф этилади ва бундай чайиш 2—3 марта тақорланади. Чайнди сувни оғзи кенг идишга йиғилади. Сўнг қуруқ тампон билан ютқин ва бурун шиллиги артилади.

2-усул. Қуруқ ёки физиологик эритма билан намланган тампон ёрдамида ютқуннинг орқа девори артилади. Тампонни намлаш учун 5% ли иннактивацияланган ҳайвон зардобини ҳам қўллаш мумкин. Ютқуннинг орқа девори шундай йўсинда 2—3 марта артилади. Ҳар сафар янги тампон олинади. Бемордан олинган тампон пробиркадаги 5 мл шўрвага солинади.

Кон

Бенадан 3—4 мл олиниб зардоби ажратилади. Касалликнинг биринчи даврида ва 2-марта бемор тузалаётган даврида шундай қилинади (жуфт зардоб билан реакция қўйиш учун олинади).

## **Асосий текшириш усуллари:**

1. Бурун-ютқун ювиндисини товуқ эмбрионида ундириш.
2. Риноцитоскопик усули.
3. Иммунофлюоресценция усули.
4. Серологик усул—жуфт зардоблар билан комплемент боғланиш ва тормозланган гемагглютинация реакцияси қўйилади.

Бурун-ютқундан олинган ювинди маҳсус усулда заарсизлантирилади ва унга 500 бирликдан пенициллин ва 250 бирликдан стрептомицин қўшилади, сўнгра у билан 9—11 кунлик товуқ эмбриони заарланади.

Вируслар 3—4 кундан сўнг бўлиниб кўпаяди ва буни гемагглютинация реакцияси ёрдамида аниқланади. Антиген сифатида товуқ эмбрионининг аллантоис суюқлигига ўсган вируслар қўлланилади.

Қайси штаммга тегишли эканлигини унга мос иммунологик зардоб билан тормозланган гемагглютинация реакцияси қўйиб аниқланади.

## **ТЕЗЛАШТИРИЛГАН РЕАКЦИЯ**

Бурун шиллиғидан олинган суртма тезлаштирилган реакция асосида текширилади.

**Риноцитоскопик текшириш.** Бу текшириш тахминий ҳисобланади. Бурун шиллиғидан суртма тайёрланиб, Романовский усулида бўялади ва микроскоп остида текширилади. Грипп касаллигида киприкчалардан маҳрум бўлган ҳужайралардан цилиндрисимон эпителийсида ўзгаришлар кузатилади. Бундан ташқари, цилиндрисимон ҳужайраларни Романовский усулида бўялганда бинафша рангга бўялган киритмаларни кўриш мумкин. Цилиндрисимон эпителийлардаги ўзгаришлар ва киритмалар касалликнинг биринчи давларида аниқланади.

Тезлаштирилган усулга иммунофлюоресценция усулини ҳам киритиш мумкин. Суртма препаратга турга хос иммунофлюоресценция антизардоб билан ишлов берилади. Эпителиал ҳужайраларда грипп вируси аниқланса яшил-сарик ёруғлик ажralади.

## **СЕРОЛОГИК ДИАГНОСТИКА**

Ретроспектив диагностика учун жуфт зардоб усули қўлланилади. Бемордан касалликнинг бошларида ва соғайиш давларида қон олинади. Зардоби ажратиб олингандан сўнг комплемент боғланиш ва тормозланган гемагглютинация реакциялари қўйилади. Антиген сифатида диагностик грипп антигенидан фойдаланилади.

Реакция мусбат бўлса, иккинчи усули зардоби билан натижа тўрт марта ва ундан ҳам юқори антитело титрига тенг бўлади.

## **Назорат учун саволлар**

- ?
- 1. Грипп вирусининг морфологиясини айтиб беринг?
- 2. Грипп вируси қандай ундирилади?
- 3. Грипп вирусининг антигенлик тузилиши қандай?
- 4. Грипп вирусининг ташқи муҳитга чидамлилиги қандай?
- 5. Нима сабабдан грипп қасаллигига иккиласми инфекция юзага келади?
- 6. Грипп қасаллигининг лаборатор диагностикасида қандай усуллар қўлланилади.

### **44-боб. ҚУТУРИШ ҚЎЗФАТУВЧИСИ**

Қутуриш вируси Rhabdoviridae (рабдовирус) оиласига киради. Бу оиласи қутуриш вируси, везикуляр стоматит, ҳайвонлар ва ҳашаротларда қасаллик келтириб чиқарувчи вируслар киради.

Минг йиллар давомида инсоният бу қўркинчли қасаллик—қутуришдан азият чекиб келган. Бу қасаллик ҳақида Аристотель ва Абу Али ибн Сино китобларида ҳам қайд қилиб ўтилган. Эрамиздан I аср илгари Рим олими Цельский ит тишлаган жойни нурлантирилган темир билан куйдиришни таклиф этган. Бу оғриқли ишларни фақат ит тишлаган жойнинг юзаси катта бўлмаган ҳолларда ва шу заҳоти қилиш лозим эди. Бундай даволаш ишларини тарихдан кўплаб келтириш мумкин. Уз даврида улар ҳам фойдали натижалар берган.

Қутуриш вирусини биринчи бўлиб 1880 йили Л. Пастер аниқлаған. 1886 йили Одессалик шифокорлар ўз маблағларидан Н. Ф. Гамалеяни Парижга, Л. Пастер ҳузурига, қутуришга қарши вакцина қандай усулла тайёрланишни ўрганишга жўнатадилар. У Одессага қайтиб келганидан сўнг лаборатория очилди ва бу ерда антирабик вакцина тайёрлана бошланди.

**Морфологияси.** Қутуриш вируси таёқчасимон (ўқсимон) шаклга эга, бир учи яssi, иккинчи учи эса бироз чўзиқ. 80—180 нм катталиқда. Таркибида битта ипли РНҚ ни сақлайди, атрофи капсид билан ўралган. Капсид эса ташқи тарафидан гликопротеид ва гликолипидларини сақловчи қобиқ билан ўралган. Қобиқда пепломери мавжуд.

Вирус билан зааралangan ҳужайра цитоплазмасида Бабеш (1982) ва Негри (1903) аниқлаган киритмаларни ҳосил қилади. Шунинг учун уларни Бабеш—Негри танаачалари деб юритилади. Бу танаачаларнинг катталиги 3—4 дан 20 мкм гача. Улар турли шаклларда, кўпинча сферик, овалсимон ва кўп қиррали бўлиши мумкин. Кислотали бўёқларда улар қизил рангга киради.

Бабеш—Негри танаачалари бош мия нерв ҳужайралари цитоплазмасида жойлашади.

**Бабеш—Негри танаачаларини аниқлаш диагностикада катта аҳамиятга эга.**

**Культурал хоссаси.** Қутуриш вируси сичқон, жүжі, қүён, мия түқимасида, товуқ әмбриони, бузоқ, қүй әмбрионларыда ва турли хил ҳайвонларнинг түқима күльтураларыда ундирілади.

**Антигенлик хоссаси.** Қутуриш вируси антигенлик турлары га эта эмас. Иккى хил қутуриш вируси мавжуд бўлиб биринчиши ёввойи — кўча вируси, ҳайвонлар орасида айланиб юради. Одам учун ҳам патоген ҳисобланади. Иккинчи қутуриш вирусини Л. Пастер узоқ вақт (133 марта) кетма-кет қўён миясига юбориш йўли билан олган. Бунда қўённи зараплашдаги вирусни яширин даври 21 кундан 7 кунгacha қисқарган. Кейинги зараплашлар вируснинг яширин даврини қисқартирмади. У етти кунлигича қолди ва бу вирус фиксацияланган (*Viruc fixe*) вирус деб номланди. Вирусни қўён миясига юбориш жараёнида у қўён миясига жойлашди ва касаллик келтириб чиқариш хоссасини йўқотди. Лекин у антигенлик хоссасини тўлиқ сақлаб қолди. Шунинг учун бу вирус қутуришга қарши антирабик вакцина тайёрлашда қўлланилади.

**Патогенлиги.** Қутуриш билан уй ва ёввойи ҳайвонлар, қушлар касалланади. Қўпинча ит, бўри, тулки, кўршапалаклар ва бошқалар касалланади. Қўршапалакларда касаллик белгисиз ўтади. Улар қутуриш вирусини сақловчи манба бўлиб ҳисобланиши мумкин.

**Инфекция манбаи. Касал ҳайвон, одам.**

**Тарқалиш йўли.** Қутуриш вируси бевосита контакт йўли орқали, яъни қутурган ҳайвон тишилаганда ёки касал ҳайвоннинг сўлаги шикастланган тери ва шиллиқ пардаларга тушиб натижасида тарқалади.

**Патогенези.** Қутурган ҳайвон тишилаганда ёки сўлаги тушган вақтдан касаллик юзага келгунча бўлган давр 15—45 кундан 3—6 ойгача давом этади (ҳатто яширин давр 1 йилдан ортиқ бўлганлиги ҳам аниқланган).

Яширин даврнинг узоқлиги инфекциянинг кириш дарвозасига ва жароҳатланган тўқиманинг табиатига ва жойланишига боғлиқдир. Бош ва юз қисмини тишилаганда яширин давр қисқа бўлади.

Вируслар организмга кирган жойдан нерв тўқималари орқали тарқалади ва марказий нерв системаси ҳужайраларига тушади. Вируслар гиппокампда, чўзинчоқ мия, бош суюк нерв ядролари ва орқа миянинг бел қисмида кўп миқдорда тўпландади. Нерв ҳужайраларидаги вируслар бўлиниб кўпаяди. Натижада нерв системаси шикастланниб юрак рефлектор қўзғалиши — томир тортишиши, нафас ва ютқун мускулларининг чангак бўлиши кузатиласи. Ҳансираш, ҳаводан чўчиш (аэрофобия) ва сувдан қўрқиш (гидрофобия) юзага келади. Сув ҳақидаги биргина ҳабар беморда кучли оғриқли чангак келтириб чиқаради. Ҳаво ҳаракати, шамол, баъзан ҳар қандай, шовқин, рав-

шан ёруғлик ва шу кабилар беморда талваса тутишига сабаб бўлади, бемор безовта бўлиб, кўпинча атрофидаги кишилардан биронтасини уриш, тимдалаш ҳатто, тишлашга пайт пойлайди. 4—5 кундан сўнг касаллик ўлим билан тугайди. Даволанмаган беморларда ўлим 100% ни ташкил қиласди.

Итларда қутуриш белгилари қуйндагича намоён бўлади: итларнинг қовоғи солинган, хўмрайган, сўлаги оқиб турган бўлади. Итлар еб бўлмайдиган нарсаларни (тошларни, қисқич, оташкурак ва бошқаларни) emoқчи бўладилар ва кейин уларда ўта қўзғалиш даври бошланади. Итлар бошларини паст қилиб тўгри чизиқ бўйича чопадилар. Йўлда учраган одамга ҳұрмасдан бирданига ташланадилар ва тишлайтилар. Қўзғалиш даври фалажланиш билан алмашинади ва ўлим билан тугайди.

**Иммунитети.** Инфекциядан кейинги иммунитет тўлиқ ўрганилмаган. Эмлангандан кейин иммунитет 2 ҳафтадан сўнг ҳосил бўлади. Бу вазият вирусни нейтралловчи антителоларга боғлиқ. Шунингдек, у кўча ва фиксация вирусларининг интерференциясига ҳам боғлиқ. Интерференциянинг ажойиб ҳусусияти шундан иборатки, бунда фиксацияланган вирус асаб ҳужайраларига тез етиб боради ва уларда бўлинниб кўпаяди ҳамда кўча вирусини ҳужайраларга киришига тўсқинлик қиласди. Иммунитет б ѿйгача сақланади.

**Профилактикаси.** Қутурган итларни, ҳайвонларни, дайди итларни йўқотиш, итларни рўйхатга олиш ва албатта қутуришга қарши эмлаш. Тишлаган ҳолларда жароҳатни совунлаб ювиш, тиббий кўрикдан ўтказиб жароҳатни тозалаш.

**Махсус профилактикаси.** Пастер томонидан таклиф этилган антиробик вакцинасини юбориш лозим. Вакцина фиксацияланган қутуриш вируси билан заарланган ҳайвон (қўён, сичқон ва б.) мия тўқима аралашмасидан ташкил топган 2 хил вакцина мавжуд — Ферми ва Филлипс вакциналари. Улар консервантларнинг миқдори ва сифатига кўра бир-биридан фарқланади. Ферми вакцинаси 1% ли фенол, Филлипс вакцинаси эса глицеринни сақлайди.

Кейинги йилларда амалиётда Флори вакцинаси ҳам қўлланилмоқда. Бу тирик антирабик вакцинадир. Қуш эмбрионида ундирилган вируслардан тайёрланган бўлиб, уларнинг таъсир механизми ҳали ўрганилмаган. Тишланган ёки касал ҳайвон сўлаги тушган беморларнинг барчаси эмланиши шарт. Вакцинацияга қаршилик йўқ, лекин етарли кўрсатмалар бўлмаган одамларга вакцина юбориб бўлмайди, чунки фиксацияланган вирус турли асоратлар келтириб чиқариши мумкин. Беморларга вакцина ўз вақтида ва кўп миқдорда қилиниши лозим. Вакцина тананинг қорин қисми тери остига қилинади. Қанча миқдорда юборилишини шифокор белгилайди.

Хавфли ҳолларда, юқори натижага эришиш учун, беморга вакцинадан ташқари антирабик иммуноглобулин ҳам юборилади. Иммуноглобулин фиксацияланган вирус билан отларни

гипериммунизация қилиб, уларнинг ҳам зардобидан олинади. Иммуноглобулин вируслар таъсирини нейтраллаш хоссасига эга. Бундан ташқари, у эмлангандан сўнг юзага келадиган асоратларнинг (аллергик энцефаломиелит ва б.) олдини олади.

Бутун дунёда антирабик вакциналар асоратлар қолдирмас-литига доимо текширилиб турилади.

**Давоси.** Ишлаб чиқилмаган.

## ВИРУСОЛОГИК ДИАГНОСТИКА

Бемор ўлгандан кейинги диагноз қўйидагиларга асосланади: 1) мия тўқималарида Бабеш—Негри танаchalарини аниқлаш, 2) флюресценция антителолари ёрдамида мос антигенларни аниқлаш, 3) лаборатория ҳайвонларида биологик сина-ма орқали вирусларни аниқлаш.

1. Бабеш — Негри танаchalарини аниқлаш. Мия тўқималаридан тайёрланган суртмаларни фиксация қилмасдан улардан тайёрланган гистологик препаратларни (ҳатто мия чириб кетган бўлса ҳам) бўяб Бабеш—Негри танаchalари аниқланади. Бир нечта препаратлар тайёрлаш лозим, чунки танаchalар уларда кам бўлиши мумкин. Муромцев усулида бўялганда нерв ҳужайраларининг цитоплазмаси ҳаво рангга, Бабеш—Негри танаchalари бинафша-пушти рангга ва тўқ бинафша рангга бўялади. Бабеш—Негри танаchalари сўлак безларидагига нисбатан мия ҳужайраларида кўпроқ аниқланади.

2. Флюресценция зардобрлари ёрдамида аниқлаш усули. Бу усул кам ҳолларда қўлланилади.

3. Биологик синама усули. Бу усул маҳсус лабораторияларда олиб борилади. Заарли материални олиш, жўнатиш, сақлаш ишлари ўта хавфли инфекцияларни текшириш қоидаларига риоя қилинган ҳолда олиб борилади.

## Назорат учун саволлар

- ?
  1. Қутуриш вирусининг шакли ва катталиги қандай?
  2. Бабеш—Негри танаchalари нима?
  3. fixe вируси нима?
  4. Қутуриш вирусига ҳайвонларнинг сезувчанлиги қан-дай?
  5. Қутуриш вируси қандай тарқалади?
  6. Вакцинани тайёрлашда қандай вирус қўлланилади?
  7. Қутуришга шубҳа қилинганда вирусологик диагноз нимага асосланган?

## 45-бөб. ПОЛИОМИЕЛИТ ҚҰЗҒАТУВЧИСИ

Полиомиелит касаллиғи аввалдан маълум бўлган касалликдир. Миср ибодатхоналарида текис юзага чизилган япалоқ ҳалқасимон нақш топилган бўлиб, унда қурбон қилинаётган одамнинг бир оёғи иккинчисидан озғин (қуриған оёқ), тово ни эса «от товони»га ўхшашиб жойлашганлиги ифодаланган. Энди аниқланнишича, бунда полиомиелит касаллигининг натижаси акс этдирилган.

### ПОЛИОМИЕЛИТ ВИРУСИ

Полиомиелит вируси Picornaviridae оиласига киради. Ло-тин сўзидан олинган бўлиб, ріко — кичкина, гра — РНК сақловчи дсан маънони билдиради. Бу оила учта авлодни ўз ичига олади ва одам учун энг патоген бўлиб энтеровирус — полиомиелит вируси, коксаки ва ЕСНО (Enteric cytopathogenic human orphan viruses) бўлиб ҳисобланади. Касалликни вирусологик этиологияси К. Ландштейнер ва Э. Папер томонидан 1909 йили маймунларда ўтказилган тажрибада аниқланган.

**Морфологияси.** Майда вирусдир (15—30 нм). РНК ипчаси ва оқсили капсиддан туэзилган. 32 та капсомери бор. Қубсисимон шаклда, ташқи қобиғи йўқ. Углевод ва ёғ моддаси борлиги аниқланган. Юқумлилик хоссаси РНК га боғлиқ.

**Културал хоссаси.** Полиомиелит вируси маймун буйраги тўқима культурасида, одам эмбрионининг фибробластида ва организмга юбориладиган культура тўқимасида яхши ривожланади. Вирусларнинг бўлиниб кўпайиши тўқималарда цитопатологик ўзгаришлар билан ўтади.

**Антителлик хоссаси.** Полиомиелит вирусининг З та серологик тури аниқланган (I, II, III). Касалликнинг 65—90% ни I тури, 10—21% ни II тури келтириб чиқаради. III тури эса споралик касалликларни келтириб чиқаради. Полиовируснинг серотиплари нейтрализация реакцияси ёрдамида аниқланади.

**Чидамлилиги.** Қайнатилгандага шу заҳоти, 50°C ҳарорат таъсирида 30 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Уй ҳароратида З ойгача сақланади. Паст температурада яхши сақланади. Со-вуқда нажасда 6 ойгача, сутда 3 ойгача сақланади.

Тупроқ, очиқ сув ҳавзаларида узоқ вақт сақланади ва эпидемиологик аҳамият касб қилади. Ошқозон шираси ва 1% ли феноят таъсирига чидамли. Хлорамин, формалин, водород пероксиди, калий пермаганатига сезгир.

**Патогенлиги.** Полиомиелитнинг I ва II турларига маймунлар (шимпанзе ва макака), III турига эса кемирувчилар сезгир (пахта каламушлари, сичқонлар). Лаборатория шаронтида уларда касаллик келиб чиқади ва фалажланишга олиб келади.

**Инфекция манбаи.** Касал одам ва вирус ташувчилардир.

**Тарқалиш йўли.** Механик (пашшаларнинг оёқчалари орқали), ҳаво-томчи (касалликнинг биринчи кунларида бурун-ҳалқум орқали чиқарилади), алиментар (озиқ-овқатлар орқали тарқалади). 40 кунгача улар нажас билан чиқарилади.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб оғиз ва нафас шиллиқ пардалар орқали кириб, ҳалқум ва ингичка ичак лимфа тугуларига сўрилади ва у ерда бўлинниб кўпаяди, сўнгра қонга сўрилади. Қонда вирусларни нейтралловчи антителолар ҳосил бўлиб, уларнинг марказий нерв системасига ўтишига тўсқинлик қиласи. Шуларни енгиб ўтган вируслар марказий нерв системасига ўтиб, орқа мия олдинги ортифининг ҳаракатлантирувчи тўқималари ва пўстлоқ ости қаватининг кул ранг моддасида жойлашади ва дегенератив яллиғланиш жараёнларини келтириб чиқаради. Натижада бемор оёқларини фалажланишига олиб келади.

Полиомиелит касаллиги З шаклда ўтади: 1. Абортив. 2. Фалажлик. 3. Фалаксиз (менингиал) шакллари.

Полиомелит билан кўпинча 5 ойдан бошлаб 5—6 ёшгacha бўлган болалар касалланади. Полиомелит вируси нажас ва бурун ҳалқум шиллиғи орқали ташқи муҳитга чиқарилади.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг мустаҳкам, бутун умрга етарлик иммунитет қолади.

**Профилактикаси.** Вақтида диагноз қўйиш, беморларни изоляция қилиш ва касалхонага ётқизиш лозим.

**Махсус профилактикаси.** XX асрнинг 40-йилларида Солк биринчи вакцинани таклиф этган. Бу вакцина таркибида формалин билан инактивация қилинган полиомелит вирусининг I, II, III турлари мавжуд бўлган. Лекин бу вакцина мустаҳкам иммунитет ҳосил қилмаган ва мускул ичига юборилганда кучли оғриқ берган. Иккинчи вакцинани Сэбин тавсия этган. У тирик ва кучизлантирилган полиомислитнинг уччала туридан ташкил топган вакцинадир. Бу штаммлар юқумлик хоссасидан маҳрум бўлса-да, лекин иммуногенлик хоссасини сақлаб қолган. 60-йилларда М. П. Чумаков ва А. А. Смородинцевлар Сэбин тайёрлаган кучизлантирилган вакцина штаммларидан дражже конфет шаклидаги вакциналарни тайёрлашни ишлаб чиқдилар. Бу беморлар томонидан вакцинани қабул қилишини осонлаштируди. Бунинг натижасида касаллик тўлиқ йўқотилди.

**Давоси.** Симптоматик. Иммуноглобулин қўлланилади.

### ВИРУСОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ ТЕКШИРИШ УЧУН МАТЕРИАЛ

1. Бемор нажаси (касалликнинг 1— ва 2— ҳафталарида олинади).

2. Бурун-ютқундан ажратма (касалликнинг биринчи кунларида олинади).

4. Бош ва орқа мия бўлакчалари, ингичка ва йўғон ичак бўлақлари, лимфа тугуллари олинади (мурдалардан материал).

<b>Нажас.</b>	Пенциллин идишнинг 1/5 қисмигача тўлдирилади. Нажаснинг 2—3 улуси текширилади.
<b>Бурун-ютқун ажратмаси.</b>	Қуруқ тампон ёрдамида олиниб пробиркадаги тузли эритмага солинади.
<b>Орқа мия суюқлиги.</b>	Зардоб менингитида орқа мия суюқлиги олиб текширилади. Орқа мия суюқлигини олиш техникасини менингит диагностикасида кўришингиз мумкин.
<b>Мурдалардан материал.</b>	Агарда касаллик дастлабли даврларида ўлим билан тугаган бўлса, вирусни миядан ажратиб олиш мумкин. Ажратиб олинган миянинг бир неча қисмидан 1—2 см дан орқа мия олинади, сўнг лимфа тугунлари, йўғон ва ингичка ичак ичидаги маҳсулотлардан олинади.

#### Асосий текшириш усуллари:

1. Тўқима культуранинг заарлаш йўли билан вирус ажратиб олинади.
2. Серологик усул, нейтрализация ва комплемент боғланиш реакцияси ўтказилади.

Бемордан олинган нажас устига ундан беш маротаба ортиқ физиологик эритма қўйилади, идиш оғзи 3% ли хлорамин ёки 5% ли лизол эритмаси билан намланган сочиқ билан ёпилиб, бир хилдаги аралашма ҳосил бўлгунча чайқалтириб аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашмани 1500—2000 айланма тезликда 30 дақиқа центрифуга қилинади. Чўкма устидаги суюқлик пипетка ёрдамида ажратиб олинади ва унга 1 мл ҳисобида 1000 бирликда пенициллин, 500 бирликда стрептомицин қўшилади. Уни 40 дақиқа хона ҳароратида қолдирилади ва зараланунча музлатиб қўйилади (заралашдан аввал стерилика текширилади).

Бурун-ютқундан олинган материал билан ишлаш ҳам шу усулда олиб борилади.

Мурдалардан олинган материалларга алоҳида-алоҳида ҳавончаларда стерил қум ва 10% ли физиологик эритма солиб аралашма тайёрлаб олинади. Қолган ишлар нажасни тайёрлагандек олиб борилади.

Вирусларни ажратиб олиш учун бирламчи ва қайта ишланган тўқима культураларига заарли материал юборилади. Вируслар борлигини ҳужайраларда цитопатологик ўзгаришлар юзага келишига қараб аниқланади.

7—10 кун ичидаги ҳужайраларда ўзгаришлар юзага келмаса, вируслар йўқлигидан далолат беради. Иккинчи маротаба тў-

қима культураларини заарлаш учун биринчи экилгандаги култура суюқлигидан фойдаланилади.

Иккинчи сафар заарланганда ҳам ҳужайраларда ўзгаришлар юзага келмаса, натижা манфий деган хulosага келинади.

Агарда натижা мусбат бўлса, вирус турини аниқлаш мақсадида полиомиелитнинг учта тури зардоби билан нейтрализация ва комплемент боғланиш реакциялари ўтказилади.

## СЕРОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ

**Ретроспектив диагностика усули.** Диагнозни тасдиқлаш учун беморнинг жуфт зардоби билан нейтрализация реакцияси қўйилади. Биринчи зардобни касалликнинг биринчи кунларида, иккинчисини касаллик бошланишидан бир ой ўтгандан кейин олинади. Иккала зардоб бир вақтнинг ўзида нейтраллаш реакцияси қўйиш билан текширилади. Бунинг учун зардобларни  $56^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 30 дақиқа давомида қиздирилади ва Хенкс эритмасида аралаштирилади. 1:4 дан 1:1024 гача суюлтирилади. Ҳар бир аралашмани вирусининг I, II, III тур стандарт дозаси билан аралаштирилади, хона ҳароратида бир соатга қолдирилади. Сўнг ҳар бир аралашмадан слиб 2 та пробиркадаги тўқима культураларига юборилади, термостатга 4—9 кунга қолдирилади. Реакциянинг натижаси муҳит рангининг ўзгаришига қараб аниқланади (қизил рангдан сарич рангача). Муҳит рангининг ўзгариши антитело борлигидан далолат беради. Пробиркадаги ҳужайралар тирик бўлиб, уларда модда алмашинуви юзага келади. Бунинг натижасида муҳитнинг pH кўрсаткичи ўзгаради ва шу сабабли унинг ранги ҳам ўзгаради. Мос зардоб таъсирида вирус нейтралланади, ҳужайралар яшashi учун шароит юзага келади.

Вирусни нейтралловчи антителолар 4 маротаба ортгандаги на реакция мусбат дейилади. Масалан, биринчи зардобда 1:8, 1—2 ойдан кейин олинган иккинчи зардобда титр 1:32 га teng бўлса, реакция мусбат дейилади.

## КОҚСАКИ ВИРУСИ

Коксаки вирусини 1948 йилда Г.Долдороф ва И. Сиклс АҚШ нинг Коксаки шаҳрида полиомиелитга хос беморнинг нажасидан ажратиб олганлар.

**Морфологияси.** Коксаки вируси майда вирусдир ( $20-30$  нм). Уларнинг таркибига РНҚ ва оқсил киради, кубсимон шаклга эга.

**Культурал хоссаси.** Улар маймун буйрагида, одам эмбрионида, қайта ишланган тўқима культураларида яхши ривожланади. Ҳужайраларда цитопатологик ўзгаришлар юзага келади.

**Антигенлик хоссаси.** Антигенлик ва патогенлик хоссасига кўра Коксаки вируслари 2 та—А ва В гурӯҳга бўлинади.

**А—гурухига 23 та серологик турлар киради ва нейтрализация реакцияси ёрдамида фарқланади.**

**В—гурухига 6 та серологик турлар киради, улар ҳам нейтрализация реакцияси ёрдамида фарқланади.**

**Чидамлилиги.** Коксаки вируслари қайнатилганда шу заҳоти, 50—60°C ҳарорат таъсирида 30 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Паст ҳароратга вируслар чидамли. 70°C да улар 3 ойгача сақланади. Вирус водород ионларининг турли хил концентрациясига, эфир, 5% ли лизол таъсирига чидамли, хлорид кислоста, формальдегид ва бошқалар таъсирига чидамсиз.

**Патогенлиги.** А тури сичқон болаларида фалажланишни, 7—серотипи маймун ва пахта каламушларида полиомиелитга хос касалликни келтириб чиқаради. Вируснинг В серотипи сичқон болаларида спастик фалажликни келтириб чиқаради.

**Инфекция манбаи.** Коксаки вируслари табиатда кенг тарқалган. Улар бемор ва вирус ташувчиларнинг нажаси ва бурун-ютқун ажратмаси билан ташқи муҳитга ажратилиб туради.

**Тарқалиш йўли.** Коксаки вируси касалликнинг биринчи кунлариданоқ ҳаво-томчи йўли орқали, яъни бемор аксирганда, ўйталганда, алиментар, яъни вируслар билан заарланган сув, озиқ-овқатларни истеъмол қилганда, билвосита kontakt орқали, яъни ифлос қўл, идиш-товоқ, пашибалар орқали тарқалади.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб оғиз ва бурун-ютқун ҳисобланади. Коксаки вируси миотропик ва нейротропик таъсир кўрсатиши билан тавсифланади. Коксаки А вируси полиомиелитга хос фалажланишини юзага келтиради. В вируси аспетик сероз менингитини, асептик миокардит ва энтеровирус касалликларини келтириб чиқаради.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг мустаҳкам типоспецифик иммунитет хосил бўлади.

**Профилактикаси.** Умумий профилактикасида шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш, беморларни ажратиш ва госпитализация қилиш, карантин ташкил қилиш лозим. Махсус профилактикаси ҳали ишлаб чиқилмаган.

**Давоси.** Симптоматик.

## ВИРУСОЛОГИК ДИАГНОСТИКА

Текшириш материали ва уларни тўплаш усули, асосий текшириш усуллари полиомиелитга ўхшаш.

Вирусларни ажратиб олиш, культурани заарлаш барчаси полиомиелитга ўхшашdir. Коксаки А вируси тўқима культурапларида қийин ўстирилади.

Коксаки А ва В турларини фарқлаш учун биологик сина-ма ўтказилади, яъни сичқон болалари заарлатирилади.

Коксаки А вируси уларда энцефалитсиз бўшашибган фалажланишини, В вируси эса тортишибган фалажланишини, бундан

ташқары ички аъзоларни, жигар, ошқозон ости безини жаро-хатлайди. Коксаки вируси диагностикасида ретроспектив усул —жуфт зардоб билан нейтраллаш реакцияси қўйилади.

## ЕСНО ВИРУСИ

1941 йилда Д. Эндерс полиомиелитни ўрганаётган вақтда бемор ичагидан вирус ажратиб олди. Бу вирус бошқа ичак вирусларидан серологик хоссасига кўра фарқ қиласар эди. Д. Эндерс бу вирусни «Огълан» — етим деб номлади. Кейинчалик олиб борилган текширишларда бундай вируслар кўплаб аниқланди. Бу вируслар бир-бирига жуда ўхшаш бўлганларни сабабли уларнинг гуруҳи ЕСНО— *Enteritis cytopathogenis humanus* orhan viruses деб номланди.

**Морфологияси.** Есно вируслари 10—15 нм катталикда. Агар полиомиелит ва Коксаки вирусларига ўхшашидир.

**Культурал хоссаси.** ЕСНО вируслари бирламчи ва қайта ишланган тўқума культуралиарида яхши ривожланади.

**Антителлиги.** ЕСНО вирусининг 32 та серологик тури мавжуд.

**Чидамлилиги.** Коксаки вирусига ўхшаш.

**Патогенлиги.** ЕСНО вирусига хайвонлар сезувчан эмас.

**Инфекция маибай, тарқалиш йўли.** Бемор ва вирус ташувчишлар инфекция маибай бўлиб ҳисобланади. Алиментар, сув, билвосита контакт, ҳаво-томчи ва механик йўллар орқали тарқалади.

**Патогенези.** ЕСНО вируси асептик сероз менингит, энтеровирус иситмаси, миокардит, эпидемик тошма ва иситмали камалликлар келиб чиқишига сабабчи бўлади.

**Иммунитети.** ЕСНО вируси вирусларни нейтралловчи антителолар ҳисобига мустаҳкам иммунитет ҳосил қиласади.

**Профилактикаси.** Умумий профилактикасида очиқ инфекциясига ўхшаш санитария маорифи ишларини олиб бориш лозим. Шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш зарур. Совуқ олиш ёки қизиб кетишлар энтеровирус касалликларининг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Махсус профилактикаси ҳали ишлаб чиқилмаган.

**Давоси.** Симптоматик.

## ВИРУСОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ

Текшириш материали, уларни тўплаш, асосий текшириш усувлари ва диагностикаси бошқа энтеровирус касалликларига ўхшаш. Тўқума культураси сифатида бирламчи трипсинланган тўқума культуралиаридан фойдаланган маъқул.

## **Назорат учун саволлар**

- ?
1. Picornaviridae оиласига қандай вируслар киради?
  2. Полиомиелит, Коксаки ва ЕCHO вирусларининг морфологияси қандай?
  3. Поливирусларни ундириш учун қўлланиладиган қандай усусларни биласиз? Ҳужайра культураларида вирусларнинг ўсиши нимага боғлиқ?
  4. Поливирусларнинг қандай турларини биласиз, уларнинг қайси бири эпидемиологик аҳамиятга эга?
  5. Полиомиелит эпидемиологиясини биласизми?
  6. Полиомиелитнинг маҳсус профилактикасини айтиб беринг?

## **46-боб. ЧИНЧЕЧАК ВИРУСИ**

Ноксивирус бир неча авлодларни ўз ичига олади. Одам учун патоген бўлиб чин чечак вируси ҳисобланади.

Бу касаллик эрамиздан 3000 йил аввал маълум бўлиб, бутун мамлакатга тарқалган эди. Германияда XVIII асрда чинчекдан 80 минг киши ҳалок бўлган. Рус подшохи Пётр II, Австрия императори Иосиф, Франция қироли Людвик XIV. Англия қироличаси Анна, рус актрисаси Комиссаржевская мана шу касалликдан вафот этганлар. Чинчек этиологияси XIX аср охирида аниқланган. 1892 йили Гварниери қуён кўз шохи қатламидан тайёрланган препаратда шарсимон 3—4 дан 10 микрометргача катталиқдаги киритмаларни аниқлаган. Романовский—Гимза усулида бўялганда у қизил рангга бўялади. Шунинг учун бу киритмалар Гварниери киритмалари дейилали. 1906 йилда Пашен чечак пустулаларидан Морозов усули билан вирусни аниқлаган (Пашен танаачалари).

**Морфологияси.** Йирик, 300—350 нм катталиқдаги кубсимон шаклдаги вируслар бўлиб, 2 та ДНК иҷчадан иборат.

**Культурал хоссаси.** Товуқ эмбрионининг хорион -- аллантоис қобиғида ривожланади. Чинчек вируси бўлинib кўпайганда қобиқда оқ нуқтасимон, 1 мм катталиқдаги ялтироқ пилакчалар ҳосил қиласди.

Одам ва ҳайвон организмидан ажратиб олинган тўқима культураларида яхши ривожланади. Бунда тўқималарда цитопатологик ўзгаришлар кузатилади.

**Антигенлиги.** Чинчек вирусининг бир нечта антигени аниқланган: Эрувчан L—термолабил ва S—термостабил, нуклеопротеид табиатли NP антигени. Вакцина таркибида чечак вируси А ва АВ гуруҳига кирувчи одам эритроцитлари билан умумий бўлган антигенини сақлайди.

**Чидамлилиги.** 100°C ҳарорат таъсирида шу заҳоти, 60°C таъсирида бир соатдан кейин нобуд бўлади. Паст ҳароратга ва қуритишга чидамли. 30% ли хлорамин, лизол таъсирида 30

дақиқада парчаланади. Фенол ва эфирга чидамли. 50% ли глицеринда чечак вируси ойлаб сақланади.

**Патогенлиги.** Чечак вирусига йирик ва майда шохли ҳайвонлар сезувчан. Лаборатория ҳайвонларидан денгиз чүчқачалари, құён, маймунлар сезувчан. Фақат маймунлардагина одамда кечадиган чечак белгилари намоён бўлади. Оқ сичқонларнинг болаларида чечак энцефалитини келтириб чиқаради.

**Инфекция манбаи.** Касал одам ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Ҳаво томчиси ва ҳаво чанги (йўталганда, гаплашганда, идиш-товоқ, кийим-кечакдаги чанг) орқали вируслар тарқалади.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб нафас йўлларининг шиллиқ пардаси ва тери ҳисобланади. Вирус организмга кириб регионал лимфа тугуларида жойлашади, у ерда бўлинниб кўпаяди ва қонга сўрилади. Вирусемияни келтириб чиқаради. Лимфа тўқималарида иккиламчи бўлинниб кўпайиши натижасида касалликнинг клиник белгиларини юзага келтиради. Беморнинг тана ҳарорати кўтарилади, боши оғрийди, ҳушидан кетади ва б.

Тери ва шиллиқ қаватларида папула, везикула ва пустулалар ҳосил бўлади. Папула дурга ўхаш ялтироқ бўлади. Пустула ўрнида кейинчалик некроз ҳосил бўлади, унинг ўрнида чандиқ қолади. Қўз шиллигига чандиқ қолиши кўзнинг кўрмаслигига олиб келади. Касаллик кўпинча ўлим билан туғайди. Геморрагик шакли 100% ўлим билан якунланади. Бу шаклида пустула қон билан тўлган бўлади ва у қорачечак дейилади.

Енгил шакли эса ҳароратсиз тошмасиз, ўтади.

**Иммунитети.** Касалликдан сўнг мустаҳкам бутун умрга иммунитет қолади. Вирусларни нейтралловчи, геммаглютинацияловчи, коплемент боғловчи антителолар ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Умумий профилактикаси диагноз қўйиш, bemорни ажратиш, дезинфекция ишларини олиб бориш, четдан чечакни киритишидан сақлаш, карантин ташкил қилишдан иборатdir.

Махсус профилактикасида Дженнер сигир чечаги вакцинаси билан одамлар эмланади.

Кейинчалик товуқ эмбрионидан ажратиб олинган вируслардан тайёрланган вакцина қўлланилди. Ҳозирги вақтда тўқима культураларида ўстирилган вируслардан тайёрланган вакцина қўлланилди.

## 47-боб. ЭПИДЕМИК ПАРОТИТ

Эпидемик паротит ёки тепки — ўткир болалар касаллиги бўлиб, бутун дунёда кенг тарқалган.

## МОРФОЛОГИК ВА БИОЛОГИК ХОССАСИ

1934 йили Джонсон ва Гудбасчур томонидан касаллик ви-  
русин аниқланган. Үлчами 150—230 нм, Морозов усулида бўял-  
гандан микроскопда яхши кўринади. Шикастланган тўқимада  
вирус киритмалари кўринади. 7—8 кунлик товуқ эмбрионининг  
амнионида, буйрак тўқимасида ва Hela тўқималарида яхши  
ривожланади.

**Чидамлилиги.** Ташқи муҳитга чидамсиз. Глицеринда 40  
кунгача сақланади. Паст ҳароратга чидамли.

**Эпидемиологияси.** Инфекция манбай бўлиб касал одам ва  
тузалиш давридаги бемор ҳисобланади. Ҳаво-томчи, билвосята  
контакт йўли орқали тарқалади.

**Патогенези ва клиникаси.** Яширин даври 2—3 ҳафта. Кас-  
саллик тана ҳарорати кўтарилиб бошланади. Қулоқ олди ва  
кулоқ орқа бези катталашади ва оғриқ юзага келади. Сўнг  
тил ости ва жағ ости безлари катталашиб оғрийди. Беморнинг  
юзи чўчқа боласининг юзига ўхшаб қолади. Касаллик 7—10  
кун кечади. Касаллик оғир ўтганда ўғил болаларда можклар  
яллиғланиши (орхит), полиневрит, эшитиш ва кўриш аъзола-  
рини шикастлади.

**Иммунитети.** Касаллкидан сўнг бир умрга қоладиган мус-  
таҳкам иммунитет юзага келади.

**Диагностикаси.** Касаллик белгиларига қараб диагноз қў-  
йилади.

**Профилактикаси ва давоси.** Беморни вақтида аниқлаш, гос-  
питализация қилиш, 10 ёшгача бўлган болаларни 21 кунгача  
контактдан эҳтиёт қилиш. Махсус профилактикасида гамма-  
глобулин қўлланилади ва А. А. Смородинцев, Н. С. Клячко  
таклиф этган тирик вакцина қўлланилади.

**Давоси** — симптоматик.

## 48-боб. ҚИЗАМИҚ ВИРУСИ

Қизамиқ — ўткир юқумли касаллик бўлиб, болалар ораси-  
да кенг тарқалган. Болалар юқумли касалликларига киради.  
1938 йилда Плотц томонидан вируси аниқланган.

### МОРФОЛОГИК ВА КУЛЬТУРАЛ ХОССАСИ

**Қизамиқ** вируси 100—140 нм катталикда бўлади.

Маймун эритроцитларини агглютинациялайди. Тўқима куль-  
тураларида бўлинниб кўпайганда ядро ичидаги киритма ҳосил  
бўлади.

**Чидамлилиги.** Ташқи муҳитда бир неча дақиқадан сўнг  
нобуд бўлади. Шунинг учун бу касалликда дезинфекция иш-  
лари олиб борилмайди. Табиий шароитда қизамиқ билан фа-  
қат одамлар касалланади.

**Эпидемиологияси.** Инфекция манбай бўлиб касал одам ҳи-

собланади. Бемор продромал даврининг биринчи кунидан бошлаб тошма тошгандан кейинги 4—5 кун ичидаги ташқи мұхиттегі құзғатувчинаң қықарыб турады. Ҳаво-томчи йўли орқали вирус тарқалади. Айниқса, 5 ёшгача бўлган болалар орасида у кўп учрайди. Қизамиқ билан катталар ҳам касалланиши мумкин.

**Патогенези ва клиникаси.** Яширин даври 10 кун. Касаллик проромал даврида тана ҳароратининг кўтарилиши, юқори нафас йўли ва кўз шиллиғининг яллиғланиши билан бошланади. Лунж ва лаб шиллиқ қаватига тошади ва у Филиатов — Коплик тошмаси дейилади. 3—4 кундан кейин bemornинг аҳволи оғирлашади, аввал юзга, сўнг танага тошмали папулалар тошади, ҳарорат кўтарилади. Касаллик 7—9 кун кечади. Асоратлардан зотилжам, кам ҳолларда энцефалитни юзага келтириши мумкин.

**Иммунитети.** Касалликтан сўнг бутун умрга мустаҳкам иммунитет юзага келади.

**Профилактикаси ва давоси.** Махсус профилактикасида контактда бўлганларнинг мускул орасига 1,5—6 мл гаммаглобулин юборилади. Соғлом болаларнинг териси остига қизамиққа қарши тирик вакцина юборилади.

Умумий профилактикасида bemornи ажратиш ва госпитализация қилиш, болалар гурӯҳида карантин ташкил қилиш, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, асосий тадбирлар ҳисобланади.

**Давоси.** Махсус давоси йўқ, антибиотиклар юборилади.

## 49-боб. ТАСНИФЛАНМАЙДИГАН ВИРУСЛАР ГЕПАТИТ ВИРУСИ

Инфекцион гепатит узоқ йиллардан бери маълум бўлиб, Гиппократ бу жигарнинг юқумли касаллигини сариқ шакли эканлигини айтиб ўтган. 1883 йилда рус шифокори С. П. Боткин узоқ вақт кузатишлар ва изланишлар натижасида бу юқумли касаллик эканлигини исбоглаб берди. Шундан бошлаб бу касаллик Боткин номи билан аталди ва «Боткин касаллиги» деб юритила бошланди.

Гепатит эпидемияси вақтида касаллик этиологияси етарлича ўрганилди. Айниқса, 1939 йилда ҳарбий аскарларни эмлаш натижасида вужудга келган касаллик, эпидемияси вақтида унинг этиологияси атрофлича ўрганилди.

Хозирги вақтда вирусли гепатитнинг 7 та қўзғатувчиси ва уларнинг мустақил касалликлари — гепатит A, гепатит B, гепатит C ва D, E, F, G турлари мавжуд. Шулардан A, B, C, D, E вируслари хозирги даврда яхши ўрганилган.

## ВИРУСЛІ А ГЕПАТИТІ

Бемор нажасидан электрон микроскоп ёрдамида касаллик вируси 1973 йылда Фейстон ва бошқа олимлар томонидан ажратыб олинган.

**Морфологиясі.** Майды (20—25 нм) бўлиб, вирус таркибидаги нуклеин кислотаси тўлиқ ўрганилмаган. Лекин у РНК сақлайды деб тахмин қилинади. Вирус кубсимон шаклда, у нуклеин кислотаси ва ташқи қобиқдан иборат. Вируснинг А түрини HAV (hepatitis A virus) дейилади.

**Культурал хоссаси.** А гепатити вируси тўқима культурала-рида яхши ўсмайди, лекин уларни америка маймунларида ўстириш мумкин.

**Антigenлігі.** А гепатити вирусининг серотиплари аниқлан-маган. Ў фақат HAV антителоси билан ўзаро таъсир қиласы.

**Чидамлилігі.** А гепатити вируси анча чидамли. 30—40 да-қиңа давомида қайнатилганда уларнинг тўлиқ инактивацияси содир бўлади. У паст ҳароратда қуритишга, кислота, эфир таъсирига чидамли, ультрабинафша нурлар таъсирида парчаланманди. Дезинфекцияловчи моддалар таъсирида 40—60 да-қиқадан сўнг нобуд бўлади.

**Патогенлігі.** А гепатити вирусига маймунлар (шимпанзе) сезувчан.

**Инфекция манбаи.** Касаллникнинг сариқлик ва сариқсиз шаклдаги bemor одамлар инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** HAV тури алиментар, яъни озиқ-овқат, сув, меҳаник (пашша ташувчиси орқали) манишний контакт, яъни ифлос қўй, идиш-товоқ ва бошқалар орқали тарқалади.

**Патогенези.** Кириш дарвозаси бўлиб оғиз шиллиқ қавати ҳисобланади. Ошқозон-ичак йўлига тушган HAV ичак шиллиқ қавати эпителийсига ўтади ва ундан қонга сўрилади. Натижада вирусемия юзага келади. Қон билан вирус бутун организмига, паренхиматоз аъзоларга тушади. HAV жигар ҳужайратлари цитоплазмасида оқсил ва углевод алмашиниш жараёнларини бузади. Қонда ўт кислотаси ҳосил бўлади, альдолаза ва трансфераза ферментлари миқдори ортади. HAV билан асосан 1 ёшдан 15 ёшгacha бўлган болалар касалланади. Касаллникнинг 2—3 кунларида тана ҳарорати қисқа вақтга кўтарилади, bemornинг тинкаси қурийди, айрим ҳолларда боши оғрийди, кўнгли айниб қусади, ўнг қовурға остида ёқимсиз ҳолат юзага келади. Сўнг тана ҳарорати нормага тушгани билан тинкаси-нинг қуриши, кўнгил айниши, иштаҳанинг йўқлиги сақланиб қолади. Секин-аста сийдикнинг ранги тўқ рангга ўтади, нажас оқаради, жигар катталашади. 5—7 кундан кейин шиллиқ қаватларда ва терида сарғайиш юзага келади. Бир неча кундан кейин сарғайиш тўқроқ бўлади. Жигар катталашади, сийдик тўқ рангга ўтади, нажас лойга ўхшаб қолади. Беморлар ўжар,

барча нарсаларга қониқишиз, асабланган ҳолатга ўтади. Сарықлик 2—3 ҳафтагача сақланиб қолади. Бир неча ҳафтадан сүнг соғайиш юзага келади.

**Иммунитети.** Касалликдан сүнг мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлади.

**Профилактикаси.** Беморларни ажратиб қўйиши, касалхона-га камида 4 ҳафтага ётқизиш лозим. Бемор билан алоқада бўлганларни назорат қилиш зарур. Аҳоли орасида санитария маорифи, дезинфекция ишларини олиб бориш, хона, буюмлар, bemornning идиш товоқларини 3% ли хлорамин (1 чеълак сувга 300 г қуруқ кукундан) ёки 3% ли хлор аралашмасининг эритмаси билан зарарсизлантириш муҳим аҳамиятга эга.

**Махсус профилактикаси.** З ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга ва bemorlar билан алоқада бўлган одамларга иммуноглобулин юборилади. Бу касалликнинг камайишига ва енгилроқ ўтишига ёрдам беради.

**Давоси.** Махсус давоси йўқ. Касаллик белгиларига қараб даволаш ишлари ўтказилади.

## ВИРУСЛИ В ГЕПАТИТ

Зардоб гепатитини вируснинг В тури келтириб чиқаради. уни HBV (*hepatitis B virus*) деб аталади.

1961 йилда Блумберг bemor қон зардобида унинг антигенини аниқлади ва уни Австралия антигени деб номлади. 1970 йили Дейн bemor қон зардобида йирик қўшимча бўлакчаларни аниқлади.

**Морфологияси.** HBV 3 та шаклда учрайди:

1. Майда сферик шаклда — 22 нм.
2. Турли хил узунликдаги цилиндр шаклида.
3. Вирусга ўхшаш — 30 нм катталиктаги Дейн бўлакчалари.

Уларда иккита ипчали ДНКси мавжуд. Уларда ёғлар, углеводлар, оқсиллар ва 2 қават қобиги аниқланган.

**Культурал хесаси.** HBV одам эмбриони, гепатоцит культурадарида, одам жигар ҳужайраларида, шунингдек маймун (шимпанзе) аъзо ва тўқималарида ўсади. HBV ни ўстириши жуда қийин, шунинг учун диагностикада бироз қийинчиликлар юзага келади.

**Антигенлиги.** Дейн бўлакчаларида HBV—антигени аниқланган. Бу антиген жуда мураккаб бўлиб, унинг таркибиға ёғ, углевод ва оқсиллар киради. Бу антигенга қарши антитело—анти—HB<sub>3</sub> ҳосил бўлади. Дейн бўлакчасининг марказида соч антигени мавжуд, унга қарши ҳосил бўлган антителони анти—HBc деб юритилади.

**Чидамлилиги.** 60°C да вирус 3—4 соатгача сақланади. Паст ҳарорат уларга таъсир кўрсатмайди. Музлатилган қон препаратларида 20 йилгача тирик қолади. HBV эфирга чидамли, 4% ли формалин эритмаси уларни 12 соатдан кейин, 3 % ли хлорамин эритмаси тезда уларни инактивациялайди.

**Инфекция манбай.** Бемор ва антиген ташувчининг қони инфекция манбай бўлиб ҳисобланади.

**Тарқалиш йўли.** Вирус билан ифлосланган шприц, игна ва асбоблар орқали, жинсий алоқа орқали бошқаларга юқади.

ДГ — дельта гепатити вируси мустақил равишда касаллик қузғатмайли. У фақат HBs антигени бор қон зардобида ривожлана олади. Дельта гепатити вируси bemor организмига В гепатити вируси билан бир вақтда ёки В гепатити касаллиги бошлиганидан сўнг тушиши мумкин. Шунингдек дельта гепатити вируси HBs антиген ташувчиларга ҳам юқиши мумкин.

СГ — С гепатитини илгари «парентерал» йўл билан юқадиган, «А ҳам, В ҳам бўлмаган гепатит» деб аталар эди. Кейинги йиллардаги текширишлар асосида у мустақил С гепатити деб аталадиган бўлди. Бу вирус одамга фақат парентерал йўл билан, асосан, вирус тутган қон ва қон зардоларини қўйиш натижасида юқади.

ЕГ — Е гепатити вируси билвосита контакт, яъни ифлос қўл, идиш-товоқ, сочиқ ва бошқалар орқали тарқалса ҳам, А гепатити вирусидан фарқ қиласди.

**Патогенези.** Яширин даври 2—6 ой (А гепатити 3—6 ҳафта) ни ташкил қиласди. Қўзғатувчи организмга кириб гемотоген, лимфоген йўллари орқали ўтиб жигарга тушади. Касалликнинг қолган кечинмалари HAV гепатитига ўхшаш кечади. Касаллик белгиларига қараб А ва В гепатити ни фарқлаш жуда қийин.

С — гепатитида яширин даври 35—45 кунни ташкил этади. У кўпинча енгил ва ўрта оғирликда кечаетган А вирусли гепатитдан фарқ қиласмайди. Бу гепатит вирусини «мулойим ўлим» деб ҳам атashади. Чунки у касаллик белгиларисиз, яъни яширин ҳолда, ўтади. 15% гача ҳолларда сурункали турга ўтади ёки ўлим билан тутайди. Сурункали С гепатитининг жигар циррозига айланиши кўп учраб туради. Жигар раки ҳам С вирусли гепатити билан узвий боғлиқлиги кейинги йилларда аниқланди.

**Профилактикаси.** Умумий профилактикасида тиббиёт асбоблари, шприц ва игналарни тўлиқ стерилизация қилиш лозим. Қон берадиган донорларни тўғри танлаш ва гепатитга, антиген HBs га текшириш, bemorлар билан ишлайдиган тиббиёт ходимларини шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши, муҳим омиллар. Бемор қони билан ишлагандан эҳтиёт бўлиш (кўлни 2% ли водород пероксиди билан заарсизлантириш) лозим.

**Махсус профилактикаси.** Заарланиш хавфи бўлган одамларга иммуноглобулин юборилади. Ҳозирги вақтда HBs—антителидан тайёрланган вакцина ишлаб чиқилган.

**Давоси.** Касаллик белгиларига қараб даволанади. Махсус давоси йўқ. Беморга ёғсиз озиқ-овқатлар, витаминалар берилади. Парчез сақлаш лозим. Кўп суюқлик берилади. Дорилар

камроқ берилиши лозим, чунки дориларни жигар орқали чи-  
қарилиши организмда сусайган бўлағи.

### **ВИРУСОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ**

А ва В гепатитлари диагностикасида бемор қон зардобини  
биокимёвий текшириш кенг қўлланилади. Жигар функцияси-  
нинг пигмент алмашинувини бузилиши қондаги эркин ва бо-  
ланган билирубинга қараб баҳоланади. Оқсил синтезининг бу-  
зилишини эса тимол синамаси қўйинб ўрганилади ва буларнинг  
барчаси клиник лабораторияларда олиб борилади.

### **НАВ ВИРУСОЛОГИК ТЕСТ ДИАГНОСТИКАСИ**

Бемор қонидаги антиген ва антителоларни вирусологик ди-  
агностика ёрдамида аниқланади. Бунинг учун сезгири серологик  
усул қўлланилади (Геле преципитация реакцияси, иммуноэлек-  
трофорез ва б.). Касалликнинг ўтқир шаклларида bemor на-  
жасида иммуноэлектрон микроскопда вируслар борлиги аниқ-  
ланади.

### **HBV ВИРУСОЛОГИК ТЕСТ ДИАГНОСТИКАСИ**

1. Ўтқир шаклда bemor қон зардобида HBs—антигенини аниқ-  
лаш.
2. Bemor қон зардобида касалликнинг 2—4 ҳафтасида компле-  
мент боғланиш реакцияси ёрдамида анти — HBs ни аниқ-  
ланади.

### **Назорат учун саволлар**

- ? 1. Гепатит касаллиги қандай йўл орқали тарқалади?  
2. Гепатит вирусларининг чидамлилиги қандай?  
3. Гепатитда касаллик белгиларини биласизми?  
4. Гепатитни олдини олиш учун қандай ишлар олиб  
борилиши лозим?

## САНИТАРИЯ МИКРОБИОЛОГИЯСИ

Санитария микробиологиясининг вазифаси ташқи муҳитда (сув, тупроқ, ҳаво, озиқ-овқат ва бошқаларда) микроорганизмларнинг ривожланишини келтириб чиқарадиган жараёнларни аниқлаш ва патоген микроорганизмларни йўқотиш ҳисобланади. Шунинг учун ташқи муҳитнинг ифлосланиш кўрсаткичи сифатида микробларнинг санитария кўрсаткичи қабул қилинади.

Микроорганизмларнинг санитария кўрсаткичи одам ва хайвон организмимда учрайдиган, ташқи муҳитга чиқарилиб туриладиган микроорганизмлар ҳисобига аниқланади.

Ҳар бир ташқи муҳитнинг ўз санитар кўрсаткичи мавжуд. Санитар — микробиологик текшириш тадбирлари маҳсус стандартлар, ГОСТ ёки услубий кўрсатмалар асосида олиб борилади ва баҳоланади.

### САНИТАРИЯ-БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШЛАР УЧУН ОЗИҚА МУҲИТЛАР

#### 1. Эйкман муҳити.

а) Концентранган Эйкман муҳити, 100 мл дистилланган сув, 5 г NaCl, 10 г пептон солиб қайнатилади ва фильтрланадиган 10 г глюкоза солиб pH ни 7,4—7,6 гача түғриланиб, 3 та колбага 10 мл дан солинади. Газни йиғиш учун ичига сузгич (пахта) ҳам солиб қўйилади ва яна шу муҳитдан 1 мл дан 3 та сузгичли (пахтали) пробиркага солиб чиқилади.

#### б) Суюлтирилган Эйкман муҳити.

Суюлтирилган Эйкман муҳитини тайёрлаш учун 3 та сузгичли (пахтали) пробиркага 1 мл дан муҳит ва 9 мл дистилланган сув солинади. Сўнгра 20 дақиқа 112°C ҳарорат ва 0,5 атм. босимда стериллаш учун автоклавга қўйилади.

#### 2. Кесслер муҳити.

100 мл дистилланган сув, 1 г пептон, 5 мл ўт суюқлиги солиб, қайнатиб, фильтрлаб, сўнгра унга 1 г лактоза қўшилди, pHни 7,4—7,6 га тенг қилиб түғриланади. Кейин унга 0,4 мл 1% ли генциан бинафшанинг сувли эритмаси қўшилади. Сўнгра 5 мл сузгичли (пахтали) пробиркаларга солинади. 15

дақықа 112°С ұароратда ва 0,5 атм. босимда автоклавда стериллаш учун қолдирилалы.

### 3. Ярим суюқ глюкозали мұхит.

100 мл дистилланган сув, 20 г глюкоза, 0,5 г ГПАларни қайнатиб, pH ни 7,2—7,4 ға түғрилаб, 5 мл дан пробиркаларга қуайлади, 100°Сда 30 дақиқадан 3 күн давомида Кох аппарата стерилланади.

### 4. Тукаевнинг озиқа мұхити.

100 мл дистилланган сув, 1 г пептон, 0,5 п/г NaCl, 5—6 мл ёғызлантирилган сут солиңиб, колбада аралаштирилади сүнгрека 5 мл дан пробиркаларга солиб чиқлади ва 100°С да 3 күн давомида стерилизация қилинади.

## СУВНИ САНИТАРИЯ-БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Бунинг учун қудуқлар, очиқ сув ҳавзалари, бассейн, чиқинди сувлар, марказлашган сув ҳавзаларидан синама олинади.

Санитария жиҳатидан сувга баҳо беріш учун қуайдаги текширишлар олиб борилади:

1. 1 мл текшириладиган сувда микробларнинг умумий соныни аниқлаш.

2. Коли-титр ва коли-индексни аниқлаш. (коли индекс 3, коли-титр 333 ва үндан юқори).

## СУВДАН СИНАМА ОЛИШ

Водопровод сувини текширганда колбага 10 г NaSO<sub>3</sub> солинади (хлорни йүқотиши учун) ва жүмракнинг оғзи спиртовка ёки спиртга намланган тампон билан стерилланиб 10—14 дақиқа оқызыб қўйилади. Синамага 500 мл сув олинади. Очиқ сув ҳавзаларидан сув синамага барометр асбоби ёрдамида олинади. Сув тушунтириш хати билан биргаликда лабораторияга жўнатилиши лозим. Тушунтириш хатида қаердан ва ким томонидан олингани, олинган вақти, мақсади, олинган вақтдаги сув ва ҳавонинг ұарорати, қайси лабораторияга жўнатилаётганилиги кўрсатилиши лозим. Бунда сув олинган вақтдан 2 соатдан кўп ўтмаслиги керак. Лабораторияга келтирилган синама махсус журнallарга ёзилади.

## МИКРОБЛARНИНГ УМУМИЙ СОНИНИ АНИҚЛАШ

Водопровод суви текширилганда алоҳида Петри косачалағираға 1 ва 0,1 мл текширилаётган сувдан қуйиб, устига эритилган ва 45°С гача совутилган ГПА солинади. Ариқ суви бўлса, косачаларга 0,01, 0,001, 0,0001 мл дан экилади. Термостатта 37°С ұароратда 2 соатга қолдирилади.

2-куни. Экилган мұхитлар текширилади. Колониялар кам

бўлса улар оддий кўз билан ёки лупа ёрдамида саналади. Агар колониялар сони қўп бўлса, уларни колония санайдиган асбобда ҳисобланади сўнгра, суюлтириш сонига кўпайтириб, косачалар сонига бўлинади. Ўртacha арифметик ҳисобда 1 мл текшириладиган сувдаги микробларнинг умумий сони аниқланади.

### СУВДАГИ КОЛИ-ТИТР ВА КОЛИ-ИНДЕКСНИ АНИҚЛАШ

Икки усуулда аниқланади.

1. Бижғитиш усули.
2. Мембрани фильтр усули.

#### БИЖҒИТИШ УСУЛИ

1-куни. Текшириладиган сув глюкоза пептонли Эйкман мұхити солинган учта флаконга 100 мл дан, учта пробиркага 10 мл дан, суюлтирилган Эйкман мұхити бўлган 3 та пробиркага 1 дан экилади. Экилган мұхит  $43^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

2-куни. Экилган мұхит текширилади. Агар озиқа мұхити тиниқ ва газ ҳосил бўлмаса, ичак таёқчаси аниқланмади деб жавоб берилади.

Агар лойқаланиш ва газ ҳосил бўлса, текшириш ишлари давом эттирилади. Ҳар бир флақон ва пробиркалардан олиб секторларга бўлинган Эндо мұхитига экилади. Термостатда  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

3-куни. Экилган мұхит текширилади. Эндо озиқа мұхитида ичак таёқчаси ялтироқ металл, малина рангли колония ҳосил қилиб ўсади. Шундай шубҳали колониядан олиб: 1) оксидаза синамаси ўтказилади: бунинг учун шубҳали колониядан олиб диметилпарафенилендиамин реактиви шимдирилган фильтр қозғозга суртилади. Агар реакция мусбат бўлса, суртилган жойда кўк ранг ҳосил бўлади.

2) Ҳар бир сектордан колония олиб алоҳида ярим суюқ глюкозали мұхитига экилади. Экилганларни термостатга  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

4-куни. Экилган мұхитлар текширилади. Агар ярим суюқ глюкозали мұхитнинг ранги ўзгариб газ ҳосил бўлган бўлса, давлат стандарт жадвалига асосланган ҳолда коли-титр ва коли-индекс аниқланади.

#### МЕМБРАНАЛИ ФИЛЬТР УСУЛИ

Текширилаётган сув Зейтц асбоби орқали фильтранади. Стерил пинцет ёрдамида фильтр олиниб Эндо мұхитига ўрнатилади. Термостатга  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

2-куни. Экилган мұхит текширилади. Агар Эндо мұхитида ялтироқ металл, малина рангли колония ҳосил бўлган бўлса, юқорида айтилгандек текшириш ишлари ўтказилади.

## АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАРНИ САНИТАРИЯ-БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Алкоголсиз ичимликларни санитар-бактериологик текшириш ГОСТ 13273—75 талаби асосида олиб борилади. Текширишга корхонадан чиққан, қопқоғи мұхұланған бутилкалар келтирилиши лозим. Текширишдан олдин бутилка қопқоғи ва бүйін қисми артилади, куйдирилади, қопқоғи очилади, стерил пахтадокали қопқоқ билан ёпилади. Газ чиқиб кетиши учун 43°C ҳароратда термостаттда 1 соатта қолдирилади. Кислотали шароитта эга бўлган ичимликларни кислотасини нейтраллаш учун 10% ли натрий бикарбонати эритмасидан солинади. Ичимликларни текшириш ичимлик сувларини текширгандек олиб борилади.

Ачитиш натижасида тайёрланған ичимликларда микробларнинг умумий сони аниқланмайды, чунки уларнинг таркибида микробларнинг ўзи кўп бўлади. Коли-титрни аниқлаш учун Кесслер ёки глюкоза-пептонли мұхитга 2 та 100 мл ва 10 та пробиркага 10 мл дан экилади. Сироплар 10 марта суюлтирилади, квас, пиво ва бошқа ачитки микробларни сақловчи ичимликлар эса 10; 1; 0,1 ва 0,01 мл дан экилади. Қолган текшириш ишлари сувникига ўхшаш. Гази бўлган алкогиз ичимликларда коли-титр 300 дан, газсизларда 100, ион квасларида 10 дан ошмаслиги лозим.

### Назорат учун саволлар

- ? 1. Санитар микробиологиясининг асосий вазифалари нимадан иборат?
- 2. Текширишга сув қандай олинади?
- 3. Коли-титр, коли-индекс, микробларнинг умумий сони деганда нимани тушунасиз?
- 4. Коли-титр ва коли-индекс қандай усуулларда аниқланади?

## ҲАВОНИ САНИТАРИЯ-БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Ташқи мұхит омилларидан ҳаво организмга катта таъсир күрсатади. Ҳаво микрофлорасиниң үрганадиган фанга аэромикробиология дейилади. Микробларни яшаши учун ҳаво қулай шароит бўлиб ҳисобланмайды, чунки унда микробларнинг яшаши учун озиқа моддалар йўқ ва у доимо ҳаракатда бўлади. Шунга қарамасдан унда айрим микроблар — сил, клостридий споралари, замбуруғлар ва бошқа микроблар сақланади. Ҳавони санитария-бактериологик текшириш ГОСТ талабига асосан олиб борилади. Режали ва эпидемиологик кўрсаткич бўйича текширилади. Яъни операцион хона, тугруқхона, боғ-

лов хонаси, дорихона ва бошқа хоналарнинг ҳавоси текширилади.

Ҳавони санитария-бактериологик текширишта қуйидаги күрсаткичлар аниқланади:

- 1) 1 м<sup>3</sup> ҳаводаги микробларнинг умумий сони аниқланади;
- 2) 1 м<sup>3</sup> ҳаводаги патоген ва шартли-патоген микроблар аниқланади.

**Синама олиш.** Ҳаводан синама 2 усулда олинади.

1) Седиментацион усул — микробларнинг механик равишда чўкишига асосланган.

2) Аспирацион усул — ҳавони актив равишила сўриб олишга асосланган.

### **СЕДИМЕНТАЦИОН УСУЛ**

ГПА солинган косачаларни очиқ ва горизонтал ҳолда полдан турли хил баландликда 10—20 дақиқага (ҳавони ифлостозалигига қараб) очиқ қолдирилади. Патоген микробларни аниқлаш учун электив муҳитлар қўлланилади.

Экилганларни термостатга 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади. Эртаси куни олиб текширилади.

### **АСПИРАЦИОН УСУЛ**

Речменский, Дьяконова, ПАБ—1, Кротов асбобларидан фойдаланилади.

Кротов асбобида ҳавони синамага олиш Петри косачасидаги муҳитга ҳаво урилишига асосланган. Кротов асбоби З қисмдан иборат: ҳавони синамага олувчи қисми, ротометр ва элекстр механизмни қисми. 1-кун. Ҳавони сўрувчи қисмiga очиқ ҳолдаги Петри косачаси ўрнатилади, қопқоғининг тешиги орқали ҳаво озиқа муҳитига экилади, косача эса бир дақиқада 4000—5000 марта айланади. Ҳаво муҳитга бир хил ўтиради.

Кротов асбобининг камчилиги шундан иборатки, у элекстр энергиясида ишлайди ва ҳамма шароитда қўллашнинг иложи йўқ.

Озиқа муҳитини термостатга 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

2-кун. Экилган муҳитлар текширилади, колониялар саналади. 1 м<sup>3</sup> ҳаводаги микроблар аниқланишига қараб электив озиқа муҳити қўлланилади. Агар патоген микроблар аниқланса, худди шу қўзғатувчига текшириш ишлари ўтказилади.

### **Назорат учун саволлар**

- ? 1. Ҳаво микроорганизмлар яшаси учун қулай шароит ҳисобланадими?

2. Қайси ҳолларда ҳавони режали текшириш ишлари олиб борилади?
3. Ҳаво қандай усулларда текшириледи?

## ТУПРОҚНИ САНИТАРИЯ-БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Тупроқ микробларнинг яшаси учун энг қулай шароит бўлиб ҳисобланади. Улар тупроқ орқали сувга, ҳавога ўтиб уларни ифлослантиради. Тупроқни микробиологик текшириш катта аҳамиятга эга. Тупроқни касалхона, боғча, лагер ва бошқа объектларни қуришдан олдин санитария-бактериологик текширилади.

Тупроқни текширганда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

1) 1 кг тупроқдаги микробларнинг умумий сонини аниқлаш;

2) коли-титр ва клостридий перфрингенсни аниқлаш;

3) 1 кг тупроқдаги термофил бактерияларни аниқлаш;

4) эпидемиологик кўрсаткич бўйича патоген микроблардан сальмонеллалар, шигеллалар, ботулизм, қоқшол қўзғатувчалири ва бошқа микробларни аниқлаш.

**Синама олиш.** Санитария-шифокори ва бактериолог томонидан тупроқдан мақсадга қараб синама олинади.  $1000\text{m}^3$  ҳудуд танланади. Бири ифлослантирувчи манбаларга яқин, иккинчиси ундан узоқроқ бўлиши лозим.  $25\text{ m}^2$  майдонидан 5 та нуқта: 4 та четидан ва 1 та ўртасидан олинади ёки диагонал бўйича 5 та нуқтадан олинади.

Материал тупроқни юза қисмидан стерил лопаткачалар билан 20 см чуқурликкача олинади, чуқур қисмидан синама Некрасов бури ёрдамида олинади. Синама энг камида 1 кг олинини лозим. Синамани стерил банкаларга солиб, пергамент қоғозга ўраб, рақамини, этикеткасини ёпиштириб, яшикларга солиб, тушунтириш хати билан лабораторияга юборилади. Агар тупроқни шу куннинг ўзида текширишнинг иложи бўлмаса, музлатгичга  $1-2^\circ\text{C}$  ҳароратда 1 кунга қолдирилади.

**Синамани тайёрлаш.** Олиб келинган тупроқ йирик қисмлардан тозаланади, стерил ҳовончада эзилади, стерил тўрдан ётказилади. Тўрдан ўтган тупроқдан 30 г олинниб, стерил колбага солинади ва 270 мл стерил сув қуйилади. Натижада 1:10 нисбатда суюлтирилган эритма ҳосил бўлади. Мана шу эритмани 1:100; 1:1000, 1:10000 гача суюлтирилади.

## МИКРОБЛАРНИНГ УМУМИЙ СОНИНИ АНИҚЛАШ

Ҳар бир тупроқнинг суюлтирилган эритмасидан олиб, стерил Петри косачасига солинади, устига  $45^\circ\text{C}$  гача совитилган ГПА солинади. Термостатга  $37^\circ\text{C}$  ҳароратда 24 соатга қолди-

рилади. Вақт ўттач колониялар саналиб, микробларнинг сони аниқланади.

### КОЛИ-ТИТРНИ АНИҚЛАШ

1-кун. 1:10 га суюлтирилган эритмадан 10 мл олиб, 50 мл ли Кесслер мұхитига әкілади. Колған суюлтирилган эритмалардан 1 мл дан олиб, 1 мл ли Кесслер мұхитига әкілади. Экилгандарни термостатта 37°C ҳароратда 24 соатта қолдирилади.

2-күн. Экилған мұхитлар текширилади. Агар ҳеч нарса ўсмаган бўлса, яна 1 кунга қолдирилади. Агар 48 соатда ҳам лойқаланиб, газ ҳосил бўлмаса, ичак таёқчаси аниқланмади деб жавоб берилади. Агар лойқаланиш ва газ ҳосил бўлған бўлса, секторларга бўлинган Эндо мұхитига әкілади, термостатта 37°C ҳароратда 24 соатта қолдирилади.

3-куни. Экилған мұхитлар текширилади. Агар Эндо озиқа мұхитида ичак таёқчасига хос колониялар ҳосил бўлған бўлса, шубҳали колониядан олиб:

1) суртма тайёрлаб, Грам усулида бўяб микроскопда текширилади;

2) оксидаза синамаси қўйилади;

3) ярим суюқ глюкозали мұхитига әкілади.

4-куни. Экилған мұхитлар текширилади. Озиқа мұхитида газ ҳосил бўлиб, ранги ўзгарса, ичак таёқчаси бор деган хуло-сага келинади.

### МЕМБРАНАЛИ ФИЛЬТР УСУЛИ

Бу усул кам ифлосланган тупроқларни текширишда қўлланади.

Ҳар бир суюлтирилган аралашмадан 10 мл дан олиб фильтран ўтказилади. Фильтратни юқорида айтилгандек текшириш ишлари ўтказилади.

*C. perfringens* титрини аниқлаш.

Ҳар бир суюлтириш даражасидан 1 мл дан олиб икки қатор стерил пробиркаларга солинади. Битта қатордаги пробиркаларни 80°C ҳароратда 15 дақиқа қиздиріледи. Барча пробиркаларга эритилган ва 45°C гача совутилган Вильсон—Блер мұхитига материал әкілади. Термостатта 43°C ҳароратда 24 соатта қолдирилади.

*C. perfringens* озиқа мұхитининг пастроғида қора колония ҳосил қилиб ўсади. Газ ҳосил бўлгани озиқа мұхитининг ёрилиб кеттанидан билинади. Колониядан олиб суртма тайёрланаади. Грам усулида бўялиб микроскоп остида текширилади. Агар таёқчасимон, спорали, Грам мусбат бўлған бактериялар кўринса, *C. perfringens* бор деб хулоса қилинади. Бу қўзгатувчининг тупроқда учраши унда бошқа клостиридијларнинг борлигидан далолат беради. Масалан, қоқшол, ботулизм қўзғатувчилари.

## **Назорат учун саволлар**

- ?
1. Қачон тупроқ санитария-бактериологик текшириледи?
  2. Синамага тупроқ қандай олинади?
  3. Тупроқда қандай күрсаткычлар аниқланади?
  4. Энтеропатоген ичак таёқаси қандай усулларда аниқланади?

### **СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САНИТАР-БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШ**

Сут ва сут маҳсулотлари микробларни ривожланиши учун энг қулагай шароит бўлиб ҳисобланади. Айрим сутдан тайёрланадиган маҳсулотларнинг ўзи микроблар таъсирида тайёрланади.

Сут орқали сил, бруцелләз, сальмонелләз, куйдирги, полиомелит вируси, анаэроб бациллалар ва бошқа микроблар тарқалиши мумкин. Бу микроблар сут ва уни соғаётган ва жўнатилаётган вақтда, сақлаш ва бошқа ҳолларда тушиши мумкин. Сут ва сут маҳсулотларини бактериологик текшириш ГОСТ 9225—68 асосида олиб борилади.

**Синама олиш.** Суюқ ва ярим суюқ маҳсулотлар аралаштирилиб 50—100 мл лик стерил колбаларга солинади. Сарёғ, пишлок, творог маҳсулотларининг чуқур қисмидан материал стерил қисқичларда олинади. Уларнинг устки қисми тозаланиб, сунгра текшириш учун олинади. Қадоқланган маҳсулотлардан 2 та қадоқ олинади. Олинган материаллар лабораторияга тушунтириш хати билан жўнатилади. Материал 4 соат ичидаги текширилиши лозим. Сут ва сут маҳсулотларида қўйидаги кўрсаткичлар аниқланади.

1 г (мл) текшириладиган материалдаги микробларнинг умумий сонини аниқлаш. Эпидемиологик кўрсаткични аниқлаш юзасидан патоген микроблардан стафилококк, сальмонела, бруцелләз ва бошқа микроблар аниқланади.

### **МИКРОБЛARНИНГ УМУМИЙ СОНИНИ АНИҚЛАШ**

**Синамаларни текширишга тайёрлаш.** Сут ва сут маҳсулотларни 1:10, 1:100, 1:1000 нисбатларда суюлтирилади.

**Экиш.** Ҳар бир суюлтириш даражасидан 1 мл дан олиб 2—3 та стерил Петри косачасига солинади ва устига эритилган ва 45°C гача совитилган ГПА солинади. Термостатта 37°C ҳароратда 48 соатта қолдирилади. Вақт ўтгач косачалар термостатдан олинади. Колониялар кам бўлса оддий кўз билан, кўп бўйса, колония санайдиган асбобда саналади. Колониялар сонига суюлтириш даражасига кўпайтирилиб, косачалар сонига бўйса суюлтиришда олинади.

линади ва 1 мл сут таркибидаги микробларнинг умумий сони аниқланади. Ачитиш натижасида тайёрланган маҳсулотларда микробларнинг умумий сони аниқланмайди. Маҳсулотлардан суртма препарат тайёрлаб микрофлора назорат қилиб турилади. Материалда специфик микробларнинг аниқланиши унинг эскирганидан ёки ифлосланганидан далолат беради.

### ИЧАҚ ТАЁҚЧАСИ ГУРУХИ БАКТЕРИЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Ичак таёқчаси гурухи бактерияларини аниқлаш ачитиш — бижгитиши усулида аниқланади. ГОСТ 9225—68 асосида бактериологик текшириши ишлари ўтказилади.

I-куни. З та 5 мл ли Кесслер муҳитига 1 мл дан текширилаётган материал ва З та Кесслер муҳитига 1:10 суюлтирилган материалдан 1 мл дан яна экиласди. Термостатда 37°C ҳароратда 18—24 соатга қолдирилади.

II-куни. Агар Кесслер муҳитида лойқаланиш ва газ ҳосил бўлган бўлса, секторларга бўлинган Эндо муҳитига экиласди. Термостатга 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

III-куни. Агар Эндо муҳитида ялтироқ металл, малина рангли колония ҳосил бўлган бўлса, суртма тайёрлаб Грам усулида бўяб текширилади, оксидаза синамаси ўтказилади, Козеро муҳитига экиб термостатга 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

IV-куни. Экилган материал глюкозали муҳитни кислота ва газгача парчаласа, Козеро муҳитида ўсиш ҳосил бўлмаса, колитр махсус жадвал асосида аниқланади.

Сут ва сут маҳсулотларида патоген микроорганизмларнинг бўлиши мумкин эмас.

### КРЕМЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ САНИТАРИЯ- БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Кремли маҳсулотларни санитария-бактериологик текшириш соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1351—75 буйруғига асосан олиб борилади. Қўйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

1. Ичак таёқчаси титрини аниқлаш.

2. 1 г маҳсулотдаги плазмани коагуляция қилувчи стафилококни аниқлаш.

**Синама олиш.** Кремли маҳсулостнинг юзасидан ва ички қисмидан 50 гр синама олиниади. Синама стерил қошиқчалар билан идишларга олиниб, лабораторияга тушунтириш хати билан жўнатилади.

### ИЧАҚ ТАЁҚЧАСИ ТИТРИНИ АНИҚЛАШ

I-куни. Олинган синама термостатда ёки сув ҳаммомида 43—45°C га қолдирилади. Эриган кремминг пастки қисмидан синама олиб текширилади.

Крем 1:10, 1:100, 1:1000 нисбатда суюлтирилади.

1:10 нисбатда суюлтирилган эритмадан 10 мл олиб 50 мл ли Кесслер мұхитига экилади. Қолған (1:100, 1:1000) суюлтирилган эритмалардан 1 мл дан олиб 5 мл ли Кесслер мұхитига экилади. Термостатта 43°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

2-куни. Экилган мұхитлар текширилади. Кесслер мұхитининг ранги ўзгариб газ ҳосил бўлса, секторларга бўлинган Эндо мұхитига экилади. Термостатта 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

3-куни. Агар шубҳали колониялар ҳосил бўлмаса, ичак таёқ-часи йўқ деб жавоб берилади. Агар шубҳали колония ҳосил бўлса, суртма тайёрлаб, Грам усулида бўяб текширилади. Агар Грам манфий бўлган таёқчасимон, тартибсиз жойлашган бактериялар кўринса, ичак таёқчиши гуруҳига текшириш ишлари ўтказилади. Бунда коли-титр 0,3 г дан кам бўлмаслиги лозим.

### **ПЛАЗМАНИ КОАГУЛЯЦИЯЛОВЧИ СТАФИЛОКОККНИ АНИҚЛАШ**

1-куни. Эритилган кремдан 0,1 г олиб сут-туз агарга (МСА) ва 0,5 мл 2 та тузли шўрвага экилади. Термостатта 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

2-куни. Экилган мұхитлар текширилади. Петри косачасини 1-кунга пигмент ҳосил қилишини аниқлаш учун хона ҳароратида қолдирилади. Бойитувчи тузли шўрвадан олиб тухум сариғи қўшилган тузли агарга экилади (ЖСА). Термостатта 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

3-куни. Экилган мұхитлар текширилади. Петри косачасида стафилококка хос колониялар ҳосил бўлган бўлса, плазмакоагулаза реакцияси қўйилади.

### **Назорат учун саволлар**

- ? 1. Сут ва сут маҳсулотлари синамага қандай олинади?  
2. Сут ва сут маҳсулотларида, крем маҳсулотларида қандай микроблар кўрсаткичи аниқланади?

### **ГЎШТ ВА КОЛБАСА МАҲСУЛОТЛАРИНИ САНИТАРИЯ-БАКТЕРИОЛОГИК ТЕҚШИРИШ**

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари микроорганизмлар билан турли сабаблар туфайли ифлосланади:

Бирламчи ифлосланиш. Ҳайвонлар организмининг касалликка қарши курашиши сусайған ҳолларда микроблар ичак орқали қон ва аъзоларга ўтади.

2. Ҳайвонлар сўйилган вақтида, гўшти бўлинганда, нотўғри сақланган ҳолларда ифлосланиши мумкин. Маҳсулотлар нотўғри тайёрланганда ҳам ифлосланиши мумкин. Гўшт ва колбаса маҳсулотлари ГОСТ 9858—74 асосида текширилади.

I. 1 г маҳсулотдаги микробларнинг умумий сони аниқланади.

II. 1 г маҳсулотдаги ичак таёқчаси гурухи бактериялари аниқланади.

III. 5 г маҳсулотдаги сальмонелла, протей ва клостирийлар аниқланади.

**Синама олиш.** Ҳар бир партиянинг турли қисмларидан иккита бўлак гўшт, колабса олинади. Сосиска ва сарделалардан бир қанча бўлакчалар олинади. Ликвидоқ, паштет ва бошқа қадоқланмаган маҳсулотларнинг 2—3 қисмидан 200—250 г дан олинади. Ҳар бирини алоҳида пергамент қофозларга ўраб, тушунтириш хати ёзилиб лабораторияга жўнатилади.

**Текширишга тайёрлаш.** Қаттиқ маҳсулотларнинг устки қисми спиртли тампон билан артилиб ёндирилади, турли қисмларидан бўлакчалар олинади. Дудланган маҳсулотларнинг эса суюкка яқин қисмларидан олинади. Қобиги бўлмаган маҳсулотлардан намланган тампон ёрдамида суртма олиниб «ХБ», Хейфиц ёки Кесслер мұхитларига экилади. Сўнгра бу маҳсулот спиртга намланган тампон билан артилиб кўйдирилади ва 20 г дан бўлакчалар олинади. Уни стерил ҳовончада стерил күм ва физиологик эритма билан ээнлади (80 мл).

### I г МАҲСУЛОТДАГИ МИКРОБЛARНИНГ УМУМИЙ СОНИНИ АНИҚЛАШ

1-куни. Текшириш материалдан 1,0 ва 0,1 мл олиб Петри косачасига солинади, устига эритилган ва 45°C гача совитилган ГПА солинади. Протейлар ўсмаслиги учун 4—5 мл оч агар солинади. Экилган мұхитлар термостатга 37°C ҳароратда 48 соатга қолдирилади.

Колониялар кам бўлса оддий кўз билан, кўп бўлса колония санайдиган асбоб билан саналади, суюлтириш сонига кўпайтирилиб, косачалар сонига бўлинали. 1 г маҳсулотдаги микробларнинг умумий сони аниқланади.

### ИЧАК ТАЕҚЧАСИ ГУРУХИ БАКТЕРИЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ

1-кун. Ҳар бир суюлтирилган материалдан 5 мл дан олиб «ХБ», Хейфиц ёки Кесслер мұхитларига экилади. 43°C ҳароратда 18—20 соатга қолдирилади.

2-кун. Экилган мұхитлар текширилади. «ХБ», Хейфиц мұхити кўк рангдан сарық рангга айланади. Кесслер мұхитининг ранги ўзгариб газ ҳосил бўлади. Шундай ўзгаришлар бўлса, ичак таёқчасига текшириш ишлари ўтказилади.

### САЛЬМОНЕЛЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ

Тайёрланган аралашмадан 25 мл олиб Мюллер, Кауфман ёки селенитли шўрвага экилади, термостатга 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

Вақт ўтгач олиб текширилади. Улардан олиб Эндо, висмут сульфит агарга экилади. Термостатта 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

Вақт ўтгач олиб текширилади. Агар сальмонеллаларга хос колониялар ҳосил бўлган бўлса, уларга текшириш ишлари ўтказилади.

## ПРОТЕЙЛАРНИ АНИҚЛАШ

0,5 мл текшириш материалдан олиб қийшиқ агарнинг конденсацион суюқлигига экилади (Шукевич усули). Термостатта 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади. Вақт ўтгач олиб текширилади. Агар муҳитнинг юзасида колониялар ёйилиб ўғсан бўлса, протейлар бор деб, фақат конденсацион суюқлигига ўғсан бўлса, протейлар йўқ деб жавоб берилади.

## Назорат учун саволлар

- ? 1. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари қачон микроблар билан ифлосланади?
- 2. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари синамага қандай олинади?
- 3. Гўшт ва гўшт маҳсулотларида санитария кўрсаткичи қандай
- 4. Протейлар борлиги қандай аниқланади?

## КОНСЕРВАЛАРНИ САНИТАРИЯ-БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Консерваларда аэроб ва анаэроб микроблар бўлиши мумкин. Улар ифлосланган маҳсулотларни консервалаш ёки консерваларни нотўғри стерилизация қилиш натижасида тушади.

**Синама олиш.** ГОСТ 8756—070 асосида олиб борилади. Ҳар бир консерва партиясидан синама олинади. 1 л ҳажмдаги шина полимер идишларда бўлса, 3 та идишда олинади. 1—3 л идишда бўлса битта қадоқ олинади. Бочка ва яшикларда бўлса, 500 г олинади.

**Текширишга тайёрлаш.** Текширишга келтирилган банкаларнинг аввал ташқи кўриниши текширилади (занглаганлиги, пачоқланганлиги). Оққан жойи борми ёки йўқлиги текширилади.

**Герметик ёпиқлигини текшириш.** Консерва банкаси сувли кастрюлкага солиб қайнатилади. Сув консерва ҳажмидан 4 марта кўп бўлиши лозим. Консерва бир неча дақиқа қайнатилади. Агар ҳаво чиқса, герметик ёпиқ эмаслигини кўрсатади.

**Бомбажга текшириш.** Банка термостатта 37°C ҳароратда 5—6 кунга қолдирилади. Бомбаж бўлганлигини қопқоқнинг

шишиб қолғанлигидан биламиз. Агар бомбаж бўлмаса ва герметик ёпиқ бўлса текширилмайди.

**Банкаларни санитария-бактериологик текшириш учун тайёрлаш.** Текшириш асептик шароитда боксларда олиб борилади.

Банка қофоздан тозаланади. Кўрсаткичлари ёзиб олинади. Совунлаб ювилиб, чайлади, қуруқ қилиб артилади. Улар одатда спиртга намланган тампон билан артилади. Консервани очадиган асбоб ҳам спиртда ёндирилади, сўнг банка очилади. Банкага шиша найча киритилиб материал олинади ва стерил Петри косачасига солинади.

**Экип.** Мезофил аэробларни аниқлаш учун 5—6 мл 1% ли глюкозали иккита пробиркага экиласди. Термостатга 37°C ҳароратда 5 кунга қолдирилади. Ҳар куни текширилади. Агар микроблар ўсган бўлса, суртма тайёрлаб, Грам усулида бўяллади ва микроскоп остида текширилади. Консерваларда аэроб микроблари бўлиши мумкин эмас.

Мезофил анаэробларни аниқлаш учун текшириш материалдан олиб (2 см) 20 дақиқа қиздирилган, 40°C гача совутилган Тароцци муҳитига экиласди. Термостатга 37°C ҳароратда 5 кунга қолдирилади. Агар микроб культуралари ўсган бўлса, суртма тайёрлаб, Грам усулида бўяб текширилади, каталаза синамаси қўйилади. Агар суртмада Грам мусбат бўлган бактериялар кўринса, каталаза синамаси манфий бўлса, 2 мл олиб стерил Петри косачасига солинади ва устига эритилган 1% ли глюкозали агар солинади. Озиқа муҳити юзасига буюм ойначси ҳаво қолдирилмасдан ётқизилади. Термостатга 37°C ҳароратда 48 соатга қолдирилади. Агар буюм ойнасининг тагида микроб культураси ўсган бўлса ёки муҳит ёрилиб кетган бўлса, 3—4 мм узоқликда буюм ойначси атрофида микроблар ўсмаган бўлса, анаэроблар бор деб хулоса қилинади.

Қандай консерва бўлишидан қатъи назар санитария-эпидемиологик кўрсаткич бўйича стафилококк, газли гангrena, термофил аэроб ва анаэроблар, ботулизм токсинлари, ачитқи ва бошқаларга текшириш ишлари ўтказилади.

Консерваларда патоген микроблар бўлиши мумкин эмас.

## **ЮВИНДИЛАРНИ САНИТАРИЯ-БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШ**

Овқатланиш обьектлари, озиқ-овқат корхоналари, даволаш ва болалар муассасаларининг тозалиги, ходимларнинг санитария-гиена қоидаларига риоя қилаётганликларига ювиндилар олиб текшириб баҳо берилади.

Текшириш мақсадига қараб қуидаги кўрсаткичлар аниқланади:

1. ЎІКП (ичак таёқчаси гуруҳи ҳаги бактериялар) борлиги аниқланади.

2. Стафилококкнинг борлиги аниқланади.

### **3. Микробларнинг умумий сони аниқланади.**

Патоген микробларга эпидемиологик кўрсаткич бўйича текширилади.

Овқатланиш ва болалар муассасаларида ичак таёқчаси ва стафилококка текшириш билан чегараланади. Операцион, реанимация, боғлов, интенсив терапия, туғруқхона ва бошқаларда ичак таёқчаси, стафилококқдан ташқари микробларнинг умумий сони ҳам аниқланади.

**Синама олиш.** Ювиндилар пахта, тампон ёки салфетка ёрдамида олинади.

Тампон ёки салфетка физиологик эритмага намлаб олинади, сўнг синама олинади.

**Қўлдан синама олиш.** Синама чап қўлдан бошлаб олинади. Аевал қўлнинг юзасидан бармоқлар томон ҳаракатлантирилади, сўнг шу йўсигина қўлнинг ички қисмидан бармоқлар орасидан ва тирноқлар орасидан олинади. Мана шу тампон билан юқорида айтиб ўтилгандек ўнг қўлдан ҳам олинади.

**Буюмлардан синама олиш.** Юзаси кенг бўлган буюмларнинг бир неча қисмидан 50x50, 100x100 см ли трафарет ёрдамида олинади. Трафарет симдан ясалган бўлиб, ишлатишдан олдин спирт алангасида қиздириб олинади.

### **ИЧАК ГУРУХИ БАКТЕРИЯЛАРИГА ТЕКШИРИШ**

1-куни. Лабораторияга келтирилган синамалар Кода мухитига экиласди.

Термостатга 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

2-куни. Агар текшириш материалида ичак таёқчаси бўлса, мухитнинг ранги ўзгаради. Мана шу мухитдан олиб Эндо мухитига экиласди. Термостатга 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади.

3-куни. Эндо мухити текшириллади. Агар ялтироқ металл, малина рангли колониялар ҳосил бўлган бўлса, суртма тайёрлаб текширилади ва схема асосида ишлар ўтказилади.

### **СТАФИЛОҚОККА ТЕКШИРИШ**

Текширишга олиб келинган ювинди тухум сарифи қўшилган тузли агарга ва 6,5%ли тузли ўзвргага экиласди. Термостатта 37°C ҳароратда 24 соатга қолдирилади. Агар стафилококка хос колониялар ҳосил бўлган бўлса, стафилококка текшириш ишлари ўтказилади.

### **МИКРОБЛARНИНГ УМУМИЙ СОНИНИ АНИҚЛАШ**

1-куни. 2 мл ли физиологик эритмадаги ювиндига 8 мл физиологик эритма қўшилади. Шунда 1:5 нисбатли эритма ҳосил

бұлади. Тампон яхшилаб у билан аралаштирилади. 1 мл олиб 45°C гача совитилган ГПА солинади ва Петри косачасига құйлади. Термостатта 37°C ҳароратда 14 соатта қолдирилади.

2-куни. Экилган мұхит текширилади. Колониялар кам бўлса оддий кўз билан, агар кўп бўлса колония санайдиган асбобда саналади. Сўнг 1 см юзадаги колониялар сони саналади.

## **ХИРУРГИК ВА БОҒЛОВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СТЕРИЛЛИККА ТЕКШИРИШ.**

Текшириш асептик шароиттда боксларда олиб борилади. Аэроп ва анаэроб микрофлорага текширилади.

Текшириш олиб бориш учун қуйидагилар керак бўллади:

1. Стерил асбоблар тўплами (қайчи, корнцанглар, пинцетлар)

2. 10% ли стерил гипосульфит эритмаси.

3. Стерил дистилланган сув.

4. Хоттингер шакарли шўрваси, Сабуро мұхити ва тиогликол мұхитлари. Материал стерилизация қилинган куни олиниб ёпиқ ва муҳрланган бюксларда текширишга юборилади. Текширишга бинт, тампон, паҳта шарчалар, дока салфеткалар ва боғлов (кетгут ва ипак) материаллари олинади. Текширишга келтирилган материаллар стерил пинцетда олиниб спирт алансиги олдида ҳар хил қисмларидан қирқиб олинади ва стерил Петри косачасига солинади. Ҳар бир синамадан олиб шакарли шўрва ва Сабуро мұхитларига экилади.

**Боғлов материаллари.** Кетгут спиртли йод эритмаларида сақланади. Йодни нейтраллаш учун 24 соатта 10% ли гипосульфит эритмасига солинади, сўнг 24 соат стерил дистилланган сувда сақланади. Шундан сўнг стерил пинцет билан кетгут олиниб стерил Петри косачасига солинади.

Стерил қайчи билан 2—5 см узунликда қирқиб 2 та пребиркадаги шакарли шўрвага ва Сабуро мұхитига экилади. Термостатта 37°C ҳароратда 12—14 кунга қолдирилади.

Ипак спиртда сақланади. Экишдан олдин ипак боғламини олиб 24 соатта стерил дистилланган сувда қолдирилади. Вақт ўтгач стерил пинцет ёрдамида бўлакларга бўлиб шакарли шўрва ва Сабуро мұхитига экилади. Термостатта 37°C ҳароратда 14 кунга қолдирилади. Ҳар куни текширилади. Агар микроб культураси ўсган бўлса стерил эмаслигини кўрсатади.

### **Назорат учун саволлар**

- ?
- 1. Қўл ва буюмлардан ювинди қандай мақсадларда олинади?
- 2. Қандай санитария кўрсаткичларида текширилади?
- 3. Стерилликка текшириш мақсадида қандай материаллар олинади?

## МИКРОБИОЛОГИЯДАН ЛҮФАТ

**Агглютинация** (лат *agglutinatio* — ёпишиш) — суюқликлардаги заррачалар (бактериялар, эрнитроцитлар ва бошқа ҳужайра элементлари) нинг бир-бирига ёпишиб, ғұжланиб қолиши.

**Агглютинингилар** — қон зардобида ҳосил бўлиб, улар таъсирида ёпишиб, ғұжланиб (агглютинизацияланиб) қолган организмлар учун ёт моддалар.

**Актиномицетлар** (*Actinomycetalis*) —узун, ҳужайраларга бўлинмаган нурсимон мицеллалардан иборат бактериялар групласига яқин организмлар. Улар тупроқда яшайди ва споралар ҳалқасини ҳосил қилиб кўпаяди, паразит ҳамда сапрофит шакллари бор.

**Аллергия** (грек. *Allos* — бошқача, *eigron* — таъсир) — организмга ёт бўлган (микроблар, ёт оқсиллар ва бошқа) — омиллар таъсирида юзага келадиган организмнинг ўта сезгирилги.

**Анаэроблар** (ан инкор этувчи олд қўшимча, *aer* — ҳаво, *bias* — ҳаёт) — эркин кислород бўлмаган муҳитда яшай оладиган организмлар.

**Анаэроблар** (ап инкор маъносини билдирувчи олд қўшимча, *séptikos* — чиритадиган) — жароҳатни турли микроорганизмлар тушудидан асрашу үчун унга тегадиган барча буюмларни физикавий методлар ёрдами билан зарарсизлантириш.

**Ассимиляция** ёки АНАБОЛИЗМ (лот. *assimilatio* — ўзлаштириш) — ташқаридан кирган моддаларни организмга қабул қилиш, ўзлаштириш ва организмнинг ўз моддасига айлантириш. У организм билан атроф-муҳит ўртасидаги модда алмашинуви жараёнининг бир томони ҳисобланади.

**Аэроборганизмлар.** АЭРОБЛАР (грек: *aer* — ҳаво, *bios* — ҳаёт) — муҳитида оксидловчи сифатида (организмлар) ишлата оладиган мавжуд эркин кислород билангина таъминлаб яшай оладиган ва ривожланадиган организмлар.

**Бактериялар** (*bacterion* — таёқча) — шаклланган ядрога эга бўлмаган микроскопик организмлар — пракариотлар. Улар чириш, ачитиш жараёнларини юзага келтиради ва кўпгина касалликларнинг қўзғатувчиси хисобланади.

**Бактериофаглар** (бактерия+фаг+лар) — бактериялар вируси. Бошчаси, ўсимтаси ёки «думча»си бор. Бошчаси оқсилли қобиққа ўралган, ичида ДНК ёки РНҚ жойлашган. Ўсимтаси оқсиллардан иборат нилофча билан ўралган ичи бўш ўзак (стержен) дан иборат. Ўзак охирида тикан ва ипли пластинкаси бор.

**Бинар номенклатура** (лат. *binarius* — икки қисмдан иборат) — орга-

низмларнинг қўш номи бўлиб, улардан биринчиси катта ҳарф билан ёзилади ва авлод номини билдиради, иккинчиси турини англатади. К. Линсем (1707 — 1778) тавсия этган.

**Бинокуляр** (лат. *bi+ocularis* — кўзли) — бинокуляр кўриш — икки кўз билан оддий кўриш бинокуляр микроскоп — ўнг ва чап кўз учун алоҳида окуляр билан таъминланган микроскоп.

**Ботулизм** — (*botulism* — колбаса) — ботулинус бактерияси (*Clostridium botulinum*) билан ифлосланган озука маҳсулотлари (колбаса, балиқ, консервалар ва б.)ни истеъмол қилишдан юзага келадиган оғир заҳарланиш.

**Вакцина** (лат. *vaccina* — қорамол — қорамол чечагидан чечак касаллигига қарши олинган препаратга кўра шундай номланган) — юқумли касалликларнинг кучсизлантирилган ёки ўлдирилган қўзатувчиларидан тайёрланган препарат бўлиб, юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида (баъзан касални даволашда — вакцинотерапияда ҳам) эмлаш (вакцинация) учун ишлатилади.

**Вибрионлар** — вергул шаклидаги бактерияларнинг авлоди.

**Вирулентлик** (лат. *virulentus* — заҳарли) — маълум бир табиий ёки сунъий заарланиш шароитида ҳайвон ёки ўсимликнинг баъзи турига нисбатан маълум штаммга мансуб микроорганизм патогенитигини даражаси, шартли ифодалар билан белгиланади.

**Гигиена** — ташки муҳит ва иштаб чиқариш фаолиятидаги хилма-хил омилларнинг одам соғлиғига, унинг меҳнат қобилиятига. Умр кечиришига таъсирини ўрганадиган ва одамнинг турмуш ва меҳнат шароитларини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар иштаб чиқадиган фан.

**Гипертоник эритмалар** — 1) қон зардобига қараганда юқори осмотик босимга эта бўлган эритмалар; 2) ҳужайра ички осмотик босимидан юқори бўлган осмотик босимли моддалар эритмаси.

**Генетика** (грек. *genesis* — келиб чиқиши) — тирик организмларнинг ирсияти ва ўзгарувчанлиги ҳамда уларни бошқариш усуллари ҳақидаги фан.

**Дезинсекция** (лат: *des+insecum* — ҳашаротлар) — маҳсус химиявий моддалар ёрдамида юқумли касалликлар тарқатувчи заарли ҳашаротларни йўқотиш.

**Дезинфекция** — маҳсус кимёвий моддалар ёрдамида касаллик чақирувчи микроорганизмларни йўқотиш, уларни заарарсизлантириш.

**Дезоксирибонукелин кислота** (ДНК) — мономери аденин (А), гуанин (Г), цитозин (Ц), тиамин (Т) каби азотли асосларнинг бирортасидан ҳамда дезоксирибоза ва фосфор кислотадан иборат бўлган полимер. Ж' Уотсон ав Ф. Крин (1953 й) моделига кўра ДНК структураси умумий ўқ атрофида ўнг томонга буралиб кетган иккита спиралсимон полинуклеотид занжиридан иборат ДНК ирсият ташувчи моддадир.

**Изоляция** (франц. *Isolation* ажратиш, ажратиб қўйиш) — бир турга кириувчи индивидлар ўртасида эркин чатишишининг бўлмаслиги ёки қийинлашуви, бу тур ичидаги гуруҳларнинг ҳамда янги турларнинг ажralиб чиқишига олиб келади. Изоляциянинг географик ва биологик хиллари фарқлашади.

**Изотоник эритмалар** — осмотик босими ҳайвон ва ўсимлик ҳужайралари ва қон зардобининг осмотик босимига teng бўлган эритмалар.

**Иммунитет** (лат. *immunitas* — бирор нарсадан холи бўлмоқ) — муай-

ян юқумли касаллікка ёки баъзи заҳарли моддаларга организмнинг чидамлилігі ва қаршилик күрсатып хусусияти. кенгроқ маънода организмнинг ўз бутунлигини ва биологик индивидуаллігини ҳимоя қилиш ва сақлаш қобилиятті.

**Инфекцион касаллікар** — патоген бактериялар, вируслар, риккетсиялар ва содда жоноворлар келтириб чиқарадиган юқумли касалліклар гурӯҳи.

**Колония** — микроорганизмларнинг зич озиқа мұхитіда үсіб шактланиші, зич озиқа мұхитіда алохіда-алохіда тұплам ҳотыла битта ҳужайранадан ўғсан микроорганизмлардир‘

**Клон** — вегетатив күпайтириш усулы билан олинган ягона ҳужайраннинг генетик бир хил авлоди.

**Конъюгация** (лат. conjugatio — яқинлашиб күпайиш, күшилиш — 1) сув ўтлари; тубан замбуруғлар ва инфузорияларнинг жинсий күпайиш шакли; 2) бактерияларнинг генетик материалин алмаштириш усули; 3) хромосомалар конъюгациясы — гомологик хромосомаларнинг яқинлашиб. вақтінча жүфтлашиши ва кроссинговернинг рўй бериши.

**Лизис** (грек. lysis — парчалаш, эриш) — ҳужайраларнинг; жумладан; микроорганизмларнинг лизосомаларидаги ферментлар ёки бошқа эритувчи (литик) хусусиятга ега бўлган моддаси (агент) таъсирида рўй берадиган емирилиш ва эриш.

**Макрофаглар** — макро+грек. phagos — ютувчи) — микроб ва ёт зарачаларни қамрап олиш ва ҳазм қилиб юбориш қобилиятига эга бўлган ҳужайралар (гистиоцитлар, ретикулоэндотелиалал системанинг ҳужайралари. лимфоцит ва моноцитлар).

**Модификатор-генлар** — бошқа генлар таъсирини ўзgartирудук генлар.

**Морфология** (грек. morphē — шакл, logos — таълимот) — организм ба организмларнинг тузилиши ҳақида фан.

**Нуклеоид** — бактерияларнинг функцияси жиҳатдан ҳужайра ядросяга ўхшайдиган ядросимон моддаси. Нуклеоид бир нүктаси билан ҳужайра мембраннынинг ички юзасига ёпишган ва гистонлар билан бирикмаган битта мураккаб ҳалқасимон ДНК молекуласига тўғри келади.

**Патогени** (phatos — касал, gennao — келтириб чиқарувчи) — касаллик келтириб чиқарувчи.

**Профаг** (грек. pro +phag) — бактерия ҳужайрасидаги ўртача бактериофагнинг геноми бўлиб, бактерия хромосомаси билан биргаликда репликацияланади‘

**Пункция** — касаллікни аниқлаш ёки даволаш мақсадида тўқималарни кавак игна (ёки троакар) билан төшиш.

**Спора** (грек. spora — уруғ) — 1) ўсимликларнинг жинссиз күпайишими таъминловчи ҳужайра; 2) қуйи ўсимликларнинг нокуляй шароитда сақланиб қолишини таъминловчи ҳужайра; 3) споралилар синфи бир ҳужайрали паразитларнинг тараққиёт босқичи бўлиб; спораларда муртак зич пардага ўралгандир. Шу босқичда паразитнинг тарқалиши рўй беради.

**Соф культура** — тозаланган микроорганизм; бир турга оид штамм.

**Токсиналар** (грек' toxinon — заҳар) — айрим ҳайвонлар; ўсимликлар ҳосил қиласидиган ҳаёт фаолияти давомида ажраб чиқадиган заҳарли моддалар.

**Тур** — морфологик ва физиологик хусусиятлари билан ўзаро ўхаш бўлган; ўзаро эркин чатишиб серпушт авлод берувчи ва умумий келиб чиқиши

га эга бўлган ҳамда маълум ўлкаларда (ареал) тарқалган мавжудотлар мажмуаси.

**Тоун** (ўлат) — тоун таёқчаси келтириб чиқарувчи антропозоонозлар гуруҳига кирадиган ўткир юқумли касаллик.

**Фаго, фагия** (грек. phagos — ютувчи) — қўшма сўзларнинг «ейиш»; «ютиш» маъносини англатувчи қисми.

**Фагоцитоз** (грек. phago — ютиш; cytos — ҳужайра назарияси) — организм ўзиға кирган инфекциядан оқ қон танаачалари (лейкоцитлар)нинг бактерияларини ютиши (тутиб олиши) билан ҳимояланишини тарғиб этувчи И. И. Мечников томонидан таклиф этилган иммунитетнинг ҳужайравий назарияси. Организмларга тушиб қолган ёт заррачалар (бактериялар; парчаланган моддалар маҳсулот)нинг махсус амёбасимон ҳужайралар — фагоцитлар томонидан ушлаб олинниб, ҳазм қилиниши<sup>1</sup>.

**Факультатив анаэроблар** (лат. facultatis) — имконият; қобилият аг — никор этувчи олд қўшимча; аег — ҳаво; bios — ҳаёт) — кислород бўлганда ҳам; бўлмаганда ҳам яшай оладиган организмлар.

**Ферментлар** (лат. fermentum — ачитқи) — биокимёвий жараёнларнинг йўналишига каталитик таъсир эта оладиган оқсил моддалар — биокатализаторлар.

**Циста ҳосил қилиш** — бир ҳужайрали организмларнинг ноқулай шароитларга тушиб қолганда эйч қават билан ўралган сокин стадия (циста) ҳосил қилиши.

**Штамм** — маълум жойдан ажратиб олинган ва ўрганилган культура.

**Эритроцитлар гемолизи** (haïma + грек lysis — парчалаш; бузиш) — эритроцитлар қобигининг ёрилиши натижасида улар таркибий қисмининг қон газмасига ўтиши.

**Яширин давр (инкубация)** — организмга инфекция тушган вақтдан то касаллиknинг клиник аломатлари юзага чиққунча ўтган вақт.

**Ўзгарувчанлик** — 1) тирик организмларнинг янги белгиларга эга бўлиши ёки мавжуд белгини йўқотиши билан ифодаланувчи ўзгариш хусусияти; 2) тирик организмларнинг турли шаклларда (вариантларда) мавжуд бўла олиш хусусияти.

## **ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

*Покровский В. И., Позднеев О. К. «Медицинская микробиология», Москва, 1998.*

*Пяткин К. Д., Кривошеин Ю. С. «Микробиология», Москва, 1980.*

*Бакулина Н. А., Краева Э. Л. «Микробиология», Медицина, Тошкент, 1979.*

*Сутин И. А., Зефинская, Финн Г. Р. «Микробиология», Тошкент, 1979:*

*Черкес Ф. К. Богоявленская Л. Б. «Микробиология», Москва, 1978.*

*Борисов Л. Б. таҳрири остида «Микробиологиядан лаборатория машғулотларига доир қўлланма», Тошкент, 1992.*

*Ботирбеков А. А., Бобоҷонова Д. М., Қосимова Б. У., Ибрагимхўжаев Б. У.— Тиббиёт институтларининг барча кулиётлари талабалари учун «Ута хавфли инфекциялар» мавзусидан маъruzalар. Тошкент, 1995.*

*Мусабоев И. Қ. «Брюшной тиф и паратиф (этиология, эпидемиология, патогенез, клиника, лечение, профилактика)», Медицина, Тошкент. 1997.*

*Каральник В. В. «Современная лабораторная диагностика дизентерии» Москва, 1996.*

*Дайджест «Туберкулёз в мире» — Публикации из еженедельных эпидемиологических обзоров за 1995 год.*

*И. С. Могавкина, В. Д. Артёмкин. «Атлас по микробиологии и вирусологии», Москва, «Медицина» 1976.*

*Усмоков М. Қ. «Эпидемиология», Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1995.*

*Мажидов В. М. «Юқумли касалликлар», Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1993.*

*Мажмудов О. С. «Болаларнинг юқумли касалликлари», Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1985.*

# МУНДАРИЖА

Микробиология фани ва унинг вазифалари .	3
<b>I қисм. УМУМИЙ МИКРОБИОЛОГИЯ</b>	
<b>1-б о б.</b>	
Микробиологик лаборатория . . . . .	10
Микробиологик текшириш усуллари . . . . .	12
Микроскоп, тузилиши ва у билан ишлаш . . . . .	13
<b>2-б о б.</b>	
Микроорганизмларнинг асосий таснифи ва морфологияси . . . . .	14
Бактериялар . . . . .	15
Бактерия ҳужайрасининг тузилиши . . . . .	16
Микоплазмалар . . . . .	18
Спирохеталар . . . . .	18
Риккетсиялар . . . . .	19
Вируслар . . . . .	20
Вируслар таснифи . . . . .	20
Микроорганизмлар морфологиясини ўрганиш . . . . .	21
Суртма препарат тайёрлаш техникаси . . . . .	21
Суюқ озиқа муҳитида ўсган микроб культурасидан суртма препарат тайёрлаш . . . . .	22
Зич озиқа муҳитида ўсган микроб культурасидан суртма препарат тайёрлаш . . . . .	22
Ийринг ёки балғамдан суртма тайёрлаш . . . . .	22
Қондан суртма тайёрлаш . . . . .	22
Ички аъзолардан ва қаттиқ озиқ-овқатлардан суртма тайёрлаш . . . . .	23
Суртмани қуритиш . . . . .	23
Суртмани фиксация қилиш . . . . .	23
Препаратни бўяш . . . . .	23
Оддий усулда бўяш . . . . .	24
Мураккаб бўяш усули . . . . .	24
Негатив препаратлар . . . . .	25
Бурри-Гинс усули . . . . .	25
Циль — Нильсен усули . . . . .	25
Ожешко усулида бўяш . . . . .	26
Микроорганизмларнинг ҳаракатчалигини аниқлаш . . . . .	26
<b>3-б о б.</b>	
Микроорганизмлар физиологияси . . . . .	27
Бактерияларнинг кимёвий тарқиби . . . . .	27
Бактерияларнинг озиқланиши . . . . .	30
Ферментлар ва уларнинг моддалар алмашинувидаги роли . . . . .	32
Микроорганизм ферментларининг амалиётда қўлланилиши . . . . .	33
Бактерияларнинг нафас олиши . . . . .	34
Микроорганизмларнинг пигментланиши . . . . .	35
Микроорганизмларнинг нур сочиши ва хушбўй ҳид ажратиши . . . . .	36
Бактерияларнинг ўсиши ва бўлинуб кўпайиши . . . . .	36
<b>4-б о б.</b>	
Ташқи муҳит омилларининг микроорганизмларга таъсири . . . . .	38
Физикавий омиллар . . . . .	38

Кимёвий омиллар	41
Биологик омиллар	42
Стерилизация	43
Физикавий усул	43
Қуруқ иссиқлик ёрдамшда стерилизациялаш	43
Дезинфекция	44
Дезинфекцияловчи моддалар ва ишчи эритмаларни тайёрлап	44
Зараарли материалларни заарасизлантириш	47
Лаборатория илишларини стерилизацияга тайёрлаш	47
<b>5-б о б.</b>	
Микроорганизмларнинг табватда тарқалиши	48
Тупроқ микрофлораси	48
Сув микрофлораси	48
Ҳаво микрофлораси	49
Инсон организмининг микрофлораси	49
<b>6-б о б.</b>	
Озиқа мұхитлар ва микробиология текширишлар	51
Озиқа мұхитлар	52
Озиқа мұхитларига қўйиладиган талаблар	52
Озиқа мұхитларининг таснифи	53
Мұхитларни тайёрлаш	55
Пишириш	55
Озиқа мұхитларининг pH ини аниқлаш	55
Еритиш	56
Фильтрлап	56
Қўйиш	56
Стерилизация	57
Тайёрланган мұхитларнинг стериллигини назорат қилиш	57
Экиш усуллари	58
Пробиркадаги мұхитга Петри косачасидаги қультурадан олиб экиш	59
Петри косачасидан агарга экиш. Шпател билан экиш	59
Қовузлоида экиш	59
Секторлаб экиш	59
Микроорганизмлар соғ қультурасиви ажратиб олиш усуллари	60
Ажратилган қультурани ўрганиш.	62
Культуралы хоссаси	62
Морфологик хоссаси	63
Ферментатив фаоллиги	63
<b>7-б о б.</b>	
Фаглар	64
Фагларнинг очилиши ва уни ўрганиш тарихи	65
Фагларнинг хоссалари	65
Вирулент фагларни ўрганиш усуллари	68
Материални тайёрлаш	68
Сифат усули.	69
Миқдорий усул	69
Фагларни ажратиш усуллари	71
Фагларни амалиётда қўлланилиши	72
Фаг препаратлари.	73
<b>8-б о б.</b>	
Антибиотикларга умумий тафсифнома	73
Замбуруғлардан ажратиб олинган антибиотиклар	77
Активомицентлар ҳосци қиласидиган антибиотиклар	78
Хайвон тўқималаридан ажратиб олинган антимикроб моддалар	79
Микроорганизмларнинг антибиотикларга сезувчалигини ўрганиш	80
Аниқлаш усуллари	81
Суюқ озиқа мұхитида сериялаб суюлтириш усули	82
Оптик лойқаланиш стандартлари билан ишлаш усули	84
Кимёпрофилактика ва кимёттерапия	84
<b>9-б о б.</b>	
Микроорганизмлар генетикаси	85
Модификацион ўзгарувчанлик	88
Мутацион ўзгарувчанлик	89

	Плазмидалар	91
	Ўзгарувчаликнинг амалиётдаги аҳамияти	92
<b>10-б о б.</b>	<b>Инфекция ҳақида таълимот</b>	92
	Патоген микроорганизмлар таърифи	93
	Инфекцион жараённинг пайдо бўлишида микроорганизмларнинг аҳамияти	96
	Ташқи муҳит омилларининг инфекцион жараённинг келиб чиқиши ва ривожланишига таъсири	97
	Инфекциянинг тарқалиш механизми	98
	Инфекцион касалликларнинг кечиши динамикаси	99
	Инфекцион жараённинг шакллари	100
	Инфекцион касалликларнинг тарқалиш йўллари	102
	Биологик текшириш усуллари	103
	Лаборатория ҳайвонларининг турлари	104
	Лаборатория ҳайвонларини сақлаш	104
	Ҳайвонларни овқатлантириш	105
	Ҳайвонларни тажрибага танлаш ва тайёрлаш	105
	Ҳайвонларга белги қўйиш	105
	Лаборатория ҳайвонларини заарлаш	106
	Лаборатория ҳайвонларини заарлаш усуллари	106
	Лаборатория ҳайвонларини ёриш	108
	Ҳайвонлардан қон олиш усуллари	109
	Қонга ишлов бериш ва тарқиёй қисмларини ажратиб олиш	110
<b>11-б о б.</b>	<b>Иммунитет ҳақида тушунча.</b>	111
	Туғма иммунитет турлари	113
	Ортирилган иммунитет	113
	Организмнинг носпешифик ҳимоя омили	115
	Носпешифик ҳимоянинг ҳужайравий омиллари. Фагоцитоз	115
	Фагоцитоз босқичлари.	116
	Ҳужайранинг реактивлиги	117
	Носпешифик ҳимоянинг гуморал омиллари	117
	Антигенлар	118
	Антитело	121
	Иммун жавобининг ҳужайравий механизми	122
	Иммунитет реакциялари	124
	Серологик реакциялар	125
	Серологик реакциянинг қўлланилиши	126
	Агглютинация реакцияси	128
	Кенгайтирилган ҳажмдаги агглютинация реакцияси	129
	Гемагглютинация реакцияси	131
	Тормозланган гемагглютинация реакцияси	132
	Билвосита гемагглютинация реакцияси	133
	Прецептация реакцияси	133
	Лизис реакцияси	135
	Компллементни боғлап реакцияси	138
	Ингридиентларни тайёрлаш	139
	Асосий тажрибани олиб бориш	141
	Юкумли касалликларнинг иммунотерапия ва иммунопрофилактикаси	143
<b>12-б о б.</b>	<b>Аллергия</b>	148
	Тез юзага чиқадиган аллергик реакциялар	149
	Аста-секин юзага чиқадиган аллергик реакциялар	152

## II-қисм ХУСУСИЙ МИКРОБИОЛОГИЯ.

<b>13-б о б.</b>	<b>Патоген кокклар</b>	155
	<b>Стафилококклар</b>	155
	Микробиологик текшириш	159

<i>14-б о б.</i>	<b>Стрептококклар</b>	163
	Микробиологик текшириш	167
	Озиқа мұхитлар	169
<i>15-б о б.</i>	<b>Пневмококклар</b>	170
	Микробиологик текшириш	172
	Озуқа мұхитлар	175
<i>16-б о б.</i>	<b>Менингококклар</b>	176
	Микробиологик текшириш	177
<i>17-б о б.</i>	<b>Гонококклар</b>	181
	Микробиологик ташхис	184
	Ичак бактериялари оиласи	186
<i>18-б о б.</i>	<b>Эшерихийлар</b>	187
	Микробиологик текшириш	189
<i>19-б о б.</i>	<b>Сальмонеллалар</b>	192
	Корин тифи, паратиф А ва Внинг құзғатувчилари	193
	Овқатдан зақарланиш	194
	Касалхона ичи сальмонелләс инфекцияси	195
	Микробиологик текшириш	196
	Корин тифи ва паратифнинг серологик диагностикаси	201
<i>20-б о б.</i>	<b>Шигеллалар</b>	204
	Микробиологик ташхис	208
	Шартла патоген бактериялар	211
<i>21-б о б.</i>	<b>Клебециеллалар</b>	212
	Микробиологик текшириш	213
<i>22-б о б.</i>	<b>Вульгар протейлар</b>	214
	Микробиологик текшириш	216
<i>23-б о б.</i>	<b>Энтероколитик иерсениялар</b>	217
	Микробиологик текшириш	218
<i>24-б о б.</i>	<b>Күк-яшил йириңг таёқчаси</b>	220
	Микробиологик текшириш	221
	Ута хавфли инфекция құзғатувчилари	222
<i>25-б о б.</i>	<b>Вабо құзғатувчеси</b>	223
	Микробиологик текшириш	226
	Тезлаштирилган усул	229
	Тезлаштирилган Ермолеева усули	229
<i>26-б о б.</i>	<b>Тоун (чума) құзғатувчеси</b>	230
	Микробиологик текшириш	234
	Бактериофаг билан тезлаштирилган усуллар	235
<i>27-б о б.</i>	<b>Псевдотуберкуләз құзғатувчеси</b>	237
	Микробиологик текшириш	237
<i>28-б о б.</i>	<b>Туляремия құзғатувчеси</b>	237
	Микробиологик текшириш	241
<i>29-б о б.</i>	<b>Бруцелләз құзғатувчеси</b>	242
	Микробиологик текшириш	245
<i>30-б о б.</i>	<b>Күйдирги құзғатувчеси</b>	248
	Микробиологик текшириш	250
	Асколи преципитация реакцияси	253
<i>31-б о б.</i>	<b>Күйкүттал. Күйкүттал құзғатувчилари.</b>	253
	Микробиологик диагностикаси	256
	Ютқуннинг орқа деворидан суртма олиш усули	256
	Бурун-ютқундан суртма олиш усули	256
	Тезлаштирилган усул	258
<i>32-б о б.</i>	<b>Патоген коринебактериялар</b>	259
	Микробиологик текшириш	262
<i>33-б о б.</i>	<b>Патоген микобактериялар</b>	266
	Сил құзғатувчеси	266
	Микробиологик текшириш	269
	Озиқа мұхитлари	271
	Патоген анаэроблар	272

	<b>Анаэробларни ўстириш усуллари</b>	272
	Ташқи мұхитга чидамлилігі	274
<b>34-б о б.</b>	<b>Қоқшол құзгатувчисі</b>	274
	Микробиологик текшириш	276
<b>35-б о б.</b>	<b>Газли гангрена құзгатувчисі</b>	278
	<i>Clostridium perfringens</i>	278
	<i>Clostridium novyi</i>	279
	<i>Clostridium septicum</i>	280
	<i>Clostridium histolyticum</i>	281
	<i>Clostridium sordelli</i>	282
	Микробиологик текшириш	283
<b>36-б о б.</b>	<b>Ботулизм құзгатувчисі</b>	285
	Микробиологик диагностикасы	287
	Патоган спирохеталар	288
<b>37-б о б.</b>	<b>Захм құзгатувчисі</b>	289
	Микробиологик текшириш	291
	Вассерман реаңдасының қүйиш	293
	Қон реаңдасының қүйиш схемасы	294
<b>38-б о б.</b>	<b>Қайтала ма тиф құзгатувчилари</b>	295
	Эпидемик қайтала ма тиф	295
	Эндемик қайтала ма тиф	297
	Микробиологик диагностикасы	298
<b>39-б о б.</b>	<b>Венсан спирохеталари</b>	299
<b>40-б о б.</b>	<b>Лейтоспироз құзгатувчисі</b>	299
	Микробиологик диагностикасы	302
	Текшириш материалинің түплаш	302
	Риккетсиялар	303
<b>41-б о б.</b>	<b>Тошмали тиф</b>	304
	Брилл касаллігі	306
	Эндемик тошмали тиф	306
	Эпидемик ва Эндемик тошмали тиф диагностикасы	307
<b>42-б о б.</b>	<b>Күниситмас құзгатувчисі</b>	309
	Микробиологик диагностикасы	310
	Вируслар	311
	Вируслар таснифи	312
	Вирус ва ҳужайраннинг ўзаро таъсир турлари	315
	Вирусларнинг ташқи мұхиттағы чиқиши ва тарқалышы	316
	Тұқима күльтураларда үздіріш усули	318
<b>43-б о б.</b>	<b>РНҚ сақловчи вируслар</b>	320
	Грипп құзгатувчисі	320
	Лаборатория диагностикасы	322
<b>44-б о б.</b>	<b>Құтуриш құзгатувчесі</b>	324
	Вирусологияк диагностикасы	327
<b>45-б о б.</b>	<b>Полиомиелит құзгатувчисі</b>	328
	Полиомиелит вируси	328
	Вирусологияк диагностикасы	329
	Серологияк диагностикасы	331
	Коксаки вируси	331
	Вирусологияк диагностикасы	332
	Есно вируси	333
<b>46-б о б.</b>	<b>Чиличечак вируси</b>	334
<b>47-б о б.</b>	<b>Эпидемик паротит</b>	335
<b>48-б о б.</b>	<b>Қизамық вируси</b>	336
<b>49-б о б.</b>	<b>Тафсифланмайдыган вируслар</b>	337
	Гепатит вируси	337
	Вирусли А гепатити	338
	Вирусли В гепатити	339
	Вирусологияк диагностикасы	341
	HAV вирусологияк тест диагностикасы	341
	HBV вирусологияк тест диагностикасы	341

### ІІІ-қисм. САНИТАР МИКРОБИОЛОГИЯСЫЙ.

Санитар-бактериологик текширишлар учун озуқа мұхитлар	342
Сувни санитар-бактериологик текшириш	343
Сувни сипамага олиш	343
Микробларнинг умумий сочини аниқлаш	343
Сувдаги коли-титр ва коли-индексни аниқлаш	344
Білжетиши усули	344
Мембраналы фильтр усули	344
Алкоголсиз ицимдикларни санитар-бактериологик текшириш	345
Хавони санитар-бактериологик текшириш	345
Седиментациян усул	346
Аспирацион усул	346
Тупроқни санитар-бактериологик текшириш	347
Сут ва сут маңсузлотларни санитар-бактериологик текшириш	349
Кремли маңсузлотларни санитар-бактериологик текшириш	350
Гүшт ва колбаса маңсузлотларни санитар-бактериологик текшириш	351
Консерваларни санитар-бактериологик текшириш	353
Ювандиларни санитар-бактериологик текшириш	354
Хирургик ва бөглов материалларни стериллікка текшириш	356
Микробиологиядан лугат	357
Фойдаланилған адабиёттар	361

*Бұқыв нашири*

ҒАНИХҰЖАЕВА АЗИЗА БЕРДИЕВНА,  
НАЗАРОВА ХОЖАР АСҚАРОВНА  
**И. Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт колледжи**  
**ұқытывчилари**

**МИКРОБИОЛОГИЯ**

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриети, Тошкент, Навоий құчаси, 30.

Мұхаррирлар *Ш. Иногомова, А. Камолов*  
Бадий мұхаррир *Ф. Матеқубов*  
Рассом *М. Одилов*  
Техн.мұхаррир *В. Мешчериаков*  
Мусақхан *С. Абдулабиев*

Н/К

Босмахонага 10.12.2001 да берилди. Босишиңға 25.03.2002 да рұксат этилди. Бичими 60×90<sup>1/16</sup>. Офсет қозғы. Юқори босма. Адабий гарнитураси. Шартлы босма табоқ 23,0+0,5 вкл. Шартлы бүйек-оттиски 25,25. Нашр босма табоқ 24,17. 93—2001-ракамлы шартнома. Жами 2000 нұсқа. 184-рақамлы бүйртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбугат құмытасынинг Тошкент китоб-журнал фабрикасыда чоп этилди. Тошкент, 700194, Юнусбод даҳаси, Муродов құчаси, 1.